ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ АНТОЛОГИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
«УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА» КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ АНТОЛОГИЯСИ

(Икки жилдли)

(I Жилд)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

М. Хайруллаев (раис)
И. Искандаров
К. Ҳошимов (раис муовини)
О. Мирзаев
С. Очил (котиб)
А. Аҳмедов
А. Мунавваров

9/1095

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

«Китобхон аҳлига» мақоласи муаллифи Ўзбекистон Фанлар Академияси вице-президенти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги

ИБРОҲИМ ИСКАНДАРОВ

Тузувчи-муаллифлар: **КОМИЛЖОН ҲОШИМОВ, САФО ОЧИЛ**

Тақризчилар:
Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор **Ж. ТУЛЕНОВ;**
Педагогика фанлари доктори, профессор **М. ОЧИЛОВ.**

Мазкур китоб биринчи марта нашр қилинаётган ўзбек педагогикаси антологияси бўлиб, унда ўзбек диёрида зардўштийликдан кейин то XX аср бошларигача бўлган даврдаги таълим-тарбия тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Ал-Беруний, Ал-Чағмийний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Абулғозий Баҳодирхон, Огаҳий, Нодира сингари алломаларнинг ҳаёти, ижоди ва уларнинг илм-фан тараққиёти, маданий-маърифий қарашларидан сабоқ берилади.

Антологиянинг маъно-мазмуни Шарқ маданияти тарихи билан боғлиқ бўлиб, унда ўзбек маърифатининг тараққиёти хронологик тарзда тадқиқ этилган.

4302000000 — 156
А 353—04—95 Ахб. хат. — 95

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.

ISBN 5—645—02562—8

37.
У-31.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланади.

КИТОБХОН АҲЛИГА

Ўзбек халқи энтикиб кутган муборак айём етиб келди. Бу халқимизнинг қарамликдан озод бўлиб, мустақилликка эришиш шодиёнасидир. Ўтмишда ота-боболаримиз, буюк алломаларимиз, юксак маърифат соҳиблари бахт-саодатни Озодлик, Эркинликда кўрганлар, шунингдек Ватан ва халқ истиқболи, бахтиёр турмуш, фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқ экани ҳақида таълим берганлар.

Зотан, таълим ва тарбияда ҳикмат кўп. Шунинг учун Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Аз-Замахшарий, Имом Бухорий, Улуғбек, Алишер Навоий сингари кўплаб даҳолар илм ва фан, адабиёт ва санъат, умуман маданиятни ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшганлар.

Халқимизнинг мард ва қаҳрамон фарзандларидан Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ, Амир Темурларнинг ҳаёти, уларнинг босиб ўтган йўли, бутун фаолияти бугунги ва келгуси авлод учун ибратли эканини ҳамиша ёдда тутиш лозим. Чунки ўша фан арбоблари-ю, халқ қаҳрамонларининг фаолияти ҳар томонлама тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Юқорида зикр қилинган буюк ва суюк Инсонларнинг мероси илмий-назарий жиҳатдан озми-кўпми ўрганилди. Бироқ ўша мероснинг педагогик қирралари атрофлича, мукаммал тадқиқ қилинмади, десак янглишмаймиз. Ҳолбуки, эндигина мустақилликка эришган халқимиз мафкурасини пухтароқ тарбиялашда илмий ва маданий анъаналар, урф-одатлар, миллий қадриятларни кенг кўламда тарғиб ва ташвиқ этиш ниҳоятда муҳимдир. Ўзини миллатпарвар ва ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир зиёли худди шу нарсага эътиборни қаратиши керак.

«Ўзбек педагогикаси антологияси», бу — китоб номи маъно ва мазмуни билан уйғунлашган олижаноб мақсад йўлида қўйилган илк қадам ва шу муборак вазифани амалга ошириш иштиёқида қилинган эзгулик нишонасидир. Асар хронологик тарзда яратилган бўлиб, у ўзбек халқига кўпроқ таълим-тарбиявий жиҳатдан илмий ва амалий ахборот бериш фазилати билан қимматлидир.

«Ўзбек педагогикаси антологияси» зардўштийлик давридан бошлаб то Ислом динининг вужудга келишигача, шунингдек мусулмонлар дунёси даври иймон-эътиқод силсиласидан таълим

беради. Қуръони карим таълимоти-ю, Муҳаммад алайҳис-салом Ҳадислари тарғиботчилари, шунингдек, одоб ва эътиқод илми йўлида фидойилик кўрсатган улуғ зотлар тўғрисидаги саҳифалар киши руҳига илиқлик бахш этади. Чунки улар ўзбек миллий тарбияшунослик илми ва амалиётининг асосини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур китоб фақат илм аҳлига эмас, балки мактаб ўқувчиси-ю муаллимга ҳам, оддий меҳнаткаш-ю олимга ҳам хизмат қилишга қодир.

Академик ИБРОҲИМ ИСКАНДАРОВ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ АНЪАНАЛАРИ ТАРИХИДАН

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам таълим-тарбия масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Чунончи, Қомуснинг 41-моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.» Бу сермазмун ва пурмаъно қонун 42-моддада янада ривожлантирилади.

«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурилишлар бўлгани барчага аёндир. Айниқса, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган шиорнинг юксак кўтарилиши жумҳуриятимизнинг ҳар соҳада мустаҳкамланиши зарурлиги йўлини белгилаб беради. Давлатнинг буюк келажаги, албатта, ёшларни чуқур билимли ва покиза ахлоқ-одобли қилиб тарбиялаш билан бевосита боғлиқ эканини ёддан чиқармаслик лозим.

Биз юқорида қадрият сўзини зикр қилдик. Бу кенг қамровли, пурмаъно, ҳикматли сўздир. Зотан, ўз қадрини билмаган киши бошқалар қадрига етмайди. Худди шунингдек, ўз миллий қадриятларини ҳурмат қилиб эъзозламаган, ривожлантириш ҳақида ўйламаган инсон ўша халқ вакили деган улуғ унвонга сазовор эмас. Чунки миллий қадрият халқ ўтмишига, бугуни ва келажагига, фан ва маданият тараққиётига, миллий ахлоқ-одобга нисбатан

юксак ҳурмат билан белгиланади. Шунингдек, дини диёнат ва аждодларимиздан мерос бўлиб қолган турли-турли анъаналарга, чунончи, рўза ҳайит, қурбон ҳайит, наврўз сингари маросим ва байрамларни нишонлаш каби фазилатлар миллий қадриятларимизнинг яна бир мўътабар томонидир. Жумҳуриятимизда мустақиллик тантанаси туфайли миллий қадриятларнинг юксалиши учун кенг йўл очилди.

Умуман олганда, халқ турмушининг яхшиланиши, ривожланиши билан бевосита алоқадор бўлган фан ва маданият тараққиётини таълим-тарбиясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу аждодларимиз томонидан исбот қилинган илмий-назарий, фалсафий-тарбиявий ҳақиқатдир.

Ўзбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос дорилфунун яратган. Ҳатто ҳозирги ўзбек халқи яшаб турган заминда зардўштийлик дини кенг ёйилган даврда ҳам некбин педагогик мафкура ҳукм сурган. Шу нарса зардўштийлик дининнинг муқаддас китоби — «Авесто» нинг бизгача етиб келган айрим саҳифаларида ўз ифодасини топган.

Бироқ, муборак исломгача давр тарбияшунослиги, фан ва маданияти тарихини ёритиш имкони кам. Чунки, Қутайба раҳбарлигида араб истилочилари олиб борган қирғинбарот жанглар, талончиликлар, вайронагарчиликлар туфайли ўша даврга тегишли деярли барча асарлар, манбалар ёқиб юборилган. Бу халқнинг оғир ва аянчли қисматидир.

Тарихий қисмат қисматлигича ўтиб кетди. Лекин исломдан кейинги мавжуд педагогик қарашларни, миллий таълим-тарбияга оид анъаналарни, қадриятларни, халқ педагогикасини илмий ўрганиш, пухта таҳлил қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб муаммосидир.

Зотан, ўзбек маданияти, чунончи, шарқона миллий тарбия назарияси ва амалиёти мозийгача бориб етган тарихий илдизлар орқали озиқланади. Унинг тарбия ғоялари ўтган ҳар бир тарихий давр ва босқичлар давомида ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини ўзида мужассамлаштирган ҳолда томир отди.

Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихини шартли равишда асосан уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Октябрь тўнтаришигача бўлган давр (1917 йилгача).
2. Шўро тузуми даври (1917 йилдан 1991 йилгача).
3. Мустақиллик даври (1991 йилдан кейин).

Биринчи давр, аввал қайд қилганимиздек, зардўштийлик дининнинг чуқур илдиз отиши ва шу диннинг муқаддас китоби «Авесто» нинг Марказий Осиё ва Эрон каби мамлакатлар халқлари ўртасида ёйилиши билан бошланади. VI—VIII асрларда Марказий Осиё минтақасида яна муҳим бир тарихий воқеа рўй бердики, бу Ислом динининг кириб келиши, кенг тарқалиши, унинг халқ томонидан тез қабул қилиниши билан изоҳланади. Бу ҳодиса Араб халифалигининг тутган ташқи сиёсати, энг асосийси, Ислом динини тарғиб этиши, халқлар онгига у ёки бу йўсинда сингдири-

ши билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириб ўтиш лозимки, бирор динга нисбатан эътиқодни кенг халқ оммасига мажбуран сингдириш қийин. Тарғиб қилинаётган дин халқ руҳига мос тушса, унинг ўтмишдаги эътиқоди, қадрияти ва ахлоқ-одоб ҳамда тарбия анъаналарига монанд бўлсагина қабул қилиниши мумкин. Бу фикримиз Ислом динининг «Авесто»да ўз ифодасини топган ғояларга яқинлиги, ҳар томонлама мукаммаллиги, халқпарварлиги, инсонпарварлиги билан изоҳланади.*

Шуни таъкидлаш керакки, Ислом динининг Марказий Осиё халқлари ўртасида мустаҳкамланиши билан бирга бу заминга араб тили ҳам кириб келди. Натижада араб маданияти кенг қулоч ёзди. Бу, асосан, қадимий карвон йўли — буюк «Ипак йўли» билан боғлиқдир. У Марказий Осиё, Хитой, Византия, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ ўлкалари халқларини боғлаб турувчи мавқега эга бўлиб, ўша даврда қишлоқ хўжалиги, ҳунарманчилик маҳсулотлари ва шу кабилар орқали иқтисодий, савдо-тижорат алоқаларини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этди. Иқтисодий, савдо-тижорат алоқалари биринчи навбатда халқлар ўртасидаги маданият соҳасида яқинлашувга замин ҳозирлади ва бу яқинлашув аста-секин мустаҳкамланиб, таълим-тарбиянинг ривожланишига самарали таъсир қилди.

VII—XII асрлар давомида Марказий Осиёда маданият, илм-фан беқиёс ривожлана борди. Айниқса, аниқ фанларга қизиқиш кескин орта бошлади. Ўша тарихий даврда Ал-Хоразмий, Ал-Киндий, Закария ар-Розий, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Аз-Замахшарий сингари қомусий олимлар дунёга келди. Улар билан ёнма-ён дунёвий илмлар туғилди. Ўша улуғ мутафаккирлар инсон маънавий ва тафаккур дунёсини бойитишда, инсоният онгини, маданий-маърифий қарашларни ўстиришда ўз даврида ва кейинчалик ҳам асосий рол ўйнадилар.

Дейлик, Ал-Хоразмий риёзиёт илмига асос солди. Риёзиёт илмининг барча табиий фанларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши барчага аён. Ал-Беруний, Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино каби даҳолар кўпгина аниқ фанлар пойдеворини қуриш билан бирга ўша фанлар эришган ютуқларни умумлаштирдилар, қолаверса улар асосида инсон камолотига доир беқиёс таълимотни яратдилар.

XV—XVI асрларга келиб туркий халқлар (қадимий Туркистонни назарда тутаётирмиз) жаҳонга Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Бобур, Абулғозий Баҳодирхон сингари алломаларни вояга етказди. Бу даврда Марказий Осиё шаҳарларида қатор маданий ва илмий марказлар вужудга келди. Қадимий ва навқирон Хива ва Самарқанд музофотларида қурилган мадраса-

* Шўро тузуми ҳукмронлик қилган 70 йил давомида Марказий Осиё халқлари христиан динини умуман қабул қилмадн. Қолаверса, Ислом динига қарши канча кураш олиб борилмасин, уни сиқиб чиқариш, халқни ундан воз кечдириш мумкин бўлмади.

лар, илмий кузатиш ва тажриба иншоотлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Шўролар тузуми даврида Марказий Осиё халқлари шаънига етмиш йил давомида «ўтмишда маданиятсиз, саводсиз бўлишган» тарзидаги бўҳтонлар ёғдирилди. Бу хилдаги фикрларнинг уйдирма эканини кичик бир далил орқали тўла-тўкис рад этиш мумкин: Октябрь тўнтаришидан олдин, яъни 1900—1917 йилларда фақатгина Хива хонлиги ҳудудининг ўзида 130 та мадраса, 1636 масжид ёш авлодга таълим-тарбия берган. Шунингдек, шу воҳада 1500 мактаб бўлиб, уларда 45 мингдан зиёд талаба илм-сабоқ олган.* Қолаверса хонлик таълим-тарбия ишларини давлат миқёсидаги вазифа деб билиб, унга жуда катта маблағ ажратган. Биз ҳали асримиз бошида кўҳна Самарқанд, Бухоро, Қўқон хонликлари ҳудудидаги фан ва маданият тараққиёти, мадраса ва масжидлардаги қайноқ фаолиятлар, таълим ва тарбиянинг гуркираб яшнагани тўғрисида тўхталмадик. Шунингдек, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Абулғозий Баҳодирхон яшаб ижод этган даврлардаги илм-фан тараққиёти, мадраса ва масжидлар фаолияти, илмий обсерваториялар тўғрисида сўз очмадик. Уларнинг барчасини педагогик таҳлил аспектида ўрганилса, қанча-қанча жилд асарлар вужудга келиши қуёш каби равшан бўлади.

Демак, Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи ва унинг маданий-маърифий тараққиёти асрлар давомида мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Қолаверса, ахлоқ-одоб, педагогика фанлари бутун жаҳонга ўрнак бўларли маъно ва мазмун касб этган.

Тарихий манбалардан маълумки, Марказий Осиё ҳудудидаги мадраса ва масжидларда, эски усулдаги мактабларда диний таълим-тарбия етакчи ўринни эгаллаган. Қуръони карим, Муҳаммад алайҳис-салом ҳадислари пухта ўргатилган, миллий ахлоқ-одоб қарашларини ўз ичига қамраб олган, миллий тарбия масалаларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганишга бевосита ёрдам берадиган диний йўсиндаги асарлардан сабоқ берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Инсон, айниқса, ёш бола юксак ахлоқ ва одоб мезонини билмай ва уни пухта эгалламай туриб, бошқа илмларни эгаллаши қийин. Бу асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан қанча-қанча тажрибалар асосида синалган ҳақиқатдир.

Мусулмон мактабларида, мадраса ва масжидларида байналмилал тарбияга ҳам алоҳида эътибор берилган. Чунки бу масалага муқаддас Қуръони каримда ҳамда Муҳаммад алайҳис-салом ҳадисларида алоҳида урғу берилган. Шу ўринда эски ўқув юртларида тиллар ўрганишга бўлган эътиборни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ал-Хоразмий, Аз-Замахшарий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Ога-

---

*Давлатёр Раҳим, Шоҳназар Матрасул. Феруз, F. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 1991, 100-бет.

ҳий каби улуғ зотлар араб, форс ва бошқа тилларни қунт билан ўрганишган ва ўша тилларда эркин ижод қилишган.

Жуда кўп йиллар мобайнида мусулмон мактабларида табиий ва аниқ фанлар ўқитилмасди, улардан сабоқ бериш ман қилинган эди, деган фикрни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилинди. Агар шу фикр ҳақиқатга жиндай тўғри келса, риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса сингари фанларга ва улар билан боғлиқ бошқа фанларга Марказий Осиё ҳудудида асос солинармиди?! Ваҳоланки, ўтмишда табиий ва аниқ фанлардан сабоқ бериш ва сабоқ олиш маданияти, одоби диний таълим билан ёнма-ён ривожланган ва такомиллашган.

Мусулмон мактабларида таълим-тарбия тизими икки босқичдан иборат бўлгани кўпгина манбаларда қайд этилган. Чунончи: ибтидоий ва ўрта асрлар даври мадрасалар таълими. Шу ўринда ўз устида тинмай ишлаган иқтидорли пешқадам муллаваччалар тенгдошларидан ўзиб кетиб, илм чўққиларини эгаллаганини ва юқори даражага эришганларини таъкидлаш лозим.

Ўтмишда мактабга қабул қилинадиган ўқувчиларнинг ёши аниқ белгиланмас, баъзи ота-оналар фарзандларини 5 ёшда, айримлари эса 6—8 ёшда ўқишга беришарди. Хуллас, мактабга бериш ва қабул қилиш ёши аниқ белгиланмаган. Шунингдек, шаҳарларда ўғил болалар 15—17 ёшгача, қишлоқ жойларида эса 13—15 ёшгача ўқитиларди.

Ўқув дастурлари ва дарс жадвали мунтазам бўлмасдан, ўқувчилар синфларга ажратилмас эди. Ўқувчилар ўқитилаётган фаннинг характери ва соҳасига қараб гуруҳланарди. Масалан: «тахтахонлар» домла томонидан тахтачага ёзилган ҳарфларни ўрганувчилар, «абжадхонлар» абжад ҳисобидан таълим олувчилар, «ҳафтиякхонлар» ҳафтиякни билувчилар, «қуръонхонлар» «Қуръони карим»ни ўзлаштирувчилар, «бедилхонлар» ва ҳоказолар.

Ўқувчилар синфдан-синфга кўчирилмай, босқичма-босқич ўқитиларди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу хил ўқитиш тизимида асосий мақсад савод чиқариш ва ахлоқ-одобни таркиб топтиришга, такомиллаштиришга қаратилган. Таълимнинг 4 ёки 5-йилига келиб, талабаларга диний ва бошқа маросимларда ўз билимларини намойиш этиш, амалда синаб кўриш учун имкониятлар яратиб берилган. Бу хилдаги ўқитиш усулида илмга ташна, иқтидорли ва истеъдодли болалар кўзга яққол ташланган, бошқалардан ажралиб туришган. Худди шундай ёшлар марказий ўқув юртларида, мадрасаларда ўқишни давом эттиришган.

Русия Марказий Осиёни босиб олганидан кейин рус тилини ўрганишга ўз-ўзидан эҳтиёж туғилди. Шунинг учун ўтган асрнинг охирги йилларига келиб, рус-тузем мактаблари ташкил қилинди. Уларда, асосан, рус тили ўргатиларди, шунингдек, бошқа табиий фанлардан ҳам сабоқ бериларди.

Октябрь тўнтаришидан кейин, яъни 1917 йилдан бошлаб Туркистон минтақасида яшин тезлигида Шўро ҳокимияти ўрнатила бошланди. Бу тузум коммунистик фирқа мафкурасини тарғиб ва ташвиқ қилди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда янги мактаблар очиш ва уларни мустаҳкамлаш вазифалари кўндаланг қўйилди. Унда ёшлар онгига янги жамият ғояларини сингдириш, шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган педагогик ходимлар тайёрлаш масаласи ўз ифодасини топган эди. Шу ишларни амалга оширишда Русия халқ таълими йўналиши ва тизими раҳбарлик қилган. Тарихдан маълумки, қайси давлат ёки мамлакат ҳукмрон бўлса, тобе мамлакат ва халққа ўз мафкурасини, маданиятини, ахлоқ-одоб ақидаларини сингдиришга ҳаракат қилган. Шўро ҳокимияти ҳам коммунистик фирқа раҳнамолигида шу йўлдан борганини энди тушуниб турибмиз.

1918—20 йилларда Русия ҳукумати ва коммунистик фирқа томонидан қатор қарорлар қабул қилиндики, улар тезлик билан ижро қилина бошланди. Эски, яъни миллий руҳдаги мактаблар, мадрасалар тугатилиб, янгича мафкура асосига қурилган мактаблар, ўрта таълим ва олий ўқув юртлари ташкил қилинди. Дастлаб бошланғич мактаблар, сўнг етти йиллик ва кейин эса ўн йиллик мактаблар очила бошланди.

1924 йил октябрида Туркистон парчаланиб, миллий маданият йўли аста-секин тўсила бошланди. Асрлар оша амалда қўлланилиб келинган, қомусий илмлар битилган ёзувдан маҳрум бўлиш шу фикрнинг ёрқин мисолидир. Аввал лотин графикаси, кейин рус графикаси асосига қурилган ёзувга ўтилди. Бу Марказий Осиё халқларини ўз маданият тарихини ўрганиш имкониятидан маҳрум этди.

Араб графикаси асосидаги ўзбек ёзувида битилган асарлар мажбуран йўқ қилина бошланди. Бу ёзув ва шу ёзувда яратилган нодир китоблару қўлёзмаларга турли мудҳиш ёрлиқлар ёпиштирилди. Бу миллий маданиятнинг ривожланишига раҳна солди, миллий қадриятлар, анъаналар, миллий ахлоқ-одоб йўриқлари оёқ ости қилинди.

Мактабларда дунё фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ўзбек фани ва маданиятининг асосчилари, мусулмон оламининг улуғ зотлари эмас, балки ўзбек халқи камолотига алоқаси бўлмаган шахслар фаолияти ўргатилди. Аҳмад Яссавий, Бедил сингари сўз усталари ва тафаккур гулшани боғбонлари халқ таълими тизимидан сиқиб чиқарилди.

Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби Қуръони карим, Муҳаммад алайҳис-салом ҳадислари таъқиб остига олинди, йўқотилди. Натижада ўзбек халқи миллий ахлоқ-одоби ва тарбия анъаналаридан маҳрум бўла бошлади. Бу йўқотиш ўзбек фани, маданияти ва педагогика фанлари бошига мусибат келтирди.

1991 йилга келиб Ўзбекистон халқи мустақилликка эришди, миллий байроғи, гербига ва мадҳиясига эга бўлди, миллий қомусини қабул қилиб, шу асосда яшай бошлади. Бу билан ўзбек миллий фани ва маданиятига, педагогика фанига бахт қуши қўнди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар миллий фан, маданият, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб асосчилари-ю алломалар ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган педагогик руҳдаги

антология яратилмаган эди. Мазкур «Ўзбек педагогикаси антологияси» асари Ўзбекистон мустақиллигининг шарофати билан яратилган илк педагогик мажмуадир. Бу асар педагогика фани бўйича илк уриниш ва биринчи тажриба бўлгани учун унда айрим қусурлар, камчиликлар бўлиши табиий ҳолдир. Шу ишга самимий ва беғараз муносабатда бўлувчи китобхон ва ўқувчиларга олдиндан ташаккур айтиб, миннатдорчилигимизни билдирамиз.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ

«Ўзбек халқ педагогикаси» қамрови ниҳоятда кенг, бағоят серқирра ва сержило тушунча бўлиб, у шу халқ пайдо бўлган бутун даврни ўз ичига олади.

Халқ донишмандлиги ва одобномасининг бу нодир соҳаси ижтимоий ва маиший-ахлоқий ҳаётнинг барча томонларини, халқ оғзаки ижоди, қадршунослиги, удумшунослиги ва маросимшунослигининг етакчи йўналишларини, диний-ахлоқий таълимотни қамраб олиши билан характерланади. У халқимизнинг асрлар давомида тўпланган бой тажрибаларини, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий, маърифий, эстетик, маънавий ҳамда жисмоний етуклик борасидаги қарашларини, тажриба-хулосаларини лўнда, аммо бағоят теран, донишманднамо тарзда ифодалайди. Илк бор яратилаётган «Ўзбек халқ педагогикаси»да доно халқимизнинг таълим-тарбия, ахлоқ, одоб, инсон қадриятлари ва унинг маънавий устуворлиги, иймон-эътиқоди бутунлиги соҳасидаги дунёқараши, амалий фаолияти, усул-методлари, анъаналари табаррук исломнинг одоб-ахлоқ, илму фан ҳақидаги таълимотига боғлиқ ҳолда, муқаддас Қуръони карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳнинг муборак ҳадиси шарифларига суянган ҳолда ёритиш мўлжалланган. Тадқиқотда Оллоҳнинг илоҳий мўъжизаси —ҳаёт сарвари Инсоннинг она қорнида пайдо бўлишидан тортиб, то туғилганига қадар, илк тарбиясидан тортиб, то вояга етгунча ҳамда оила қургунга қадар, ёшини яшаб то омонатни топширгунгача бўлган ахлоқий, ақлий, эстетик меҳнат, экологик тарбияси, шунингдек жисмоний чиниқиш билан боғлиқ ўйинлар, халқ педагогик анъаналарининг ҳозирги замон ёш авлод таълим-тарбиясида тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга ўзбек анъанавий, оммавий байрам-сайллари, расм-русмлари, одатлари ва удумларида акс этган ахлоқий қарашлар, уларнинг ўзига хос одобномаси, ибратномаси каби бағоят долзарб мавзуларни ёритишга ҳам ҳаракат қилинади.

Маълумки, халқнинг педагогик қарашлари узоқ асрлар давомида шаклланган ва улар бизга алоҳида қўлланма-дастур ёхуд дарсликлар шаклида етиб келмай, балки асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарлар, элшунослик, қадршунослик, удумшуносликлар қатида сақлаб қолинган ҳамда Оллоҳнинг сўзи билан бўлган Қуръони карим ва пайғамбаримизнинг ҳадисларида ўз ифодасини топган. Демак, халқ педагогикаси ҳозиргача яшовчанлиги асосан оғзаки тарзда бўлиб, у ҳар бир

авлод унга ўз тажрибасини, қарашларини, фазилатларини қўшган ҳолда бизгача етиб келган. Бугунги кунда эса шу узоқ асрлар давомида таълим-тарбия қўлланмаси, воситаси бўлиб келган халқнинг педагогик қарашларини тўплаш, ўрганиш ва чоп этиш вазифаси турибдики, бу вазифани бажариш йўқолиш арафасига келиб қолган миллий қадриятларимиз, ахлоқимиз, урф-одат, расм-русумларимизни, удумларимизни, анъаналаримизни асраб қолиш ва тиклаш учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбек халқ педагогикаси анъаналари ўқув қўлланмаси узоқ йиллик илмий, педагогик изланишлар, амалий фаолиятлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда жонли, илмий-оммавий тилда ёзилган. Халқнинг оилавий-маиший ҳаёти, таълим-тарбиявий ахлоқ-одобга оид ҳаётий йўл-йўриқлари, усуллари, ибратли тажрибаларига оид турфа мисоллар — достонлар, эртаклар, меҳнат-мавсум маросим қўшиқлари, асотирлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, мақоллар, маталлар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар, афоризмлар, топишмоқлар, тез айтишлар, болалар ўйинлари, аллалар, тўй ва аза қўшиқлари, айтимлари, олқиш ва қарғишлар, суюш-эркалаш қўшиқлари, эркаламалар, овутмачоқлар, қизиқмачоқлар, ялинчоқлар, ҳукмлагичлар, чорламалар, чеклашмоқчалар, гулдургуплар, санамалар, ўйин-кулгулар билан боғлиқ лапар, айтишув, ўлан, термалар, болалар тарқалиш, чорлаш қўшиқлари рамазон, бойчечак, ёмғир, қуёш, юлдуз сув айтимлари, чандишлар, тегишмачоқлар, масхараламалар, «Наврўз», «Меҳржон», баҳор, куз, қиш, ёз айтим-қўшиқ ашулалари, деҳқончилик, чорвадорлик, касб-ҳунармандчилик билан боғлиқ насрий ва назмий асарлар; инсон, табиат ва ҳайвонлар дунёсига оид намуналар ҳамда мифологик тасаввурлар акс этган асарлар билан бойитилган. Қуръони карим, ҳадис ҳамда Шарқ мутафаккирларининг ахлоқ-одобга оид қарашларига доир парчалар ҳам мазкур қўлланманинг саҳифаларини безаши табиийдир. «Ўзбек халқ анъанавий педагогикаси» га оид материалларни бамисоли уммонга қиёс қилиш мумкин. Биз ушбу тадқиқотни фақат дебоча деб билиб, шу уммондан олинган қатралар орқали халқимизни, унинг айрим саҳифалари билан таништиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Кўп жилдларга ва кўп йилларга мўлжалланган — Ўзбек халқ педагогикаси катта кучни, жамоа меҳнатини талаб қилади...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ наздида, инсон она қорнидан яхши ё ёмон бўлиб туғилмайди — у бирдай туғилади. Яхши-ёмонга айланишни тарбиядан, даставвал ота-она, оила, маҳалла-кўй, қишлоқ-овул, қолаверса, жамият-тузумдандир. Бунда аждодлар қолдирган ота мерос—оилавий педагогика, халқ педагогикаси, шунингдек удумшунослик, қадршунослик, элшунослик анъаналари, жамиятнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи ўрин тутади. Халқ таъкидлашича, бола бошдан тўғри, ҳаққоний тарбияланса — у келгусида яхши инсон бўлиб етишади, эгри йўлда тарбияланса — ёмон кишига айланади. Зеро, «кўчат бошдан, бола ёшдан» мақолига амал қилиш халқ анъанавий педагогикасининг бош йўналишидир. Шу боисдан, халқ педагогикасида тар-

биянинг майда-чуйдаси, яъни бирламчи-иккиламчиси бўлмайди: ҳамма нарса ҳисобга олиниши, ҳеч бир соҳа четда қолмаслиги, айни чоқда тарбиянинг ниҳоятда нозик, инжиқ, мураккаб томонлари эътиборга олинган ҳолда, етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади. Характерлиси яна шундаки, халқ тарбияда кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутади, яъни тарбияни ўтмишни унутмаслик, бугунни қадрига етишлик, келажакка умид асносида олиб боради...

Халқ педагогикасининг яна бир ибратли жиҳати бор. Бу ҳаёт, табиат ва жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, предмет, кўриниш, қисқаси жонли-жонсиз неки бор, ундан мукаммал фойдаланишдир.

Кези келганда халқ анъанавий педагогикасида ишонтириш, исботлаш, таъсир, ибрат намунаси, тажриба натижалари, тасдиқлаш ҳам алоҳида ўрин тутишини айтиб ўтиш зарур. Буни айниқса довдарахт, тоғ-тош, парранда-даррандага бағишланган фольклор намуналарида яққол кўриш мумкин. Халқнинг бундай қарашлари таг-заминида тўрт унсурни асраш, авайлаш, яъни экологик тарбияни англаш қийин эмас.

Халқ бисотидаги энг яхши табаррук сўзлар — дуо-олқишлар ҳам тарбияга қаратилади. Дарвоқе, халқ анъанавий педагогикасида яхши сўз, дуо-олқишнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, инсон маънавий устуворлиги, иймон-эътиқод бутунлиги, қисқаси кишиларнинг ҳар томонлама мукаммал камолоти борасида тутган ўрни ва ролига алоҳида аҳамият берилади.

Эл-юрт учун ҳар томонлама мукаммал Инсонни тарбиялашга қаратилган Ўзбек халқ педагогикаси ҳам айрим шахслар ёхуд бир-икки жамоа — улар қанчалик иқтидорли-истеъдодли бўлишмасин,— томонидан яратилмаган, албатта. Уни халқимиз асру асрлар билан ўлчанувчи ҳаётида ўзининг бой ҳаётий тажрибалари, фарзандлар камолоти борасида тутган тутимлари, саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқлари, ақл-заковатлари билан яратган. Айни чоқда ўзбек халқ педагогикаси ўз ривожида бойиб, мукаммаллашиб боришида илм-фаннинг бошқа соҳаларидан, яъни мумтоз адабиёт, санъат, оғзаки ижод, элшунослик, удумшунослик, қадршунослик, одатшунослик, руҳшунослик каби соҳалар бағрида шаклланиб, улар билан бевосита алоқада бўлади, энг яхши намуналарини ўзига қабул қилиб олади...

Ҳамиша сафарларда бўлиб, ўзга юрт кишилари билан мулоқотларда бўлиш, изланишлар олиб боришдан толиқмаслик каби хислатлар ўзбек халқи характерига хос фазилатлардандир. Инсонпарварлик, байналмилаллик, ҳушёрлик, зукколик, топқирлик, билимдонлик, уқувликни ўзига эътиқод қилиб олган ўзбек халқ педагогикаси айни чоқда Шарқ одобномаси, ибратномасидан доимий равишда баҳраманд бўлган, шарқона халқ педагогикаси бойликларидан озиқланган ва унинг энг гўзал намуналарини ўзига қабул қилиб олган.

Шундай қилиб, ўзбек халқ педагогикаси туркий халқлар — ота-боболаримиз узоқ мозийда яратган ва кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сақлаб келган ота мерос, Шарқ халқларининг бой ва

бетакрор одобнома ва одатномаси, халқ педагогикасидаги энг яхши намуналар, алломалару адабиёт ва фольклор ижодкорлари-ижрочиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, яратган асарлари билан қўшилган ҳолда шаклланганлиги, ривожланганлиги ва бойиб борганлигини эътироф этиш бирдан-бир тўғри йўлдир.

Халқ педагогикаси асрлар давомида яшаб келди. Аждод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида, жисмоний баркамоллигида ҳал қилувчи рол ўйнади. Оддий инсонларми ёхуд буюк алломалар, шунчаки фуқароми ва ё юрт султонлари, кичик суворийми ёки улуғ саркардами, барибир халқ томонидан яратилган, амалда бўлган халқона тарбия анъаналарига тўла амал қилган, унга суянган, таянган ҳолда яшаса, фаолият кўрсатса кам бўлмаган, эл-юрт назарига тушган, олқишига сазовор бўлган.

Халқ педагогикасининг бунчалик таъсир кучи, аҳамияти нимада? Яшовчанлиги, «умри»нинг шунчалар узоқ муддатлар билан ўлчаниши, уни ҳеч қандай куч-қудрат билан тенглаштириб бўлмаслигининг боиси қаерда? Ўзбек халқ анъанавий педагогикасини узоқ йиллар ўрганишимиз, ҳар бир нуқталарига чуқур диққат-эътибор берганимиз оқибат-натижасида шундай хулосага келдик. Халқ педагогикасининг асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, бойиб боришининг, фуқаро, Ватан тақдирида ҳал қилувчи ролининг боиси, *биринчидан,* унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаънолигида бўлса, *иккинчидан,* унинг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт жараёнида жонли анъаналарда яратилиши, яшаши, ҳаёт, инсон муаммоларини қамраб олиши, тарбиянинг энг долзарб масалалари ечимини ҳал қилишга қаратилгани, *учинчидан,* умуминсоний йўналишга, умумбашарий ғоя-мақсадларга қаратилган бўлганлигидир. Шу боис, бошқа дунёқараш, мафкура, маънавият омиллари каби, халқ педагогикаси тарих тўфонлари-ю ур-йиқитларига, тўс-тўполонларга бардош бериб, тажриба-синовлардан муваффақият билан ўтиб, тобланиб, сайқаллашиб, ҳеч бир пайт, ҳеч бир даврда — у қанчалик оғир, мураккаб, қийин бўлмасин, барибир ўз «фаолиятини» тўхтатмасдан, аксинча фаол хизмат қилиб, авлодлар тарбияси, камолоти борасида ҳал қилувчи ролни ўйнаб келди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, халқ педагогикаси бамисоли жонли организм, қайнар булоқ, ўлмас, ўчмас, доимо бойиб, кўпайиб борувчи илоҳий, мўъжизавий тарбия соҳасидир. Халқ бор экан, эл яшар экан, бу соҳа яшайверади, ўзининг авлод-аждодларга беминнат «хизмати»ни ўтайверади. Зеро, халқ орзу-умиди, қувонч-ташвишлари, ғам-ғуссаси-ю армонлари, шодлик, бахтиёрлик онлари-ю қадр-қимматлари, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик қарашлари, дунёқараши, фалсафий-ахлоқий тушунчалари, ҳаётий, таълим-тарбиявий хулосалари халқ педагогикасида зуҳр этилади. Ўзбек халқ педагогикаси ўзининг йўналиши, ибратли хулосаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-мантиқ жиҳатдан мукаммаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси, одатномаси, ибратномаси билан ҳар қандай миллат, эл ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир.

Мустақилликка эришиб, ўзимизнинг ёрқин миллий истиқлолимизга эга бўлгач, умуминсоний ва ўзбекона қадриятларни ҳар томонлама чуқурроқ англай бошладик. Мустақил Ватанга ҳар томонлама етук, мукаммал, ахлоқий пок, маънавий устувор, иймон-эътиқоди бутун, ўз халқи, ўз она-Ватанига фидоий, жисмоний баркамол кишилар етказиш учун уларнинг ахлоқий-жисмоний тарбиясига алоҳида аҳамият бера бошладик. Дарҳақиқат, Ватан тақдири, халқ равнақи, мустақил юртнинг келгуси бошқарувчиси — янги авлод тарбияси биринчи ўринга чиқди. Жуда қийин, ўта масъулиятли, катта ғайрат-шижоат, куч-қувват, меҳнат талаб этадиган бу вазифани уддалашимизда оғзаки ижод, мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти, элшунослик, удумшунослик, қадршунослик, маросимшунослик қаторида халқ педагогикасининг ўрни ва роли беқиёсдир. Халқ педагогикаси ҳаётнинг, тафаккурнинг, одоб-ахлоқ, таълим-тарбиянинг ҳамма жабҳасини, барча муаммоларини қамраб олиши билан характерланади. Унинг олдига қўйган мақсад вазифаси аниқ, равшан, айни чоқда хайрли, савобли ва илоҳийдир: ҳаёт гули, сарвари, эгаси инсонни юксак фазилатлар руҳида тарбиялашдир.

Ҳар қандай бойликнинг ниҳояси бўлади, олтин, зар, зарбобга ўралишнинг умри қисқа. Осмонўпар бинолар қулаши, сулолалар келиб-кетиши, авлодлар кетидан янгилари келиши табиий, аммо халқ педагогикаси ҳайқириб оқувчи дарёдай уйғоқ, мусаффо чашмадай бетиним, қуёш тафтидай иссиқ, ой нуридай нурафшон, ҳаётнинг ўзидай гўзал, бедор инсонлардай уйғоқ ҳолда авлодлар тарбиясида ҳамиша ўз вазифаси — айтилгандек, Инсон одоби, хулқи, камолоти борасидаги хизматини ўтайверади, ҳеч қачон «толиқмайди» — «чарчамайди».

Биз халқ педагогикасининг шарқона ва туркона анъаналари, оилавий-маиший йўналишлари, халқнинг ўзига хослигининг миллий тўйларимиз, оммавий байрам-сайллари, маросимлар, урф-одатлар ва удумларда ифодаланиши, халқ спорт, жисмоний тарбиянинг тутган ўрни, миллий мактаб муаммолари каби шу кунларда жуда долзарб, зарур ва керакли масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Булар: халқ оғзаки ижодида ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва тарбия усуллари, инсоний қадриятлар ва юртсеварлик тарбияси; дўст-биродарлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарга муҳаббат, яхшилик ва ёмонликнинг, яхши ва ёмон сўзнинг оқибати, ҳалоллик, тўғрилик, олижаноблик тарбияси, адолат, инсоф ва инсофсизлик, дўст-биродарлик, оға-иничилик ва қон-қардошчиликнинг аҳамияти, ботирлик ва қўрқоқлик, одоб-одобсизлик, меҳмон ва меҳмондўстлик, сахийлик, бахиллик ва камтарлик, сабр-қаноат ва сабрсизликнинг оқибати, қадр ва қадрсизлик, муҳаббат, вафо ва бевафолик, тажрибакорлик, калтабинлик ва ишончсизлик, ор-номус ва номуссизлик, самимийлик ва носамимийлик, андиша ва андишасизлик, фаросат ва фаросатсизлик, тежамкорлик ва исрофгарчилик, режа ва режасизлик, меъёр ва меъёрсизлик, масъулият ва масъулиятсизлик, вақт ва фурсат,

фойда ва зарар, соғлом тарбия, тозалик ва озодалик, табиатни эъзозлаш, деҳқончилик ва чорвачилик қадриятлари, ҳайвонлар, қушлар, ер-сувни эъзозлаш, каттага ҳурмат, ёшга меҳр-шафқат, йўл ва йўлдош, севинч ва ғам, тўй ва мотам, фарзанд ва фарзандсизлик, кийиниш, сўзлашиш, юриш-туриш, саломлашиш, кўча одоби, овқатланиш маданияти, муомала, саёҳат қоидалари, ухлаш, ювиниш, жамоат ва катталар олдида ўзини тута билиш, китоб ўқиш маданияти, катталарга қарашиш, уй юмушларини бажариш, дарс тайёрлаш, ўзбек тўйлари ахлоқий, ақлий ва жисмоний мактаб эканлиги каби қадриятлардир. Шунингдек, ўзбек халқ педагогикаси анъаналарида фарзандларни эстетик идроки, ҳиссиёти ва тасаввурларини ривожлантириш ҳамда мукаммаллаштириш; болаларнинг бадиий-ижодий қобилиятларини шакллантириш ва камол топтириш, эстетик дид асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш; эстетик тарбияда болалар ўйин фольклорининг ўрни ва аҳамияти, болалар фольклор-этнография дасталари — эстетик тарбия маркази эканлиги, ворислик, устоз-шогирдлик анъаналарининг педагогик, ахлоқий-эстетик аҳамияти, ёшларни шахс сифатида шакллантириш ҳамда бадиий-эстетик тарбиялашда халқ оммавий томоша санъати, — цирк, дорбозлик, аския, бахшишоирчилик, достончилик, эртакчилик, қизиқчилик, тақлидгўйлик, маддоҳлик, қироатхонлик, қиссахонлик, отунлик, воизлик, бўзахўрлик алёрлари каби санъатларининг тутган ўрни ва педагогик-тарбиявий аҳамияти, халқ анъанавий спорти, физкультураси — фарзандлар жисмоний бақувватлиги ва етуклигининг гарови эканлиги, чаққонлик, эпчиллик ва ҳар томонлама гармоник ривожланишнинг синалган воситаси эканлиги, болалар ўйин фольклорининг педагогик-тарбиявий аҳамияти, халқ педагогик тарбиясида туризм ва саёҳатнинг, савдо-сотиқ ва тижоратнинг ўрни, жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларида халқ қизиқарли томоша санъати, ахлоқ-одоб ва таълимнинг уйғунлиги ва ўзига хослиги халқ спорт ва жисмоний тарбиясида жинсий тафовутларга аҳамият беришнинг ахлоқий-ақлий аҳамияти; халқ анъанавий педагогикасида табиат ва инсон уйғунлашуви муаммолари, табиат ва тарихни эъзозлаш, сақлаш ва қадрлашнинг аҳамияти, ҳайвонлар дунёси, қушлар олами ҳамда дов-дарахтлар, ўсимликлар ва гиёҳларга: ер, сув, борлиқ-атрофга инсоний муносабат — халқ педагогикасининг экологик тарбияси асосларининг асоси эканлиги, одатлар, удумлар, расм-русмлар, маросимлар, ирим-сиримлар, қарғиш ва олқиш-дуолар, табиат, диний байрамларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти, халқ оммавий байрам-сайллари «Наврўз», «Меҳржон» «Ҳайит-рўза», «Ҳайит байрами» ва бошқаларнинг, боланинг дунёга келиши, қулоғига азон айтиш, тиш чиқиши, илк қадами, бешикка солиш, биринчи кийим-бош кийдириш, беш, етти кун, ўн бир кунлиги, бир йиллиги, уч, тўрт, беш йиллигининг алоҳида байрам қилиниши, мактабга бориши, суннат қилиниши, кокил қўйиш, кокил олдириш, мўйлов оши, уйланиш—никоҳ тўйи, биринчи фарзанд кўриш, қирқ, эллик, олтмиш ёшлар тантаналари, пайғамбар ёши, етмиш, саксон, тўқсон йиллик юбилейлари, кумуш тўй, олтин тўй,

марварид тўй ва бошқа байрам-сайллар, тўй-томошалар, одатлар, удумлар, маросимлар ва анъаналарнинг таълим-тарбиявий, педагогик йўналиши ва аҳамияти ва шу кабилар.

Санаб ўтилган ва бошқа юзлаб удумлар, расм-русмлар, одатлар, маросимлар, анъаналар, бошқача ибора билан айтганда, қадриятлар, халқ педагогикасининг қирралари нақадар кўп ва хўблигини тақозо этади.

Оллоҳ ўн саккиз минг оламни бунёд этгандан сўнг унга сарвар қилиб Инсонни — Ҳазрати Одам Атони яратган экан. Одам Ато қовурғасидан Момо Ҳавони яратиб, заминда одам уруғини кўпайтирган, урчитган экан. Айтишларича, одамнинг кўнглига уч нарса урмас, яъни инсон уч нарсадан асло безор бўлмас, доимо ардоқлар экан. Дастлабкиси, эр учун аёл, аёл учун эр. Чунки, аёл Одам Атонинг қовурғасидан, яъни бир вужуддан яралган. Вужудда эса ошиқча аъзо йўқ. Ҳеч ким бирон аъзосидан воз кечолмагани каби аёл жинси эрдан, эр жинси аёлдан айри кеча олмас экан. Инсон кўнглига урмайдиган *иккинчи нарса* ризқ-рўзи, яшаш омили бўлган. Нон экан. Мана неча минг-минг йиллар ўтса ҳам Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор таъмини татиб кўрган буғдой ҳамон уларнинг авлодлари насибаси бўлиб хизмат қилиб келаётир. Дунёдаги не бир ширинликлар, таомлар нон ўрнини босолмаслиги барчага аён. Башарият фарзанди учун *учинчи улуғ нарса* бу китоб экан. Зеро, Қуръондаги дастлабки оят «Иқра» эканлиги, улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ўқишни ўрганиб, оллоҳнинг сўзларидан хабардор бўлиб, уларни халққа етказгани, муслимлар дилига сингдиргани маълумдир.

Китобнинг муқаддаслиги яна шундаки, одамлар у орқали фикран бойийдилар, ақлан ўсадилар, ахлоқий камол топадилар, қандай сўзлаш, қандай яшаш зарурлигини, иймон-эътиқодни асрашни биладилар. Шу боисдан ҳам ўзбек халқ педагогикаси анъаналари саҳифаларидан асосий ўринни ёруғ оламнинг гултожи — Инсон, унинг ризқ-рўзи Нон ва ақл-идроки маҳсули Китоб одобномаси ва ибратномасининг ўрин олиши бежиз эмас.

Биз бу ўринда уч муқаддас, Аллоҳнинг ердаги улуғ неъмати ҳамда бошқа инсон, ҳаёт безаги улуғ хислат-фазилатлар, одобнома ва ибратномаларнинг ўзбек халқ оғзаки ижодида, педагогикасида акс этган намуналарига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Даставвал шуни айтиш керакки, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир жанр бир олам, одоб, таълим-тарбиянинг ўзига хос дарслиги дейиш мумкин. Дарҳақиқат, фольклорнинг ҳар бир жанр намунаси тарбиянинг умумий жиҳатларини акс эттиришидан ташқари, яхшилик, эзгулик ва одамийликни гўзал, ибратли мисолларда тасдиқлаши, даъват этиши, юқтириши билан бирга аниқлик ҳам касб этади.

Чунончи, эпик ижод намунаси — қаҳрамонлик, ишқий-романтик, тарихий достонлар кўпроқ ишқ-муҳаббат ва вафо қандай бўлишлиги, ўзлигини таниш, ор-номус, бурчни англаш иймон-эътиқодли бўлиш, инсон ва ҳайвонот дунёси, масалан, от ҳамкор-

лиги, қийинчиликлар, тўсиқлар ва мушкул аҳволларни мардона енга олиш, мақсад йўлида қатъиятлик кўрсатиш, ирода, матонат кабилардир.

Қўшиқлар (лирик, маросим, мавсум қўшиқлари, «Ёр-ёр»лар, «Алла»лар, йиғи-йўқловлар, соғим, ўрим, янчиқ, байрам-сайллар қўшиқлари, болалар фольклорининг намуналари ва бошқалар) гўзаллик, самимият, меҳр-шафқат, орзу-умид, қувонч-шодлик, ғам-ғусса армон, қисқаси маҳзун ва маъсум туйғуларни тараннум этиш орқали ҳар қандай кишида чуқур инсоний туйғуларни ўстиради, ҳаётга, табиатга, инсонга чексиз муҳаббатни камол топтиради. Эртаклар орқали кишилар сирли-сеҳрли олам билан танишади, бу борадаги билими, тушунчалари бойийди, яхши одамлардаги яхши хислатлар, ёмонлардаги бадхулқлар билан хабардор бўлиб, яхшиликка меҳри тобланади, ёмонликка нафрати ортади. Халқ донишмандлигининг юксак бадиий тимсоли, қисқа, содда, аммо ҳар бирининг маънолари катта-катта китобларга жо бўла олар ли — мақоллар, маталлар ҳикматлар, қайроқи сўзлар, афористик иборалар ҳам халқ педагогикаси анъаналарининг саррин саҳифаларидандир. Бундай одобнома, ибратнома, қадршуносликка оид саҳифалар орасида кишини ақл-заковат, уддабуронлик, топқирлик, фикр-мулоҳазага ўргатувчи топишмоқлар, яхши кайфият, тетиклик бардамлик, умидворлик уйғотувчи, умрига умр қўшишда муҳим таълим-тарбиявий ролни ўйновчи латифалар, аския, қизиқчилик намуналари ҳам ўзига хос одобномалардир. Асотирлар, афсона ва ривоятлар эса донолар донолиги, ибрати, шунингдек табиатни асраб-авайлаб, қадрига етиш, сақлаш, чиройига чирой қўшишга бўлган **иштиёқни** ўстириш, экологик тарбияни йўлга қўйиш, камол топтиришда муҳим манбалардан бўлиши, педагогик тарбиянинг етакчи соҳаларига айланиши табиийдир.

Шундай қилиб, халқ педагогикаси анъаналарида муҳим ўрин тутувчи инсон одоби, таълим-тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйновчи, халқимизнинг асрлар бўйи ўз орзу-умидлари, дард-аламлари, қувонч-шодликлари, ғам-ғуссалари-ю армонлари, яхши кунлар орзулари, мустақиллик ахлоқий қарашлари, умуминсоний ва миллий қадриятлари акс этган фольклор намуналари тарбиявий аҳамият касб этади.

«Ўзбек халқ педагогикаси» ҳақида сўз борар экан, шўролар тузуми, комфирқанинг сароб сиёсати туфайли унинг «бошига» тушган кулфатларни ҳам эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Дарҳақиқат, бошқа ўзбек қадриятлари қаторида халқ педагогикаси анъаналари бошига ҳам беқиёс кулфатлар тушди: улардан бир қисми эскилик қолдиқлари, социализмга хизмат қилмайди, — деб қораланган бўлса, бошқасига динни тарғиб-ташвиқ қилади деб, уларга «реакцион» деган тамға босилди. Бошқаларига хос икки тамға босилиб, улар ёш авлод тарбиясида зарарли, деб топилди. Шу боисдан қадим-қадимларда яратилиб, халқ таълим-тарбияси, одоб-ахлоқида муҳим ўрин тутган халқ анъанавий педагогикасининг катта бир қисми унутилди, қолганлари халқ

орасида сочилган ҳолда яшаб келди. Йўқолиб бораётганларини сақлаб қолиш, сочилиб ётганларини тўплаб, кундалик таълим-тарбияда фойдаланиш хусусида ҳеч ким қизиқмади. Оқибат-натижада замонавий одобнома, таълим-тарбияда халқ педагогикаси мутлақо четлаб ўтилди, дейиш мумкин. Ваҳоланки, ҳозирги замон таълим-тарбиясида, кишиларни маънавий устувор, иймон-эътиқодда мукаммал қилиб тарбиялашда таълим-тарбиянинг бошқа манбалари каби халқ педагогикасининг анъаналари ҳал қилувчи ролни ўйнашда жуда зарурий муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Бу хато қанчалик тез тузатилса, шунча фойдали иш қилинади. Бугунги долзарб вазифа, мактаб, махсус ўрта ва олий таълим дастурларига, педагогикага оид қўлланмалар ва дарсликларга, қисқаси одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ишларимизда «Ўзбек халқ педагогикаси» анъаналаридан мақсадга мувофиқ тарзда кенгроқ фойдалана билмоқдир. Қолаверса, миллий истиқлол мафкурасини яратишимизда ҳам ўзбек халқ педагогикасидан унумли фойдаланиш мумкин, чунки оғзаки ижод, халқ педагогикаси анъаналари миллий истиқлол мафкурасининг асосий манбаларидандир. Яна бир муаммо. Миллий истиқлол мафкураси кишилар онгига жуда эрта, ҳатто оилада, болалар боғчалари ва яслиларидаёқ сингдирилмоғи ёшларни халқимиз оғзаки ижодиёти, педагогик анъаналари, қадршунослиги хулосалари асосида тарбиялаш, ахлоқий, маърифий-эстетик руҳда камол топтириш ҳар қачонгидан кўра ҳам долзарброқ муаммолардан бўлиб қолмоқда. Хўш, бу соҳадаги асосий муаммолар, амалга оширилиши ниҳоятда зарур бўлган амалий ва назарий ишлар, ташқилий изланишлар нималардан иборат?

Биринчидан, ёш авлодни миллий одоб-ахлоқий тарбиясида фольклор, шунингдек, қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий хислат-фазилатлар асосида тарбиялашга эришиш.

Иккинчидан, мактаб, олий ўқув юртлари тизимини бутунлай ўзгартириб, уни халқимизнинг миллий таълим-тарбияси, миллий анъаналари асосида бутунлай қайта қуриш; чунки, ёшларни ахлоқий-мафкуравий ва жисмоний-етуклик, иймон-эътиқод борасида илк таълим-тарбия берувчи бошланғич, ўрта ва олий таълим олийгоҳлари бўлиб, улар ўз фаолиятларини миллийлаштирмасалар, амалий кундалик ишларидан тортиб, ўқиш-ўқитишларигача халқимиз педагогикаси, анъаналари асосида қурмасалар, сўз бораётган соҳада мустақиллигимиз талаб қилган даражада ютуқларга эришиш амри маҳол.

Учинчидан, халқ оғзаки ижоди том маъноси билан одобнома, халқ педагогикасининг ажралмас қисмидир. Чунки, халқ оғзаки ижодининг қайси шакли бўлмасин, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, халқ ахлоқий қарашларининг у ёки бу жиҳатлари ўз ифодасини топган бўлади. Демак, халқ оғзаки ижоди одобномаси, унинг таълим-тарбиявий томонларидан кундалик ҳаётимизда ҳар қачон-

тидан ҳам кўпроқ фойдалана билиш — даврimиз, истиқлолимиз талабларидандир.

Тўртинчидан, «Ўзбек халқ педагогикаси» ўқув қўлланмаси ва унинг кўп жилдли тарихини яратишнинг вақти келди.

Бешинчидан, илмий назарий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда ўзбек халқ педагогикаси анъаналарининг нафақат ахлоқий, маърифий-эстетик жиҳатларидан фойдаланиш, балки унинг улкан қисми — халқ анъанавий спорти, жисмоний тарбия ва фольклор ўйинларининг, шу жумладан, байрам-сайлларининг фарзандлар жисмоний, ақлий тарбияси, бақувватлилиги, чаққонлиги, эпчиллиги, қисқаси ҳар томонлама ақлий-жисмоний ривожланишининг синалган анъаналаридан мақсадга мувофиқ фойдалана билиш. Демоқчимизки, боғча-яслилар, мактаб, олий ўқув юртлари жисмоний тарбия ва спортга оид фаолиятларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосига қайта қуриш, эрлар ва қизларни алоҳида-алоҳида ажратиб ўқитиш, жисмоний чиниқишнинг миллий кураш, тош кўтариш, узоққа чопиш, узоққа сакраш, чиллак, тўптош, ошиқ ва тош ўйинлари, овуш, қоп кўтариш, том ёпиш, чавандозлик, камонбозлик, сузиш, сув остида туришлик, қулоқ чўзма, муштлашиш, товон тепарлик, эшакминди, отда чопиш, «айиқ-айиқ», бўри ўйини, дарахт қулатиш, рўмол олиш, олтин қабоқ, куч синашлик, тўп ўйини, беллашув, тортишув, «зувв-зувлаш», бекинмачоқ, ер олиш, меҳмон-меҳмон, ходага чиқиш, арқон тортиш, соч ўриш, толпопук, «Ё рамазон», Бойчечак, «Гаплашиш», «Дарра уриш», пиёда кўпкари, соққа, тухум уриштириш, ланка каби юзлаб фольклор ўйинлари — етуклик мактаби анъаналаридан қўллана билиш ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, ўзбек халқ педагогикаси анъаналари, шу жумладан унинг ажралмас қисми—оғзаки ижод намуналаридаги одоб-ахлоқ, таълим-тарбия борасидаги пандномалар бағоят ҳаётий, халқчил ва ибратлидир. Хусусан анъанавий халқ достонлари ва эртаклари, қўшиқлар ва мақоллар — одобнома дарслари эканлигини, фольклорнинг бошқа катта-кичик жанрлари бошдан-оёқ пандномалигини унутмаслигимиз керак. Дарҳақиқат, ҳақиқий инсонни шакллантирувчи одоб-ахлоқ ҳақидаги халқ қарашлари, халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан достонларда яшаб келади, уларда одоб-ахлоқ мавзуси ўта донишмандлик билан кенг ишланганига гувоҳ бўламиз.[1] Бунинг учун биргина Жанубий Ўзбекистон достончилигига оид Қодир бахши Раҳимовдан ёзиб олинган ва нашрга тайёрланган машҳур «Гўрўғли» силсиласига кирувчи «Зайдикон» достонига назар ташлаш кифоя. Ушбу достонда машҳур баҳодир ва юрт бошлиғи Гўрўғлининг болалиги ва илк орзу-умидлари, доимий ҳамроҳи ва йўлдоши Ғиротга эга бўлиб, ор-номус, қадр-қиммат ва шаън учун бошдан кечирган дастлабки ға-

---

[1] А. Эргашев, Р. Ҳакимов. Достонлар — одобнома дарслиги. Ўзбек халқ донишмандлиги сабоқлари, Т., 1993, 120—125-бетлар.

ройиб баҳодирликлари, кўрсатган шижоат — жасоратлари юксак бадиий савияда акс этган.

Баҳодир Гўрўғли ҳали болалигида ҳаётнинг аччиқ-чучиги, баланд-пастини, яхши-ёмонни, хиёнату-диёнатни, разолату адолатни, ёвузлигу эзгуликни, ростu ёлғонни, тўғрилигу айёрликни ҳамиша фарқлай олмайди. Унга буларни ўргатиш учун Мураббий даркор. Аммо, асосий тарбиячилар — ота-она йўқ. Шу сабабли бу вазифани бажариш ҳомий — Хизр ва 40 чилтон зиммасига тушади (Айни шу қаҳрамонлар — образларнинг қўлланиши туфайли ўзбек бахши шоирлари ва достонлари «бощига» коммунистик ахлоқ тарафдорлари томонидан озмунча тошлар отилмади, кулфатлар солинмади). Дарвоқе, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсата оладиган, жасурлик, довюраклик, марду майдонликнинг тимсоли бўлган, яхшилик, эзгулик ва одамийлик, эл-юрт учун мардонавор кураша оладиган бўлгуси эпик қаҳрамоннинг тарбиячилари, халқ достонлари анъанасига кўра, фавқулодда донишмандлик фазилатларига, бениҳоя куч-қудрат ва илоҳий хислатларга эга бўлмоғи лозим (Анъанавий достонлардаги айни шундай ўринларнинг ёшлар ахлоқи, таълим-тарбиясида айрича аҳамияти борлигини ёддан қочирмаслик керак).

Қирқ насиҳатда инсонни севиш, ардоқлаш, қадрлаш, эъзозлаш, унинг бахт-саодати учун курашиш зарурлиги кабилар қирқ чилтон насиҳат-дуо-олқишларининг асосий мағзини ташкил этади. Кишиларга муҳаббат, даставвал, бири ақл, бири идрок бўлмиш ота ва онага сидқидилдан муҳаббатдан, ҳаёт бағишлаган азизларни иззат-ҳурматини жойига қўйишдан бошланиши инсоний бурч эканлиги уқтирилади, инсонга инсоннинг ҳурмати, садоқати, меҳр-муҳаббати ифодаланади.

Қирқ насиҳат — дуодан бир-иккитасинигина келтирамиз:

Ота билан яшар ушбу башорат,
Фарзанд учун ота олтин иморат,
Ёмон бўлса ҳамки ота улуғдир,
Кетган бўлса қил қабрини зиёрат.

Она кўрсатади жаҳон юзини
Олтинга бит ҳар бир айтган сўзини.
Бириси ой бўлса, биридир қуёш,
Тавоб айла босиб кетган изини.

Осмонга тош отсанг бошингга тушар,
Ўлимтик қушни кўр маслиқни[1] тишлар.
Бир марднинг изидан кулиб камситма,
Қўлингдан келармиш ул қилган ишлар.

Меҳнат билан топсанг молинг қилар маст
Киши моли билсанг юқмас бир нафас.

[1] Маслиқ — ҳаром, ўлиб қолган ҳайвон гўшти.

Бошинг эсон давлатингни кам дема,
Хизмат қилган роҳат кўрмасдан қолмас.

Зилзиладан чиқар тоғнинг нидоси,
Ҳеч киши бўлмасин ғийбат фидоси.
Силаганман ёби бўлмас тулпор от,
Мақтагандан номард бўлмас асло мард.

Хулоса тариқасида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдикки, «Ўзбек халқ педагогикаси» ва унинг асосий манбаларидан бўлмиш оғзаки ижод—фольклорнинг инсон маънавий устуворлиги, иймон-эътиқодининг бутунлиги, ватанпарварлик, дўст-биродарлик, яхшилик, эзгулик, аҳиллик, қадр-қиммати ва шаънини улуғловчи саҳифалари ранг-барангдир. Бу саҳифаларнинг ҳар бири Одобнома, Ибратнома деб баҳоланишга тамомила ҳақлидир.

Ҳозирги замон таълим-тарбияси, истиқлол мафкураси ана шу меросдан озиқланса, унинг энг яхши саҳифаларини, қоидаларини қабул қилса, ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларини шараф билан бажариши мумкин. Чунки, халқ одобномаси ва ибратномасининг бу икки теран, бой, сермаъно, мазмунли соҳаси — халқ оғзаки ижоди ва халқ педагогикаси анъаналари — инсонни ҳар томонлама тарбиялаш, камолга етказиш, маънавиятларимизнинг устувор иймон-эътиқодларимизнинг бутун бўлишлигини, қадрли қадриятларимизнинг қадрланиши гаровидир.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДАН НАМУНАЛАР

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки босқичини ўтаётган шу кунларда ёшлар тарбияси масаласи, тарбияда халқ педагогикасининг тутган ўрни, унинг миллийлик ва умуммиллийлик (байналмилал) касб этиши долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, жумҳурият халқ таълими тизимини инсонпарварлаштириш, халқчиллаштириш асосида қайта қуриш, миллий мактаблар барпо қилиш, мавжуд мактабларнинг ўқув-тарбия жараёнини миллийлаштириш босқичида халқ педагогикаси етакчи ўринда туриши шубҳасиздир.

Халқ педагогикасининг ижодкори ва шу асосда авлод-аждодларимизни баркамол кишилар қилиб тарбиялаб келган биринчи ва тўнғич педагог — ўқитувчи халқдир. Бироқ, афсуски, шўро тузуми даврида қарийб бир аср давомида ўзбек халқи ўша маданиятнинг ажралмас қисми бўлмиш халқ педагогикасидан ажралиб қолди.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳасида ҳукм сураётган танглик маориф соҳасига ҳам жилдий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу танглик жумҳуриятимиз халқларининг тарихан қарор топган умумбашарий қадриятларидан, бола тарбияси борасидаги педагогик қарашлар, ғоя, урф-одат, расм ҳам анъаналардан ажраб қолишлиги билан боғлиқдир.

Маълумки, миллат ўз тарихини унутса, унинг миллий педаго-

гикаси ҳам ўз заминидан ажралиб қолиши табиий ҳол. Илғор демократия, инсонпарварлик асосида шаклланган халқ педагогикасидан ажраб қолиш умумтаълим мактаблари, ўрта ва олий педагогика ўқув юртлари, оила ва кенг жамоатчиликнинг тарбия борасидаги фаолиятига жиддий зиён етказди. Халқ Она сути билан кириб, унинг қон-қонига сингиб кетган миллий одоб-ахлоқ анъаналаридан маҳрум бўлди. Натижада, ёшлар ўртасида турли кўринишдаги ахлоқсизлик, жиноят, маънавий қашшоқликлар тобора кучайиб борди.

Маълумки, халқ педагогикаси деганда халқ оғзаки ижодиётининг барча жанрларида акс эттирилган тарбия борасидаги қарашлар, ғоя, урф-одат, расм ҳамда анъаналар йиғиндиси тушунилади. Демак, халқ педагогикасининг асосий манбаи фольклордир. Худди шу жиҳатдан халқ педагогикаси мумтоз педагогикадан фарқ қилади. Фольклор ҳамиша буюк мутафаккирларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Халқ педагогикаси қамрови кенг бўлиб, уни муайян халқ тарихи, фалсафаси, психологияси, этнографияси ҳамда халқ табобатидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Фольклор халқ педагогикасини, яъни халқ оммасининг тарбия борасидаги қарашлари, ғоя, урф-одат ҳамда анъаналар йиғиндисини ифодалайди. Шунингдек, тарбияни амалга оширишда қўлланиб келинган усул, восита, кўникма ва малакалар бирлигини ҳам ўз ичига олади.

Бироқ, афсуски, шу пайтгача халқ педагогикасини ўрганиш ва уни замонамиз нуқтаи назаридан қайта ишлаб улгурмадик ва амалий фаолиятда қўллай олмадик. Ўзбек халқининг беқиёс даражадаги бой педагогик фикр ва қарашлари илдизи қаромати «Қуръон» ҳам Муҳаммад алайҳис-салом Ҳадисларига бориб тақалади.

Бола тарбияси борасидаги анъаналар ўзбек классик адабиётида ўз аксини топа борган. Жумладан, IX—XII аср алломаларидан Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рушнома», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Қайковуснинг «Қобуснома» каби асарлари жаҳон олимларининг эътиборини ўзига тортган ва улардаги педагогик ғоялар салмоқли ўринни эгаллайди.

Ҳозиргача нашр қилинган халқ оғзаки ижоди намуналари ва фольклор материалларида бевосита болалар (ёшлар) иштирок қилмаган ёки қаҳрамонининг ёшлиги тасвирланмай қолган асар кам учрайди. Болалар бевосита иштирок қилган халқ ижоди намуналарида эса, қай даражада бўлмасин, халқ педагогикасининг тарбиявий анъаналари четлаб ўтилмайди. Демак, халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан буён жаҳон халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқ педагогикасининг ҳам ягона тарбия воситаси бўлиб келган ва у бизнинг замонамизда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Ўзбек халқ педагогикаси бола кўриш, тарбия жараёни ва унинг жамиятда тутган ўрни, халқ педагогикасида тарбиянинг таркибий

асослари (ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва нафосат тарбияси), миллий тарбияни амалга ошириш усул ва воситалари, ёшларни дастлабки оилавий одоб қоидаларига одатлантириш ва уни амалга ошириш йўллари, ёшларни дастлабки оилавий дастёрлик меҳнатига одатлантириш, уни амалга оширишда фойдаланиладиган усул ва воситалар, халқ педагогикасида мактаб ва ҳунар таълими, шунингдек бошқа шу каби тарбиявий тадбирларни қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида акс этиб келган. Илмий педагогика ўз навбатида мана шу омиллар заминида шаклланган.

Илмий педагогиканинг бош мақсади ва вазифаси ҳар жиҳатдан тўла камолотга эришган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилади. Баркамоллик эса ёшларни ақлий, жисмоний, ахлоқий, меҳнат ҳамда нафосат жиҳатдан етукликни ўз ичига қамраб олади.

Бас, илмий педагогика халқ педагогикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Халқ педагогикаси эса халқ оғзаки ижодида намоён бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълум маънода ўзбек халқ оғзаки ижоди тўғридан-тўғри бола тарбиясига таъсир этиш воситаси бўлиб хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда.

Чунончи, т е з а й т и ш — болалар нутқини ўстиришга, т о п и ш м о қ — болаларнинг топқирлигини тарбиялашга, м а қ о л — болаларнинг одоб-ахлоқ тарбиясига, қ ў ш и қ — болаларнинг нафосат тарбиясига, д о с т о н в а э р т а к л а р — боланинг турли томонлама тарбиясига ижобий таъсир қилиб келган.

Тез айтиш

«Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди».

Олим Олимадан олма олдими,
Олима Олимдан олма олдими?»

«Эшик олдида булоқ, булоқдан сув ичар улоқ, узун қулоқ.

Тўп-тўп кўк коптоқ, ҳар тўп кўк коптокда биттадан катта коптоқ», каби тез айтишлар орқали гапдаги сўзлар маъносини тез англаб олиш, урғуларни ўз ўрнида ишлата билиш, болаларда нутқни тўғри ва бурро талаффуз қила олиш малакаларини ҳосил қилишда катта роль ўйнади.

Топишмоқ (жумбоқ) қадимдан давом этиб келаётган ва халқимиз орасида, хусусан ёшлар ўртасида энг кўп тарқалган жанрлардан биридир.

Тоғдан келар лўк-лўк,
Бўйни узун, кўзи кўк.
Ҳай-ҳай унинг юриши.
Ғамза билан туриши.
Узун-узун минора,
Ҳар шохида бир лола.
Лоласидан олибман,
Балосига қолибман.
Йўргакланган маликам, сочлари бир тутам.
Икки ажиб қулоғи бор:

Бири тинглар, бири сўзлар.
Бир отаси, бир онаси,
Неча юз минг боласи.

Болаларнинг топқирлигини тарбиялаш ва зеҳнини ўткирлаштиришда, фикрлаш қобилиятларини ўстиришда топишмоқлар муҳим аҳамият касб этади. Ўз хусусусиятига кўра топишмоқ икки ва ундан ортиқ болалар ўртасида мустақил фикрлаш йўли билан, қизғин савол-жавоб усулида, тортишувлар, баҳслар орқали олиб борилади.

Топишмоқ болаларни тобора кўпроқ нарса ва буюмларни, табиат ва унинг ҳодисаларини идрок қилишга ёрдам беради.

Мақоллар одамларнинг ҳаёти ва турмуши жараёнида тўплаган тажрибалари, дунёқараши, ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, ўтмиш ҳаёти ва унинг ибратли сабоқлари, шахснинг руҳий ҳолати, умид ва орзуларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам улар бола тарбиясида, хусусан ахлоқ ва одобига ижобий таъсир этишда самарали таъсир кўрсатишга қодир.

Мақолларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўзбек мақоллари асосан иккинчи шахс — тингловчига нисбатан ўгит-насиҳат йўсинида бадиий ўхшатишлар орқали айтилади.

Яхши бола ёғ келтирар,
Ёмон бола доғ келтирар.

Яхши бола — тўрга тортар,
Ёмон бола — гўрга.

Одоб — кишининг зебу зийнати.

Одоб — олтиндан қиммат.

Сўз кишининг ўзаги,
Одоб кишининг безаги

каби мақолларда одоб-ахлоқнинг қиммати ҳақида гап юритилса,

Олтин олма, дуо ол.
Дуо олтин эмасми.

Онангга бошингни хам қил,
Отангга гапингни кам қил

сингари мақолларда ўгит-насиҳат биринчи даражага кўтарилади.

Қўшиқ жанри ёшларнинг нафосат тарбиясида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ қўшиқлари асосан «Алла», «Ёр-Ёр», «Ўлан», «Азайиғи» каби бир неча турда шаклланган.

Бола даставвал она «Алла» сини эшитади. Бинобарин, бола кўриш бахтига муяссар бўлган оналарнинг қай даражада бўлмасин, «Алла» айтолмасликларини тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳатто, қўғирчоқ ўйнашни уддалай олган жажжи қизлар ҳам

«алла» айтиш билан гўё қўғирчоқларини овунтирадилар ва шу орқали қўшиқ оламига илк бор қадам қўядилар.

Она «алла» сининг тарбиявий роли муҳимдир. X аср Марказий Осиё халқларининг машҳур мутафаккири ва тиббиётнинг буюк сиймоси Абу Али ибн Сино она «алла» сининг тарбиявий аҳамияти ҳақида болаларнинг талабини қондирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ кераклиги, чунончи: бири — болани секин-секин тебратиш, иккинчиси — уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа — аллалашдир, деган фикрни илгари сурган.

Эртак ва достонлар болани ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда асосий омилдир. Ўзбек оиласида эртак айтиб бермай бола ўстирган ота-она ва катталарни ёки эртак эшитмай улғайган ёшларни тасаввур қилиш қийин. Буни тарихда ўтган илм-фан вакиллари, шоир ва адиблар, жамоат арбоблари эътироф этадилар. Шулар жумласидан Ҳ. Олимжон болалик кунларида тинглаган эртаклари ва унинг таъсир кучини хотирлаб, шундай деб ёзади:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўзлаб берарди бувим.

. . . . . .

Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим,
Сеза олардим кучин.

Эртак ва достонларнинг тарбия учун муҳим томони шундаки, унда халқ оғзаки ижодидаги топишмоқ, мақол, қўшиқ каби жанрлар жамланган бўлиб, улар педагогик ғояларнинг мукаммалроқ, таъсирчан бўлишини таъминлайди. Эртак ва достонларда бола тарбиясининг деярли ҳамма таркибий қисмлари: жисмоний ва ақлий камолот, илм ва ҳунарга муҳаббат, меҳнатсеварлик, маънавий сифат ҳамда нафис дидларнинг таркиб топишига оид кўпдан-кўп педагогик материалларни учратиш мумкин.

Масалан, «Қорасоч пари» эртагида Нодир жуда ёш чоғида отадан етим қолади. Унинг онаси — доя Қамбар. У Нодирни сафарга жўнатиш олдидан «... Нодирни бағрига босиб: Менинг уч насиҳатимни қулоғингдан чиқарма, биринчи — бировга хиёнат қилма, иккинчи — бировнинг дилини оғритма, учинчи — қайси шаҳарга борсанг энг аввало ўша шаҳарнинг қариялари билан суҳбатлашиб иш кўр!» деб, насиҳат қилади ва бола умрининг охиригача она насиҳатига амал қилиб, мурод-мақсадига етади. Шунга ўхшаш «Эрали ва Шерали» достонида Эрали билан Шералининг

домласи шогирдларини кузатар экан, қуйидагича насиҳат қилиб қолади:

Яхшиликдан ажратмагил дилингни,
Ҳам яхшилик устун қилар қўлингни.
Мискинларга сарф айла бер пулингни,
Мен сенинг қурбонинг бўлай Эрали.

. . . . . .

Куч-қувватни ғойиблардан тилагин,
Ғарибларнинг манглайини силагин.
Сен улардан олтин — дуо тилагин,
Дуо олтин бўлур, билгин, Эрали,
Мулла Ҳайдар, берди шу насиҳатни.
Сен ҳам бўлдинг менинг бир фарзандим.
Қулоғингда турсин шу насиҳатим,
Минг яшагин, асло ўлма, Эрали.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, фольклор намуналари тўғридан-тўғри тарбия воситаси сифатида хизмат қилади.

Ўз фарзандини «саломлашиш» га одатлантиролган ота-она улуғланади:

Қизил-қизил олма тердим, тепа шохдан эгилиб,
Қизларжон ўтиб борадир сочбоғи ерга тегиб.
Салом берсам, алик олди тол хивчиндек эгилиб,
Ўстирган онангга раҳмат, ўлмагайсан кўз тегиб.

Билъакс, ота-она қаттиқ қораланади. Ота-она турли таъна ва иснодга қолади:

Икки юзинг пишган олма,
Ноз этиб ҳаргиз буралма.
Ишдан ҳеч бўйин товлама,
Чиройлисан кўрдик келин.
Онанг сени ўстирган хом,
Сўзларимни уққин тамом.
Қатталарга бергил салом,
Шунда қадринг ортар келин.

Шу билан бирга қўшиқларда «саломлашиш» ёшларнинг одобли ёки одобсизликларини белгилайдиган омил эканлиги ҳам кўрсатилади.

Ҳовличадан ўтаман,
Эгри-бугри йўл солиб.
Бир сўзим бор айтаман,
Кўнглингизга қўл солиб.
Ака, ёрингни кўрдим,
Далада юрган экан.
Қайрилиб салом берсам,
Тили йўқ, ҳайвон экан.

Демак, қўшиқ асосан нафосат тарбияси воситаси бўлса ҳам, айни пайтда одоб-ахлоқ тарбияси воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ахлоқий тарбия усуллари жумласига: тушунтириш, намуна кўрсатиш, одатлантириш (ўргатиш, машқ қилдириш), илтимос қилиш, тилак-истак билдириш, маслаҳат бериш, ундаш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, олқиш (оқ йўл тилаш) кабилар киради. Тақиқлаш, таъна (гина, ўпка) қилиш, масхара (мазах) қилиш, мажбур қилиш, танбеҳ бериш, койиш, қарғаш, қўрқитиш, узр сўраш, лаънатлаш, уриш, калтаклаш сингари тарбия усуллари ҳам кенг тарқалган.

«Уста Ниشон» эртагида Ниشон ўз қишлоғига кета туриб, йиғилганларга қарата: «Оталар, акалар, мен арзимаган сабаб билан сизнинг қишлоғингизга келдим. Тузингизни ичдим, иззат-ҳурматингизни кўрдим. Мени деҳқончилик қилишга, боғ тутишга ўргатдиларингиз. Сиздан мен жуда-жуда хурсандман. Энди менга ижозат берсаларинг, ўз қишлоғимга, ота-онам олдига кетсам. Сизлардан оқ фотиҳа сўрайман», дебди. Йиғилганлар: «Ўғлим, биз сиздан жуда хурсандмиз, бизнинг мушкулимизни осон қилдингиз, боғ-роғларимиз қайта кўкарди. Сиздан ҳеч ёмонлик кўрмадик. Отангиз чақиртирган экан, иложимиз қанча. Ота-онангиз олдига боринг, умрингиздан барака топинг, яхши қаллиқ учрасин, болачақали бўлинг. Отангизга, волидангизга биздан дуо денг» деб, жавоб берадилар. Бу эртакни ўқиган болада яхши хулқли бўлиш, дуо олиш, ота-онага раҳмат келтириш иштиёқи уйғонади.

Энди қуйидаги манзарага эътибор беринг:

Сен, жувонмарг, эшит менинг тилимни,
Нега сен йиғлатдинг менинг улимни?
Нега урдинг эчки боқар калимни?
Сенда одам билиб юргин йўлингни!
. . . . . .
Боймамат ҳурмати, сийлаб турайин,
Бундан бўлак теккин қани, кўрайин,
Э жувонмарг, билганимдай қилайин,
Қараб тургин, сен ҳам мени биласан,
Эчки боқар калга тегсанг ўласан.

Бу парчада қоралаш усулининг қарғиш шакли ишлатилган. Шу сатрларни ўқиган болада ёмон йўлдан юриш, одобсиз бўлишдан чекиниш туйғулари пайдо бўлади.

Ўзбек халқ педагогикасида юқоридаги каби фольклор жанрлари билан бир қаторда бола яшаб турган муҳит-шароитнинг воситачи роли ҳам мавжудки, улар ёшларнинг маънавий фазилатларини шакллантиришда катта ва самарали тарбия воситаси ҳисобланади.

Шулар жумласига: болалар ўйинлари (кўп турда), чойхўрлик (чойхона гурунги), болалар гапи (гап айтиш), болалар мажлиси,

меҳмондорчилик, ҳашар кабиларни киритиш мумкин. Қолаверса, халқнинг миллий урф-одатлари, турли маросимлар, анъаналар, байрам ва маросимлар болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Чунончи:

а) тўй маросимлари — бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи;

б) сайллар — дала сайли, гул (бинафша) сайли, қовун сайли;

в) йиғин (томоша, туғилган кунни нишонлаш), йигит базми, қиз базми (мажлиси), келин салом, улоқ (кўкбар), пойга, кураш, турли шаклдаги мусобақалар;

г) аза маросими, маъракаси;

д) сафарга чиқиш, овга бориш, бизнинг замонамизда кино, театр, истироҳат боғи, оммавий йиғину томошаларга бориш ҳамда байрамлар (Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Наврўз).

Бундай давралар ёки йиғинларнинг тарбиявий таъсири катта бўлган ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан: «Дурадгорнинг ўғли» эртагида хон ўрдасига тезроқ бориб етиш учун шошилаётган ота ўғлига қараб: «Ўғлим мени қачон қайтишим номаълум бўлиб турибди, балки бугун-эрта қайтмасман. Меҳмонларга яхши қараб тур. Ўринларидан туриши билан жойларини йиғиштир, юз-қўлларини ювгани сув бер, сочиқ тут, сўнг салом бериб яхши ётиб турганликларини сўра, сут, қаймоқ билан нонушта бер. Керак бўлса, отларига ем-хашак тушириб бер, ҳурматларини қил. Башарти бугун кетишадиган бўлиб қолишса, мендан дуо айт, келолмаслигимнинг сабабини айтиб, узр сўра. Кутишмай кетишса, кузатиб қўй. Кўз илғамайдиган бўлгунча орқаларидан қараб тур» деб тайинлайди.

Шу йўсинда ота меҳмон билан қандай муносабатда бўлишлигини уқтирди. Шунга ўхшаш термалардан бирида:

Дўмбирамнинг қопқоғи тутдан,
Мен айтайим арзи доддан.
Устоз кўрмаган шогирддан,
Мажлис кўрмаган йигитдан
Ақлли ҳайвон яхшироқ.
Ақлсиз бўлиб ўсган қиздан,
Мажлисдаги қўпол сўздан
Индамай кетган яхшироқ.

Шундай қилиб, ўзбек халқ педагогикасида илмий педагогикадагидек ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва нафосат тарбияси, каби атамалар учрамайди. Аммо халқ донишмандлигида — педагогикасида, ўзбек классик педагогикасида айнан шу тарбия таркиблари назарда тутилганлиги яққол намоён бўлади. Бугина эмас, ўзбек халқ педагогикасида илмий педагогикада қўлланадиган тарбия усул ва воситалари ҳам акс эттирилганки, бу педагогик тушунчалар, ёшлар иштирок қилган ёки ёшларга қарата айтилган рамзий ўгитлар барча фольклор жанрларида яққол кўзга ташланади.

ЗАРДЎШТ

(Эрамизгача бўлган 589—512 йиллар)

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» нинг алоҳида боблари ҳамда Гуштасп достонида Марказий Осиё ва Эрон халқларининг исломгача бўлган дини зардўштийлик ҳамда унинг асосчиси Зардўшт ҳақида меҳр билан ёзади, уни мўъбадлар мўъбади — донишмандлар пешвоси, пайғамбар деб таърифлайди, у асос солган қомусий китоб — «Авесто» ни кўп тилга олади. Ҳақиқатда ҳам, Зардўшт Шарқнинг биринчи файласуфи, нотиғи, шоири, донишманди, халқ доҳийси ҳисобланади.

Чет эл ва ўзимизнинг шарқшунослардан Ян Рипка, К. В. Тревер, Е. Э. Бертельс, С. П. Толстов, И. С. Брагинский, Б. Ғафуров, М. Дяковнов, Ҳ. Мирзозодаларнинг тадқиқотларидаги мулоҳазаларга қараганда, Зардўшт эрамиздан олдинги VI асрда яшаган. У **Хоразм** ҳокимлигига қарашли вилоятда чорвадорлик билан шуғулланган Спитама уруғидан бўлган. Отасини Паурушаспа, онасини эса Дугдова деб аташган. Болалигиданоқ от ва туя боқиш билан шуғулланган Зардўшт чорвадор қавмлар орасида юриб, уларнинг урф-одатлари, дину удумларини ўрганган, ҳар хил эътиқоддаги кишилар пешволарининг суҳбатларида бўлган (Биз ушбу матнларни ёзишда юқорида тилга олинган олимларнинг асарларидан, «Авесто» нинг «Маориф ва маданият» рўзномаси, «Садои Шарқ», «Памир» ойномаларида эълон қилинган матнидан фойдаландик — Ҳ.Ҳ.).

Маълумки, қадимги ота-боболаримиз турли-туман динларга топинган, у билан боғлиқ кўплаб расм-русмларни бажарган. Ана шулардан бири ҳар бир қабиланинг ўз худосига қурбонлик қилиш одатидир. Чорвадорлар орасида кезиб юриб, мўйсафидлар гурунгида бўлган Зардўшт кўп қурбонлилик натижасида борган сари молларнинг камайиб, қирилиб кетаётганини кўриб азият чекади, бунинг оқибати хунук бўлишини кўра билади; қабилалар орасида тез-тез содир бўладиган низо, қирғин урушларнинг негизи ҳам мана шу одат билан боғлиқлигини ҳис этади.

Турфа дунёқарашдаги кексалар билан бўлган суҳбат, баҳслар натижасида Зардўшт кўпхудоликнинг зарарини тўла тушуниб етади ва йигирма ёшида ўзининг нор туясига миниб (Зардўшт — сариқ тўн эгаси демакдир) қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезади, яккахудолик ғоясини тарғиб этади; уч ўғли, уч қизи билан оиласини хавф остида қолдириб, бўлса-да бу йўлда фидойилик кўрсатади. Натижада, ўн йилдан кейин ягона худо Ахурамаздани кашф этади ва қабила, уруғчилик эътиқодларига қарши яккахудолик ғоясини тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу ишда у инсон руҳиятига яқин турадиган халқ шеъриятидан усталик билан фойдаланган. Зардўшт илгари сурган ғоянинг негизини

икки нарса ташкил қилади: мутлақ ғоя Хурмузднинг яккаю-ягоналигини тан олиш; яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлғончилик, зулмат билан нур ўртасидаги доимий кураш ҳақидаги таълимот — борлиқни иккига бўлиб қараш — дуалистик қарашга содиқ қолишдир. Зардўшт камбағал бўлган. У оту туяси камлиги, ўз ақидаларини ёйиш йўлида маблағсизлигидан шикоят қилади, нолийди.

Зардўшт таълимоти тобора халққа таъсир ўтказаётганини сезган мухолифлари унга қарши қатъий курашга киришадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардўшт бир гуруҳ тарафдорлари билан Хоразмдан Эронга қочиб ўтади ва ўз таълимотини узил-кесил шакллантиради.

Зардўшт шоҳ Гуштаспнинг вазири Фрашаштранинг қизи Ҳавовига уйланган бўлиб, Исфаватра, Урвататнара, Хваречитра исмли уч ўғли ҳамда Френи, Трити, Поуричиста исмли уч қизи бўлган. Доро I ҳукмронлиги даврида (эрамиздан олдинги 522—486 йиллар) хохомашинлар сулоласининг расмий дини зардўштийлик бўлган.

Фирдавсий ва Берунийларнинг тасвирича, Зардўшт биринчи бўлиб ўз динини Эрон шоҳи Виштаспга асослаб кўрсатиб унинг эътирофини қозонади. «Шаҳристонҳои Эрон» китобида Виштасп фармонига кўра Зардўшт 1200 бобдан иборат панднома — «Авесто» ни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадасига топширган», деб ёзилган. Шундан сўнг шоҳ пайғамбарнинг тарафдори сифатида янги диннинг ашаддий тарғиботчисига айланди. Бу орада Амунинг икки соҳилидаги юртларнинг ҳокими Аржасп акаси Виштаспни аждодлар эътиқодидан қайтганликда айблаб, унга қарши лашкар тортади. Тенгсиз муҳорабада Аржасп ўлдирилади. Натижада Эрону Туронда оташпарастлик — зардўштийлик дини тўла жорий этилади. Зардўштнинг хоҳиши ва Виштаспнинг фармонига мувофиқ барча шаҳарларда оташкадалар — ибодатхоналар қурилади. Ана шундай оташкадалардан бири — энг улкани Балх шаҳрида қад кўтаради.

Зардўшт 77 ёшида ўша олтин суви билан зарҳалланган бинода ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори Братарвахш томонидан чавақлаб ўлдирилади. Аммо унинг таълимоти, асос солган дини Ажам ўлкаларида ислом мажбуран қабул қилдирилгунга қадар муқаддас эътиқод бўлган. Ҳозир ҳам Жанубий Ҳиндистонда юз мингдан зиёд, Шимолий Эронда бир неча минг киши зардўштийлик эътиқодидадирлар.

Марказий Осиё халқлари орасида турли маросимларда, баъзи удумлар юзасидан шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан ёқиб, унинг атрофида базм уюштириш, келинни кўчага гулхан ёқиб, унинг атрофида бир айлантиргач, уйга олиб кириш; чавандозларни катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, йўргакланган чақалоқни гулхан устидан у ёқ-бу ёққа отиб олиш ва бошқа анъаналар ҳам оташпарастликнинг ҳамон сақланиб келаётган удумларидандир.

АВЕСТО

«Авесто» зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари Зардўшт томонидан 548—529 йиллар орасида Амударё соҳилларида яратилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-коҳинлари томонидан тўлдирилиб, такомиллаштирилган. Бу китоб 12 минг ҳўкиз терисига битилган.

Македониялик Александр Шарқни забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага элтиб, ўзига керакли жойларини таржима қилдирган, қолганини эса ёқтирган. Эрамизнинг биринчи асрида ашконийлар ҳукмдори Валагес Ариакид ва учинчи асрда ҳамда Хусрав Парвиз, Шопури Хурмузд даврида «Авесто» бир неча бор кўчирилган, қайта тикланган. Кейинги вақтларга қадар «Авесто»нинг ватани хусусида олимлар ўртасида жиддий баҳслар бўлиб келарди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб барча тадқиқотчилар «Видевдад» да учрайдиган Марв, Бақтрия, Ҳирот, Сўғд, Нисо, Хоразм, Сийстон, Амударё, Сирдарё каби жуғрофий атамаларга асосланиб, «Авесто» нинг ватани Марказий Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хулосага келадилар. Ҳақиқатда ҳам «Авесто» даги жуғрофияга доир маълумотлар бу хулосани тўла тасдиқлайди. Зероки, унда икки дарё ҳудудидаги жойлар, тоғлар, яйловлар ҳақида мулоҳазалар кўп.

Араблар VIII асрда Эронни забт этганда зардўштийликка садоқатини сақлаган бир неча минг маҳаллий аҳоли Жанубий Ҳиндистонга қочиб ўтадилар. Улар қадимги маданият, адабиёт ва эътиқодга доир ёдгорликларни ҳам ўзлари билан элтадилар. Жумладан, «Авесто» нинг тўртдан бир қисмининг энг нодир нусхасини ҳам ўзлари билан сақлайдилар.

1723 йили инглиз олими Жорж Боуже «Авесто» нинг бир нусхасини Ҳиндистондан элтиб, Оксфорд коллежининг кутубхонасига топширади. Шундан сўнг бир неча йил оташпарастлар орасида юриб, уларнинг қадимги тилини ўрганган француз олими Анкетиль Дюпперон 1771 йили «Авесто» нинг бир қисмини сўзбоши, асл матн ва таржимаси билан нашр этади. Бу иш туфайли Ғарбий Оврўпада «Авесто» га қизиқиш ва ўрганиш авж олади.

Ҳозир ана шу дастхатлардан бири Бомбайдаги Кома шарқшунослик илмгоҳида сақланади. Бу илмгоҳ зардўштийларнинг маданий маркази бўлиб, шу жамоа маблағи ҳисобига ишлайди. Китоб 1615 йилда парфиёни ёзувида кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат.

Бизга қадар «Авесто» нинг қуйидаги қисмлари етиб келган:

1. Ясна — ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби Зардўшт қўшиқлари — Гот-мадҳиялардан иборат.

2. Яшт — оташпарастларнинг Аллоҳни тавсиф этадиган махсус оҳанглар асосига қурилган мадҳиялари.

3. Вендидод — девларга — зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар матни, қадимги достонлар, мифларнинг мазмуни, парчалари сақланган, мифологик қаҳрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. Виспарад — бутун борлиқ Аллоҳники. Ибодатлар тўплами, ибодат йўсинлари.

«Яшт» ҳамда «Вендидод» да Зардўштнинг шахсияти, руҳий олами, ижтимоий келиб чиқишига оид далиллар, зардуштийликнинг тарқалиши йўлидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича мукаммал маълумот берадиган улкан, энг кўҳна манба ҳисобланади. Грек олими Плиний «Авесто»ни 2 миллион байтдан иборат (эрамиздан олдинги 3 аср) деган эди. Биз ундан Марказий Осиё, Эрон ва Озарбайжон халқларининг энг қадимги маросимлари: урф-одат, эътиқод, ибодат пайтида қироат қиладиган оятлари, диний маросимларда ижро этадиган қўшиқлари, минглаб халқ оҳанглари ҳақида маълумот оламиз. Бундан ташқари, китобда қадимги халқ оғзаки ижодига тааллуқли ягона сюжетлар — достонлар, парчалар мавжуд; Жамшид, Каюмарс, Митра, Анахита, Ардивиссура, Заҳҳок, Фаридун, Баҳром сингари кўплаб мифологик тимсоллар, ривоятлар билан боғлиқ атамалар тилга олинади; «Мавзун сухан» — алоҳида ҳикоя ва «қофияли шеър» ҳақида маълумот берилади. Чорвадорлик, деҳқончилик, савдо-сотиғу ҳунармандчилик билан боғлиқ жуда кўп лавҳалар, мулоҳазалар баён этилади. Масалан, Зардушт қурғоқчилик юз бериши билан деҳқончиликка завошъ келиб, яйловлар камайиб, чорва моллари қирилиб кетаётганидан Ҳумуздга илтижо билан мурожаат этади.

Бундан ташқари, «Авесто» да эрамиздан олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асрларгача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё соҳилларида яшайдиган халқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор. Чунончи, китобда шу заминларда истиқомат қилган халқларнинг касб-кори, савдо-сотиғи, қўшни халқлар билан муносабатлари баён қилинган: ҳар бир касб-ҳунар эгасининг жамиятда тутган ўрни алоҳида қайд этилган. Деҳқонлар билан чорвадорлар жамият моддий неъматларини яратувчилар сифатида таърифланган.

Бундан ташқари мазкур обида иқтисодий ҳаёт, жуғрофия, фалакиёт, илми нужум, ижтимоиёт, биология, фалсафа ва тиббиётга доир кўп қимматли маълумотлар мавжуд. «Авесто» даги тиббий далиллар ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари рим, юнон ва араб табобатидан кўҳнароқ ва узоқроқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Ундаги тиббий маълумот кўпроқ «Вендидот» нинг турли жойларида учрайди. «Авесто» даги тиббий фикрларни тахминан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ташреҳ (анатомия) ва мизоҳ (физиология).
2. Беморликларнинг олдини олиш воситалари.

3. Касалликлар ҳақидаги маълумотлар.

4. Беморларни даволаш йўллари.

5. Табибларнинг ахлоқи ва табобатга оид баъзи қонун-қоидалар.

«Авесто» да инсон аъзолари, мушак, суяк, тери, мия, асаб, бадан юнги, томир ва қонга (асаб ва мия — ерга, бадан туки дарахтга ўхшатилган), бадандаги томирлар қора қонли томирдан, қизил қонли томирлар ва оқ, яъни қонсиз томирлар (асаб) га бўлинган.

Баданнинг қуввати эса жон, виждон, равон (тан), идрок ва азалий (қадимий) руҳ каби 5 қисмга бўлинган, «Жигар қон манбаи бўлиб, ўнг томонда жойлашган» дейилади.

«Авесто» да ер, сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда ташкил этиш, уни ўраб қўйиш, мурлашуйларни махсус тозаликка риоя қилиши, мурда теккан либос, ерларни қатрон қилиш хусусида фикрлар мавжуд. Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудуқларни бир неча марта қатрон қилиш (Сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш, тўлдириб бўшатиш) таъкидланади. «Унинг (сувнинг) устида уч ҳайвон ичадиган сувга айланади». Ахурамазда жавоб берди: — Ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган (ғизо тополмайдиган) ер энг ёмон заминдир. Ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинарди. Инсон яшаётган хонадаги обрезҳонада ювиниш ва чўмилиш қатъиян ман этилган. «Авесто» даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларни олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микроблар ўлдирилган ёки камайган.

2. Оташ, иссиқлик ва совуқлик йўли билан йўқотиш. «Авесто»-да оташ покловчи ва офатни кетказувчи восита. У билан ҳатто кийим-кечакларни зарарсизлантирилган.

3. Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гўёҳлар (исфанд, михак, садаф, пиёз, алоэ, сандал) тутатиш йўли билан: буларнинг кўпи ҳозир ҳам микроқушдир. «Вандидод» нинг 5-бобида шамол, ҳайвон, парранда, пашша орқали турли касалликларнинг тарқалиши қайд этилган. Касаллик тарқатадиган ҳайвон ва ҳашаротларни йўқотишга даъват этилган ҳолда «Авесто» да уй жониворларини эҳтиёт қилишга даъват кучли бўлган. «Вандидод» да «...сув ёки (ов) итини ўлдирган киши 10000 барсум, 10000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги бериши лозим. Шунингдек, у 1000 эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, касал тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим».

«Вандидод» нинг 5- ва 17-бобларида доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қўлини бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни тез-тез олиб туриш тавсия этилади. Инсон

меъёри билан доим тўқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиши лозимлиги уқтирилган.

«Авесто» да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик ва порахўрлик, руҳий изтироб, бузилган таомни ейиш, тозаликка риоя қилмаслик; Ахриман юборган қурт, пашша ва бошқа ҳашаротлар ёмон ҳаво касалликларнинг асосий манбаи дейилади. Унда 9999 касалликни Ахриман пайдо қилди дейилади.

Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан эркакни қопга солиб калтаклашган. «Авесто» да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2—3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор деб уқтирилади.

«Вандидод»да касалликларни режим, парҳез, дуоя, дори, жарроҳлик йўллари билан даволаш айтилади ва доривор ўсимликларнинг номи берилган: шира, барг, дон, гул, мева, бута, гиёҳ илдизи ва ҳоказо. Улар заъфарон, коски, кунжут, кўкнори, сипонд, зира, пиёз, сиёҳдона (седана), савсан, қатрон, найшакар, турп, хурмо, сабзи, беҳи, шакар, асал, зайтун мойи ва бошқалардан тайёрланган. Жарроҳликда асл шаробга наша қўшиб бериб, бехуш қилиб кесишган. Букротнинг табиблар қасамёди ҳақидаги фикридан бир неча аср бурун «Авесто»да табибларнинг махсус қасамномаси келтирилган; табобат раман — илон заҳар сочаётган идиш — жом тасвири ҳам илк бор шу китобда тасвирланган. Унда қадимги кишиларнинг ўртача умри 800—900 йил бўлиши, айрим одамлар яшаш шароити, муҳитга қараб 1400 йилгача умр кўриши мумкинлиги уқтирилган.

Хуллас, қадимги аждодларимиз яратган «Авесто» дунёдаги энг қадимий, ноёб билимлар хазинасидир. Унда оламдаги барча — диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран мулоҳазалар мавжуд.

«АВЕСТО» ДАН НАМУНАЛАР

Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) **бўлиб ҳисобланиши** лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

* * *

Мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман...

* * *

Болалар ёш пайтиданоқ дарахт кўчати ўтқазиш, уй-рўзғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт.

* * *

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим.

* * *

Инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина худо ёки унинг ёрдамчисининг иноятига ноил бўлгусидир.

* * *

Порсо инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотин ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир.

* * *

... Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!

* * *

Дон эккан киши, тақводорлик уруғини экади, у маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у имонни озиқлантириб туради...

* * *

Буғдой ўстирила бошланса, девларни қора тер босади, совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади, ун тайёр бўлгач эса девлар нола-фиғон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим — бу овқатни егандан сўнг улар жуда қизишиб кетишади ва қоча бошлайди.

* * *

Еб ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди.

Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади.

* * *

Яхши кун кўриш учун даркор бўлган нарсалар мўл-кўлчиликдадир.

* * *

Ерга ўғит ташлаган ва экин эккан деҳқон эса аёлни фарзандли қила олган эркакка ўхшайди. Аёл ва фарзандлари сарсон-саргардон юрадиган (ғизо тополмайдиган) ер энг ёмон заминдир.

* * *

Ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Қаровсиз қолган ер эса, гўё турмуш қурмаган қиздай...

* * *

Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.

* * *

Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш жазосига маҳкумдир...

* * *

Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган (заминни) мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак.

* * *

Ҳар бир инсон (зардушт), кунига беш марта ювиниб, покланиб қуёшни олқишлаб сиғиниши шарт.

* * *

Агарда қарз олган одам қарзини вақтида қайтариб бермаса, барибир у тунда бировнинг уйига ўғриликка кирган одамга ўхшайди.

* * *

Қимки итни урса, ҳаёти қийинчиликда ўтади. Агар ит оч бўлса, уни овқатлантириш керак. Ит боласи 6 ойлик бўлганда эса унга 7 яшар қизча овқат бериши керак. Боласи бўлган итни урган киши оғир жазога маҳкумдир.

Итни урган ва ҳақорат қилган кишилар абадий бахтсизликка дучор бўлади. Итлар энг садоқатли қўриқчилардир.

* * *

Агар мурдани қушлар олиб кетса, у художўй одамдир. Агар мурдани ҳайвон ёки ит олиб кетса — бундай одам ҳурматга сазобор бўлмаган кишидир. Агар ҳеч қандай жонзот мурдага яқинлашмаса — у ниҳоятда бахтсиз кишидир.

* * *

Сув ёки (ов) итини ўлдирган киши 10 000 барсум, 10 000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги бериши лозим. Шунингдек, у 1000 эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим.

Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман.

* * *

Яхши фикр илоҳий қонун руҳидаги, яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош бирodарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилишда руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди, чунки бундай ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.

* * *

Кимки менга содиқ бўлса, энг яхши нарсага мушарраф бўлади, кимки содиқ бўлмаса, унга энг ёмон нарса насиб этади, менинг ақл-идроким ва менинг фикримнинг аҳду-қарори ана шундай. Кимки мени — Заратуштрани қувватласа, бунинг эвазига истаган барча нарсалари билан биргаликда бир жуфт соғин сигир ҳам олади.

* * *

Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар.

* * *

Чиндан ҳам сен (ўз бахтингдан) ўзингдан баҳраманд бўлганинг учун ҳам роҳат-фароғатдасан... Уларнинг (яъни, бахтли кишиларнинг) уй-жойлари шинам, чорваси мўл, узоқ-узоқ вақтларгача мўл-кўлчиликда яшайдилар... Уларнинг қизлари оёқларига билагузуклар тақиб, белларига камарни маҳкам боғлаб ўтирадилар.

* * *

Чорвадорлар тўқ бўлсин учун чорвани муттасил парвариш қилмоқ лозим.

* * *

Ҳозирги яхшилик ва ёмонлик ўртасида иккиланиб турган кимса қиёмат кунида яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам жавоб беради.

* * *

Тақводор киши ўт-олови ва сут-қатиғи, ичида хотини, болалари ва яхши чорваси бўлган уй қурган жой — чиндан ҳам энг яхши жойдир. Бундай уйда чорва мўл, хотинлар мўл ва болалар мўл, ўт-олов мўл ва хилма-хил рўзғор буюмлари мўл бўлади. Ҳақиқатан ҳам шундай жой—Спитам Заратуштра, кўпроқ ғалла,

ўт-олов, экин-тикин, мева-чева етиштириладиган, ҳаммадан ҳам кўпроқ чорва боқиладиган жой энг яхши жойдир.

* * *

Экин экиш — демак ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки дон етилганда девларни тер босади, тегирмон пайдо бўлганда девлар гангиб қоладилар, ун чиққанда девлар саросимага туша бошлайдилар, нон пайдо бўлган пайтда девлар қўрққанларидан зўр бериб дод соладилар.

* * *

Чорвадор яхши ният учун курашади, чорвадор бўлмаган киши бундай ниятдан йироқдир.

* * *

Тақволи чорвадор ўз туриш-турмушида одил, оқил ва ҳурматга сазовор бўлса катта подага эга бўлиши мумкин.

* * *

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

* * *

Топинчим ва мақтовларим, эзгу фикрим ва сўзим, (савобли) ишларим танамдаги жоним билан бирга Сизларга бўлсин, ўлим билмас Валийлар.

* * *

Ҳақиқат — энг олий неъмат.

АРАСТУНИНГ ИСКАНДАРГА НАСИҲАТИ

Юнон подшоҳи Филип [Филип II (эр. авв. 382—336 йиллар). Александр Македонский (Искандар)нинг отаси. Эр. авв. 359 йилдан Македония подшоҳи]нинг касали оғирлашиб, ўғли Искандар [(Александр Македонский (эр. ав. 356—323 йиллар) буюк жаҳонгир, эр. ав. 336 йилдан Македония подшоҳи)] салтанат тахтига ўтирганда, Арасту (Аристотель (эр. ав. 384—322 йиллар), қадимий юнон файласуфи. Афлотун (Платон)нинг шогирди. Александр Македонскийнинг мураббийси) унга шундай дебди, «Бирор кимса тўғрилик ва яхшилик билан амр этса, фақат шунинг ўзи учунгина буйруғига бўйсунган кишидан бахтлироқ эмас. Билимдоннинг илму донишдан оладиган баҳраси талаба олган баҳрадан ортиқроқ эмас. Бирор одам панду насиҳат қилса-ю, насиҳати қабул қилинса, у ўгитларини эшитган кишидан кўра кўпроқ ҳамду санога сазовор эмас.

Тангри таолло бандаларига ўзи ихтиёр этмаган нарсани ихтиёр қилмайди. Чунончи, уларга раҳмдил бўлишни буюрган, ўзи ҳам уларга раҳм айлаган. Уларга содиқ ва ростгўй бўлишни амр

этган, ўзи ҳам уларга нисбатан садоқат ва ростгўйлик билан иш тутган. Эҳсон қилишни фармойиш этган, ўзи ҳам уларга эҳсон қилган. Авфу этишни тайинлади, ўзи ҳам уларга бахшида этиб, марҳамат кўрсатди. Шундай бўлгач, (тангри таолло) бандаларидан ўзи уларга ато этган нарсадан бошқасини қабул қилмайди ва уларга ўзи ато этган хулқу атворга хилоф иш тутишларига рухсат бермайди. Бинобарин, қўл остингдаги фуқаро билан ўзинг улардан интиқ бўлиб кутаётган раҳм-шафқат, авфу мурувват билан иш тутгил. Ишончинг комил бўлсинким, агар қўл остингдагиларга меҳрибон бўлсанг, Аллоҳнинг буюк инояту муруввати сенинг барча ишларингда мадад бўлгай. Билгинким, сендан яхши ном ва парвардигорнинг розилигидан ўзга нарса сақланиб боқий қолмагай[1].

Агар тангрига таянсанг, сени ўзгалар зарарidан омон сақлагай. Агар ундан ўзгага таянсанг, замона офатларини ўзингдан дафъ этолмайсан ва ҳеч бир бошқа одам ҳам балою қазони сендан дафъ қилолмайди. Шуни билгилки, ўзинг бузуқ ва фосид бўлсанг, раияту фуқарони ислоҳ қилолмайсан. Агар ўзинг адашган гумроҳ бўлсанг, уларга йўлбошчилик қилолмайсан. Агар нотўғри йўл (залолат)да бўлсанг, уларни тўғри йўлга бошлай олмайсан. Ахир ўзи кўр бўлган одам, қандай қилиб кўрга йўлбошчилик қилсин? Ўзи қашшоқ бўлган одам, ўзгани бой қила оладими?[2]

Қимки ўзи хору залил бўлса, ўзгани қандай қилиб машҳуру азиз эта олсин?[3]

Билгилки, ислоҳ этишни истаган ҳеч бир кимса, ўзини ислоҳ қилмагунча, ўзгаларни ҳам ислоҳ эта олмайди. Агар ўзи бузуқу фосид бўлмаса, бошқа бир кишини фасод ишга тортолмайди. Агар қўл остингдагиларни ислоҳ этишни истасанг, ислоҳ қилишни ўзингдан бошлагин. Агар ўзгалар айбини йўқотишни хоҳласанг, аввал ўзингни айблардан ва хунук хулқ-атвордан поклагин. Ҳеч қачон ўйлаган фикринг сенга фириб бермаслиги лозим.[3] Агар сўзларинг гўзал, қилмишларинг эса хунук бўлса, ишлари гапларига тескари, зоҳири ботинини акс эттирмайдиган ваъзхон бўласан, қоласан.

Билгилки, сенинг замирингда турли хислатлар мавжуддир. Улардан баъзилари маъқулдир, бошқалари эса лаънатга лойиқдир. Сенинг энг ёмон душманларинг нолойиқ хислатларингдир. Сен учун энг яхши нарсалар эса, сенинг таҳсинга сазовор хислат-

---

[1] Саъдиё, ҳеч қачон ўлмайди никном,
Мурда ўлким, тиригу лаънатлар мудом. (Саъдий)
Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмайди мудом,
Яхшиси олиб кет бундан яхши ном. (Саъдий)

[2] Қуруқ булут, суви қуриган,
Сув берганин ўзи ким кўрган?

[3] Айт, эй Аллоҳ, сен подшоҳларнинг подшоҳисан, истасанг подшоҳ этиб тайинлайсан, истаганингни подшоҳликдан туширасан, истаганингни улуғлайсан, хоҳлаганингни пасту залил этасан. Барча эзгуликлар сенинг қўлингдадир. Сен барча ишга қодирсан.

[4] Ўйларинг ва гапларинг қилмишларингга зид бўлса, ўзингни алдаган бўласан.

ларингдир. Шундай бўлгач, баъзи ёмон хислатларингни бошқалари ёрдамида ўзингдан узоқлаштиргин. Ғазабу аччиғингни сабру чидамлилик билан, нодонлигингни илму дониш билан, ғафлату фаромушкорликни хотирлаш ва диққат қилиш билан ўзингдан узоқлаштиргин.

Билгилки, агар замона ҳукмдорлари солиҳ бўлсалар, халқ учун улардан яхшироқ одам йўқ. Агар ҳукмдорлар бузуқу фосид бўлсалар, халқ учун улардан ёмонроқ кимса йўқ. Ҳукмдор (волий)нинг фуқарога нисбатан тутган ўрни, руҳнинг бадандаги мақоми, бошнинг инсоннинг бошқа аъзоларига нисбатан тутган мавқеига ўхшайди. Руҳсиз бадан ўлими муқаррар, бошсиз инсоннинг бошқа аъзолари ҳам сақланиб турмайди.

Раият ҳукмдорни ислоҳ қилишга эҳтиёж сезгани каби, ҳукмдор ҳам ўз мақомининг анча устунлигига қарамай, раиятни ислоҳ этишга эҳтиёж сезади. Бирининг куч-қуввати ўсса, бошқасининг ортишига сабаб бўлади. Бирининг куч-қуввати заифлашса, бошқасиники ҳам заифлашишига сабаб бўлади. Агар ҳукмдор ўз раияти ичида бузуқлигу фасод тарқалганлигига қарамай, ўзини ислоҳ қилишдан узоқ бўлса, мисоли боши ўзга аъзоларидан узилиб қолган инсоннинг баданига ўхшайди ва унинг ҳалокати муқаррардир. Бироқ, фуқаро ўзининг фосид ҳукмдорини тузатганидан ёки солиҳ ҳукмдорининг бузуқ томонларини ислоҳ қилганидан кўра, ҳукмдорнинг ўзи фуқаросини ислоҳ этса, мақсадга мувофиқроқдир. Зеро, унинг куч-қуввати кўпроқ, фуқаронинг нуфузи ва қуввати эса камроқдир. Шоир Ҳўмер[1] шундай деган экан: «Замона пешволари ўзларига эргашган кишиларни куч-қудратлари соясида ислоҳ қиладилар, бироқ, эргашувчи одамлар ўз пешволарини ислоҳ эта олмайдилар».

Сен ҳирс ва таъмадан сақланишинг керак. Сени ислоҳ эта оладиган ва ўзингнинг ёрдаминг билан тузалишингга сабаб бўладиган куч — тўғрилик, порсолик ва тақводорликдир. Тақводорлик имон воситасида камол топади. Имон эса фикру андиша соясида ҳосил бўлади. Бу дунё ҳақида ўзингча бир фикр қилиб кўрсанг, уни улуғлаш мақсадида нариги дунёни хор тутмоғинг нолойиқ иш эканлигини тушунасан. Зеро, бу дунё ранжу хонаси, турумсиз муваққат манзилдир. Шоир Ҳўмер демишким: «Ҳар бир зиддиятли нарса ўз зиддиятига қаршидир. Заволу йўқолиши яқин бўлган нарсанинг яхшилигу фойдаси йўқдир».[2]

Ўзингнинг номаъқул хулқ-атворингни тузатгил. Зероки, агар ёмон ахлоқ дунёвий майлу истаклар билан бирлашса, худди оловга ўтин ёки балиққа денгиз муносиб бўлгандек бўлади. Агар номаъқул хулқ-атворни ўзингдан узоқлаштирсанг ва ул нафсоний истакларнинг йўлини тўссанг, олов ўтин йўқлигида ўчганидек, балиқ денгиз бўлмаганида ҳалок бўлганидек, сенинг номаъқул

---

[1] Ҳ ў м е р (Гомер — қадимги юнон афсонавий шоири). Машҳур «Илиада» ва «Одиссея» асарларини унинг қаламига мансуб деб ҳисоблайдилар.

[2] А б у л - А ъ л о М а ъ р и й (файласуф-шоир демишким). Ҳаёт турган-битгани машаққатдир, бунинг ажабланарли ери йўқ. Улим соатида бўлар ғамгинлик. Туғилиш соатида ортади шодлик.

хулқ-атворинг ҳам йўқола бошлайди. Агар бойлик тиласанг, уни қаноатдан изла. Зероки, ким қаноатсиз бўлса, молу дунёси қанчалик кўп бўлмасин, унга ёру мададкор бўлолмайди. Ҳўмер шундай деган экан: «Қимки қаноат қилишни тарк этса, у бадавлат бўлолмайди. Қаноатли бўлмаган шахс фойда ҳам ололмайди. Билгилки, бу дунё ишлари билан машғул бўлмоқлик ва ҳаёт кечирмоқликнинг аломатларидан бири шулким, унинг бир чеккасини хароб этмагунингча, иккинчи чеккасини тузата олмайсан».[1] Бинобарин, бу дунё айшу сурурини излаган одам учун зиллат ва хорликдан ўзга йўл йўқ. Бойликка етишиш учун, фақирлик ва ҳожатмандликдан бошқа чора йўқ.

Билгилки, гоҳида дунё ақлли бўлмаган ва узоқни кўра олмайдиган, диний нуқтаи назардан имтиёзли бўлмаган кишига кулиб боқади. Шунинг учун сен хато йўлда бўлсангу, бу дунёда иқболинг кулиб боқса ёки сен тўғри йўлда бўлсангу, бу дунёда бахтинг чопмаса, бахту дунё сендан юз ўгирганлиги учун ҳеч вақт ҳақоратланмаслигинг ва ранжимаслигинг лозим. Бу сени яна хато йўлга қайтишга ва тўғри йўлдан чиқишга мажбур қилмаслиги керак».

Сен хоҳлаган нарса бошқаларда бор бўлса, уларга ҳасад қилма ва ўзинг ёқтирмаган нарсани ўзгаларга раво кўрма.

Ўз нафсингни ўткинчи ҳаваслардан тийгил, шаҳватингга эрк берма, қалбингдан ҳасадни чиқариб ташла. Истаку майлларинг ва орзуларингнинг чеку чегараси бўлсин. Зеро, агар орзуларингга кенг йўл очиб берсанг, қалбинг қаттиқлашиб, шафқатсиз бўлишига сабаб бўлади ва охират фикрини қилишингга тўсқинлик этади.

Ғазаб ўтини сўндиришингда сенга ёрдам бера оладиган воситалардан бири шулким, сен ушбу нарсани билишинг керак, ҳеч бир кимса ҳаётда сийпаниш ва хато қилишдан холи эмас. Айнан шу боисдан дўстинг хатога йўл қўйгандир ёки бўлмаса, душманларингдан бири уни сийпанишга ва хато қилишга мажбур қилгандир. Шунинг учун ҳам, агар сенга нисбатан бирон айб иш қилган биродарингга қарши нафсу ҳавойингга эргашиб, душманлик қилсанг, бу билан ғанимингни ўз устингдан ғолиб этган бўласан. Душманингни қўллаб-қувватлашинг билан унга ўз манфур мақсадини амалга ошириши учун имкон яратасан. Шу тариқа ўз биродарингнинг бадном этилишига сабабчи бўласан. Бас, шундай экан, эй Искандар ушбуни билмоғинг нечоғли таҳсинга асзовор ва жойиздир. Итоат этишинг ҳалокатингга сабаб бўлувчи, унга бўйсунмаслигинг эса саломатлигинг боиси бўлса-да, сени ғазаблантирувчи нарса — бу сендаги нафсу ҳаводир.

Эй Искандар, балки сен жиноятчини жазолашга буюриб, буни унинг қилган гуноҳи учун берилган жазо ёки унинг тўғри йўлга киришига сабаб бўладиган тадбир деб хаёл қиларсан. Агар шундай иш қилишга жазм қилган экансан, аввало ўз қалбингга мурожаат қилгин. Бунинг сабабини қалбингнинг ташқарисидан, сиртқи қисмидан эмас, балки тубидан, замирингдан излагин. Жиноятчига жазо белгилашдан мақсадинг яхши ном чиқаришми ёки қаҳру

[1] Амир ал-мўминин Али алайҳис салом хутбаларидан бирида айтган гапи.

ғазабингга таскин беришми, шуни аниқлагин. Агар бу ишдан кўзлаган мақсадинг қасос олиш бўлса, билгилки, қаҳру ғазаб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди. Агар жазони белгилашдан мақсадинг, сенинг нуқтаи назарингдан ҳам, жиноятчи учун ҳам тузалиш бўлса, у ҳолда жиноятчини молу мулкидан маҳрум этсанг ёки таҳдид қилиб, қўрқитсанг, бу сени аччиқ устида ғазаб билан оғир жазолар белгилашдан халос этади.

Зиндонга ташлашнинг ўзигина етарли бўлган кимсага нисбатан шамшир ишлатиш ёки таҳдид, дўқ-пўписанинг ўзи кифоя қилган кишини зиндонга ташлаш лойиқу шойиста иш бўлмайди. Чунки бир хилдаги жиноятлар учун жазо белгилашда жиноятчилар ахлоқининг ҳар хиллигини назарда тутиш керак.

Билгил, агар ҳакамлик қилган чоғингда жазо белгилай туриб ҳаддан зиёда қаттиққўллик қилсанг ва белгилаган жазоларинг ҳақиқатга хилоф бўлса, мақсадинг жиноятчини тўғри йўлга солиш бўлмаса, у ҳолда жазолаш орқали ўзингга етказган зарарингг, жазоланувчига етказган зарарингдан кўпроқ бўлади. Шундай бўлгач, қозилик қилганингда диққат ва синчковлик билан иш тутгил, токи бегуноҳ одамлар сенинг шамширинг ва қамчингдан ноҳақ балога гирифтор бўлмасин.

Жиноятчини шамшир ва қамчисиз тузатиб бўлмайдиган одамлар, сендан омонлик топмасин.

Шаҳвоний ишлардан парҳез қилгил. Шаҳватни тарк этишда қуйидаги ҳикматни ёдда тутсанг сенга ёрдам беради. Билгил, шаҳват ақлни емиради, фикрни қоронғулаштиради, шахснинг обрўйига доғ туширади ва унинг буюк ишлар қилишига тўсқинлик этади. Зеро, шаҳвату фасодга етакловчи куч—кўнгилхушликдир (лаҳву лаъб). Қаерга лаҳву лаъб йўл топса, у ерда жиддий иш амалга ошмайди. Диний ва дунёвий ишлар эса жиддий ишларсиз узоқ сақланиб турмайди.

Агар нафсу ҳавойинг сени шаҳвоний ишларга ва лаҳву лаъбга тортса, у сени энг ёмон ва паст ерларга итаради. Сени тубанликка ва маънавий қулашга етаклайди. Агар нафсинг сендан гўзал одобу ахлоқ қоидаларига зид нарсани талаб қилса, у билан аёвсиз курашгин ва у истаган нарсани бажаришдан сақлангил. Сен нафсу ҳаво йўлидан ҳақиқатга қайтишинг даркор. Зеро, агар ҳақиқатни тарк этсанг, ундан ботил ва ёлғон йўлга кириш учун юз ўгирасан. Агар тўғри йўлни тарк этсанг, ундан хато йўлдан юриш учунгина воз кечасан.[1]

Ўз нафсингни майда орзу-ҳавасларга эргашишга одатлантирмагин, зеро, кўнглинг таъма истаб қолади. Жуда катта орзу-ҳавасларга эргашсанг ҳам шундай бўлади. Ҳеч қачон кичик хато қилгач бепарво бўлмагил, зеро, ҳар бир хатонинг зиёни бордир. Агар ўзингни кичик хатоларга одатлантирсанг, у сени катта хатоларга итаради.

Умрингни Ҳақдан ўзгага бағишлаб бекорга ўтказма ва молмулкингни зарур бўлмаган нарсалар учун беҳуда сарфлама. Куч-

[1] Аллоҳ таоло айтган: «Ҳақ йўлдан ўзгаси залолатдир».

қувватингни фақат мамлакат бойиши йўлида сарфла, ўй-фикрларингни тўғрилиги ростликдан ўзга нарсаларга йўналтирма. Тангри ато этган неъматлардан тўлалигича фойдаланган ҳолда асрагил, айниқса, азиз умрингни авайлагилким, ҳаётда ҳамма нарсани қўлга киритиб бўлади, уни эса йўқ. Агар нафсингни бирор лаззатли ишга машғул қилишга мажбур бўлсанг, у ҳолда оладиган лаззатинг донишмандлар мажлисидан, фалсафаю ҳикматга оид китоблар мутолаасидан бўлсин. Зероки, шаҳвоний лаззатланишнинг энг аълоси ҳам сени бирор юқори даражага ёки мақомга етказмайди. Бироқ, донишмандлар хизматида бўлиш ва уларнинг китобларини ўқиш сени олий даражаю мақомларга етиштиради ва сенга тўлиқ шодлигу саодат бағишлайди. Агар шунга қарши иш тутсанг, бу дунёда олишинг мумкин бўлган иззату ҳурматни нариги дунё заҳматлари билан алмаштирасан. Нафсоний истаку майллардан энг муносибу лойиғини билиб танлаган кимса, одамларнинг энг бахтлисидир.

Мағрурланиб кетишдан ва гердайишдан сақлангил, чунки нимадан ва қаердан пайдо бўлганингни ўзинг биласан ва қаерга боришингни ҳам яхши тушунасан[1].

Агар шаҳватга нисбатан сабру чидамли бўлсанг ва таркиби йўқолувчан, заволга мойил, чиришдиган ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтувчан нарсалардан иборат бўлган вужудингга назар ташласанг, охир-оқибатда борлигингни сўнгги йўқлик бўлган жойга боришини, сенинг жисминг ўсиб, ривожланиб камолотга етгач, парчаланиб чирий бошлашини кўрасан. У ҳолда ҳар иккиси ҳам йўқ бўлувчи кибру ҳаво ва гердайишдан қочасан.

Ёлғондан сақлангил. Зеро, ёлғон нафснинг заифлигидан, фикрнинг сустлигидан ва кетини ўйламай иш қилишдан келиб чиқади. Ёлғоннинг зарари ёлғончига тегади ва ёлғоннинг энг кичкина зиёни ҳам ёлғончининг ўзини мақсадидан четлатади. Ёлғончининг ҳолатини Шарққа боришни истаб, лекин Ғарбга кетаётган кимсага ўхшатиш мумкин. Ҳўмер демишким: «Ёлғондан пастроқ нарса йўқ ва ёлғончи киши бефойдадир».

Билгилки, яхши ишлар қилувчи кишилар (никукорлар) бир-бири билан учрашганда, худди ёмғир суви тезда дарё суви билан қўшилиб кетгани каби, бир зумда иноқлашиб, келишиб оладилар. Бироқ, бузғунчилар узоқ вақт қўшилишга ва муошират қилишга уринсалар ҳам, худди узоқ муддат бирга яшаб, бир-бирига илтифот қилмаган тўрт оёқли ҳайвонлар мисоли жуда кеч ўзаро келишиб оладилар.

Билгилки, мамлакат молиявий аҳволини ислоҳ қилиш, (девон) ходимлари ва вазирларнинг қай йўсинда иш юритишига боғлиқ. Агар молиявий ишларни ислоҳ этишни истасанг, ходимлар ва вазирларнинг тўғри иш тутаётганлиги хусусида ишонч ҳосил қилишинг лозим. Уларга нисбатан лутфу иноят қилгин. Кўп сонли ходим ва вазирлардан тўғри иш тутадиган оз қисмингина танлаш билан кифояланг. Зеро, гавҳар вазни енгил бўлса ҳамки қиммат-

[1] Сизлар яралдингиз Ундан, яна унга қайтасиз ва яна такрор Ундан қайтасизлар.

баҳодир, тош эса оғир бўлгани билан камбаҳо бўлиб қадрланмайди.

Бундан кейин солиҳу тўғри амалдорларни танлашга ҳаракат қилгил. Зеро, амалдор ўз волийси (ҳукмдори) учун худди жангчи кишига қуролу аслаҳадек керакдир. Агар иш кўзини биладиган амалдор ўз волийсидан узоқлашса, волий жанг майдонида қуролу яроғсиз қолган шижоатли аскар ҳолига тушиб қолади.

Бажарилиши лозим бўлган ишларга киришишдан илгари, даставвал қиладиган тадбиринг шу бўлсинким, халқ қилаётган ишларингни тангрининг қўллаб-қувватлаши билан бўлаётганини, унинг ҳимоясига қаратилганини билиши керак. Бузғунчи ва фосидлар қалбида сенинг қаттиқ жазойингдан қўрқув ҳисси бўлиши лозим. Фақат шу ҳолдагина сенинг салтанатинг барқарор туради ва оқилу тадбиркор подшоҳ ҳисобланасан.

Бироқ, ишларни бажаришда саъй ва кушиш қилганинг билан сийпаниш ва хатога йўл қўйишдан омонликда бўласан деб, тўла ишонч билдира олмайман. Агар хатойинг ҳақиқатни ўрнатиш бўлса, сенинг узру тавбанг қабул қилинади. Яхшиси, агар ишларинг чигаллашиб, қоронғилашиб кетса, донишмандларга мурожаат қилишинг керак. Келгуси улуғ ишларингнинг тўғри бўлиши учун, ҳозир қўлга киритишинг керак бўлган кичик натижалардан бири шундан ибротаким, ишга киришишдан аввал фикр қилиб, тугал қарорга келишинг даркор. Зотан, олимнинг жоҳилдан устунлиги ҳам айнан шу нарсададир, у бўлғуси ишнинг хатари ва ўзи йўл қўйиши мумкин бўлган нуқсонларни олдиндан ойдинлаштириб олади.

Афлотун демишким, чироғнинг нури тун зулматини ҳайдагани каби, ишлардаги ноаниқлик ва қоронғулик ҳам оқил кишилар ақлининг ёғдуси билан ойдинлашади ва ошкор бўлади. Шояд, ўйлаб-ўйлаб, агар донишмандлардан мадад сўрасанг, баъзиларнинг сенга ҳақоратли қарашига ёки мазкур донишмандларнинг наздида хору зор бўлишингга сабаб бўлади деб натижа қилурсан. Қачонки бундай фикрлар қалбингда қўрқув уйғотса, уни тезда ўзингдан узоқлаштиргин. Зероки, илму дониш билан бажарган ишларинг ва нодон шахсларга қарши курашиб ғалаба қилганингнинг нафи ва аҳамияти, бошқа ҳар қандай йўл билан эришган натижангдан юқорироқ туради ва улуғроқдир. Яна шуни ҳам билгинки, икки гуруҳ одамлар мавжуд. Бири олимлардир. Илм истовчилардан бўлсанг, улар наздида мақоминг юқорироқ бўлади. Бошқаси, жоҳиллардир. Улар билан келишиб бўлмайди.

Билгилки, ҳеч ким айб ва фазилатдан холи эмасдир. Бинобарин, бирор кимсанинг айби унинг яхши хислатларидан фойдаланишда тўсқинлик қилмаслиги керак. Шунга ўхшаш, бирор кимсанинг фазилати, сени унинг айбларини ахтаришга мажбур қилмаслиги керак. Билгилки, ёмон ёру дўстларинг борлигининг зарари, яхши ва содиқ ёру дўстларинг бўлмагандан кўра каттароқдир.

Билгилки, адолат буюк ва қудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам, кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки Аллоҳ бандалари орасида ўргат-

ган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлашса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл қўяди. Ўз ишларингда икки сифатни эгаллашга интилгин. Бири, дилларни асир этиш. Бошқаси, ишда саботли ва пойдор бўлиш. Ишларни амалга оширишда сустлик ва пайсалга солишдан сақлангил. Чунки, ишларни бажаришда сусткашлик ва ташмагилик уларнинг янада кўпайиб кетишига сабаб бўлади ва шундан сўнг ишларни бажаришга фурсат тополмай қоласан. Агар уни бошқа кишига топширсанг, ишинг янада оғирлашиб, катталашиб кетади ва кейин уни бажариб бўлмай қолади.

Билгилки, ишлар икки хил бўлади. Бири кичиклари бўлиб, уларни ўзинг бажаришинг муносиб эмас. Бошқалари эса каттадир ва уларни ўзгаларга ишониб топшириб бўлмас. Агар кичик ишларни шахсан ўзинг бажарсанг, сени катта ишлардан қолдиради. Агар катта ишларни ўзгаларга топширсанг, ишни тартибга солишдан кўра кўпроқ бузғунчилик қилган бўласан. Бу эса яхшиликдан кўра кўпроқ фасодга сабаб бўлгай. Ўзи учун адолатни ихтиёр қилган ва уни бандалари орасида барқарор қилиш ва тарқатишни амр этган ва қудратли тангрига илтижо қиламанким, сенинг қалбингни адолатли бўлишга илҳомлантирсин ва сени адлу инсофга эргашувчилардан бири этсин. Сени ўзингга тобеъ бўлганлар орасида ва бутун ер юзида адолат усулларини ижро қилишга эриштирсин.

Бу рисола таржимасининг таҳририни Абу Абдуллоҳ шаъбон ойининг панжшанба куни... тугатди. 1340. ҳижрий — 1922 милодий йили.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

МУҲАММАД АЛАЙҲИС-САЛОМ ПАЙҒАМБАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

(570, Макка — 632, Мадина)

Муҳаммад алайҳис-салом пайғамбарнинг насл-насаби, ҳаёти, турмуш тарзи, у яшаган даврдаги диний мазҳаблар тўғрисида жуда кўп тадқиқотчи олимдар ва муҳаддислар шуғулланишган. Ул зоти олий зикр қилган Ҳадисларни тўплаш, уларни шарҳлаш каби муборак ишлар элдошларимиздан Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Аз-Замаҳшарий сингари мўътабар инсонларнинг доимий машғулотига айланган.

Кейинги йилларда, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек мусулмонларининг Расулуллоҳ таржимаи ҳоли ҳамда Ислом тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш каби улуғвор йўлга тушиб олишгани қувонарли ҳолдир. Қуръони карим ва Ҳадисларни чоп этиш каби муаммолар аста-секин ҳал бўляпти.

Пайғамбаримиз отаси Абдуллоҳдир. Онаси Омина бўлиб, у қурайш қабиласига мансуб. Муҳаммаднинг ота-боболари, она-момолари халқ ҳурматини қозонган, турли томонлама ибратли. Расулуллоҳнинг насл-насаби пухта ўрганилса, улар пок, мўътабар ва нуфузли инсонлар бўлишганига қаноат ҳосил қилинади. Пайғам-

барнинг насл-насаби Иброҳим алайҳис-саломнинг ўғли Исмоилга бориб тақалади.

Қурайш аёллари ичида энг зоти покиза бўлиб, Омина Абдуллоҳга турмушга чиқади ва пайғамбар алайҳис-саломга ҳомиладор бўлган. Эри Абдуллоҳ иш билан Шомга жўнайди ва оғир дардга чалиниб, йўлда Мадинада инсонликни бажо келтиради. Унга ўғлини кўриш насиб қилмайди.

Омина ахлоқ-одобда мислсиз, илм-маърифатда ягона, эътиқоди ва иймони покиза ўғил туғади. Бу қувончли хушхабар 570 йилнинг баҳорида тарқалди. Унга Муҳаммад деб исм қўйишади. Унинг энагаси Абдуллоҳнинг чўриси ҳабаш Умму Айман Барака бўлиб, Муҳаммадни унинг амакиси Абдулаҳабнинг чўриси Сувайба биринчи бўлиб эмизган. Лекин Муҳаммад алайҳис-саломга сут оналик бахти Абуҳабша деган чорвадорнинг хотини Ҳалимага насиб этади.

Болани тоза ҳавода ўстириш, яйратиш учун Ҳалима уни ўз қишлоғига олиб кетади. Бу оила фақирона кун кўрарди. Бироқ ўша гўдак уйга қадам қўйиши билан қут-барака ҳам кириб кела бошлади.

Муҳаммад Ҳалиманинг уч ўғли билан бирга ўйнарди. Улар ўйнаб юришганда оқ кийимли икки киши ғаройибдан пайдо бўлиб, Муҳаммаднинг кўкрагини ёриб, улар қора нуқта (шайтон васвасаси) ни олиб ташлашади. Бу воқеани болалар Ҳалимага келиб айтиб берганда, бу аёлнинг эс-ҳуши чиқиб кетади ва қаттиқ қўрқиб қолади, болани онасига беш ёшдалигида қайтиб беради.

Шу орада Омина эрининг қабрини зиёрат қилиб келиш мақсадида Мадинага боради. Қайтиб келар экан, у йўлда вафот этади. У илгари, эри ўлгандан сўнг юрак хасталигига дучор бўлганди. Кейин бобоси Абдулмуталлиб Муҳаммадни ўз қанотига олади. Бир йил ўтгач, бобоси Абдумуталлиб ҳам оламдан ўтали ва Муҳаммад тоғаси Абу Толиб тарбиясига ўтади. У болага оталик меҳрини қўйиб, сидқидилдан тарбиялайди.

Пайғамбар алайҳис-салом биринчи марта ўн икки ёшида тоғаси билан Шом сафарига боради. Улар Шомдан қайтиб, Бусро деган бир жойга тушадилар. Бу ерда яҳудий уломаларидан Боҳейро деган бир роҳиб Муҳаммаднинг боши узра бир парча булут уни қуёш тафтидан асраётганини, бошқа бир дарахтни болага бир оз эгилиб, оҳиста-оҳиста тебранаётганини сезиб қолади. Боҳейро илгариги муқаддас китоблардаги Муҳаммад пайғамбарнинг дунёга келиши ҳақидаги башоратни эслайди ва шу чоқда унинг тоғасига болани асраб-авайлашлари лозимлигини уқтирган.

Муҳаммад ўн беш, йигирма ёшларига етган йилларда қабилалар ўртасида тез-тез урушлар бўлиб турарди. Бундай жанжаллар туфайли пайғамбар алайҳис-салом руҳан азоб чекарди. Аксарият ҳолларда қабилалар ўртасида иттифоқ тузилишига сабабчи бўларди.

Расулуллоҳнинг ғоят жасурлиги, поклиги, адолатпарварлиги, тўғрисўзлиги, тантилиги учун уни «Ал-Амин» (ишончли) дейишарди, ҳеч қачон ёлғон гапирмагани учун эса «Содиқ» (садоқат-

ли) деб чақиришарди. Бу далил Муҳаммаднинг одамлар ўртасида беқиёс ҳурмат қозонганини, ардоқли бўлганини тақозо этади. Шунингдек, ул зоти олийнинг ваъдасига вафодорлиги, дўстпарварлиги каби фазилатларини унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида кузатиш мумкин эди.

Муҳаммад айни йигитлик ёши — йигирма бешга етганда бой савдогар аёллардан Хадича унинг самимийлиги-ю ростгўйлигидан ва уни қабиладошлари Амин (ишончли) деб аташларидан хабар топади. Бу аёл хизматга энг лаёқатли, тадбиркор одамларни жалб этиб, тижорат ишларини олиб борарди. Хадича бону Муҳаммадни ишга таклиф этади ва амакиси Абу Толиб рози бўлганидан сўнг уни карвонларга бош қилиб савдо ишларига юборади. Расулуллоҳ тижорат ишларида қатнаша бошлаганидан сўнг Хадича бонунинг давлати кундан-кун орта боради ва у Муҳаммаднинг хосиятли йигит эканини сезади.

Кейин Муҳаммад Хадича бону таклифига биноан у билан оила қуради. Шунда Хадича ойим қирқ, Муҳаммад эса йигирма беш ёшда эдилар.

Муҳаммад алайҳис-салом таржимаи ҳоли тўғрисида зикр қилинар экан, унинг Каъбанинг қайта қурилиши, Байтуллоҳнинг ислоҳ қилинишида бош-қош бўлганини эслатиб ўтиш лозим.

Унинг болалиги, ёшлиги қийин аҳволда ўтди. Отаси ва онасидан жуда ёшлигида етим қолди, тирикчилик ва илм олиш учун зарур бўлган мерос қолмади, эмикдош оға-инилари билан пода боқди, Маккада ҳам кишиларнинг қўйларини боқиб, чой-чақа олди, текин бойлик, мол-давлат изидан қувмади.

Муҳаммад алайҳис-саломнинг феъл-атвори ниҳоятда ёқимли, дўсту биродарларга садоқатли, одамгарчилик жиҳатдан барчага намунали, муомала-муносабати ширин, қўни-қўшнилар билан алоқаси мустаҳкам, кўнгли юмшоқ, каттаю-кичикнинг чексиз ҳурматига сазовор инсон бўлган. У киши ҳамиша ростгўй бўлган. Расулуллоҳ алайҳис-салом ўттиз ёшларида эканида Ҳира тоғидаги ғорга бориб ибодат қилиб ўтирганида бирдан, унинг атрофини, вужудини бир ажиб сирли шуъла қуршаб олади.

Қирқ ёшида ўша ғорда ўй-тафаккурга берилиб, худони ёдлаб ўтираркан, унга ғаройибдан «Ўқи!» деган сеҳрли овоз эшитилади. Муҳаммад эса: «Мен ўқий олмайман» деб жавоб қилади. Чиндан ҳам Муҳаммад ўқиш ва ёзишни билмасди. Шунда Жаброил пайғамбар алайҳис-саломни бағрига олди ва қаттиқ қисди-ю, Муҳаммад куч-мадори кетиб, бўшашди. Шу пайт Жаброил «Ўқи!» дейди. Муҳаммад эса яна, «Ўқишни билмайман» деб жавоб беради. Сўнг Жаброил Муҳаммадни қўйиб юбориб: «Ўқи!» деб буюради. Расулуллоҳ эса яна «Ўқий олмайман» деб жавоб қайтаради. Жаброил Муҳаммадни учинчи гал қаттиқ қисиб ва дарҳол қўйиб юбориб, Алақ сурасининг 1—5-оятларини айтади. Бу сирли воқеаларни у Хадичага айтиб беради. Хадича беҳад суюнади.

Яна бир кун Муҳаммад Жаброилни кўради ва дейди: «Ё Муҳаммад, сиз чиндан ҳам Расулуллоҳсиз». Шундан сўнг Каъба-

га бориб тоат-ибодат қилаётганда ҳам унга худонинг Элчиси экани билан боғлиқ овозлар эшитилади.

Муҳаммадга биринчи бўлиб Хадича, кейин Али, Зайд ва бошқалар имон келтиришган. Фаришта Жаброил унга номозни Қуддусга томон қараб ўқишни таъкидлайди. Энди Муҳаммад аста-секин одамларни Ислом динига даъват этишни бошлайди. Лекин бу йўлда жуда катта қийинчиликлар бўлади, Муҳаммад қаттиқ таъқиб ва тазйиқларга дуч келади.

Расулуллоҳ қавмининг кўпчилиги уни поклиги, оқиллиги, хушмуомалалиги, одамгарчилиги, меҳр-оқибатлилиги, адолатли бўлгани учун қаттиқ ҳурмат қилади. Шунингдек, бошқа одамлар ҳам унга эргаша бошлашади. Бу эса Ислом дини ғанимларига, Муҳаммадга қарши кишиларга ёқмайди. Шунинг учун улар Расулуллоҳни дўст-биродарлари, муштарийлари билан ораларини бузиш қасдида ҳеч нарсадан қайтишмайди. Ҳатто уни шаҳзодаю давлат арбобларига чақишади, унга қарши турли иғвою фитналар уюштиришади. Муҳаммадни гоҳ сеҳргарликда, гоҳ афсунгарликда айблашмоқчи бўлишади.

Мажусий шаҳзода Ҳабиб ибн Маликнинг қизи Сатиҳа оғир дардга чалиниб, кар, кўр, оёқ-қўллари шол бўлиб қолади. У қизини Қаъбага олиб келиб, тоат-ибодат этиб, соғайишини тилаб юради. Шу пайтда Муҳаммадни кўролмайдиган амакилари Абу Сўфён билан Абу Жаҳл шаҳзодага Муҳаммадни чақиб, унинг ёрдамида ўлдириб юбормоқчи бўлишади. Доно Ҳабиб эса Муҳаммадни ҳузурига чорлаб олади. Ҳабиб Расулуллоҳни очиқ чеҳрасига, нурланиб турган юзига беихтиёр термулиб, қараб қолади.

Ҳабиб: «Аллоҳ сени пайғамбар қилиб юборганмиш, шу ростми?» деб сўрайди. Расулуллоҳ: «Рост, инсонларни ҳақ йўлига бошлаш учун Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборди» деб жавоб қилади. Ҳабиб эса далил талаб қилади ва чодирида ким борлигини ва уни бу ёққа нима учун олиб келганини айтиб беришни сўрайди. Шунда Муҳаммад Илоҳо, бизга шифо бергил дейдилар. «Ё Ҳабиб, чодирингда қизинг бор. У кўр, кар, шол. Сен унга шифо истаб, бу ерга келтиргансан. Бор, чодиринггa кир, қизинг билан гаплаш» дейди. Ҳабиб чодирга кирса, қизининг кўзи очиқ, қулоғи эшитади ва соппа-соғ эди.

Ҳабиб Муҳаммаддан яна мўъжиза кўрсатишни талаб қилади. Ўша чоғ Расулуллоҳ илоҳга яна ибодат қилгач, ҳамма ёқ қоронғулашиб, ой чиқади. У бармоғини осмонга қадайди. Шунда ой нақ иккига бўлиниб, яна бирлашади. Ўша ерда турганлар ва Ҳабиб бундан жуда ҳайрон қолишади. Бу чоғ Ҳабиб ва тўрт юз етмиш киши Муҳаммадга имон келтиришади.

Бироқ бунга чидай олмаган, кин ва адоват тўнини кийиб олган Муҳаммаднинг ғанимлари таъқибни давом эттиришади, хўрлашади. Уни жисман йўқотиш пайига тушишади. Шундай бўлсада, ҳақиқат ва адолат йўлида унга доимо Аллоҳнинг ўзи ҳамкор ва кўмакчи бўлаверади, Ислом йўлидаги ишлари бароридан келаверади.

Бир куни чарчоқдан кейин Расулуллоҳ донг қотиб ухлайди. У

тушида тангрининг тахтини кўради. Расулуллоҳ уйқудан уйғонгач, ўз тарафдорлари ва дўст-биродарларига айтадиган ўгитлари аён бўлади:

1. Сиз ёлғиз тангри — Ягона Аллоҳга сиғининг.
2. Ота-онангизга ҳамиша меҳрибон бўлинг.
3. Қариндош-уруғларга ёрдамлашинг, бева-бечоралар ва мусофирларга мададкор бўлинг.
4. Хасис бўлманг, лекин исрофгарчиликка ҳам йўл қўйманг.
5. Болаларингизни фақирлик туфайли ўлдирманг.
6. Ҳаёсиз, ахлоқсиз бўлманг.
7. Бекор-беҳудага қон тўкманг.
8. Етим-есирларнинг моли ва пулига кўз тикманг.
9. Тоат-ибодатни канда қилманг.
10. Савдогар бўлсангиз, тўғри ўлчаб, тўғри тортинг.
11. Эшитган ҳар гапга кўр-кўрона ишонаверманг.
12. Такаббур, шуҳратпараст ва мақтанчоқ бўлманг.

Мусулмонларнинг беш вақт номоз ўқиб, бир йилда бир марта рўза тутишлари ҳам шунда айтилган.

Мушрикларнинг Муҳаммад алайҳис-саломга нисбатан таъқиби, тазйиқи, таҳдиди тобора кучайиб боради. Шунинг учун Расулуллоҳ Исломни тарғиб қилиш каби ишларини махфий равишда олиб борарди. Шу орада Ҳижр сурасининг: «Сенга буюрилганини ошкора ўртага ташла, мушриклар билан тенг бўлма», деган 94-ояти нозил бўлади. Шундан сўнг у Аллоҳнинг ҳимоятига ишониб, мусулмонлик ва Ислом динига ўтишга очиқ-ошкора даъват эта бошлайди.

Муҳаммад алайҳис-салом дину Ислом йўлида ошкора ҳаракатга тушганидан сўнг мисли кўрилмаган таъқиб ва тазйиқлар туфайли хўрланди. Унинг учун Байтуллоҳга бориб намоз ўқиш ўлим билан баробар бўлиб қолди. Уни тўхтовсиз таъқиб қилиб юрувчилар, «ўғрилар қоронғида топишади» деганидек, қабиҳ ният билан бир гуруҳга бирлашдилар ва Муҳаммадни очиқдан-очиқ ҳақоратлаб масхаралай бошладилар. Бир куни уларнинг бошлиғи Абу Жаҳл жамоа орасида шундай деди: «Муҳаммад динимизни камситаяпти, илоҳларимизни сўкяпти, бизларни ақлсизликда, ота-боболаримизни залолатда қолганликда айблаяпти. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, эртага бир катта тошни олиб, Муҳаммадни пойлаб ўтираман. Намоз пайтида саждага бош қўйганида бошини янчиб ташлайман»[1].

Пайғамбар алайҳис-салом намоз ўқиётганида Абу Жаҳл улкан бир тошни юксак кўтариб, Расулуллоҳга яқинлашаётганда унинг ранги бўзариб, орқага чекинди, қўлидан тош тушиб кетди. У ўз одамларига Муҳаммадга яқинлашиб энди ураман деганида катта қўрқинчли эркак туя унга қараб келганини, шу туфайли мақсадига эришолмаганини айтиб беради. Бироқ Абу Жаҳл ва унинг тарафдорлари бу билан қабиҳ ниятларидан воз кечишмади, Расулуллоҳ изидан қолишмади.

---

[1] Муҳаммад Ҳузарий. Нур-ул яқин. Тошкент, Чўлпон—Камалак, 1992, 36-бет.

Имом Бухорий Муҳаммад алайҳис-салом намоз ўқиётганида Абу Жаҳл тарафдорларидан Ақаба ибн Абу Муайд тозаланмаган туя қорнини унинг устига ташлайди. Лекин ифлос қоринни қўрқ-қанларидан унинг устидан олиб ташлашга ҳеч ким ботинолмайди. Расулуллоҳ эса унинг устидан қоринни қизи Фотима келиб олиб ташламагунга қадар саждадан бошини кўтармайди. Уша қабиҳ одамларни Муҳаммад алайҳис-салом дуоибад қилади. Кейин улар бадр урушида битта қолмай ҳалок бўлганлар.

Бундай разиллик ва ваҳшийликлар жуда кўп такрорланади. Бундай қабиҳликлар, разилликлар, ҳатто қувғинлар Расулуллоҳни тўғри ва адолат йўлидан қайтаролмади, дини Исломни тарғиб қилиш каби мўътабар ишдан чалғитолмади. Билакс, худо ёрлақаб, унинг омади келаверди. Одамлар эса унга эргашаверди. Мусулмон динига кирувчилар, Муҳаммадга имон келтирувчилар сони кундан-кунга ўсаверди. Бу Аллоҳнинг иноятн кўмаги биландир.

Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг ҳасадгўйлардан, ғанимлардан кўрган хўрлик, азият ва риёзатларнинг чегараси йўқ. Муҳаммаднинг ўзига туҳмату иғволар уюштирилади, оиласини бадном қилишга уриниб кўришади. Бироқ Муҳаммад доимо ақл билан иш тутади, душманлар гапларига, иғволарига учмайди ва ишонмайди. У бошқаларни ҳам шундай қилишга даъват этади. Ўзи эса доимо ақлининг нақадар тиниқлиги, сабр-тоқатли, қаноатли эканини амалда исбот қилади.

Шу ўринда Муҳаммад алайҳис-салом ва унинг оиласига уюштирилган туҳматлардан бирини эслаб ўтишни лозим топдик. Юқорида эслатилган разил ва қабиҳ воқеалардан янада оғирроғи унинг умр йўлдоши Ойшага нисбатан қилинган туҳматдир. Воқеанинг ҳақиқий қисқа тафсилоти қуйидагича: «Мусулмонлар бани Мусталиқ ғазотидан қайта туриб, Мадина яқинидаги бир қўналғага тушишди. Пайғамбар алайҳис-салом ярим кечаси қўшинни йўлга отлантирдилар. Бу пайтда ҳазрат Ойша зарурат учун чеккароққа кетган эди, манзилгоҳига кела туриб, бўйнидаги маржони тушиб қолганини билиб, дарров изига қайтади. Бу орада отланишга буйруқ келиб, кажавани кўтарадиган хизматчилар унинг ичида ҳазрат Ойша бор деган ўйда, туяга ортишади. Ҳазрати Ойша ёш, озғин, енгил бўлгани учун Кажаванинг ичида бор-йўқлиги билинмаган... Ҳазрати Ойша мунчоғини топиб келганларида қўшин юриб кетган; у кишининг йўқлигидан ҳеч ким хабар топмагани учун бирон кимса қолдирилмаган эди. Ойша барибир излаб келишади, деган ўйда илгариги жойига ўтиради-ю, кўзи илинади. Қўшиннинг орқасидан қолиб кетган, йўқолган нарсаларни йиғиштириб юрган Сафвон ибн Муаттал исмли саҳоба мизғиб ўтирган ҳазрат Ойшани кўриб қолади. У Ойшани мастура бўлишидан аввал билгани учун таниб, баланд овоз билан: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун» (Биз Аллоҳнинг илкидамиз, яна Аллоҳнинг даргоҳига қайтиб борамиз) дейди. Ҳазрат Ойша уйғониб юзини ёпади. Сафвон бир оғиз сўз қотмай туяни чўктиради, ҳазрат Ойша ҳам чурқ этмай минади. Сафвон туяни етаклаб қўшиннинг орқасидан етиб келганда одамлар тушлик овқатдан кейин дам олишаётган эди. Дарров

шивир-шивир бошланди, ғийбатчилар эса ҳайиқмай бу иккови ҳақида оғзига келганини бемалол алжий бошлашди».

Расулуллоҳ, аввало, Ойшанинг чўрисидан у ҳақда сўраб-суриштиради, ўзи билан суҳбатлашиб, Ойшанинг поклигига ва бу душманларнинг туҳмати эканига тўла қаноат ҳосил қилди. Демак, иғвогару туҳматчилар, ҳасадгўйлар, чақимчилар, миш-мишчилар фитналари барбод бўлди. Туҳматдан парвардигорнинг ўзи асрасин!

Кўпгина манбаларда кўрсатилишича, Муҳаммад алайҳис-салом йигирма олтита катта-кичик жангда иштирок этади ва дини исломни, ватанни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Бу унинг ватанпарварлигидан, инсонпарварлигидан, эътиқодининг бутунлигидан далолат беради. Умуман олганда, унда ўзидан олдин ўтган пайғамбарларнинг яхши фазилатлари мужассам эди. Чунончи; Одам Атонинг яхши хулқ-атвори, Сифнинг илму донишлиги, Нуҳнинг жасорати, Иброҳимнинг шафқати, Исмоилнинг фасоҳати, Исоқнинг камтарлиги, Лутнинг фаросати, Ёқубнинг топқирлиги, Юсуфнинг ҳусни-жамоли, Мусонинг сабот-матонати, Юнуснинг ҳалимлиги, Довуднинг хайрихоҳлиги, Илёснинг олижаноблиги, Яҳъёнинг мусаффолиги, Исонинг тақводорлиги унда мужассам эди.

Пайғамбар бир куни намоз ўқиётганида Аллоҳдан аҳли мусулмон учун қиблани Каъба томонга ўзгартириш тўғрисида ваҳий келади. Дарҳол у намозни қиблаи Каъбага қараб ўқий бошлади. Шундан эътиборан қибла Каъбага қараб ўзгартирилди.

Қурайшларнинг Пайғамбар алайҳис-салом ва унинг тарафдорларига зуғуми, етказган зиёни маълум. Муҳаммад қурайшлар катта карвонининг Шомга кетганидан ва орқага қайтаётганидан хабар топган эди. Кейин у ҳам саҳобаларини унга қарши юборди. Бироқ баъзи боқи-беғамлар Расулуллоҳ урушмайди деган хаёлга бориб, сафарга ҳозирлик кўришмади ва келишмади. Пайғамбар эса уларни кутмасдан йўлга чиқди тўғрироғи у қурайш мушриклари етказган озорлар, беҳисоб кулфатлар учун ўч олиш мақсадида юриш қилган эди. Зотан, Расулуллоҳ: «Қишининг ўз ҳаққи ҳимоясида ўлмоғи ҳам яхши ўлимдир» деб каромат қилган.

Беқиёс қийинчиликлар, Расулуллоҳнинг тинимсиз меҳнати, матонатли курашлари туфайли Ислом динининг жўғрофий доираси кенгайди, қўшни мамлакатлар халқлари ҳам ислом динига ўтиб мўмину мусулмон бўлишди. Шундан кейин Муҳаммад алайҳис-салом кўпчилик иқлим подшоҳларига мактублар йўллади, элчилар юборди. Хатлар учун кумушдан махсус муҳр ясалиб, унга «Муҳаммадун расулуллоҳ» деган сўзлар зарб қилинди. Ўша мактублар подшоҳлар қўлига тегиши билан уларнинг кўпчилиги мусулмон динига имон келтирардилар. Бу Исломнинг халқчиллигидан, кўпчилик мамлакат халқлари ўртасида қозонган ҳурматидан далолат беради.

Чунки ер юзидаги барча мавжудотни энг ардоқлиси, икки дунё хожаси, Аллоҳнинг суюкли ҳабиби бўлмиш Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам халқни зулмату жаҳолату қабоҳат

дунёсидан саодатли йўлга етаклади. Парвардигорнинг марҳамати ила ул зоти олий йигирма уч йил мобайнида Ислом динини оммалаштирди, тарғиб ва ташвиқ қилди, Қуръони каримни халққа машъал қилиб тортиқ этдики, бутун аҳли Ислом ҳозиргача ундан баҳраманддур.

Қолаверса, Муҳаммад пайғамбаримиз шундай мўъжизалар яратдики, санаб саноғига етиш қийин. Уларнинг барчаси инсоният бахт-саодати, камолоти учун хизмат қилди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Ул ҳазрати олий 632 йилда охирги гал ҳажга боради. Бу гал Маккага келганда Муҳаммад алайҳис-салом Каъбани етти марта айланиб чиқади. Ҳазрати Иброҳимнинг хотини Хожар сув қидириб юрган йўллардан ўтади, Сафо ва Маъво тоғлари бошига чиқиб, теварак-атрофни кузатади. У ёруғ дунёдан кетишини сезганди.

Бу воқеадан икки ой кейин Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам касалга йўлиқади. Боши қаттиқ оғрийди, ҳарорати кўтарилади. Бироқ, масжидга чиқишни ва намозгўйларга имомлик қилишни канда қилмайди. Бора-бора аҳволи оғирлашади. 1932 йил ўрталарида, яъни 6-ойнинг 8-куни Муҳаммад алайҳис-салом 63 ёшида бандаликни бажо келтиради.

АХЛОҚ-ОДОБГА ОИД ҲАДИС НАМУНАЛАРИДАН

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Одамлар ичида Тангрига ёқимсизроғи — ашаддий душманлик қилувчидир.

Қўй боқинглар, чунки у баракадир.

Тангридан кўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! (Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар.)

Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қўшнига.

Ҳалокатга олиб борувчи етти хил гуноҳдан сақланинглар:

1. Тангрига ширк келтирмоқ[1].
2. Сеҳр ишлари билан шуғулланмоқ.
3. Бировни ноҳақ ўлдирмоқ.
4. Судхўрлик.
5. Етимлар молини емоқ.
6. Ватан мудофааси учун бўлаётган урушдан қочмоқ.
7. Эрли, мўмина, иффатли аёлларни фоҳиша деб ҳақоратламоқ.

Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир.

Тангри наздида энг маъқул жиҳод[2] — золим подшоҳга айтилган ҳақ сўздир.

Тангри наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар иззат қилинадиган уйдир.

---

[1] Тангрини бирдан ортиқ демоқлик ва ундан бошқаларда ҳам илоҳий куч бор деб билмоқлик.

[2] Жиҳод — жанг.

Ўзингга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!

Дўстингни енгилроқ севгинки, куни келиб душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингга ҳам енгилроқ адоват қилгинки, куни келиб дўст бўлиб қолиши мумкин.

Икки жағингиз ва икки оёғингиз ўртасидаги аъзоларингизни тийинг!

Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради[1].

Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир.

Қайси бирларингга қозилик лавозимини ўташлик тўғри келиб қолса, жаҳлу ғазаб келганда ҳукм чиқарилмасин, хусумат билан келганларга қарашда, уларни ўтқазишда ва уларга имо-ишора қилишда баробар бўлинсин.

Зиёратингизга келган одам ҳурматини жойига қўйинглар.

Кимники Тангри дўст тутиб қолса, одамларнинг унга ҳожати тушадиган қилиб қўяди.

Қайси бир аёлга уйланиш дилга тушиб қолса, олдин уни бир кўришлик ёмон эмас.

Қачонки хаёлингиздан бирор шубҳали фикр ўтса, уни тарк этинг!

Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўминдирсиз.

Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки ахлоқлироқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва ахлоқсизроқ одамлар ҳам борлигини эсланг.

Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар.

Одамларга кенг қабли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Тангри қиёмат куни қаттиқ азоблайди.

Беш хил хислатга кафил бўлинглар, токи мен ҳам сизлар учун жаннатга кафил бўлай: 1. Меросларингизни тақсимлашда бирбирларингизга хиёнат ва зулм қилманглар. 2. Одамларга ўзларингизча инсоф қилинглар. 3. Душман билан бўладиган жангларда

---

[1] Обрў-эътиборингизни пасайтиради маъносида.

қўрқоқлик қилманглар. 4. Ўлжа тақсимотида хиёнат қилманглар. 5. Зулм қилувчилардан мазлумлар ҳақини ундириб беринглар!

Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир.

Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар.

Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир.

Хотинларнинг баракалироғи — сарф-харажатни камроқ қиладиганидир.

Имоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ўргатишидир.

Бойларнинг уйига камроқ киринглар, акс ҳолда Тангрининг сизларга берган неъматларини писанд қилмаган бўласизлар.

Узр сўрашликни[1] камроқ қилинглар.

Гуноҳнинг каттаси: Тангрига ширк келтирмоқлик[2], ноҳақ қонтўкмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик ва ёлғон гувоҳлик бермоқлик.

Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

Тангри афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутади.

Тангри сахийдир, сахийларни дўст тутади. Ахлоқи олий кишиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди.

Тангри ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутади.

Тангри аксиришликни ёқтиради, эснашликни ёмон кўради.

Бахтли одам фитна-фасодлардан четлаб юрувчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир.

Тиламчилик қуйидаги уч тоифадан биригагина жоиздир: 1. Хун тўловчига. 2. Оғир қарздорга. 3. Мискин-қашшоқ кишига.

Улим — даҳшатли ҳодисадир. Қачонки тобутни кўрсаларингиз дарҳол (ҳурмат юзасидан) ўринларингиздан туринглар.

---

[1] Узр сўраладиган ишни.

[2] Тангрини бирдан ортиқ демоқлик ва ундан бошқаларда ҳам илоҳий куч бор деб билмоқлик.

Имонли одам ваъдага вафодор бўлади.

Қишиларнинг молини ноҳақ ейишга ўч одамлар қиёмат куни дўзахга маҳкумдирлар.

Берган нарсасини қайтариб оладиган киши гўё ит қайт қилган нарсасини яна қайта ея вериши билан баробардир.

Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан.

Амирлик (подшоҳлик) нималигини сизларга айтсам, у биринчидан, маломатга қолиш, иккинчидан, пушаймонлик, учинчидан қиёмат кунидаги азобга қолиш. Одил подшоҳлар бундан мустасно.

Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, бехосдан қиёмат-қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг.

Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман.
Қўшни билан яхши алоқада бўлинглар!

Сизларга кимлар жаннат аҳли бўлиши тўғрисида хабар берайми? Улар заиф бечоралар ёки Тангрига қасамёд қилсалар, албатта устидан чиқадиганлар. Дўзах аҳлидан хабар берсам, улар қаттиқ хусумат қилувчи, мутакаббир одамлардир.

Ораларингизда энг кучлиларинг кимлигини айтайми?! У ғазаби келганда ўзини тутиб тура оладиганингиздир.

Гумондан сақланинглар! Зеро, у ёлғон гапдан иборатдир. Бир-бирларингизни текшириб жосуслик қилманглар. Мол-дунё учун мусобақа қилманглар. Ўрталарингда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Тангрининг ўзаро биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига, то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглар.

Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинглар.

Қайси бир одам ҳалол касб билан молу дунё топиб, ундан ўзининг ва Тангрининг бошқа бандаларининг озиқ-овқати ва кийимкечаги учун сарф қилса, шуларнинг ҳаммаси унга садақа ҳукмида ёзилади.

Қайси бир қавм бошлиғи ўз қўл остидаги одамларга хиёнат қилиб, уларни алдаса, у қиёмат куни дўзахга маҳкум бўлади.

Оила нафақасидаги тежамкорлик тирикчиликнинг ярмига тенг. Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига тенг. Савол сўраш одобларини билиш илмнинг ярмига баробар.

Ислом, яъни, мусулмончилик ошкора нарсадир, имон эса дилдадир.

Сабр ва бардош Тангридан, шошқалоқлик эса шайтондандир.

Закотини адо этувчи, меҳмондўст ва мусибатли кишига ҳамдард бўлган одам бахиллик ва қизғанчиқликдан халосдир.
Тўйда мискинлар қолиб, фақат бойларгина еб кетадиган таом ёмон таомдир.

Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглар ва рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлғондан сақланинглар. Чунки барибир ёлғоннинг охири вой.

Бир-бирларингизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғиллу ғашлик кетади.

Уч хил сифат бордирки, кимда-ким уларга эга бўлса, Тангри қиёмат куни уни ҳимоя қилиб, ўз жаннатига киргизур:
1. Заифлар билан хушмуомала бўлиш.
2. Ота-онасига шафқатли бўлиш.
3. Қўл остидагиларга ҳимматли бўлиш.

Уч хил кишилар борки, уларнинг обрўсини тўкиб ҳақоратлаш мумкин:
1. Фисқ-фасод ишларни ошкора қилувчи одамни.
1. Золим подшоҳни.
3. Бидъат-хурофот ишлар қилувчи одамни.

Уч тоифа кишилар борки, Тангри қиёмат куни улар билан сўзлашмайди ва раҳмат назари билан ҳам боқмайди ва гуноҳларини ҳам кечмайди, балки уларни қаттиқ азоблайди:
1. Кекса бўла туриб, зино ишларидан қайтмаган одам.
2. Ёлғончи подшоҳ.
3. Мақтанчоқ камбағал.

Саккиз тоифа кишилар қиёмат куни Тангрининг маҳлуқлари ичида энг ёмони ҳисобланурлар,
1. Ёлғончилар.
2. Мутакаббирлар.
3. Қалбларида мўмин биродарларига нисбатан адоват сақлаган ҳолда, уларни кўрганларида мулозамат қилувчилар.
4. Тангри ва Расулининг даъватини секин, шайтоннинг буйруғини эса тез бажарувчилар.

5. Ноҳақ бўлса-да, қасам билан дунёдан тама қиладиган кишилар.
6. Чақимчилар.
7. Дўстларни бир-биридан айиришга ҳаракат қилиб юрувчилар.
8. Гуноҳсиз пок одамларга ноҳақ бўҳтон қилувчилар, мазкурларнинг ҳаммасига Тангрининг ғазаби ёғилур.

Бозорларимизга четдан мол олиб келиш гўё Тангри йўлидаги жиҳод кабидир. Бозорларимиздаги нарсаларни уйида яшириб сақловчи одам гўё Тангрининг китобидаги худосиз кабидир.

Мўминларнинг бир-бирларида олтита ҳақлари бор: салом бериш, чақирса бориш, маслаҳат сўраса бериш, аксирса жавоб айтиш, касал бўлса бориб кўриш, ўлса бориб дафнида қатнашиш.

Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик.

Беш хил гуноҳ кечирилмайди: 1. Тангрига ширк келтириш. 2. Ноҳақ қон тўкиш. 3. Мўминларга нисбатан бўҳтон уюштириш. 4. Жангдан қочиш. 5. Қасам ичиб бировнинг ҳақини ноҳақ ўзлаштириш.

Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсасини ёқтирадиган ва ёқтирмайдиганини ёқтирмайдиган бўлади.

Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир.

Улиб кетганларни ҳақорат қилувчи одам ҳалокатга яқиндир.

Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир.

Ёлғон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан қўзғалмай туриб Тангри унга дўзахни раво қилиб қўяди.

Кишидаги энг ёмон хислат — ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир.

Қарзини узмай дунёдан ўтган одам, то ўша қарзи узилмагунча қабрида кишанланган ҳолда ётади.
Отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдур.

Илм ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи (устун) дир.

Икки хил қозилар борки, улар дўзахга маҳкумдирлар, бир хиллари эса жаннатийдирлар. Ҳақни билса-да, ноҳақ ҳукм чиқарадиган ёки умуман илми йўқ бўла туриб, ўз хоҳлаганича ҳукм чиқарадиган қозилар дўзахийдирлар.

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар!

Жаноб пайғамбаримиз қачонки ёш болалар олдидан ўтиб қолсалар, улардан олдин салом қилиб ўтар эдилар.

Пора берувчини ҳам, уни олувчини ҳам, иккаласининг орасида турувчини ҳам Тангри лаънатласин!

Ота-онаси қарғаганни Тангри қарғайди. Тангридан бошқага атаб жонлиқ сўювчиларни Тангри лаънатлайди.

Мабодо мен далил-исботсиз тошбўрон қилишим мумкин бўлганда, мана шу фоҳиша аёлни тошбўрон қилар эдим.

Юриб кетаётганга отлиқ, ўтирганга юриб кетаётган, кўпчиликка озчилик салом берсин! Саломга алик олса-ку яхши, бордию олмаса, салом берувчига зарари йўқ.

Кураш тушиб йиқитган эмас, балки ғазаби келганда ўзини босиб олган одам кучлидир.

Одамларни сулҳга келтириш, аразлашганларни яраштириш учун гапирилган ёлғон гапнинг зарари йўқдир.

Ирим қилувчи ёки ирим қилдирувчи, фолбинлик қилувчи ёки фолбинга борувчи, сеҳр қилувчи ёки сеҳр қилдирувчилар бизлардан (яъни мўмин) эмаслар.

Ҳасадгўйлик, чақимчилик ва фолбинлик қилувчилар мендан эмаслар, мен ҳам улардан эмасман.

Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди.

Қайси бир одам бирор мўмин биродарининг бошига мусибат тушиб, обрў ва ҳурматига путур етиб турганда ёрдам қўлини чўзмаса, ўзининг бошига кулфат тушиб, нажот тилаганда Тангри ҳам

унга ёрдам бермайди. Агар, аксинча, унга ёрдам қўлини чўзса, Тангри ҳам унинг ҳожатига мададкор бўлади.

Ўн киши ва ундан ортиқ одамларга бошлиқ бўлган киши қиёмат куни икки қўли бўйнига боғлиқ ҳолда қўпгай. Агар у одил бўлган бўлса, адолати келиб қўлларини ечади. Борди-ю золим бўлган бўлса, зулми қўлларини маҳкамроқ боғлайди. Амалдорликнинг боши маломат, ўртаси надомат, охири қиёмат шармандалигидир.

Тангрининг наздида тўғри сўздан ортиқ садақа йўқдир.

Қайси бир халқнинг ичида жиноят ва гуноҳ иш қилувчилардан кўра қилмайдиганлар кўп ва кучли бўлатуриб уларни тийиб қўймасалар Тангрининг офати ҳаммаларига баробар бўлади.

Қимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин.

Бировнинг уйига берухсат эшик ёки тешикдан мўралаган одамнинг кўзини ўйиб олиш жоиздир.

Бир мўмин кишини ғийбат қилаётганда унинг обрўсини ҳимоя этишга қодир бўла туриб, буни қилмаса, Тангри уни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам хор этур.

Ўзи билимсиз бўла туриб, турли низо ва муҳокама ишларида қатнашиб юрадиган одам то бу ишидан қайтмагунча Тангрининг ғазабида бўлур.

Сизларнинг қай бирингиз бирор жиноят ёки гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало қўл билан қайтаринг. Бунга имкони бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчиси одамнинг имони заифлигига далолатдир.

Икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан Мен жаннатда бирга бўлурман.

Қимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади.

Бу дунёда иккиюзламачи бўлган одамнинг қиёматда ўтдан ясалган икки тили бўлади.

Золимнинг золимлигини билиб туриб, унга ёрдам бериш учун у билан бирга юрган одам исломдан чиқиб қолади.

Қимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир[1].

---

[1] 580-рақамли ҳадисга қаранг.

Ўз ҳақини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган одамнинг ўлими нақадар яхши ўлимдир!

Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди, кечирмаганни кечирилмайди ва оиравнинг узрини қабул қилмаганнинг тавбаси ҳам қабул қилинмайди.

Расулуллоҳ қабр устига бирор нарса ёзиб қўйишни ҳам ман этганлар.

Кофирларни ҳақорат қилиб, мўминлар бошига улардан бирор кулфат етишига сабабчи бўлиб қолманглар!

Ўлиб кетганларни ёмонлаб ҳақорат қилманглар, чунки улар қилмишларига яраша мукофот ёки жазо оладиган жойга кетганлар.

Ўлганларни ҳақоратлаб, уларнинг тирик қариндошларини ранжитиб қўйманглар!

Мозорларга, азиз-авлиёларга атаб қурбонлик қилиш исломда йўқ.

Уч кундан ортиқ аразлашиб юриш исломда йўқ.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (780(3)—850)

Маълумки, VII—IX асрларда Хоразм ободончилик , қурилиш иншоотларининг юксалиши жиҳатдан Шарқ мамлакатлари ичида катта мавқега эга эди. Қўшни давлатлар ва халқлар билан савдо алоқасининг мустаҳкамлиги туфайли унинг маданияти ҳам тезкорлик билан ривожланиб бораётган эди.

Қутайба бошлиқ араб истилочилари 712 йилда Хоразмни забт этди. Ривожланган маданияти топталди, мавжуд қитоблар йўқ қилинди, фан ва маданият арбоблари қирғинга учради.

Ана шундай тарихий даврда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий тахминан 780 йиллар бошида Хоразмда дунёга келди. У бутун дунё илм оламини забт этган қомусий олимдир. Унинг риёзиёт ва фалаккиёт илмига асос солгани ўз замонасида ҳам, ҳозир ҳам тан олинган.

Ал-Хоразмий илмга жуда ёшлигидан меҳр қўйди. Ўз-ўзидан аёнки, дастлабки хат-саводни туғилган кентида чиқарди, мадрасаларда таълим олди, тинмай мутолаа қилди. Бўлгуси йирик олим мантиқий фикрлаш малакасини оширган, асосий эътиборни тил ўрганишга қаратган. Натижада Хоразмий тили билан бир қаторда турк, араб, форс, санскрит, яҳудийлар тилларини пухта эгаллаган.

Худди шу даврда, яъни 1813 йиллар арафасида Ал-Маъмун халифалик қилган даврда истеъдодли қомусий олим Ал-Хоразмий Боғдодга лутфан таклиф қилинади. Олим бу таклифни қабул қилади, у ерда илм эгаллаш ва уни шогирдларга ўргатиш билан машғул бўлган. Унинг бу фаолияти, инсон сифатида ҳам, олим сифатида ҳам бағри кенглиги жуда катта обрў келтирган.

Ал-Хоразмий Боғдоддаги илм маркази (Донишмандлар уйи, кутубхоналар, обсерватория ва бошқа илм-маърифат тармоқлари)ни бошқарган. Маҳаллий олимлар билан бир қаторда Шарқ мамлакатларидан ташриф буюрган Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий сингари етук алломалар Ал-Хоразмий раҳнамолигида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришган ва тўғри йўлга қўйишган.

Ал-Хоразмий арифметика, алгебра, фалаккиёт, ҳандаса, жўғрофия, тарих ва бошқа фанлар бўйича жиддий илмий кузатишлар олиб борди. Олимнинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқабала» («Алжабр муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»), «Зиж фи ила ал-фалак» («Астрономия Зижи»), «Китоб су-

рат ал-арз» («Ер сурати»), «Китоб ат-тариx» («Тарих китоби») сингари ўнлаб асарлари жаҳон илм хазинасини бойитди.

Ал-Хоразмий алгебрага оид китобининг ҳандасага бағишланган қисмида шаклларни ўлчаш (бурчак, учбурчак, тўртбурчак, кўпбурчак, конус, пирамида ва шу кабилар) масалаларини тадқиқ этган. Бу геометрик чизма билан бевосита боғлиқ, албатта. Олим тадқиқ қилган ўлчаш усуллари ҳақидаги таълимот чизмачилик фани тараққиётида муҳим аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, Ал-Хоразмийнинг илмий мероси фақатгина илм **дорилфунуни учун эмас, балки** ҳозирги таълим-тарбия, маърифий-маданий мактаблар тараққиётида жуда катта аҳамиятга эгадир.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЖОДИДА МАТЕМАТИК ФАНЛАР

Буюк математик, астроном ва географ, «ҳозирги замон алгебрасининг отаси» Муҳаммад ал-Хоразмий VIII аср охири — IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусийдир. Бу ерда исмнинг «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад» қисми исломга янги ўтганларга бериладиган анъанавий исмдир. «Ибн Мусо» «Мусонинг ўғли» демакдир; «ал-Мажусий» лақабига кўра, Хоразмийнинг аждодлари мажусий коҳинларидан, яъни мўғлардан бўлиб, исломни отаси қабул қилганлиги кўринади.

Олимнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳамда ҳаёт йўли ҳақида аниқ маълумот сақланмаган. У туғилган йилни 783 йил деб тахмин қилинади. Хоразмийнинг бошланғич таълими, шунингдек Хоразмни қандай шароитда ташлаб кетганлиги ҳам фан учун ҳозирча номаълум. Маълумки, мажусий коҳинлари қадимий диний урф-одатларидан хабардор бўлган, ерли халқ ёзувини билган ҳамда диний ва илмий адабиётлар уларнинг қўлида сақланган. Шунга кўра, Хоразмий бошланғич маълумотни ўз уйида олган деган хулосага келиш мумкин.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Бағдодда астрономия билан шуғулланишга тўртки бўлган сабаблардан бири бағдодликлар ҳиндларнинг билимидан хабардор бўлганликларидир. Бу далил ҳақида ва Хоразмийнинг унда тутган ўрни ҳақида XIII асрнинг тарихчиси Ибн ал-Қифтий (1172—1248) қуйидагича хабар беради:

«Ибн Одамий деб маълум бўлган ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳамид ўзининг «Терилган маржон» деб аталган катта зижида ҳикоя қиладики, бир юз эллик олтинчи (милодий 773) йили Халифа ал-Мансур олдига Ҳиндистондан бир киши келди. У ёритқичларнинг ҳаракатлари, уларнинг чорак даража учун ҳисобланган кардаражалардан тузилган тенгламалари ва ёритгичлар билан бўладиган бошқа самовий ҳодисалар, чунончи, тутилишлар эклиптика (даражаларининг) чиқишлари ва бошқалар ҳақидаги Синдҳинд деб аталувчи ҳисобдан хабардор эди... Булар бир неча боблик китобда келтирилган эди. У (ал-Ҳусайн) айтадики, ўша (ҳинд) китобни ҳинд подшоҳларидан бўлмиш Фиғар исмли подшога мансуб

кардаражалар ҳисобига қисқартирган, бунда кардаражалар минутлар учун ҳисобланган бўлди.

Ал-Мансур, араблар сайёралар ҳаракати (масалаларида) асос қилиб олсинлар деб, бу китобни таржима қилиш ва унга кўра китоб ёзишни буюрди. Бу (ишга) Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фазорий киришди ва шу (китоб) асосида бир китоб ёзди, у астрономлар орасида «Катта Синдҳинд» деб аталади. У замон аҳли то халифа учун Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий қисқартириб, ўз зижини тузди, бу (зиж) ислом мамлакатларида машҳур бўлди. Бунда у Синдҳиндаги ўртача (планеталар)га таянади, лекин тенгламалар ва (Қуёш) оғиши (масаласида) унга мухолиф бўлди. Шунинг учун у тенгламаларни форслар мазҳабига кўра, Қуёш оғишини эса Птолемей мазҳабига кўра аниқлади. Унда у тақрибий (ҳисоблашнинг) ажойиб навларини ихтиро қилди, гарчи бунда унинг геометрияда заифлигидан далолат берувчи муайян хато бўлса ҳам. У замон аҳлининг Синдҳинд тарафдорлари бу (китобни) маъқулладилар ва уни тезда мамлакатларга тарқатдилар. Замонамизнинг синчков кишилари унга тузатиш киритиб, ҳатто ҳозирги кунда ҳам фойдаланиб келмоқдалар».[1]

Шундай қилиб, Ибн ал-Қифтий келтирган хабар Хоразмийнинг Бағдодга келган даври ҳақидаги энг илк ва аниқ гувоҳликдир. Хоразмий Бағдодга келиб, у ердаги Қутраббул маҳалласида яшаганлиги ҳақида хабар бор[2]. У «Байтул Ҳикмат»нинг кутубхонасига мудирлик қилади[3].

Хоразмий Маъмун академиясида олиб борилган илмий кузатишларда фаол қатнашади. Хусусан, Бағдоднинг Шаммосия маҳалласи расадхонасидаги астрономик кузатишлар Хоразмий ва Яҳё ибн Абу Мансур бошчилигида олиб борилган[4].

Хоразмий «Байтул Ҳикмат»нинг илмий фаолиятида узлуксиз ва бевосита иштирок этиб, унинг энг фаол аъзоларидан бири бўлган. Хоразмий халифалик тарихидаги муҳим бир давр — Уйғониш даврининг бошида ижод этди.

Олимнинг ижоди ҳақидаги маълумотлар ҳам унинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар каби жуда кам. Сақланган маълумотларга кўра, унинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўндан ортиқдир:

1. Арифметик асар, лотинча Algoritmi de numero indarum («Алгоритми ҳинд ҳисоби ҳақида») номи билан маълум. Асарнинг арабча нусхалари сақланмаган.

2. Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала («Алжабр алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»).

3. «Зижи ал-Хоразмий» («Хоразмий Зижи») арабча нусхада сақланмаган. Асарнинг 1007 йили испаниялик араб астрономи

---

[1] Ибн ал-Қифтий. Китаб ахбар ал-улама би-ахбар ал-Ҳукама, Қоҳира, 1326 ҳ. (1908 м.), 177—178-бет.

[2] Сальє М. Мухаммед аль-Хорезми — великий узбекский ученый. Ташкент, 1954, 5-бет.

[3] Ибн ал-Қифтий. Ўша асар. 187-бет.

[4] Sayili A. The islamik observatories, S. 78.

Маслама ал-Мажритий (X—XI) қайта ишлаган нусхасидан XII асрда Аделард Бат бажарган лотинча таржиманинг нусхалари мавжуд.

4. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ажойиб ишларидан, Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш («Зара' иф мин[6] амал Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий та риф ас-самт би-л-астурлоб»), ягона арабча қўлёзмаси Истанбулда Аё Сўфиё кутубхонасида 4830/13 рақамли инвентарь (198[в]—200[а] варақлар, ҳижрий 620 йили кўчирилган) рақам билан сақланади. Русча таржимаси нашр этилган.

5. Мармар соат ҳақида китоб (Китоб ар-рухама).

6. Тарих китоби (Китоб ат-та рих).

7. Абу Маслама ал-Мажритий ўзининг «Ғоят ал-ҳаким» номли асарида Хоразмийнинг астромагик маънога эга асаридан цитата келтиради[1]. Бу асар сақланмаган.

8. Яҳудийларнинг эралари ва байрамлари ҳақида рисола. (Рисола фи истихрож та рих ал-йаҳуд ва а ёдиҳим), календарга тааллуқли. Бу китобни муаллиф таржима қилган.

9. Сурати-л-арз китоби (Китоб сурати-л-ард), — Хоразмий «География»си, бу асар ҳам муаллиф томонидан таржима қилинган.

19. Астурлоблар билан амал тутиш ҳақида китоб (Китоб ал-амал би-л-астурлобот).

ХОРАЗМИЙ АРИФМЕТИКАСИ ВА ЎНЛИК ПОЗИЦИОН ҲИСОБЛАШ СИСТЕМАСИ

Хоразмийнинг арифметик ва алгебраик асарлари математика тарихида янги даврни — ўрта асрлар математикаси даврини бошлаб берди ва математиканинг кейинги асрлардаги ривожланишига беқиёс таъсир кўрсатди. Улар кўплаб тадқиқотлар учун таянч вазифасини ўтади: уларни кўплаб муаллифлар шарҳлади ва уларнинг қисмларн бошқа асарлар таркибига кирди: асрлар давомида бир неча авлодлар математик маълумотларни шу асарлардан олди. Олим ўзининг математик асарларида кундалик ҳаёт талаби ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда олимлар учун ҳам, ҳунармандлар учун ҳам энг керакли бўлган маълумотларни тўплади ҳамда сермазмун ва содда иборалар билан қисқагина баён этди.

Ўзининг арифметик асарида Хоразмий араб тилида биринчи бўлиб ўнлик позицион ҳисоблаш системасини ва унга асосланган амалларнинг баёнини келтиради.

Сонларнинг ҳинд рақамлари билан ўнлик позицион системада ёзилишини ва «О га ўхшаш кичик доирача»нинг ишлатилиши ҳақида муфассал сўзлаганидан сўнг Хоразмий катта сонларни айтишни ўргатади ва бунда у фақат бирлар, ўнлар, юзлар ва мингларнинг номларидан фойдаланади. Мисол тариқасида Хоразмий мана бу (қўлёзмада кўрсатилмаган) 1180 073 051 492 863 соннинг ўқилишини кўрсатади, у бундай ўқилади: мингта минг минг минг

[1] Sergin F. LAS. Bd. VI. S. 143.

минг беш марта ва юз минг минг минг минг тўрт марта ва саксон минг минг минг минг тўрт марта ва етмиш минг минг минг уч марта ва уч минг минг минг уч марта ва эллик бир минг минг икки марта ва тўрт юз минг ва тўқсон икки минг ва саккиз юз олтмиш уч[1]. Сонларнинг бундай ноқулай ўқилиши **Шарқда ҳам, Европада** ҳам узоқ муддатгача сақланиб, ўнлик позицион система узил-кесил ғалаба қилгандагина йўқолади.

Хоразмий икки бараварлаш ва иккилаш, **яъни ярмилаш амал**ларига муҳим аҳамият беради.

Бундан кейин Хоразмий бутун сонларни бир-бирига кўпайтиришга ўтади. Бунинг учун у 9 ни 9 гача кўпайтириш жадвалини ёддан билиш кераклигини айтади.

Хоразмий бутун сонлар устида амалларни тугатгач, каср сонлар устидаги амалларга ўтади. Каср сонлар рисоланинг лотинча таржимасида fractcones дейилган бўлиб, бу сўз арабча «каср» — бўлак («касара» — синдирмоқ, майдаламоқ) сўзининг таржимасидир. Кейинчалик деярли барча Оврўпа тилларидаги «каср» маъносини англатувчи сўзлар шу лотинча номдан тарқалади. Хоразмий арифметик рисоласининг лотинча таржимасида ҳам касрларнинг аталишида араб тилига хос бўлган хусусият сақланган.

Хоразмий олтмишлик касрлар тушунчасини киритишда бирни олтмиш бўлакдан иборат деб қараб, бунинг ҳар бир қисмини «дақиқа», бунинг олтмишдан бир қисмини «сония», бунинг олтмишдан бир қисмини «солиса» ва ҳ. к. дейилишини айтади. Лотинча таржимада бу номлар сўзма-сўзига «минута», «секунда», «терция» ва ҳ. к. деб таржима қилинган. Бутунни эса Хоразмий «даража» деган, лотинчага у «градус» деб таржима қилинган. Хоразмий кўпайтишни биринчи ўринга қўяди. Аввал у олтмишлик касрларни кўпайтишда кўпайтманинг мартабасини аниқлаш қоидасини айтади. Касрларни ва аралаш сонларни ўзаро кўпайтишда кўпайтма қуйи мартабадаги соннинг мартабасида бўлишини таъкидлайди. Бўлиш амалида бўлинувчи ҳам, бўлувчи ҳам улардаги энг қуйи мартабада ифодаланади: агар бўлинувчининг шу мартабадаги бирлари бўлинувчиникидан кичик бўлса, уни яна битта қуйи мартабага ўтказилади[2]. Кейин Хоразмий олтмишлик касрларни қўшиш, айириш, икки бараварлаш ва иккилаш амалларини баён қилади.

Оврўпада ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг ва рақамларнинг тарқалишида XII асрдан бошлаб арабча арифметик асарларнинг ва айниқса Хоразмий рисоласининг лотин тилига қилинган таржималари катта аҳамият касб этади.

АЛЖАБР ВАЛ МУҚОБАЛА — АЛГЕБРА

Хоразмийнинг алгебраик рисоласи унинг арифметик рисоласидан аввал ёзилган. Олимнинг рисоласида арифметик алгебрасини эслаши бунга далил бўла олади[3]. Рисоланинг таржимамизга асос

[1] Таржима, 104-бет.
[2] Таржима, 108-бет.
[3] Юқорида. 102 а-бетга қаранг.

бўлган 1342 йили кўчирилган ва Оксфорд дорилфунунининг Бодлеян кутубхонасида сақланадиган арабча нусхада 34 варақни ташкил қилади. Рисола уч қисмдан иборат: 1) алгебраик қисм (1б — 15 а-бетлар), охирида кичик бир бўлим — савдо муомаласига оид боб келтирилади, 2) геометрик қисм, алгебраик усул қўллаб ўлчашлар ҳақида (15 а — 18 б-бетлар), 3) васиятлар ҳақидаги қисм. Хоразмий уни алоҳида ном билан «Васиятлар китоби» деб атаган (18 б — 34 а-бетлар). Хоразмий рисолада ҳеч қандай белгилашларни келтирмайди ва мавзуни бутунлай сўз билан баён этади ва шакллар келтиради.

Рисола бошида ҳамду санодан кейин бу китобни ёзишдан мақсади нима эканлигини қуйидаги сўзлар билан айтади: «... Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Алжабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда ва, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир»[1]. Олимнинг бу сўзларида рисолада ўз олдига қўйган комплекс масалалар акс этган. Шу билан бирга, Хоразмий халифаликда кун тартибида турган хўжалик эҳтиёжлари, ислом ва шариат догматикасига кўра юзага келадиган масалалар, меъморчилик ва ирригация билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишни ҳам кўзда тутганлигини билдиради. Умуман олганда, Хоразмий алгебраси — сонли квадрат ва чизиқли тенгламаларни ечиш ҳақидаги фандир.

Хоразмий асосий алгебраик мавзуга ўтишдан аввал ўнлик позицион ҳисоблаш системаси, унинг қулайлик ва афзаллиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтади.

Хоразмий айтишича, алгебрада уч хил сонлар билан иш кўрилади: илдиз (жизр) ёки нарса (шай), квадрат (мол) ва оддий сон ёки дирҳам (пул бирлиги)[2]. Яна унинг айтишича, илдиз — ўзини ўзига кўпайтириладиган миқдор, квадрат эса илдизни ўзига кўпайтиришдан ҳосил бўлган катталикдир. У аввал рисолада кўриладиган олтита чизиқли ва квадрат тенгламанинг таснифланишини келтиради. Бундан кейин конкрет мисоллар билан бошқа ҳар қандай тенгламалар рисола моҳиятидаги асосий амаллар ал-жабр ва ал-муқобала амаллари ёрдамида олти каноник кўринишга келтирилиши кўрсатилади.

Рисоланинг кўрилган бобларида алгебраик ҳисоб ҳақида бошланғич маълумотлар келтирилган бўлиб, Хоразмий уларнинг бирида квадрат иррационаллик тушунчасини ишлатади ва уни «жизр асамм» деб атайди[3].

Хоразмий иррационаллик тушунчасини ишлатган бўлса ҳам, иррационал миқдорлар билан кўп иш кўрмайди.

---

[1] Таржима, 1-бет.
[2] Таржима, 2 а-бет.
[3] Таржима, 6 б-бет ва 55-изоҳ.

Хоразмий ясси шакллардан учбурчаклар, тўртбурчаклар ва ўткир бурчакли ва ўтмас бурчакли учбурчаклар билан иш кўради. Уларни аниқлаш учун Хоразмий уларнинг катта томонининг квадрати билан қолган икки томони квадратларининг йигиндиси орасидаги тегишли тенглик ёки тенгсизликни келтиради. Шуни ҳам айтиш керакки, бу маълумотлар Героннинг асарларида ва Евклид «Негизлар» ининг I—II китобларида бордир. Евклиднинг асари эса Хоразмийдан бироз аввал араб тилига таржима қилинган эди. Пифагор теоремасини Хоразмий хусусий ҳолда тенг ёнли учбурчак учун исботлайди[1].

Хоразмий тўғри призма, цилиндр, пирамида, конус ҳамда баландлиги ва асослари маълум квадратдан иборат кесик пирамиданинг ҳажмларини топиш қоидаларини ҳам келтиради. Бу кейинги ҳажмни у иккита тўлиқ пирамида ҳажмларининг айирмаси деб қарайди ва аввал уларнинг баландликларини аниқлайди.

Хоразмий алгебрасининг геометрик қисмида у Герон асарларига ёндошган адабиётлар билан ва ҳинд геометрик назариялари билан таниш эканлиги сезилади. Геометрик қисми ҳажми жиҳатидан кичик бўлса ҳам, ўша давр ҳунармандлари учун жуда зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳамда содда ва равон тил билан баён этилган эди.

Хоразмий алгебрасининг васиятномаларга бағишланган учинчи бўлимидаги масалаларнинг деярли барчаси чизиқли тенгламалар билан ифодаланади. Бу бўлимда келтирилган қатор масалаларда аниқмас ва кўпинча бир жинсли тенгламалар билан иш кўрилади.

Хоразмий алгебрасининг фан тарихидаги роли ниҳоятда улкандир. Алгебрада у бошлаб берган йўналишни кейинги давр математиклари давом эттириб, юқори поғоналарга кўтардилар. Умар Хайём Хоразмий бошлаб берган алгебрадаги йўналишни давом эттириб, геометрик алгебра усулини янада чуқур ўрганиб такомиллаштиради. У конус кесимлар ёрдамида кубик тенгламаларни ечиш усулини Шарқ алгебрасига киритади ва тенгламаларнинг Хоразмийдан тўла таснифланишини келтиради. Хоразмийда каноник кўринишлар 6 та бўлган бўлса, Умар Хайём уларни, кубик тенгламалар ҳисобига, 25 тага етказади.[2] Машҳур математик ва астроном Жамшид Коший (XIV—XV а.) эса ўзининг 1427 йилда ёзилган «Мифтоҳ ал-ҳисоб» номли асарида бу усулни янада такомиллаштиради.[3] Шу билан бирга, Коший ижодида Хоразмий бошлаб берган Шарқ алгебраси ва, умуман, математикаси ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилади.

---

[1] Таржима. 16 а-бет.

[2] Омар Хайям. Трактаты, 73—74-бетлар.

[3] Джемшид Гиясэддин ал-Каши. Ключ арифметики. Трактат об окружности. М., 1956, 9—262-бетлар.

МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ «ВАСИЯТЛАР КИТОБИ»

Нақд ва қарз ҳақида боб

Вафот этган кишидан икки ўғил қолган ва у молининг учдан бирини бошқа одамга васият қилган. У нақд ўн дирҳам ва ўғилларидан бирининг (улушига тенг) қарзга бергани қолдирган. Қоидаси: қарздан олинадиганни нарса деб қабул қил ва уни нақдига, яъни ўн дирҳамга қўш. Ўн ва нарса ҳосил бўлади. Бундан учдан бирини айир, чунки у молининг учдан бирини васият қилган, бу уч-у учдан бир дирҳам ва нарсанинг учдан бири. Олти-ю учдан икки дирҳам ва нарсанинг учдан иккиси қолади. Буни ўғиллар орасида тақсимла. Шунда ҳар бир ўғилнинг улуши — уч-у учдан бир дирҳам ва нарсанинг учдан биридир. Бу олинадиган нарсага тенг. Шу ерда нарсанинг учдан бирини нарсанинг учдан бирига **рўпара** қўй. Қолгани: учдан икки дирҳамга тенг уч дирҳам ва нарсанинг учдан иккисидир. Сен нарсани тўлдиришга муҳтожсан (бунга унинг ярмига тенгини қўш ва уч-у учдан бирга унинг ярмига тенгини қўш, беш дирҳам ҳосил бўлади. Мана шу нарса бўлиб), у қарздан ҳосил бўлади.[1]

Васиятлар ҳақида бошқа боб

Вафот этган кишининг хотини, унинг битта ота ва онадан икки укаси ва икки синглиси қолган ва у бошқа бир одамга ўз молининг тўққиздан бирини васият қилган. Қоидаси бундай: агар сен мероснинг бўлакларини қирқ саккиз қисмдан иборат десанг, унинг (саноғини) аниқлаган бўласан. Сен биласанки, агар молнинг ҳаммасидан тўққиздан бирини айирсанг, саккиздан тўққизи қолади ва айрилаётган қолаётганнинг саккиздан бирига тенг. Тўққиздан саккизга унинг саккиздан бирини қўш ва қирқ саккизга унинг саккиздан бирини, бу олти, қўш, бу билан сенинг молинг тўлиқ бўлади. Эллик тўрт ҳосил бўлади. Тўққиздан бири васият қилинган киши бундан олтисини, яъни бутун молнинг тўққиздан бирини олади. Қолганини, яъни қирқ саккизни меросхўрлар орасида уларнинг улушига кўра тақсимланади.[2]

(Тақдир) айланишидаги ҳисоб.[3] *Касалликда уйланиш ҳақида боб.*

Бир киши ўладиган касал бўла туриб, бир аёлга юз дирҳамга уйланди ва унинг бундан бўлак моли йўқ эди, аёлнинг ўзи баравар маҳри[4] ўн дирҳам эди. Сўнгра аёл ўлди, у молининг учдан бирини васият қилган эди. Кейин эри ўлди. Қоидаси, у аёлдаги юздан унинг маҳрини, яъни ўнни айир. Унда тўқсон дирҳам қолади, васият қилинганни ана шундан ҳисобланади. Васият қилинганни нарса деб ол ва уни шундан айир. Нарсасиз тўқсон қолади. Аёлнинг қўлида ўн дирҳам ва нарса қолади. У ўз молининг учдан бирини, яъни уч-у учдан бир дирҳам ва учдан бир нарсани васият қилган. Олти-ю учдан икки дирҳам ва учдан икки нарса қолади. Бундан эри меросининг ўзига қайтадиган — ярми, яъни — уч-у учдан бир дирҳам ва учдан бир нарса. Эрининг меросхўрлари қў-

лида нарсанинг учдан иккисисиз тўқсон уч-у учдан бир дирҳам қолади. Мана шу хотини меросининг икки бараваридир, яъни нарса, чунки хотин эри қолдирган мероснинг учдан бирини васият қилишга ҳақи бор. Унинг васият қилганининг икки баравари икки нарсадир. Тўқсон уч-у учдан бирни учдан икки нарса билан тўлдир ва буни икки нарсага қўш. Ҳосил бўлади: тўқсон уч-у учдан бир дирҳам икки-ю учдан икки нарсага тенг. Битта нарса шунинг саккиздан учидир, яъни тўқсон уч-у учдан бирининг саккиздан учи, яъни ўттиз беш дирҳамдир.[5]

Алгоризми ҳинд ҳисоби ҳақида
(Арифметика)

Алгоризми[6] деди: Раҳмли ва меҳрибон тангрига лойиқ мақтовлар айтайлик, унга миннатдорчилигимизни билдирайлик ва уни кўкларга кўтариш билан мақтовни оширайлик, унга ибодат қилайлик, токи у бизни адолат сари бошлаб, ҳақиқат йўлидан олиб борсин ва бизга 9^2 та ҳарфдан иборат ҳинд ҳисоби ҳақида баён этишга қилган қароримизга ёрдам берсин. Улар ҳар қандай сонни қулайлик ва қисқалик учун арифметикани ўрганаётганларнинг мушкулини осон қилиб, яъни катта ва энг кичик сонни ҳамда уни кўпайтириш ва бўлиш, қўшиш ва айириш ва бошқа барчасини шу (ҳарфлар) ёрдамида ифода этадилар.

Алгоризми деди: Мен ҳиндлар[7] 9 та ҳарфдан, уларда ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра, истаган сонларини тузатишларини кўрганимдан кейин, агар худо хоҳласа, ўрганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил бўлишини кўрсатишни азм қилдим. Агар ҳиндлар худди мана шуни хоҳлаган бўлса ва бу 9 та ҳарфнинг улардаги маъноси менга очилган маъноининг ўзгинаси бўлса, тангри мени шунга қарата йўллаган. Ёинки улар бу ишни мен айтгандан бошқа сабабга кўра бажарган бўлсалар, у ҳолда менинг баёнимдан бу сабабни ҳам аниқ ва ҳеч қандай шак-шубҳасиз топиш мумкин бўлади ва ҳам кузатувчи, ҳам ўрганувчи учун у осонроқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, улар 9 та ҳарф яратганларки, буларнинг шакллари мана бундай...[8] Ҳар хил кишида буларнинг шаклларида фарқлар бор: бундай фарқ беш ва олти ҳарфларнинг ва, шунингдек, етти ва саккизнинг шаклида бор. Лекин бунда ҳеч қандай қийинлик йўқ. Чунки булар сонларни ифодаловчи белгилардир, фарқланадиган шакллари эса қуйидагилар...[9]: Мен «Ал-жабр ва ал-муқобола», яъни «Тўлдириш ва рўпара қўйиш китоби»да ҳар қандай сон ҳам тузма сон ва ҳар қандай сон бирлардан тузилган эканлигини кўрсатган эдим. Бу ҳақда арифметикага доир бошқа китобда ҳам айтилган. Бир ҳар қандай соннинг илдизидир ва, демак, у сонлардан ташқарида туради. У шунинг учун соннинг илдизидирки, ҳар қандай сонни у туфайли аниқланади. У шунинг учун сонлардан ташқаридадирки, у ўз-ўзича, яъни ҳеч қандай бошқа сонсиз аниқланади. Қолган сонлар эса бирсиз топилиши мумкин эмас.

Чунки сен «бир» деганингда у ўзининг таърифланиши учун

бошқа сонга муҳтож эмас, қолган сонлар эса бирга муҳтож. Шунинг учун сен, агар олдинда бир келмаган бўлса, «икки» ёки «уч» дея олмайсан. Демак, сон бирларнинг йиғиндисидан бўлак нарса эмас ва биз, «агар олдинда бир келмаган бўлса, «икки» ёки «уч» дея олмайсан», деганимизда сўзлар ҳақида эмас, ишнинг айни моҳияти ҳақида гапирган эдик. Чунки агар бирни йўқотилса, икки ва уч мавжуд бўла олмайди. Бир эса иккинчи ва учинчисиз ҳам мавжуд бўлаверади. Шундай қилиб, икки иккиламчилик ёки бирнинг иккиланганидан бўлак нарса эмас. Бошқа сонлар ҳақида ҳам шу йўсинда фаҳмлайвер.

«Васиятлар китоби» ва Арифметик китобга изоҳлар

1. Агар қарзга берилганни x десак, бутун мол 10+X бўлади. Иккала ўғилга ва васият қилинганга тегадиган улушларнинг ҳар бири тенг бўлиб, у $\frac{10+x}{3}+x$ бўлгани учун бундан $\frac{10}{3}=-\frac{2}{3}x$ ва $x=5$.

2. Исломда мерос улашиш ҳуқуқи шариатга кўра белгиланган бўлиб, унга Қуръонда «Нисо» сурасининг қуйидаги оятлари асос қилиб олинган: «Оллоҳ сизларга болаларингиз ҳақида васият қиладики, ўғилнинг улуши икки қизнинг улушига тенг, агар аёллар иккитадан ортиқ бўлса, уларга у (отаси — *А. А.*) қолдирган молнинг учдан бири; агар аёл битта бўлса, унга ярми ва ота-онасининг ҳар бирига у қолдирганнинг олтидан биридир, агар унинг фарзанди бўлса; агар унинг фарзанди бўлмаса, унинг ворислари ота-онаси бўлади ва бунда онасига учдан биридир. Агар унинг акалари бўлса, онасига у васиятномасида васият қилганидан ёки ота-онасининг ва болаларининг қарзларини тўлаганидан кейин қолганнинг олтидан биридир (Қуръон, «Нисо», 12-оят). «Сизларга хотинларингиз қолдирганнинг ярмидир, агар уларнинг болалари бўлмаса; агар уларнинг боласи бўлса, уларнинг васиятномасида васият қилганидан ёки қарзлари тўланганидан кейин қолганнинг чораги сизгадир; уларга эса агар сизларнинг болаларингиз бўлмаса, қолдирганингизнинг чорагидир. Агарда сизнинг болангиз бўлса, уларга васиятномангизда васият қилганингиздан ёки қарзни тўланганидан қолганнинг саккиздан биридир» (ўша ерда, 13-оят).

Исломда мерос улашишнинг шаръий ҳуқуқига кўра, онаси молнинг $\frac{1}{6}$ ини, хотини $\frac{1}{8}$ ини олгани учун керакли ёки зарурий мерос, яъни онаси, хотини, ака-укалари ва опа-сингилларига қолдирган мероси 48 қисмга бўлинади, бундан 8 қисми онасига, 6 си хотинига тегади, қолгани эса ака-ука, опа-сингиллар орасида улашилади. Керакли мерос $\frac{8}{9}$ қисм бўлгани учун бутун мол $\frac{9}{8}\cdot 48=$ $=54$ қисмга бўлинади, бундан 9 қисми — васият қилинган кишига тегади, 8 қисми онасига, 6 си хотинига, қолган қисмлари эса ака-ука ва опа-сингиллар орасида улашилади.

Шариат ва ислом ҳуқуқшунослиги мерос улашишда «ҳам фарз, ҳам қарз» масаласини қонунийлаштиришга уринган бўлса ҳам, аслида, ҳаётда квадрат тенгламаларни ечиш билан боғлиқ бўлган анча мураккаб масалалар юзага келарди. Бундай ҳолларда масалани ҳал қилиш қозиларнинг қўлидан келмай, улар илм мутахассисларига, хусусан, математикларга мурожаат қилишга мажбур бўлардилар. Хоразмий алгебраси, айниқса, унинг «васият китоби» қисми, шундай масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган қўлланма деса бўлади. Кейинчалик ислом мамлакатларида васият ва мерос масалалари «илми фароиз» номи билан аталувчи алоҳида фанга шаклланди. Бу фанга оид «Хулосатул ҳисоб» номли энг йирик асарни XVI асрда яшаган суриялик математик Баҳоуддин ал-Омилий ёзган.

3. Биз шундай таржима қиламиз. Матнда сўзма-сўз «давр ҳисоби», бу ердаги «давр» сўзи муддатни билдирувчи давр маъносида бўлмай, балки «давр талаби», «давр тақозоси» ёки «пешона» ибораларида ишлатиладиган ва кўпроқ «тақдир», «пешона» тушунчаларига яқин бўлгани учун шундай таржима қилинди. Бу ерда Хоразмий кўраётган масалаларда «давр тақозоси» ёки «пешонадагига» кўра масалада иштирок этувчи шахсларнинг ўрни алмашиб қолиши мумкин, яъни васият қилаётган киши кутилмаган сабабга кўра унга васият қилинаётган кишининг ўрнида бўлиб қолиши мумкин. Масалан, ўладиган касалликдаги васият қилувчи киши ўлмай, тўсатдан унга васият қилинаётган киши ўлиб қолиши масала шартларининг ўзгарилишини талаб қилган. Европада бу турдаги масалалар «дов бўлиниши» ҳақидаги масалаларга олиб келган бўлиб, бу масалалар эҳтимоллик назариясининг юзага келишида муҳим роль ўйнади. (қаранг: Майстров Л. Е. Роль азартных игр в возникновении теории вероятностей, Acta Iniversitatis Debreceniensis, t. VII/2, 1961, pp. 3—24).

4. Маҳр — Ўрта асрларда ислом мамлакатларида уйланувчи киши қалин пулига кирувчи ва аёлнинг «маҳрига тушган» пулни ҳам тўлаши керак бўлган. Аёл «маҳрига тушган» пулни хоҳлаганича сарфлаш ҳуқуқига эга бўлган.

5. Аёл васият қилаётган нарсани x десак, маҳри билан бирга $10+x$ бўлади, эрининг қарамоғидаги пул эса $100-(10+x)=90-x$ бўлади. Аёл ўз молининг учдан бирини васият қилиши мумкин, бу $\frac{1}{3}(10+x)$ бўлади. Эрига ундан қолганнинг ярми, яъни $\frac{1}{3}(10-x)$ тегади, қолганнинг иккинчи ярмини аёлнинг ворислари олади. Шунинг учун эрининг ворисларига $90-x+\frac{1}{3}-(10+x)$ тегади. Бошқа жиҳатдан, хотин эридан қолганнинг фақат учдан бирига эгалик қилиши мумкин бўлгани учун эрининг ворисларига $2x$ тегади. Шунинг учун

$$90-x+\frac{1}{3}(10+x)=2x, \quad \text{яъни } x=35 \text{ бўлади.}$$

6. Алгоризми, лотинча нусхада Algorizmi. Бу ерда Algorizmi сўзи олимнинг тўлиқ номидаги ал-Хоразмий нисбасининг транскрипциясидир. Бонкомпаньи нашрида бу исм икки марта Algoritmi, учинчи ҳолда algorizmi шаклида келган, қўлёзмада эса учала ҳолда ҳам бир хил келган. XII асрда яшаган Иоанн Севилиялик ўзининг «Алгоризмнинг арифметик тажриба ҳақида китоби» (Joanni Hispalensis liber algorizmi de pratica arifmetice, Trattati of Arifmetica publicati da Baldas-Sare Bonsomragni, II, Roma, 1857, Pp. 25-90) асарида бу исмни atgorizmi шаклида транскрипция қилган, ўша асрда яшаган Магистр А. Аделард Бат) эса «Алгоризмнинг астрономия санъатига кириши китоби» номли асарининг (Liber us agogarum algorizmi in artem astronomicam a magistro A. Compositus; Curtze M. Über eine Algorismus-Schrift des XII Jahrhundert. Abhandlungen Zur der Mathematik, Heft 8, Leipzig, 1898) қўлёзмасида бу исмни alchozismi шаклида транскрипция қилган.

Рисола қўлёзмасида номи келтирилмаган асар «Алгоризми ҳинд ҳисоби ҳақида» (Бонкомпанъида Algoritmi de numero indorum) номи билан маълум бўлиб, бу ном рисоланинг биринчи абзацидан олинган.

Ал-Хоразмий исми Algorismus ва Algorithmus шаклларида Европада ўрта асрларда ўнлик ҳисоблаш системасининг синоними бўлиб қолган эди. Бу ҳисоб билан европаликлар Хоразмийнинг рисоласи орқали танишдилар, унинг номи эса кейинчалик «алгорифм» (ёки «алгоритм») шаклини олиб, бу сўз ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёнини англатувчи тушунча бўлиб қолди.

7. Қўлёзмада деярли барча рақамлар ўша даврларда Европада кенг тарқалган рим рақамлари билан ёзилган. Шубҳасиз, арабча қўлёзмада ҳинд рақамлари бўлган, чунки Хоразмий рисоласини ёзишининг боиси ҳам ўша ҳинд рақамлари асосидаги ҳисобни баён этиш эди. Биз рим рақамларини араб рақамларига алмаштирамиз.

8. Ҳиндларнинг янги ҳисоб системасини баён қилганликлари ҳақидаги илк маълумот Фрот бўйидаги Дайр Қиннасринда яшаган суриялик руҳоний Север Себохтнинг қўлёзмасида келтирилган. 622 йили ёзилган бу асарида Себохт юнон тилидан фойдаланмайдиган олимларга жирканиб қаровчиларга эътироз билдириб, бундай олимларнинг катта илмий ютуқларига мисол тариқасида ҳиндларнинг ҳисоблаш системасини эслатади: «Мен сурёнийлардан фарқ қиладиган ҳиндларнинг фани ҳақида, уларнинг юнонлар ва бобилликларнинг кашфиётларига қараганда чуқурроқ бўлган астрономиядаги ажойиб ихтиролари ҳақида ва уларнинг барча тавсифдан ҳам ортадиган ҳисоб системалари ҳақида айтмоқчи эмасман. Балки мен фақат улар ҳисобни тўққизта белги ёрдамида бажаришлари ҳақида айтмоқчиман. Агар фақат юнонча сўзлашишнинг ўзи билан фаннинг барча ниҳояларига етдим деб ўйлайдиганлар бу ҳақда билганларида эди, улар бирор нарсани билувчи бошқалар ҳам борлигини билган бўлардилар» (қаранг: F. Nau,

Netes d'Astronomie syrienne Jornal Asiatique, 6-ime s'erie, t. 16, 1910, P. 225)

Ҳинд грамматиги Шанкара 686 йили ёзган бир асарида хабар бериб айтадики, айнан бир белгининг ўзи «турли жойда ўрнатилганида сўз билан бир, юз, минг ва ҳоказо деб ифодаланадиган турлича тушунчаларни англатади» (қаранг:
B. Datta, Early history of the principle of place volne Scientia, vol, 50, 1931.)

9. Лотинча қўлёзмада тўққизта рақамнинг шакли келтирилмаган. Арабча қўлёзмаларда рақамлар ушбу i, г, г, z, ٥، ٦، ٧، ٨، ٩ кўринишга эга эди. Ушбу қўлёзмада фақат 1, 2, 3 ва 5 ни ифодаловчи рақамлар келтирилган.

10. Фарқланувчи рақамларнинг турли шакллари қўлёзмада келтирилмаган. Ҳинд рақамлари шаклларининг фарқланиши уларнинг Оврупада тез тарқалишига тўсиқлик қилди, чунки бу пул ҳужжатларида қаллобчилик қилишга имкон берарди.

11. «Алжабр ва ал муқобала», яъни тўлдириш ва рўпара қўйиш киби» — Хоразмийнинг алгебраик рисоласи. «Алжабр ва алмуқобала», яъни «тўлдириш ва рўпара қўйиш» — лотинчага algebra et almukabala шаклида транскрипция қилинган. Бу ерда Хоразмий алгебраик рисоласида айтган қуйидаги сўзларини назарда тутади: «Мен кишиларга ҳисоблашда нима кераклигини текшириб қараганимда, бунинг ҳаммаси сон эканлигини кўрдим. Мен барча сонлар бирлардан тузилишини ва бир барча сонларнинг таркибига киришини топдим» (2а-бет). Хоразмий алгебраик рисоласига ҳавола қилишига қараганда, арифметик рисоласини ундан кейин ёзган кўринади.

«АЛ-КИТОБ АЛ-МУХТАСАР ФИ ҲИСОБ АЛ-ЖАБР ВА-Л-МУҚОБАЛА» («АЛЖАБР ВА-Л-МУҚОБАЛА ҲИСОБ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА КИТОБ») РИСОЛАСИДАН

.. Ўтмиш даврларда ўтган халқларнинг олимлари фаннинг турли тармоқлари ва фалсафанинг турли бўлимлари соҳасида асарлар ёзишдан тийилмас эдилар. Бу билан улар ўзларидан кейин келадиганларни назарда тутардилар ва булар томонидан ўзларига (сарф қилган) кучларига муносиб мукофот бўлар деган умид тутардилар ҳамда шон-шараф билан мукофотланардилар, ростгўй лаблардан мақтовлар айтилади деб ишонардилар. Чунки улар бунга нисбатан фаннинг махфий сирларини очиш учун ўз бўйинларига олган қийинчиликлар ва меҳнатларини арзимас бир нарса деб билардилар. Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқаларидан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қилиб қолдиради. Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, табиат сирларини очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди.

... Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Ал-жабр ва-л-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таклиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, ҳандасада ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир.

Мен ал-жабр ва-л-муқобала ҳисоби учун зарур бўладиган уч хил сон: илдизлар, квадратлар ва квадратларга ҳам, илдизларга ҳам тегишли бўлмаган содда сон борлигини топдим. Квадрат ўзининг бешта илдизига тенг бўлса, унинг квадрат илдизи бешга, квадрати эса йигирма бешга тенг. Квадратнинг учдан бири тўртта илдизга тенг бўлса, у ҳолда бутун квадрат ўн икки илдизга тенг, яъни у бир юз-у қирқ тўртга тенг ва унинг илдизи ўн икки. Квадрат тўққизга тенг десанг, у ҳолда тўққиз квадрат, унинг илдизи эса уч квадратнинг ярми ўн саккизга тенг десанг, квадрат олдига, илдизи эса олтига тенг. Илдиз уч сонига тенг десанг, илдиз — уч, унинг квадрати — тўққиз. Тўртта илдиз йигирмага тенг десанг, битта илдиз — беш, унинг квадрати эса йигирма беш. Илдизнинг ярми ўнга тенг десанг, илдизи йигирмага тенг, унинг квадрати — тўрт юз. Квадрат ва унинг ўнта илдизи ўттиз тўққиз дирҳамга тенг десанг, бу қуйидагини билдиради, агар бирор квадратга унинг ўнта илдизига тенг нарсани қўшсанг, ўттиз тўққиз ҳосил бўлади. Илдизлар (сони)ни иккига бўл, бу масалада беш ҳосил бўлади, уни ўзига тенгга кўпайтир, йигирма беш бўлади. Уни ўттиз тўққизга қўш, олтмиш тўрт бўлади. Ундан квадрат илдиз чиқар, саккиз бўлади. Ундан илдизлар (сони)нинг ярмини, яъни бешни айир, уч қолади. Мана шу (сон) сен излаган квадрат илдиз бўлади, унинг квадрати эса тўққиз. Сен квадрат ва йигирма бир сони унинг ўнта илдизига тенг дейсан, бу эса агар квадратга йигирма бир дирҳам қўшсанг, шу квадратнинг ўнта илдизига тенг бўлади, дегани, унинг қоидаси қуйидагича: илдизлар сонини иккига бўл, беш ҳосил бўлади. Уни ўзига тенг (сон) га кўпайтир, йигирма беш бўлади. Ундан квадрат томондаги йигирма бирни айир, тўрт қолади, ундан квадрат илдиз чиқар, икки бўлади. Буни илдизлар (сони)нинг ярмиси, яъни бешдан айир, уч қолади. Бу сен излаган квадратнинг илдизи бўлади. Унинг квадрати тўққиз, агар бу илдизни илдизлар (сони)нинг ярмисига қўшишни истасанг, илдизи, уни квадрати — қирқ тўққиз. Агар сенга шу бобга тегишли масала учраса, унинг тўғри ечимини қўшиш ёрдамида топишга ҳаракат қил, агар тўғри чиқмаса, айиришинг зарур бўлади. Сен учта илдиз ва тўрт сони квадратга тенг десанг, у ҳолда қоида мана бундай: илдизлар (сони)ни иккига бўл, бир ярим ҳосил бўлади, уни ўзига тенг (сонга) кўпайтир, икки-ю чорак ҳосил бўлади. Тўртга қўш, олти-ю чорак бўлади. Ундан квадрат илдиз чиқар, икки ярим бўлади. Унга илдиз (сони)нинг ярмисини, яъни бир яримни қўш, тўрт ҳосил бўлади: мана шу квадрат илдиз, унинг квадрати — ўн олти.

Агар нарсасиз ўнни нарсали ўнга (кўпайтир) деса, ўн ўнга — бу юз, айириладиган нарса ўнга — ўнта айириладиган нарса, нар-

са ўнга қўшиладиган ўнта нарса, айириладиган нарсани нарсага (кўпайтмаси) — айириладиган квадрат, уларнинг ҳаммаси биргаликда — юз квадратсиз дирҳам, дегин. Агар сен икки квадрат илдиз тўққизни уч квадрат илдиз тўртга кўпайтиришни истасанг, сенга ўргатганимиз каби икки квадрат илдиз тўққиздан илдиз чиқар, яъни улар қандай квадратнинг илдизи эканини топ. Уч квадрат илдиз тўрт билан ҳам худди шу ишларни қил, яъни улар қандай квадратнинг илдизи эканини бил ва квадратлардан бирини иккинчисига кўпайтир. Ҳосил бўлганидан чиқарилган квадрат илдиз икки квадрат илдиз тўққизни уч квадрат илдиз тўртга кўпайтмаси бўлади.

Шуни билгинки, кишиларнинг савдо-сотиқ, айрибошлик ва қарз олиш каби келишувга доир ишларида сўровчи томонидан ўрнатиладиган тўртта сон—ўлчов, баҳо, миқдор ва қиммат қатнашади. Улчовга мос сон қийматга мос сон қаршисида, баҳога мос сон эса миқдорга мос сон қаршисида туради. Бу тўрт сондан учтаси ҳамма вақт маълум бўлади, биттаси эса номаълум бўлади.

Агар учбурчак шаклидаги ер майдонининг икки томони ўн томони ўн газдан, асоси эса ўн икки газ бўлиб, унинг ичида квадрат шаклидаги ер майдони бўлса ва квадратнинг ҳар бир томони қандай деб сўралса, унинг қоидаси қуйидагича: учбурчакнинг баландлигини бил, яъни асосининг ярмини, яъни олтини унга тенгга кўпайтир, олтини унга тенгга кўпайтирилса, ўттиз олти ҳосил бўлади, уни қисқа томонлардан бирининг ўзига тенг сонга кўпайтирилганидан, яъни юздан айир, олтмиш тўрт қолади; ундан квадрат илдиз чиқар, (у) саккиз, бу баландлик ва у (учбурчак)нинг юзи. — қирқ саккиз газ, бунинг учун асоснинг ярми, яъни олтини баландликка кўпайтир. Квадратнинг томонларидан бирини нарса (номаълум) деб оламиз (ва) ўзига тенгга кўпайтирамиз, квадрат ҳосил бўлади: уни ёдда сақлаймиз — сўнгра биламизки, бизда квадратнинг томонлари бўйича иккита ва устида битта учбурчак қолади. Квадратнинг томонлари бўйича жойлашган учбурчакларга келсак, улар тенг, чунки ҳар иккаласининг баландлиги бир хил ва бу иккала учбурчак ҳам тўғри бурчакли. Уларнинг юзи қуйидагича: нарсани ярим нарсасиз олтига кўпайтир, ярим квадратсиз олти нарса ҳосил бўлади, бу квадратнинг томонлари бўйича жойлашган учбурчакларнинг умумий юзи бўлади. Юқори учбурчакнинг юзига келсак, у ҳолда нарсасиз саккизни, яъни (учбурчакнинг) баландлигини нарсанинг ярмига кўпайтир, квадратнинг ярмисиз тўртта нарса ҳосил бўлади. Буларни, яъни квадратнинг юзини ва учта учбурчакнинг юзини қўшамиз. Ўнта нарса қирқ саккизга тенг бўлади, бу катта учбурчакнинг юзи. Шунинг учун битта нарса тўрт ва бешдан тўрт квадратнинг бурчак томонлари шундай.

Доиранинг юзи диаметрининг ярмини айлана узунлигининг ярмисига кўпайтирилганига тенг (59—78-бетлар).

Агар сен тескари синусни ва (синуслар устунига) кириш лозим бўлган тўқсон градусдан кичик қийматини топмоқчи бўлсанг, бу қийматни тўқсон градусдан айириш лозим, сўнгра (ясси) синусни топиш ва синусни олтмишдан айириш керак. Қолгани, сен қидирган нарса бўлади. Агар биринчи қиймат тўқсон градусдан ортиқ бўлса, тўқсон (градуснинг) ўзига мос ясси синус берилади, унга тегишли қолдиқ, сўнгра эса унга тегишли (синус)ни олтмишга қўшиш керак, буларнинг ҳаммаси биргаликда тескари синус деб аталган бўлади.

Қуёш баландлиги бўйича ихтиёрий жисмнинг ясси сояси қандай аниқланади? Баландлик билан, яъни Қуёшнинг кундузги баландлиги билан синуслар (устунига) кириш лозим, сўнгра баландликни 90 дан айириш ва қолгани билан синуслар (устунига) кириш керак. Бу иккинчи синус ўн иккига кўпайтирилади ва кўпайтма яна юқоридаги сингари бўлинади. Агар ҳар қандай жисм ўн икки бармоққа бўлинган деб олсак, бўлинманинг сони соядаги бармоқлар сонига тенг.

Агар сен соя бўйича баландликни аниқласанг, у ҳолда соя ўзўзига кўпайтирилади, сўнгра кўпайтмага 144 қўшилади ва йиғиндининг илдизи, яъни квадратнинг томони топилади. Бу илдиз шу соянинг диаметри. Сўнгра соя 60 га кўпайтирилади ва кўпайтма эслатилган диаметрга бўлинади. (Бўлинма бўйича) ёй топилади. Сўнгра топилган ёй 90 дан айирилади. Қолдиқ изланган баландликни кўрсатади.

Ўша баландлик билан синусларнинг ўша устунига (киритилади), сўнгра (баландликни) 90 дан айирилади ва қолдиқ билан яна синусларнинг (устунига) киритилади. Сўнгра биринчи синус иккинчи синусга бўлинади. Агар минутлари бўлса, у ҳолда улар олтмишга кўпайтирилади, кўпайтма юқорида кўрсатилгани сингари бўлинади. У ҳолда биз бўлинмада тескари сояни кўрсатувчи бармоқ ва минутлар ҳосил қиламиз (29—42-бет.)

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Ибн ал-Қифтий.* Китаб ахбар ал-улама би-ахбар ал-Хукама. Қоҳира, 1326 ҳ./1908 м.

2. *Сальє М.* Мухаммед аль-Хорезми — великий узбекский учёный. Ташкент, 1954.

3. *Омар Хайям.* Трактаты. М., 1961 г.

4. *Джемшид Гиясэддин ал-Каши.* Ключ арифметики. Трактат об окружности. М., 1956.

5. *Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий* Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1983 й.

6. Қуръон.

7 *Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар, V т., 1-китоб, Қонуни Маъсудий, 1—5-мақолалар, Таржимон А. Расулов. Махсус муҳаррир А. Аҳмедов. Изоҳларни А. Аҳмедов ва А. Расулов тузган. Тошкент, 1973.

8. *Юшкевич А. П.* Арифметический трактат Мухаммеда бен Муса ал-Хорезми. «Труды института истории, естествознания и техники АН СССР», вып. I, М., 1964.

МАҲМУД ИБН МУҲАММАД ИБН УМАР АЛ-ЧАҒМИНИЙ

XII аср охири XIII аср бошларида ижтимоий тўқнашувлар кескин тус олганлиги, давлатлар ўртасида уруш-жанжаллар кучайгани тарих саҳифаларидан маълум. Айниқса, Хоразмдай буюк давлатга қарши ружу авжига чиққанди. Бироқ, хоразмшоҳлар ўзларининг мустақиллиги учун ақл-заковатини тўғри йўлга солиб, бу ишда матонат кўрсатишарди. Ўша даврда Хоразмда фан ва маданият, адабиёт ва санъат ривожланган бўлиб, муқаддас Хоразмда етишиб чиққан қомусий олимлар риёзиёт, фалаккиёт, ҳандаса, тарих, жўғрофия, тиббиёт, чизма ҳандаса сингари фан соҳаларига асос солганлар ва такомиллаштирганлар.

Қай бир давлат фан ва маданият тараққиётига эришолмаса, у ривожланмайди. Шунинг учун хоразмшоҳлар бу нарсага алоҳида эътибор беришган. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Тарих саҳифаларига Қутбиддин Муҳаммад ўғли Отсиз Хоразмнинг қудрати ва мустақиллиги учун курашган фидойи шоҳ экани зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Отсиз шоҳлик қилган даврда Манқишлоқ ярим ороли ва Сирдарёнинг пастки қисми, шунингдек, бошқа кўп шаҳарлар Хоразмга қўшиб олинади.

Отсизнинг ўғли Эл-Арслон, невараси (Эл-Арслоннинг ўғли) Алоуддин Такаш, чевараси (Такашнинг ўғли) Султон Муҳаммадлар (Муҳаммад Хоразмшоҳ деб ҳам айтилади — З. О.) шоҳлик қилган даврларда Хоразм жуда катта марказлашган давлатга айланади.

Ўша даврда Хоразмда фан, маданият ва илмга қизиқиш, кучайди, тадқиқотлар кўлами ва салмоғи юксак поғонага кўтарилди. Бу ерга бошқа мамлакатлардан олимлар келиб, илмий ишларини давом эттирдилар, кўплари эса хоразмлик олимлардан илм сабоқларини олишди. Уларга ҳам хоразмшоҳлар етарлича шарт-шароит яратиб беришган.

Ана шундай тарихий даврда Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий Хоразмнинг Чағмин деган кентида туғилган. (Туғилган йили аниқ эмас.) Профессор Ҳамидулла Ҳасанов «Чағмин»ни «Сайёҳ олимлар» номли асарида («Ўзбекистон» нашриёти, 1981, 43-бет) «Жағмин» деб кўрсатади. Бизнингча, Чағмин тўғри бўлса керак. Чунки Хоразм халқи деярли «ж» лаб гапирмайди.

А. Ирисов, А. Носиров ва И. Низомиддиновлар Чағминийнинг туғилган жойи тўғрисида «Ўрта Осиёлик қирқ олим» рисоласида («ФАН» нашриёти, 1961, 72-бет) «...Бухоронинг Чағмин деган қишлоғига нисбат бериб, шундай атаган деган фикрлар ҳам йўқ эмас» деган фикр билдиради. Қолаверса, «Буни (яъни, «Қонунча»ни — З. О.) баъзилар, масалан, «Кашф аз-Зуннун» нинг муаллифи қотиб Чалабий «Қонун» (Ибн Сино асари — З. О.) дан олинган деб ёзади» каби сатрларни келтиради. Бу тахминларга қўшилиш қийин. Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румийнинг Чағминийнинг «Астрономия ҳақида қисқача маълумот» номли асарига ёзган «Астрономия ҳақида қисқача маълумот»га шарҳ»и шу фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади. Чунончи, у шарҳнинг

кириш қисмида «асарни Султон ибн Султон ибни Султон Улуғбек ибни Шоҳруҳ Амир Темур Кўрагонга бағишланган»лигини айтиб, сўнгра китобнинг муаллифи тўғрисида «Астрономия бўйича ёзилган бу китоб Маҳмуд ибни Муҳаммад ибни Умар **Чағмини**нг томонидан ёзилган. Муаллиф исмидаги Чағмин сўзи эса Хоразмдаги кентнинг номидир» сингари фикрни илгари суради. (Қаранг: *Ҳ. Сиддиқов.* Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг ишларида геометрия, «Фан» нашриёти, 1991, 184-бет). Кўпгина Оврўпо олимлари ҳам турли мамлакатлар кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларни тадқиқ этиш асосида юқоридаги каби **хулосага** келганлар.

Демак, Маҳмуд Чағминий буюк Хоразмнинг Чағмин деган кентида туғилиб, дастлаб Хоразм, кейин Бухоро, Самарқанд мадрасаларида таълим олган, илм сирларини ўрганган.

Маҳмуд Чағминийнинг вафот этган йили хусусида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Кўпчилик олимлар у 1221 йилда оламдан ўтган деган хулосага келганлар. Бироқ вафот этган жойи ҳақида **ҳеч** қандай маълумот берилмайди. Биз Чағминий асарлари ва у яшаган тарихий даврни, шунингдек ҳозирги замон олимларининг фикрларини ўрганиш асосида олим Хоразмда вафот қилган деган хулосага келдик. Чунки ўша даврларда Хоразм фан ва маданият ўчоғи бўлгани учун кўпчилик машҳур олимлар у ерда тўпланишган ва фаолият кўрсатишган. Шу боис умрининг **охирида Чағ**минийга бошқа шаҳарга кетиш эҳтиёжи йўқ эди.

Хуллас, Маҳмуд Чағминий тўғрисида Шарқ ва Оврўпо олимлари асарларида узуқ-юлуқ фикрлар билдирилади, лекин улар олим ва педагогнинг таржимаи ҳолини қайта тиклаш учун тўла маълумот сифатида хизмат қилолмайди.

Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам ахлоқ-одобга оид ҳадисларида «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир» дейди. Зотан, Маҳмуд Чағминийнинг илму фан билан машғул бўлиши, маданият ва таълимга қизиқиши унинг маърифатли ва улуғвор инсонлигини тақозо этади.

Маҳмуд Чағминий тиббиёт, илми фалакиёт ва нужум, риёзиёт, ҳандаса, чизма ҳандаса, жўғрофия сингари фан соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган тўғрисида унинг мерос қилиб қолдирган мўътабар асарлари гувоҳлик беради. Шунингдек, олимнинг асарлари унинг ўз она тилидан ташқари араб ва форс тилларини пухта билганини ҳам тўла тасдиқлайди.

Олим фан дунёсига фалакиёт ва жўғрофия илмлари бўйича таълим берувчи (Муллаххас фи-л-ҳайъа») («Илми нужум ҳақида қисқача китоб») номли асари билан машҳур ва манзурдир. Бу мўътабар китобга Улуғбек расадхонасида хизмат қилган машҳур олим ва айни чоғда Улуғбекнинг устози Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румий 1412 йилда шарҳ ёзган экан. Бу далил Маҳмуд Чағминийнинг «Илми фалакиёт ҳақида қисқача китоб» рисоласи ўзидан кейинги олимлар ва талабалар диққат-эътиборида бўлганини ва ҳурматини қозонганини тўла тасдиқлайди. Дар-

воқе, ўша шарҳ Улуғбекнинг таклифига биноан ёзилган. Демак, бундан Маҳмуд Чағминийнинг «Муллаххас фи-л-ҳайъа» («Илми фалакиёт ҳақида қисқача китоб») номли асаридан Улуғбекнинг илми фалакиёт дорилфунунида фойдаланилган деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Хоразмлик олим ва тарбияшунос (марҳум) Ҳалил Сиддиқовнинг гувоҳлик беришича, Чағминийнинг илми фалакиёт ҳақидаги китоби Қозизода Румийдан ташқари Саид Шариф Али ибни Муҳаммад Журжоний, Камолиддин Туркманий, Ҳиндистоннинг машҳур олими Муҳаммад Арзоний ибн Мир Ҳожи Миқим ва шу кабилар томонидан шарҳланган.

Хоразмлик қомусий олим Маҳмуд Чағминий илми тиббиёт соҳасида ҳам беқиёс истеъдод соҳиби эканини кўрсата олди. У бу илмий мартабага эришиш учун ўзидан муқаддам олимларнинг асарларини чуқур ўрганди, тинимсиз ўқиди, уларга шарҳлар ёзди. Шу ўрганиш ва илмий кузатишлар туфайли олимнинг «Қонунча» деган асари вужудга келди, у табобат илмини бойитишга, тўлдиришга хизмат қилди. Мазкур китобда инсон аъзолари ва уларнинг тузилиши ҳақида зикр қилиниб, баъзи касалликларни даволаш, шунингдек озуқалар ва уларни истеъмол қилиш қонуниятлари ва шу кабилар хусусида таълим берилади. Демак, Чағминий, тиббиёт илмини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан пухта эгаллаган назариячи олим ва шифокор бўлган.

Маҳмуд Чағминий риёзиёт илми билан пухта шуғулланиб, у «Чағмин илми» деган асар битган. У «ал-Мулаххас» номли қўлёзмага жамланган. Ундан сферика тригонометриясига тегишли ҳандаса шакллари ҳам ўрин олган.

Қайд қилинган ўша тригонометрия ва илми фалакиёт билан боғлиқ шакллар чизмачилик санъати асосида чизилиши ва қоғози тушириб кўрсатилиши табиий. Демак, Маҳмуд Чағминий чизма ҳандаса ва чизмачилик илмини ҳам пухта эгаллаган олимдир.

Хулоса қилиб айтганда, хоразмлик қомусий олимнинг илмий-ижодий фаолияти ўзидан кейинги фан тараққиёти учун катта хизмат қилган. Унинг асарларини ўрганиш, тарғиб қилиш жуда беқиёс таълим ва тарбиявий аҳамият касб этади.

МАҲМУД ЧАҒМИНИЙ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Чағминий ясси тўла тўрт томонликни ҳосил қилиш ғоясини шундай бошлайди: АС ва АВ тўғри чизиқлари бирор А нуқтада кесишсин. Агар уларни учинчи бир тўғри чизиқ билан кессак ва у АС ни бирор Е нуқтада кесади. Бу ҳолда Е нуқта АС нинг кесмаси орасида бўлади (1-шакл).

Агар учинчи тўғри чизиқнинг АВ ва АС тўғри чизиқлари билан ўзаро кесишиш тартибини ўзгартсак, у ҳолда кесишишнинг Е нуқтаси АС орасидан ташқарида ётади (2-шакл).

Агар бу уч чизиқнинг ўзаро кесишишларини яна бошқачароқ қилиб ўзгартсак, у ҳолда Е нуқтаси АС орасидан ташқарида қолади, олдинги ҳолда Е нуқтаси С нуқтаси томондан ташқарида қол-





са, кейинги ҳол учун Е нуқта АС орасида А томондан ташқарида қолади.

Шунингдек, агар АС, АВ ларни тўртинчи СД чизиғи билан кессак, у ҳолда АС нинг С нуқтада ва АВ ни ташқи Д нуқтада кесганини кўрамиз (3-шакл). Агар учинчи шаклдаги АВ чизиқ билан кесишиш ҳолатини озгина ўзгартиб СД билан кессак, у ҳолда биз қуйидаги шаклга эга бўламиз. Еки АВ ва АС нинг кесишишини олсак СД тўғриси АВ ва АС ларни Д нуқтада шаклдагидек кесади (4-шакл).





АВ, АС, ВЕ, ДС чизиқлари тўлиқ тўрттомонликнинг томонлари дейилади ва бу томонлар 6 та А, Д, В, F, Е, С нуқталарда кесишади. Бу шундай геометрик шаклки, унинг ҳар бир томонига 3 та чизиқ 3 нуқта билан аниқланади.

АВ томонда 3 та кесма, АВ, АД, ДВ.

АС томонда 3 та кесма: АС, АЕ, ЕС.

ВЕ томонда ҳам 3 та кесма: ВЕ, ЕF, ВF.

ДС томонда эса: ДС, ДF ва FС.

Шундай қилиб, бу шаклда ҳаммаси бўлиб 12 та кесма бор.

Шуларга асосан Чағминий бу шаклдаги чизиқларга нисбатан тубандаги нисбатлар тўғри эканлигини кўрсатади:

$$\frac{AB}{BД} = \frac{AE}{EC} \cdot \frac{CF}{FД}.$$

Бу тенгликни исботлаш учун Чағминий А нуқтадан ДF чизиғига параллел ўтказади ва уни ВЕ чизиғи билан Т нуқтада кесишгунга қадар давом эттиради. У ҳолда ҳосил бўлган учбурчак АЕТ билан учбурчак СЕF лар ўзаро ўхшаш учбурчаклар ҳисобланади. Бу ўхшашликдан

$$\frac{AT}{CF} = \frac{AE}{EC}$$



бўлади (5-шакл).

Учбурчак ДFВ билан учбурчак АТВ нинг ўхшашлигидан эса

$$\frac{ДF}{AT} = \frac{BД}{AB}$$

Агар бу иккала тенгликни бир-бирига мос равишда кўпайтирсак, ушбу тенглик ҳосил бўлади:

$$\frac{ДF}{CF} = \frac{BД}{AB} \times \frac{AE}{CE}$$

ёки

$$\frac{BД}{AB} = \frac{ДF}{FC} : \frac{AE}{EC} = \frac{ДF}{FC} \cdot \frac{EC}{AE}.$$

Демак,

$$\frac{AB}{BД} = \frac{AE}{FC} \cdot \frac{CF}{FД}.$$

Фараз қилайлик: АВС айланасида иккита ўзаро бўлмаган АВ ва АС ёйлари берилган бўлсин ва бу ёйлар А каби умумий нуқтага эга бўлсин. У ҳолда ВС ватари АВ ва АС ёйлари йиғиндисига тенг ёй ватаридир (6-шакл).

А нуқтадан ўтувчи диаметрни А билан белгилайлик. Бу диаметр ватарни бирор Д нуқтада кесади ва бу нуқта орқали ватар ВД ва СД каби кесимларга бўлинади. Бундай ҳолда Чағминий

$$\frac{BД}{ДC} = \frac{\text{Синус } \overset{\smile}{BA}}{\text{Синус } \overset{\smile}{AC}}$$

тенглик тўғри бўлади деб кўрсатади. Буни кўрсатиш учун Чағминий AN диаметрига BF ва OC перпендикулярларини туширади. Бу перпендикулярлари BA ва CA ёйларига мос келган синуслар ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳосил қилинган учбурчак BДF ва ДCO лар ўзаро ўхшаш учбурчаклардир ва $\angle F = \angle O = 90°$га тенг. Шу сабабли

$$\frac{BF}{OC} = \frac{BД}{ДC} = \frac{\text{Синус } \overset{\smile}{BA}}{\text{Синус } \overset{\smile}{AC}}.$$

Бу билан у исботланиши керак бўлган муносабатнинг тўғрилигини кўрсатади. Шундан кейин Чағминий сферик тўрттомонликларга ўтади. Ясси тўлиқ тўрттомонлик билан сферик тўлиқ тўрттомонликлар орасидаги фарқни у кейингисининг томонлари айлана ёйлари бўлиши кераклигини қайд қилиб ўтади.

Фараз қилайлик, учбурчак ABC да унинг AB гипотенузаси ва $\angle A$ бурчаги берилган. Элементар геометрияга асосланиб, бу берилганлар бўйича учбурчак ясаш мумкин: $\angle A + \angle B + \angle C = 180°$ муносабатидан $\angle A$, $\angle B$ ларни ҳам аниқлаш мумкин. Лекин учбурчак томонлари билан бурчаклари орасидаги муносабатни юқорида айтганимиз каби ифода қиладиган тенгликни ҳамма вақт ҳам кўрсатиб бўлмайди. Агар берилган учбурчакдан BC катетни топиш керак бўлса, берилган миқдорларга асосан:

$$\text{Sin } \alpha = \frac{BC}{AB}.$$

каби нисбат олинади. Агар A бурчаги ўзгармаса, томонларининг узунлиги қандай бўлса ҳам, у нисбат ўз қимматини ўзгартирмайди, яъни

$$\frac{BC}{AB} = \frac{ED}{AE} = \frac{FD}{AD}.$$

Демак, берилган бурчак қаршисидаги катетнинг гипотенузага бўлган нисбати берилган бурчакнинг функцияси бўлади. Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, элементар геометрия ёрдамида ҳам қадимги олимлар синуснинг баъзи маълум бурчакларига тегишли қимматларини ҳисоблаганлар. Агар $\angle A = 30°$ (7-шакл) ва радиуси $AB = R$ қилиб айлана чизсак ва BC ни айлананинг Д нуқтаси билан кесишгунча давом эттирсак, $AC \perp BC$ бўлиб

$$\overset{\smile}{CD} = \overset{\smile}{CB} \text{ ва } \overset{\smile}{BE} = \overset{\smile}{ED}$$

бўлади ва $\angle DAE = 30°$, $\angle BAD = 60°$ бўлади.

Демак, ВД ватари айлана ичига чизилган мунтазам 6 бурчаклининг бир томони ҳисобланади. У ҳолда унинг радиусга бўлган нисбати бирга тенг бўлади. Бундан:

$$\text{Sin } 30° = \frac{BC}{AB} = \frac{1}{2}$$





эканлиги келиб чиқади. Лекин исталган бурчакнинг синусига тегишли қимматни бу усулда келтириб чиқариб бўлмайди. Шу сабабли қадимги Юнонистонда, Ўрта Осиё олимларининг астрономия ва математикага оид ишларида тригонометрия, сўнгра сферик тригонометрияга муҳтожлик туғилади.

Имом Ал-Бухорий

(194/809—256/869)

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳижратнинг бир юз тўқсон тўртинчи йили шаввол ойининг ўн учинчисида (809 йил 13 май) Бухорода таваллуд топади. Отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, савдо ишлари билан ҳам шуғулланар эди.

Имом Бухорий ёшлик чоғида отаси вафот этади ва у онаси қўлида тарбия топади. Мактабда ўқиб, саводли бўлгач, Имом Бухорий 10 ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришади. Кейин у бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий (161/777—125/839). Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфий (ваф. 239/843) лар ҳузурига бориб, ҳадис дарсларига қатнашди ва кўп ҳадисларни ёд олди. 16 ёши (210/825—826) да Имом Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланди. Сафар асносида қайси шаҳардан ўтса, ўша ердаги ҳадис олимларидан озми-кўпми ҳадис ўқимай ўтмасди. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хомс, Да-

машқ, Фаластин, Миср, Макка, Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм сир-асрорини ўрганди.

Имом Бухорий қўли очиқ ва хайр-саховатли киши бўлганлигидан отаси шайх Исмоилдан қолган мерос молларидан катта қисмини фақиру-мискинлар ва толиби илмлар эҳтиёжига сарф этар эди. Имомнинг хотираси шу қадар кучли эдики, ривоятларга кўра, қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилиб чиқиш билан ҳаммаси ёдида қолаверарди. Имом Бухорий юз минг саҳиҳ ва икки юз минг ғайри саҳиҳ ҳадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдур, дейди. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий (164/780—241/855),

«Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас», дер эди. Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан Ҳошид ибн Исмоил айтади: «Имом Бухорий бизлар билан бирга дарс эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларни биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб ўн беш минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?», деган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман», деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик», дейди.

Баъзи ривоятларга кўра, Имом Бухорий 16 ёшга қадам қўйганида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (118/736—182/798) ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳ (130/747—195/812) ларнинг китобларини батамом ёдлаб олган экан.

Имом Бухорий: «Мен бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари «Имон, у сўз ва амалдан иборатдир» деган эътиқоддаги кишилар эди», дейди.

Имом Бухорий йигирма ёшидан бошлаб китоб таълиф эта бошлаган. У кишининг Шоҳ асари «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Марказий Осиё ва Қозоғистон Мусулмонлари Диний Бошқармаси қарамоғидаги кутубхонада «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «ат-Тарих ал-кабир» («Катта тарих»), «ат-Тарих ас-сағир» («Кичик тарих»), «ал-Қироату ҳалфа-л-имом» («Имом ортида туриб қироат қилиш»), «Рафъу-л-йадайн фис-с-салоти» («Намозда икки қўлни кўтариш») каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуддир. Бундан ташқари, Имом Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «ат-Тарих ал-авсат» («Ўртача тарих»), «л-Жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Китобу-л-хиба» («Заковат китоби»), «ал-Муснад ал-кабир» («Катта ҳадислар тўплами»), «Китоб-ул-илал» («Нуқсонли ҳадислар китоби»), «Бирру-л-волидайн» («Ота-онани ҳурматлаш»), «Китоб ул-аширба» («Ичимликлар китоби»), «Китоб уз-зуафо» («Заифлар китоби»), «Асомий ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китоб ул-куна»

(«Ҳадис ровийларининг тахаллуслари ҳақида») каби катта ва кичик ҳажмдаги бир қанча китоблар ёзганлиги маълум.

Умрининг охирида у она ватани — Бухорога қайтади ва бирмунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс беради. Шу аснода Имом Бухорийга Аббосийя халифалигининг Бухородаги амири Ҳолид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий, «Бундан буёқ амирлик саройига келиб туринг ва болаларимга (иккинчи ривоятда: сарой аҳлига) «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»дан дарс беринг!» деб, нома юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайди ва: «Мен илмни хорлаб, султону амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда: саройдагиларни) уйимга ёки масжидга юборсун!» деб, жавоб қайтаради.

Шунинг натижасида ва у зотни кўролмаган баъзи ҳасадгўй шахсларнинг фитна ва иғволари туфайли амир аз-Зуҳалий Имом Бухорийнинг Бухорони тарк этиши ҳақида фармон беради. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд олимлари Имомнинг Самарқандга кўчиб келишини илтимос қиладилар. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқади. Лекин Самарқандга 18 км. етмай, Ҳартанг қишлоғи (ҳозирги Пойариқ ноҳияси ҳудудида)ги қариндошларидан Абу Мансур Ғолиб ибн Жибрил деган кишининг уйига тушиб, бир неча кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қолади ва ҳижратнинг 256-йили рамазон ойининг охирги куни, шанба кечаси вафот этади (869). Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Ҳартангда дафн қилинади.

Имом Бухорийнинг қабри ва масжиди ҳозирги кунда ҳам обод ва улар дунё мусулмонларининг зиёратгоҳига айланган.

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ «АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ» КИТОБИДАН ҲАДИСЛАР

1. Душман билан тўқнаш келишни орзу қилманглар, унинг ўрнига Аллоҳдан тинчлик ва хотиржамлик сўранглар.

2. Ҳеч биринғиз ўз биродарига қурол ўқталмасин, чунки уни шайтон ақлдан оздириб қўйиши ва натижада у қотиллик қилиб нўйиб, дўзахга маҳкум бўлиб қолиши мумкин.

3. Мураккаб ва қутулиб кетишнинг иложи йўқ бўлган ҳолатлардан бири, бу ноҳақ қон тўкишликдир.

4. Мусулмон кишига уч кундан ортиқ ўз биродаридан аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай сўрашмай юриши мумкин эмасдур. Улардан қайси бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшаниси яхшироғидир.

5. Бир киши пайғамбардан: — Исломда қайси иш афзалроқ?— деб сўради.

— Очларга таом, танишу нотанишларга салом беришлик, деб жавоб бердилар.

6. Мусулмон киши садақа қилиб туриши керак, дер экан пайғамбар. Шунда ундан сўрашибди:

— Садақа қилишга нарса топа олмаса-чи?

— Меҳнат қилса меҳнатидан топади; ундан ўзи ҳам ейди, садақа ҳам қилади.

— Буни ҳам қила олмаса-чи?

— Унда ҳожатмандлар ҳожатини раво қилади.

— Унга ҳам ярамаса-чи?

— У ҳолда одамларни яхшиликка даъват қилсин. Борди-ю унга ҳам ярамайдиган бўлса, лоақал ўзи ёмон ишлардан сақланиб юрсин — бу ҳам садақа ўрнига ўтаверади.

7. Кимки фаровон ҳаёт кечирай ва дунёда яхши ном қолдирай деса, қариндош-уруғларига меҳрибон бўлсин, уларнинг аҳволидан доимо бохабар бўлиб турсин.

8. Кимки Аллоҳ ва охиратга имони бўлса, қўшнисига озор бермасин.

9. Кимки Аллоҳ ва охиратга ишончи бўлса, меҳмонни иззат-икром қилиб, хурматини ўрнига қўйсин.

10. Кимки Аллоҳ ва охират кунига ишонса, фақат яхши сўзлардан гапирсин, акс ҳолда тилини тийиб юрсин, сукут сақласин.

11. Пайғамбардан:

— Исломда қайси амал афзал ҳисобланади, деб сўрашибди.

Шунда у киши,

— Тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқаларга зарари етмайдиган амал барча амалларнинг афзалидур, деб жавоб бердилар.

12. Пайғамбар бир гуруҳ саҳобаларга шундай дедилар:

— Аллоҳни ҳеч вақт шериги бор деб билмаслик, ўғрилик ва зино қилмаслик, фарзандларни ўлдирмаслик, бировга бўҳтон гаплар тўқимаслик ва хайрли ишларни қилишликка менга сўз беринглар. Кимки шу келишувга вафо қилса, Аллоҳ унга ажрини бергай, кимки юқоридаги гуноҳ ишлардан қилиб қўйсаю, ҳоли-ҳаётлик вақтида унинг уқубатини ҳам тортган бўлса, шунинг унга каффорат бўлиб, унинг гуноҳи кечирилади...

13. Мунофиқнинг учта белгиси бўлур: гапирса ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди ва омонатга хиёнат қилади.

14. Барча қилинадиган ишлар ниятга боғлиқдир.

Инсон ниятига яраша ё савоб, ё гуноҳга эришур.

Кимки Аллоҳ ва унинг пайғамбари йўлида ҳижрат қилган бўлса, шу ниятига яраша савобга эга бўлур.

Кимки ҳижратдан мақсади бойлик орттириш ёки уйланиш бўлса, шу ниятига яраша иш қилган бўлади.

15. Ҳар бирингиз қўл остингизда қарам бўлганларга масъулдирсиз: подшоҳ ўз фуқаролари олдида, эркак киши ўз оила аъзолари олдида, аёл киши эрининг уйидаги барча ашёларига ва хизматчи ўз хўжасининг молу-мулкига масъулдурлар.

16. Золим биродарингга ҳам, мазлум биродарингга ҳам ёрдам қил.

Шунда у кишидан сўрадилар:

Мазлумга ёрдам бериш масаласи тушунарли, аммо золимга ёрдам беришликни қандоқ тушунмоқ керак?

Расулуллоҳ жавоб бердилар:

— Золимни зулм қилишдан қайтаришинг, унга қилган ёрдаминг бўлади.

17. Аллоҳ нафратига энг лойиқ киши одамлар билан ўта хусумат ва адоватда бўлгувчи кишидир.

18. Ўзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча, киши мўмин комил бўла олмайди.

19. Расулуллоҳ ўз биродарига шарму ҳаёдан панд-насиҳат қилаётган бир ансорийнинг ёнидан ўта туриб: «Ҳаё ҳам иймон белгиларидандир», деб унинг гапига қўшимча қилдилар.

20. Икки мусулмон қўлларига қилич олган ҳолда тўқнашиб, бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахга маҳкумдир. Шунда Расулуллоҳдан: «Биринчиси-ку қотиллик қилди, аммо иккинчисининг айби нима?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ: «Чунки у ҳам биродарини ўлдиришга қасд қилган эди», деб жавоб бердилар.

21. Қуйидаги тўрт сифат кимда мужассамлашган бўлса, у бешак мунофиқдир... Улар: омонатга хиёнат, ёлғон гапирмоқлик, аҳдга бевафолик ва бировларга ҳаддан ташқари хусумат қилишлик.

22. Мусулмон кишини ҳақорат қилишлик — гуноҳ, у билан уришишлик эса кофирликдир.

«АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД» АСАРИДАН

1. Абу Хурайра (розиёллоҳу анҳу) айтадилар, бир киши Расулуллоҳ ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ! Менинг бир қўшним бор, у менга кўп озор беради», деб шикоят қилди. Расулуллоҳ унга: «Уйингга бориб ҳамма буюм, асбоб-ускуналарингни кўчага чиқариб қўй», деб маслаҳат бердилар. У Расулуллоҳ буюрганларидек уйидаги нарсаларини кўчага чиқариб қўйди. Одамлар йиғилиб: «Бу нима, нима ҳодиса бўлди? деб сўрашганда, у бўлган воқеани айтиб берди, одамлар эса: «Ўз қўшнисига озор бундай қўшнига Аллоҳ Таоллонинг лаънати бўлсин!» деб дуоибад қила бошладилар. Бу можародан хабар топган ўша ёмон қўшни келиб унга узр айтди ва: «Юкларингни уйингга киргазиб қўявер, бундан кейин мен сенга сира озор бермайман», деб қасам ичди.

2. Савбон ибн Баждад (розиёллоҳу анҳу) айтадилар: «Икки киши бир-бири билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриб, биттаси вафот этса ёки иккаласи ҳам ярашиб улгурмаган ҳолда ўлса, албатта иккаласи ҳам Аллоҳнинг қаҳрига йўлиқади. Қайси бир қўшни ўз қўшнисига зулм қилиб, уни ўз ҳовлисидан чиқиб кетадиган ҳолатга келтирса, албатта ҳалокатга учрайди, дедилар.

3. Абу Ҳурайра айтадилар: «Ҳар бир мўъмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бирор айбкўрса, ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилади (қилиши керак)», дедилар.

4. Абу Хурайра айтадилар: «Расулуллоҳ: «Товуш чиқариб кулишни кам қил. Чунки кўп кулиш дилни ҳалок (вайрон) қилади», дедилар.

5. Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (розиёллоҳу анҳу) дан ривоят

қилинди, у киши айтдилар. Расулуллоҳ, «Икки мўъмин банда бир-бирини кўрмасдан олдин уларнинг руҳлари бир кунлик йўлда учрашади», дедилар.

6. Абу Хурайра Расулуллоҳдан ривоят қилдилар: «Бойлик молининг кўплиги эмас, балки бойлик — бу қалб саховатидир» дедилар.

7. Убайдуллоҳ ибн Миҳсан ал-Ансорий айтадилар, Расулуллоҳ, «Ким ўз оиласи ичида тинч, тани соғ бўлиб турса ва олдида шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё берилган ҳисобланади», дедилар.

8. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиёллоҳу анҳу) айтадилар, Расулуллоҳ: «Мўмин банда кишиларни таъна қилувчи, уларга лаънат этувчи, ёмон иборалар билан сўкувчи ва озоркунандалик қилувчи бўлмаслиги керак», дедилар.

9. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиёллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан ривоят қилдилар: «Мўмин киши одамларни таъна қилувчи, уялтирувчи, лаънат этувчи, ёмон иборалар билан сўкувчи ва уятсиз, аччиқ тилли бўлиши ҳам мумкин эмас».

10. Анас ибн Моликнинг амакиваччалари Ҳишом ибн Омир (розиёллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди. Бу киши Расулуллоҳдан, «Ҳеч бир мусулмон кишининг иккинчи мусулмон биродари билан уч кечадан ортиқ гаплашмай юриши жоиз эмас. Ҳар иккаласи ҳам шундай ҳолатдаги даврларида ҳақ йўлдан четлашган бўладилар. Улардан қайси бири аввал яхшилик, меҳр-шафқат қилиш томонига ўтса, гаплашмай юрган вақтидаги гуноҳига каффорат бўлади. Улар бундай гаплашмай юрган ҳолича дунёдан ўтиб кетсалар, иккаласи ҳам жаннатга кирмайди. Агар улардан бири салом берсаю, иккинчиси жавоб қайтармаса, салом берганига фариштa ва жавоб қайтармаганига шайтон жавоб қайтаради», деган гапларини эшитганликларини айтдилар.

11. Абу Хурайра (розиёллоҳу анҳу) айтадилар, Расулуллоҳ: «Мўмин банда дунё ишларида алданувчи, аммо саховатли, мунофиқ эса — алдовчи, маккор ҳамда хасис бўлади», дедилар.

12. Маоз ибн Жабал (розиёллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди, у киши: «Бир биродарингни яхши кўрсанг, у билан жанжаллашма, ҳар иккала томонга ёмонликни қўзғатадиган ҳаракатни ҳам қилма ва унинг ҳақида ҳам суриштирма, чунки сен суриштирган киши унинг душмани бўлса, йўқ нарсаларни гапириб, ораларингизни бузиб қўйиши мумкин», дедилар.

Имом Термизий

Машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн ад-Даҳҳок ас-Суламий ат-Термизий ал-Буғий (824—892) ҳозирги Сурхондарё вилоятининг маъмурий маркази Термиз шаҳрида туғилди. У ёшлик чоғиданоқ илм олишга чанқоқ бўлган ва шу мақсадда ислом олами бўйлаб кўпдан-кўп саёҳатлар қилган. Термизий Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа мамлакатларга қилган сафарлари асносида кўплаб улуғ муҳаддислар билан танишган ва улардан ҳадис илми сирларини ўрганиб, уларни батартиб дафтарига ёзиб борган. Ўзи билмаган ҳадисларни ёзиб келиш учун Термизий ҳар қандай оғир ва машаққатли сафарларга ҳам тайёр эди. Термизийнинг хотираси ўта кучли бўлганлигидан у турли жойларда машҳур муҳаддислардан эшитган кўплаб ҳадисларни кейинчалик бўлса-да, дафтарига аниқ ёзиб қўяр эди.

Ривоят қиладиларки, Имом Термизий кунлардан бир кун Макка йўлида машҳур муҳаддис деб шуҳрат топган бир шайхни учратиб қолади ва ундан, «Мен сизнинг ривоятингиз ила айтилган ўнлаб ҳадисларни ўқувчиларингиздан ёзиб олгандим. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мазкур ҳадисларни ўзингиздан эшитиб текшириб олсам деган умиддаман», деб сўрайди.

Шайх ҳадислар ривоятини тугатгач, Термизий текшираётгандай бўлиб тикилиб турган қоғозга кўз ташласа, унда ҳеч нарса ёзилмаганини кўради ва жаҳли чиқиб: «Нега менинг устимдан кулаётирсан, бу қоғозга ҳеч нарса битилмаган-ку?» дейди. Термизий узр сўрайди. ва: «Кечирасиз, ёзилган қоғозларимни уйда қолдирган эканман. Аммо ҳозиргина сиздан эшитган ҳадисларни мен ёдлаб улгурдим», деб, ўша ҳадисларни сўзма-сўз, ҳеч бир ўзгаришсиз оғзаки айтиб беради.

Шунда шайх: «Мен ҳаётимда бундай хотираси кучли муҳаддисни биринчи бор кўришим», деб Термизийга тасанно айтган экан.

Умрининг охирида Термизийнинг кўзи ожиз бўлиб қолади. У ҳижратнинг 279-йили, (892 милодий) она ватани Термизда вафот этади.

Термизий имом Бухорий, имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Муса, Маҳмуд ибн Жийлон, Саид ибн Абдурраҳмон, Али ибн Ҳажар, Аҳмад ибн Маниъ, Муҳаммад ибн Мусанна каби машҳур муҳаддислардан дарс олган ва ҳадис илми сирларини ўрганган.

Термизийнинг шогирдлари ҳам кўп бўлган. Макҳул ибн алфадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳаммод ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Йусуф ан-Насафий, Абул Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий ва бошқа муҳаддислар имом Термизийнинг шогирдларидандир.

Термизийнинг ёзган асарлари ичида энг машҳури «Сунан» номли ҳадислар тўпламидир. Термизий бундан ташқари «Китоб алилал» (Иллатли ҳадислар тўплами), «Китоб ат-тарих» (Тарих китоби), «Китоб аш-шамаил ан-набавийя» (Пайғамбарнинг ахлоқ, одоб ва сайру сулуклари ҳақида китоб), «Китоб аз-зуҳд» (Зоҳид-

лик ҳақида китоб), «Китоб ал-асмаи вал-куна» (Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб) каби бир қатор қимматбаҳо китобларнинг ҳам муаллифидир.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «СУНАН» КИТОБИДАН ҲАДИСЛАР

1. Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади.

Аллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниларига яхшилик қилгувчисидур.

2. Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди.

3. Одамларга хайрихоҳлигинг — бу сенинг садақанг.

Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг — сенинг садақанг.

Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам — садақа.

Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам — сенинг садақанг.

Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам — садақа.

Ўз пақирингдаги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам сенинг садақанг ҳисобланади.

4. Икки нарса борким: кўпчилик уларни қадрига етмайди: бири — соғлиқ, иккинчиси — бўш вақт.

5. Қимда-ким жамоат намозига имомлик қилгудек бўлса, уни қисқароқ ўқисин, чунки жамоанинг орасида болалар, қариялар, хасталар ҳамда юмушдан чарчаб келган кишилар бўлиб қолиши **ҳам мумкин.**

Бордию кишининг якка ўзи намоз ўқигудек бўлса — қисқа ўқийдими ё узун ўқишлиги ўз ихтиёрида.

6. Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз берган дагн чидамлилигига айтилади.

7. Яқин киши вафот этганда жоҳилият давридаги одат бўлган ёқа йиртиш, ортиқча навҳа тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон саналмайди.

8. Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзлангларр. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин.

9. Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади.

10. Қимда-ким бир кўчат ўтқазса, ё бўлмаса экин эксаю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса бу ҳам ўша одам учун садақа саналади.

11. Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Қимдаким ўзининг мусулмон биродарига ёрдам қилса, охиратда Аллоҳ унга ёрдам қилади.

Қимдаким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, Аллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қилади.

12. Қимда-ким мусулмон биродари айбини яширса, қиёмат куни Аллоҳ ҳам унинг хато ва камчиликларини ошкора қилмайди.

13. Пайғамбардан бир киши сўрабди:

— Эй Расулуллоҳ, мен кимни ҳурмат қилай?

— Ўз онангни, деб жавоб берибди Пайғамбар. У яна сўрабди:

— Онамдан бошқа яна кимни?

Пайғамбар:

— Онангни, — деб жавоб берибди.

Ҳалиги киши учинчи марта сўраганида ҳам «онангни» деган жавобни олибди.

У тўртинчи марта ўз саволини қайтарганда, Пайғамбар:

— Ўз отангни, сўнгра яқинларингни ва қариндошларингни, — деб жавоб берибди.

14. Марҳум отасининг дўстлари билан доимо мулоқотда бўлиб туриш энг олижаноб ишлардандир.

Пайғамбар айтибди: хола ҳам худди онадек ҳурмат ва эътиборга муносибдур.

15. Уч хил дуо сўзсиз мустажоб бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофир кишининг дуоси ва ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳақидаги дуолари.

16. Қариндош-уруғлар билан алоқани узган киши жаннатга дохил бўлмас.

17. Кимнинг кўпроқ қиз фарзандлари бўлса ва у уларни сабр ва матонат билан тарбият этса, Аллоҳ қиёматда шу иши учун уни дўзах ўтидан фориғ этади.

18. Кимга олиҳиммат берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга у берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади.

Аҳмад Фарғоний

Абул Аббос ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний қомусий олим Муҳаммад ал-Хоразмий замондоши бўлиб, Боғдод расадхонасида илмий ходим бўлиб хизмат қилгани маълум. Унинг «Фарғоний» деган тахаллуси олимнинг асли Фарғонадан эканлигига ишорадир. Бироқ Аҳмад Фарғонийнинг таржимаи ҳоли, болалиги, ёшлиги, ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумотлар тўлиқ эмас.

Бутун Туркистон ҳудудидаги кўпчилик шаҳарларда тарихий IX аср билан боғлиқ илмий муҳит ва фанга қизиқиш, масжид ва мадрасалар қурилиши, таълим ва тарбия даражасининг юксаклиги бизга аён. Бу далил Аҳмад Фарғоний бошланғич таълимни Фарғонада олган деган фаразимизни ёрқинлаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, олим асарлари унинг ёшлигида тиришқоқлигию фанга ва илмга чанқоқлигидан, тартиб-интизомли, гўзал ахлоқ ва одобга эга бўлганлигидан дарак беради. Шундай фазилатларга эга бўлмаган кишидан буюк нарсалару ишлар кутиш қийин.

Олим ва унинг замондошларининг, шунингдек, қадимги ва ҳозирги замон тадқиқотчиларининг кузатишларию хабарларига биноан Аҳмад Фарғоний IX асрнинг дастлабки ўн йиллигида гўзал

Фарғонада дунёга келган ва 860—870 йиллар ичида бандаликни бажо келтирган, деган хулосага келдик. (Баъзи манбаларда 861 йилда вафот этгани қайд қилинади.)

Унинг унумли ва сермаҳсул илмий фаолияти араб халифалиги минтақасидаги Дамашқ ҳамда Боғдод шаҳарларида жойлашган илмий марказлар билан боғлиқдир.

Зотан, араб халифаси Маъмун дунёвий фанларга жуда қизиққан. Гарчи у илмга қизиқмаганида ёхуд унинг равнақига аҳамият бермаганида бир фарғоналик кишини ўша даврдаги Аббос ибн Саид, Саид ибн Холид, Яҳё ибн Мансур сингари машҳур аҳли илми фалаккиёт ила бирга ишлаш, қолаверса, Дамашқ расадхонасида илмий кузатишлар олиб бориш учун таклиф қилармиди?! Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаш керакки, Аҳмад Фарғоний раҳнамолиги ва иштирокида, дастлаб Боғдод, кейин эса Дамашқ расадхоналари қурилди. Йирик олимнинг асосий илмий фаолияти ўша шаҳарларда камол топиб, баланд-баланд чўққиларга юксалди.

Аниқроғи, Фарғоний ва унинг илмий маслакдошлари сайёраларнинг коинотда жойлашиши, юлдузларнинг сирлари, шунингдек уларнинг ҳаракат қилиш қонуниятларига оид текширишлар билан машғул бўлишди. Худди шу жараёнда улар машҳур грек олими Птоломейнинг юлдузлар жадвалини тажрибалар асосида ўрганиб чиқдилар. Шу кузатувлар натижасида зикр қилинган жадвалда айрим нуқсон ва чалкашликлар мавжудлиги аниқланди ва тузатишлар киритилди.

Дамашқ ва Боғдод шаҳарларида зикр қилинган ва бошқа истеъдодли олимларнинг жўғрофий вазиятлар нуқталари ҳақидаги илмий маълумотлар, шунингдек ал-Маъмун даврида Боғдод ҳамда Дамашқдаги илми фалаккиёт бўйича кузатишлари «Аз-зиж ул-Маъмун ал-Мумтахана» (ал-Маъмуннинг текширилган жадваллари) номи остида бутун Оврўпа ва бошқа чет мамлакатларда белгили. Бу асар ҳақида Аҳмад Фарғоний «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб»да хабар берган. Шу мўътабар маълумот орқали Оврўпа олимлари «Маъмун зижи» асарининг маъно ва мазмуни, илмий-назарий йўналиши, тадқиқот мақсади ва ҳал қилинган фан муаммоларини билиб олишган.

Аҳмад Фарғоний фалаккиёт илми билан муттасил шуғулланди ва қатор илмий-назарий асарлар яратдики, улар илм оламининг диққат-эътиборини тортди. Олимнинг «Китобу амал ар-Рухомот», «Китобу илал-ал афлок» («Фалакда бўладиган сабаблар ҳақида китоб»), «Ал-мадҳал ила илми ҳайъат ал-афлок ва ан-нужум» («Фалаккиёт ва илми нужум фанига кириш») сингари рисолалари шулар жумласидандир.

Айрим тадқиқотчиларнинг хабар беришига қараганда, Аҳмад Фарғоний фақат илмий кузатувчи ва тадқиқотчи бўлиб қолмай, балки расадхона учун махсус асбоб-ускуналар ҳам яратган. Шу ишлар натижаси ўлароқ олим ва амалиётчи муҳандис «Ал-комил фи-устурлоб» (Астролюбия ҳақида мукаммал билимлар»), «Фисанъат ва устурлоб» («Астролюбия ясаш санъати ҳақида») каби

амалий аҳамиятга эга бўлган икки асар ёзган. Рисолалар мавзу ва мазмунларидан Аҳмад Фарғонийнинг чизмачилик санъати ва сир-синоатини пухта билгани яққол кўзга ташланади. Чунки асбоб-ускуналар дастлаб қоғозга чизма ҳолда туширилади, кейин амалий меҳнат ва тажрибалар орқали жисм сифатида шаклланади.

Аниқроғи, Аҳмад Фарғоний «Фалаккиёт асослари» номли илмий-назарий жиҳатдан мукаммал китоби билан шуҳрат қозонди. Академик Т. Н. Қори-ниёзий сўзлари билан айтганда, ўша асар «астрономик билимларнинг ўзига хос қомусидир».

Аҳмад Фарғоний Шарқ ва Ғарб мамлакатларида Альфраганус номи билан танилган ва шуҳрат қозонган.

Яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, «Фалаккиёт асослари» номли асарида муаллифнинг ва бошқа олимларнинг шу соҳадаги намунали ишлари ва уларнинг муваффақиятлари асосли равишда изчил ёритилган. Шунингдек, Аҳмад Фарғоний томонидан муқаддам аҳли илм тадқиқ ишлари қиёсий ўрганилган. Демак, бу рисоладан Аҳмад Фарғонийга қадар яшаб ижод этган олимлар асарлари тўғрисида ҳам тегишли илмий ва назарий маълумотлар олиш мумкин.

Аҳмад Фарғонийнинг илмий-назарий ижодини кузатар эканмиз, унинг Птоломейдек буюк олимнинг фалаккиёт илмига бағишланган «Алмажистий» деган китобига шарҳлар ёзиб, унга изоҳ ва иловалар қўшганига, шунингдек ислом йилнома (календар) си тузилиши ҳақида маълумот берганига, қуёш соати ясаш йўлини кўрсатганига қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Жуда катта истеъдод соҳиби Аҳмад Фарғоний жўғрофий илм билан ҳам муттасил шуғулланган. 861 йили халифа Мутаваккил (846—862) Аҳмад Фарғонийни ўз қабулига таклиф қилади ва Нил дарёси сатҳини ўлчаш тўғрисида топшириқ беради. Шундан сўнг олим дастлаб Нил дарёсининг сатҳини ўлчаш учун зарурий асбобни ясашга ва уни ўрганишга Қоҳирада бўлган. Бу далил, биринчидан, Аҳмад Фарғоний жўғрофия фани бўйича илмий ва амалий масалалар билан шуғулланганини кўрсатади. Иккинчидан, «Аҳмад Фарғоний 861 йилда вафот этган» деган қатъий маълумотни рад этади.

Қомусий олимнинг илмий-ижодий фаолиятини диққат билан кузатар экансиз, унинг, қайси соҳада бўлмасин, илмий ишни бошлашдан олдин шу мақсадни ва вазифани амалга ошириш учун керакли асбоб-ускуналарни тайёрлаб, ўзига амалий шарт-шароит яратишига қаноат ҳосил қиласиз.

Аҳмад Фарғонийнинг фалаккиёт илмига доир асари сўнгида жўғрофий жойлар жадвали ўрин олган. Ундан дастлаб шарқий вилоятлар ўрин олган ва улар Шарқдан Ғарбга томон бирин-кетин кўрсатилган. «... биринчи иқлим Машриқдан, Син мамлакатининг чеккасидан бошланади... Сўнг Қулзум денгизини кесиб ўтиб, Ҳабаш мамлакати ва Нили Мисрдан ўтади... Кейин бу иқлим Мағриб ерлари томон ёйилиб, Барбар мамлакатининг жанубидан ўтади ва Мағриб денгизига етади». Худди шу йўналишда Ал-Хораз-

мийнинг ҳам жадвали бор. Лекин баъзилар уни Ал-Хоразмий жадвали билан бир хил деса, айрим олимлар унинг Ал-Хоразмий жадвалидан фарқланиши ҳақида фикр билдиришган.

Умуман олганда, Аҳмад Фарғоний тинимсиз самарали илмий меҳнати ва фаолияти туфайли буюк фалаккиётшунос сифатида илми риёзиёт ва жўғрофия соҳасида катта обрў қозонди. Қолаверса, у Шарқ мамлакатлари «Ҳосиб» деган (математик) лақаб олгани маълум. Бу унга риёзиёт илми бўйича берилган юксак баҳо эди.

Аҳмад Фарғоний асарлари кейинчалик бошқа халқлар тилларига таржима қилина бошлади. II асрдан кейин латин тилига ўгирилди. Ўша даврларда латин тили Оврўпада умумий алоқа тили ҳисобланарди. Олим асарлари латин тили орқали бутун Оврўпага тарқалди.

* 1986 йилда нашр қилинган Ўзбекистон календари (288-бет) да қизиқарли маълумот берилган. У «Тошга битилган харита» сарлавҳали кичик мақолага жамланган. Шу мақолани тўлиқ келтирамиз. «Қирғизистондаги Ўш педагогика институтининг филолог олими Лутфулло Жусупаҳматов Олой водийсига қилинган экспедиция вақтида одам яшамайдиган баланд тоғда тошга думалоқ муҳр ўйиб туширилганини эшитди. Ҳақиқатан 4,5 минг метр баландликдаги қоятошда роппа-роса тўртга бўлинган доира чизиқ ичида ҳалқачалар, чизиқлар кўзга ташланиб турарди. Мохлар остидаги яна 17 та шундай тасвир чиқди. Ҳар бир доира композицияси ўзига хос. Географ олим Қ. Матикеев топилма айлана жаҳон харитаси эканини топди. Болқон ва Апеннин, Тяншань ва Памир, Шарқи-Жанубий ва Марказий Осиё, Олой тизмалари... аниқ чизилган. Мутахассислар тошга ўйилган хаританинг асл нусхаси IX асрда яшаб ижод қилган осиёлик машҳур математик, астроном Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийга тегишли дейишмоқда.

Лекин тошга эски араб алифбосида тарихчиларга номанълум Ласур Аалим Ибн номи ёзилган».

Олимнинг ўзи ижод этган даврда, яъни араб халифалиги даврида юнон илмий дунёсига қизиқиш тобора ортиб борарди. Бу, албатта, Аҳмад Фарғоний шарофати билан боғлиқ эди. Хорун ар Рашид таржимону олимлар учун махсус «Билим уйи» («Ҳазонат ул-Ҳакма») ни қурдиргани маълум. Бу ғамхўрлик Боғдод мулкида таржимачилик ишларининг ривожланишига ва юксак чўққиларга кўтарилишига сабабчи бўлди. Ўша таржима марказида шу фаолият учун зарурий қўлланма — тил бўйича араб атамашунослиги яратилган.

Аҳмад Фарғонийнинг ҳар қандай мақтовларга муҳтож бўлмаган асарлари ўзидан кейинги дунё олимларига қўлланма сифатида хизмат қилди ва хизмат қилмоқда. Худди шу маънода буюк олимни ажиб муаллиф ва педагог сифатида қадрлаймиз.

Розий Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарий „Жолин-ўз-Замон“

(28 август 865. Райшахр—26 октябрь 925 Райшахр)

Розий Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий салафларидан. У табиатшунос эмпирик материалист-деист сифатида қадимги Марказий Осиё, Эрон (зарвонизм таълимоти) ва юнонистонда (Левкипп-Демокрит) вужудга келган содда материалистик ва автоматистик таълимотларни ижодий ривожлантирган. Йирик табиатшунос, ҳозирги замон табобат, кимё, илми ҳайян (фалакиёт) фанларининг тамал тошларини қўйган, ударнинг шаклланиши ва ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган табийун вакилларидан бири. Қадимги Марказий Осиё ва эронлик мутафаккирлар Жобир ибн Хайён (894 йилда ўлган), Абул-Аббос Эроншахрий (875 йилдан сўнг ўлган) уларнинг издоши ва шогирди бўлган.

Розий табиатшунослик, хусусан табобат, кимё илмлари, фалсафа ва динларнинг қиёсий таҳлили бўйича фундаментал асарлар ва таълимотлар яратган. Микроблар, касалликларнинг сув ва ҳаво орқали таъсири, кенг кўламдаги тиббий профилактика тадбирлари, тиб, кимё фанларининг асбоблари (инструментарий), махсус ўтказиладиган тажриба берадиган илмий ҳақиқат инсон руҳига соғлом психик (руҳий) таъсир, ақл, илм-фан, таълим-тарбия тўғрисидаги пайғамбарлар даъволарининг ҳақиқий мақсадлари ва шу кабилар тўғрисида Розий қолдирган қарашлар ва таълимотлар ана шулар жумласидандир.

Розий жуда катта табиий-илмий, фалсафий ва динларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган бой маънавий меърос қолдирган. Гарчи унинг ўзи 200 атрофида китоб, мақолалар ва рисолалар қолдирганман деб кўрсатган бўлса ҳам ўрта аср фан, тиббиёт тарихчилари ва фехрест муаллифлари Ибн ал-Қифти, Ибн Аби Усайбиа ҳамда Абу Райҳон Берунийлар 133 тадан то 236 тагача асарларни санаб келтирадилар. Улар орасида энг машҳурлари Китоб ал-Ховий, Китоб ас-Сайдана, Китоб манофеъ ала-зия, ат-Тибби ал-мулукий, ал-Қутуб ал-исно ашара, Касалликлар тарихи ва клиник кузатишлар, Китоб-ус-Сир, Китоб-ус-сир ал-Асрор, Китоб тибб ар-Рухоний, китоб сийрат ал-Файласуфийа, Мақола фи аморат иқбол ва-д-давлати ва бошқалардир.

Кейинги бешта асар бизгача етиб келган ва илмий истеъмолга киритилган. Қуйида Розийнинг педагогикага алоқадор қарашларидан парчаларни юқоридаги манбалар асосида келтирилади. Қавс ичидаги биринчи рақам асарнинг манбалари рўйхатидаги ўрнини кейинги рақамлар эса қисмлар ва бетларни билдиради. Келтириладиган парчалар (4-сон манбадан келтирилган парчалардан ташқари) ушбу бўлим муаллифи томонидан ўзбек тилига ўгирилган ва эълон қилинмоқда.

ар-Розий: ... Кўзларим ожиз бўлиб қолди, гўштларим осилиб қолди, буларнинг ҳаммаси ҳозир менинг ўқишим ва ёзишимга халақит беради, бироқ, мен ҳозирги ҳолатимда ҳам қўлимдан келганича ёзиш ва ўқишни тўхтатганим йўқ ва мен доимо ўқиб берувчи ва кўчириб берувчининг ёрдамига муҳтожман...

... Э худо! Сен менга ўта закийлик ва қобилиятлилик қилдинг. Энди менга озгина давлат ато қилсанг эди, мен ўз истакларимга еткан бўлур эдим. Бўлмаса, бу закийликни ҳам, жонимни ҳам олу, мени азобдан қутқар... (5-104-бет).

... Гален ўзининг «Манофеъи ал-Ава» китобида ўз обрўсидан фойдаланиб ўз шогирдларини ўзининг барча қарашларини нотанқидий қабуллашга мажбур қилувчи олимларга қаттиқ таъна қилади. Агар бу улуғ инсон ҳозир тирик бўлганда эди, унинг қарашларини танқид қилганим учун менга таъна қилмас, аксинча меннинг китобимни («Шукук ар-Рази ала калами Жолинус» — «Жолинус қарашлари борасида ар-Розий шубҳалари») багоят зўр хурсандчилик билан мутолаа қилган бўлур эди... (3-59-бетлар)

Ибн ан-Нодим... У (яъни Розий) одамларга жуда хайрли ва саховатли эди, камбағаллар ва касалларга жуда раҳмдиллик қиларди, уларга доимо хайру-садақа қилар ва ҳатто ўзи уларнинг ҳолидан хабар олиб, қараб турарди... (3-58-бет).

Заҳириддин Байҳақи («Татима Сиван ал-Ҳикма» муаллифи): Абу Бакр Муҳаммад бин Закарийё аввалларн заргар эди, кейинчалик эликсир (алкимё) илми билан шуғулланди. Эликсирни тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган турли дориворлардан чиққан буғлар ва тутунлар таъсири натижасида унинг кўзлари оғриб қолди ва у табибга мурожаат қилди. У (яъни табиб) эса даволаш ҳақига 500 олтин сўради. Ар-Розий бу пулни тўлаб, деди: «Мана ҳақиқий эликсир қаерда экан, мен шу пайтгача шуғулланиб келганим эликсир эмас». Шундан сўнг эликсир илмни қўйди ва табобатни ўрганишга машғул бўлди... (3-58-бет).

Беруний. Муҳаммад Закарийё Розий китобларининг рўйхати тўғрисидаги рисола: ... Розий доим (илм билан) шуғулланган. У чироқни девор токчасига қўйиб, унинг олдида ўтиришга одатланган, бунда у ўз китобини деворга қаратиб шундай тутганки, агар уйқуга кетгудек бўлса, унинг қўлидан китоб тушиб уни уйғотган. Бу унинг кўзининг ишдан чиқиши сабабларидан бири эди; боқило (йирик ловияни) кўп истеъмол қилиши ҳам шунга олиб келган. Ниҳоят унинг икки кўзи кўр бўлиб қолган. Табаристондан унинг шогирдларидан бири кўзини даволаш учун келади. Катарактани операция қилиш лозимлигини айтган шогирдга Розий ўз ҳаётининг тугаб қолганлигини ва бундай вақтда оғриққа бардош бериш қанчалик қийин эканлигини айтади.. (4-18-бет).

.. Аслида тўғри бўлган Эроншаҳрийнинг фикрлари ва қарашларини, ар-Розий шундай бузиб кўрсатадики, унинг зиндиқ ва кофир бўлган издошлари фақат Розийгина илоҳий илм деган фанни ишлаб чиқа олган, ундан бошқа ҳеч ким у (илоҳиёт илми)ни билмаган деб ўйлашлари мумкин бўлган... (3-79-бет).

РОЗИЙ ИЛМ-ФАН, КАСБ-ҲУНАР САНЪАТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ, ИЛМИЙ ҲАҚИҚАТЛАР ВА «ДИНИЙ ҲАҚИҚАТЛАР» ҲАҚИДА

... Минглаб табиблар эҳтимол минг йиллар давомида табобатни такомилга етказиш билан шуғулланганлар. Шунинг учун ҳам кимки уларнинг яратганларини астойдил, қунт билан ўрганса, уларнинг маъносини тушуниб етишга берилса, ўзининг қисқагина ҳаётида минг йиллар давомида хастахоналарга югурганда ҳам қўлга кирита олмайдиган даражада кўпроқ нарсани кашф қилади ..., чунки, бир одам, ҳатто юз йил яшаганда ҳам, агар у ўз ўтмишдошларининг тажрибалари билан таниш бўлмаса, фақатгина ўзининг кузатишлари билангина ҳеч бўлмаганда табобатга оид ҳақиқатларнинг асосий қисмини билиб олиш мумкин бўлмайди.

... Нафақат ўқишгина, балки ўқиганини муҳокама қила олиш, ўқиганларини баъзи ҳолларда татбиқ қила олиш қобилиятигина табибни табиб қилади...

... Қани ўша сизларнинг имомларингизнинг заҳар ва озиқ ўртасидаги фарқлар, дориларнинг таъсирлари тўғрисидаги кўрсатмалари? Бу тўғрида ҳеч бўлмаса биттагина кўрсатмани мисол келтиринг. Ҳолбуки, улар тўғрисида Гиппократ ва Гален китобларидан бир эмас, минглаб парчалар келтиришади ва бу барчага фойда келтирган. Осмоннинг ҳаракати ва бунинг сабаблари тўғрисида бирон та имомингизнинг гапларидан ҳеч бўлмаганда ҳали номаълум бўлган ва сизларнинг имомларингиз аниқлаган ҳандасининг ўзига хос сифатлари тўғрисида хабар беринг чи...

... Агар сизлар мана шу барча нарсаларнинг асоси сизларнинг имомларингиздан деб айтсангиз, биз айтамизки, бундай даъво нотўғри ва сизлар томондан йўл қўйиб бўлмайдигандир... Бу умумхалқ орасида ёйилган умумий ва хусусий бешармлик, ожизликдир.

... Агар сизлар дориларнинг танага таъсири, осмоннинг ҳаракати ҳақида кишилар қандай билдилар деб сўрасангиз, биз бунга жавоб беришда ҳам бемалол сизларнинг имомларингизсиз иш кўраверамиз. Буларнинг ҳаммаси халққа маълум бўлган қайдлардан, кузатишлардан, дориларнинг танга таъсирини эмлаш орқали билишдан олинган; азалдан ва абадиан нимаики қўлга киритилган бўлса, уни билиш, сизларнинг имомларингизнинг ўргатишисиз ҳам ғозлар учун сузиш қанчалик табиий бўлса, шунчалик табиийдир. Сизлар келтирган «исботлар» ана шунинг ўзи билан инкор этилади...

... Кимки фалсафани ўрганиш билан машғул бўлса ва бунга зўр бераётган бўлса, у ҳақиқат йўлидан боришга лойиқдир. Ҳақи-

қатдан ҳам кишиларнинг руҳи бу дунёнинг чиркинлари ва қоронғуликларидан мусаффо бўлиши ва фароғатга етишиши фақат фалсафа ўрганиш билан бўлади. Агар инсон уни (фалсафани) ўрганса, биз тасаввур қила олишимиз мумкин бўлган даражада оз қисмини бўлса ҳам эгаллай олса, у ўз жонини чиркинлик ва қоронғуликдан тозалайди ва қутқаради... (3-106—107-бетлар).

... Бизга фойдали бўлган ишларда ўзимиз ҳукм юрита билишимиз учун бизга ҳайвонотга нисбатан устунлик Ақл билан берилгандир. Ақл орқали биз ўзимизни улуғловчи, зийнатловчи ва ҳаётимизни хайрли қилувчи ҳамма нарсани била оламиз. Ақл билан биз ўз хоҳиш ва мақсадларимизга етамиз...

... Дарҳақиқат ақл билан биз кемасозлик фанини билиб оламиз... Ақл ёрдамида биз ўз таналаримизга жуда кўп хайрли ва шунга ўхшаш фойдали санъатларни ўзида мужассам қилган табобатни ўрганамиз... Унинг ёрдамида Ернинг шакли, Қуёш ва Ойнинг катталиги, юлдузлар ҳаракати, уларнинг узоқлигини ва оқишини билиб оламиз...

... Агар, бундай эътиқодли (яъни, диний эътиқодли) кишиларни улар ўзлари ундаётган ва ҳақиқатни исботлашни сўрасангиз, улар ғазабга келадилар ва буни сўраётган кишиларнинг қонини бекорга тўкадилар. Улар муҳокама қилишни таъқиқлайдилар ва ўз рақибларини ўлдиришга даъват қиладилар. Бунинг оқибатида ҳақиқат ниҳоятда чуқур кўмилган ва яшириндир...

... Энди менинг билимга бўлган муҳаббатим, уларни қўлга киритишга ва саъй — ҳаракатимга келсак, мен билан дўст бўлган ва менинг ёшлигимдан бошлаб то ҳозирги вақтгача тўхтовсиз заҳмат чекишим, мен ўқимаган, мен билмаган китоб қўлимга тушгудек бўлса, у китобни ўзлаштириб олмагунча бошқа биронта ишга кириша олмаслигимга гувоҳ бўлган кишига ҳаммаси маълум... (3-99; 100; 104—105-бетлар).

РОЗИЙ ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН БИЛИМНИНГ АФЗАЛЛИГИ, ИНСОН АҚЛУ ЗАКОВАТИНИНГ ҚУДРАТИ ҲАҚИДА, ЖОҲИЛЛИКНИНГ ЗАРАРИ ТЎҒРИСИДА

... (Розий касалликнинг барча симптомларини ҳисобга ола олмаганлигидан афсусланиб); ... биз бундан буён, худо хоҳласа, бундай ҳолларни ғоятда синчиклаб текширишдан ғофил бўлиб қолмаслигимиз керак...

... Йўлда (сафарда) бизга ҳамроҳ бўлиб, эшак ҳайдаб бораётган Абу Довуднинг кўзи оғриб қолди. (Қасали) бошланган вақтда унга томирдан қон олдиришни маслаҳат бердим, лекин у бундай қилмади, фақат **қортиқ** куйдирди.

Ўзи билан бирга олиб юрган доридан бир **ўқияни** қулоғига томизди ва бу ишни ҳаддан ошириб юборди. Мен уни бундан қаттиқ қайтардим, ҳатто аччиғландим, шунга қарамай айтганимни қабул қилмади. Ўша куннинг эртасига иш улғайиб, кўз оғриғи кучайиб кетди, мен шу вақтгача бундай кўз оғриғини кўрмаган эдим. Мен кўз табақаларининг ёрилишидан ва (кўзнинг) оқиб тушишидан

қўрқардим, чунки кўз шиллиқ пардасининг қаттиқ шишиб кетганлигидан кўзнинг мўғуз пардасидан битта ясмиқдек қисмигина кўринар эди. (Қасаллик) уни уринтириб қўйгач, ундан икки марта уч ритл, балки ундан кўпроқ қон олдим ва кўзларини йиринглардан тозаладим. Сўнг кўзларига оқ (элаки дори) сепдим, натижада ўша куни ухлади ва оғриғи қолди. Уша куннинг эртасига бутунлай соғайди. Бу ишдан одамлар таажжубланишди...

... Абдулмўъмин заргарнинг ўғли кўз ёши найчасида бўладиган оқма яра **(ғараб) га** учраб қолди. Мен ўзим таркиб қилган **шиёфни** унинг кўзига суртишни ва кўзининг ички бурчагига томизишни буюрдим. У шу ишни қилди ва тузалиб кетди. Мен биламан бу ҳақиқий тузалиш эмас, балки (дори) оқма ярани бириктиради ва қуритади, аммо эт олдириб битириб юбора олмайди. Мен буни бир неча марта тажриба қилиб кўрганман.

«Наводир»да Жолинуснинг сўзи бор, ўша сўз мени шундай шиёф таркиб қилишимга ундади...

... Тутқаноғи бор Назиф исмли китобфурушни диққат билан кузатган эдим, бир жуфт бўйин кўк томирини тўлган, юзини жуда қизарган ва баданини тўлган ҳолда кўрдим. Табобатни ўрганаётган шогирга **софин** томиридан қон олишни буюрдим. (Шогирд) унинг томиридан қон олди. Мен касал ҳолини кузатиб турдим, бир йилгача тутқаноқ тутмади.. (4-86; 88—89; 90—91-бетлар).

Баъзи сўзлар ва ибораларнинг изоҳи ва шарҳлари

ал-Мажистий — Птоломейнинг машҳур «География» асарининг арабча айтилиши.
арад — акциденция. Аристотель ва Шарқ аристотелчилари, масалан, Фаробий, Ибн Сино ва бошқаларда — борлиқ моҳиятидан иборат бўлган қисмга (субстанцияга) ва моҳиятнинг ташқи, тасодифий намоён бўлишидан иборат ўткинчи — арад (акциденция) қисмига бўлинади.
ал-Арш — мусулмон илоҳиёти космологиясида Аллоҳ борлиқни кузатиб назорат қилиб, ажрим бериб туради, тахт — курсининг иоми. Эмишки тақдири азал китоби ана шу курси остида сақланади.
Буқрот — қадимнинг энг машҳур табиби Гиппократ номининг арабча айтилиши.
Жавҳар — туб моҳият ёки субстанция.
Жолинус — қадимнинг энг машҳур табиатшуноси ва тиб олими номининг арабча айтилиши.
Зиндикже — Марказий Осиё ва Эрон халқларида исломдан олдин амалда бўлган диний эътиқод зароастризмда пайдо бўлган диний хурфикрлилик вакилларининг мўминию мусулмончилик даврида «кофир» маъносида қўлланилган.
Зарвонизм — қадимги марказий Осиё ва Эрон халқларида исломдан олдин амалда бўлган зароастризм қобиғида шаклланган стихияли материалистик ва атомистик таълимот. «Зарвон»ни мутлақ борлиқ, «замон» маъносида тушунишдан келиб чиққан, уларнинг вакиллари «дахрийлар» деб аталганлар.
Иклидус — Қадимги юнон олими, геометрия (муҳандиси), Эвклид номининг арабча айтилиши.
«Ихвон-ус-Сафо» — X—XI асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида шаклланган яширин илмий-фалсафий ва ижтимоий маърифат тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб олган ташкилот, биродарлик жамияти.
Манихейчилик — эрамизнинг 276-йилида Истахр шаҳрида осиб ўлдирилган диний тарғиботчи, пайғамбар Моний таълимотига эргашган ҳаракат номи.
Маҳдий — Шиалар, исмонлийларда қиёмат куни оламга қайтадан келиб, адолат ва абадий фаровғат барқарор қиладиган яширин Имом.
Мулҳид — мусулмонларда бидъатчи, ҳурфикрли ва кофирларга қўйилган энг оғир лақаб, айбга сазовор бўлганлар, масалан, ар-Розий, Ибн ар-Равван-

дийлар мулҳид деб лақабланганлар. Айнан маъноси — диннинг сирини фош этувчи».

Ритл — суюқликлар оғирлигини ўлчашда ишлатиладиган ўлчов бирлиги. 340 граммга тенг.

Уқия — порошок-кукун тарзидаги дориларни ўлчашда ишлатиладиган ўлчов бирлиги. — 29, 75 граммга тенг.

Шиёф — кўз, бурун, ичак ва бачадон касалликларини даволашда қўлланиладиган дори номи. Ҳўл ва қуруқ тарзда давода қўлланилади.

Қортик солиш — тилиб ёки банка қўйиб қон олишдан иборат даволаш усули.

Ғараб — кўз ёшини бурун пайчасига тушиradиган жойда яллиғланиш натижасида пайдо бўладиган оқма яра номи.

Хаюла — қадимги Шарқ фалсафасида дунёнинг бирламчи асоси, субстанцияси, яъни бирламчи ибтидо-материя Хаюла деб аталган.

Абу Наср Форобий

(873—930)

Форобий — Ўрта аср Шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юнон илми ва фалсафасининг Шарқдаги энг йирик тарғиботчиси ва унинг ривожига ҳисса қўшган олим. У Сирдарё бўйидаги Ўтрар (Фороб) шаҳрида туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, сўнг Араб халифалигининг маркази Бағдод шаҳрига бориб узоқ йил истиқомат қилди, юнон файласуфларининг асарларини мутолаа қилиш, турли тилларни ўрганиш билан шуғулланди. Ўз даврининг машҳур олиму-фозиллари билан мулоқотда бўлди, умрининг сўнгги йиллари Дамашқда ўтди.

Форобий ўз даврининг қатор илмларини чуқур ўрганиб, турли соҳаларга оид илмий асарлар ёзиб қолдирди. У ўз даврининг биринчи файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олими бўлиб ном қозонди. У «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди.

Форобий биринчилардан бўлиб ўз даври илмлар классификациясини яратган ва унга бағишлаб қатор рисолалар ёзди. У ўз даврида мусиқа масалаларига бағишлаб катта асар ёзиб, мусиқа назариясининг тафсилини берди ва Шарқда кенг тарқалган най, ноғора, чанг, рубоб, қатор мусиқа асбоблари таърифини ёзиб қолдирди. Унинг бу асари Шарқ мусиқашунослиги тарихида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. У ўз даврининг қомусий олими бўлиб, риёзиёт, тиббиёт, араб грамматикаси, алхимия, фалаккиёт, мантиққа оид асарлар муаллифидир.

Лекин Форобий аввалambор машҳур файласуф — фалсафанинг энг муҳим масалалари бўйича қатор асарларнинг муаллифи сифатида шуҳрат қозонди.

У Шарқда қадим юнон фалсафаси, айниқса, қадимги дунёнинг қомусий олими Аристотелнинг асарларини ўрганиш, уларга шарҳлар ёзиш, ғояларини тарғиб этиш ва янада ривожлантиришга ул-

кан ҳисса қўшди. Аристотель «биринчи муаллим» деб ном олган бўлса, бутун Шарқда Форобий «иккинчи муаллим» унвонига сазовор бўлди.

У Аристотелнинг барча фалсафий асарларига яна қадимги юнон олимлари Платон, Гален, Евклид, Парфарий, Сократ кабиларнинг рисолаларига шарҳлар яратди.

Форобий ўз даврида ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича биринчи бўлиб йирик асарлар яратган мутафаккирдир. У ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари, айниқса, давлат тузилиши ва уни бошқариш, турли ижтимоий низоларнинг олдини олиш каби ҳамда камолотга эришган ижтимоий жамоани яратиш каби ижтимоий масалаларни олға сурди. Етук жамоани вужудга келтириш комил инсонни яратиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини биринчи бор Ўрта аср шароитида Форобий олға сурди. Унинг «Идеал шаҳар аҳолиларининг райлари», «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» каби машҳур асарлари шу масалаларга бағишлангандир.

У оламнинг турли-туманлиги, табиатнинг ниҳоятда бойлигини эътироф этиб, улар асосида 4 элемент: ер, сув, олов, ҳаво мавжудлигини таъкидлайди, шу билан бирга оламнинг ибтидоси, бошланиши бошланғич яратгувчи кучдан нурланиш ёрдамида поғонама-поғона вужудга келганлигини таъкидлайди.

Унинг дунёқараши шунинг учун пантеистик мазмун касб этади. Форобий фикрича, мавжудотнинг энг буюк ва етук маҳсули, бу инсондир, у ўзининг онги, ақли, сезиш органлари орқали оламни ҳар томонлама ўрганиш қобилиятига эгадир. Ақл ёрдамида инсон уни ўраб олган мавжудотнинг моҳиятини тушунади.

Айниқса, унинг ижтимоий-сиёсий таълимотлари ўз даври учун ниҳоятда илғор аҳамиятга эга бўлиб, у инсонпарварлик ғоялар билан суғорилгандир. Ижтимоий ҳаёт асосида инсон, унинг фаолияти, такомилликка интилиши ётади. Инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкин. Форобий шу етук жамоага эришувнинг йўл-йўриқларини қидиради. Комил инсонни яратиш, уни бахт-саодатга элтиш ҳар қандай давлат бошлиғининг вазифаси бўлмоғи даркор. Олдига қўйган мақсадига қараб, жамоалар бир-биридан тафовут этади.

Форобий инсонпарварлиги, унинг таълим-тарбия, инсон шахсиятини камол топтиришнинг йўл-йўриқлари, илм-маърифатга эришувнинг усуллари ҳақидаги фикрлари ижтимоий муаммоларни ечиш масалалари билан уйғунлашган. Бу қатор муаммоларни Форобий инсон, инсонийлик, етук инсоний хислатларни яратиш нуқтаи назаридан ҳал этишга интилади. Форобийни ўрта асрдаги Яқин ва Ўрта Шарқда илғор педагогик таълимотларнинг асосчиларидан, деб айтсак мутлақо хато бўлмайди. Чунки у ўз асарларида, дидактика, таълим-тарбиянинг психологик асослари, этика, нафосатнинг муҳим назарий масалаларини ўз фалсафасининг ажралмас қисмлари сифатида таҳлил этади.

Форобий фалсафани назарий ва амалий қисмларга ажратади. Назарий фалсафада мавжудот, унинг яшаш шакллари, оламни би-

лишнинг йўл ва воситалари, унда илм-фаннинг ўрни ва роли каби қатор масалалар ёритилса, амалий фалсафа инсонни камолотга етказиш, таълим-тарбия, ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳал этиш каби кундалик масалалар билан машғул бўлади.

Демак, Форобий педагогика масалаларини ва улар билан узвий боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни фалсафанинг муҳим қисми сифатида талқин этади ҳамда инсонни ҳар томонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат деб ўрганиш тарафдори эканлигини намоён этади.

Форобий мавжудотни билишда илм-фаннинг ролини ҳал этувчи омил деб билади, ташқи оламни ўрганиш, табиат сирларини билишда табиатшуносликнинг ролини алоҳида қайд қилади.

Унингча, инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳи, интеллектуал ва ахлоқий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти бошқа ташқи муҳит, бошқа инсонлар ва шу кабилар билан мулоқотда вужудга келади, инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади. Унинг ақли, фикри, руҳий юксалишининг энг етук маҳсули бўлади. Инсон ўз билимларини, ақлини ривожлантириб, сўнгида мавжудотнинг ибтидоси, бошланиши ҳақидаги илмга бориб етади.

Инсоннинг ахлоқий хислатларини шакллантириш асосан тарбия ва тарбиячининг, билимдон муаллимнинг вазифасидир.

Форобий таъкидлашича, тарбиялаш икки хил услуб ёрдамида олиб борилиши мумкин: ихтиёрий ва мажбурий. Агар тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни, билимли бўлиши ҳамда тўғрилик, ҳақиқатни севиш, жасурлик, дўстларга садоқат каби фазилатларни эгаллашга интилмаса, уни тарбиячи, муаллим бундай фазилатларга ўргатиши керак бўлади. Бундай юқори фазилатларга эга бўлиш инсон учун етук бахтга, саодатга элтувчи жамоани яратишнинг муҳим шартидир.

Бунда ҳаммани бахт-саодатли жамоанинг аъзоси қилиб етиштириш оарчани етук фазилатларни эгаллашга рағбатлантириш соҳасида изчил иш олиб боришни талаб этади. Комил инсон ва бахт-саодатга асосланган жамоа бир масаланинг икки томони, яхлит масаладир. Бахт-саодатга элтувчи етук жамоа раҳбари, Форобий таъкидлашича, комил инсон учун зарур бўлган барча фазилатларни ҳамда етук раҳбар учун шарт бўлган хислатларни эгаллаган бўлиши керак. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришишда турли тўсиқлар вужудга келади.

Лекин бир кишида етук, доно, оқил, адолатли раҳбар бўлиш учун барча зарурий хислатлар бўлмаслиги, етишмаслиги мумкин. Бундай ҳолда бу хислатларни ўзида ифодаловчи бошлиқлар бирлашиб жамоага раҳбарлик қилиши мумкин. Гап бошлиқларнинг сонида эмас, раҳбарликнинг зарурий хислатларини яхлит ифодалашдадир.

Раҳбар ёки раҳбарлар ўз фуқароларига ҳамма жиҳатдан ўрнак ва тарбиячи бўлиши зарур.

Форобий илғор педагогик қарашлари илк ўрта аср маданияти-

нинг юксалган давридаги бу соҳадаги юқори ғояларни ўзида мужассам қила олади. У ўз даврининг тарбия масалаларини ифодалай олди.

Форобий фалсафаси, жумладан, унинг педагогик ғоялари, хусусан ижтимоий педагогикаси Шарқ ва Ғарбнинг сўнгги мутафаккир олимларига — Ибн Сино, Беруний, Мискавейх, ибн Рушд, ибн Холдун, Роджер Бэкон, Давид, Дидакта, Спиноза кабиларга катта таъсир кўрсатади.

ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

«ФАЛСАФАНИ УРГАНИШДАН ОЛДИН НИМАНИ БИЛИШ КЕРАКЛИГИ ТУҒРИСИДА» АСАРИДАН

Фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни хирс-ҳаваслардан шундай тозалашингиз лозимки, сизда маишат ва шаҳвоният каби нотўғри туйғуларга эмас, балки камолотга бўлган хирс-ҳавас қолсин.

Бунга хулқ-ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда (амалда) тозалаш орқали эришиш мумкин. Шундан сўнг хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тушуниб олишга бошловчи нотиқ (сўзловчи, фикрлаш маъносида) нафсни (жонини, руҳини) тозалаши зарур. Бу эса исботлаш тўғрисидаги илм билан шуғулланиш натижасида қўлга киритилади.

Исботлаш икки турли бўлади: ҳандасовий ва мантиқий исботлаш.

Шундай қилиб (фалсафани ўрганиш) ҳандаса исботларини татбиқ этиш зарур бўлган даражада ҳандаса илмидан бошлаш лозим ва шундан сўнг мантиқ илми билан шуғулланиш зарур.

Фалсафани ўрганишни истаган одамнинг қайси йўлга амал қилиши масаласига келсак, бу юқорида айтилганларга интилиш ва олий мақсадга эришишдир. Айтилганларга интилиш илм туфайли амалга оширилади ва илмдан олий мақсадга эришиш фақат табиатларни ўрганиш орқали қўлга киритилади, чунки табиатларни тушунишимиз осондир. Шундан сўнг ҳандасани ўрганиш керак.

Амалда мақсадга эришишга келганимизда, буни, аввало, одам ўз нафсини (руҳини) тозалаш ва сўнг бошқаларнинг, бошқа аҳоли ва уйдагиларнинг (нафсини) тозалаш орқали қўлга киритилади.

«МАНТИҚ ТУҒРИСИДАГИ РИСОЛАГА МУҚАДДИМА» АСАРИДАН

Бизнинг мақсадимиз мантиқ санъатини текшириб кўрмоқликдир. Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотиқликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор-бир хулоса қилинадиган бўлса, хатоларнинг олдини олувчи нарсаларни ўз ичига олади. Унинг ақлга нисбатан муносабати грамматика санъатининг тилга нисбатан муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби, у шунинг учун ҳам вужудга келгандир, мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши

мумкин бўлган жойда тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради. Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунчаларга бўлган муносабати кабидир. Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда тилнинг ўлчови бўлганидек, мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунчаларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда ақл ўлчовидир.

«ЛОГИКАГА КИРИШ» АСАРИДАН

Баъзи нарсалар борки, улар ҳеч қандай далил-исботсиз фикр, мулоҳаза ва муҳокамасиз, хулоса чиқармасдан туриб ўз-ўзидан маълумдир. Баъзи нарсалар борки, улар фикрлаш, муҳокама юритиш, хулоса чиқариш ҳамда дедукция йўли билан маълум бўлади.

Ҳеч қандай далил-исботсиз, фикр қилмасдан туриб билинадиган нарсалар тўрт қисмга бўлинади. 1. Мақбулот (яъни, мақбул бўлган фикрлар). 2. Машҳурот (яъни, машҳур бўлган). 3. Маҳсулот (яъни, сезиш ва идрок натижасида маълум бўлган). 4. Бошланғич маъқулот (яъни, билим — тушунчалар — М. Ҳ.).

Мақбулот деб шундай нарсага айтамизки, у ёлғиз бир (ҳурматли ва обрўли) кишининг розилиги ёки маъқуллаши билан қабул қилинади;

Машҳурот эса, барча одамларга ёки уларнинг кўпчилик қисмига ёки улардан энг билимдонларига ёки шундай кишиларнинг кўпчилигига маълум ва машҳур бўлган фикр — раъй асосида (гарчанд бу масалада бошқалар хилофлик кўрсатмасалар ҳам) қабул қилинади.

Маълум бир илм, касб-ҳунар эгалари ёки уларнинг энг билимдонлари учун машҳур бўлган, масалан, табиблар ва уларнинг энг билимдон арбоблари учун машҳур бўлган фикр-мулоҳаза, иш ва одоб шулар жумласига киради.

Маҳсулот эса беш турли сезги қувватлари (яъни, кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм-маза билиш ва тери сезиши) билан билинадиган ва фаҳмланадиган нарсалар. Масалан: Зайд ўтирибди, мана бу вақт кундуздир — булар бевосита кўриш натижасида вужудга келувчи фикрларга мисолдир.

Бошланғич маъқулот (яъни, билим-тушунчалар) шундай нарсаки, биз уни танишга ўзимизни гўё бошданоқ ва туғма ҳолда яратилгандек сезамиз ва унга тўла қаноат ва ишонишга ва дунёда ундан бошқа тўғри ва чин билимнинг бўлиши мумкин эмаслигини гўё бошданоқ билгандек бўламиз (гарчанд бундай туғмадек бўлиб кўринган билимларнинг бизда қандай қилиб ва қаердан ҳосил бўлганини ўзимиз билмасак ҳам, шунга ишонамиз). Масалан, ҳар қандай уч сонининг тоқ ва тўрт сонининг жуфт бўлиши. Шунингдек, бир нарсага бўлак ёки қисм бўлган нарса, албатта, ўша нарсанинг ўзидан кичикроқдир. Ҳар бир бутун ўз қисмидан каттадир. Шунингдек, учинчи бир ўлчовга тенг бўлган икки ўлчов бир-бирларига ҳам тенгдир ва шунга ўхшаш ҳоллар бошланғич билимларга мисол бўлади.

Яна биз ақл нафснинг (яъни, жон — руҳнинг М. Ҳ.) ҳолатидан, яъни жисмсиз жинсларнинг ҳам бошланғичи бор эканлигидан хабардор бўламиз. Чунки, ақл ва нафс ўзининг чексиз камолоти билан борлиқда инсон бўлиб гавдаланади. Аммо бу бошланғичлар одамзоднинг шу табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб инсонга айланиши учун кифоя қилмайди, чунки инсон инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлашиш ва касб-ҳунарга муҳтождир.

Баъзан шундай бўладики, табиатдаги кўпчилик нарсалар ҳам одамга, одамзоднинг тузилишига яқин (ҳамжинс) бўлиб туюлади. Бу масалада киши чуқур тушуниши, шу нарсаларнинг одамзодга қайси жиҳатдан ҳамжинс эканлигини тўла ва яхшилаб тушуниб олиши керак. Бундан эса кишида шу нарсаларни ақлий равишда билиш мақсади — муддаоси ҳосил бўлади. Бу билан эса табиат фанларида ўзлаштириб олган билимимизнинг камолига етамиз.

Лекин шунинг билан бирга айтиб ўтиш керакки, сўзлаш бошланғичи инсоннинг камолотга эришувига ягона сабаблардан бири эмаслиги ҳам очиқ-ойдин аёндир. Мана шу ақлий билиш табиий мавжудотдаги яна жуда кўп нарсаларга ва кишининг ўзига ҳам (кишининг ўзига табиат томонидан бағишланган табиий бошланғичдан бошқа) бошланғичдир. Шунингдек, инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, у шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади. Лекин бу эришиш қуруқ интилишгина бўлиб қолмасдан, балки табиий мавжудотдаги жуда кўп нарсалардан фойдаланиш йўли билан ёки шу табиатдан ташқарида бўлган жуда кўп ишларни амалга ошириш йўли билан қўлга киритилади.

Мана шу ўзимизга манфаатли бўлган табиий йўллар орқали олий камолотга эришув йўлига етиб оламиз, шунинг билан бирга, бизга ҳар бир инсоннинг шу камолотга ўз ҳиссасига яраша эриша олиши ҳам очиқ-ойдин маълум бўлади. Чунки кишининг камолотга эришиш ҳиссаси оз ёки кўп, яъни турлича бўлади. Чунки камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хосияти бор, одамзод жинсида бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир.

Шунингдек, ҳайвонларнинг туғма табиатида ҳам ўз жинсдошлари билан бирга ин қўйиш, биргалашиб юриш, бир жойда йиғилиб ётиш хусусияти бор. Ҳайвон икки турли бўлиб, икки хил ном билан юритилади: бири ҳайвоний, иккинчиси маданий ҳайвон ёки инсондир, мана бундан янги бир илм, янги бир назария келиб чиқади.

Энди инсоннинг касб-ҳунар ва санъатидаги фазилатига келсак,

бу фазилат туғма эмасдир, акс ҳолда унинг фикрий фазилатида мутлақо куч ва улуғлик бўлмас эди. Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Назарий ва буюк фикрий фазилат, улуғ туғма фазилат ва улуғ касб (касб-ҳунар) фазилати, одат-малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одатга айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чексиз ва жуда кучли табиат ва ирода эгаларидир.

Агар инсонда мана шундай гўзал хусусиятлар ёки фазилатлар бирлашса, уйғунлашса, шундан сўнг у ўзидагидек гўзал фазилат ва иродани халқлар ва шаҳар аҳлларида ҳосил қилиш йўлини ўрганиши керак. Лекин халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русум, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади.

Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўзлар халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим фақат сўз ва ўрганиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир. Агар улар шу касб-ҳунарга берилган бўлсалар, касб-ҳунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар.

Мақсадни амалга оширишда қасд ва ғайрат қилиш мўлжалланган ишни бажаришда катта таъсирга эгадир.

Назарий билимларни ё устозлар ёки ҳукуматлар ўргатадилар. Назарий билимларни билиш, аввало, назарий билимлар жинсидан бўлган ёлғиз бир жинс ҳақидаги аввалги муқаддима ва аввалги маълумотни билиш ва таниш, иккинчиси эса, юқорида айтиб ўтилган ҳоллар ва категориялар (яъни, мавжудот турлари ва фазилатлар)ни тартибли равишда билиб боришдан иборатдир.

Ёшлар юқорида айтиб ўтилган нарсалар: касб-ҳунар, иш-тажриба, қасд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллашда юқорилай борадилар ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантиқий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар то камолга етгунча, ҳамма шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилинади.

Шундан кейин шу фазилатлардан бирини жузъий раисликка айлантирадилар ва бола етти ёшдан ўн саккиз ёшга етгунча, бу фазилат жузъий раислик мартабасидан аста-секин юқорилаштира борилиб, сўнгра бу фазилатни олий мартабали раис (яъни, энг устун фазилат) ҳолига кўтарадилар.

Бу тарбиялаш ва фазилатларни аниқлаш усули шундай кишиларнинг усуллари ёки йўлларики, улар назарий билимларни қаноатланарли равишда билишлари керак ва усуллар ўзларига хосдир. Фақат жуда кўп маълумотларга эга бўлгандагина назарий билимларни қаноатланарли равишда қўлга киритиш мумкин бўлади. Бу эса, етиб борган бошланғич ва жисмсиз бошланғични билишдир. Бас, шундай экан, улар умумий предметларни, категорияларни мисоллари билан ва вужудлари билан қаноатланарли равишда фаҳмлашлари керак.

Бундан ташқари, назарий билимни биргина халқнинг ўзи эгаллаши мумкинми ёки ҳамма миллатлар ва ҳамма шаҳар халқлари эгаллашлари мумкинми, шу назарий билимни барча халқларга умумий қилишнинг йўллари қандай ва бу билимнинг ҳар бир халқ томонидан эгаллаш йўллари қайси тартибда — буларнинг ҳаммасини билиш керак. Бу назарий билимларни бир миллатдан иккинчи бир миллатга тарқатиш, бир шаҳар халқидан иккинчи бир шаҳар халқига ёки шаҳар халқининг бир қисмидан бошқа қисмига ёйиш — халқларда назарий фазилатни ҳосил қилиш усулидир.

* * *

Одамларга тарбия бериш усули икки турли бўлади. Аввалги усул (илҳомлантирувчи М. Ҳ) — санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатиладиган усул. Иккинчи усул (мажбур этиш — М. Ҳ.) эса, мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатадиган усул. Манзил эгаси ёки шогирдлар устида турган ўқитувчининг тутган усули бунга мисолдир. Масалан, ҳукумат (ёки давлат) мазкур мамлакатда яшовчиларнинг муаллими-тарбиячиси бўлганидек, шоҳлар ҳам фуқаронинг муаллими ва тарбиячиси бўладилар. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у (болаларга) тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади. Мана шундан маълум бўладики, ҳукумат (давлат) ва муаллим ҳар иккови ўз йўлида, болалар ёки халққа тарбия берувчи устод ва муаллимлардир. Улардан бири болаларга меҳрибонлик ва яхши сўзлар билан тарбия берса, иккинчиси мажбурий равишда тарбиялайди.

Ҳукуматлар (ёки давлатлар)нинг тарбия усуллари ҳам худди шундай: ҳукумат (ёки давлат)нинг тарбияси хоҳ мажбурий (усул билан) бўлсин, хоҳ яхши гап-муомала ва меҳрибонлик билан бўлсин, маълум меҳнат, касб-ҳунар билан шуғулланувчи аҳолига озми-кўпми тарбия беришдир. Улар (яъни ҳукумат ёки давлатлар) таълим ва тарбия беришда худди оила бошлиғи, болалар тарбиячиси ва муаллимдек бўладилар, шаҳар халқи ва бошқа саҳройи халқларни тарбиялашда уларни касб-ҳунарга ўргатиш йўлида ишлатиладиган йўл-йўриқ турлича бўлади, яъни кишиларнинг раҳбарларига қараб мажбур қилиш йўли билан (куч ишлатиб) тарбиялайдилар. Бундай (мажбур эттирувчи) куч эса, айниқса жузъий касб-ҳунарларда ишлатилади. Масалан, бу куч ҳарбий асбоб-ускуналардан фойдаланишда, аскарларни урушга йўллашда, мудофаа ишларида кўриладиган энг нозик тадбирларни қўллашда ишлати-

лади. Чунки шаҳар халқлари ва саҳройи халқлар одамзодни чинакам инсонлик даражасига кўтарадиган, уни чинакам бахт-саодатга эриштирадиган касб-ҳунарларни эгаллашга ўз ихтиёрлари билан берилмайдилар.

* * *

Зийраклик — бу инсондаги тез фикрлилик, ўйлаган нарсасини дарров топа олиши қобилиятидир.

* * *

Инсон ўз мулоҳазаси, зийраклигини ҳамиша ошириб бориши керак, агар ақл ёмонликка қаратилса, бу хислатлар разиллик, маккорлик, алдамчиликка олиб боради.

Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди. Чунки улар инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топадилар, яъни инсонларга фойдали, зарур бўлган нарсаларни ўйлаб топадилар. Э худо, демак шундай экан, уларни ер юзидаги энг яхши кишилар десак бўлмайдими, агар шунга муносиб бўлмас экан, улар номигагина донодирлар.

«АҚЛ ТЎҒРИСИДАГИ» РИСОЛАДАН

Ақлли деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокига яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир муҳокамали, яхши, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга: ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Шундай кишиларни «оқил» дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топишда зеҳн-идрокка эга бўлганларни «ақлли» деб бўлмайди, уларни «айёр», «алдоқчи» деган номлар билан атамоқ лозим.

* * *

«Ўзида ўн икки туғма хислатни» бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади:

(биринчидан), бундай одамнинг барча органлари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;

(иккинчидан), барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда лайқай оладиган бўлсин;

(учинчидан), хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган,

сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

(тўртинчидан), зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришлигини тезда билиб олсин;

(бешинчидан), сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин;

(олтинчидан), билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;

(еттинчидан), овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандликдан жирканадиган бўлсин;

(саккизинчидан), ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

(тўққизинчидан), руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга интиладиган бўлсин;

(ўнинчидан) дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;

(ўн биринчидан), ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларини барчага тақдим этган ҳолда, одамларни адолатга тарғиб этадиган ҳолда, адолатсизлик натижаларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин;

(ўн иккинчидан), адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида, адолатсизлик, пасткашлик олдида қатъий сўзлик бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин.

Таълим-тарбия аҳллари ҳам ўз билимларининг даражасига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар, ортиқ-кам бўладилар. Уларнинг баъзи бирларида кашф, ихтиро қуввати бўлмайди, баъзиларида эса бу қувват камроқ бўлади.

Абу Бакр Муҳаммад Ибн Ал-Аббос Ал-Хоразмий

(935—993)

Буюк қомусий олим Ал-Хоразмийнинг фан ва маданият соҳасидаги ишлари бутун Хоразм илм аҳлига битмас-туганмас илҳом, куч-қудрат бағишлади. X аср бошларига келиб Хоразм маданияти гуркираб яшнай бошлади. Худди шундай тарихий даврда Абу Бакр ал-Хоразмий Хоразмда таваллуд топди.

Олим И. Абдуллаев «Абу Бакр ал-Хоразмий» («Ўзбек тили ва адабиёти» ойномаси, 1971 йил, 6-сон) сарлавҳали мақоласида Абу Мансур Абдумалик ас-Саолибий «Йатимат аддаҳи фи маосин аҳл-ал-асар» («Асар аҳлининг фазилатлари ҳақида замонасининг дурдонаси») номли тазкирасининг бир бобини Хоразм шоирларига бағишлаганини қайд этади. Унда Абу Бакр ал-Хоразмий замонасининг энг доноси, наср ва назмнинг туғи, фазл ва идрок олими экани, мушоҳадасининг ёқимлилиги, ибораларининг малиҳлиги, саҳоватининг юксаклиги, меҳрибонлиги, нотиқлиги хусусида хабар берилади.

У Бухоро, Шом, Ироқ, Нишопур, Исфаҳон, Шероз сингари юртларда илми фозиллардан илм сирларини ўрганади. Кейин у мударрислик қилиш билан бирга шеърлар машқ қилади. Хуллас, у ўз замонида истеъдодли шоир, олим сифатида кенг танилган. Абу Бакр ал-Хоразмий 993 йилда Нишопурда бандаликни топширган.

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АЛ-АББОС АЛ-ХОРАЗМИЙ УГИТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ҳурмат эҳсон билан баробардир, сотиладиган мол нархининг қарама-қаршисидир.

Унутилган жойда эсга тушириш (бўлади), эрк берилган жойда қозига рўпара бўлинади.

Нафс ўз тузилишига мойилдир, қуш ўз зотига тортади.

Ҳаёт ҳодисотлари эрлар кўзгусидир, хулқ-атвор эса улардаги нуқсон ва камолот меъёрндир.

Дўстлашиш мурожаат эмас, хушмуомалаликдир, хушмуомалалик эса чуқур текшириш ва ўрганишни узоққа чўзмайди ҳам, ҳисоб ва сарфни кўтармайди ҳам.

Қарамли киши таҳқирланса ҳам азиздир.

Истеъфо бериш хатоликка йўл қўйишдир, бу гўё гўзаллик бахтсизликка олиб келгани кабидир.

Хира кўзнинг гуноҳи зулматни севиш ва ёруғликни ёмон кўришдан (иборат).

Қасалнинг оғзи овқатнинг тушишини қийинлаштиради ва сувнинг таъмидан роҳатланади.

Қарамли (киши) агар ёмонлик қилса, хатоликдан (бўлади), агар яхшилик қилса, ўйлаб ва ният билан (қилган бўлади).

Олижаноб (киши) агар жароҳатланса, (уни) боғлаб қўяди, йиртса — ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, ҳар томондан фойда келтиради.

Олижаноб (киши) зафарининг каромати (шундаки), агар қўлга киритса, (бошқаларга) беради, пасткаш зафарининг қабиҳлиги шундаки, қўлга киритса, яна (кўпроқ) киритишни истайди.

Дангасанинг ҳожатида унга ҳамроҳ бўлма, қанча содиқ кишилар бошқанинг фасоди билан бузилиб кетадилар.

Ёмоннинг марази бардошликка тез (ёпишади), кўмир чўғи кулга қўшилгач ўчишини (унутма).

Қалбаки мақташ ҳақоратдир.

Сабабсиз узр гуноҳдир, ишонч йўқолиши билан қилинган такаллуф ҳақоратдир.

Ғазаб ҳурматни унутади, яхшиликларни кўмиб юборади ва гуноҳсизлар учун жиноятлар вужудга келтиради.

Эҳтиётсиз (қилинган) дори-дармон касалликдир, унга ҳожат тушгандагина шифо бўлади.

Коса ва чўнтакнинг иккаласини (баробар) тўлдиришга ҳукм қилинмаган, косани тўлдириш учун чўнтакни бўшатиш керак.

Қарамли киши таҳқирланса ҳам азиздир. Қарамли киши гўзаллик билан савдо қилади, мол билан савдо қилмайди.

Ростгўй тил ёлғон сўзласа, тутилиб қолади. Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир.

Ота-оналар икки хил: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси; **биринчиси жисмоний ҳаёт** сабабли, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли.

Душманларга матонатни зоҳир қилиш сенга (лозим), ўзингдаги сустликни ҳеч зоҳир этмагин, (у вақтда) сен таҳқирланиб қоласан.

Райҳонни кўрганмисан? Кўкариб турганда уни ҳидлашади, қачон туси ўзгарса, таҳоратхонага ташлаб юборишади.

Китобга рашк (қилиш) карамли ишлардан, балки у оилага рашк қилишнинг ҳамшираси.

Илм аҳли бўлмаганнинг илмга бахиллиги аслига қараганда ҳукмдир, фазли билан эса маърифатдир.

Агар эр кишини хавотирлик ипи кишанлаб қўйган бўлса, орзу-умид улови томон қўзғололмайди.

Далил кўрсатишдан мағлуб бўлган (киши) ҳамма нарсани айтиб беради, ғарқ бўлаётган эса ҳар бир ипга осилишга уринади.

Ақлли киши икки ёмон ишдан яхшисини танлаб олади ва икки-кита ишончли кишининг энг адолатлисига ён босади.

Саҳоватли (киши) буғдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қилади.

Карамли (киши) гўзаллик билан савдо қилади, мол билан савдо қилмайди.

Олижаноб (одам)нинг ҳиммати унинг камбағалликдан ҳимоя қилувчиси ва қисматига қарши қуролдир. Иқрор бўлган кишига (қилинган) авф қаттиқ туриб талаб қилган кишига (қилинган) авфдан тезроқдир. Саҳоватли кишининг оти ўз аслига (қараб) чопади, (дарахт) шохи эса илдизига (бориб) тақалади.

Инсоннинг келиб чиқиши тақозо қилган нарсага қандай қилиб у қаршилик қила олади, тупроғи ёмон бўлгандан кейин (қандай қилиб) ҳосил яхши бўла олади?

Қалбаки мақташ ҳақоратлашдир, пойдеворсиз қурилган бино қулайди.

Дахр қарздор, эҳтимол у ваъдасига вафо қилар, замона ҳомиладор, эҳтимол у эгизак туғар.

Инсон эҳсони билан, эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб бериши билан.

Дунё — совчиси кўп келин, подшоҳлик—харидорга сероб бир мол.

Кишиларга маълум бўлмаса ҳам, ҳақиқат ҳақиқатдир, кўр кўрмаса ҳам, кундузи кундузидир.

Танбеҳ эркакларнинг холос бўлишидир, мусибат эса аҳволнинг сайқалидир. Шижоат ҳатто унга қарши киши учун ҳам севимлидир, қўрқоқликнинг у билан муносабатда бўлган кишига жирканчли (бўлиши) ҳам худди шундай, сахийликнинг ҳатто ўз душмани қалбига ёқимли (бўлиши), бахилликнинг эса ҳатто унга меросхўр ва унга дўст киши учун оғир (бўлиши) ҳам худди шундай.

Дахр секин ҳаракат қилади, эҳтимол шошилиши ва иқболга нима хоҳласа, шуни қилиши мумкин.

Саҳоватни кўп тақдирлаган киши карамлидир, динорни кам йиққан киши буюкдир.

Итоатсиз бола туфайли (чеккан) мусибат (катта) дақшатдир, унинг (ўлими туфайли одамлар) таъзияси эса табриклашдир.

Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир.

Давр хоинлик қилгандан кейин вафо қилади, синдиргандан кейин тузатади, гуноҳдан кейин тавба қилади, ҳақорат қилгандан кейин тақдирлайди.

Мақсадга ортиқча интилиш ундан кейин қолишдир, етарликдан зиёдаси унинг кам (бўлишидир).

Қариндош қариндошнинг биродари, адиб адибнинг бир дарахт илдизидан кўкарган шохи.

Шуҳратли кишилар орасидаги шон-шараф, насаб, қариндошлик бурч ва ҳурматдир, карамли карамликнинг биродари, улуғ улуғликнинг биродари, ҳатто уларнинг шаҳарлари бошқа-бошқа ва ёшлари турлича бўлса ҳам.

Қилич аъзонинг қувватига қараб санчилади, от эса минган кишининг ҳолига қараб чопади.

Раҳбарлик (қилиш) тобеларнинг кўплигига боғлиқ, тобеларнинг кўп (бўлиши) хайру саховатнинг кўп бўлишига боғлиқ.

Қаерда рағбатлантириш бўлса, умид шу томонга йўл олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қўнади.

Агар ҳокимиятда адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади.

Бозорни касоднинг олди-соттиси ҳисоблашдир, боғлаб қўйилганнинг ечилиши садоқатдир, адашганнинг тўғри йўли ибодатдир. Айбсиз кишининг ҳақорат қилиниши соғломликдир, гўё соғлом (кишини) даволаш касаллик бўлмагандай.

Чопқир от урилса қоқилади, кескир шамшир зўр-зўракай (урилса), кесмайди, ростгўй тил ёлғон сўзласа, тутилиб қолади.

Чиройли кўз эҳсон (қилинадиган) офатларнинг биридир.

Ташаккур айтганнинг шукрини қабул қилиш унинг (янада) кўпайиши учун қарздир, маддоҳ сўзини тинглаш унинг ҳожатини (чиқариш) гаровидир.

Кўрганнинг тили айтиб берганнинг тилидан нотиқроқдир, воқеанинг гувоҳи бўлиш (биров) сўзининг гувоҳи бўлишдан адолатлироқдир.

Ҳаяжонланган (киши)нинг тили жавраш билан нотиқдир.

Кичикка мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, худди озгина сув энг ширин ва мазали бўлганидай.

Адабнинг меваси катта ақлдир, илмнинг меваси яхши амалдир.

Узоқ хизмат ҳурматни мустаҳкамлайди, ҳурматнинг мустаҳкам бўлиши эса яқинлик ва қариндошликни қаттиқ боғлайди.

Қочаётган аскар томондан жанг қилиниши амри маҳолнинг бир тури ва амал ўқларига ўзни тутишдир.

Эҳсон эшиги унга киришни хоҳлаганлар учун очиқдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун унинг иҳота қилинган жойи бемалолдир.

Қарамли (киши) учун тўсиқ йўқдир, унинг олдидан эшик беркитилмайди ҳам.

Яхши кўрган китобни ўқиш қайғу заҳарига қарши доридир.

Фаровонликка шукр (қилиш) болага сабр (қилиш) дан осонроқдир, саломатликни сақлаш дардни даволашдан енгилроқдир.

Султоннинг оз (нарсаси) ҳам кўпдир, у билан муомала қилиш (учун) эҳтиётқорлик ва тадбир (керак), унинг (айбини) очиш алданиш ва алданишдир.

Бўҳтончидан кўра унга қулоқ солган киши ёмонроқдир, ёмон матодан уни қабул қилган киши ёмонроқдир.

Муҳаббат (сувидаги) хас-хашакларга бардош берилмаса ва унинг лойқа сувларини ичилмаса, унда яхшилик бўлмайди.

Сўзнинг энг яхшиси зиддига қарши чиқилишидан роҳатланиш, ҳазил ва жиддийлигидан хурсанд бўлишдир.

Иқболдан қалинроқ сатри-аврат бўлмайди, ишончдан қулайроқ шофе бўлмайди.

У туфайли йиғлаш мумкин бўлмаган калтак унинг энг оғритадиганидир, боланинг энг кучлиси уни шикоят енгиллаштиролмаганидир.

Худо қудуққа уни қазигандан бошқанинг йиқилишини ва ёмон макрга макр қилгандан бошқанинг йўлиқишини хоҳламайди.

Саҳоват қилган киши чарчамайди, бахиллик қилган эса ҳеч роҳатланмайди.

Муваффақият келтирган меҳнат қандай яхшию, меваси йиғиб олинган шавкат (қандай яхши).

Қора заҳарга чидаб бўлмайди, шеърнинг наърасига тоқат қилиб бўлмайди.

Бурчакларда яширин нарсалар, одамлар орасида эса саралари (бор).

Дўстлик муносабатлари эскирса, яқин қариндошликка айланиб кетади ва иккинчи марта онани эмишгандай бўлиб қолади.

Қаерда отлиқ (пиёда) аскардан йиқилган, қачон одамсиз якка бино тик турган?

Муҳаббат қандай яхши шифодир ва унинг эгасига қалб қандай яхши ёрдамчидир.

Иккита табиб ўртасидаги касал тузаладими, бир ғилофга икки шамшир сиғадими?

Замондан яхшироқ таълим (берувчи) муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим.

Одамлардан шундайи борки, (ҳокимиятни бошқарганда), нафси уни амалдан туширади, одамлардан шундайи (борки), лавозимдан бўшаганда, фазилати уни ўрнига ўтқизади.

Мезбонни хурсанд қилиш ва зарофатли бўлиш учун саҳоватли киши тўқ бўлатуриб, овқат ейди ва ташна бўлмаса ҳам, сув ичади.

Ой нур сочганига, мушк эса ҳид берганига шукр қилади.

Муддат қандай яхши қуролдир, саломатлик қандай яхши ҳимоядир, тақдир қандай ёмон душман, маҳрум бўлиш қандай ёмон шофе, кимсасиз қолиш қандай рафиқ.

Меҳнат бу бир сел, агар сел тўхтаб қолса, сингиб кетади.

Яширин (нарсаларнинг) орқаси беркитилган, туҳфалар ва бахтсизликлар ўчун умрлар ва муддатлар бор.

Устахона (қуриш) йўлида санъатида адашган киши бой бўлмайди, ўз ўрнига деҳқончилик қилмаган экинига қарши (турган) бўлади.

Энг тоза ўсимликдан ҳам карамлироқ уни тарбиялаган кишилар.

Инсондан буюк ов йўқ, тилдан яхшироқ овлайдиган тузоқ йўқ, ваҳший ҳайвонни тузоғи билан инсонни сўзи билан овлайдиган киши ўртасида қандай катта фарқ бор.

Кимки одамлар қалбларини овлайман деса, унга эҳсон ва мурувват донларини сепиши, фазл ва олижаноблик тузоқларини қўйиши керак.

Яширин дардга даво бўлмайди, даво бўлмагач, шифо бўлмайди.

Кимки ўз биродарини фақат кўргандагина эсласа, уни топиши гўё уни йўқотишдир, у билан учрашиши эса, ундан жудо бўлишидир.

Кимки молининг (сифатини) яхшиласа, у билан талаб қилган нарсасини қўлга киритади.

Кечаси юлдузларини йўқотган, оқаётган селни тўхтатган, денгиз сувини қуритган, давр муддатини тутган киши ким?

Кишининг тақдир ўқидан сақланиши, ўз қадр-қиммати учун курашиши қандай яхши ва ризқ учун нарвон (бўлиши), ҳақиқий хизмат йўли билан уни қўлга киритиши қандай яхши.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1976.
2. И. Абдуллаев. Поэзия. На арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-начале XI в. изд-во «Фан», 1984.
3. Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий. «Тотимат ал-Йатимат», Тошкент, «Фан» нашриёти, 1990.
4. И. Абдуллаев. Абу Мансур ас-Саолибий, Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.

Абу Райҳон Беруний

Беруний (973—1048) буюк қомусий олим, файласуф педагог, у улуғ Хоразмда туғилган, ўсган. Ўша даврда Хоразм давлатининг Қора денгиз бўйи, Киев Руси, Шарқий Оврўпа, Волга бўйи давлатлари билан савдо ва сиёсий алоқалари бўлганини ўз тадқиқотларида ўзбек академиги Я. Ғуломов қайд қилганди.

Беруний шундай буюк мамлакатдан оқиб ўтадиган Амударёнинг ўнг қирғоғига жойлашган Қот (Қиёт, Шаббоз, Беруний) номи билан аталган шаҳар яқинида туғилиб ўсди. Шу Ватанда ўқиди ва шу ерда бошланғич билимларини олди.

Беруний ёшлигиданоқ Ватанидаги фанга, илмга бўлган маҳаллий анъанага содиқ бўлиб, табиий ва ижтимоий фанларни ўрганишга киришди. Тилларни ўрганишга катта аҳамият берди. Бу ҳолни Беруний кейинчалик қуйидагича баён қилган эди: «Мен болалик чоғимданоқ (ўз) ёшим ва шароитимга қараб, имкон борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида (қуйидагиларни) келтириш кифоя: биз турадиган жойга (ўшанда) бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим».

Беруний ота-онасидан эрта жудо бўлган. Хоразмшоҳлар оиласига мансуб, ўз даврининг буюк риёзиёт ва фалаккиёт олими Абу Наср ибн Али ибн Ироқ Берунийни ўз тарбиясига олган эди. Ибн Ироқ билимга чанқоқ бу ёш ўспиринга кўпгина фанлардан таълим бериб, камолот сари етаклади.

Беруний шу оиланинг моддий ҳамда маънавий тарбиясида ўсганидан миннатдор бўлиб бундай ёзади:

«Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам,
Ўтди неъмат соясида кўп оним.
Боқди Ироқ оиласи сут билан,
Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним.
Таклиф этди мени тошдил Вашмгир,
Ёқтирмадим, бўлгил, деса, аъёним.
Маъмунларнинг авлодидан ул Али,
Бўлди табиб, дард кўрмади ҳеч жоним.
Сўнгги Маъмун назар солди ҳолимга,
Бошим кўкка етказди ул султоним.
Неъматини Маҳмуд дариғ тутмади,
Кўрмасликка олди доим нуқсоним.
Жаҳолатим авф айлади ҳурматлаб,
Обрў юксак, тўним янги, бут ноним»[1].

Беруний ўз Ватанида камол топган мутаффакирлар Муҳаммад Хоразмий яратган «Ҳинд ҳисоби ҳақида», «Алгебра ва ал-Муқобала», Муҳаммад ал-Фарғонийга мансуб «Астрономия калити», Абу Наср Форобий, Абу Бакр ар-Розий, Али ибн Ироқ, араб файласуфи ал-Киндий, юнон олимлари Фалес, Суқрот, Платон, Аристотель, Гален, Птолемей ва бошқаларнинг асарларини қунт билан ўрганади, уларга шарҳлар ёзади ва ўртанганларини ижодий ривожлантиради.

Беруний, энг аввало, қомусий олим сифатида бутун дунёга машҳурдир. Унинг дастлабки йирик асари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» бўлиб, буни у 27 ёшида ёзган эди. 486 саҳифадан иборат бу асар ўзбекчага 1968 йили таржима қилинган. Олимнинг 364 бет саҳифадан иборат «Турар жойлар орасидаги оралиқни белгилаш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш» («Геодезия») деган йирик китоби машҳур бўлиб кетган. Бу 1966 йили рус тилига таржима қилинди. Унинг 3-катта асари «Ҳиндистон»дир. 4-йирик китоби «Қимматбаҳо тошларни билиш ҳақида тўплам» («Минералогия»), бешинчи китоби «Китоб ас-Сайдона» («Тиббиётда доришунослик») деб юритилади.

6-китоби «Юлдузшуносликда бошланғич маълумотларни англаш» деб аталиб, у ўша давр мактаблари учун дарслик бўлиб, барча асосий фанлардан бошланғич маълумот олиш учун хизмат қилган. Берунийнинг фалаккиёт тарихига оид яна бир йирик асари «Қонуни Масъудий»дир. Бу фалаккиёт дарслигидир.

Беруний тадқиқотлари рўйхатида 152 та китоб бўлиб, улардан бизга ҳозирча 31 таси етиб келган.

Йирик ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлал Неру Беруний асарларини ўқиб шундай ёзган: «Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит (қадимги ҳинд тили — Т. Э.) ўргана бошлади. У ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумий-

[1] Ирисов А. Беруний ҳикматлари. Тошкент, «Ёш гвардия», 1973. (Шеърлар, арабчадан А. Ирисов таржимаси.)

ликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби далилий материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб берди. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўлатуриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилди»[1].

[1]Абу Райҳон Беруний ўз даврининг буюк педагоги эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг муҳими шундаки, ҳали ўша замонда педагогика, илмий ва мустақил фанга айланмаган бир пайтда, Беруний бу фан соҳасида долзарб масалаларни ўртага ташлади.

Хусусан, Хоразмшоҳ Абулаббос Маъмун ибн Маъмун (1009—1017 йил) даврида Гурган шаҳри Марказий Осиёдаги илм-фан ва адабиёт марказларидан бирига айланган бўлиб, у ерда қатор олим ва адиблар яшаб ижод қилган. Уларнинг шу анжумани илмий адабиётга баъзан «Маъмун академияси» деб ҳам юритилади. Ёзма маълумотларга кўра Беруний мазкур анжуманда етакчи-раҳбар ва педагог бўлган.

Беруний раҳбарлик қилган бу илмий даргоҳ қарийб 10 йил фаолият кўрсатган. Ўша давр ичида Беруний фалсафий педагогика мактабини яратган. Унинг педагогик қарашлари ва фаолиятини ўрганишда олимнинг ўзидан илгари ўтган педагогларга нисбатан қандай янги, некбин фикрлар билдирганига ҳамда ижодидаги илгарилаб борадиган педагогик қараш ва фикрлари ривожланишига эътиборни қаратиш жуда муҳимдир.

Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолоти бош масала бўлган.

Буюк педагог олим тарбиянинг мақсади, вазифалари ва роли, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик асосига қурилган.

Билиш ва тарбиянинг табиатга уйғунлик принципларини Берунийнинг ҳамма асарларида кузатиш мумкин. Беруний инсонни табиатнинг бир қисми деб билади. Табиатни ва жамият илмини ўрганишда «ўзим текшириб кўрмагунча ишонмайман» деган шиорга бутун умр амал қилади.

Беруний ўша вақтда кенг тарқалган ўқитишнинг схоластик методларига қарши чиқиб, «ўқувчини ҳамма нарсага ўргатиш» санъатига, табиат кўрсатмаларига асосланишга, боланинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олишга чақирган эди. «Мақсад гапни чўзиш эмас, — дейди Беруний, — балки ўқувчини зериктирмаслик. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Ўқувчи фандан-фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди. Бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва ўқувчи «Ҳар бир янги нарсада ўзига яраша лаззат бор» дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди. Бир хил нарса чарчатади, хотирага малол келтиради», деб ёзган.

Бу ерда энг муҳими, ўқитишни фан билан умумий таништир-

[1] Джаваҳарлал Неру. Открытие Индии. М., 1955, 246—247-бетлар.

ғандан, ўқувчиларнинг уни яхлит идрок қилишларидан бошлаш, кейин эса унинг айрим томонларини ўрганишга ўтиш зарурлигини уқтиради. Аммо фанни ўрганганда «эшитишдан диллар нафратланадиган, қулоқлар тортинадиган ва ақлга сиғмайдиган афсоналар»ни асоссиз эканлигини фақат тажриба, амалиёт туфайлигина узил-кесил ҳал қилиш мумкинлигини маслаҳат беради.

Беруний таълим жараёнининг табиатига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосига қурилган ўқитиш табиатга уйғунлигини уқтиради.

Беруний ўқитиш жараёнида болаларга тушунарли бўлмаган сўзларни қуруқ ёдлашга кўрилган таълимни қаттиқ қоралайди. У ёзади: «Тушуниш ёдлашдан яхшироқ ва афзалдир. Иккинчи бир асарида эса бу талабни чуқурлаштириб, «кузатишнинг кўплиги кўрилган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини яратади».

Берунийнинг педагогик ғояларидан энг муҳими билимни пухта ва мустаҳкам эгаллаш зарурлигидир. Тарбияшунос олим ўқувчига мурожаат қилиб, дейди: «Билиминг шундай бўлиши керакки, у яланғочлигингда ҳам ўзингда қолсин, билимингни ҳаммомдаги ҳўллик ҳам юволмасин».

Билимларнинг ўқувчиларга тушунарли бўлиши таълимда самарадорлик учун Беруний қуйидагиларга амал қилишни тавсия этади:

— сезги органларининг маълумотларига кўра... билишни давом эттириш;

— фанни ўрганаётганда фикрлаш, хотиралаб эсга олиш зарур;

— ўрганилаётган илмларни тўла билиб олиш учун, ўша илмни ташкил этиб турган элементларни пухта ўрганиб чиқиш;

— билишда оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, яқиндан-узоққа, осондан-қийинга, далиллардан хулосаларга қараб бориш;

— узоқ ўтмишга оид билимларни ўрганганда шу илм, фан тарихини ўрганиш;

— ҳодисаларни, фан асосларини бир-бирларига таққослаб, солиштириб ҳар томонлама чоғиштириб ўрганиш;

Абу Райҳон Беруний инсон ахлоқий категориялари ҳақида «тўғрилик ва ҳақиқат», «яхшилик ва ёмонлик», «ростгўйлик ва ёлғончилик», «фахрланиш ва ғамгинлик», «ғазаб ва илмсизлик», «ҳалол ва харомлик», «дўстлик-иноқлик ва душманлик», «халқлар дўстлиги ва тинчлиги учун кураш» ва бошқа хусусиятларни кишиларнинг табиати билан боғлайди.

Мана орадан минг йилдан кўпроқ вақт ўтишига қарамай, Берунийнинг илғор ҳаётий педагогик ва фалсафий ғоялари ҳозир ҳам ғоятда қимматлидир.

Шундай қилиб, хулоса қилсак, Берунийнинг педагогик қарашлари асосан;

— оилада бола тарбияси; ақлий таълим;

— ахлоқий ва жисмоний тарбия;

— меҳнат ва инсонпарварлик тарбияси.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДАН («ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР» («ОСОР АЛ-БАҚИЯ»)[1] ДАН

«Асарни ёзишга (кириш) бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими — қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расму-русм ва қоидаларидан иборатдир. Ақлий (нарсалардан) далил келтириш, кузатилган (нарсаларга) қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат «китоб аҳллари» ва турли дин арбобларига, шу (эътиқодларга) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан билинади. Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзни тозалагандан кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир. Гарчи қаттиқ уриниб зўр машаққат чексак ҳам, ўшандан бошқа йўл билан мақсадга эриша олмаймиз».

(40—41-бетлар)

«Иш шу йўлдан борадиган бўлгач, у ривоятларнинг давримизга энг яқин ва энг машҳурини, сўнгра яқинроқ ва машҳурроғини (бирин-кетин) олишимиз лозим. Уларнинг (баъзиларини) ўз арбобларидан қабул қилиб, тузатиш мумкин бўлганини тузатамиз, бошқаларини ўз ҳолида қолдирамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни сезувчининг бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиш учун йўловчи бўлади».

(40-бет)

... Ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланиш жойи бор. Шу бошланиш жойга яқинлашган сари, то ўзига бориб етгунча соддалашиб боради».

(63-бет)

«Қутайба (араб босқинчилар лашкарбошиси — Э. Т.) Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди».

(72-бет)

---

[1] Беруний. Танланган асарлар, I-жилд, Тошкент, 1968. (Матнда саҳифаси кўрсатилади.)

«... душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиши, номусларни ерга уриши, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалал етадиган (йўлни) тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбатан беришга тиришадилар».

(74-бет)

«Кейин Кутайба ибн Муслим ал-Баҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар».

(84-бет)

«... Шубҳани аниқ, номаълумни маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас».

(103-бет)

«... жўрттага ўз сўзида туриб олган билимсиз киши билан баҳслашиш на мақсад эгасига ва на мақсадга бирон фойда етказмайди».

(103-бет)

«... Бу китобнинг баъзи жойларида турли фанларга ўтиб, баёнимизга алоқаси узоқ (масалаларга) киришиб кетсак ҳам, бу гапни чўзиш ва кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. (Ўқувчи) фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни (кўришга) қизиқади ва кўздан кечиришни истайди».

(106-бет)

«... Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд (нопокликлардан) тозаланишдир. Кимда шундай (сифатлар) топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади».

(151-бет)

«(Одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг (одам) яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларини ифодалаш учун (зарур) бўлган сўзларга эҳтиёж туғулишидир...).

(236-бет)

«Румликлар география ва астрономия илмини дуруст ўрганиб, мантиқий далиллар билан иш қилганларидан, ҳийлалар ишлатувчи кишилар сўзларига истисно этишдан жуда узоқлашдилар».

«Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар».

(281-бет)

«Искандар ва унинг ворислари румликлар томонидан (эронликлар) рағбат қилган барча илмий китоблари куйдирилиб, ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гўзал санъатларини барбод этган эди».

(447-бет)

«Қиёс қилинувчи нарса билан қиёс учун олинувчи нарса орасини, исботланувчи нарса билан исбот орасини бирлаштирувчи бир сабаб бўлмаса, у далил ва мисоллар қабул этилмайди».

(341-бет)

«Яхшилик хислатлари: тақводорлик, тўғрилик, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоний камтарлик, латофат, собитқадамлик, эҳтиётқорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва булардан бошқа ақлга сиғмайдиган, киши баён этиб тугата олмайдиган (яхши) сифатлардан иборатдир».

«Бутун кучимни йиғиб, (бор) имкониятни ишга солиб, гоҳ эшитиш, гоҳ кўриш ва қиёс қилиш орқали, билимим етганича, у нарсаларни баён этишга бел боғладим».

(40-бет)

«Ваъдани адо этиб,... «Ҳар ким ўз ҳолига яраша иш қилади» ва «ҳар кимнинг қиймати севган нарсаси билан билинади» деганларидек,... (Бу китобни) ўқиган ўқувчи (қуйидаги кайфиятдан) ҳоли бўлмайди: ё у маълумотда менга тенглашади, унда мени мақтаб, бу китобга қилган меҳнатим учун мендан миннатдор бўлади, ёки мартабада мендан ортиқлик қилади, унда янглишларни ислоҳ этиб, юз берган тойилишлардан (мени) маъзур тутади. Учинчи (ҳолатдаги ўқувчига) келганда, у менга бўйсунса, истифода этишга, агар даъват қилса, ожиз қолишга кифоя қиларли асар яратдим».

(425-бет)

«ҲИНДИСТОН» («ҲИНДЛАРНИНГ АҚЛГА СИҒАДИГАН ВА СИҒМАЙДИГАН ТАЪЛИМОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ») АСАРИДАН[1]

«Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди... (Беруний билишнинг биринчи йўли—кўриш, иккинчиси—ёзма ва оғзаки хабарлар орқали демоқчи — *Э. Т.*). Хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларнинг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин. Қаламнинг абадий излари бўлмаганда халқларнинг хабарларини қайдан билар эдик?!»

«Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклатилгандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди...

Баъзи киши (ёлғон хабар тарқатувчига) тақлид қилиб, билмасдан ёлғон хабар тарқатади... Бу хабарчилар биринчи марта атайлаб ёлғон хабар тарқатган киши билан энг кейин бу ёлғон хабарни эшитувчи оралигида воситачи бўладилар; Орадан тақлидчиларни тушириб юборилса, биз санаб ўтган ёлғончиларнинг ўша аввалги биттаси қолади, холос.

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди».

... ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўлади».

(25—26-бетлар)

«Аҳмоқлик давоси йўқ бир касалликдир, шундайки, уларнинг (ҳиндларнинг) эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ йўқ... ўзларидагидан бошқа илм йўқ... Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрланиб билимсиз қоладилар».

(35-бет)

«Маълумки, ҳар бир мураккаб нарсанинг содда бўлаклари бор, мураккаблик шулар йиғиндисидан келиб чиқади».

«Сезгилар бешта бўлиб,... улар «қулоқ билан эшитиш, кўз билан кўриш, бурун билан ҳидлаш, тил билан татиш ва тери билан тегиб билишдан иборатдир... илм ва маърифат фақатгина ўшалар орқали ҳосил бўлади».

(49—50-бетлар)

---

[1] Беруний. Танланган асарлар, II-жилд, 1965. (Матнда саҳифаси кўрсатилади.)

«Илм орқали халосга етишиш фақатгина ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади. Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмсизликдир».

(70-бет)

«Табиати жиҳатдан бошқариш ва сиёсат ишига қизиқувчи, бошлиқ бўлишга фазилати ва кучи билан ҳақли, фикр ва мақсадида саботли, давлатни ўзидан кейингиларга қолдириб, уларнинг ўз ота-боболарига қарши бўлмасликларини мақсад қилиб олган киши томонидан берилган ҳар бир буйруқ, буюрилган киши олдида, турғун тоғлар сингари маҳкам бўлиб, у буйруққа кўп вақтлар ва узун замонлар ўтса ҳам, кейингилар ҳам бўйсунадилар».

(88-бет)

«Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар билан шуғулланиш учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир».

(125-бет)

«Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир».

(138-бет)

«Мактаб болаларининг тахталарини қора қилиб, энига эмас, бўйига оқ нарса билан чапдан ўнгга қараб ёзадилар; гўё шоир мана шу шеърни ҳиндларга қарата айтганидек:

Қоғози кўмирдан бўлиб, қалами оқ ёзаётган котибни кўринг. У қоронғи кеча юзига ёруғ кундузни ёзиб, уни ёритмоқчи бўлади, лекин тугал ёритолмайди».

(148-бет)

«Ҳикматшуносларнинг биридан, олимларнинг бойлар эшикларига ёпирилиб боришлари ва бойларнинг олимлар эшикларига бормасликларининг сабаби нима, деб сўралганда, ҳикматшунос: «Бунинг сабаби олимларнинг мол фойдасини билишлари ва бойларнинг илм шарафини билмасликларидир», деб жавоб берган».

(152-бет)

«Подшоҳнинг Прахлода деган ўғли бўлиб, у катта **бўлгач, муаллимга** топширади.

Бир куни унинг билимини синаш учун олдига чақирганда у бир

шеър ўқиб беради. Шеър маъноси ёлғизгина Вишну бор, ундан бошқа ҳеч нарса йўқ, деган... бу сўз отасига ёқмади. Чунки, у Вишнуни ёмон кўрарди. Боласига муаллимни ўзгартиришга, дўст билан душманни таниб олишга буюради. Бу билан бир неча вақт ўтиб, ундан кейин яна боласидан имтиҳон олганда, боласи шундай дейди: «Буюрган нарсаларингни ўргандим, лекин уларга эҳтиёжим йўқ, чунки менимча, дўстликда ҳамма баробардир, ҳеч кимни душман тутмайман».

(275-бет)

«Нодонлик истило қилган кишиларнинг бундай нарсаларга эҳтиёжи бўлганлиги учун уларга баъзи нарсалар ҳалол ва баъзи нарсалар ҳаром қилиниб, ўртага чек қўйилгандир».

(408-бет)

«... Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир».

(439-бет)

«Киши табиати билолмаган нарсани билишга муҳаббатлидир, фақат ҳақиқий билимга эга бўлганда, билолмаган нарсани билишга эҳтиёжли бўлиб ахтарганини топади, билимини чуқурлаштиради».

(67-бет)

ГЕОДЕЗИЯ («МАСКАНЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФАЛАРНИ АНИҚЛАШ УЧУН ЖОЙЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ», ҚИТОБИДАН[1]

«Мен масофаларни аниқлаш ёки унга йўл кўрсатиш усулидаги ишларим учун келгусида тақдирланмайман деб ўйлайман».

(49-бет)

«Шундай қилиб ҳисоблаш ва юзаларни ўлчаш математика деб аталган фаннинг асоси бўлади, буларнинг амалий ишларга татбиқи геометрия фанини яратади, амалий геометрия эса геодезия фанини асосини ташкил қилади».

(84-бет)

«Менинг умумий мақсадим ер юзида ихтиёрий олинган бир жойнинг (шаҳарнинг) координаталарини ифодалаш, яъни унинг Шарқ билан Ғарб орасидаги узоқлигини, Шимолий ва Жанубий қутблар орасидаги кенглигини ҳамда жойлар орасидаги масофаларини ва бирининг иккинчисига нисбатан азимутини аниқлаш усулларини баён қилишдан иборатдир. Очиқроқ айтганда Шарқнинг пойтахти бўлган Ғазна шаҳрининг координаталарини аниқлашдир».

(23-бет)

---

[1] Беруний. Танланган асарлар, III-жилд, Тошкент, 1966.

Кўпчилик кунларим ўтди марҳаматликда
Поғоналардан кўтарилдим борган сари мен.
Ироқилар оиласи боқди мени оқ сут-ла
Уларнинг Мансури тарбиясига олди мени.

(10-бет)

«Фанларнинг ҳолати ана шундай. Уларни кишининг турмуши учун бўлган эҳтиёжлари дунёга келтирди. Шунга мувофиқ тарзда фан тармоқ отди. Фанларнинг фойдаси — улар ёрдамида олтин ва кумуш тўплаш эмас, балки керакли нарсалар ҳосил қилишдир».

(40-бет)

«Барча фанлар каби математика ҳам кишиларнинг амалий эҳтиёжларидан, ер бўлаклари майдонини ва идишларнинг сиғимини ўлчашдан, вақтни ҳисоблаш ва механикадан келиб чиққан...»

(40-бет)

«Тадқиқотчи зийрак, (ўз) хатоларини синчиклаб излаши, тобора тиришқоқ бўла бориши, меҳнатидан зерикмаслиги, ўз-ўзини қайта-қайта текшириб туриши керак».

(44-бет)

«Улар (Ғазнавий ҳокимлари — *Э. Т.*) фозил кишиларга нисбатан душманлик ҳисси билан ёнар эдилар. Фанга алоқадор кишиларни таъқиб этар, уларга хўрлик ва зулм келтирар эдилар... Бу жоҳиллар кўпчиликка номаъқул бўлган паст ва зарарли хулқларни бир овоздан ёқлаб чиқардилар, улар асосида асоссиз ғаразни кўрамиз. Улар орасида шарму ҳаёсиз ва ҳар қандай пастлик олдида тап тортмайдиганлар кўпроқ. Бу йўлда улар барча имкониятдан фойдаланиб мусобақа қила бошладилар; бу иш бориб-бориб фанни рад этиш ва илм аҳлига ғараз кўз билан қарашга олиб келди. Улардан шаддодроғи фанни хато йўл, фан аҳлини ўзларига монанд жоҳилият йўлидан боришга ундаб, уларга куфроният тамғасини босдилар. Бу билан улар олимларни йўқотмоққа ўзларига йўл очмоқ ниятида эдилар».

(81- бет)

«Одамзод (энг қадимги одам) ўзидан пинҳон тутган нарсаларни билишга интила бошлади. Келажакда нима бўлишини билиш ва бошга тушиши мумкин бўлган кулфатлардан ҳимояланиш учун интилди... Аста-секин унинг тажрибалари ўзга ёритқичларни кузатишга ўтди».

(84—85- бетлар)

«Грамматика насрий нутқни тартибга солиб туради, шеър қондалари эса назмни бир мувозанатда тутади. Назмда ҳам, насрда ҳам нутқнинг чин моҳияти унинг мазмунидир».

(85- бет)

«Одамлар Жайхуннинг ҳар иккала қиргоғи бўйлаб 300 тадан зиёд шаҳар ва қишлоқ бунёд қилишган. Уларнинг харобалари сақланиб турибди».

(95- бет)

«Инсон у ёки бу фан билан шуғулланишдан олдин ўша фан тармоқларини яхши ўрганмоғи ва улар асосида аниқ тажрибалар ўтказа олиши лозим. Бунинг учун эса у (одам) албатта фалсафа фанини ўзлаштирган бўлсин. Шундан сўнг барча фан асосларидан маълумотга эга бўлиши керак... фаннинг бошланғич асосларини билмай туриб, илмий фаолият билан машғул бўлиш маъносиз».

(262- бет)

«Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин».

(88- бет)

«КИТОБ АТ-ТАФХИМ» («ЮЛДУЗЛАР ҲАҚИДА ФАН») КИТОБИДАН

«Табиат ҳодисаларини тушунтирганда табиатнинг ўзидан келиб чиқиш керак ва унинг ўзида бўлган қонуниятга, далил ва тажрибага асосланиш лозим: фанни ўрганишни мазкур фанни ташкил этиб турган элементларни ўрганишдан бошлаш зарур; фанни ўрганган пайтда фикрлаш зарур; бир маълумотни, фикрни, афсонани иккинчилари билан чоғиштириш, таққослаш ва улардан энг ишончлисини, яъни табиатда мавжуд қонунлар ва тартиблар йўл қўядиганини ҳақиқий нарса сифатида қабул қилиш зарур».

«МИНЕРАЛОГИЯ» («ҚИММАТБАҲО ТОШЛАРНИ БИЛИШ») КИТОБИДАН

«Сезгилар ўз қўзғатувчилари орқали қўзғалади. Агар улар меъёрида бўлса, ёқимли ва зарарсиз бўлади, меъёридан ортиқ бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлади.

Кўриш сезгисини нур қўзғатади, эшитишни ҳаво орқали келувчи овозлар қўзғатади, ҳидлаш ҳаво билан бурунга уриладиган ҳидлар орқали пайдо бўлади, таъм озуқанинг мазаси билан вужудга келади. Аммо намлик бунда шартдир. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи махсус органлар мавжуддир. Бешинчи сезги — сезиш эса бутун баданда воқедир, аммо даставвал уни тери сезади.

(8- бет)

«Сезгилар билинганларидан бир бўлагини фикрга етказса, фикр уни янглишлардан тозалаб ақлга топширади. Ақл уни умумий (иш)га айлантиради.

(12- бет)

«Инсон худонинг ердаги вакили ҳисобланади... Инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир. Бунга унинг эшитиш ва кўриш сезгилари ёрдам беради. Кўриш орқали ибрат изларидан лозим якунлар қилиши керак бўлади...».

«Фақатгина сезги органлари ёрдамида ўзлаштирилган билимлар хатоларга олиб келиши мумкин. Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва хулоса чиқариш ёрдамида фойдаланса, ана шу сезгилар орқали идрок қилинадиган нарсаларни ўрганишда жуда катта ютуқларга эришмоғи мумкин... истакларга меҳнат туфайли эришилади».

(9- бет)

«Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эгадир. Инсоннинг гавдаси бир-бирига қарама-қарши қисмлардан ташкил топган бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашганлар».

(11- бет)

«Инсон ҳамиша ўзгаларнинг бахт-саодатлари ҳақида ўйлаши керак. Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётгани билан ўлчанади.

Одамлар турмуш-ҳаётда ҳар хил ҳолатда бўладилар, буларнинг бир тури билан мақталадилар, бошқаси билан эса қораланадилар ... мақтовларнинг чўққиси мурувват, мурувватнинг ўқи (асоси) эса тозалик ва покизаликдир.

(20- бет)

«Ахлоқдаги ва одобдаги нафс гўзаллигига келсак, инсон уни ёмонликдан мақталишгача кўтаришга қодир, бу (албатта) нафсни тоза тутишга, уни руҳий тиббиёт йўли билан даволашга, ёмонлик қолдиғи асоратини аста-секин ахлоқ китобларида айтилган усуллар билан кетказиш мумкин».

(21- бет)

Инсонга энг яқин нарса унинг нафсидир. Шу нафс, энг аввало, ўзига яхшилик қилишга, кейин эса ўз розилиги билан теварагидаги энг яқинларига яхшилик қилишга интилиши керак. У ташқи кўриниш, ясама шуҳрат, сунъий обрў учун мурувват ва футувват кўрсатмасин.

(21- бет)

«Эй, қизим! Рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг калитидир. Эрингга ҳадеб гина қилишларни ман қиламан, чунки у нафратни уйғотади. Яхшиси сен ўзингга зийнат, пардоз бергин...

Агар саҳрога чиқар бўлсанг доимо ёнингда сув бўлсин... Ўз эрингни кўрганда, хушчақчақ бўлган вақтида сен хафаликдан, у хафа бўлган вақтида сен хушчақчақликдан сақлан. Эрни сирини фош этмагин, акс ҳолда унинг олдида ўзингни камситган бўласан...».

(22- бет)

«Боланинг юз тузилиши она қорнида ато қилинади ва ҳеч қандай куч ато қилинганини ўзгартириш йўли йўқ. Кўринишдаги гўзаллик ва тузилишдаги камол — булар иккови ҳам ҳар бир одам учун севимли...».

(18- бет)

«Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослайди, бир-бири билан солиштириб кўради, ўз билимларини чинлигини аниқлайди...»

(7- бет)

«Баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир, чунки у дангасалик, ялқовлик, ишёқмаслик одамни бузилишга, касалликларга чалинишга олиб келади».

(30- бет)

Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши фароғат ва роҳат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо улуғлик либосидан маҳрум, ялангочдир.

(27- бет)

«Қимматбаҳо марварид доначасини охиригача пармалашдан ҳадиксираб, усталар уни баҳосини тушуниб етмаган шогирдларига беришади. Шогирдлар бутун борлиғи билан ишга киришиб кетади. Бунда уларни қўллари қалтирамай, қўрқмасдан пармалашни давом эттирадилар. Агар бу ишда хавфсираш бўлса, пармалаш давомида бирор-бир тасодиф билан дур майдаланиб кетса, уста шогирдларини шапалоқ билан туширган. Тарсаки зарби уларни яхшироқ, сифатлироқ ишлашга кўниктирган. Дур пармаланиб бўлингандан сўнг хавфли вазият ўтиб кетган.

(119- бет)

«САЙДАНА», «ФАРМАКОГНОЗИЯ» («ТАБОБАТДА ДОРИШУНОСЛИК»)[1] КИТОБИДАН (1974)

«Мен болалик чоғимданоқ (ўз) ёшим, шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида (қуйидагини) келтириш кифоя: биз турадиган жойга (ўшанда) бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим».

(198- бет)

---

[1] Беруний. Танланган асарлар, IV жилд, Тошкент, 1974 (Матида бети кўрсатилади).

«Хоразм амирларидан бири касал бўлиб қолган эди, унинг касалига қарши Нишопурдан бир дорининг нусхасини юбордилар. (Нусхани) атторларга кўрсатдилар, унда қайд этилган дорилардан биттаси ҳеч кимда топилмади, фақат бир киши ўзида борлигини айтди. Унинг ўн беш дирҳамини беш юз тоза (кумуш) тангага сотиб олишган экан, (аттор) гулсафсар илдизини чиқариб берибди. Уни қойишганда, у (аттор) «Сиз жисмини эмас, фақат исмини билмаган нарсангизни сотиб олдингиз» дебди.

(119- бет)

«Хотира далили бор ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва ўнғайроқ эслаб қолади».

(198- бет)

Китобларни хотирада сақла, фақат
йиға бермагин,
Чунки китобларга ҳам қирон келади.
Олов уларни ёндиради, сув ғарқ этади,
Сичқонлар кемирадилар, ўғри ўғирлайди.
Китоблари билан гердайган билимсиз киши,
Кутубхонасини у билан тўлдиради ва уни ёниб
қўйиб,
Ундан билим олувчиларни фойдаланишдан
маҳрум қилади.

(119- бет)

БЕРУНИЙ «РОЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ТИББИЙ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА РИСОЛАСИ» ДАН

«Агар мен сени ҳурмат қилмаганимда, Розий асарларининг рўйхатини тузмаган бўлар эдим, чунки бу ишда Розий душманларидан баъзиларининг менга рақиб бўлиб қолиши ва улар мени Розий мазҳабидан деб шов-шув кўтариш хавфи бор эди».

(234- бет)

«Биргина нарса учун (узоқроқ яшашим) керак эдики, у ҳам бўлса, шу қўлимдаги нотамом асарларни тамомлаш ва оққа кўчирилмай қолганларини кўчириш эди».

(240- бет)

Ибн Сино

Абу Али ибн Сино ўрта асрда етишган буюк донишманд эди. У фалсафа, табобат, фалаккиёт, зоология, ботаника, геология, мусиқа, психология, ахлоқ, мантиқ, тилшунослик, адабиёт каби фан соҳаларига бағишлаб асарлар ёзди.

Ибн Сино шарқнинг буюк файласуфи эди. Бу соҳага кўп асарлар бағишлади, ҳатто ўзидан кейинги аср фалсафасига катта таъсир ҳам кўрсатди.

Ибн Сино буюк табиб эди. У бу тўғрида ўзидан олдинги тиббий меросни ўзлаштириб, жаҳон тиббиётида неча асрлар қўлланма бўлиб келган асар яратди. Унинг «Қонун» китоби XI асрда яратилган тиббиёт қомуси деса ҳам бўлади. Чиндан ҳам «Қонун» ибн Синонинг кўп йиллар орасида олиб борган илмий ва амалий ишларининг натижаси эди. Жаҳон табобати тарихида энг кўп қўлланилган. Алломанинг унинг доривор ўсимликлар ҳақида ёзиб қолдирган фикрлари халқ табобатида катта аҳамият касб этади. Унинг бу борадаги қарашлари ҳозирги кунда ҳам олимларимиз тарафидан ўрганилмоқда.

Ибн Сино мероси ўрта асрларнинг ўзидаёқ кенг ўрганила бошланган эди. Айниқса, унинг тиббий ва фалсафий мероси ўрта асрдан бошлаб бошқа тилларга таржима қилина бошлади. «Тиб қонунлари»нинг лотин тилига ва бу тил орқали бошқа Ғарб мамлакатларидаги тилларга таржима қилиниши ва то XVIII асргача тиббий қўлланма бўлиб келиши бунинг яққол мисолидир.

Ибн Сино илмий меросини ўрганиш ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларидан бошлаб кенгроқ тус ола бошлади, унинг асарлари матни нашр этилди, баъзи бирлари таржима қилинди,

тадқиқотлар ёзила бошланди. 1937 йили ибн Сино вафотининг 900 йиллиги ва эллигинчи йилларда эса ҳижрий йил ҳисоби билан туғилганига минг йил тўлиши муносабати билан таваллуд тўйи ўтказилиши унинг илмий меросини халқлар ўртасида кенг кўламда ёйилишига сабаб бўлди. Бу пайтгача ибн Сино, асосан, табиб сифатида машҳур бўлиб келган эди, энди эса у файласуф сифатида ҳам кашф этилди. Унинг бу соҳадаги асарлари таржима этила бошланди. Эллигинчи йилларда турли мамлакатларда унинг меросига бағишланган анжуманлар ўтказилди. Шу аснода ўрта асрда қилинган лотинча таржимасидан кейин «Тиб қонунлари» биринчи бўлиб ҳозирги замон тилларидан рус ва ўзбек тилларига 1954—1961 йиллар орасида Тошкентда таржима ва нашр этилди. Бу билан ўрта аср тиббиётини, хусусан, ибн Синонинг тиббий меросини ўрганилиши кенг тус олди, сўнг бу соҳада кўп илмий ишлар қилинди, тадқиқотлар нашр этилди.

Абу Али ибн Сино ҳижрийнинг 370 йили сафар ойида ҳозирги Ўзбекистон жумҳурияти, Бухоро вилояти Пешку туманидаги Афшона деган қишлоқда дунёга келди. Милодий ҳисоб билан бу 980 йилга тўғри келади. У беш ёшга тўлгач, отаси Бухоро шаҳрига кўчиб келади. Бу ерда у униб ўсади, таълим олади. олим бўлиб етишади, бир қатор асарлар таълиф қилди.

Ибн Синонинг «Хадият ар-раис», («Шайх ар-Раиснинг ҳадяси»), «ал-Мажмуъ», («Тўплам»), («Саховат ва жиноят ҳақидаги китоб» (икки жилд), «Ҳосил ва маҳсул» (20 жилд) каби асарлари Бухорода таълиф қилинган эди.

Ибн Сино 22 ёшга етганида (1002 йили) отаси вафот этади. 1095 йили сомонийлар сулоласининг сўнгги меросхўри Мунтасир ўлдирилгач, ибн Сино Бухорони тарк қилиб, Хоразмга кўчиб кетади. 1005—1012 йилларда Абу Али ибн Сино етти йил давомида Хоразмда яшади, у ердаги олимлар билан ҳамкорлик қилди. 1012—1014 йиллар ораси у Журжонда, кейин Рай, Ҳамадонда яшади. У бу орада «Тиб қонунлари» асарини ёзиб тугатди. «Юрак дорилари», «ал-Ҳидоя», «Ҳайй ибн Яқзон», «ал-Қуланж» каби асарлар дунёга келди. Кейин у бу шаҳарда йигирма икки жилдли «аш-Шифо» китобини ёзди. 1024 йилдан то умрининг охири — 1037 йилгача Исфаҳон амири даргоҳида истиқомат қилди. Бу ерда у форс тилида амир Алоуддавлага «Донишманд» асарини ёзиб берди, «аш-Шифо»нинг қисқача баёни деб ҳисобланган «ан-Нажот» китобини, бизгача етиб келмаган йигирма жилдли «ал-Ансоф», ўн жилдли «Араб тили» асарини ёзди.

Аллома ибн Сино адабиёт соҳасида ҳам анчагина ишлар қилди. Унинг адабий меросини уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчидан, ибн Сино ажойиб шоир эди. У лирик, фалсафий шеърлар ижод этди, шеъриятнинг кўп жанрларида — рубоий, достон — уржуза, ғазал, қасида, қитъа, фард каби турларида қалам тебратди. Унинг дунёда тан олинган шеърий ижоди асосан араб тилида ёзилган.

Ибн Синога нисбат бериладиган шеърий ижод беш ярим минг мисрагача (5450) борган. Унинг бизгача сақланиб қолган

шеърий меросидан араб тилидагиси беш минг уч юз сатрдан ошади. Бундан чиқди ибн Синонинг асосий шеърий ижоди араб тилида ёзилган эди. Буларга унинг ўндан ортиқ достони — уржузалари киради. Бу достонларнинг ўзи 4744 мисра шеърдан иборат. Ибн Синонинг деярли барча достонлари даврimизгача етиб келган. Улар ҳали «Тиб қонунлари» ёзилишидан илгари ёзилган эди. У халқ ўртасида тиббий билим тарқатиш мақсадида бу достонларини битган эди. У бу достонларида одамларга тиббий ўгит беради.

Ибн Сино носир ҳам эди. Унинг бу борадаги «Хайй ибн Яқзон», «Қуш», «Саломон ва Ибсол» ва «Юсуф» қиссалари бизгача етиб келган. Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол» ва «Юсуф» қиссалари фақат Тошкентда, Академиянинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидагина сақланмоқда.

Шу билан бирга ибн Сино адабиётшунос олим эди. Унинг бизгача етиб келган бу соҳага оид «Шеър санъати» деган асари бу фикрнинг далили бўлади. Асарда ибн Синонинг адабиётга бўлган муносабати, юнон адабиёти ва унинг жанрларига оид қарашлари баён этилган.

Ибн Сино ёзган асарлар сони 450 дан ортиқ. Лекин уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган, даврimизгача етиб келган 240 га яқин асарларининг ўзи ҳам унинг буюк сиймо, ноёб ақл-заковат эгаси эканлигидан дарак беради.

Ибн Сино ҳижрий йилининг 428 ида рамазон ойининг биринчи жумъаси (1037 йили 24 июнь) куни вафот этди. У салкам эллик етти йил умр кўрди.

Абу Али ибн Сино ўзидан илгари яратилган барча фан ва маданият ёдгорликларини эгаллади, уларнинг кўп тармоқларини ривожлантирди, натижада унинг илмий мероси жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

ИБН СИНО ҲИКМАТЛАРИДАН АХЛОҚ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.

* * *

Ҳақиқат мантиқ илмидан талаб қилинсин!

Ички қувватларнинг таъсирлари ва таъсирланишлари такрорланаверса, улар учун кучли бир малака ҳосил бўлади. Ахлоқ ҳам шундай вужудга келади.

* * *

Ҳис ички руҳга қаттиқроқ таъсир этади ва уни ҳаракатга солишда ақлдан кучлироқдир.

* * *

Яхшилик ҳаммага бевосита севимли. Агар шундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўз истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик

деб тасаввур қилган бирор нарсани ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди.

* * *

Тўғрилик, агар у тўғрилиги исботланаётган нарсанинг бевосита ўзида топилса, у ҳолда у ўша нарсани мустаҳкамлайди, яхшилайди.

* * *

Тўғри деб ўйланилган қанчадан-қанча нарсалар бўладики, улар аслида тўғри бўлмай, балки фақат хатолардан иборат бўлади.

* * *

Хулқнинг мувозанатда бўлиши бадан саломатлигини сақлайди.

* * *

Кек аслида азият берган нарсанинг фикрда такрорланиши билан ҳамда ундан ўч олиш орзу-хаёлининг такрорланиши билан пайдо бўлади. Унинг пайдо бўлишига ғазабнинг бир қадар давом этиши ҳам сабаб бўлади.

* * *

Билгинки, агар ғазаб тез ўтиб кетса, унинг сурати хаёлда такрорланмайди ва йўқ бўлиб кетади, натижада кек ҳосил бўлмайди.

* * *

Маърифатчи (ориф) ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, саховат эгаси бўлади. Шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У барча беҳад нарсаларга ҳирс қўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У ўз нафсонияти билан улуғвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди!

* * *

Табиатда бекорчи нарсалар бўлишининг ўзи бўлмаган нарсадир.

* * *

Ҳар бир табиий нарса ўлчанган бўлади, лекин ҳар бир ўлчанган нарса табиий бўлавермайди.

* * *

Маъруф ва машҳур бўлмаган нарсаларни одат этишга кўпроқ интилинади. Чунки одат бўлган нарсалар кўпинча сезилмайди.

* * *

Ҳужум қилиб келаётган қўшинлардан қўрқиб қочиш, инсонлардаги қўрқоқликни бошқалар томонидан фош этилиши, бойликни ерга кўмиш, адолатсизликнинг кўринишлари, ифлосликка бефарқ қараш, шубҳали жойларда бўлиш, разилликни исташ, ахлоқий тубанликка бориш, камбағални талаш, ўликлар кафанини қазиб олиш, гадойчилик қилиш, ҳаддан ташқари зиқналик қилиш, судхўрлик қилиш, кечирим сўраганлар илтимосини рад этиш, суд олдида туришгача бориш, мурувватсизлик кабилар шармандаликка киради.

* * *

Инсонларни доимий тобе бўлиб яшашлари, бошқалар томонидан ўз нафсини масхара қилинишга чидаш, жабр-зулмга тоқат қилиш, етишмовчилик кабилар кишини қизиққон бўлишига сабаб бўлади.

* * *

Улуғлик инсонга энг ёмон ҳодисаларни яқинлашишига йўл қўймайдиган бир матонатни жамловчи кучдир.

* * *

Фаросат — сезгидан келадиган ишоранинг асл маъносига тезда етишмоққа айтилади.

* * *

Илм—нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир.

* * *

Билим деб, нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир. Бордию бу далиллар очиқ-ойдин бўлсаю, исботлар чинакамига бўлса, у ҳолда бунга ҳикмат — доништмандлик дейилади.

* * *

Баён — инсон фикрига келган маънони яхши ифодаланишидир.

* * *

Барвақт айтиб қўйиб, ошкор қилиш зарар келтирадиган бир нарсани айтишдан ўзни тийиб туриш ишини инсон виждонига ҳавола қилинганига сир сақлаш деб айтилади.

* * *

Инсондаги сир сақлай билиш хислати ошкор қилиш хавфи туғилганда уни ушлаб тура билувчи кучдир.

* * *

Бошқаларда кўрганни жуда қаттиқ истамаслик ҳам қаноат ҳисобланади.

* * *

Ўз кучини зарур бир меъёрда ушлаб туриш ҳам қаноат саналади.

* * *

Қаноат деб, ўзига кифоя қиладиган нарсага эришишга айтилади; буни бўшашганлик ҳам дейишади. Қаноат камтарлик ва унчамунча нарсани назарга илмайдиган хислат билан ҳирс ўртасида бўлади.

* * *

Сабр деб, инсон бошига тушган алам ва чидаб бўлмайдиган оғриқни то енгунга қадар ушлаб туришга айтилади.

* * *

Очкўзлик, яхши овқат, ичкилик, хотин-халажга берилишдан ўзни тутиш иффат саналади.

* * *

Кишини қабиҳ ва бемаза ишларга қадам қўйишдан тутиб турадиган ва уни яхши хулқ ва ишларга йўллашига ҳаё дейилади.

* * *

Ёрдам беришнинг гўзаллиги ундан кишининг тасалли топишида кўринади.

* * *

Хижолат ва тортинчоқлик қайғу ва ёмонлик туфайли тинчликнинг бузилишидир. Бундан инсон ўзининг ўтмиши, ҳозирги пайти ва келажакдаги мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар, ўзини ўзи койийди.

* * *

Киши хулқидаги ортиқлик фазилати кўпинча пасткашлик билан олижаноблик ўртасида бўлади. Чунончи, кишидаги яхши бир фазилат икки хил пасткашлик ўртасида бўлади, масалан, исрофгарчилик билан серхаражатлик.

* * *

Иффат эса ёмонлик билан шаҳват ҳамда бунга ўхшаган нарсалар ўртасида туради. Яна у серҳафсалалик билан беҳафсалалик ўртасида туради.

* * *

Саховат эса бахил ҳамда зиқналик билан сарф қилиш ўртасида туради.

* * *

Шижоат — довюраклик эса қўрқоқлик билан қўполлик ўртасида бўлади.

* * *

Одамларнинг четланиши лозим бўлган ёмон хулқ-атворлар турига юқорида эслаб ўтилган яхши фазилатларга қарама-қарши бўлган яна мана бундай ёмон хулқлар ҳам киради; ҳасадгўйлик, кўролмаслик, яъни бировда яхши ҳолат бўлишини ёқтирмаслик, юмшоқликка қарама-қарши бўлган тез қасд олиш, фисқу фасод билан шуғулланиш, бузғунлик, сўконғичлик, оғзи шалоқлик, ғийбатчилик, иғвогарчилик, чақимчилик, ёлғончилик, сабрга қарама-қарши бўлган чидамсиз — бесабрлик, юраги торлик, оғзи бўшлик,сирни ошкора қилишлик каби хулқларнинг кишида бўлиши жуда ҳам ёмон нуқсон саналади. Буларга яна инсоннинг олижаноб фазилатларидан энг улуғи бўлмиш билимдонликка қарама-қарши бўлган энг буюк разолат ва нуқсон бўлмиш нодонлик киради.

* * *

Бўшашганлик — кескинликка қарама-қарши қўйилган сотқинлик, хиёнат, бераҳмлиликка эса раҳмдиллик қарама-қарши қўйилган.

Ғирром, ҳиммати паст, лафзи йўқ, сурбетлик, риоятсизлик, мақтанчоқлик, кибр-ҳаво, золим кабиларга эса адолат қарама-қарши қўйилган.

* * *

Хулқларнинг барчаси ўз табиати билан гўзал, ёмон хулқ-атворларга эса кейин эришилган бўлади.

ХУЛҚ-АТВОР ҲАҚИДА

Бундай ҳам бўлади: агар инсон бирор хулқ-атворга эга бўлмаган бўлса, у ҳолда бундайлар ўзига кераклисига эришиб олиши ҳам мумкин.

Мабодо киши ўша йўл билан ўзи учун пайдо қилган ва унга эришган хулқ бўлмаса, ёки масалан, ўзи ўша эришганнинг тескарисига тўғри келиб қолса, у ҳолда кишида бу бир одатланиш (характер) бўлиб қолади. Одатланиш дейиш билан мен бирорта феъл-атворни озгина муддат ичида кўп марталаб ва узоқ вақт давомида қайта-қайта такрорланишини айтмоқчиман.

Чиндан ҳам гўзал хулқ-атворлар шундай одатланишдан юзага келади. Худди шунингдек, хунук феъл-атворлар ҳам ўшандай одатланишдан юзага келади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, мабодо биз гўзал бир нарсага одатланадиган бўлсак, бу одатимиздан гўзал хулқ-атвор юзага келади.

Яна айтамизки, ўзимиз одат қилиб кўникиб қолган нарсалардан гўзал хулқ-атвор юзага келиб қолгундай бўлса, шунда билиш керакки, бу хил одатларимиз ўша гўзал хулқ эгалари воситаси билан юзага келган бўлади. Худди шунингдек, агар аввал бошдан биз хунук-бемаза хулқ-атвор эгалари воситаси билан юзага келган феъл-ҳаракатларга кўникиб, ўшанга одатланадиган бўлиб қолсак, у ҳолда, ундай одатлар ҳам бемаза хулқ-атвор эгалари орқали юзага келган, улардан юққан бўлади. Бу ердаги аҳвол худди санъатда юз берадиган аҳволга ўхшаб кетади.

* * *

Қамтарлик кишида шундай бир хислатки, бу билан инсон билим-маърифати, куч-қудратини яшириб, ўзини табиатан ожиз, эзилган ва ўз жинсида юқори даражага кўтарилишда бирор камчилиги бордай сездирадиган бўлади. Яна бу хил одамлар бошқа бировдан нафсоний ёки жисмоний томондан ўта ортиқлигини яшириб келадиган бўлади.

* * *

Олижаноблилик кишида шундай бир ажойиб фазилат ва шон-шарафни оширадиган хислатки, ҳатто бунга эришган одам ундан ҳам юқори даражалардаги шон-шуҳрат маромига эришишга интилади, бундай интилиш ундайларда чекланмаган бўлади.

* * *

Киши бирор ёмон аҳволга тушиб қолганда ё бўлмаса бирор қайғу-алам етганда унга меҳр-шафқат кўрсатишга раҳмдиллик дейилади.

Эҳтиётқорлик деб, келажакда бўлиши мумкин бўладиган ҳодисаларни олдини олишга айтилади. Бу билан киши ютуқ ва муваффақиятга яқин ва зарардан эса узоқ бўлади.

* * *

Зийраклик ва тийраклик деб, сезги органлари ёрдами билан нарсаларнинг ҳақиқий маъноларига тезда етишига айтилади.

* * *

Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.

* * *

Инсон қиладиган ишларнинг энг ёмони риёкорлик, яъни иккиюзламаликдир.

* * *

Инсон ўзини токи майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳ-воҳлардан озод қилолмагунигача у ифлос ва пастлик табиатидан озод бўлолмайди.

* * *

Ҳар бир инсон севинишга ҳам, қайғуланишга, ҳам қобил, лекин шуниси ҳам борки, баъзиларининг кайфияти фақат шодликка, баъзиларининг кайфияти эса фақат ғамгинликка мойил бўлади.

* * *

Хурсандчиликнинг кетма-кет бўлиши руҳни шу хурсандчилик учун ҳозирлайди, ғамнинг кетма-кет бўлиши эса ғамга киши табиатини ҳозирлайди. Қувноқ бўлган кишига ғам келтирувчи сабабларнинг энг кучлисигина таъсир қилган ҳолда, шодлик келтирувчи сабабларнинг энг кучсизи ҳам таъсир қилади.

* * *

Ҳар бир юраги зўр киши кўп шод-хуррам яшагани каби, ҳар бир севинчга сазовор бўлган зотнинг юраги зўр бўлавермайди.

* * *

Ғазаб иродаси кучли одамга рўпара келолмагандек, иродаси кучсиз одамга ҳам рўпара келолмайди.

* * *

Ҳамма вақт боланинг истаган нарсасини муҳайё қилишга, истамаганини узоқлатишга тайёр туриш керак.

Ёш боланинг сезгирлик қуввати катта одамга тенг келади.

ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАҚИДА

Эй биродарлар! Ҳақиқатни ёйинглар, баҳамжиҳат бўлинглар. Баъзиларингизнинг баъзи нарсаларни ўрганиш учун ва баъзиларингизнинг баъзи нарсалар билан камол топиши учун ичингиздаги ҳар бир киши ўз биродарларига холис дилидан пардани очиб ташласин.

* * *

Шодлик ва қайғулик пайтларда дилини кудуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қолган киши чин дўст ҳисобланади.

* * *

Дўстлар ҳақиқатга кўрар кўз билан қарайдилар, кўнгилдан ифлослик ва шак-шубҳа зангини кетказадилар, чунки уларни холисанлиллоҳ дўстликдан бошқа ҳеч нарса бирлаштирмаган.

* * *

Дўстлик инсоннинг шундай бир ҳолатидирки, бунда бошқа бировга яхшилик исталади, шунда инсон яхшиликни ўзи учун

истамайди, балки уни бошқа биров учунгина истайди, холос. Шу ҳолатда кишида бошқага нисбатан яхшилик қилишга чақирувчи хусусият пайдо бўлади. Дўст бу яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандлигида ҳам, бахтсизлик кезларида ҳам қайғу ва шодлигига шерик бўлади.

* * *

Инсонлар ичида сени яхши кўрувчилар бўлса, бу сенга ва сенинг яқинларингга яхшиликни истовчилар бўлади. Мабодо шундайлар топилиб қолса, у ҳолда бу илтифот мунтазам равишда чин кўнгилдан ҳамда беминнат бўлиши керак. Ҳақиқий дўст сенинг дўстингга дўст, душманингга душман бўлади. У дўстининг душманидан узоқлашади, дўстининг дўстига яқинлашади. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Чунки бунинг акси бўлса, душманлик саналади.

* * *

Модомики, менинг дўстим душманим билан кўп ўтирган экан, энди мен уни ҳеч дўст деб билмайман. Чиндан ҳам заҳар аралашган шакардан парҳез қилиш керак; илонга қўнган пашшадан эса қочиш керак бўлади.

СЕВГИ-САДОҚАТ ҲАҚИДА

Шодлик, ашула ва мусиқа эшитиш баъзи кишиларга тасалли берса, баъзиларнинг иштиёқини кўпайтиради.

* * *

Хурсандлик бир турли лаззатдир.

* * *

Ошиқнинг маъшуқини аниқлаш уни даволаш йўлларидан биридир.

* * *

Ҳақиқий мавжудот ё камолотнинг ниҳоясига эришади, ёки эса қайси бир томондан келиб қолган нуқсон билан ўз табиатида бор бўлган камолот ўртасида бориб-келиб туриши билан тавсифланади.

Демак, бутун мавжудот бирор камолотга ёндошишдан холи бўлмайди. Мавжудотнинг камолга ёндашишига унинг табиатидаги ишқ ва рағбат сабаб бўлади. Унда учратиладиган камолга бирлашиш ва камолга интилишга ҳам ишқ ва рағбат сабаб бўлади.

Айтамизки, яхшилик хайр, бевосита ҳаммага севимлидир. Агар бундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўз истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсасини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди.

Агар яхшилик бевосита яхшилик сифатида севимли бўлмаганда эди, у ҳолда бу яхшилик учун бўлган барча интилишлар бекор бўлган бўларди. Шунингдек, яхшилик ҳам яхшиликка ошиқдир. Чунки ишқ ўз ҳақиқатида яхши ва мулойим нарсани севишдан бошқа нарса эмас.

Мана шу ишқ яхши кўриладиган нарсалардан ажралиб турган бир пайтда унга томон интилишнинг бошланиши бўлади. Бу ҳолда ўша яхши кўриладиган нарсалардан бўлиши керак. Бу нарса мавжуд бўлган пайтда эса бирлашиш бошланиши бўлади.

* * *

Мавжуд нарсаларнинг ҳар бири ўзига мос ҳар бир нарсани яхши кўради, уни йўқотса, у томон интилади. Маълум бир нарсага эришишдан иборат махсус яхши нарса ҳақиқатга ёки тахминда, менинг гумонимча, у (яъни яхши) ҳақиқий ёки тахминий мулойим нарсадир. Кейин яхшини исташ ва унга интилиш, бир нарсани ёмон деб билиш ва нафрат — булар ҳаммаси мавжуд нарсанинг яхшилигига боғлиқ бўлган нарсалардир. Чунки яхшилик сифати мавжуд нарсага бевосита тўғри бўлиш юзасидан эмас, балки унинг яхшилиги жиҳатидан шундай дейилади. Негаки, тўғрилик бир нарсада бевосита топилса, у ҳолда у ўша нарсани мустаҳкамлайди, яхшилайди.

Демак, маълум бўлишича, яхши яхши нарсага ошиқ бўлади; у хоҳ ўзига хос бўлсин, хоҳ муштарак бўлсин, барибир, унда бор бўлган яхшилик жиҳатидан унга ошиқ бўлаверади.

* * *

Ишқнинг бўлиш сабаби ҳам маъшуқдан эришилган ёки эришилмоқчи бўлган нарсадир. Яхшилик ортган сари маъшуқликка сазоворлик ҳам ортади, шу билан бирга яхшиликка ошиқлик ҳам ортади.

Демак, мавжудот ё ишқ сабабли бор бўлади ва ё унинг борлиги ва ишқи иккови бир нарса бўлиб қолади.

Бундан равшан бўладики, ҳар бир руҳий ҳолат ишқдан холи бўлмайди.

* * *

Иккинчиси эса, ихтиёрий ишқдир. Бу ишқнинг кўтаргувчиси —ҳомили ўзидан-ўзи маъшуқидан юз ўгиради. Чунки маъшуқининг келтирган фойдасидан кўра зарарининг ортгани уни зарар томонга тушиб кетишига олиб келади.

Масалан, эшакни олинг. Агар унинг кўзига ўзи томон келаётган бирор бўри қораси кўриниб қолсами, бўлди, у емини ейишдан тақка тўхтайди ва қочишга тушади. Шунда у ўзига рўпара келгандан етадиган зарар юз ўгирган нарсасининг фойдасидан ортиқ эканини билади.

ТЕРМАЛАР

Товуш инсон ва ҳайвонлар ҳаётидаги энг зарур нарсалардан биридир. Ҳайвонлар бирор хавфни сезсалар, бир-бирларини ёрдамга чақиришда товуш чиқарадилар.

* * *

Товушнинг табиат инъом этган ўзига хос хусусиятлари жуда кўп. Масалан, инсонлар ва шунингдек ҳайвонлар ўз хурсандчилиги ва хафалигини маълум товуш орқали бир-бирларига билдирадилар. Баъзи товушлар оғриқни қолдирса, баъзилари дилгирликни йўқотади.

* * *

Ўз овозидаги товуш оҳангларининг ўзгаришини энг нозик ҳис эта олган шоир энг яхши шоирдир. Чунки табиат шоирга товушни севишдек бахт инъом этган.

* * *

Табиатнинг инсонларга инъом этган толеъларидан яна бири инсон нутқидир. Инсон ўзининг ана шу нутқидаги товуш оҳанглари орқали ўз ҳиссиётларини изҳор этади. Масалан, кишилар ялинганда бошқача овоз чиқариб, дўқ-пўписа қилганда бошқача, шошилиб гапирганда нутқ бошқача оҳангда бўлади ва ҳоказо.

* * *

Инсон қалби ҳар бир янги ва кўнгилдагидек нағмадан ором олади, кейинчалик худди шу ёқимли нағма бирдан ғойиб бўлса, қалб ҳаяжонга тушади. Худди шу олдинги нағмага ўхшаш иккинчи нағманинг пайдо бўлиши билан қалбдаги ҳаяжон йўқола бошлайди.

Демак, ёқимли нарсалардан роҳатланишнинг биринчи сабаби, йўқолган нарсадан қалб изтироб чекиб турган вақтда, ўша исталган товушнинг қўққисдан пайдо бўлишидир.

* * *

Нағмаларнинг ҳар қандай бирикмасидан инсон лаззатланавермайди, балки бу бирикишга тегишли бошқа ҳолатлар воситаси билан лаззатланиш содир бўлади.

* * *

Шеър ижтимоий бурч мақсадлари учун ёзилади.

* * *

Шеър кўпроқ табиатан шоир бўлганларда қўққисдан ва табиий равишда яратилади.

* * *

Одамлар рамзий фикр қилишга мойилроқ бўлади.

Рамзий қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундиради. Маълум бир ишлар киши ҳали кўрмасидан, улар ҳақида фикр юритмасидан, уни танламасидан туриб, бу ишлар унга ё **хуш келади, ёки** бу ишдан у ўзини тияди. Бир сўз билан айтганда, бундай нарсадан одам безовталанади, лекин бу безовталик онгли равишда эмас, балки нафсоний-рўҳий таъсирланганлик натижасида содир бўлади.

* * *

Тўғри сўз сал ўзгартирилиб, одатдагидан бошқачароқ тарзда айтилса ва бунинг устига унга унча-мунча нарсалар қўшилган бўлса, бу нарса инсон руҳига хуш келади. Балки бундай сўзларни рамзий қилиб ва рост қилиб айтиш ҳам мумкин. Балки шу билан рамзий гаплар орқали эътибор рост ва туйғулар томонга қаратилган ҳам бўлади. Шунда рамзий гап ҳам маъқул тушади, рост ҳам маъқул бўлади, лекин бунда рамзий гаплар тааж-жубга сазовор бўлади ва бундай сўзлардан киши руҳи лаззатланиб енгил тортади. Нарса агар айтилганга мувофиқ келгудай бўлса, уни рост деб қабул қилинади.

* * *

Нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандайлигича эмас, балки уни сал ўзгартирган тарзда олинганига истиора ё мажоз дейилади. Шеър мана шу истиора билан мажознинг таркибидан ҳосил бўлади. Чунки тақлид қилишнинг ўзи инсонга табиий бўлган бир нарсадир. Тақлид нарсанинг ўзи бўлмай, балки ўша нарсанинг ўхшашидир.

* * *

Маст кишидан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Модомики, инсон шулардан ажралар экан, одамгарчиликдан чиқади.

Шароб заҳарларнинг бири. Агар узоқ оч юрган киши овқат ва ичкиликлардан ҳаддан ташқари истеъмол қилса, уларнинг ҳаммаси заҳар бўлади.

Юсуф Хос Хожиб

(1021—?)

Юсуф Хос Хожиб Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири Боласоғунда туғилган. Унинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот бизгача етиб келмаган. Лекин у ўзининг 1069—1070 йилларда ёзган «Қутадғу билиг», («Саодатга йўлловчи билим») асари билан бутун дунёга маълум бўлган мутафаккирдир.

«Қутадғу билиг» таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқ ва одобга доир дарсликдир. Ушбу асарда мутафаккир ўзининг ахлоқий-сиёсий ва педагогик фикрларини баён қилган. Юсуф Хос Хожиб Марказий Осиёнинг жуда кўп буюк олимлари қатори мусулмон Шарқи халқлари маданияти тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ИНСОННИНГ ҚАДРИ БИЛИМ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Билим берди, (шу туфайли) инсон бу кун улуғликка эришди,
Уқув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар ёзилди.

Худо кимга уқув, ақл-идрок, билим берса,
Кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади.
Билимни буюк, уқувни улуғ бил,
Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.

Бу сўзнинг исботи учун мана шундай сўз бор,
Бу сўзни эшитгин, (тегишли) сўзингни мендан ол:
Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади.

Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли заковатли тилакка етади.

Билим маънисини билгин, билим нима дейди:
Билим билса, сўнг кишидан бало-офатлар йироқлашади.

Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,

Дардни даволамаса, киши бот ўлади.

Кел, эй билимсиз, дардингга даво қил,
Билимсиз бўлсанг — тубансан, доно (бўлсанг) — бахтлисан.

Билим гўё бир бошбоғ кабидир, агар киши унга эриша олса,
Тилакка етиб, туман орзуларга эришади.

Қишида заковат бўлса, (унинг) нафи каттадир,
Билим ўрганса, сўнг киши азиз бўлади.

Ҳамма ҳам иш-амалларни заковат туфайли бажаради,
Беклар давр-давронга билим туфайли эришганлар.

Тетик бўлса киши мол учун қайғурмайди,
Билим бўлса, киши ишда янглишмайди.

Буюк, билимли киши бу ҳақда жуда яхши сўзлаган,
Билимлига фақат яхшиликкина насиб бўлади, тушун.

Беклар ишини қилишга билимли (киши бўлиш) керак,
Билимсиз киши ҳамма (иш)га нолойиқ бўлади.

Қимгаки билимдан ҳисса тегмаган экан,
(Уни) тирик деса бўлмайди, уни ўлик ҳисобла.

Билим туфайли одам буюклашиб, шуҳрат топади,
Кишилар орасида юқорилашади (ўсади), барча иши унади.

Билимсиз киши қуруқ бўёқ (савлат) ва суратдир.
Билимли кишининг ўрни кўкдан ҳам баланд.

Ишларда ўта зеҳнли ва зийрак (бўлиш) керак,
Зийраклик туфайли ишларда гуноҳларга тойилишнинг олди олинади.

Зеҳн бўлса, нафи жуда ҳам талайдир,
Ҳамма эзгуликлар мояси шу зеҳндир.

Зеҳнсиз киши мевасиз дарахтдир,
Мевасиз дарахтни оч нима қилади.

Зеҳнли икки дунёдан ҳам баҳраманд бўлади,
Яхши (деб) ном олса, зеҳнли олади.

Зеҳнли, билимли киши ҳақиқий кишидир
Кишиларнинг етуги, халқнинг сарваридир...

ТИЛНИНГ ФАЗИЛАТИ, ФОЙДА-ЗАРАРЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ

Уқувга билимга тилмоч — бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.

Кишини тил эъзозлайди, киши у туфайли бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради.

Тил ҳовлида (яъни қафасда) ётган арслон кабидир,
Эй, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди.

Тили туфайли озор топган киши нима дейди, эшит,
Бу сўзга амал қилгин, ўз фойдангга ишлат.

Тил мени жуда кўп кулфатларга солади,
(У) бошимни кесмасин, (мен)—тилимни кесайин.

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин...

Сен ўзингга омонлик тиласанг,
Тилингдан яроқсиз сўзингни чиқарма.

Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.

Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,
Яна (кўп) сўзлашдан наф топмадим.

Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,
Тумон минг сўз тугунини — (яъни жумбоғини) шу бир сўзда еч.

Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади,

Ортиқча сўзласа, тилни эзма (ланди) дейилади,
Сўзламаса-чи, (уни) яна гунг-лол дейилади.

Гарчи шундай экан, муомалани ишга сол,
Муомала ишга солинса, кишини юқорилаштиради.

Тилингни ниҳоятда эҳтиёт қилгин, бош сақланади,
Сўзингни қисқа қилгин, ёшинг узайтирилади.

Тилнинг нафи талайдир, ортиқча ҳовлиқма,
Гоҳо тил мақталади, гоҳо сўкилади.

Гарчи шундай экан, сўзни билиб сўзла,
Сўзинг кўр учун кўз бўлсин, (у) кўра билсин.

Билимсиз шубҳасиз аниқ кўрдир,
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади,
Сўзингни эзгу сўзла, ўзинг абад ўлмайсан.

Киши ўзи икки нарса туфайли қаримайди;
Бири — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи.

Инсон туғилади, ўлади, кўргин, унинг сўзи қолади,
Инсон ўзи ўлади, оти мангу қолади, назар сол.

Ўзинг ўлмас (яъни мангу) тириклик истасанг,
Феълингни ва сўзингни эзгу тут, эй доно...

Мен сўзимни сенга сўзладим, эй ўғил,
Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўғил.

Мендан сенга кумуш, олтин қолса,
Уларни сен бу сўзга тенг тутмагин.

Кумушни ишга солсанг тугайди, олқинади,
Сўзимни ишга тутсанг, (сен учун) кумуш қозонади.

Кишидан кишига (қоладиган) мерос сўздир,
Мерос сўзни (яъни оталар сўзини) тутсанг, нафи юз-юздир.

Бу кун қовоғингни солма, эй билағон доно,
Агар ийманиб ўз узримни айтсам.

КИТОБ ЭГАСИ ЎЗИГА УЗР АЙТАДИ

Билимлилар жуда оз, билимсизлар кўп,
Безаковатлар талай, билгин, заковатлилар арзандадир.

Билимсиз билимлига ёв бўлди,
Билимсиз билимлига адоват қилди.

Кишидан кишининг кўп фарқи бор,
Бу фарқ билимдан, деб айтади бу тилим.

Билимсиз билан менинг ҳеч сўзим йўқ,
Эй доно, ўзим сенинг хизматингдадирман...

Ҳамма эзгуликлар билим нафи туфайлидир,
Билим туфайли гўё кўкка йўл топилади.

Барча сўзни сен билим билан сўзла,
Барча кишини сен билим туфайли улуғ деб бил.

Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,
Сўз туфайли инсон ўзини улуғ қилди.

Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир,
Билим инжу каби (унинг) тубида ётади.

Бўз ер қатидаги олтин тош,
Агар қазиб чиқарилса, беглар бошида безак бўлади.

Денгиздан киши инжуни чиқармаса,
У хоҳ инжу бўлсин, хоҳ соф тош бўлсин (бефойдадир).

Заковат ва билим — жуда эзгу нарса,
Агар (уларга) эришсанг, ишлат, учиб кўкка кўтарил.

Жаҳон тутиш учун киши заковатли бўлиши керак.
Халқни босиш учун ақл-фаросат ва юрак бўлиши керак.

Жаҳонгирлар заковат билан олам тутдилар,
Халқни босувчилар билим билан босдилар.

Оламга одам тушгандан (яъни одам яратилгандан) буён,
Заковатлилар эзгу сиёсат юритиб келдилар.

Бугундан бурунги қайси бир даврда бўлмасин,
Билимли(лар)га буюкроқ ўрин насиб бўлиб келди.

Доно, билимдон беглар халққа бош бўлади,
Билимсизлар ишни қилич билан битиради.

Олам тутиш учун киши ўта заковатли бўлса,
Халқни босиш учун киши ўта билимли бўлса.

Агар бу иккаласи бирикса, киши тугал бўлади,
Тугал киши оламни батамом (ва) тугал қўлга киритади.

Агар сен икки жаҳонни истайдиган бўлсанг,
(Унга етиштирадиган нарсанинг) чораси эзгуликдир, гар қилмоқчи бўлсанг.

Агар сен ўзинг эзгулик топмоқ истасанг,
Кел, эзгулик қил, сўзинг тамом.

Киши мангу бўла олмайди, мангу унинг отидир,
Ундан мангу қоладиган нарса унинг бу эзгу отидир.

Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,
Отинг мангу бўлса, ўзинг мангудирсан.

ЭЗГУ (КИШИ)ЛАРГА АРАЛАШИШ ЭЗГУЛИКЛАРИНИ АЙТАДИ

Агар халқ устидан қўлинг узун бўлса (яъни амринг вожиб бўлса),
Амалда ҳам, сўзда ҳам мутлоқ эзгулик қил.

Тирикликни ғанимат тут, эзгулик фойдалидир,
Эзгулик кейин егулик (ва) кийгулик бўлади.

Жаҳонда не янглиғ эрлар туғилди, кўргин,
Бир оз муддат юрди, яна ўлди кўргин.

Хоҳ бег, хоҳ қул, ё эзгу, ёмон бўлсин,
Ўзи ўлган бўлса, отидан из қолади.

Энди ўрин навбат билан сенга насиб бўлди,
Фақат эзгулик қил, сен эзгу бўлиб кет.

Бу тилда икки турли от такрорланиб юради,
Бир эзгу, бир ёмон (ном) дунёда қолади.

Ёмон сўкилади, эзгу мақтовга эришади,
Ўзингга қара, қайсинисини истайсан.

Ўзинг эзгу бўлсанг, отинг мақтовга лойиқдир,
Агар ёмон бўлсанг, таҳқирга маҳкумсан, эй латиф.

Тубан Заххок не туфайли таҳқирга лойиқ бўлди,
Бахтли Фаридун қандай қилиб мадҳга сазовор бўлди.

Бири эзгу эди, уни мадҳ қилдилар,
Бири ёмон эди, уни сўкдилар.

Сен учун ёмон (ном) дурустми ёки яхши ном,
Таҳқирни истайсанми ёки мадҳними?

Қайсинисини истасанг, (ўша) бирини танла,
(Танлаганинг) ёмон (лиқ) ёки эзгу (лик) бўлса, сўнг ўкинма.

Синаган киши бунга ўхшатиб сўз айтади.
Синаган киши эл-юрт ишини билади:

Киши эзгу ном билан олқиш олади, кўргин,
Ном чиқарган ёмон ўлса, қарғиш топади.

Кўп синадим, ёмон (лиқ) қилувчилар,
Кундан-кунга (орқага) кетаверди, кучи узилди.

Қанчаки кузатган бўлсам, ёмонлик иши,

Ёки мутлақо битмади, эй, билимли киши.

Ёмонлиқ мисли бир ўтдирки, у куйдирадиган бўлади,
Йўлида ҳеч ўтар ери йўққи, ундан ўтиб бўлсин.

Боқиб кўр, хоҳ биздан олдин ўтганлар,
Хоҳ авом, хоҳ жаҳонгир беглар (бўлсин).

Булардан қайси бири билим соҳиби бўлса,
(Ўша кишиларнинг афзаллари эзгу қонун(лар) кашф қилдилар.

Жаҳон бегларининг кимида билим бўлса,
(Ўша) кишиларнинг афзаллари эзгу қонунлар кашф қилдилар.

Бу вақтда ҳам ким эзгу киши деб аталса,
Аввал ўшалар эзгуларга бош бўладилар.

Кимда-ким билимга яқин доно бег бўлса,
Билимли кишиларни ўзига яқин қилади.

Қўл урган ишига қараб ишлайди,
Билимни ишга солиб халқни бошлайди...

Жаҳонда билимдан қадрлироқ нима бор,
Билимсиз деса — бу киши учун хунук ҳақорат.

Билимли киши нима дейди, эшитгин,
Жаҳонда (барча нарсаларни) синаган, ёши етилган (киши).

Билимсизга тўрда ўрин бўлса, кўргин,
Бу тўр пойга саналади, пойга эса тўр ҳисобланади.

Агар донога пойгадан ўрин тегса,
Бу пойга тўрдан ҳам тўрроқ бўлади.

Бу ҳурмат фақат билим туфайлидир,
Дунёнинг эшиги хоҳ тўрда, хоҳ пойгада бўлсин.

Асл киши(лар) икки турлидир, кўргин,
Бири—бег, бири—доно, кишилар боши...

Билими — буюк, ҳунар(лари) — талай.
Билимли, заковатли, халқ орасида сараси...

Жаҳонгирга минг туман санъат—шижоат керак,
Унга таянса ва элдан туманни (зулматни) кўтарса.

Қилич урса, ёв бўйнини янчса,
Адолатли сиёсат билан эли ва халқини тузса.

БИЛИМ, УҚУВ-ИДРОК ФАРҚИНИ, НАФИНИ АЙТАДИ

Тилагим сўз эди, эй билағон доно,
Уқув-идрок, билим ҳақида сўзлашим шарт бўлган.

Уқув-идрок зулмат тунидаги машъал кабидир,
Билим сенга нур сочган рўшноликдир.

Уқув-идрок билан киши юксалади, билим билан улғаяди,
Бу икки(си) туфайли эр қадр-қиммат қозонади...

Кичик ўғлонга қарагин, ўқув-идрокка донм,
Ёши етмагунча қалам юрмайди...

Уқув-идроксиз қандай бўлади, десанг
Уқув-идроксиз киши бебаҳра бўлади.

Қадр-қиммат, етуклик билим туфайлидир,
Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч (нарса) каби енгилдир.

Боқиб кўрилса, бу барчаси дуруст,
Уқув-идрокли, билимлининг асли яхшидир, кўр.

Кимда уқув-идрок бўлса, у асил бўлади,
Қайси бир кишида билим бўлса, у беглик қозонади.

Қора ер юзида инсон зоти қўл
Кўтарди, барча нарсаларга билимни ишга солди.

Уқув-идрок туфайли киши асил аталади,
Беглар эл ишини билим билан битиради.

Туман минг турли санъати, талай мақтов (га лойиқ ишлар)ни,
Уқув-идрок билан иш кўрганлари учун (ҳам қилдилар) қўлга киритдилар.

Уқув-идрок озини оз дема, (унинг) нафи кўпдир,
Билим озини оз дема, (у) киши учун қимматлидир...

Билим—кимё каби, у жам бўлиб туради,
У заковат ўрдасидир, доим уюлиб туради.

Ипор ва билим бир-бирига ўхшаш нарсалардир,
(Уни) ўзидан бўлаклардан беркитиб, яшириб сақласа бўлмайди.

Чунки сен ипор яширсанг, унинг ҳиди ошкора қилади,
Билим яширсангчи, тилинг уни (улашади) намойиш қилади.

Билим қашшоқ қилмовчи (битмас-туганмас) бир бойликдир.
Ўғри, айёр қўл уриб уни ҳеч ола олмайди.

Билим ҳам заковат киши учун гўё бир кишандир,
Қишанли эса ортиқ яроқсиз (ишларга) бора олмайди....

Заковат сен учун эзгу онтли дўстдир,
Билим сен учун ўта меҳрибон қариндошдир.

Билимсизга билганлари, қилмишлари ёвдир,
Бошқа бўлмаса ҳам, шу икки ёвнинг ўзи кифоядир.

Туркчада бунга ўхшайдиган масал мавжуд,
Сен бу масални уққин, кўнгилга ва миянгга жойла;

Заковатли киши учун заковат етарли эшдир.
Билимсиз кишининг оти фақат таққирга лойиқдир.

Билимлига унинг билими тугал кийим ва емишдир,
Билимсизнинг қилмиши унга ёвуз (ниятли) қўлдошдир.

(Эй) заковатли яхши киши, ғазабни ўзингдан йироқ тут,
Эй билимли киши, қаҳр қилма, номингни эзгу қил.

Бу иккиси (ғазаб ва қаҳр) билан шошилиб иш кўрма,
Агар (шундай) қилсанг, тирикчиликни беҳуда қиласан.

Ғазабли киши доим ўкинчли бўлади,
Киши ишда қаҳр қилса, у адашади.

Эр кишига вазминлик даркор, унинг қилмишлари тўғри бўлиши керак.

Кун, ой чиққанидаги каби эр киши учун рўшнолик лозим.

Киши мулойим ва хушфеълли,
Заковатли ва билимли бўлиши керак.

Киши заковатли бўлиши керак, токи билимни яхши танлай билса,
У билимли бўлиши керак, токи ишларни яхши битира олса...

Қаҳр билан ғазаб киши учун ёвуз душманидир.
Бу иккаласи билан жон доим азият чекади.

Билағон, доно бег нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга амал қил, эй қизил юзли;

Қаҳрли бўлса, одам билимсиз бўлади.
Агар ғазаб келса, кишини заковатдан маҳрум қилади.

Жаҳолат кишига душман, (у) ақлдан оздиради,
Агар хулқи гўзал киши ғазабга кирса, пасткашлик қилади.

Билимли киши нима дейди, эшитгин,
Билимли киши сўзи чиндан ҳам севик жон тенгидир.

Қўргин, бу бир қатор нарсалар кишига душмандир,
Одам буларга ўрганса, ўзи бузилади.

Булардан бири — бу тил ёлғони,
Булардан бошқаси — сўзнинг устидан чиқмаслик.

Учинчи яна бири — севиб ичимлик ичса,
Шубҳасиз бўлар иш бўлади, (умр) бутунлай зое кетади.

Яна бири эр киши учун қилмишнинг (ҳаддидан) ортиқлигидир,
Бу (ҳаддидан) ортиқ қилмишли кишининг севинчи бўлмайди.

Яна бири ярамас нарса — бу тубан хулқлилик,
Одамлар уйида бу (пасткашлик) тутин қўпоради.

Яна бири — тил ёмонлик, доимий дарғазаблик,
Ундай киши сўкса, (дашномга) тил очса, одамни ўлдиради.

Бу бир қатор нарсалар бири иккинчиси билан бирикса,
Ундан (яъни ундай кишидан) муқаддас бахт йироқлашади..

Энди хулқи хуш киши нима дейди, эшитгин,
Синаб, тушуниб элга қўл узатган (киши):

Неча яшамасин, бу эзгулик қаримайди,
Ёмонлик, уни қанчалик эъзозлаган билан, азиз бўлмайди.

Ёмоннинг ёши қисқа, у ўкинч билан қарийди,
Эзгунинг ёши узун, у доим ўкинчсиз юради.

Эзгу кунда янги-янги тилакларини топади,
Ёмоннинг мунги кунда юз ҳисса ортади...

ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ:

Эзгу кишининг гўзал қилиқлари қандай бўлади?
Эзгу (киши) ким, унинг ўзи қандай бўлади?

ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Эзгу шундай кишики, унинг қилиш-қилмишлари, рафтори,
Халққа нафи баробарида фойда берадиган бўлади.

Барча халққа фақат яхшилик қилади,
Унинг эвазига яна кишилардан мукофот кутмайди.

Ўз фойдасини кўзламайди, кишиларга фойда келтиради,
Бу фойдасидан ўзи учун эваз миннат қилмайди.

ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ:

Ойтўлди яна айтди: Бу сўзларни тушундим,
Яна бир тилагимни сендан сўрайман.

Менга тўғрилик ҳақида сўзла, тўғрилик қандай бўлади?
Токи инсон у туфайли рўшноликка чиқса.

Тўғрилик йўли деб қандай (йўлни) айтадилар,
Тўғриликнинг пояси (асоси) қанақа бўлади?

ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Эзгу (кишилар) икки турлидир,
Булардан бири чин ва яхши йўл тутувчилардир.

Яна бир хил яхши бўладики, онадан туғилиб,
Тўғри ва рост (йўлда) юради, доим яхши бўлади.

Яхшиларнинг яна бири, кўргин, ўткинчи бўлади,
Ёмонга аралашса, у ҳам ёмон (ишлар) қилади.

Ёмон (кишилар) ҳам икки турли бўлади, кўргин,
Иккаласини бир ҳисоблаб ёмонга санама.

Булардан бири туға ёмондир, кўргин,
Бундай киши ўлмагунча унинг кири (нуқсони) аримайди.

Яна бири ёмон — бу ўткинчидир,
Унинг жўралари соз бўлса, у ҳам тўғри йўлга киради.

Туға яхши кишидан пайваста яхшилик келади,
Жаҳон халқи ундан манфаат топади.

Туға ёмон бўлса унга даво йўқ,
У жаҳонга бир бало ва халқ учун бир офат.

Бунга ўхшатиб туркча масал айтилган,
Сен буни эшитгин, уқиб уни ўзингга олгин.

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини ўзгартирмайди.

Мижозга аралашиб яратилган қилиқ,
Ўлим бузмагунча асло бузилмайди.

Қоринда вужуд бўлган қилиқ, одат,
Қора ер қатида кетади, эй тетик.

Агар яхшининг ёмондан жўраси бўлса,
Яхшининг қилиқлари ҳам ёмон жўра тенгида ёмон бўлади.

Яхши била туриб ёмон билан қўшилса,
Тамоми яхшиликлар учун бу бир йўл бўлади.

Яна бир сабаб шуки, кўргин, яхши билан ёмон
Яқинлик туфайлидан изини (йўлини) тўғрилайди.

Агар беги яхши бўлса, барча халқи соз бўлади,
Унинг қилиқлари яхши, феълу рафтори гўзал бўлади.

Кўргин, беглар эзгу кишиларни ўзига яқин тутса,
Барча ёмонлар ҳам ишни яхши қилади.

Бегларга ёмонлар яқин бўлса,
Ёмонларнинг қўли эл устидан баланд бўлади...

Агар халқнинг бошчиси яхши бўлсалар,
Унинг хизматчилари барчаси яхши бўлади...

СЎЗЛАМОҚ ЯХШИРОҚМИ ЁКИ СЎЗЛАМАЙ ЖИМ ТУРМОҚ (ЯХШИРОҚМИ) ЭКАНЛИГИНИ АЙТАДИ

Бошим омон бўлсин десанг, тилингни эҳтиёт қил,
Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди...

Ахир киши икки турли бўлади, билгин,
Бири — нодон, яна бири — лол.

Лолнинг тили ўзи табиатан берк, у сўйлай олмайди,
Нодоннинг тили эса сўзни яшира олмайди.

Нодоннинг тили доим берк бўлиши керак,
Билимлининг тили сўзга эркин бўлиши керак.

Билимлининг сўзлари ер учун сув кабидир,
Сувни оқизилса, ерда анвойи неъматлар унади.

Билимли кишининг овозаси камаймайди,
Оқувчи зилол булоқнинг суви камаймайди.

Донолар чим (кўк) ўсадиган сероб ер каби бўладилар,
Унинг қаерига аёқ урилса, сув чиқади.

Нодон киши кўнгли қум (чўл) каби бўлади,

Емиш, ўт ўсиши у ёқда турсин, унга дарё оқиб кирса ҳам тўлмайди...

Агар киши сўзлаши керак бўлса, аввал ундан сўз сўралган бўлиши керак,
Агар сўзламаса, у киши сўзни ниҳоятда сир тутиши керак...

ОЙТУЛДИ УҒЛИ УГДУЛМИШГА ПАНД БЕРИШИНИ АЙТАДИ

Болага отанинг меҳнати сингган бўлса,
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.

(Ота) болани назоратда тутса, у яхши, эзгу бўлади,
Отаси ва онасининг юзи ёруғ бўлади.

Агар бола назоратсиз бўлса,
У ярамас, беҳудакор бўлади, ундай боладан умидингни уз.

Ота болани доно ва идрокли қилиб тарбияламоқчи бўлса,
Уни доим назоратда тутиши керак, бунинг тадбири шу (ёзилган нарса).

Болали киши нима дейди, эшитгин,

Ёши етилган ва бошидан ўтказган киши.
Қимнинг ўғил-қизи эрка бўлса,
Унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиғлайди.

Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса,
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида.

Ўғил-қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса,
Бу ярамас ишни ота қилган бўлади, ундан бошқа эмас.

Ота болани назорат қилиб, (турли ҳунарларга) ўргатиб ўстирса,
(Улар) улғайгач ўғил-қизим (бор), деб севинади.

Болани назоратда сақла, (эй) ота бўлғувчи,
Токи кейин сенга кулувчилар кулмасин.

Ўғил-қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак,
Токи бу ҳунарлар билан феълу атвори гўзал бўлсин...

ОЙТУЛДИ УГДУЛМИШГА НАСИҲАТ ҚИЛИШИНИ АЙТАДИ

Феъл-атворингни тўғри тут, ўзингдан кетма,
Кўнгил, тилингни кичик тут, сўзингда ҳаво қилма.

Бу дунё—давлат учун ўзингни ўтга отма,
Қиши нарсаларини (тортиб) олма, зўравонлик қилма...

Тўғри бўл, феъл-атворингни тугал тут,
Севинч деган нарса тўғриликка боғлиқдир.

Феъл-атвори тўғри киши нима дейди, эшитгин,
Тўғри феъл-атворли кишига икки дунё насиб бўлади.

Қиши ўз кунининг фароғатли бўлишини истаса,
Фароғат ва эминликни тўғриликдан қидирсин.

Ўзинг албатта бег бўлайин десанг,
Бу сенга тўғрилик туфайли насиб бўлади...

Фақат яхшилик қил, ёмон (иш)дан узоқ бўл,
Сен ўлтирган ерингга фақат яхшилиқ келади,

Ёмон ишга яқинлашма, сенга зиён қилади,
Ёмонлик илондир, у сени чақади, кўргин.

Ичимлик ичма, тубанларга аралашмай юр,
Эмин юр, ўзинг эзгу бўласан.

Бу икки хулқдан муқаддас кут қочади.
У киши учун қашшоқлик эшигини очади.

Икки турли кишига сўз сўзлама,
Сўзинг (ҳамма ерга) ёйилади ҳамда сиринг очилади.

Сўз ташувчи кишини ўзингга яқинлаштирма,
Кўрган-билганини бутун элга ёяди.

Синалган, танилган кишини маҳкам тут,
Ундан сенга туман минг манфаат етади.

Ҳар қанақа сўзни ҳам тингла, лекин тезда ишонма,
Кўнгилдаги сирингни очма, қаттиқ ва маҳкам тут.

Кишига ҳасад қилма, ўзингни яхши тут,
Бу икки қилиқдан доим ғам-ташвиш келади...

Уятсиз кишидан зинҳор йироқ тур,
Уятлиларга мендан минг-минг олқишлар бўлсин.

Барча ишда ҳам шошилма, сабрли бўл, ўйлаб кўр,
Сабрли кишилар орзуга етади.

Қачон қаҳринг келса, ўзингни тут, сабрли бўл,
Сабрли кишининг севинчи олдида...

Киши сабр қилса, ўз тилагини топади,
Сабр қилиб тургувчи киши оққуш тутади.

Тилингдан ёлғон сўзингни чиқарма,
Шу ёлғон сўзгина дарҳол қадрингни тўкади.

Қариндошларга, яқинларга яқинлик қил,
Улуғга ва кичикка кулиб боқувчи очиқ чеҳрали бўл...

ОЙТУЛДИ ЭЛИГГА НАСИҲАТНОМА ЁЗИБ ҚОЛДИРИШИНИ АЙТАДИ

Мана, мен ўлиб кетаётирман, эй бахтиёр Элиг,
Менинг ўғлим—бағримнинг ўти қолиб кетаётир.

Уни ёлвориб худога топширдим.
Хоҳласа уни ёнор ўт орасида ҳам асрайди.

Сендан ҳожатим шуки, уни кузатиб тур,
Ташлаб қўйма, ярамаслар қаторига киради.

Тангри барча нарсаларга сабаб яратади,
Барча яхши-ёмон (ишлар) унга (яъни, у сабабга) боғлиқдир.

Ўғил ва қизнинг сабаби ота ва онадир,
Уларнинг хулқи бузилса ёки яна қайтадан яхшиланса (улар унга сабаб).
Агар сенда хизматимнинг ҳақи бор бўлса,
Сен сабаб бўл ва уни (ўғлимни) яхши йўлга унда.

Кузатиб қараб турма, унга ҳунар-илм ўргатгин,
Билим, ҳунар туфайли элга қўл топсин (яъни бош бўлсин)

Хулқи ёқимли бўлсин, йўл-йўриқлари тузилсин,
Хизматга ярасин, ўз оладиганларини олсин.

Беҳуда ва бўш қўйма, йиғиб, тергаб тут,
Тергаб тутилса, сўнг бола бахт топади.

Ўғил-қиз кичиклигидан нимани ўрганса,
То қариб ўлмагунча уни унутмайди.

Улғайган қари (киши) нима дейди, эшитгин,
Синаган, уққан ҳамда билиб сўзлаган киши:

Кичик экан ўғилга билим ўргат,
Кичикликда билим ўрганса, қўли баланд бўлади.

Аяма, ўғил-қизга калтак едириб тур,
Калтак ўғил-қизга билим (адаб) ўргатади...

ЎГИТЛАР

Ғийбатчи кишига аралашма, узоқлаш,
Ғийбатчи киши тилида ўт ёнади, кўр.

Дунё фисқу фасодлари ғийбатчидан чиқади,
Ғийбатчининг бошини кес ,эй мардонавор сахий.

Яна тамагир билан яқин бўлма,
Шубҳасиз, у сенга душман бўлади.

Агар (бирор) тамаси бўлса, бу тамагир,
Сени ини ёки ака деб атайди.

Агар (тамаси) бўлмаса, у юзини ўгиради,
Туғилиб кўрмагандек ўзини узоқлаштиради.

Тамасиз ёру биродар ва дўст тутин,
Сен уларга инонгин (ва) қайғусиз яшагин.

Ёру биродарлар, жўралар севинч ва қайғуда,
Яхшилик (ва) ёмонлик (кунлар)да кишининг кунига ярайди...

Одамлардан сарасини, яхшисини ошна тут,
(Кимнинг) дўсту оғайнилари ярамас бўлса, кейин ўкинади.

Яқин тутиш учун сара киши истасанг,
Тилакни топиш учун, улар икки турлидир.

Бири — асл, эзгу кишиларнинг сараси,
(Агар бундай одам) топилса, дўст тут, ай мардлар сарвари.

Яна бири — андишали, худони биладиган,
У — (асл) одамдир, одамгарчилик ўшандан келади.

Яқинликни шу икки киши билан тут.
Булардан сенга эзгу эваз етади.

Ёмонлик билан машҳур бўлган кишидан йироқлаш,
Бу янглиғ кишиларнинг қилиғи қора бўлади...

Ёмонга аралашма, эй эзгу киши,
Хулқинг у баробарида ёмон бўлади.

Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин,
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин...

ДОНО ОЛИМЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ УРГАТАДИ

Тағин бир тоифаси доно олимлардир,
Уларнинг илми халққа йўл ёритувчи (нарса)дир.

Уларни қаттиқ сев, сўзларини қадрла,
Кўпми ёки озми (уларнинг) билимларини ўрган.

Улардир ярайдиган ё ярамайдиган (нарсаларни),
Тушуниб, айириб, тўғри, пок йўл тутадиган (кишилар).

Булар ҳақиқат бўйининг тирговичидирлар,
Уларнинг билими чиндан шариат негизидир.

Оламда бу олим, донолар бўлмаганида,
Ерда емиш экилиб унмаган бўлар эди.

Уларнинг илми халққа машъал бўлди,
Машъал ёриса, тунда йўлдан адашилмайди.

Ҳузурингда ширин сўз билан баҳра кўрсат,
Овқат, хўрак едиргин, кулиб таъзим қил.

Тилинг билан койима, аччиқ гапирма, андишали бўлгин,
Уларнинг вужуди бир санач оғу (каби) дир.

Илм (ларини) эшит, ишлат, ишларини таъқиб қилма,
Ё хулқини, феъл-атворини ёмон дема.

Булар билан аралашгин, яхши (муносабатда) бўл,
Икки олам сенга доим бахт (эшигини) очади.

Булардан ташқари бошқа қанча табақалар бордир,
Назар солинса, билимлари бир-бирининг билимидан ўзгача.

ТАБИБЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ АЙТАДИ

Улардан бири табиб (лар) дир,
Ҳамма касаллик, руҳ оғирлигига улар эмчидирлар.

Бу кишилар ҳам сен учун кераклидирлар,
Тириклик иши у (лар) сиз ўнгланмайди.

Тирик бўлса одам албатта касалланади,
Касалини эмчи кўрса, дори билан даволайди...

ХОТИННИНГ ҚАНАҚАСИНИ ОЛМОҚЛИКНИ АЙТАДИ

Агар ўзинг хотин олмоқликни истасанг,
Сарасини иста, кўзингни жуда ўткир қил.

Асли, уруғи ҳамда тариғи (яъни зоти) яхши бўлсин,
Уятли, андишали, покизасини истагин.

(Ўбдан) ўйла, қўл тегмаган уй қизини ол,
Сендан бўлак эр юзини кўрмаган (бўлсин).

(Фақат) сени севади, сендан бўлакни билмайди,
Ярамас ёки ножўя қилиқ содир бўлмайди.

Хотин олсанг, ўзингдан қуйи (ва) тўғрисини ол,
Сен даврон кун(лар)ини севинчда ўтказасан.
Юзи чиройини истама, хулқи яхшисини иста,
Феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёритади.

(Аввало) хотин олма, олсанг, ўзингга муносибини
Олгин сен, эй режали мардларнинг марди...

Ким хотин олайин деса, тўрт (тоифа)дан ташқари,
Бошқа (тоифа) хотин олмайди, эй кишилар орасида сарвари.

(Баъзи) бир яхши(лар) зўр иштиёқ билан бой хотин истайди(лар),
Яна (баъзи) бир(лар)и кўз тикиб чиройлисини истайди(лар).

Тағин баъзи бирлари уруғли, теги асл(лар)ини сўроқлайдилар,
(Улар) уруғлик номига учадиган бўладилар.

Тағин (баъзи) бир(лар)и фаросатли, андишалисини истайдилар,
Уни топса(лар), дарҳол унга ўз(лар)ини улайди(лар).

Булардан энг афзалини сенга айтайин,
Хотин оладиган бўлсанг, менга қулоқ сол...

Агар яхши, андишали аёл топишга муяссар бўлсанг,
Бой берма, (дарҳол) олгин, эй эзгу киши...

Феъл-атвори тўғри бўлса, (жуда) муносиб бўлади,
Хотин чиройи хулқдир, (буни) билган билади.

Андишали, покиза бўлса, (ундай киши) асл бўлади,
У (юқоридаги уч нарса) бу ерда (яъни унда) жам бўлади.

Сен хотиннинг андишали-ақллисини иста, эй доно,
Андишали-ақлли (хотин) топилса (юқорида айтилган) тўртталаси жам бўлади.

ЎҒИЛ-ҚИЗ ТУҒИЛСА, УЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАШНИ АЙТАДИ

Сенинг ўғил-қизинг бунёдга келса, эй олий насаб,
Уйингда тарбиялагин, бошқа ерда тарбиялама.

Мураббийни яхши кишилардан олгин,
Ўғил-қиз пок ўсади, (номатлуб ишлардан) фориғ бўлади.

Ўғил-қизга билим ҳам одоб ўргат,
Икки олам уники, унинг манфаати етарли бўлади...

Ўғилга барча санъат-ҳунарларни тугал ўргат,
Бу санъат-ҳунарлар билан у мол-дунё йиға беради.

Ўғилни тергаб тур, бебош (ва) беҳуда қўйма,
(У) бефойда (ва)бебош бўлади, шошиб (бекорга) югуради.

Қизни уйда узоқ эрсизликда сақлама,
Ўзинг касалланмасдан аттанг билан ўласан...

Сен хотинни қадрли тут, нима сўраса муҳайё қил,
Унинг эшигини маҳкамла, эркакни йироқ тут...

Аҳмад Яссавий

Ҳўжа Аҳмад 1041 йилда Сайрам шаҳрида Иброҳим ота ва Қорасоч момо номи билан машҳур бўлган Ойша хотун оиласида таваллуд топган. Сайрам туркий халқларнинг тараққий этган илм-фан ва маданият марказларидан бири эди. Бўлажак Султон Орифин Аҳмад Яссавийнинг туғилган жойларини аниқ тайин қилишда «Сайрам» рисоласидаги ушбу тўртлик ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, унда шундай мисраларни ўқиймиз:

Асли Сайрам Туркистон,
Ҳўжа Аҳмад бундан чиққан,
Яссида ватан тутган,
Шаҳри Сайрам эмасму!

Бу сатрлар бундан минг йиллар муқаддам битилганини эътиборга олсак, бу ерда ўз вақтида тўрт юз масжид, мадраса каби маърифат масканлари юзлаб олиму, фозилларни вояга етказганлигига шубҳа қилмаймиз. Мўътабар китобларнинг берган маълумотларига қараганда, у ердан Қуръони каримни тафсир қилган Қози Байзовий, ўттиздан ортиқ китоблар ёзган Лутфулла Сарёмий каби ўнлаб илм-маърифат аҳллари етишиб чиққан.

Ёш Аҳмад шу тупроқда камол топган, илк маълумотини волидалари Қорасоч момо—Ойша хотундан олиб, хат-саводи чиққач, Шаҳобиддин Исфижобий қўлида таҳсилни давом эттирди.

Мираҳмад Мирхолдор ўғлининг «Ҳўжа Аҳмад Яссавий» (Чимкент, 1992) рисоласида келтирган ривоят ва маълумотларига қараганда, Аҳмад мактабда ўзининг ўткир зеҳни, Қуръон оятлари, ҳадисларни қалбига жо қилишдаги истеъдоди билан ўз тенгдошларидан ажралиб турган. Навбатдаги сабоқлардан бири тугагач, устозлари Шаҳобиддин Исфижобий талабаларга ҳар биригиз кейинги дарсга бир хўроз ёки товуқни Олло таоло кўрмайдиган

жойда «бисмил» қилиб, (яъни сўйиб) келинглар, деб топшириқ беради. Эртасига ҳамма болалар устоз айтганларини қилиб келса, Аҳмад бир хўрозни тириклайин олиб келади.

— Устоз, узр, мен хўрозни «бисмил» қила олмадим. Қаерга яшириб сўймоқчи бўлсам, тангри кўриб турар эди.

— Баракалло, офарин, деб устоз ёш шогирдининг мустаҳкам имон-эътиқоди учун пешонасидан ўпиб алқайдилар. Устоз ёш шогирди Аҳмаднинг хулқ-одобига ҳам офаринлар айтарди.

1048 йилда отаси вафот этгач, ёш Аҳмад таълим-тарбиясига онаси Ойша хотун катта эътибор билан қарайди. Аҳмад Яссавий шажара жиҳатдан Муҳаммад пайғамбарнинг куёви бўлмиш Ҳазрат Алининг Ҳанифа исмли аёлидан туғилган Муҳаммад Ҳанафийнинг авлодларига бориб туташганлиги учун унинг номига Хўжа нисбати қўшилиб, Хўжа Аҳмад деб юритилган.

Хўжа Аҳмад Арслонбоб ва Сайрамдаги етук олимлардан диний-илоҳий билимлар билан бир қаторда турли дунёвий билимлардан ҳам сабоқ олган. Ёш Аҳмад доимо Муҳаммад пайғамбарнинг «Илм эгалланг! Илм саҳросида — дўст, ҳаёт йўлларида — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда — раҳбар, қайғули онларда — мададкор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир» деган сўзларини такрорлаб юрарди. Шу ўгитлар таъсири билан ўша даврнинг илм-маърифат марказларидан Бухоройи шарифда алломаи замон Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари қўлида илм ола бошлайди. Бир неча йиллик тинимсиз ўқиб-ўрганиши натижасида устози олдида унинг эътибори кўтарилди, ҳамкасблари олдида обрўйи ошди. Орадан маълум фурсат ўтиб, устоз Юсуф Ҳамадоний вафот этгач, унинг устозлик ишини давом эттириб, тасаввуф илмидан толиби илмларга сабоқ беради. Муносиб шогирдлар етиштиргач, ўзи Туркистон заминининг Ўтрор шаҳри яқинидаги Ясса шаҳрига келиб, халқ орасида исломий эътиқод, маърифат нурларини кенг ёя бошлайди. Оилали бўлиб, ўғил фарзанд кўради,унга Шайхзода Иброҳим деб исм қўядилар. Аммо бегуноҳ Шайхзода бераҳм рақиблари — жоҳил кимсалар қўлида қурбон бўлади. Яссавийнинг қизи Гавҳар Ҳуштарийни Хўжа Вали Сулаймоннинг ўғлига никоҳ қилиб берадилар. Хўжа Аҳмаднинг тоғалари — Латиф ота ва Мустафоқули ота ҳам халқ орасида шайхлик билан ҳақиқатни, исломий адолат ва инсоф-диёнатни кенг тарғиб қилади.

Хўжа Аҳмад Яссавий ҳаёти, вафот этган йиллари ҳақида турлича маълумотлар мавжуд. Жумладан, мавлоно Хусомиддин Сиғноқий «Хўжа Аҳмад Яссавий 130 йил умр кўрган» деб ёзади. Айрим маълумотларга қараганда, у зоти шариф пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод юзасидан 63 ёшга кирганда ер тубида, ғорда яшаб ҳаёт кечирганлар. Лекин у ерда неча йил яшаганлари аниқ маълум эмас. Аммо ўзларининг ҳикматларида ёзилишича, 125 ёшга кирганлиги ҳақида маълумот берилган. Шу ёшда ҳам тетик бўлиб, ҳикмат мисраларини битган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хўжа Аҳмад Яссавий тахминан 125—130 ёшлар орасида, яъни 1166 йилда Яссида оламдан

ўтган. Улуғ бобомиз Жаҳонгир Амир Темур 1395—1397 йилларда унинг кичик қабри устига улуғвор бино қурдирган бўлиб, ҳамон ўзининг салобати, кўркамлиги билан зиёратчиларни мафтун қилиб келмоқда.

Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиши борасида атоқли турк олими Фуод Куприлизода, профессор Абдурауф Фитрат, В. Зоҳидов, Н. Маллаев, Эргаш Рустамов, С. Эркинов, Б. Қосимов, М. Мирхолдоров каби олимлар маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

Шоирнинг Яссавий тахаллуси билан қолдирган адабий мероси асосан тўртликлардан иборат. Шунингдек, унинг адабий меросида айрим ғазал ва маснавийлар ҳам мавжуд. Аҳмад Яссавий адабий меросининг аниқ ҳажми маълум эмас. Шоирнинг ўзи бир ўринда шундай ёзган:

Қул Хожа Аҳмад ҳар бир сўзинг дардга дармон,
Толибларга баён қилсам қолмас армон.
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айдим ҳақидин фармон,
Фармон бўлса, ўлгунча сўзласам ман.

Мазкур шеърнинг ғоявий йўналиши тасаввуфона бўлиб, кишиларни бу дунёда пок, ҳалол, беозор, етим-ғарибларга меҳр-шафқатли бўлиб яшашга даъват қилишдан иборат. Бу йўлда инсонлар ўзларини турли ножўя йўлларга бошловчи нафсни жиловлашга чақиради.

Хўжа Аҳмад бир шеърида «Мени ҳикматларим кони ҳадисдур» деб ёзади, яъни унинг ҳикматлари мазмунини оят, ҳадислардаги эзгу фикрлар ташкил этади. У қатор ҳикматларида кишиларни етим-есир, ғарибларга меҳр-шафқатли бўлишга чақиради.

Етимни кўрсангиз оғритмангизлар,
Ғарибни кўрсангиз доғ этмангизлар.

Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ғариб, етимларга меҳрибонлик билан қараши, айримлар ёзганидек, у «йўқсил» лар шоири эмас, балки тасаввуф маслагининг йирик вакили сифатида қалбни, дилни покликка даъват қилувчи шоирдир.

Унинг дурдона ҳикматлари меҳнаткашларнинг қалбига фақат нур олиб келмай, шоир меросидан кўп асрлик туркийзабон халқлар орасидан етишиб чиққан қаламкашлар ҳам баҳраманд бўлиб, унинг халқчил ғоя, содда ва равон услубини ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Бу ҳол, айниқса, унинг шогирди Сулаймон Боқирғоний, XIII аср озарбайжон адабиётида илк бор ўз она тилисида шеър ёзган Ҳабибий, Алишер Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Ҳазиний каби ўнлаб шоирлар ижодида кўзга яққол ташланади. Алишер Навоий ўзининг «Насойимул-муҳаббат» номли асарида ёзади: «Хўжа Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайхул машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, каромати матаволий (ҳайратланарли) ва номаҳсур (чегарасиз) эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадонийнинг аслобидиндур. Ва унинг мозори Туркистон-

да, Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаидур воқе бўлубтур ва Туркистон аҳлининг **қиблаи дуосидир».**

Аҳмад Яссавийнинг кўп қиррали, маълум маънода мураккаб ҳаёти ва ижодий фаолияти туркий халқлар адабиётининг пешвоси сифатида Энасойдан тортиб Қирғизистонгача бўлган халқларнинг маънавий камолотида ҳали кўп замонлар ардоқ билан ўқиб ўрганилади.

АҲМАД ЯССАВИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Муршидларни хизматини қил ихтиёр,
Ўзлигимдин йўлга кирдим дема зинҳор.
Яхши билсанг, тариқатни хатари бор,
Қалб вазсиз ушбу йўлга кирманг, дўстлар.

Муршидларга хизмат қилсанг нафсга офат,
Тегма нодон, бу йўлларда қилмас тоқат.
Содиқ қуллар бу йўлларни билур роҳат,
Тирик ўлмай дийдор орзу қилманг, дўстлар.

Маърифатнинг бўстонида жонин бургон,
Муҳаббатнинг майдонида бош ўйноғон,
Ҳақиқатнинг дарёсидин гавҳар олғон,
Ғоввос янглиғ ул дарёдин чиқмас бўлур.

Эй, мўминлар, тоат қилиб таянмангиз,
Амонатдур азиз жонга инонмангиз.
Ҳаром-ҳариш йиғмиш молга қувонмангиз,
Молларини қирши отлиғ йилон қилур.

Суннатларни маҳкам тутуб уммат бўлғил,
Кеча-кундуз дуруд айтиб улфат бўлғил.
Нафсни тефиб меҳнат етса роҳат бўлғил,
Андоқ ошиқ икки кўзи гирён эрур.

Шариатни, тариқатни билай десанг,
Тариқатни ҳақиқатга улай десанг,
Бу дунёдин дурру гуҳар олай десанг,
Жондин кечкан, хос қуллари улур эрмиш.

Мағрур бўлсанг, эй дўстларим, ишрат этиб,
Кеча-кундуз ёлғон айтиб, бехоб ётиб,
Жон олғучи келур эрмиш бир кун етиб.
Мундоғ ерда ғофил юрса бўлмас эрмиш.

Халқ ичинда руово юрар, ўзин билмас,
Нодонларни суҳбатидин қочиб келмас,
Ул сабабдин эранларни бўйи келмас,
Кўзда ёшин наво қилиб юрар бўлғай.

Яхши янглиғ чўлларарo қилғай ватан,
Саҳроларда ҳамроҳлари зоғу зағам,
Ҳожат эрмас ошиқларга боғу чаман,
Хизр, Илёс Ҳамроҳ келиб юрар бўлғай.

Ибрат олғил йўлға кирган мардонлардин,
Жонни жонға пайванд қилиб юргонлардин.
Йўлни сўраб йўлдин ёмон борғонлардин,
Андоғ қуллар ҳолин бехоб, хароб этти.

Ошиқлари маломатдин қочмас бўлур,
Нодонларга ботин сиррин очмас бўлур,
Ҳар номардга дурри гуҳар сочмас бўлур,
Ўзи ўқуб, хуни зардоб ютти бўлғай.

Қул Хожа Аҳмад, Ҳақ сўзини сўзлар мудом,
Ҳақдин ўзга сўзлар борий эрмиш ҳаром,
Рўзи қилса ўрнинг бўлғай Доруссалом,
Маърифатни дарёсиға ботти бўлғай.

* * *

Бу оламда Ҳақдин қўрқуб зор инграсам,
Охиратда руҳим ором олурмукин?
Эранларни босқон изин кўзга сурсам,
Пири муғон мани йўлға солурмукин?

Бошим бериб, белим боғлаб қилсам ихлос,
Нафси шайтон чангалидин бўлсам халос,
Жон берарда мадад қилса Хизр, Илёс,
Ғавсул ғиёс хатми ёсун қилурмукин?

Қўлни йиғиб, дарё ичра тошлотти,
Зимистонда дарё тошиб, наъра тортти,
Шаҳар халқи югуруб-елиб боши қотти,
Жондин қўрқуб, дод, фарёд қилор эрмиш.

* * *

Бешак билинг, бу дунё борча элдин ўтаро,
Инонмагил молингга, бир кун қўлдин кетаро.
Ото-оно, қариндош, қаён кетти, фикр қил.
Тўрт аёғлиг чўбин от бир кун санга етаро.

Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл ғариб бош, умринг елдак ўтаро.

Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмом неча йил,
Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.

* * *

Ҳамиша яхшилик қилғил, кетарсан ушбу дунёдин,
Қиёмат оби рўйиға керак хуну жигар қилсанг.

* * *

Қудрат бўлса юрингиз, куч бўлмаса туринғиз,
Дуо қила кўрунгиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Тилим сўрсам, қарор йўқ, ғариб ўлса, сўрар йўқ,
Емишларда ҳалол йўқ, ризо бўлинг дўстларим.

* * *

Аслим туфроқ, наслим туфроқ, барчадин хор,
Босиб ўтсанг мурда жисмим қилғуси ор,
Ким ор этса шайтон қовми, ҳавоси бор,
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Банда бўлсанг меҳнат тортғил, ғофил одам,
Оқил эрсанг ғаниматдур сенга шул дам,
Амонатдур азиз жонинг юрма беғам,
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

* * *

Эсиз олим, амал қилмай йўлда қолур,
Ўқув уқмай дунё молин қўлга олур,
Манманликдин, эсиз, умрин зоеъ қилур,
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

Олим улдир намоз ўқур тоат қилса,
Ҳақдин қўрқуб, охиратни ғамин еса,
Қуръон ўқуб, Ҳақдин қўрқуб зор инграса,
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

Андоғ олим икки кўзи гирён бўлур,
Саҳарлари эрта туруб нолон бўлур,
Ишқ йўлида куюб, ёниб бирён бўлур,
Жону дилда Хақ зикрини айтинг, дўстлар.

Тариқатда турлук адаб билмагунча,
Нафси бирла муҳориба қилмагунча,
Ишқ йўлиға ўзни лойиқ этмагунча,
Ҳақиқатни сирларини билса бўлмас.

Аз-Замахшарий

Тарихга назар ташласак, марказлашган йирик давлат сифатида ҳам, фан ва маданияти, адабиёт ва санъатининг ривожланиш даражаси жиҳатдан ҳам Хоразм бир умр жаҳонда машҳур бўлганини ва белгили ўрни борлигини кузатамиз. Бизгача етиб келган «Авесто» да ва кейинги тарих саҳифаларида Хоразм (бу ном турли шаклларда бўлса-да) алоҳида эътибор билан тилга олинади.

Бу муқаддас ва мўътабар воҳада жуда кўп қомусий олимлар, муборак шоиру донишмандлар туғилган, ўсган, камол топган. Улар ўз навбатида ер куррасининг барча нуқталарида фан ва маданиятнинг гуркираб яшнашига, тараққиётига салмоқли таъсир ўтказганлар. Шул боис IX—XI асрларда ва кейин ҳам Хоразмга дунёнинг жуда кўпчилик мамлакатларидан илм аҳли оқиб келишган ва у ерда камолот чўққиларини забт этишган. Бу аллақачон исбот қилинган тарихий ҳақиқатдир.

Бироқ Хоразмда туғилиб, яшаб, ижод этган ўша фан ва маданият арбобларининг меросини излаб топишга, уларни мукаммал ўрганиш ва чуқур тадқиқ этишга етарли даражада эътибор берилмаган. Агар Оврўпа ва Шарқ олимларининг хронологик руҳдаги асарлари ва бошқа ишларини кўздан кечирилса (ҳатто кўпчилик Хоразм олимлари ва шоирларининг номлари ўзбек халқига номаълум экани), шу адолатли фикрга қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Шундай йирик қомусий олимлардан ва маданият арбобларидан бири аз-Замахшарийдир. Унинг бизга қолдирган илмий ва бадиий асарлари меросини ўрганар эканмиз, алломанинг истеъдодли шоир, насрнавис, улуғ тилшунос ва адабиётшунос, беназир тарихчи, муқаддас дин илмининг йирик мутахассиси, беназир тарбияшунос, дунё кезган сайёҳ (жўғрофия илми) олим эканига шубҳа қолмайди. Катта олим Убайдулла Увватов «Номи улуғ, сўзи қутлуғ» деган иши (Тошкент «Қамалак» 1992 йил (4-бетда) да таъкидлашича, Аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтда искандариялик бир шогирди, «Ал-Аҳд ас-самийн фи тарих ал-балад ал-амийн» номли тарихий асарнинг муаллифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн Али ал-Хусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида: «Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий кейин аз-Замахшарийман — Хоразмнинг бир қишлоғига (Замахшарга) мансубман, Замахшар туғилган юртимдир, деб ёзган».

Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Замахшарий Хоразмнинг ўша вақтда машҳур Замахшар деган кентида 1075 йилнинг 19-мартида туғилган. Унинг таржимаи холи ва илмий фаолияти тўғрисида ўрта асрларда яшаб ижод этган араб олимлари, унинг асарларини таржима қилган турк олимлари (хусусан, Аҳмад Ҳайриддин Ойдиний Гўзал Ҳисорий) ёзиб қолдиришган.

«Қуш уясида кўрганини қиладн» деган мақол бор халқимизда. Бола, асосан, оилада тарбияланади. Аз-Замахшарий ҳам,

албатта, оилада ота-онасининг бағрида тарбия олган, ахлоқ-одоб ўрганган.

Олимнинг отаси ўзининг Замахшарий қишлоғида обрў-эътиборли кишилардан бўлган. Унинг моддий аҳволи ўртача бўлса-да, анча илмли, айниқса, фиқҳ илмига меҳр қўйган зиёлидир. Ҳамиша Қуръони каримни ўқиш ва тиловат этиш, доимий равишда ибодат қилиш билан машғул эди. У тақводор инсон бўлиб, қишлоғидаги масжидлардан бирида имомлик қилган. Қолаверса, хуш қилиқли, гўзал феъл-атворли, диёнати пок, ҳалол, ширин ва бир сўзли, маслаҳатини ҳеч кимдан аямайдиган олижаноб одам бўлган.

Онаси ҳам турмуш ўртоғи сингари динни қадрлаган, унга ишонган ва бир умр дин йўл-йўриғига амал қилган. Оқила аёл бўлиб, турмуш ўртоғи измидан чиқмаган. Аз-Замахшарийнинг отаси ҳам, онаси ҳам мурувватли, беозор кишилар бўлишган. Шунинг учун бу оила эл ичида жуда ҳурматли эди.

Қайсидир рисоласида аз-Замахшарийнинг онаси ҳақида сўз юритиб, бир ҳодисани тахминан қуйидагича эслайди: У болалик вақтида чумчуқ тутади. Ип билан унинг оёғини боғлайди. Сўнг чумчуқ қўлидан қочиб, учиб кетади-да, девор ёриғидаги инига бекиниб олади. Ёш Маҳмуд чумчуқни девор ёриғидан тортиб олади. Ип қушнинг оёғини қаттиқ қисади ва унинг оёғи синиб узилиб тушади. Буни кўриб қолган онаси ўғлидан қаттиқ ранжийди ва чумчуқнинг оёғини синдирганинг учун аллоҳ таоло сенинг ҳам оёғингни синдиради, дейди.

Бу воқеани беҳуда келтирмадик. Аз-Замахшарий ёшлигида бир оёғидан ажралади, ёғоч оёқ билан яшайди. Унинг оёғидан ажрагани ҳақида ҳар хил ривоятлар мавжуд: изғирин қиш фаслида уни совуқ урганмиш: болалигида отдан қулаганмиш: онасининг қарғиши туфайли чўлоқ бўлиб қолган эмиш ва шу кабилар. Кўпчилик тарихчилар фикрига қараганда, аз-Замахшарий ёшлигида оғир касалликка йўлиққан ва шу касаллик натижасида бир оёғидан ажралган.

Аз-Замахшарий болалиги динга эътиқоди мустаҳкам, ҳар куни беш вақт намозни, ҳар йили рўза тутиш ва шу каби диний анъаналарни канда қилмайдиган оилада ўтди. Бошланғич таълимни у отасидан олган. Диний маълумотни пухта эгаллади. Отаси уни оғир меҳнатга яроқсизлиги туфайли ўқитишга, илм эгаллашга даъват этди ва шу мақсадни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солди.

Маҳмуднинг ўзи ҳам илм олишга қизиқди. Тез орада илм-фанга ташналик, бу борадаги истеъдоди ва қобилияти кўзга ташланди. Уғлидаги бу нодир истеъдодни сезган ота ўғлини Хоразм марказида жойлашган мадрасага юборди. Бўлажак буюк олимни диний илмлар билан бир қаторда араб тили ва адабиёти қизиқтирди. Ҳаттотлик санъатини пухта эгаллади ва у шу ҳунари билан ўзига моддий шарт-шароит яратди, тирикчилигини бироз яхшилашга муваффақ бўлди.

Маҳмуд тахминан ўн икки ёшларга етганда отасининг рухсати ва ғамхўрлиги туфайли билим истаб Бухорога боради. Ўша

йилларда отаси оламдан ўтди. У шу руҳий ҳолатини кейинчалик девонига кирган шеърларидан бирида чуқур қайғу-изтироб чекиб тасвирлайди.

Аз-Замахшарий Бухородаги ўқишини тамомлагандан сўнг Хоразмга қайтади, хоразмшоҳлар саройида котиблик хизматида бўлади ва амалдор ҳурматини қозониш учун астойдил, ҳалол меҳнат қилади. Лекин улардан илмига, меҳнатига яраша рағбат кўрмади. Ўзига нисбатан бундай муносабатдан қаттиқ изтироб чекади, руҳан қийналади. Албатта, меҳнатига яраша тақдирланмаса, азоб чекади киши. Меҳнатимга эмас, қадримга йиғлайман деб, бежиз айтилмаган.

Шу вақтда унинг хаёлига бахтини чет эллардан топиш, обрў-эътиборни, паноҳни бегона юртлардан излаш фикри келади.

Хоразм амалдорларидан рўшнолик кўрмаган аз-Замахшарий салжуқийлар давлатига ва унинг вазири Низом ул-Мулк хизматига боради. Чунки ўша пайтларда у ерда илм, фан ва санъат аҳлига катта эътибор бериларди. Бу жиҳатдан, айниқса, Низомия мадрасаси бутун дунёга танилган эди. Шунинг учун бўлса керак, аз-Замахшарий Низом ул-Мулкка битта қасида бағишлади.

Қасида Хоразмда туғилиб-ўсган, неки риёзат ила илм эгаллагани, ўз юрти ва халқига меҳр қўйгани, буюк Хоразм амалдорлари томонидан унинг маърифати, шоирлигу олимлиги назарписанд қилинмай топталгани, бағоят хору зор яшагани ҳақида эди. Ҳа, улуғ олим ва шоир аз-Замахшарий истеъдоди, лаёқати ва салоҳиятига яраша иш билан таъминланмади. Шу билан бирга у қасидада Низом ул-Мулкдан умидворлигини ифодалайди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керак. Низом ул-Мулк диннинг сунний мазҳабига, аз-Замахшарий эса муътазилий оқимига мансуб эди. Шу тафовут туфайли аз-Замахшарий Низом ул-Мулкдан ҳам кутган яхшиликка, қадр-қимматга эришолмади.

Сўнг аз-Замахшарий Хуросонга боради. Бу ерда айрим амалдорлар билан алоқа боғлашга муваффақ бўлади. Машҳур ва манзур котиб Мужийр ад-Давла Абу-л-фатҳ Али ибн ал-Хусайн ал-Ардистоний шаънига мадҳия битади. Бу ўлкада олим грамматика фанига оид «Шарқ абайт Сибавайҳ» ҳамда ал-Анмузаж» деган рисолаларини битганди.

Бироқ аз-Замахшарий бу ерда ҳам тузукроқ илтифот кўрмайди. Кейин Салжуқийлар давлатига, хусусан, унинг маркази Исфахонга боради. Бу мамлакат султонига бағишлаб фахрия битади.

Бироз кейинроқ аз-Замахшарий Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Ануштагин билан танишиб қолади. Олим ва шоир ўз юртининг шоҳи билан яқинлашганидан беҳад хурсанд бўлади ва унга мадҳиялар бағишлайди. Барибир ундан ҳам шу вақтда ўзига нисбатан яхшилик чиқмайди. Аччиқ қисматидан ўксинади, руҳан эзилади.

Аз-Замахшарий 1118 йили ўша қийинчиликлар натижасида оғир бетоб бўлиб қолади. Қанча мадҳиялар бағишламасин, амалдору шоҳларни улуғламасин, ҳукмдорлардан ёруғлик чиқмаслигини шу пайтда билиб олади. Шундан кейин у уларга бош эгмаслик учун қасамёд қилади. Энди у ўзини фақат илм ва фанга бағишлашни кўнглига тугади.

Касалликдан фориғ бўлганидан сўнг аз-Замахшарий араб мамлакатларига юз тутади ва Бағдодга келади. Бағдод олимлари суҳбатларида иштирок этади, улардан илм ўрганади. Кейинроқ Маккага сафар қилади. Макка амири Абу-л Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос аш-Шариф ал-Ҳасаний, шунингдек, халқ аз-Замахшарийни илиқ карши олишади. Амир ниҳоятда фозил, шоир ва носир инсон эди. У аз-Замахшарий ҳурматини жойига қўяди. **Бундан илҳомланган хоразмлик** улуғ олим ва шоир **Макка амирига** бағишлаб мадҳиялар битди ва ўз навбатида амир ҳам унга нисбатан яхшиликларини дариғ тутмади. Хоразмда топмаган қадрини Маккадан топди.

Аз-Замахшарий амир Ибн Ваҳҳос илтифотидан унумли ва оқилона фойдаланиб, Арабистоннинг жуда кўп вилоятлари, шаҳарларида бўлди. Халқлари билан яқин алоқа ва муносабатда бўлади. Бу мўътабар ва муқаддас масканда икки йил яшади.

Бу ерда шарт-шароитнинг яхшилигига, унга бўлган ҳурмат-эътиборнинг улуғлигига қарамасдан, Аз-Замахшарий туғилиб-ўсган, киндик қони томган юртини соғинди, болалиги ва ёшлиги ўтган жойлар кўз олдидан бир-бир ўтаверади. Эл-юрт соғинчи, вужудини қуршаб олди. Юрт ва халқ соғинчи уни Хоразмга етаклайди.

Султон Санжар бутун Хуросон мамлакатини ишғол қилгач, Муҳаммад ибн Ануштагинни Хоразмга шоҳ қилиб қўйганди. Бу шахс аслида адабиёт ва санъатни, илму фанни қадрларди. Худди шу сабабдан бўлса керак, аз-Замахшарий бу гал ундан бироз ҳурмат кўрди. Муҳаммадшоҳ вафотидан сўнг унинг ўрнига ўғли Отсиз шоҳ бўлиб кўтарилади. Отсиз асосан ота йўлидан борди ва аз-Замахшарийга катта эътибор берди. Муҳаммадшоҳ ва унинг ўғлига бўлган ҳурматини улуғ олим ва шоир «Муқадимат ул-адаб» деган китобида тилга олган.

Бироқ илм ва фан оламида, дини ислом гулшанида нодир инсон аз-Замахшарий қалбини, вужудини Маккаи азим қуршаб олган эди. Асосан, шу боис у Маккадан қайтиб келганидан хурсанд бўлмайди, афсус-надоматлар чекади. Тўғрироғи ва аниқроғи, аз-Замахшарийнинг ўзига ва илмига ҳурмат-эътибор Хоразмга нисбатан у ерда зиёда эди. Маккада ҳар хил дашномлардан, миннатлардан фитнаю иғволардан холи ва хотиржам юрганди.

Шу ва бошқа турли сабабларга кўра аз-Замахшарий муқаддас жой Маккага қайтиб кетар экан, даставвал Дамашққа боради. 1128 йили Маккага келади. Бағри кенг амир Ибн Ваҳҳос эса улуғ ва мўътабар олимни очиқ чеҳраю меҳрибонлик билан яна яхши кутиб олди, ҳурматини жойига қўяди, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам берди. Бундан беқиёс руҳланган олим бутун оламга машҳур ва манзур бўлган «Ал-Кашшоф» деган асарини ёзди. Бу асар муқаддас Қуръони Карим тафсирига бағишланган бўлиб, унда ислом фани олимининг маҳорати, салоҳияти ва истеъдоди намоён бўлганди.

Аз-Замахшарий тағин ўз ватани — гўзал Хоразмни соғинади. У қалбида эл-юртга нисбатан меҳр-оқибатнинг, эътиқоднинг нақадар улуғ эканини такрор ҳис қилди. Юқоридаги тафсилотлар-

дан хулоса қилиб, у подшоҳу амалдорларни эмас, балки муқаддас тупроқни, Ватанини, халқини қўмсаган, деб айтиш мумкин. У майиб-мажруҳлигига, кексалигига қарамай Хоразмга йўл олар экан, аввал Бағдодда тўхтади. Анча вақт у ерда яшади ва кейин Хоразмга келади.

Буюк Хоразм фахри, қомусий олим, ширинзабон шоир аз Замахшарий умрининг охирида бир неча йил Хоразмда истиқомат қилди ва 1143 йилда арафа кечаси Журжонияда оламдан ўтди.

Аз-Замахшарий оила қурмади, умри ўз юртидан айрилиқда ўтди, азоб-уқубатлар жабрини тортди, мол-дунё орттирмади, бутун ҳаётини илму фанга, адабиёт ва санъатга, Қуръони карим илмига, Муҳаммад алайҳис салом ҳадис ва ўгитларини шархлашга бағишлади. Хуллас, у элликдан ошиқ асар ёзди. Уларни маъно ва мазмунига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Мантиқ.
2. Грамматика.
3. Илми дин ва уламолар хусусида.
4. Луғат ва луғатшунослик.
5. Адабиёт.
6. Аруз ва адабиёт назарияси.
7. Илми одоб.
8. Тарих ва жўғрофия

ва шу кабилар. Унинг жўшқин, истеъдодли ва ҳозиржавоб шоир эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Аз-Замахшарийнинг улуғ олим ва мутафаккир бўлиб етишувида, албатта, устозларнинг ўгитлари, сабоқлари катта аҳамият касб этади. У устозларини беҳад қадрлаган. Мўътабар олимнинг устозлари ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда, унга бошланғич саводни берган, илми адабни қон-қонига сингдирган мўътабар отасини эслаш жоиз.

Адабиёт, тил ва луғат бўйича машҳур олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ад-Даббий ал-Исфахоний Хоразмда яшаган даврида аз-Замахшарийга жуда кўп сабоқ берган. Унинг берган сабоқлари олимнинг келажакда наҳв (грамматика) ҳамда луғат илми бўйича етук олим бўлиб етишувида муҳим аҳамият касб этган. Ад-Даббий берган илм ва тадқиқот олиб бориш ҳақидаги ўгитлари аз-Замахшарий вужудида араб халқига ва унинг тилига ҳурмат туйғуларини вужудга келтирди. Шунинг учун олимнинг устозига меҳри ортиқ эди. Бу фикрни унинг устози вафот этганда ёзган марсияси тўла тасдиқлайди.

Аз-Замахшарий Маккада яшаб турган даврида грамматика ва фиқх илмига оид қатор асарларни Абу Бахр Абдуллоҳ ибн Талҳа ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабарий ал-Андалусий таҳлил ва тадқиқ этди. У Бағдодда ҳам ҳадис илмини аш-Шаффоний, ал-Хорисий, фиқҳ илмини ал-Хаййатий, ад-Дамғоний кабилар устозлиги орқали эгаллади. Ал-Жаволиқий эса унга илми луғат сир-асрорини ўргатган олимдир.

Умуман олганда, илмпарвар Макка амири Ибн Ваҳҳос аз-За-

маҳшарийнинг буюк ва суюк олим бўлиб етишувида, катта-катта асарлар яратишида асосий ролни ўйнаган десак янглишмаймиз. Чунки у олимга илмий ва ижодий фаолияти давомида самимий ёрдамини аямади, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Аз-Замахшарийнинг ўзига хос томони шундаки, у бор илмини, маслаҳатини ҳеч кимдан дариғ тутмади. У турли соҳалардаги билимини ва илмини, асосан икки йўл билан сарф этди. Биринчиси — китоблари орқали. Иккинчиси — шогирдларига сабоқ бериш йўли билан. Унинг шогирдлари деярли барча шарқ мамлакатларида бўлган.

Аз-Замахшарий китобларида зикр қилинган илмлар қудрати шу даражада эдики, унинг ўзини кўрмаганлар ҳам устоз деб тан олишгани тарихий маълумотлардан маълум. Рашидуддин ал-Ватвот ҳам аз-Замахшарийга шогирд бўлиш нияти ва хоҳиши бўлгани тарихий манбаъларда берилган.

Умуман олганда, аз-Замахшарийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, бадиий ижоди, педагогик қарашлари Ўзбекистонда деярли ўрганилмаган. Айниқса, олимнинг Қуръони Карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ҳамда тарбияшунослик фанига бағишланган асарларини, илмий меросини тадқиқ этиш ҳозирги кун учун муҳим аҳамиятга эгадир.

«НОЗИҚ ИБОРАЛАР»ДАН

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан).

* * *

Агар бирор қайғу-алам юз бергани ёки таъзияли жойни эшитсанг, дарҳол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчиликка чақирилсанг, унда ўзинг ўйлаб иш тут (ўзинг биласан).

* * *

Одамларнинг энг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоғи салобатлигию шафқатлисидир.

* * *

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфрона «неъматдир», ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади.

* * *

Подшоҳнинг энг яқин кишиси яқинларнинг ичидаги энг улуғидир, хавф-хатар пайтларида уларга (хавф-хатарга) яқинроғидир.

* * *

Худо кўрсатмасин, агар сени оғир қайғу-ҳасратларнинг кучли еллари ўраб олса, унда дод-фарёду фиғонларинг фойда бермас.

* * *

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.

* * *

Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фахрланиши, чанқоқ кишининг сув шуъласи (сароби) ни кўриб алдангани кабидир.

* * *

Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал Аллоҳнинг ризолигини ўйла, акс ҳолда қилган ишларингнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб, зое кетади.

* * *

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.

* * *

Бирор мамлакат (ҳокимият) ишларининг орқага кетишига сабаб — вабо кўп бўлиб, тузукларию тартиботларининг сусайишидандир.

* * *

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.

* * *

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

* * *

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.

* * *

Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.

* * *

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг ялқови — пасткашидир.

* * *

Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир.

* * *

Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғону бўҳтон (ботил)дир, яъни айтган сўзларию ишлари ўзларига мувофиқдир.

* * *

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гўёки бу ташвишлар улар (ҳурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир.

* * *

Савдогарнинг шуҳрати ва обрў-эътибори киссасида, олимнинг шуҳратию обрў-эътибори ёзган китобларида (асарларида).

* * *

Ўзини сахий, мард ва ҳиммати баланд кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан қўрқ, токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига туширгайлар.

* * *

Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

* * *

Арслон нафақат чуқур қазиш билан овланиб қолмай, кўпинча у ҳийла билан ҳам овланади (қўлга туширилади).

* * *

Баъзи ҳолларда фатво истовчи киши фатво берувчи муфтийдан кўра ҳам олимроқ бўлади, чунончи «ал-латийа» калимаси гарчанд бу сўзнинг кичиклашган шакли бўлса ҳам барибир маъно жиҳатидан асли «ал-латий» сўзидан кўра кучлироқдир. (Бу ўринда сўз ўйини бўлиб, арабий истилоҳлар ишлатилган.)

Сени кечаю кундуз зиёрат қилувчиларнинг кўпчилиги сени ҳаддан ортиқ кўкларга кўтариб мақтаб, охир-оқибат адоватга дучор қилувчилардир.

* * *

Кўп сўзлар борки, улар сени жангу жадалга солиб, ҳалокатга гирифтор қилади ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқурингни гул каби қизарган ҳолга келтиргандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин).

* * *

Ер заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир.

* * *

Муҳаммад пайғамбар алайҳиссаломнинг тутган йўллари менинг йўлимдир, бахту саодатим ҳам, нажотим ҳам шу йўлдир.

* * *

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

* * *

Ёзилган китоб нусхасининг тўғрилиги кўз қорачиғининг боққанига боғлиқдир, ривоятнинг инобатлиси (ишончлиси) эса сероб сувдан ҳам ортиқроқ қондирар.

* * *

Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилингга роҳат бахш этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

* * *

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саною мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.

* * *

Сени касоду инқирозга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.

* * *

Сенинг қилаётган ишларингдан душманинг огоҳ бўлиб, улардан кўз юмиши сенга илон чаққандан кўра ҳам зарарли ва машаққатли бўлади.

* * *

Ақл-идрок ва шариатга амал қилиб иш тутган банда асл ва иккинчи даражали мақсаду матлабларини жам қилиши муқаррардир.

* * *

Ўтган замонларда илму фазилат соҳиблари подшоҳларидан ўз оғирликларига баробар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб, итлару олмахонлар (қармоқлар) улардан афзал бўлиб, қолди, яъни нодонлар олимлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди.

* * *

Ҳар бир вазир қайчи мисолидир (агар қайчининг бир таянч томони бўлмаса иккинчи томони ҳеч нарсага қодир бўлмайди), чунончи Мусо пайғамбар вазири Хорун билан мукаммал бўлган.

* * *

Соқол инсонга зийнатдир, фақат бўйин билан бирга бўлган ҳолдагина, узун соқол қўювчи аҳмоқ бўлади, чунки бунга ўтмишдан мисоллар кўпдир.

* * *

Олижаноб ва ҳимматли одамнинг «гўштини» ҳасад аҳли «ейди», гўё қурт-қумурсқалар арслон боласини егани мисоли.

* * *

Бир лаҳза назар билан ишкал ишлар тўғри бўлур, бош бармоқ калта бўлишига қарамай бутун қўлни боғлаб туради.

Туну кунни ўтказаман-у, лекин бугунги куним кечаги кунимдан яхшироқ бўлмаётир, чунки замона кундан-кунга ҳалокатга томон бормоқда, шундай экан, кечаги кун бугунгидан авлороқ, бугунги кун эса эртагидан яхшироқдир.

* * *

Кимки адовату хусуматни экса, албатта у ташвишу машаққат ўради.

* * *

Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни (кимсани) таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амримаҳол.

* * *

Мансаб илинжида бўлган (қарам) кимсаларнинг томирлари кесилгандир, улар оладиган фармонлари эса бир-бирига зарба берувчилардир.

* * *

Хасталик ва муҳтожлик — булар иккаласи шундай бир балоки, ҳатто хутбон (энг тахир, аччиқ ичимликлардан ҳисобланади) ичимлигидан кўра ҳам аччиқроқдир.

* * *

Қимники қўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас.

* * *

Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар.

* * *

Ўз ваъдасида турмаган, турли-туман важ-карсонлар кўрсатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди.

* * *

Қўрқувга мубтало бўлган киши (қуён мисоли) фақат қочишдан нажот излайди.

* * *

Илму маърифатли одам такаббурлик қилувчи доимо нодон кимсаларнинг бурнини тўзон-тупроққа тўлдирур.

* * *

Одамлар турли-туман бўладилар, афсуски уларнинг аксарияти нопокдирлар.

* * *

Тоғ тепасидаги қояларни кўчириш миннат эшитиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

* * *

Сен етмиш ёшга кирган бўлсанг-да, ҳамон арслон мисоли йиртқич ҳайвонсан, чунки мол-дунё ҳирсида мудом қўлингни (ҳар томонга) чўзасан.

* * *

Хотин зоти агар қалбинг улар ишқига гирифтор бўлганини сезса, бурнингни тупроққа ишқайди.

* * *

Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида муте (итоатда) бўлиб юришдан афзалдир.

* * *

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур.

* * *

Қиличга қин(ғилоф) ва йиртқич қушда ўткир тирноқ бўлиши шак-шубҳасиздир (бу ҳикмат эр кишида керакли анжомлару қатъий азму қарор бўлиши керак деган маънони англатади).

* * *

Ўрмонларда арслонлар, боғларда илонлар бўлишининг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқдир.

* * *

Ҳеч ажабланарли эмаски, баъзи жоҳил кишилар баланд даражага эришиб, олим ва доно одамлар қуйида қолар, чунки баъзи вақтда Суҳайл (Канопус) юлдузи қутб жанубида бўла туриб пастга тушар, аммо Наоим юлдузи каби кичик юлдуз бутун оламнинг боши устида турар.

Сулаймон Боқирғоний

Хоразм азалдан фан ва маданиятининг беқиёс тараққиёти, адабиёт ва санъатининг нафису латофати, халқи одоби ва ахлоқининг зарифлиги жиҳатдан оламга машҳур ва манзур бўлган. Кимки нажот истаса, илму урфон изласа, меҳру шафқатга зор бўлса Хоразмга борган, у ерда меҳр-оқибат кўрган, эътиқод ва диёнат завқини сурган. Бу ҳақда Шарқу Ғарб олимлари қониқиш билан меҳр тўла фикрларини ёзиб қолдиришган. Хоразм ва унинг пойтахти ҳақида Ибн Арабшоҳ шундай ёзган: «Унинг (Хоразмнинг — С. О.) пойтахти фозил кишилар жам бўладиган, уламолар манзил тутадиган, зарифлар ва шоирлар макони, адиб ва улуғ кишилар чашмаси, иззат-икромли улуғлар тоғининг кони, йўлини топгану адашганлар ҳақиқат изловчи кишилар денгизининг манбаи эди» (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, Т., «Меҳнат», 1992, 87-бет).

Таърифига тил ожизлик қиладиган гўзал Хоразмнинг Боқирғон деган кентида Сулаймон Боқирғоний дунёга келди. Болалик йиллари ўз юртида ўтгани ва бошланғич таълимни, яъни хат-саводни туғилган юртида олгани мантиқий жиҳатдан ўз-ўзидан маълум. Истиқболи улуғ, толеи баланд бола шу болалигидан аён бўлади. Чунки у илм-ҳунарга қизиқиши, иқтидори билан бошқа тенгқурларидан ажралиб туради. Ёш Сулаймон ҳам шаксиз худди шундай бўлган.

Сулаймон Боқирғонийнинг кейинчалик улуғлар улуғи, жаҳонга машҳур туркий тасаввуф илми ва шеъриятининг таниқли арбоби Хожа Аҳмад Яссавийга шогирд тушишини ўзи унинг болаликда ва ёшликда қандай бўлганини яққол кўрсатади. Ҳар қандай кишига Аҳмад Яссавий каби даҳога шогирд тушиш бахти насиб қилавермайди.

Сулаймон Боқирғоний ислом дини тариқатини, шариат қонунларини, Қуръони каримни пухта ўрганиш билан бир қаторда тасаввуф шеърияти сир-асрори, унинг нозик томонларини эгаллашга ҳаракат қилди. Бунда у устози Аҳмад Яссавийнинг меҳр булоғидан баҳраманд бўлди.

Кейинчалик Сулаймон Боқирғоний шеърият ва ислом оламига Аҳмад Яссавий ижод дорилфунуни фаолиятининг давомчиси сифатида кенг танилди ва Шарқ халқларининг ҳурмат-эътиборини қозонишга муваффақ бўлди. Шу дадилнинг ўзи буюк шоир ва тасаввуф илмининг фаол тарғиботчиси Сулаймон Боқирғоний иймон-эътиқодининг бутунлигидан, виждонининг поклигидан далолат беради. Унинг шу ҳиммати ва фазилати қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган:

Шариати ораста, тариқати пайваста,
Ҳақиқатда шойиста шайхим Аҳмад Яссавий.
Шариатни сўзлағон, тариқатни излағон,
Ҳақиқатни билдурғон шайхим Аҳмад Яссавий.

Ёки:

Хизр билан суҳбатлик, Илёс билан улфатлик,
Хақ қошинда ҳурматлик шайхим Аҳмад Яссавий.
Туркистонга боролинг, хизматинда бўлолинг,
Улуш берса ололинг шайхим Аҳмад Яссавий.

Сатрлар шеърий нафосат жиҳатдан ҳам, фикрлар уйғунлиги жиҳатдан ҳам, маъно ва мазмун тўқлиги жиҳатдан, ҳам, тилининг ширинлиги жиҳатдан ҳам улуғвору таҳсинга лойиқ. Тўртликлар Сулаймон Боқирғонийнинг ўз устозига эътиқоди, меҳр-оқибати, дин-шариатга муҳаббати, ахлоқ-одобга диёнати ҳақида тиниқ оҳанг билан мулойим куйлаб турибди. Шунингдек, устозининг манзил-макони, унга хизмат қилган киши илм олиши шаксизлигини уқтираяпти.

Сулаймон Боқирғоний номи ва унинг тасаввуф шеъриятидаги хизматлари шеърият гулшанининг боғбони Алишер Навоий, аллома Ҳусайн Воиз сингари ўнлаб даҳолар томонидан юксак баҳоланган. Зотан, унинг булоқ каби тошқин, шудрингдай топ-тоза, баҳордай майин ижоди ва ҳаёт йўли шунга лойиқдир.

Улуғ шариат, ахлоқ-одоб, дину диёнат куйчиси Сулаймон Боқирғоний поклик ва мусаффоликни тарғиб этиб, ҳийла-найранг, фитна-хиёнат йўлларини қоралади. Чунончи:

Сафо керак, ботин ичра зокир қулға,
Яромас, хийла, тазвир, ушбу йўлға,
Эътимод қилса бўлмас, қолу-қилға,
Қолни солиб, ҳоли табо бормиш керак.

Шоир камтарлик ғоясини илгари суради. Зотан, бу ғоя Қуръони каримда ҳам муносиб ўрин олган. Бу улуғ шоирнинг таълим-тарбияга берган эътибори, қолаверса, тарбия соҳасидаги миллий анъаналар ва қадриятлар билан бевосита боғлиқдир.

На хуш бу дунёда Иймону Қуръон,
Не бўлғай дунёда Иймондин ортуқ.
Менинг бу дардими ҳеч кимса билмас,
Агар билса Ҳаким Луқмондин ортуқ.
Бу янглиғ осий эркан Қул Сулаймон,
Иноят умандур, борондин ортуқ.

Сулаймон Боқирғоний сатрларидан, биринчидан, унинг камолот чўққисини эгаллаган шоир, иккинчидан, ислом динининг толмас тарғиботчиси, шариат ва ахлоқ-одоб ҳимоячиси, учинчидан, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат куйчиси, қолаверса, эзгулик ва яхшиликни қалбига жо қилган улуғ аллома экани аён бўлиб турибди. Лекин шундай даҳо шоир, улуғ мутафаккир ҳаёти ва ижодини ўрганиш бир неча ўн йилликлар давомида ман қилинди. Шул боис унинг тарбия соҳасидаги беқиёс таълимотидан баҳраманд бўлиш имкони бўлмади.

Ватанимизда мустақиллик шарофати билан Сулаймон Боқирғо-

ний ижодий гулшанига кириш, ундан руҳий ва маънавий озиқ олиш имкони туғилди.

Шундай улуғ Инсон, нозиктаъб шоир, ардоқли ва атоқли маърифатчи Сулаймон Боқирғонийнинг туғилган йили номаълум. У кўпчилик манбаларга кўра 1186 йилда вафот этган.

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Сўралмағай агар бўлса эзгу амал.
Қилмиш амал жумламизга ҳирсу амал.
Кеча-кундуз ҳозир туринг келур ажал,
Ажал келур тебон Яроғ қилғон борму?

* * *

Дўстларимиз, замонамиз ёвуқ келди,
Тарсо, жуҳуд, бедин, кофир элга тўлди.
Билдим эмди, ушбу жаҳон охир бўлди,
Келин дўстлар, Ҳақға қуллуқ қило кўринг.

* * *

Уйқуни ҳаром қилғил, узун тунда,
Молингдан закот бергил, бу кун мунда,
Қиёмат бергай санга ёрин анда,
Ўғил-қизинг, илм ўргансун, бер устозға.

* * *

Жонимға сафо келди, пиримдан назар бўлди,
Асрор маънисин кўрди, дурру жавҳар олдиё.

* * *

Онолар зори гирён, фарзанд ҳақинда бир ён,
Манинг ономдек оно, қачон бўлғай тедиё.
Сиз ҳам меҳрибон ото, биздак ўғилни туто,
Бошим кесар ҳолатда, кўзни юминг тедиё.

* * *

Маърифат дарёсинда ғаввос бўлуб,
Муҳаббат гавҳарларин олғум келур.
Тариқат майдонинда парвоз қилиб,
Ул Тубо дарахтиға қўнғум келур.

* * *

Ул мозорда дўконлари бил иродат,
Моясн маърифат бирла қилғу суҳбат.
Даллоли эътиқод бирла хизмат,
Йўқ эрса, сотуғини қилса бўлмас.

* * *

Шариат бозоринда таҳсил керак,
Тариқат бозоринда тақсир керак,
Ҳақиқат бозоринда асир керак.
Олам йиғлаб Ҳақ асирин билса бўлмас.

* * *

Мунда тавба қилубон нафсидин ёниб,
Ҳавони ташлаб, они ўздин кечуб,
Ушбу ишқ шаробиндин эмди ичиб,
Мунда адам бўлуб, онда кеткум келур.

* * *

Кирдим ман тариқатнинг бозориға,
Баҳосиз рахтларни олса бўлмас.
Кийдим ман ишқ тўнини бўйға лойиқ,
Ва лекин қийматини билса бўлмас.

* * *

Мунгланиб ниёз бирла саҳар вақтин,
Йиғлаюбон кўзда ёшим сочғум келур.
Таваккул* қиличин иликка олиб,
Нафсу ҳаво, райъ бошини чобғум келур.

* * *

Динимизни оздурдинг, халойиқни авурдинг,
Жодулиқни текурдинг ортуқ иксик тедиё.
Малъун оғизни очди, жоду, Муҳаммад теди,
Сандек жоду жаҳонда бўлмағай ҳеч тедиё.

* * *

* Аллоҳга суяниш.

Маҳмуд Кошғарий

Маҳмуд ибн ул-Ҳусайн Муҳаммадил Қошғарий (XI асрда яшаган. Туғилган ва вафот этган йили номаълум) Ўрта Осиёлик машҳур олим, туркшунослик илми ривожига катта ҳисса қўшган йирик мутафаккирдир. У Боласоғунда туғилди, шу ерда таҳсил кўрди. Мавжуд маълумотларга қараганда, Маҳмуд Қошғарий илмнинг турли соҳалари, хусусан, араб, ва турк тиллари, форс адабиёти билан шуғулланиб, уларни пухта эгаллаган эди. Айниқса, Маҳмуд Қошғарийнинг туркий қабилаларнинг тилларини ўрганишдаги хизмати беқиёсдир. У тил соҳасида ўзининг машҳур асарини ёзишдан олдин ўша даврда жуда катта ҳудудда яшаган туркий халқларнинг тили, урф-одати, турмуш тарзи, касб-кори, оғзаки ижоди ҳақида бир неча йиллар мобайнида чидам билан материал тўплади, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Юқори Чинни кезиб чиқди.

Умуман олганда, Маҳмуд Қошғарий туркий тилларни ўрганишга бағишланган 2 та асар ёзиб қолдирган. Шулардан бири «Жавоҳирун-наҳв фи луғотит турк» (Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис қоидалари) номи билан юритилган. Лекин бу асар шу вақтгача топилганича йўқ.

Унинг бизгача етиб келган машҳур асари «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») деб аталади. Асар турли қабила ва халқларнинг тили, лексикаси, фонетикаси, морфология ва диалектологияси ҳақида жуда кўп бой материал беради. У, айниқса,тил тарихи билан шуғулланувчи олимлар учун қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Мана шу асар орқали Марказий Осиё халқлари ўз қадимги авлод-аждодлари, қабилаларининг тиллари тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Лекин, иккинчи томондан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Девону луғотит турк» китоби фақат луғатшунослик, тилшуносликка бағишланган асар бўлибгина қолмасдан, у ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисида ҳам маълумот беради. Унда XI асрда яшаган қабилаларнинг тарихи, синфий зиддиятлар, қабилалараро кураш, меҳнаткаш халқнинг зулм ва истибдод ва мавжуд феодал тузуми тартибларига қарши норозилиги ўз ифодасини топган.

Девонга кирган ҳикматли ва ибратомуз гапларда таълим-тарбия, хулқ-одоб, илм-фан тўғрисида ҳур фикрли ғоялар мавжудки, бу ҳол Маҳмуд Қошғарийни замонасининг илғор мутафаккири бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, унда Маҳмуд Қошғарий кишиларни меҳнат қилишга, яхшиликка ундайди, ёмонликни қоралайди, илм ва ҳунар соҳибларини эъзозлайди, улардан ибрат олишга кишиларни чақиради. У жамиятдаги иллатларга: фитна, тамагирлик, иғвогарлик, мағрурлик, бойлик кетидан қувиш, бахиллик ва бошқаларга қарши чиқади. Шунинг учун ҳам унинг инсонпарварлик руҳи сўғорилган ғоялари кейинги даврларда ҳам Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Ўч, кек деган нарсалар одамларга қарз кабидир, олмай қўймасалар, ундан чекин. Шуни билда мусофирларга, бегоналарга кучинг етганича, қўлингдан келганича яхшилик қил.

* * *

Эй, ўғлим, мендан ўгит-насиҳат ол, одобли ва тарбияли бўлишга тириш, токи эл ичида зўр олим бўлиб танил ва улар орасида одоб ва илм тарқат.

* * *

Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ, эринчоқнинг боши қонлик, чунки тиришқоқ кўп ишлаб, яхши таомлар, гўшт, ёғлар топади. Шу билан у мой ошайди. Эринчоқ ўзининг ялқовлиги билан ишдан қочади. Хафаликдан бошига уради, уни қонатади.

* * *

Илгарилари илм чўққисини эгаллаган, фазилат устодлари бор эди. Улар кўп-кўп насиҳатлар сўзлар эдилар, кўнгилга улар ором беради.

* * *

Замон бутунлай озди. Илм, ҳикмат, поклик камайди. Тубан, ёмонлар кўпайди, фазилат эгалари йўқолаётир.

* * *

Ёмонлар тутилсин, мамлакатда (адолат) қонун амалга ошсин, қўзи билан бўри бирга юра олсин-у, қайғулар кетсин.

* * *

Қариндошларга, қўни-қўшниларга яхшилик қил, улардан олган совғанг эвазига қимматлироқ нарса ҳозирла.

* * *

Сенга кулар юзли бир киши келса, сен унинг юзига иссиқ-қайноқ кул сочма, яхшилик қил, ёқимли қилиқ билан ҳурматла.

* * *

Илм, ҳикмат ўрган, ўрганишда ҳавойилик ва такаббурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан ўзини билимдон кўрсатиб мақтанган киши, имтиҳон вақтида уялади, ачинади.

Бу дунёда кишининг машаққатсиз туриши ҳеч мумкин эмас. Бирор яхшилик кўрмай туриб, одам дунёдан ўтади.

* * *

Илмли, ақлли одамларга яхшилиқ қилиб, сўзларини тингла. Илмларни, ҳунарларни ўрганиб, амалга ошир.

* * *

Ўғлим, ўгит-кенгашимни қулоғингга ол, билимсизликни ташла. Қимнинг талқони бўлса, шиннига қоради. Шунингдек, ақлли киши насиҳатни қабул қилади.

* * *

Ёлғизликдан кўра қанча аҳмоқ бўлса ҳам, ҳамроҳ яхши. Чўлда боши оққан томонга кетгандан кўра, қанча эгри, қинғир-қийшиқ бўлса ҳам, йўл яхши. Чунки (йўлсиз мақсадга етиб бўлмайди) йўл орқалигина мақсадга етилади.

* * *

Халқда фитна кўпайса, ақл озаяди ва тўғри йўлни тополмай қолади. Беҳуда сўзлар кўпайиб кетса, оғиз қуриб, жағ қайишади.

* * *

Ўзи емай, молини бахиллик қилиб қаттиқ тутади. Бахиллик билан мол устида йиғлайди, олтин тўплаб, охири бошқаларга ташлаб кетади.

* * *

Ота-онанг насиҳатларини эшит, гапингда уларнинг сўзини қайтарма, кўп мол топсанг, ўзингдан ўтиб қутурма. Мағрурланиб, феълингни бузма.

* * *

Бойликка таъма қилиб, суқланиб кишиларнинг ахлоқи бузилди, молни кўргач, насир қуши (бургут) ўлимтик устига отилган каби мол устига отилдилар.

Зулм эшикдан кирса, туйнукдан чиқади.

* * *

Дарахт ўтқазилмагунча, ҳосил унмайди (бирор мақсад кетидан юриб), исталмагунча топилмайди, қўлга кирмайди.

* * *

У одам улуғ ишларга чидам билан туриш берадиган эди. Дастурхони қаттиқ қишларда очиқ эди, одамларни ўзининг яхшиликларидан умидвор қилиб ташлаб кетди.

* * *

Ота ўғли хулқда, албатта, отасига ўхшайди.

* * *

Тоғ тоққа қовушмайди, одам одамга қовушади.

* * *

Халққа яхшилик қил, уни сув тагига ташласанг-да, уни сув устида кўрасан.

* * *

Агар билимдон одамга йўлиқсанг, ҳар кун унга бор, яхши муомала билан унинг илму ҳикматларини ўрган. Такаббурликни ташла.

* * *

Билагимга зўр келтирдим, илму фан ҳақида кўп ёзиб, уни чарчатдим. Тилак яқинлашди, илм, ҳикмат чашмаларининг кўзи, эшиги очилганда умр тугаб бормоқда.

* * *

Нилқи, наслдор от ,айғир ва нор туялар, шунингдек, олтин-кумуш ва ипакли кийимлар топганингга суюнма, ўзингга ҳунар ва санъат орттир.

* * *

Яширин тутилган севги айрилиш куни билиниб қолади, маълум бўлади. Яралик кўзни беркитма, ёшини тўхтатиб яшириб бўлмайди, ёш ошкора қилади.

* * *

Одамлар бахил, юзсиз, шилқим одамларни севмайдилар. Эй, ўғлим, ёқимли, хулқли бўлишга тириш, наслинг (шуҳратинг) эртага (ўзингдан кейин) қолсин.

* * *

Қўлдош (суҳбатдошинг)ни ҳурмат қил, яхши муомалада бўл, қаршилик қилиб, уни ташлаб, бошқа билан бўлма. Уйдаги товуқни боқолмай қочирсанг, дуррож (саҳродаги ёввойи қуш)ни боқаман деб овора бўлма.

* * *

Одамлар яқинларини, биродарларини ҳурмат қилмайдилар. Молу дунёга аҳамият бериб, сўнг гапни (ўзидан) бошқадан қизғанган ит каби, ўз биродарларига ёмон кўз билан қарайдилар.

* * *

Ишга шошиб киришма, унинг кириш жойига диққат қил, эҳтиёт бўл, шошилиб чақмоқ чақиб чироқ ёндирмоқчи бўлган кишининг шошишидан чироқ ўчади.

* * *

Ош туз билан тотли, лекин лаган билан ёлғиз тузнинг ўзи ейилмайди.

* * *

Замон озди, заифлар, бемазалар кучланди. Замон аҳли (одамлар) Афросиёбнинг вафот қилиши билан фазилатдан маҳрум бўлдилар.

* * *

Бирор киши сенга кулиб қараса, сен ҳам унга жуда очиқ ва кулган юз билан боқ, ширин сўз ва ёқимли муомала қил, тилингни тий.

* * *

Қаркас қуши йиртқич ҳайвонлардан қолган гўштни (овни) кўриб, ўзини осмондан ташлайди. Шунингдек, донишманд кишиларни қизиқтирадиган ов ўгит-насиҳатлардир. Улар ўгитни эшитиш биланоқ қулоққа оладилар.

* * *

Тўплаган молни сел келди деб ҳисобла, сел тошни юмалатгандай эгасини юмалатади...

* * *

Қонни қон билан ювилмайди, яъни тўполон билан бостирилмайди, келишув билан бостирилади.

* * *

Ўзингнинг оғир юкингни бошқаларга юклама, кўзинг тинар даражада ўзингни оч қолдириб, бошқаларни тўйдирма.

* * *

Сени катта ёшли одам чақирса, унга чопиб бор. Очлик йилларида халқнинг қаерга боришини кузат, у қаерга борса, сен ҳам ўша ерга бор. Халқингга келган ҳар қандай мусибатларда уларга мос бўл.

* * *

Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшликда уйланган киши қариганда севинади, чунки унинг болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради.

* * *

Билимни истайман, молга суянаман, яъни мақсадим улуғлик учун молни дастак қилиб, тилагимни топаман. Бунинг учун молу ҳолим сарф бўлади.

* * *

Билағон одамларнинг сўз, насиҳатларидан фойдалан. Чунки яхши сўз таъсир қилгач, дилга жойлашади.

* * *

Мамлакат ташланади-ю, одат ташланмайди.

* * *

Илму донишни истадим. Илмли донишмандларни қидирдим. Ўзимни одамлар орасидан айирдим. Бунинг учун оқ ёлли отим ечилади.

* * *

Сенга қаттиқ ташвиш ва алам етса, ўтиб кетар деб сабр қил. Дунё ишларини билиб туришга тириш. Ҳар қандай кулфатни ўзингга олиб, жонингни қийнама.

* * *

Кўнгли оч, йўқсул бўлган кишини куч билан тўқ, бой қилиш мумкин эмас.

* * *

Билимдонлар аҳволи ёмонлашди. Замон уларни ташлаб азоб берди, ҳаттоки, одоб, фазилат «гўштлари» бузилди, сасиди. Заифликдан ерга тегиб судралмоқда.

* * *

Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди.

* * *

Бор молингни севасан, унга камроқ севин, чунки у сендан (қўлингдан) чиқиб кетиши мумкин. Қўлингдан кетган нарса учун қайғурма, унга озроқ ачин. Чунки ачиниш сенга (қўлдан кетганини) қайтариб бермайди.

* * *

Одамнинг моли унга душмандир. Ақлли одам қандай қилиб уни севади.

* * *

Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса, яхши номи қолади.

* * *

Ўғлим, сенга мерос қилиб эзгу хулқ, одобни қолдираман. Агар илмли, ақлли одамларга йўлиқсанг, уларга яқинлаш, улардан фойдалан.

* * *

Шайх Нажмиддин Кубро

(1145—1221)

Узоқ ўтмишда жаҳонгир подшолару амирларнинг сиғинган олиму пирлари бўлгани тарихдан маълум. Шайх Нажмиддин Кубро Хоразмшоҳларнинг пири саналган. У Хоразмнинг энг катта ва обод шаҳарларидан бири Хивада 1145 йили таваллуд топди. Табиийки, Аҳмад ибн Умар Абу-л Жаноб Нажм-ад-дин Кубро ал-Хоразмий бошланғич таълимни Хивада олган. Кейин мадрасада билимини оширган.

Унинг кейинги фаолияти ва тўртлик шеърларидан Шайх Нажмиддин Кубро болалик ва ёшлик йилларида билимга ташна, адабиёт ва санъатга қизиқувчи, айниқса, тасаввуф илмига берилгани яққол сезилиб туради. Одатда, бундай болалар ва ёшлар ортиқча шўхликдан йироқ юриб, босиқ ва сокин бўлишади. Шайх Нажмиддин Кубро ҳам шундайлар сирасидан бўлган, албатта.

Ҳикмат илмда эканини яхши англаган Шайх Нажмиддин Кубро илм истаб Мисрга йўл олади. Ерлик машҳур олим Шайх-Сахих Рўзихон ал-Ваззан ал-Мисрийдан шариат, тариқат ва ҳақиқат илмидан сабоқ олади. Бу билан у ислом оламига чуқурроқ кириб боради. Кейин Табриз шаҳрига келиб, Имом Абу Мансур, Шайх Бобо Фарраж, Шайх Исмойил Касрий каби алломалар билан яқиндан танишади. Уларнинг ислом илми ва бошқа тасаввуфга доир турфа билимларидан баҳраманд бўлади.

Мисрлик устози Шайх Иброҳим унга «Нажмиддин», табризлик устози Шайх Исмойил Касрий эса «Кубро» («Улуғ») каби буюк унвонларни беришади. Шу даврда Шайх Нажмиддин Кубро бошқа кўпгина араб мамлакатларида бўлиб, илм сирларини эгаллайди.

Турли соҳаларда илмини оширгандан сўнг Шайх Нажмиддин Кубро ота-ватани Хоразмга қайтиб, Урганжда истиқомат қила бошлайди. У бу ерда «Кубро» тариқат мактабини яратди. Бу мактабда Шайх Маждиддин Боғдодий, Фаридиддин Аттор, Баҳоуддин Валад (Жалолиддин Румийнинг отаси), Нажмиддин Розий сингари машҳур шоиру уломалар тасаввуф ва бошқа илмларни олишган. Шу орада Шайх Нажмиддин Кубро «Шайхи валитарош», яъни авлиёлар етиштирувчи шайх деган ном ила бутун Шарқ мамлакатларида кенг танилган.

Шайх Нажмиддин Кубро беқиёс ватанпарвар ва халқпарвар бўлган. Бу ҳақда Абулғози Баҳодирхон шундай ёзади: «...Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳур бўлуб эрди. Ул сабабдин шаҳзодалар (Чингизхон ўғиллари. К.Ҳ., С.О.) Кубро-ҳазрати шайхга киши юбордилар. Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари билан қалъадин чиқиб келсунлар теб. Ҳазрат шайх айтиб юбордилар ким, мен якка эрмасман. Менинг қариндошим ва хизматкорларим бор турур. Шаҳзодалар айтиб юборди-ларким, ўн киши бирлан келсунлар. Шайх айтдилар ким ўндан

кўп турур. Шаҳзодалар айтдиларким юз киши бирлан келсунлар. Шайх айтдиларким, юздан кўп турур. Шаҳзодолар айтдилар, минг киши бирлан келсунлар. Ҳазрати шайх айтиб юбордиларким яхшиликда мен бу халқнинг тамоми бирлан ошно ва дўст ёр эрдим. Энди ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин, мен борабилмасин теди» («Шажараи Турк». Т., «Чўлпон», 1992, 69—70-бетлар).

Кейин у қўлига қилич олиб душман билан олишди ва 1221 йилда шаҳид кетди.

Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуф шоири эди. Унинг тарбия сирларидан огоҳ этувчи Қуръон шарҳига оид тавсири «Айн-ал-ҳаёт», ўгитлардан иборат «Фи-ал-адаб» («Одоб қоидалари») каби рисолалари ва анча рубоийси сақланиб қолган.

РУБОИЛАР

Ҳар сабзаки сув яқосида юз очмиш,
Бир руҳи фариштадир магар, кўз очмиш.
Бир хоки паривашки, ёмон қўйма қадам,
Бу гўшаки чун лолаву наргис очмиш ...

* * *

Чун шарбати ишқинг била дил маст бўлгай
Ҳам ҳажри-фироқинг ила ул паст бўлгай..
Илкинг узатиб, сен бу йиқилганни кўтар,
Нест бўлган ўшал тан ва кўнгил хаст бўлгай...

* * *

Ишқ етса кўнгилга, дилга дард айлар,
Дарди дили мардни боз мард айлар.
Сўз оташи ишқида ёнар ул, вале,
Дўзахни чу ўзгалар учун сард айлар...

* * *

Ҳар лаҳза бу мардонаю фарзона кўнгил,
Ёнгай сенинг ишқинг билан жонона кўнгил.
Бир лаҳза муҳаббат майини тарк этсам,
Тўлгай шу жигар қонига паймона кўнгил...

* * *

Ул дев ичимдадир, чу пинҳон эрмас,
Қул бош кўтариб юрмоғи осон эрмас.
Аймонини минг-ҳазор бор талқин қилдим,
Ул кофир ўзи асли мусулмон эрмас...

* * *

Чун ҳар неки йўқ... йўқдир бу—боду ҳавас,
Чун неки бор, бори—нуқсону шикаст.
Билгилки, у йўқ деганлари — бор, ҳаёт,
Кўргилки, у бор демишлари — йўқ, абас...[1]

[1] 333 Рубоий. Тошкент, «Нур» нашриёти, 1991, 49—53-бетлар.

«ФИ-АЛ-АДАБ» («ОДОБ ҚОИДАЛАРИ») РИСОЛАСИДАН

... Дунёнинг бир қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим, қийинчиликларга йўлиқдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуғ ишларга қадам босдим, нарса-ҳодисаларнинг аччиқ-чучигини тотдим, китобларга мурожаат қилдим, олимлар хизматида бўлдим, умримни дунё кезиш билан ўтказдим, ажойиботларни кўрдим. Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез шошилиб, йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан. Дунёю охират яхшилигини қаноатда дунёю охират ёмонлигини эса таъмада кўрдим.

Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч экан.

Ҳамма фузалою фусаҳо, мунажжиму билимдонларни бир чивин қанотини яратишдан ҳам ожиз, боши айланган, ночор... ўз ожизлиги ва нуқсонини тан олган кўрдим...

Бас, яратиш, буюриш, билим ва қудрат соҳиби ҳар қандай нуқсонлардан покдир.

... Оллоҳ билимдон, қудратли, мисилсиз. У ҳар нарсани эшитиб, кўриб турувчидир. Энг гўзал безак тавозелик, энг хунук нарса бахиллик экан.

Ҳусни хулқ (чиройли хулқ) дан кўра яхшилик қўшадиганроқ, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиганроқ нарсани кўрмадим.

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг оғир оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан.

Подшоҳлар қалбларидаида қаттиқроқ дийда, камбағал учун ямоқларни бир-бирига улашдан кўра чиройлироқ зийнат кўрмадим.

Тўғри сўзликдан кўра гўзалроқ зийнатни кўрмадим.

Ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиш, одатларнинг энг маъқули ва чиройлиги эса гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиши экан...

... Вақтни «эссиз», «қанийди», «кошкийди» лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа умр экан.

Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни эса сукутда кўрдим.

Хору зорликни маҳлуқлар хизматида, азизу мукаррамаликни эса Холиқ хизматида бўлишда кўрдим.

Қизиқувчини (кўнгил берган) машғул, зоҳидни эса бекору фориғ хоҳловчини излаётган, даъвогарни ёлғончи кўрдим.

Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим. Энг яхши савол-жавобни кишининг ўз нафси билан ҳисоблашишда, оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим. Нафсни шармандалик ва дўзах сари (одамларни) ҳайдашда кўрдим. Очкўзлик ва гуноҳкорлик ботқоғига ботганларни, исрофгарларни кўрдим. Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва маҳал (амримаҳол) бажариб

бўлмайдиган ишларни тарк қилишда кўрдим. Дўзахга йўлни эса ҳавойи нафсда кўрдим.

Кўрдимки, шайтоннинг халойиққа султон бўлиб олиши дунёни яхши кўришликда экан. Ўликлардан, уларнинг ҳолатлари, (қолган) уйлари ва молу давлатларидан ибратланмаган кимсаларни нодонликда, оллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан ошган кимсаларни эса бахтсизликда кўрдим.

Кўрдимки, инсонга келадиган барча офатлар тилда экан.

Кўрдимки экмаган ўрмайди.

Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди.

Алданишдан сақланинг. Сақланинг.

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан... ақлни эса яхшиликларга чорлашда кўрдим...

Кўрдимки, ўз-ўзини тарбиялай олган ва шаҳватлардан тийила олган киши энг кучли экан.[1]

Жалолиддин Мангуберди

(Туғилган йили номаълум—1231 йил 19 август)

Шахслар бўладики, илм-фаннинг турли соҳаларида қалам тебратиб, халқнинг маърифий-маданий ўсишига салмоқли таъсир кўрсатувчи, унинг тарих соҳасида кимлигини кўрсатувчи асарлар ёзиб қолдирадилар. Улар халқнинг маданият хазинасида нодир бойлик бўлиб сақланади ва бир умр ашъёвий далил сифатида хизмат қилади.

Яна бир хил шахслар бўладики, улар ҳеч қандай нарса ёзиб қолдирмайди. Ҳаёти ва турмуш лавҳалари, босиб ўтган йўли манзаралари, яшаш тарзи ва тажрибалари, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи, эл-юртда қозонган обрў-эътибори ва бунга сабаб бўлган омиллар, воқеа ва ҳодисалар таълим-тарбия воситаси сифатида хизмат қилишга қодир. Тарих саҳифаларига номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ана шундай буюк ва суюк шахслардан бири Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердидир.

Демак, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва турмуш воқеаларини, давлат бошқариш ҳамда ҳарбий фаолиятини чуқур таҳлил асосида ўрганиш ва умумлаштириш ҳозирги ва келгуси авлоднинг ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик, халқпарварлик ва инсонпарварлик қарашларини таркиб топтириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хоразмшоҳ Абулфатҳ Эл-арслоннинг ўғли Муҳаммад Текеш XII аср охирларида эндигина тахтга ўтирган пайтда унга мулозими Жаҳон Полвон набиралик бўлгани ҳақида хушхабар олиб келди. Яъни, Текешнинг ўғли Алоуддин Муҳаммад ўғил кўрди.

---

[1] Фақирлик ҳақида рисола (арабчадан Муқим Маҳмуд таржимаси). «Сиҳат-саломатлик» ойномаси, 1994 йил, 6-сони.

Янги туғилган фарзандга Жалолиддин деб исм қўйишди. Хоразм шоҳийлар одатига кўра, бу исм мўътабар лақаб сифатида қўлланилган.

Жалолиддин ёшлигида кўпроқ тоғаси Жаҳон Полвон тарбиясида бўлиб, унинг диний ва дунёвий илмлар олишига, адабиёт ва санъатни, мусиқа сирларини ўрганишига алоҳида аҳамият берилди. Энг аввало, Жалолиддинга Хоразмона ахлоқ-одоб, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари сингдирилди. Қолаверса, у қурол билан ва қуролсиз жанг қилиш сир-асрорини мукаммал эгаллади.

Жалолиддиннинг бобоси Текеш неварасининг Хоразм анъаналарига хос адабиёт ва мусиқа сирларини пухта эгаллашига эътиборни қаратди. Шунинг учун ёш Жалолиддин боболари, катта боболари сингари ғазал битишга, турли мусиқа асбобларини чалишга меҳр қўйди.

У Хоразм адабиёти ва санъатини, тарихи ва маданиятини қадрлагани каби халқи ва ватанини, сўлим табиат ва атроф-муҳитини севди, ардоқлади. Шу ўринда Рўзимат Ёқубовнинг бир ривоятини келтириш жоиз: бир куни ҳайқириб оқаётган Жайҳунга кесак отган укасининг чаккасига тарсаки қўйиб юборди у. (Жалолиддин — С.О.Р.Ж.)

— Сувга кесак отмоқ, тупроққа тупурмоқ гуноҳи азим, — деганди ўшанда,— Сен Хоразмни онанг ўрнида кўр!

Бу кичик ривоят маъно ва мазмунида Жалолиддин Мангубердининг Ватанга, ота-заминга қўйган меҳрининг нақадар улуғвор экани жилоланиб турибди. Жалолиддин болалигига хос юқорида зикр қилинган хулқ-атвор, ахлоқ-одоб кўринишлари, гўзал фазилатлар ҳозирги ва келгуси авлод учун намуна сифатида хизмат қилиши табиий. Унинг шу каби гўзал одоби учун, маърифатпарварлиги, ватанни беқиёс севиши учун, дини исломни қадрлагани, мардлиги, ҳалоллиги, бир сўзлиги учун тириклигида авлиё деб тан олинган. Хоразмшоҳлар пири Шайх Нажмиддин Кубро Жалолиддинни ўз ўғли каби ардоқларди ва унга Кубровия тариқатидан сабоқ берарди. Шу далилнинг ўзи Жалолиддин Мангубердини ислом дини ва миллий ахлоқ-одобнинг фидойиси эканини тўла тасдиқлайди.

Ёшлигидан ва ҳатто болалигидан бошлаб Жалолиддин от ўйнатиб, қиличбозлик қилишни ёқтирган ва тинмай машқ қилган. Ҳарбий машқ, жанг майдонида юриш, ўзини тутиш ва кураш сир-асрорини пухта ўрганишни канда қилмаган.

1200 йили Текешнинг касаллиги оғирлашади ва ўлимидан олдин тахтни мард ўғли Султон Муҳаммадга топширади. Бу воқеа 1200 йил 3 август куни содир бўлди, яъни ўша кун Текеш вафот этиб, тахтга Жалолиддиннинг отаси Султон Муҳаммад ўтиради...

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ишларини юритишда Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ кўпинча онаси Туркон Хотун фикрларига амал қиларди. Туркон Хотун бир сўзлиги, ижобий маънодаги қайсарлиги, ўз фикридан қайтмаслиги учун невараси Жалолиддин ёқтирмасди.

Жалолиддин жуда ёшлигига қарамасдан Гургонга қарши урушда (1209) қатнашди ва мард жангчи эканини, ҳарбий маҳоратини намойиш қилишга муваффақ бўлди. 1212 йилга келиб, Қорахитойлар устидан ғалабага эришди. Бу билан ёш Жалолиддин отасининг ҳурматини қозонди, ишончига эришди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ тахтга ўтиргандан кейин Хоразмга 400 дан ортиқ шаҳарни бирлаштириб, ягона қудратли Хоразм давлатини вужудга келтирди. Муҳаммад Хоразмшоҳ қон тўкилишнинг тарафдори эмасди. Кўпчилик шаҳар ва мамлакатлар Хоразмга дипломатия йўли билан қўшилди. У, энг аввало, дини Ислом тарғиботи, унга барчани итоат эттириш йўлида курашди. Қўҳна Урганчни бутун мусулмонлар дунёсининг маркази бўлишини орзу қилди. Бутун оламдаги мусулмонларнинг буюк Хоразм туғи остида кофир Чингизхонга қарши жиҳод қилиши тўғрисида хаёл сурарди.

Ўша кезларда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғилларини хаёлан кўз ўнгидан ўтказди. Қай бирини тахт вориси қилиш ҳақида ўйларди. Ақл-заковатли, мард, жасоратли, жанг майдонида матонатли, Жалолиддинга бўлган ишончи бутун вужудини қуршаб оларди. Лекин тахт вориси қилиб, Жалолиддинни валиаҳд деб эълон қилишга онаси Туркон Хотун тўсқинлик қилди.

Худди шу лаҳзаларда Султон Муҳаммад Боғдод халифалигини эгаллашни орзу қилиб қолди. Боғдод мусулмон мамлакатларининг маркази бўлиб, унга қарши юришга Хоразм уламолари ва бошқа дин аҳли қарши турди. Султон Мухаммаднинг Боғдодга қарши уруш эълон қилганини эшитиб Шайх Нажмиддин Кубро жуда хафа бўлди ва Хоразмшоҳни бу ёмон, хатарли ишдан воз кечиришга ҳаракат қилди, лекин иложи бўлмади.

Йўлда тўсатдан рўй берган табиий офат туфайли Хоразмшоҳ ортга қайтишга қарор қилди. Бироқ ўғлининг бу хатти-ҳаракати Туркон Хотунга ёқмади ва бу борада Шайх Нажмиддин Куброни айбдор деб, ҳисоблади. Шунинг учун кайфу сафога берилган ўғлини унга қарши қўя бошлади, бўҳтонлар уюштирди. Туркон Хотун фитнаси, фисқу-фужури оқибатида Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди ва мурид Шайх Маждиддин Бағдодий боши танидан жудо қилинди.

Шу орада Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ онасининг гапига кириб, Жалолиддинга нисбатан анча кичик бўлишига ва тахт бошқаришга лаёқатсиз бўлишига қарамай, Узлагшоҳни тахт вориси деб, эълон этди.

Бироқ Жалолиддин Мангуберди бу аҳду қарорга муносабат билдирмади. У ўта вазмин, сермулоҳаза, ақл-идрок билан иш тутувчи йигит бўлган. Ортиқча ҳиссиётга ҳам берилмасди. У фақат устоз Шайх Нажмиддин Кубро чеккан азияту, чақнаб турган қаҳр-ғазабидан, қолаверса Чингизхон таҳдидидан безовта эди.

Иниси Узлагшоҳ билан тожу тахт талашиш Жалолиддиннинг хаёлига ҳам келмайди. У Чингиздан Ватанни ҳимоя қилиш мақсадида уруш ва ҳимоя чораларини кўриш ҳақида ўйлайди. Бутун Хоразм лашкарбошиларининг бирлигини уюштириш тўғрисида бош

қотиради. Ички сотқинларни излаб топиш лозимлигини фаҳмлайди. Хоразм осмонига қоп-қора булутлар тезкор оқиб келаётганини англаб турарди. Жалолиддин учун уларга нисбатан бирор чора кўриш қийин эди. Чунки ота қарору ҳукмига итоат қилмоғи қарз ҳам фарздир. Қарши чиқишни одобсизлик деб биларди. У ота-онасини беҳад севарди, гапларини икки қилмасди, уларга нисбатан эътиқоди мустаҳкам эди.

* * *

Жалолиддин Мангуберди ёш бўлишига қарамай фаҳм-фаросатли, мантиқий таҳлил салоҳияти кучли эди. У Чингизхон билан Хоразм ўртасидаги уруш хавфини ва унинг муқаррарлигини ҳис қиларди. Шу уруш хавфида ҳам бувиси Туркон Хотуннинг таъсири кучли эди.

1218 йили онасининг талабига асосан Султон Муҳаммад дояси Иналчуқни саройга таклиф қилади ва уни Ғойирхон исми билан Ўтрор шаҳрига ҳоким қилиб юборади. У ўта бефаҳм, молмулкка муккасидан кетган очкўз одам эди.

Чингизхон Хоразмшоҳ билан тинч-тотув яшаш тўғрисида аҳднома қабул қилинганидан сўнг мўғулларнинг савдо карвонини Хоразмга юборади. У дастлаб Ўтрорга қўнади. Лекин қимматбаҳо моллару, олтин буюмларни кўрган Ғойирхон шум йўлни танлайди. Яъни, уларни ўзича савдогар либосидаги айғоқчилар деб, қатл қилади ва мол-мулкини тортиб олади.

Бундан дарғазаб бўлган Чингизхон Ғойирхонни беришни Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан талаб қилади. Бироқ, унинг бу талаби оқибатсиз қолдирилади. Буни Чингизхон тинч-тотув яшаш ҳақидаги аҳдномани бузганлик сифатида қабул қилади ва у Хоразмшоҳга иккинчи бор нома жўнатади. Бу, аслида, уруш эълон қилганлик тўғрисидаги хабар эди.

Жалолиддин Мангубердининг фикри тўғри бўлиб чиқди. Чингизхон Хоразм устига катта ўғли Жўчихонни юборди. Султон Муҳаммад билан Жўчихон орасида қаттиқ жанг бўлди. Жўчихон устун келаётган бир пайтда Жалолиддин келиб қолди. Жалолиддин зарбаси Жўчихонни гангитиб қўйди ва орқасига қараб қочишга мажбур бўлди.

Шундан кейинги йиғилишда Жалолиддин барча кучларнинг тезлик билан бирлаштириш масаласини кўндаланг қўйди. Лекин унинг бу таклилфи ва талаби инобатга олинмади. Шоҳнинг тоғалари ва тоғаваччалари (Туркон Хотун тарафдан қариндошлари) ҳар саркарда ўз шаҳри ва вилоятини ҳимоя қилишни талаб қилишди. Бу таклиф урушда ютқазишнинг асосий белгиси ва сабабчиси эди. Жалолиддин қанча жон куйдирмасин, ўз фикрининг тўғрилигини қанча далилламасин, таклифини ўтказолмади. Шоҳнинг тоғалари ва тоғаваччалари Жалолиддиннинг обрў-эътибори ошиб кетишидан чўчиганлари учун ҳам уни қўллаб-кувватламадилар. Натижада ҳар бир саркарда ва ҳокимлар ўз шаҳарларига қайтиб кетишди. Бу машъум воқеа Самарқандда ўтказилган маслаҳат йиғилишида содир бўлганди.

Чингизхон Ўтрорни ишғол қилиш ва Ғайрихонни тутиб жазолаш вазифасини Ўктой билан Чиғатойга топширди, ўзи эса Бухорога ўтиб кетди. Бухоро ҳокимлари ва бошқа амалдорлар сотқинлик қилишди. Шаҳарга ўт қўйилди.

Ўтрорда мўғул истилочилари қасоскорона хатти-ҳаракат қилишди. Ғойирхон қочмоқчи бўлди-ю, лекин эплай олмади. Унинг оғзига қўрғошин қуйишди. Бу машъум воқеа бутун Хоразм мамлакати бўйлаб тарқалди. Натижада Хоразм қўл остидаги барча шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари, саркардалари саросимага тушишди. Чингизхон ўғиллари қатор ғалабалар нашидасини суриб, бирлашиб Урганчга отландилар. Бу Хоразм мағлубиятидан нишона эди.

Чингизхон ҳийла-найрангларию, ўз туққан онаси ва бошқа қариндошларининг сотқинлиги туфайли Хоразм танг аҳволда қолди. Оқибатда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ садоқатли ўғли Жалолиддин бошқараётган вилоятларга йўл олди. Бундан хабар топган Чингизхон қочоқ шоҳ изига лашкар юборди. Ниҳоят, Хоразмшоҳ қочиб-қочиб, бир тўқайзорга бекинди. Кейин у ердан қочиб, Ашурадо деган оролга яширинди. Изидан ўғиллари етиб келишди. Ажалининг яқинлашгани ва умрининг тугаганини сезган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ шоҳлик либосини Жалолиддинга берди ва уни ўз ўрнига шоҳ деб эълон қилди. Сўнг ўша ерда бандаликни бажо келтирди.

Жалолиддин отаси вафотидан азият чекди, йўл қўйилган хатолар, саройдаги фисқу фасодлар, сотқинликлар, кўрилган мислсиз талафотлар уни беҳад қийнади. Вақт ўтарди, ҳар бир дақиқа ғанимат эди. Шунинг учун у отасини бекафан, шошилинч равишда дафн қилди. Ватан тақдири, халқ қисмати уни Урганчга қистарди.

Узлагшоҳ ва унинг тарафдорлари Жалолиддинга шоҳлик етганидан ҳасад қилардилар. Унга қарши фитна уюштириб, жонига қасд қилиш пайига тушдилар. Бундан Жалолиддиннинг тоғаси Жаҳон Полвон хабар топди ва шоҳга эҳтиёт бўлишни уқтирди. Жалолиддин ана шундай қийин аҳволга тушган бир пайтда мардликда, поклигу ҳалолликда, жасурликда унга тенг келадиган буюк саркарда Хўжанд ҳокими Темур Малик хайрихоҳ ва ҳамроҳ бўлди.

Икки нафар мард ва баҳодир йигит Жалолиддин билан Темур Малик Хоразм мамлакати ҳудудидан мўғул босқинчиларни ҳайдаб чиқариш, элу юртни ёв зулмидан қутқариш ҳақида ўйладилар ва бир ечимга келдилар. Бироқ, Урганч остонасида шоҳ ғанимлари Жалолиддинни ўлдиришга қаттиқ киришдилар.

Жалолиддин укаси Узлагшоҳнинг унга нисбатан ҳасад қилиб юрганини, душманлигини, ҳатто ўлдирмоқчи бўлиб юрганини биларди. У укаси ва бошқа ғанимларини қатл қилиш ҳақида фармон чиқариши ҳамда уларни бир ёқлик қилиши мумкин эди. Лекин қон-қариндошлик, ҳурматини сақлайдиган буюк инсон Жалолиддин бу йўлни танламади. У Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларини энг асосий душман деб билди.

Душманга қарши куч тўплаш, бўлажак зафарга ҳозирлик кўриш мақсадида у Темур Малик билан Хуросонга йўл олди. Мўғуллар зарбасига учраган, беқиёс қийноқ остида қолган Узлагшоҳ эса қилган аянчли хатосини кейинроқ тушунди. Лекин сўнгги пушаймондан наф йўқ эди. Узлагшоҳга тарафдор оға-инилар бошларидан жудо бўлишди.

Мўғуллар Жалолиддин Хоразмшоҳнинг куч тўплаш, ҳарбий тайёргарлик кўриш учун Хуросонга кетаётганини сезган ва уни манзилга етмасдан мажақлаб ташлаш мақсадида Наса шаҳри теварагига катта қўшин ташлаганди. Жалолиддиннинг жанг қилишдан бўлак иложи йўқ эди. Наса шаҳри атрофида шундай жанг бўлдики, Жалолиддин ҳарбий маҳоратини, яккама-якка олишув сир-асрорини, мардлигини жасоратини намойиш қилди. Қўшини икки баравардан ҳам кўпроқ кам бўлишига қарамай, Жалолиддин шу жангда тўла ғалабага эришиб, халқ ҳурматини қозонди. Бу жанг лавҳа ва манзаралари девонбеги ва тарихчи Муҳаммад Ан-Насавий томонидан ёзиб қолдирилган.

Наса шаҳри атрофидаги жанг Жалолиддин шуҳратига-шуҳрат келтирди. Бутун Хоразм ва унга қарам мамлакату. шаҳарлар буюк шоҳ ва саркарданинг ҳақиқий ватанпарвар, мард, жасоратли, миллий қаҳрамон эканига имон келтирди. Хоразмнинг мўғуллардан озод бўлишига бироз умид туғилди.

Жалолиддиннинг изига шахсан Чингизнинг ўзи тушди. У Бомиён шаҳрига ташланди. Бу шаҳарда Жалолиддин ёшлик даврида ҳоким бўлганди. Шаҳар аҳли бир жону, бир тан бўлиб Чингизга қарши курашди. Худди шу жангда Чингизхон невараси, яъни Чиғатойхоннинг ўғлига ўқ тегади ва ҳалок бўлади.

Мўғуллар енгилмас мард Жалолиддинни Парвон вилоятида узил-кесил парчалаб ташлаш учун 30.000 нафар сараланган лашкарини жангга йўллади. Бу ерда ҳам икки дўст, икки қаҳрамон Жалолиддин билан Темур Малик бир ёқадан бош чиқариб, душманга арслондай ташланишди. Ҳар икки томон ҳам зиён кўрди, кўп қон тўкилди. Учинчи куни мўғулларнинг энг кучли қисми жанг майдонига чиқди. Лекин ниятларига эришолмаган мўғуллар айёрлик ва ҳийла ишлатиш йўлини танладилар. Улар дастлаб яйдоқ майдонга чекинишди. Ҳар хил латта-путталардан одамсифат қўғирчоқлар тузатишди. Уларни отларга худди аскардек ўрнатиб, ой ёриғида Жалолиддин аскарлари устига гуруҳ-гуруҳ қилиб йўллади. Урушда чарчаб тинкаси қуриган аскарлар мўғулларнинг қаердан қайнаб чиқаётганига ҳайрон қолишди ва саросимага тушишди. Ва навкарлар ўртасида парокандалик ҳолати вужудга келди. Синчков ва ўткир кўзли Жалолиддин мўғулларнинг ҳийласини аниқ кўриб қолди, бу ҳақда хабар бериб лашкарлар орасидаги парокандаликка бироз барҳам берилди.

Жалолиддин Мангубердининг бирин-кетин эришаётган ғалабалари Хоразмдаги Чингиз ҳукмронлик ўрнатган вилоят ва шаҳарларда ёвдан озод бўлиш, эркинликка умид туйғулари пайдо бўла бошлади. Хусусан, Ҳиротда мўғул ҳокимига қарши халқ қўзғалди, душмандан қасос олина бошланди. Халқнинг бу қўзғалиши

Чингизни гангитиб қўйди, унда Хоразмни узил-кесил эгаллаш ишончи сусая борди.

Жалолиддин Мангубердининг бу оламшумул ғалабалари, шуҳрати Урганчга ҳам бориб етди. Энди Урганч халқи ҳам илҳомланиб, бир кучига ўн куч қўшилиб, шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Ўша пайтда Чингизхоннинг Жўчихон, Ўктой, Чиғатой деган ўғиллари кучларини бирлаштириб, қарийб бир йил чамаси Урганчни қамал қилиб турган эди. Бироқ, Урганчликлар таслим бўлмади, айниқса, Жалолиддин шон-шуҳратидан руҳланиб кетишди.

Уч мўғул ака-укалар «Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз-ҳўкиздан кўради» деганларидек, бир-бирлари билан аразлашиб қолишди. Улар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайди. Чунки аскарларнинг тинкаси қуриган эди, ейимлик ҳам камайиб қолди, хуллас, мўғулларнинг ҳам аҳволи танглашди.

Шунда мўғуллар яна ҳийлага ўтишди. Ўша пайтда Амударё Урганч шаҳрининг қоқ ўртасидан оқиб ўтарди. Жайҳуннинг йўлини тўсиш ҳаракатига тушишди. Урганчликлар буни сезиб қолишди ва дарёни тўсишга борган мўғулларни қириб ташлашди. Худди шу алғов-далғов дақиқалардан, айрим сотқинлар ёрдамидан фойдаланиб, мўғуллар шаҳарга киришга муваффақ бўлдилар.

Чингизхон ўғилларига Урганчни вайрон қилишдан олдин пир Шайх Нажмиддин Куброни ҳурмат ила шаҳардан олиб чиқиш, дилини асло оғритмаслик тўғрисида фармойиш берган эди. Отасининг топшириғини бажариш мақсадида Ўктой Шайх Нажмиддин Куброга хат юборди. Хат мазмуни ўша фикрга қурилган бўлиб, қариндош-уруғларни олиб, Урганчдан чиқиб кетиш сўралган эди. Кейин унинг олдига вакил юборилади ва «қариндошларингиз ўн нафар бўлса, марҳамат бирга олинг, дейилади. Пир: «Қариндошларим ўн нафардан ортиқ», дейди. Вакил иккинчи маротаба бориб: «Қариндошингиз юз нафар бўлса ҳам марҳамат, бирга олиб кетишингиз мумкин экан», дейди.

Шунда Нажмиддин Кубро: «Бутун Хоразм халқи менинг туғишганларим, заминида эса боболаримиз ётибди. Оғир кунда шу халқни ва муқаддас заминни ташлаб кетган киши иймонсиздир» дея гапни чўрт кесади.

Кейин беқиёс оғир ва қонли жангда пир Шайх Нажмиддин Кубро қаҳрамонона ҳалок бўлади, аниқроғи шаҳид бўлади ва Урганч забт этилади. Худди ўша пайтда (1221 йил) Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Ғазнада мўғулларнинг унга қарши юборган лашкарбошиларини тор-мор қилади.

Сўнгги ғалабада мўғулларнинг жуда кўп мол-мулки ўлжа қилиб олинади. Бироқ, унга Султон Жалолиддин умуман эътибор бермайди. Душман устидан қозонилган ғалаба шавқ ва завқ бағишларди, уни муқаддас Хоразм тупроғидан даф қилиш, ҳайдаб чиқариш дарди қуршаб олганди. Афсуски, унинг айрим саркардалари мол-дунё деса жонини беришга тайёр эдилар. Худди шунингдек, мўғуллардан тушган ўлжани тақсимлашда Амин ал-Мулк би-

лан Сайфиддин Малик ўртасида жанжал чиқади. Ниҳоят, бу жанжалга Жалолиддин Мангуберди аралашишга мажбур бўлади. У ўша икки саркардани ҳам койийди. «Ватан, халқ тақдирини ўйлангизлар! Мол-мулк топилади. Бунча очкўзсизлар? Ғалабага эришайлик, ватанни душмандан тозалайлик, ҳар биринга бир вилоятни бераман!» дейди. Сайфиддин қаттиқ аразланади. У лашкарлари билан ажралиб кетади.

Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ бирпас ўй денгизига ғарқ бўлади. Бу одамларга нима бало бўлди? Ўз нафсини эл-юрт дардидан ортиқ кўрсалар?! Энди Ватан тақдири нима бўлади? Наҳотки Хоразм гулшанлари душман оёқлари остида топталса?! Қачонгача Диёнат устидан хиёнат, Садоқат устидан разолат, Яхшилик устидан ёмонлик устун чиқади?

Жалолиддин қўшинлари кескин камайиб қолди. У руҳан эзилди ва Синд дарёси томон йўл бошлади. Султон Жалолиддин изига тушган мўғул бош қўмондонига мол-мулк туфайли аразлашиб кетган гуруҳлар учради. Бир ҳамлада улар ер билан яксон қилиниб, Султон изини олиб келардилар.

Шу дақиқаларда Жалолиддин одамлари дарёни кечиб ўтиш учун кема ясамоқда эдилар. Куни бўйи кема тузатиш жараёнида чарчаган аскарлар ва ҳатто соқчилар тунда ухлаб қолишади. Тиш-тирноғигача қуролланган, қонхўр мўғул лашкарлари эрта тонгда қўққисдан шу ерга бостириб келади. Мўғулларнинг бу қўшинига ҳам шахсан Чингизхоннинг ўзи қўмондонлик қилиб келганди. Унинг лашкари Жалолиддинникига нисбатан ўн-ўн беш баравар ортиқ эди. Бир қишининг ўн-ўн беш кишига қарши туриши, жанг қилиши фақат эртакларда айтилиши мумкин.

Жалолиддин шундай нохуш ва ёмон аҳволга тушдики, ҳангуманг бўлиб қолди, анча вақт ўзини йўқотиб қўйди. У ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаганди. Бироз ўзига келгач, отига қушдай учиб минди ва душманга шеърдай ташланди. Отасидан ёдгор бўлиб қолган қиличини ишга солди. У зумда онаси Ойчечак олдига келар, зум ўтмай мўғулларга ҳамла қиларди. Жалолиддин сездики, аҳвол оғир. У сингари душман билан зўр бериб олишаётган қариндоши Амин ал-Мулк ҳам шаҳид кетди. Ёлғизланди. Бармоқ билан санагулик лашкари қолди, холос. Шунда онаси ўғлини олдига чақириб олди. Ўзини ва оила аъзоларини (хотини, ўғиллари ва қизлари) дарёга чўктиришни талаб қилди. Жалолиддин Мангуберди ҳали норасида ўғлини бағрига босиб ўпар экан, қалби беун хўнграб юборди...

Султон Жалолиддин акаси, ўғиллари, қизларининг ўчини олиш учун Чингизхонга қараб отилди. Хоразмнинг баҳодир йигити Жалолиддиннинг жангда ўзини тутиши, бургутдай чангал уруши, яшин каби чаққон ҳаракатини кўриб, Чингизхон лол қолганди, ҳатто ўзини бироз йўқотиб қўйганди. Унинг қўлидан қиличи қандай тушиб кетганини билмади ва унга ҳаваси келиб, худо шундай ўғил ато этса, деб орзу қилди. Жалолиддин бир лаҳзанинг қисқа дақиқасида оти билан ўзини дарёга отди ва сузиб кетди.

Султон Жалолиддин Ҳиндистон ҳудудига ўтди. Энди у бутун-

лай ёлғиз эди: ватандан жуда бўлди, отадан айрилди, оқ сут берган онасини, суюкли умр йўлдошини, жигаргўшалари — ўғил-қизларини ноилож дарёга оқизди. Унинг қайғу-алами, чеккан ҳасрати чегарасиз эди. Бунга чидаш асло мумкин эмасди. Бунча хорлик, зорлик, бир кишига... Лекин Жалолиддин барига чидади. Чунки у сабр-қаноатли эди. Султон ҳар қандай қийинчиликларга бардошли, матонатли бўлиб ўсди.

Кутилмаганда, ўрмон ичра саргардон юрганда дарёдан ўтиб, Жалолиддинни излаётган йигитлар келиб қолишди. Шунингдек, мўғул зулмидан қочиб юрган бошқа мусулмонлар ҳам келиб Жалолиддиннинг сафига қўшилишди. Қисқа вақт ичида Султон Жалолиддин йигитларининг сафи кенгайди, катта бир лашкар вужудга келди. Бундан хабар топган Ҳиндистон подшоси Рана Шатра саросимага тушди.

Жалолиддин Мангуберди Рана Шатрага элчи орқали Ҳиндистонга босқинчилик ёки бошқа ёмон кўнгил билан келмаганини, нафасни ростлаб, кейин кетажаги ҳақида хабар қилди. Бироқ, Ҳиндистон подшоси бунга ишонмасдан, шоҳ Жалолиддин қароргоҳига ҳужум қилди. Хоразмшоҳ ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлди. Жангда Рана Шатра ҳалок бўлди, Шимолий Ҳиндистон Жалолиддин қўлига ўтди ва ўша давлатнинг подшоси бўлди.

Жалолиддин бу мамлакатда давлат ва бошқарув тизимини ўзгартирди, адолат ўрнатди, ўз тангаларини зарб қилди. Унинг давлат бошқаруви, тенглик ўрнатиши маҳаллий ҳалққа маъқул туша борди. Кўплар Жалолиддинга бутун Ҳиндистонни забт этишни маслаҳат бердилар. Бироқ, у бошқа мамлакатни эгаллаш учун эмас, куч тўплаб, нафасни ростлаб, мўғуллардан Хоразмни озод қилиши зарурлигини айтди. Ҳинд диёрида икки йил бўлиб, сўнг бу маконни тарк этишди ва Шерозга кетишди.

Кейин Султон Жалолиддин Хуросон, Ироқ, Озарбайжон мамлакатларини бирлаштирмоқни ва сўнгра бутун мусулмон давлатлари билан дўстлик алоқасини ўрнатишни мақсад қилиб қўйди. Улуғ Султоннинг нияти ва мақсади ниҳоятда пок эди. Шунинг учун унинг обрўси, шон-шавкати орта борди.

1225 йиллардан кейин Султон Жалолиддин Озарбайжонга борди. Озарбайжонни бирлаштириб, катта бир давлат вужудга келтирди. Кўпгина шаҳарлар, вилоятлар Жалолиддинга келиб қўшилди. Унинг ягона нияти — Хоразм мамлакатини мўғуллардан озод қилиш.

Доимий равишда Озарбайжонни талаб юрган гуржиларга Султон Жалолиддиннинг ўша ҳудудда туриши ёқмас эди. Шунинг учун гуржилар Султон Жалолиддинга қарши уруш (1225) эълон қилди. Лекин, улар шармандаларча енгилди. Кейинчалик гуржилар мўғуллар билан тил бириктирмоқчи бўлгани учун Султон Жалолиддин Гуржистонни ҳам забт этди. Кавказда у ўз тангаларини зарб қилдирди. Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, Жалолиддин Хоразмшоҳ қаерга бормасин, қаерда ҳукмронлик қилмасин, ўша минтақадаги халқларни, кичик-кичик давлатларни

бирлаштириш, марказлашган йирик давлат тузиш ҳақида ўйлайди, бунга эришган ҳам. У иложи борича барча муаммоларни урушсиз, сиёсий мулоқот йўли билан ҳал қилишни асосий мақсад қилиб қўйган. Бу унинг тинчликсеварлик фазилатидан далолат беради. Беҳуда қон тўкилишига тамоман қарши бўлган. Тарих шундай амиру, хонлар ва шоҳларни биладики, инсонлар бошларидан катта-катта эҳромлар ясаган, шахсий манфаати учун одам қонини дарё қилиб оқизган, ҳатто бешикдаги гўдакларни найзага илдириб юрган. Жалолиддин Мангуберди эса ўшандай давлат арбоби ва саркардаларга қарши курашган. Унинг Чингизхон бошлиқ Мўғул истилочилари билан давомли уруши шу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Султон Жалолиддинга кўп сонли гуруҳларнинг қўшилиши, унинг Кавказ ва бошқа ерлардаги мавқеи мўғул саркардаларини саросимага солаётганди. Қолаверса, бошқа араб мамлакатлари ҳам «Жалолиддин Хоразмшоҳ бу хилда кучайиб борса, бизнинг ерларимизга ҳам таҳдид солади» деб таҳликага тушиб қолдилар ва Жалолиддинга душман кўзи билан қарай бошладилар.

Шу орада Чингизхоннинг ўғли, Жалолиддиннинг синглиси, Хонсултоннинг эри Жўчи вафот этади. Бундан Чингизхон руҳан эзилади, қайғу-ҳасратда азобланади. Чунки уни бошқаларига нисбатан яхши кўрарди. Сўнг ўзи ҳам оғир касалликка дучор бўлади. У ўлими олдидан Хоразмшоҳ Жалолиддинни йўқ қилишни насиҳат қилади. Чингизхон ўрнига Ўктойни хоқон қилиб тайинлайди ва вафот этади. Бу воқеа 1227 йили содир бўлди.

Чингизхон ўлимидан кейин янги хоқон Ўктой фармойиши билан Султон Жалолиддинга қарши жуда кўп сонли ва энг илғор қўшин йўлланди. Уларга энг тажрибали, баҳодир лашкарбоши қилиб Бойжу нўён, Асон Туган нўён, Тайнал нўён, Ноку нўён сингари саркардалар тайинланди.

Ҳар икки томон Исфахон шаҳри атрофида жангга шай бўлиб туришди. Жалолиддин кичик доирада мажлис ўтказиб, Парвон урушидан кейинги сотқинлик, нафс балосига дучор бўлишининг оқибатлари тўғрисида гапирди. Бу жанг моҳияти — Ватан озодлиги, халқ эрки учун эканини тушунтирди. Садоқатли бўлишга қасамёд қилишди.

Сўнг жанг бошланди. Қиёмат қойим бўлган каби бўлди ҳар ён, Мўғуллар танг аҳволда қолди, улар аста-секин ортига қараб қоча бошладилар. Лекин нима учундир қочиб кетаётган мўғул аскарлари чап томондан қўққисдан ҳужумга ўтишди. Ҳа, яна ҳиёнат, яна сотқинлик. Бу гал Жалолиддиннинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ чап қанотдаги лашкарлар гуруҳни жанг майдонидан олиб кетганди. Қаттиқ жангдан сўнг барибир Султон Жалолиддин узил-кесил ғалаба қилди.

Бу улуғ воқеа тарихга 1228 йил август санаси бўлиб кирди. Бироқ, ғалати ҳол рўй берди. Хоразм лашкарлари мўғул босқинчилари устидан эришилган ғалаба нашидасини сурардилару, ҳеч қаерда Хоразм туғи кўринмасди. Тўсатдан Жалолиддин Хоразм-

шоҳ мўғул қочқисини Хоразм байроғини олиб кетаётганини кўриб қолди. У жаҳл ила найза отди, мўғул ер тишлади ва Султон Жалолиддин муқаддас байроқни олиб, баланд кўтарди...

Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ ўзида йўқ хурсанд эди. Мўғул истилочиларини тор-мор қилиб, Хоразм истиқболи, халқ эркн ва озодлиги, келажакда қилинадиган улуғ ишлар, мамлакат ободончилиги, маърифати ҳақида ширин ўйлар сура бошлади. Навбатдаги мақсад — мусулмон давлатлари билан алоқани янада яхшилаш, ўз кўзи билан кўрган хиёнат ва сотқинликлардан тозалаш, меҳр-оқибат, дин-диёнатга эътибор бериш эди. Шундай ширин ва эзгу ҳаёллар оғушида ўтирганда, мусулмон мамлакатларининг Султон Жалолиддин Хоразмшоҳга уруш эълон қилганларидан хабар топиб, ҳангу манг бўлиб қолди. Бу унинг пешонасига тушган энг оғир зарба ва қалбига санчилган заҳарли найза эди. У шундан кейин, дейиш мумкинки, ўзига келолмади.

Султон Жалолиддин умри бўйи Хоразмни ва мусулмон халқларини мўғул истилочиларидан ҳимоя қилиш учун жанг қилди, шу эзгу мақсадга эришиш йўлида озор чекди, чор-ночор қолган дамлар сон-саноқсиз бўлди, бегона юртларда девонасифат дайдиди, гоҳида жиҳод қилди, қўлида қилич ўйнади. Минг надоматлар бўлсинки, ўзимнинг мусулмонларимни динини ҳимоя қилсам-у, улар менинг ҳалокатимни ўйласалар, деб қаттиқ азият чекди.

Айрим тарихий маълумотларга қараганда, Жалолиддин Мангуберди худди шу машъум воқеага қадар оғзига шароб деган нарсани олмаган экан. У аламини, ҳасратини, ғам-ғуссасини шароб ичиш йўли билан йўқота бошлади. Беқиёс иродаси мустаҳкам, миллат мусулмонлар учун жонини бағишлаган улуғ зот руҳан эзилди. Айниқса 1231 йилнинг 17 август куни дармонсизланди, ғам ҳасратдан ўзини қўярга жой тополмади. Халқ қаҳрамони бечораҳол бўлиб қолди. Шу кунга қадар ҳафталаб ухлай олмади. У шароб ичар, гоҳ кулар, гоҳида йиғларди. Юрагида оғир дард сезарди. Бу бепоён Хоразм дарди, турк халқлари дарди эди, ўз диндошлари-мусулмонлардан етган озор дарди эди. Бироздан сўнг чодирида шароб таъсирида ухлаб қолди. Эрта тонгда Жалолиддин Хоразмшоҳ макон қурган жойга душман тўсатдан бостириб келди. Маст ҳолда ётган Султонни олиб қочишди. Шоҳона либослар чодирда қолиб кетди. Шу алғов-далғовда Жалолиддин ёлғиз бошқа томонга кетиб қолади. Қароқчилар қўлига тушади. Уни ўлимдан бир турк қароқчи қутқариб олади.

Султон Жалолиддин Мангуберди ҳалиги туркка ўзини таништиради. Кейин ҳалиги турк йигити бир хонадонга қўйиб, унга от топиб келиш учун чиқиб кетади. Бу воқеадан бир банги қурд хабар топиб қолганди. Унинг акаси Жалолиддинга қарши жангда ҳалок бўлган эди.

Жалолиддин Хоразмшоҳ хонага кириш билан яна донг қотиб ухлаб қолади. Ҳалиги банги қурд қўққисдан хонага кириб, ухлаб ётган Султон юрагига найза уради. Бу даҳшатли ва аянчли фожиа 1231 йилнинг 19 август куни содир бўлди. Ўзини бутун мусул-

монлар озодлиги, бирлиги, эзгулик учун бахш этган, фидойи ватанпарвар, мард ва миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангуберди бир банги қурд қўлида фожиали равишда шаҳид ўлди.

Султон Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ ҳаёти, турмуш тарзи, босиб ўтган йўли, жанг қилиш лавҳаларини ўрганиш, чуқур таҳлил этиш, уларни келгуси авлодга тарғиб ва ташвиқ этиш педагогик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, ёш авлодга ватанпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик, миллатга эътиқод, меҳр-оқибат, дўстга садоқат, элга меҳр-шафқат, юртни идора қилиш, ватанни ҳимоя қилиш сир-асроринн ўргатишда тарбиявий роль ўйнаши табиий ҳолдир.

Бурхониддин Зарнуджий

(1150—?)

Бурхониддин Зарнуджий шахси ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумот ҳали бизда жуда кам. Тўла етиб келганича йўқ. Аммо, бизга маълумки, у Марғилон мадрасасида ўқиб, шу ерда мусулмон қонуншунослигидан талабаларга таълим берган. Ўзининг кўп йиллик амалий-педагогик тажрибаларини умумлаштириб, ўз даврига хос, бугун ҳам ўрганишга лойиқ педагогик ўқув қўлланма ёзишга муваффақ бўлган.

Унинг «Ўқувчига таълим йўлида қўлланма» номли ушбу китоби асрлар давомида ўқилиб, қўлда кўчирилиб келинган. XIX асрда бу китоб араб тилида бир неча мамлакатларда нашр қилинди. 1864—1865, 1900—1901 йиллардаги Қоҳира, 1870—1889 йиллар Тунис, 1975 йили Истанбул, 1888—1902 йиллар Қозон нашрлари китобхонларга маълум.

«ЎҚУВЧИГА ТАЪЛИМ ЙЎЛИДА ҚЎЛЛАНМА» АСАРИДАН

... Мен кўрганимдан сўнгиси шуки, бизнинг замонамизда билимга ғайрат билан киришган кишиларнинг кўпчилиги унга (билимга) унчалик эришолмаган бўлсалар, аслида улар, нотўғри йўл танлаб ва мавжуд услубларни менсимасликдан сақланмаганликдандир. Мен ... ўз ўқитувчиларим, доно ва билимдон кишилардан эшитганларим, китоблардан ўқиганларим асосида уларга мавжуд услуб, йўллар ҳақида фикрлар билдириш ва мақсадларни кўрсатмоқчиман. Мен ушбу китобни «Ўқувчига билим олиш йўлида қўлланма» деб атаб, уни қуйидаги бўлимлардан иборат туздим. Улар: «Билимнинг моҳияти ва уларни такомиллаштириш ҳақида», «Таълим йўлида онгли истаклар ҳақида», «Ўқитувчи ўртоқ, фанларни танлаш ҳақида», «Олимлар ва фаннинг шарафи ҳақида», «Дарс вақти ҳақида қўлланма», «Билимларни эгаллаш ҳақида», «Оллоҳдан кўрқиш ва таълим олиш», «Билимларни хотирада сақлаш, эсдан чиқариш турлари», «Умрни узайтирувчи ва қисқартувчи кучлар ҳақида» ва бошқалардан иборат.

«ЎРТОҚ, ЎҚИТУВЧИ, ФАН ТАНЛАШ ҲАҚИДА» ДАН

... Ўрганувчилар зиммасида барча фанлар орасидан энг муҳимларини танлаш вазифаси туради. Бу улар нимага қизиқадилар, нимани ўрганмоқчилар ва ҳаётларининг кейинги даврларида қайсинисига эҳтиёж туғилишини ҳисобга олишлари маъқул. Майли, аввало, у якка оллоҳни ва билиш йўллари ҳақидаги фанларни танласин, оллоҳни фақат ҳақиқий йўлда билсин, ишонч бунга асосий йўлдир. Ҳақиқат излаганни менсимаслик хато ва гуноҳларга олиб боради.

Ўқитувчи танламоқчи бўлганингизда, энг аввало, билимлисига, энг олижанобига ва яна кексасига **тўхталмоқ керак...**

Билгинки, қаноат ва сабр — ҳамма ишларнинг буюк илдизи, аммо бу камдан-кам ҳол. Айтилганки: «Ҳар бирингиз мурувватни эгаллашга хайрихоҳлик билан интилинг, бироқ булардан энг долзарби, бу — кишиларда билимларни такрорламоқдир».

Билимларга бўлган қизиқиш шуни талаб этадики, у (ўқувчи) ўқитувчисига ва ўрганаётган фани, китобига нисбатан тўла қаноатли бўлсин, токи муваффақиятсизликни ўзидан йироқлаштирсин, билимнинг махсус бўлимига нисбатан ҳам шундай иш тутмоқ керак. Буларнинг акси эса, ўқитувчига нисбатан номуносибликка, вақтни йўқотишга, машғулотларнинг тартибсизлигига сабаб бўлади.

Сен билимларни фақат мана шу олти ҳолатда ўзлаштиришинг зарур бўлади. Мен уларни қуйидагича таъриф қиламан. Булар: ақл-фаросатлилик, кучли истак, чидамлилик, озгина ейимлик ва ичимлик, ўқитувчи таълими ва билим олиш учун етарли вақт.

Ўртоқ танлашга келсак, шундай ўртоқ танлаш керакки, ғайратли, софдил, пок феъл-атвор эгаси бўлсин. Лекин, ялқов, ишёқмас, эзма, жиноятчи ва ўғрилардан ўзингни анча йироқда тут.

Муаллим-устозга нисбатан ҳурматда бўлиш ифодаси шуки, шогирд муаллимдан олдин юрмаслиги, унинг ўрнига бориб ўтирмаслиги лозим.

Айтилганки, машғулотлар давомида ўқувчилар муаллимдан узоқ бўлмасинлар, «улар ораси ўқ-ёй оралигича бўлсин», мана шунда илмга интилувчиларни ўз устозларига ҳурмати маълум бўлади.

МАШҒУЛОТ (ДАРС) ВАҚТИ ҲАҚИДА

... Дейиладики: «Таълим вақти бешикдаги даврдан-мозоргача». Ҳасан ибн Зийёд 80 ёши арафасида ҳаёт қонунларини ўрганишга киришган. У 40 йиллар чамаси тўшак устида ухламай ўқиб ва сўнгги 40 йилида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ўқиб ўрганиш учун энг яхши вақт — ёшлик даври, эрта тонг ва қош қорайган пайт. Билим олувчи ана шу вақтини самарали ташкил этишга одатлансин, борди-ю унга бир фан зерикарли бўлса, бошқаси билан машғул бўлсин.

Аҳмад Югнакий

XII—XIII асрларда яшаган йирик шоир ва олим, туркийзабон ижодкор, атоқли сиймолардан бири «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») асари муаллифи Аҳмад Югнакийдир. Аҳмад Югнакий асаридан бизгача сақланиб қолган баъзи парчалар ва унинг асарига ёзилган шарҳлар муаллиф ижоди ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имконият беради. Унинг бу асарига келтирилишича, шоир ҳозир Чимкент вилоятига қарашли Югнак деган жойда таваллуд топган. Асар сатрларида қайд этилишича, Аҳмад Югнакий кўзи ожиз киши бўлган. Унинг асари, бир манбада келтирилишича, ўндан ортиқ бобдан иборат бўлган. Алишер Навоий ўзининг «Насойим-ул-муҳаббат» асарида унинг номини эслаб ўтади. Ҳатто Навоий Ҳусайн Бойқаро ўғли Бадиуззамонга ёзган бир хатида «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» дан парчалар келтиради.

Ҳозир Югнакий асарининг уч нусха қўлёзмаси Туркияда сақланади. Достоннинг Истанбул нусхаси 508 мисрадан иборат асар бўлиб, у ўн бир бобдан тузилган. Унинг биринчи боби тангри ва унинг улуғлигига бағишланган бўлиб, II боби пайғамбар ва чоҳорёрларга, III боби бекларга, IV боби асарнинг ёзилиш сабабларига бағишланган. V бобида илмнинг афзаллик томонлари ва унинг мадҳи, VI бобида тил одоби, VII бобида фоний дунё масалаларига, саккизинчи бобида муаллиф кишидаги саҳоват ҳамда бахиллик сифатларига тўхталади. У одамлардаги саҳоватни мақтаб, бахилликни қоралайди, одамларнинг одамлиги мана шу иккига сифат-саҳоват ва бахиллик билан намоён бўлишини айтади. Инсондаги саҳоват каби яхши хислат доим у билан ҳамроҳ бўлиш, уни ҳеч бир тарк этмаслиги кераклигини уқтиради. Бу борада одамлар доимо одми ва жўн, хушмуомала бўлиши зарурлигини, кишидаги ғурур ва қўполлик хусусияти инсон хулқи ва одобини бузиши мумкинлиги ҳақида сўзлайди.

Асарнинг IX—X боблари заковат ва бошқа ижтимоий масалаларга, XI боби эса китоб хотимасига бағишланади.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» асари Марказий Осиё маҳаллий халқларининг туркий адабий тилида ёзилган ажойиб қимматбаҳо дурдонадир. Унинг тили Ўрта аср адабий тилига ва ўзининг халқчиллиги билан ҳозирги ўзбек тилига жуда яқиндир.

Истанбулнинг Ая Суфия кутубхонасида сақланаётган бу асарнинг энг эски нусхаси ҳижрий 848 (милодий 1444 — 1445) йили ва бошқаси 884 (1479—1480) йили Самарқандда кўчирилган.

Бу асар илгари Нажиб Осим бей томонидан 1334 (1915—1916) йилда изоҳлар билан нашр этилган эди.

Айрим манбаларда кўрсатилишича, Югнакийнинг оти Аҳмад бўлиб, отаси Югнакий деб танилган, шунингдек, унга ҳурматан «адиблар адиби», «фозиллар сардори» деган ном ҳам берилган.

Алишер Навоий «Насоим-ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асарида Аҳмад Югнакийни эслаб ёзади: «Ҳудо раҳмат қилгур адиб Аҳмад ҳам турк элидан эмиш. Ундан ғаройиб нар-

салар нақд этилади. Дерларки, кўзлари битилган, ҳеч нарсани кўрмас эмиш. Басир бўлиб ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлғай ва кўрмас бўлғай, аммо бағоят зийрак ва закий, зоҳид ва муттақий (тақводор) киши эрмиш. Ҳақ субҳона ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратгандур, аммо кўнгил кўзин бағоят ёруқ қилғондур... Маскани Бағдоддин неча йиғоч (чақирим), баъзилар дебдурларки, тўрт йиғоч йўл эркандур. Ҳар куни Имоми Аъзам (Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсун) суҳбатига ҳозир бўлур эркандур. Ва бир масала ўрганиб, бу йўлни аёқ босур экандур... Нақлдурки, Ҳазрати Имомдан сўрубтурларки, шогирдларингиз орасида қайсидин андоққи, кўнглингиз тиллар, розисиз?

Имом қуддиса сирруҳу демишларки, барн яхшидурлар.

Аммо ул кўр туркки, саффи ниолда (пастак жойда) ўлтурур ва бир масъалани мазбут қилиб, тўрт ёғоч яёқ юруб борур, андоққи керак ул таҳсил қилур. Ва анинг тили турк алфози била мавозу насойиҳа гўё эрмиш, балки аксар турк улусида ҳикмату нуқталари шойиъдур (тарқалган). Ва назм тариқи била айтур эрмиш. Ва анинг фавоидиндандур:

Улуғлар не берса емасмен дема,
Илиг сун, оғиз ур, емасанг ема.»

(Алишер Навоий, «Насойим-ул-муҳаббат». Ҳозирлаян доктор Кемал Ераслан, Истанбул, 1979, 390—391-бетлар.)

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, Имом Аъзам билан Аҳмад Югнакий ўртасида давр нуқтаи назардан бир қанча фарқ бор. Имом Аъзам милодийнинг 700—767 йиллар орасида яшаган. Аҳмад Югнакий эса XII—XIII асрларда яшаган. Бу ерда ё китоб нашрида қандайдир бир чалкашлик бор, балки бу ерда Имом Аъзам эмас, бошқа бир аъзам номли улуғ бир зот бўлиши ҳам мумкин. Ҳазрат Навоий бунчалик саҳв- ғалатга ўрин бермас. Балки ношир хатоси бўлса эҳтимол.

Мана шулардан кўринишича, Аҳмад Югнакий ўз даврида забардаст шоирлардан бири бўлган. Унинг тилга олинган китоби бутунлай таълимий бир асардир, ҳатто уни насиҳатнома десак ҳам бўлади. Бунда муаллиф пайғамбар, тўрт халифа ва саҳобалар мадҳидан бошлаб, илму фан ўрганишнинг аҳамияти, нодонликнинг зарари, тилни тийиш ва одоб-ахлоқ турларидан сабоқ берган.

АҲМАД ЮГНАКИЙ НАСИҲАТЛАРИДАН

Билик[1] била билинур саодат йўли,
Билик била саодат йўлини изла.[2]
Баҳолик[3] динор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз иши.
Биликлик — биликсиз қачон тенг бўлур?
Биликлик тиши[4] — эр, жоҳил эр — тиши.
Сўнгакка илик керак, эронга[5] билик,
Эрон кўрки ақлдир, сўнгакда илик
Биликсиз-иликсиз сўнгакдек холи,
Иликсиз сўнгакка сунулмас илик.[6]
Билик билган бўлди эрлар билгулик,[7]
Биликсиз тириклай етук кўргулик.[8]
Биликлик эр ўлди, оти ўлмади,
Биликсиз эсан экан, оти ўлик.
Биликсиз мингига биликлик бири —
Тенгдур, биликлик билур билик қадрин.
Боқиб кўр энди, бир ўзинг синаб кўр,
Биликдан фойдали на бир нарса бор?
Билик бирла олим кетди юқори,
Биликни биликсиз билиб на қилур?!
Билик бил, эринма, ўшал ҳақ расул,
Биликли бўлса ким мақтанг, деди ул.
Биликлик биликни қадрлаган бўлур,
Билик қадрин, билсанг биликлик билур.
Билик қадрин эрга билик билдирур,
Биликни биликсиз ўзин на қилур?!
Биликсизга ҳақ сўз тортиқсиз[9] эрур,
Анга панд насиҳат осиқсиз,[10] эрур.
На турлик ювиқсиз покдир ювинса,
Жоҳил қанча ювинсин ориқсиз,[11] эрур.

---

[1] Билик — билим.

[2] Бу ерда Югнакий матнини сақлаш мақсадида баъзан ибора ва сўзларгагина ўзгариш киритдик. Асл матн тушунарли бўлса, ўшандай қолдирдик, архаик бўлиб қолган сўзлар, ҳатто қофиялар ўрнини ҳам баъзан алмаштирдик, баъзан ўзича қолдирдик. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Севимли ҳақиқатлар») матнининг бу тўпламдагисини тайёрлашда Қ. Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» асари ҳақида» (Тошкент «Фан» нашриёти, 1972) деган китоби нлованидан фойдаландик (177—246-бетлар), унда матн (арабча ҳарфда), транскрипция (218—231), шарҳ (232—246) ва луғат (247—299-бетлар) берилган.

[3] Баҳолик — нархи баланд, қимматли.

[4] Тиши — хотин, уруғочи; бу ерда билимли хотин мисоли эркакдек, жоҳил эр бўлса, мисоли хотиндек бўлади, дейилмоқчи.

[5] Эрон — эр киши.

[6] Илик — қўл.

[7] Билгулик — биладиган.

[8] Кўргулик — билимсизлик ёмон бўлди, кўргулик бўлди, дейилмоқчи.

[9] Тотиқсиз — мазмунсиз, маъносиз.

[10] Осиқсиз — фойдасиз.

[11] Ориқсиз — ювиқсиз, ифлос.

Биликлик киши, кўр, билур ўз ишин,
Билиб этар ишин, ўкинмас кейин.
На турлик иш эрса биликсиз уни
Ўкинчда ўтказур, топмай чорасин.
Биликлик кераклик сўзни сўзлаюр,
Кераксиз сўзларни кўмиб кизлаюр.[1]
Биликсиз на айтса айтур уқмайин,
Анинг ўз тили ўз бошини еюр!
Биликла билинур яратган изи,
Биликсизлик ичра хайр йўқ ўзи.
Билик билмагандин бир анча эл жим,
Ўз илгин[2] бут этиб, бу деди изим.[3]
Биликлик сўзи панд-насиҳат, адаб,
Биликликни мақтар ажам ҳам араб.
Таварсизга билги[4] туганмас тавар,
Ҳисобсизга белги йарилмас[5] ҳисоб.
Эшитгил билимлик неларни айтур,
Адаблар боши тил, тиймоқ кўп зарар.
Тилингни тийиб юр, синмасун тишинг,
Агар чиқса яшир, ўнгласин ишинг.
Билиб сўзлагил эр сўзи тўғридур,
Кўп валдираган эр худди ёғидир.[6]
Эзма бўлма, хўбдир тилнинг хушлиги,
Етар бошга бир кун бу тил бўшлиги.
Хирадликму бўлур аччиқ тил киши?!
Заҳар тилдан кетди кўпларнинг боши.
Ўчактирма эрнинг тилин, бил бу тил,
Яраласа битмас, битар ўқ яра.
Сафиҳ[7] эр тили ўз бошин душмани,
Тилидан тўкилди кўп эрнинг қони.
Кўплаб сўзлагандан ўкинганлар кўп,
Тилин тийганлардан ўкинган қани?
Неким келса эрга тилидан келур,
Бу тилдан ким эзгу, ким хурмат кўрур.
Эшит бу бут сўзни, барчага тенгдур,
Дилга сўзни жойлаб олиб сиғинур.
Тийиб олгин тилинг, кел оз қил сўзинг,
Сақланса бу тилинг сақланур ўзинг.
Эрни ўтга отувчи тил, деб расул —
Айтди ахир, ўтдан асран тийиб тил.

---

[1] Қизламоқ — яширмоқ.
[2] Илгин — қўлини.
[3] Изим — худойим.
[4] Таварсизга билги — тавар-мол, қадимги турк тилида ишлатилган сўз, билги — билим.
[5] Йарилмас — саналмас.
[6] Ёғи — душман.
[7] Сафиҳ — тентак, ақлсиз.

Икки нарса бирикса эрда тўла,
Тўсилди ул эрга мурувват йўли.
Бир гал янглиш деса кераксиз сўзин,
Яна ёлғон деса тикиб ул кўзин.
Тили ёлғон эрдан йироқ тур доим,
Сен кечир умрингни тўғри, мулойим.
Оғиз, тил безаги тўғри сўз бешак,
Тўғри сўзлаб дилу тилингни безат.
Тўғри сўз асалдек, ёлғони басил,[8]
Басил еб ичитма оғиз, е асал.
Тўғри сўз шифодир, ёлғон сўз касал,
Бу сўз борасида тиқилмиш мақал.
Тўғри бўл, тўғри қил, тўғри ном орттир,
Тўғри сўз деб билсин халойиқ бир-бир.
Тўғрилик тўнин кий, билиб ол шуни,
Яхши тўн доимо яхшилик тўни.
Қаттиқ асра розинг киши билмасун,
Сўзингдан ўзингга ўкинч келмасун.
Барча сирли ишинг бўлиб ошкора,
Эшитган кулмасун сендан эл аро.
Эшим деб иноиб сир айтма асло,
Қанчалик яқин бир эш бўлса, ҳатто.
Агар сиринг сенда сингиб туролмас,
Эшингда сақланмас, сабри чидолмас.
Аё дўст биликлик изин излагил,
Мабодо сўзласанг, билиб сўзлагил.
Мақтансанг сахийни топиб сўзлагил,
Бахилга қаттиқ ёй ўқин кўзлагил.
Барча тил саҳийнинг мақтовин айтур,
Сахийлик — кишининг айбини ювур.
Сахий бўл сенга ҳеч сўкинч келмасун,
Сўкинч келар йўлни саховат тиюр.
Эгилмас кўнгилни сахий эр агар,
Етилмас муродга сахий эр етар.
Бахилликни мақтар тил борми, қани?
Сахийликни эса хос ҳам эл мақтар.
Сахий эр билимнинг қадрин билди, кўр,
Барча молин сотди сано олди, кўр.
Тирилди кетма-кет шуҳрати билан
Дунёда эзгу от ундан қолди, кўр.
Бахил йиғди зар-сийм харомдан улуш,
Ахийри олибди лаънат-ла сўкиш.
Улуш бўлди моли кишилар аро,
Бахил олди андин сўкинчдан улуш.
Эй сахий мол эгаси, эй сахий эр!

[8] Басил — пиёз, саримсоқ.

Тангри сенга берди, сен ҳам элга бер.
Эй мол йиғиб доим инъом бермаган,
Ҳалолдан инъом этсанг, хўб, этавер.
Табиатда яхши ва айбсиз от бу —
Сахийликдур, бахиллик кўрксизидур.
Қўллар ичра қутлиси ҳам сахий қўл
Олса-ю бермаса қутсиздур ул.
Бахилни даволаб тузатиб бўлмас,
Қўлин саховатга йўлатиб бўлмас.
Кўзи тўймас, йиғса ҳам мол, суқ бахил,
Қул ул молга, моли унга эб бўлмас.
Элнинг бутуни, сахийси эр дурур,
Сахийлик шарифу жамол орттирур.
Севилмоқ тиласанг кишилар аро,
Сахий бўл, сахийлик сени севдирар.
Бахил, нокас, тубан тавар посбони,
Емас-ичмас, йиғар, тутар берк они.
Дўстига таттирмас бахил тузини,
Ўлди қолур моли, еюр душмани.

Паҳлавон Маҳмуд

(1247—1326)

Фан ва маданияти гуркираб яшнаб турган, адабиёт ва санъати довруғ таратган, халқнинг турмуш даражаси, фаровонлиги юксалган, иймон-эътиқод, дину-диёнати камолга етган гўзал ва навқирон Хоразмни Чингизхон бошлиқ мўғуллар истилоси хонавайрон қилди. Бу хунрезлик Хоразм маданиятининг янада юксак поғонага кўтарилишига салбий таъсир кўрсатди.

Худди ўша тарихий даврда Паҳлавон Маҳмуд 1247(1248) йили Кўҳна Урганчга ёндош қишлоқлардан бирида ҳунарманд-косиб оиласида таваллуд топди. Ўша вақтда Паҳлавон Маҳмуднинг отаси Кўҳна Урганчда истиқомат қиларди. Оиласини телпак, пўстин тикиб, ундан келган даромад ҳисобига тебратарди. У ўз ҳунарини ўғли Паҳлавон Маҳмудга ўргатди. Фарзанд ҳам ўз навбатида ота касбига меҳр қўйди, айниқса, пўстин тикиш сир-асрорини пухта ўрганди.

Паҳлавон Маҳмуд Кўҳна Урганчда туғилиб, Хивада униб-ўсди, камолга етди, ўша ерда ўтиримли яшади. Бир нарсани эслаш лозимки, айрим манбаларда унинг ота-онаси Хивага кўчиб ўтаётган пайтда туғилгани қайд қилинган.

Паҳлавон Маҳмуд болалигидан паҳлавонжусса, елкалари кенг, қадди юксак, жуда бақувват бўлиб ўсди. У доимо паҳлавонлар сайлларига борарди, кураш усулларини кузатди ва ўрганди, ўзи ҳам бадантарбия билан машғул бўлди, жисмонан чиниқди. Жуда ёшлигидан тенгқурлари билан курашга тушарди. Натижада Паҳлавон Маҳмуд Хоразм мамлакатида «Полвон Маҳмуд» номи билан

машҳур бўлиб кетди. Кейинчалик «Елкаси ерга тегмаган» паҳлавон сифатида бутун Шарқ мамлакатларига кенг танилди ва халқ унга «Пурёйвалий» лақабини берди. Бу номлар ва лақаблар Паҳлавон Маҳмудга халқ томонидан тақдим этилган катта, олий мукофот эди.

Оламга довруғи кетган паҳлавон инсонпарварлиги, халқпарварлиги билан ажралиб турарди. Доимо қўни-қўшниларнинг, элэлатнинг ҳожатини чиқаришга ҳаракат қиларди. Бу гўзал одобахлоқи, мулойим хулқ-атвори, вазминлиги ва бошқа фазилатлари унга ҳурмат-эътибор келтирди, халқ ўртасида катта обрў қозонди.

Паҳлавон Маҳмуднинг елкаси ерга тегмаган забардаст афсонавий паҳлавон эканлиги ҳамда раҳм-шафқатлилиги, инсонпарварлиги ва халқпарварлиги ҳақида халқ томонидан жуда кўп ривоят ва афсоналар тўқилган. Бу унинг халқлар ўртасидаги шоншуҳратидан далолатдир.

Мана шу ривоятлардан биттаси: ўша замонларда мамлакатлараро паҳлавонлар кураши сайли бўлиб турар экан. Шарқ мамлакатларидан бири (баъзи ривоятларда Эрон, бошқаларида Ҳиндистон дейилган — С. О.)га Хоразмшоҳ ўз курашчиси Паҳлавон Маҳмудни олиб боради.

Паҳлавон Маҳмуд табиат манзараларини хуш кўргани учун кураш сайлидан бир кун олдин тоғ этакларида, сув бўйларида сайр қилиб юрган экан. Мундоқ қараса, шох-бутоқларига латта-путталар илинган дарахт тагида бир кампир йиғлаб ўтирибди. Паҳлавон Маҳмуд бунга ажабланиб, унга раҳми келиб, ҳол-аҳвол сўрабди:— Она, нега йиғлаяпсиз? Ким хафа қилди? Кампир жавоб қилибди:—Эй ўғлим, менинг болам шу юртнинг бош паҳлавони. Бизнинг оиламиз унинг топган-тутгани билан тирикчилик қилади. Бошқа ҳеч қандай даромад манбаимиз йўқ. Хоразм деган юртдан бир паҳлавон келганмиш. Унинг елкаси ҳеч қачон ерга тегмаганмиш. Агар ўғлим ундан енгилса, подшоҳимиз ўғлимни саройдан ҳайдайди. Кейин оч-яланғоч қоламиз. Шунга азият чекаяпман. Худодан ўғлим енгилмасин деб тилаяпман. Паҳлавон Маҳмуднинг унга жуда раҳми келиб:— Эй онажон, хафа бўлманг, иншооллоҳ, ўша хоразмлик паҳлавондан ўғлингиз енгилмас,— дебди.

Эртаси кун паҳлавонлар кураши бошланибди. Бутун Шарқ мамлакатларидан кураш ишқибозлари йиғилган экан. Шоҳу гадо ўша майдонда. Ниҳоят Хоразмшоҳ ҳалиги кампирнинг ўғлига қарши Паҳлавон Маҳмудни юборибди. Кураш бошланибди. Паҳлавон Маҳмуднинг кўз олдидан кампирнинг ночор ва хомуш йиғлаб ўтирган ҳолати, манзараси ўтаверибди. Хоразм паҳлавони куч ва амал ишлатмай шунчаки ҳаракат қиларди, йўлига анча вақт олишиб, сўнг ўзини қўйиб юборди, йиқилди. Сунъий ҳаракатини қанча сездирмасликка уринмасин Хоразмшоҳ унинг бу «сотқинлиги»ни пайқаб, Паҳлавон Маҳмудни ғирромликда тўла айблаб, унинг Хоразмга қайтиб боришини ман этибди ва ўзи кетиб қолибди. Бу мисли йўқ оғир жазо, хўрлик, ватангадолик эди. Яна унга «сотқин» деган ёрлиқ берилди.

Паҳлавон Маҳмуднинг бу сунъий хатти-ҳаракатини ўша мамлакат подшоси ҳам сезган экан. У Хоразм паҳлавонидан росмана-сига кураш қилишини талаб қилади. Паҳлавон Маҳмуд унинг паҳлавонига кучи етмагани, амали ундан кам эканига ишонтирмоқчи бўлибди. Бироқ подшо ишонмабди.

Хуллас, ҳалиги йигит билан Паҳлавон Маҳмуд ўртасида яна кураш бошланибди. Паҳлавон Маҳмуд зум ўтмай уни ортиқча куч ишлатмасдан енгибди. Шунда подшоҳ:— Эй паҳлавон йигит, аввалги олишувда нега йиқилдинг,— сўрабди қизиқсиниб. Кейин Паҳлавон кечаги муштипар кампир билан бўлиб ўтган суҳбат ҳақида гапириб берибди. Подшоҳ: — Сен ҳақиқий паҳлавон ва чин Инсон экансан, тила тилагингни. Хоҳласанг, қизимни бериб, сени ўғил-куёв қилай. Хоҳласанг, бир вилоятни берай, — дебди. Паҳлавон Маҳмуд:—Икки илтимосим бор, биринчиси паҳлавонингизни саройдан ҳайдамайсиз. Иккинчиси — бир ҳўкизнинг терисига сиғгудек Хоразмдан олган асирларингизни озод этиб, менга тортиқ қиласиз, — деб сўрабди.

Подшо шу илтимосларни бажаришга халқ ўртасида ваъда берибди. У кампирнинг ўғлини—паҳлавонни саройда олиб қолиб, «бир ҳўкиз терисига ошиб борса, уч-тўрт одам сиғар» деб ўйлаб шу шартга ҳам кўнибди. Шунда Паҳлавон Маҳмудга катта ҳўкизнинг терисини келтиришибди. Паҳлавон Маҳмуд тери билан шиғулланувчи пўстиндўз уста эмасми, терини ингичка ип қилиб қирқа бошлабди ва ўша ипни узун ёзиб, каттакон майдон ҳосил қилибди. Ўша ип билан ўраб олинган майдонга барча Хоразм асирларини киритибди. Битта ҳам асир қолмабди. Уларнинг ҳаммаси қуллик-асирликдан озод бўлишибди.

Бу ривоят-афсона ниҳоятда чуқур фалсафий-тарбиявий маъно-мазмунга бой. Унда Паҳлавон Маҳмуднинг, раҳмдил, меҳр-шафқатли инсон экани ўз ифодасини топган. Бу чорасиз қолган муштипар Она ва унинг оиласининг тақдирига бефарқ қарамаслик лавҳасида очиб берилган. У ўзини ноқулай аҳволда қолишини олдиндан билса-да, одамгарчилик ва инсонпарварликни биринчи ўринга қўйган.

Қолаверса, Паҳлавон Маҳмуд подшога куёв бўлиш шарафидан, бир вилоятга ҳоким бўлиш бахтидан воз кечиб, ватандошларини қуллик-асирликдан озод қилган. Бу чинакам қаҳрамонлик намунасидир. Шу лавҳада буюк инсоннинг ўз тақдирини, тинчлик-фароғатини эмас, балки халқи тақдирини устун қўйиш ғояси илгари сурилади. Паҳлавон Маҳмуднинг шу инсонпарварлиги, халқпарварлиги, раҳмдиллиги, бева-бечораларни ҳимоя қилиши уни пир даражасига кўтарган. Халқ у тириклигидаёқ унга сиғинган.

Паҳлавон Маҳмуд ёшлигидан шеър ёзишни тинмай машқ қилди. Халқ тақдирини, ватанини некбин ва кўтаринки руҳ билан куйлади. Унинг асарлари фалсафий, тарбиявий, нафосат мушоҳадаларига бой, бадиийлиги юксак савияда, маъно ва мазмуни кенг қамровли, уларда илгари сурилган фикрлар теран.

Дунё бинокори тузар қаср-айвон,
Тузиб бўлади-ю, қилади вайрон.

Фалакка етказиб бугун тоқини,
Эртага этади ер билан яксон.

Ёки:

Эй дил, шоҳи тўнни қилманг ҳавас,
Эски киймоқликни ҳам этмагил бас.
Енгил ўтсин десанг ўз кунингни сен,
Қарам қилма ўзни бировга абас.

Шу икки бандда юқорида келтирилган ривоят-афсонанинг шоир Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва фаолиятига нақадар тегишли ва мос экани акс этган. Бошқача айтганда, у шоир сифатида инсон ва ватанни улуғлаб, халқпарвар, инсонпарвар ва ватанпарвар бўлишга чақирибгина қолмасдан, унинг ўзи шу фикрларига тўла амал қилган.

Такрор айтамизки, Паҳлавон Маҳмуднинг шу фазилатлари, келажакни кўра билиши, ҳаёт ва турмуш оқимидан тўғри хулосалар чиқара билиши уни пир даражасига кўтарган. Шунинг учун уни халқ «Полвон пир» деган ва ҳозир ҳам унинг Хива шаҳрида жойлашган мақбарасини авлиё сифатида доимий равишда зиёрат қилишади.

Хулоса қилиб айтганда, Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёти ва ижоди жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Унинг асарларини педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, тадқиқ этиш шу фан равнақига тегишли ҳисса қўша олади.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Токи бор ғайратинг, мардликдан асар,
Аҳли аёлингни этма дарбадар,
Мева шохи агар девордан ошса,
Йўловчилар унга бешак қўл чўзар.

* * *

Гуркираган олов—дилим қуёши,
Тўлқин урган дарё—кўзларим ёши.
Қўзагарлар ясаётган ҳар кўза —
Чин дўстларнинг хоки — қўли ё боши.

* * *

Алам кишанидан озодлар бизлар,
Ғам ризқимизу доим шодлар бизлар.
Ҳушёрлик не, рангу бўйин билмаймиз,
Ёр кўзидек мастона зодлар бизлар.

* * *

Оҳ, тортган чоғингда йўлга кўз тутгил,
Йўлда қудуқ бордир, эҳтиётинг қил.
Дўст уйида маҳрам бўлган вақтингда,
Қўлингни, кўзингни, дилни тия бил.

* * *

Улусга шоҳ эмас, дарвеш эрур хеш,
Не ажаб, чунки у дарвешдир, дарвеш.
Бузуқ деворлардан ташвиш бор, лекин —
Синиқ кўнгуллардан кўпроқдир ташвиш.

* * *

Йўқ осмонда, ернинг юзида ҳам туз,
Денгизнинг сувида, музида ҳам туз.
Ризқим дастурхони тузсиздир, э воҳ
Ажаб замонки, йўқ тузида ҳам туз.

* * *

Эй чархи фалак, замонайи дунёпарвар,
Тескари юришинг тўғрига хатар:
Нодон бош устида-ю доно поймол,
Ё раб, бу фалакни эт зеру забар.

* * *

Ҳар ёқдан ғам отган тошни кўраман,
Кўз очсам чимирилган қошни кўраман.
Қачонгача поймол этиб фикримни,
Тизза кўзгусида бошни кўраман?!

* * *

Кўзгумга берардим кечқурун сайқал,
Боқдим унга тиниқ бўлган бир маҳал.
Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен
Ўзгалар айбини унутдим тугал.

* * *

Тун иккиқат хотин, не туғар экан?
Замона ҳукмидан не ёғар экан?
Умр аввалида не келди, кўрдик,
Кўрармиз, охири не бўлар экан?

* * *

Шикоят қилма, эй таъмагир нопок,
Тупроқдан ор этмам, чунки ўзим хок!
Чўпни ҳам элтолмас бу сувдан ҳеч ким,
Гавҳар сенга бўлсин, менга бас хошок!

* * *

Не хожики, аввал эди бир илон,
Ҳаждан келиб аждар бўлди беимон.
Ҳалол-ҳаром деса асло алданманг,
Уйинг куйгур ўзи асли беимон.

* * *

Умримиз дарахтин паст қилма, рабби,
Борлиқ шаробидан маст қилма, рабби,
Ўзинг карам бир-ла мард йигитларни,
Нокасларга зеридаст қилма, рабби.

* * *

Олам фили қайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўрроқ қудратимиз — шавкатимиз,
Гар чумоли кириб қолса сафимизга,
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз.

* * *

Ўз нафсингга бўлгин амир шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма ҳақир шунда мардсан,
Йиқилганни тепиб ўтиш мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир шунда мардсан.

* * *

Филдай кучинг бўлса ҳам мур[1] бўлиб кўрин,
Молинг ошиб-тошса ҳам ўр[2] бўлиб кўрин,
Ҳамманинг айбини билганинг ҳолда,
Ҳеч нарса билмагандай, кўр бўлиб кўрин.

* * *

Олам иши бошида бўлсайди бир мард,
Номарднинг бошидан чиқарарди гард,
Олам шуки доимо мисли нард ўйин,
Найранг билан ютади мардларни номард.

* * *

Бир оқил дейдики: бўлғил валломат,
Ёки валломатга қила кўр хизмат.
Номард хизматига ёндошма зинҳор,
Ўйлагин, бу ўгит қандоқ пур ҳикмат.

* * *

Кўнглим оппоқ, на кек ва на кинам бор,
Душманим кўп ва лекин мен ҳаммага ёр.
Мевали дарахтман, ҳар бир ўткинчи —
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор.

* * *

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга юқмас чангу гард.

---

[1] Мур — чумоли.

[2] Ўр — яланғоч, бу ерда оддий кийимда юрмоқ, либосга ортиқча зеб бермаслик маъносида.

Қулоқ солгин Пурёйвалий сўзига,
Қўрқоқлардан бирон чиққанмиди мард.

* * *

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Қўл узатсанг, қадринг тушар, нонига.
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин,
Қотган нону совуқ сувинг сонига.

* * *

Буткул фалак иши—жавр ила жафо,
Вафо аҳли бўлмас у билан ошно.
Вафоли кишининг ити бўламан,
Кишидан ит яхши, бўлмаса вафо.

* * *

Ерга аралашиб ётар неча дил,
Жаҳон зарралари — лаб, тиш ёки тил.
Ердан униб чиққан сунбул, ё гулни,
Гўзалларнинг сочи, ё юзи дегил.

* * *

Дағал дили доим эзилган бўлур,
Талаб йўли унга тўсилган бўлур.
Ёмон яхши билан ким келишолса,
Дили шоду ғамдан қутулган бўлур.

* * *

Подшолик истасанг, бўл эл гадоси,
Ўзингни унуту, бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлин тутгину бўл ҳокипоси.

* * *

Дониш эрур отган ўқим нишони,
Дадиллик манбаи — билимим кони.
Эзгулик осмонин маҳбусиман мен,
Занжирим — фазою само уммони.

* * *

Димоғимдан охир савдо гул очди,
Расволик пардасин тори тил очди.
Девоналигимдан бошимдаги доғ,
Бутун вужудимдан гул юз хил очди.

* * *

Маърифатнинг тили — чолғу нойимдир,
Ақлим — қилич, сўзим ўқу ёйимдир.
Имтиёзлар мулкин шоҳи билурким,
Сўз майдони — ишғол қилган жойимдир.

* * *

Нодон ғийбатига бўлибман нишон,
Қайтарғум ҳужумни, менман паҳлавон!
Маломат қилурлар жоҳиллар, чунки,
Билимда эрурман нодири замон.

* * *

Сўзошиғи, файзли нафас истайман,
Бир лутфда юзлаб ҳавас истайман.
Бу нокаслар лойиқ эмас тинглашга,
Нозик сўзга бир серҳавас истайман.

* * *

Неча йил илм-ҳунар пайида бўлдик,
Неча йил зар-зевар пайида бўлдик.
Олам сирларидан бўлганда огоҳ —
Барисидан кечиб, қаландар бўлдик.

* * *

Баҳоуддин Нақшбанднинг педагогик қарашлари

Ҳазрат Хўжа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойида (милодий 1318 йил март) Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндивон қишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад Жалолиддин тикувчи ва ўймакор, нақшбанд косиб бўлган. Хўжа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанднинг тарбиячиси Хўжа Бобойи Саммосий уни сўфийлар доирасига олиб кириб, унга тасаввуф илмларини ўргатади.

Бобойи Саммосий вафотидан (1340) бироз олдинроқ тарбияланувчисини ўз шогирди саййид амир Кулолга топширади. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари амир Кулол раҳбарлигида Хўжагон тариқатининг қоидалари ва амалиёт усулларини ўзлаштирган. Хўжаи Хўжагон (яъни, Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний) асос солган тариқат (йўли)ни Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд қайта жонлантириб, уни ҳам назарий, ҳам амалий қоидалар билан такомиллаштирди. Бу тариқатда Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари мужассамлашгани учун Хўжагон-Нақшбандия ибораси ҳам ишлатилган. Агар нақшбандия таълимотининг назарий ва амалий асослари Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний тариқатлари негизига қурилган бўлса, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний тасаввуфнинг илк таълимотини Бухорода Эрон олими Абу Яъкуб Юсуф Ҳамадоний (1049—1140 милодий йилларда яшаган) устозлигида ўзлаштирган. Аммо Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ўз устозларининг таълимотларига бир қатор янги ғоялар қўшди.

Мустақил сўфий шайх бўлганидан кейин Хўжа Баҳоуддин ҳаз-

ратлари ўз умрини Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғидаги томорқасида деҳқончилик билан ўтказади, ўзи ва оиласи ҳалол меҳнати орқали келадиган даромадлари ҳисобига яшашади.

Хўжа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратлари милодий 1389 йилда вафот этганлар ва ўз қишлоғи (яъни, қадимги Қасри Ҳиндувон) яқинидаги боғга дафн қилинган. Унинг қабри яқинига 1540—1549 йилларда Бухоро хони Абдулазиз томонидан қурдирилган масжид ва хонақоҳ ҳозирги кунда ўзбек ва хорижий халқларнинг зиёратгоҳига айлантирилган.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандниng ҳаёти ва фаолияти, фалсафий таълимоти ҳақида кўпгина асарлар, рисолалар, мақолалар нашр қилинган.

Нақшбандниng фалсафий таълимоти ва педагогик қарашлари (тарбиявий-амалий қарашлари) унинг ғоялари асосига қурилган. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборатдир.

1. Ҳаёт учун зарур бўлган энг муҳим нарсалар: содда ва кифоя қиладиган миқдордаги озиқ-овқат, энг зарур кийим-кечак ва бошқалар билан қаноатланиш.

2. Озиқ-овқат ва кийим-кечакларни шахсий ҳалол меҳнат орқали топиш.

3. Ихтиёрий равишда камбағалликни танлаш.

4. Хизматкор ёлламаслик, хусусан, қуллар меҳнатидан мутлақо фойдаланмаслик.

5. Бойлар ва ҳокимият вакиллари билан яқин ва доимий алоқада бўлмаслик.

6. Никоҳидаги аёлидан ташқари бошқа аёллар билан маишатдан воз кечиш.

7. Оллоҳ исмлари ва сифатларини такрорлаш (яъни зикр қилиш)ни товуш чиқармасдан пинҳона бажариш.

Нақшбандниng юқорида баён қилинган барча ғоялари ва тарғиботлари 11 тариқат (йўл, усул, қоида)лари орқали тушунтирилади ва аниқлаштирилади.

Улар қуйидагилардан иборатдир:

1) XVIII дар дам (ҳар доим ҳушёр бўлиш, ғафлат уйқусидан уйғониш);

2) Назар бар қадам (сафар қилганда эътиборли бўлиш, диққат билан разм солиб юриш, огоҳ бўлиш, ўзини париншонхотирликдан асраш);

3) Сафар дар ватан (ватан бўйлаб қалбан сафар қилиш, унинг ютуқларидан суюниш, нуқсонларидан хафа бўлиш, камолот сари интилиш, маънавий камолотга эришиш);

4) Хилват дар анжуман (Алишер Навоий бу қоидани қуйидагича тушунтиради:

«Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.»

Бу қоида Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий отаси Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг қуйидаги пурмаъно байтида янада чуқур тушунтирилган:

«Хилват эшигини ёпгин-у суҳбат эшигини оч,
Шайхлик эшигини ёпгин-у дўстлик эшигини оч.»);

5) Ёдкард (бу қоиданинг маъноси лисоний ёки қалбий зикрдир, хуфия зикрдир. Дилида оллоҳга зикр қилишдир);

6) Бозгашт (инсон ҳар вақт таййиба калимаси (ла илоҳо иллолоҳ, Муҳаммадан Расул Аллоҳ) ни айтгач, у аллоҳдан рози лигини тиласин, бу тилакни дилидан ўтказсин);

7) Нигоҳдошт (киши таййиба калимаси (ла илоҳо иллолоҳ, Муҳаммад Расул Аллоҳ) ни айтаётганида диққати бошқа томонга чалғиб кетишидан эҳтиёт бўлиши, уни такрорлаб, хотирасида мустаҳкамлаб олиши лозим);

8) Ёддошт (бу қоида Худони ёдлашда доим огоҳ бўлишлик, яъни уни доимо ёдда тутишдан иборатдир);

9) Вуқуфи ададий (вуқуф — «билим», «таълимот» маъноларини англатади. Бу қоида асосида зикр жараёнида адад (сон, миқдор) га риоя қилиш англашилади. Ададга риоя қилишлик қалбий зикр асносида зокирни фикр ўзгариб кетишидан ёки паришонхотирликдан сақлайди);

10) Вуқуфи замоний (бу қоида бандага ўз аҳволидан воқиф бўлиб туришни талаб этади. Инсон ўз умридаги ҳар бир дақиқанинг яхшилик ёки ёмонлик билан ўтаётганини ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор);

11) Вуқуфи қалбий (бу қоиданинг маъноси — инсоннинг дили доимо Аллоҳ томонга воқиф ва огоҳ бўлиб туришидан иборатдир).

Булар ичида «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан» ва «Хилват дар анжуман» Нақшбандия таълимотининг асосий қоидаларидир.

Баҳоуддин Нақшбанд тарбиявий қарашларининг марказида комил инсонни шакллантириш ғояси ётади. Комил инсон, аввало, ақлли, илмли ва маърифатли бўлиши лозим. Унинг таълимотига кўра инсонни илми шариат, илми тариқат (илм эгаллаш йўллари), илми маърифат ва илми ҳақиқатни ўз ичига олган тасаввуф таълимоти билан қуроллантириш лозим. Бу йўл орқали инсонлар мавжуд дунёнинг тилсимларини ўрганишлари ва билишлари керак. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд бу таълимотни ўрганувчиларга пиру устоз бўлиб таълим берганлар. Пиру устоз Нақшбанд уларнинг дунёқарашини кенгайтириб, Валий-авлиё даражасигача ақлини ривожлантирганлар. Уларга таълим бериш услубиётини ишлаб чиққанлар. «Бу тоифа уч қисмга бўлинади: Муқаллид, комил ва мукаммал.

Муқаллид (тақлидчи) эшитганига амал қилади.

Комил ўз вужудидан чиқиб кетолмайди. Комил мукаммалнинг тарбиятисиз мукаммал бўлолмайди. «Бизнинг ихтиёр қилганимиз «ал-иродату тарқу-л-иродати фи-л-иродати» деган сўздир, мурид

(яъни, шогирд) ўз хоҳишини ташлаб, ўз муқтадоси (пири)нинг хоҳиши ичига бутунлай кўмилиб кетиши керак» дердилар. «Ихтиёр бизда, агар хоҳласак толибга жазаба орқали таъсир қиламиз, агар хоҳласак сулук (турли хил йўллар) орқали таъсир қиламиз. Муршид (пир) бу — ҳозиқ табиб (каби) муриднинг ҳолига яъни, маънавий камолотининг айни вақтдаги ҳолатига — *И. Тожиев* мувофиқ бўлган даво (тарбиявий таъсир)ни қилади.» «...бизнинг тариқатимиз (йўлимиз) анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватан) дир. Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади... «Нақшбанд: суҳбат»... зоҳир (ташқари)да халқ била ва ботин (кўнгил)да ҳақ субҳонаҳу ва таоло била...» бўлиши керак.

Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур. «Муршид толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидан бохабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади.»

«Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин.»

«Суҳбатда сен кўнгилга доимо йўл топиб бор,
Яхшиликка ошно бўл, ёмонликка сен душвор.
Ёмонлар суҳбатидан қочмасанг сен дўстгинам,
Азизоннинг руҳи ҳеч рози бўлмас, биру бор.»

Илм йўли, «Тариқат йўли одобдан иборатдир, ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор, кимки одобни ушласа уни балоғат аҳлининг балоғатига етказади. «Одоб бу — хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. «Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси — амалнинг қабули, туғён эса одобнинг бузуқлигидир. Адабни сақлаш—муҳаббат самараси, дарахти ва уруғи ҳамдир.

Нақшбанд айтадиларки, «Агар адабдан озгинагина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики қилсанг беадаблик бўлаверади.» «Толибларда юз берадиган ҳар қандай камчилик ва фикрларни улар биладилар ва йўқотадилар.»

Саҳобалар «...толибдаги ҳар бир зарра ва қатрани кўрадилар ва ҳақиқат юзасидан бу ҳолни уларга кўрсатадилар ва шундоқ қолдирмайдилар.»

«Кўр кетар экан билмай истиқболда чоҳ,
Уни огоҳ этмасанг сендадир улуғ гуноҳ.»

Ҳазрати Баҳоуддиндан, қаҳр билан толибга таъсир этиш тўғрими, деб сўрадилар. У киши шундай жавоб беради: Қаҳр, яъни ғазаб икки хил маънога эга бўлади: ҳақиқий қаҳр-ғазаб камолот сифатидир. Бунда тарбияланувчини лоқайдлиги учун унга ғазаб билан тўғри йўлга йўналтирилади. Сабабсиз қаҳр-ғазабланиш зарарлидир.

Нақшбанд ҳазратлари айтадиларки, «Аҳли иршод (пиру устозлар) сайёд (овчи) кабидурларки, нозиклик билан ваҳший ҳайвонни қўлга оладилар ва толибни ваҳшийлик сифатидан одамлик мақомига етказадилар. Бу тоифа (аҳли иршод) ... чиройли тадбир қўллаб, соҳиб табиат толиб билан шундай муомала қиладиларки, охири уни... «устоз йўлидан боришга эришадилар. Сўнгра Нақшбанд толибга тарбиявий таъсир этишда унинг қобилият даражасини, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлигини айтади: «Бу тоифанинг ҳар ким билан қилган муомаласи ўша одамнинг қобилияти даражасига мос бўлади. Агар толиб бошловчилардан бўлса, унинг юкини тенг кўтаришади ва унинг хизматини қиладилар... Толибда бу йўлнинг қобилияти пайдо бўлгунча жуда кўп ўргатиш ва тушунтириш лозим.»

«Ҳар вақт диққатингни бўлмагил зинҳор,
Нигоҳинг ҳамиша бўлсин интизор.»

«Вуқуфи замоний бу йўлда юрувчи учун шундай нарсаки, толиб доимо ўз аҳволидан хабардор бўлиши ҳар бир замонда ўзининг ҳоли ва сифати қандай, шукр пайтими, узр пайтими, буни билиши керак.»

«Ориф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган йўл уч қисмга — *муроқаба, мушоҳада* ва *мусоҳабага* бўлинади. **Муроқаба** — яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутишдир... **Мушоҳада** — ғайбий ҳолатларнинг кўнгилга киришидир. Замон ўтувчидир, тўхтаб туролмайди... Қабз (сиқилиш) ҳолатида жалол сифатини мушоҳада қиламиз, баст (шодлик) ҳолатида жалол сифатини мушоҳада қиламиз...

Мусоҳаба — ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз... ҳузур билан ўтдими ёки нуқсонми? Агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз... амал қилмоқ керак, қилинмагани ҳақида фикрлаш: ўзни нуқсонли билиш ва амални бошидан бошлаш.»

«Солиҳ (яъни, толиби илм) балоғат (камол)га етгандан кейин дил ва тил ўртасида фарқи қолмайди, яъни ташқаридаги машғуллик ботин (ички) амалларига тўсиқ бўлолмайди. Ботин амалига зоҳир машғулотидан ҳижоб (парда) юзланмайди. «Шундай қилиб, у «... халқ ҳузурида риоя қилинадиган адабга хилватда ҳам риоя қилиш лозим» лигига тушуниб етади.

«Кимнинг икки куни бир хил бўлса, бас, у алданган, кимники бугунидан эртаси ёмон бўлса, бас у малъундир, кимки зиёдаликда

бўлмаса, бас, у нуқсонда, кимки нуқсонда бўлса, бас унга ўлим яхшидир.»

«Улар (яъни устозлар) ўзларининг вужудларини поклаш билан ўзгаларнинг вужудларини поклашни истайдилар.»

«Ким мени яхши кўрса, мен уни қийнаб кўраман», яъни унга нисбатан талабни ошираман. «Мурид (шогирд)нинг эътиқоди ва ишончини ошиши учун зуҳурга келтиради ва бу туфайли мурид янада қаттиқроқ ҳаракат қилади.»

«Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас». Бу йўлнинг юкини кўтаришга ҳақиқий дўстлар керак...» сув ариққа дўстлар мадади билан келади, аввал ўртоқ топиш, сўнг йўлга чиқиш керак.» «Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлади, кимки ўзини хоҳлабди, билсинки, ўзини хоҳлаяпти.» «Агар ўзингдан кечсанг, доимо айшу шодликдасан.» «Такаббурлик шамоли бошида бўлса-да, эсиши Унинг (Оллоҳнинг) дами (эсиши) дандир.» «Бизнинг кибримиз Унинг (яъни Оллоҳнинг) Кибриёлигидан», деди Ҳазрат.

«...ҳар ким ўзида йўқ, нарса билан сўз айтса, Ҳақ субҳонаҳу уни ҳеч қачон ўша нарсага етказмайди.»

«Дарвешлик нима Дарвешлик таш (яъни, ташқи қиёфаси) дан беранг ва ич (маънавий қиёфаси)дан бежанг бўлишдир.»

«Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди.»

«Ҳою ҳавас аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир.»

«Биз шундай сувратдамизки,

Ҳеч кимдан ранжимаймиз ва ҳеч кимни ранжитмаймиз.»

«Ақлли кишилар бугунги ишни эртага қўядиган кишилардан юз ўгирадилар.»

«...барча зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) амаллар, сўз ва феъл сен учун ҳижоб (парда) дир, то бу йўлда юрувчи булардан кечиб ўтмаса, ҳақиқатга етолмайди.»

«Кимки қўл-оёғини тўғри ишлатса, Аллоҳ таоло унинг насибасини тўғри қилиб беради.»

«Дил ба ёру, даст бакор» — «Дилимда худо, қўлим меҳнатда.»

«Кимки Ҳақ субҳонаҳу иноятн билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади.»

«Илоҳий иноятлар билан биз қилган амал ва чеккан риёзатларни тортишга сизларнинг тоқатингиз етмайди. Сизларга чора шуки, беихтиёр бўлинглар, ризо талаби йўлида қалбларни эҳтиёт қилинглар.»

«Ҳар бир тавфиқ эгаси ўз нафсига қарши турмоғи керак ва бу ҳар қанча оз бўлса ҳам кўп билсин ҳамда бу тавфиқнинг шукрини қилсин.»

«Аллоҳ жалла жалолуҳуга суянган ҳақиқий муршид иноятн орқали ахлоқни ҳамда ёқимсиз феълларни ўзгартириш билан нафсга қарши курашишдир.»

«Менда на гилам бор, на фаррош,
На турк ғуломию, на сангтарош.
Тунда мен ётурман ит каби хор-зор,
Ингрийман, думимга қўйганимча бош.»
«На бойлик бор, на бойлардан камимиз бор,
Йўқчилик касратидан на ғамимиз бор.
Елкамизни жанда ёпган, хона гўристон,
Ажал келиб етиб қазо келса, на мотамимиз бор.»

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг билимдони Е. Э. Бертельс ёзадики, у ўз умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. У ўз қўли кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини доимо етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган. «Сен шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл», дейди Баҳоуддин Нақшбанд.

«Оламда ҳалолни ошаб яшадим.
Барчани ушбуга чорлаб яшадим.
Шул сабаб офтобдай порлаб яшадим,
Бағрини тузлаган Баҳоуддинман.»

XIII—XIX АСРЛАРДА ЎЗБЕК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАКТАБИ ВА АНЪАНАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ

АМИР ТЕМУРНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ, ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДАГИ УГИТЛАРИ

Амир Темур кўрагон ибн амир Тарағай 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтлардаги Кеш (Шаҳрисабз) га қарашли Хожаилғор (бу қишлоқ ҳозир Яккабоғ туманига қарайди) қишлоғида таваллуд топди[1]. Отаси Амир Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Лекин бўлажак соҳибқирон таваллуд топган пайтда Қозонхон (1333—1346) ҳузурида кичик бир мансабга эга эди. Амирнинг онаси Тегина Бегим бухоролик «Садр аш шаъриъа-шариат» улуғи, таниқли олим Убайдуллоҳнинг қизи бўлган. Ўша пайтда Кеш ва унга тобеъ ерларнинг беклиги эса Амир Тарағайнинг оғаси Ҳожи Барлоснинг қўлида эди.

«Зубдат ат-таворих» (Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид-лақаби Ҳофизи Абду, вафоти 830/1427 й.) да ёзилишича, шажаранинг Амир Соҳибқирон тармоғи Чингизхон аждодларидан Туманойхон (Туманхон) фарзандларидан бошлаб ажралди. Жумладан, Қобулхон Жаҳонгир подшоҳ Чингизхоннинг 3-чи отаси ва унинг биродари Қачулой нўён эса, Амир Соҳибқироннинг саккизинчи отасидир.

Барлослар қабиласининг номи ҳам Қачулой нўёндан бошланган. Чингизхон ўзининг иккинчи ўғли Чиғатойхонни Туркистон ва Мовароуннаҳр мамлакатларига ҳукмдор қилиб тайинлаганда, амир Соҳибқироннинг бешинчи отаси Қарачор нўён унинг лашкарбоши бўлган ва «амир ул-умаро» («амирлар амири») деган унвон олган.

Кейинчалик Чиғатой улусида ҳокимият учун ички низолар кучайиб кетганлиги сабабли, Қарачор нўённинг фарзандлари ва қавм-қариндошлари Кеш вилоятига келиб, ўрнашиб, шу ерда яшаб қолганлар, унинг авлодлари ўша вилоятни бошқарганлар. «Зубдат ат-таворих»да Қарачор нўённинг фарзандлари кўп бўлганлиги қайд этилиб, улардан ўн тўққиз ўғилнинг номини, шу ўғиллардан тарқалган кейинги авлоднинг машҳурроқларини санаб, айримларининг шажараси то ўзи яшаб турган давргача давом эттирилган ва уларнинг қандай мавқени эгаллаб турганликлари қайд этилади. Жумладан, Қарачор нўённинг олтинчи ўғли Ийжил нўён бўлган ва унинг фарзандларидан бири Ийлангиз нўён (Илангиз)дир. Бу нўённинг бир неча фарзандлари бўлиб, улардан бири Соҳибқироннинг бобоси Буркул нўёндир. Унинг икки ўғли бўлган: бири—Болта, иккинчиси Тарағай нўён,

яъни Амир Темурнинг отаси. Тарағай нўённинг тўрт ўғли ва икки қизи бор эди: ўғиллари — Амир Темур, Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўги нўён, қизлари — Қутлуғ Туркон оға, Шербик оға. Амир Темур фарзандлар орасида тўнғичи бўлган Амир Темур ёшликдан илм аҳлига жуда катта эътибор берган.

Тарихлар, ҳикоятлар, қиссалар ва ривоятлар тингламоққа майли кўп адабиёт, санъатни, ҳарбий ишларни жон-дилдан севган, ўта зукко, оқилу доно, фаҳм-фаросатли, айни чоғда довюрак, жасур бўлган Аммо, Темурнинг ёшлик ва ўсмирлик, йигитлик йиллари Чиғатой улуси оғир ижтимоий-сиёсий бўҳрон исканжасига тушиб қолган даврларга тўғри келди. Улус ичидаги нотинчлик Қозонхон даврига келиб ўзаро феодал урушларнинг авж олиб кетишига олиб келди. Ҳокимият учун кураш, айниқса, хон билан унинг бош амири (амир ул-умароси) Қазағон ўртасида кучли бўлди. Ўзаро нифоқ ва келишмовчилик урушга айланди.

Амир Қазағон анча кучли қўшинга эга эди. Унинг ўғли Абдуллоҳ ҳам ён-атрофидаги ўлкаларга ҳужум қилиб, ўз мулкини кенгайтиришга интилар эди. Жумладан, у 1353 йилда Хоразмни босиб олиб, у ерда ўз ҳукмини жорий этади. 1357 йилга келиб, иккинчи мўғул амири Қутлуғ Темур Булдай амир Қазағонни ясоққа етказади. Амир Қазағон ўрнига тахтга чиққан амир Абдуллоҳ саройида фисқу-фужур зўраяди. Натижада мўғул ҳокимлари фақат ҳокимият, тахт талашибгина қолмай, ишратпарастлик, маишатпарастлик бобида ҳам юз тубан кета бошлайдилар.

Мўғул феодалларининг ўзаро низолари ва ишратпарастликларини кўриб, билиб турган туркий халқларнинг нуфузли вакиллари жим туролмас эдилар, албатта. Улар ҳам аста-секин сиёсий курашларга аралаша бошладилар. 1358 йилда амир Абдуллоҳ ибн Қазағонга қарши кураш бошлаган мўғул амири Баён Сулдуз ёнида туркий аҳолининг етакчиларидан бири амир Ҳожи Барлос ҳам бўлганлиги бунинг далил-исботидир.

Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг ҳокими Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос эди. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Ҳожи Барлос мўғулларга қарши курашиш учун қулай имкониятларни қўлдан бермаган. Унинг Баён Сулдуз билан бирлашиб қилган жангида Абдуллоҳ ибн Қазағон енгилади.

Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлоснинг Шаҳрисабз ва Қарши ҳокимлигини қўлга киритиши 1358 йилларга тўғри келади. Аммо бу унчалик узоққа бормайди. Мустақиллик даъво қилаётган барлосларни тийиб қўйиш учун Шарқий Туркистон хони Тўқлуғ Темур катта қўшин билан бостириб кела бошлайди. Ҳожи Барлос бундан қўрқиб, Хуросонга қочади. Уни Амударё бўйигача кузатиб қўйганлар орасида Амир Темур ҳам бор эди. Аммо у ўзига содиқ кишилар билан изига қайтади. Темур ибн Тарағай биринчи бор ана шу оғир вазиятда синовдан ўтади.

Ҳожи Барлос Хуросонга кетган, юрт эгасиз қолган пайтда Амир Темур Шаҳрисабз ҳокимиятини ўз қўлига олади. Бу жасур-

лик ва ватанпарварлик, юртсеварликнинг тимсоли эди, албатта. Дарҳақиқат, ориятни қўлдан бермаслик, оғир пайтда мардлик кўрсатиш, ҳар қандай қўшиндан тап тортмаслик унинг учун иймон-эътиқодга айланади...

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тахтини расман қўлга олиш йили сифатида 1370 йил қайд этилади ва бу муваффақият Балхда юз берганлиги айтилади. Ҳақиқатда ҳам амир Ҳусайн ибн Мусаллабни енгиб, қўли баланд келган Амир Темур жами акобирлар, қўшин бошлиқлари томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинган эди. Демак, соҳибқирон ўттиз тўрт, ўттиз беш ёшида тахтга чиқишга эришган.

Фосиҳ Хавофий ўзининг «Мужмал-и Фосиҳий» асарида: Амир Темурнинг 1336—1387 йиллардан тортиб 1404—1405 йилларгача бўлган ҳаёт йўли асосий саналарини келтиради. Дарҳақиқат, буюк соҳибқирон хусусан 1370 йилдан то 1404 йилга қадар 30 марта қўшин тортган, ҳамма вақт қўли баланд келиб, 27 дан ортиқ мамлакат ва элатларни забт этган. Ҳа, улуғ бобомизнинг бутун умри от устида, ур-сурлару курашларда кечган. У умри давомида яхшилик, эзгуликдан чекинмади, мардларни улуғлади, хоинларни, золимларни кечирмади, улусга зулм қилувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолади, ватан хоинларидан нафратланди.

«Амир Темур ўгитлари» рисоласида ҳаққоний таъкидланганидек, Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя катта. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди. Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдирини (1389—1402) тор-мор келтириб (1402), Усмонли туркларнинг истибдодига тушиб қолган «Болқон» ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни (1376—1395) икки марта (1391—1395) тор-мор келтириб, Ўрусиянинг мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишини қарийб 300 йилга тезлаштирди. Учинчидан, Туркистон заминини ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди. Амир Темурнинг саъй-ҳаракати билан обод этилган шаҳарлар, касабалар, қишлоқларни Шаҳрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон) шаҳарларда қад кўтарган иморатлар, «Темур ва Темурийлар давлати», «Темурий маданияти», «Улуғбек ва Самарқанд», «Обсерватория мактаби» каби улуғ тушунчаларни дунёга келиши ва дунё халқлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

Даставвал шуни айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбияда ўзи юксакликка, мукаммалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун

бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўгитлар, панд-насиҳатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя. Булар «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларни, XV аср муаррихи Фосиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмал-и Фосихий», Низомуддин Шомий (туғилган ва вафот этган йили маълум эмас) ва Шарафиддин Али Яздийларнинг машҳур «Зафарномаси», ибн Арабшоҳ (1389—1450)нинг «Ажойиб улмақдур фи аҳбори Темур» (Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари), Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин ҳожа Эшоннинг (Салоҳиддин Тошкандий) қаламига мансуб «Темурнома» (Амир Темур кўрагон жангномаси, 1908) кабилар шулар жумласидан. Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмад Темурнинг ўзи амал қилган ўн бир сифатни юксак баҳолайди.

Биринчи сифат: «Мен сифатларимнинг энг аввалги деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: **жиддий ва одил қарадим**, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим **бойни камбағалдан устун қўймадим.»**

Иккинчи сифат: «Мен ҳар доим **Исломга қатъий риоя қилдим** ва Аллоҳ Таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим.»

Учинчи сифат: «Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим.»

Тўртинчи сифат: «Халойиққа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги парвардигорнинг Аллоҳнинг амрига бўйсуниш ва халқига шафқат қилиш даркор, деган оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим.»

Бешинчи сифат: «Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал тангри итоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим.»

Олтинчи сифат: «Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим.»

Еттинчи сифат: «Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим.»

Саккизинчи сифат: «Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигорнинг ёки унинг ноибларининг изнисиз уни сарф этмадим. Тангрининг иродасиз унинг бандаларининг ҳеч бирига зарар етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрия қилишга интилдим. Мен

ҳеч қачон бировнинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва шунингдек ҳеч қачон кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилмадим. Ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамадим. Бу борада Амир Ҳусайн билан бўлган воқеа менга ибратли бўлди. Ўз фуқароларининг мол-мулкига нисбатан очкўзлиги пировардида уни ҳалокатга олиб келди».

Тўққизинчи сифат: «Мен ҳар доим тангримнинг амрини ва унинг пайғамбарларини ҳадисларини тўла адо этишга интилдим. Барча қилмишларимда шариат йўсунларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбар ва унинг саҳобаларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим.»

Ўнинчи сифат: «Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни **ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим**. Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган қудрат буюк бўлади».

Ўн биринчи сифат: «Мен доим саидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим. Уларни дин масаласи юзасидан айтганларини диққат билан тинглаб олардим ва унга амал қилардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди.»

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўгитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз хазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

АМИР ТЕМУР ИБРАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

. . . Бизким — мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг энг қадимий ва энг улуғи Туркнинг Бош бўғини бўламиз.

. . . Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни:

1. Кенгаш.
2. Машварату маслаҳат.
3. Қатъий қарор; тадбиркорлик, ҳушёрлик.
4. Эҳтиёткорлик.

Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиради. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмайсан. Шуни ҳам билишинг керакки, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка солиш билан битур. Хуллас, бажарили-

ши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг (шуни таъкидлаш лозимки) қатъийлик, сабр, чидамлилик соғлигу сергаклик, эҳтиётқорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур.

* * *

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

* * *

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азим қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

* * *

Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

* * *

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй.

* * *

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

* * *

Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манға,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анға.

* * *

Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

* * *

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

* * *

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

* * *

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

* * *

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

* * *

Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суруштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касалини келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

* * *

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

* * *

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашраф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

* * *

Ҳокимлар сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

* * *

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

* * *

Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

* * *

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, ҳонақолар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига Работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

* * *

Мусулмонлар диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: Тафсир, Ҳадис, Фиқҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

* * *

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

* * *

Яхшини ёмон кунда сина.

* * *

Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.

* * *

Эл тупурса кўл бўлур.

* * *

Қўрқмасанг — ёв қочар.

* * *

Қўлига қилич олган баҳона қидирмайди.

* * *

Той минган— от ҳам минади.

* * *

Туя минган одам қўй орасига беркинмас.

* * *

Ботирлик — қалъа олади.

* * *

Ботир жангда билинар,
Доно — машваратда.

* * *

Бирликсиз куч бўлмас.

* * *

Бир қинга икки қилич сиғмас.

* * *

Бир таёқни синдирмоқ мумкин,
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

* * *

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

* * *

Аввал йўлдош — кейин йўл.

* * *

Адоват эмас, адолат енгади.

* * *

Ажал — қўрқоқларга баҳона.

* * *

Улкан мерос доимо улкан мухолифлик туғдиради.

* * *

Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган бинолларга боқинг.

* * *

Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

* * *

Қилич ўткир бўлса-да, ўз сопини кесмагай.

* * *

Оғзингга қон тўлса ҳам,
Душман олдида тупурма.

* * *

Оқ бўлсанг — онт ичма.

* * *

От минган — отасини унутади.

* * *

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

* * *

Ота бўлмаган ота қадрини билмас.

* * *

Емсиз от довон ошолмайди.

* * *

Дўстлик синовда чиниқади.

* * *

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

* * *

Душманнинг кулгани — сиринги билгани.

* * *

Ваҳима душманнинг йўлдоши.

* * *

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

* * *

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

* * *

Давлат лашкарлар фуқароларининг садоқати ва фидойилигила қудратлидир.

* * *

Лочиннинг учарга мадори келмаса, чумчуққа масхара.

* * *

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

* * *

Бошсиз мамлакат жонсиз танага ўхшайди.

* * *

Ишон, аммо шубҳа қил.

* * *

Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл.

* * *

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

* * *

Куч — адолатдадир.

* * *

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутилиб бўлмайди.

* * *

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

* * *

Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди.

* * *

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади.

* * *

Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.

* * *

Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар.

* * *

Ўлдирган йиртқичга қарама, ўлдириш керак бўлган йиртқичга қара.

* * *

Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларинникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.

* * *

Ҳар кимнинг қадр-қиммати, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

* * *

Ҳар кимнинг қадр-қиммати, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишнинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

* * *

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим, тузимни тортиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, сайёидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

* * *

Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

* * *

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

* * *

Кенгаш икки турли бўлур: бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

* * *

Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмаган.

* * *

Қимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йил ундан ҳеч нарса олманглар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидага мувофиқ ҳирож йиғилсин.

* * *

Малоҳидларга айтур эдим: ёлғон сўзлар билан ғазаб ўтини алангалатмангиз.

Черик тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан, йигитнинг куч-қувватига; иккинчидан, қилични ўйната олишга; учинчидан, ақл-заковати-ю камолотига эътибор қилдим: Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматига олдим Негаким, куч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу уқубатларга чидамли бўлади. Қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин.

* * *

Пири комил шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг: «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар—очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар — мукаммалликларга эришасизлар, кам гапиринглар — доно бўласизлар.»

* * *

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурдим.

* * *

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларга яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим.

* * *

Ҳар кимдан кенгаш олдим. Ҳар кимдан фикр ўргандим, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

* * *

Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг хизматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини ўтиндим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим. Уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва ҳеч бир талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирон кимсага туҳмату ғийбат қилсалар қулоқ солмадим.

* * *

Қиличим ўткир бўлса-да, ўйлаб қинидан чиқардим, ширин сўз айтиб, ғанимнинг иймон топмоғига йўл очдим.

* * *

Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирини уйи-мороти бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.

Лутфий

Лутфий (1366—1465) атоқли ўзбек шоири ва мутафаккиридир. У Ҳиротнинг Деҳиканор деган жойида дунёга келиб, бутун умрини шу шаҳарда ўтказган. Лутфий Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда яшаб, замонасининг бутун ғавғо-жанжаллари, тахт учун талашлар, феодал урушлари, хуллас, ўша даврнинг қарама-қаршилик ва зиддиятларини ўз кўзи билан кўради.

Лутфий ёшлигиданоқ илм-фанни эгаллашга интилади, мактаб, мадрасаларда таҳсил кўрди, салафларнинг бой адабий меросини қунт билан ўрганди, форс тилини ўзлаштирди. «Мавлоно, — деб ёзади Навоий унинг ҳақида, — йигитлигида улуми зоҳирийни[1] такмил қилғонидин сўнгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний (алайхиррахма) қошида суфи тарийқида ҳам сулук қилғондур». (Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Асарлар. XII жилд, Тошкент, 1966, 62-бет.)

Лутфий жуда кўп лирик шеърлар ёзиб қолдирган. У 1411 йилда «Гул ва Наврўз» номли ишқий достонини ёзади, 1425 йилда эса Али Яздийнинг «Зафарнома» китобини туркий тилига таржима қилади.

Лутфий икки тилда: туркий ва форсий тилларда асарлар битди. Лекин шеърларининг аксарияти туркий тилда ёзилган бўлиб, бу тилни ривожлантиришга у жуда катта ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Навоий унинг ҳақида «ўз замонининг маликул каломи эрди. форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ...»— деб айтади. (Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Асарлар. 12-жилд, 61-бет.)

Лутфий ўз даври дунёвий адабиётининг йирик вакили ҳисобланади. У шеър ва достонларида илғор ғояларни кўтариб чиқди, севги-муҳаббатни тараннум этди, илм, маърифатни эгаллаш ва таълим-тарбия ҳақида сўз юритди, жасурлик, қаҳрамонлик, софдиллик ва бошқа инсоний фазилатларни куйлади. Лутфий меҳнатни улуғлади, мамлакатни инқирозга келтирувчи босқинчилик урушларини қоралади.

«ҒАЗАЛЛАР» ДАН

Зулфунгиз элтур мени гоҳ Қаъба, гоҳи дайрға,
Бандани ҳар ергаким рўзи паришон тортадур.

* * *

Неча вафоға ваъда қилғайсан, эй жафочи,
Сен умрсен кишига, ҳаргиз вафо қилурсен,

Ишим ўтар даводин, тенгри учун табибим,
Келгил, бу дарди дилга гар бир даво қилурсен.

Меҳроб қоши сори зинҳор боқма, зоҳид,
Вайрон бўлур намозинг, барча қазо қилурсен.

Эй кўз, юзуни кўрдинг, ёшинг нағу тўқарсен,
Кечган фироқ эликдин не можаро қилурсен?

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин.

Дину дилу ақл бўлди яғмо,
Жон олғучи ул қароқингиздин.

Ақлу дин бор эрди бир чоғда мени давонаға,
Зулфунинг савқоси еткурди қаро ерга мени.

Неча сирримни яшурсам сийнадин бехос ишқ,
Ўз-ўзи фарёд этарким, айлаган расво мени.

ГУЛ ВА НАВРЎЗ ДОСТОНИДАН

Чу наврўз бўлди наврўз ичра фируз,
Атоди ўғлимнинг отини Наврўз.

Сут эмганда саодат доя бўлди,
Тили чиққач, ҳунар ҳамсоя бўлди.

Топиб нашъу намо давлат ичинда,
Ягона бўлди оз муддат ичинда.

Кичик ёшдин қамуқ фанларни билди,
Кўпин ўз ақли бирла фаҳм қилди.

Не турди бир нафас, не урди бир дам,
Тамом ўрганди, билди барча илдам.

* * *

Севук севган ўлумдин фикр қилмас,
Этин қайчи била тўғраса, билмас.

* * *

Киши (ким) ишқ бирла ошнадур,
Анга ҳар дам фалакдин минг жафодур.

* * *

Агарчи ранжу меҳнатдин юдодинг
Яратқон оқибат бергай муродинг.

Не меҳнат бор анингким роҳати йўқ?
Не рағбатким сўнгинда давлати йўқ.

* * *

Гаҳе Наврўз Гул иди била маст,
Даме Гул бўлди Наврўз олдида маст.

Қучоқлашғач ул икки саври озод,
Мубораклик била отландилар шод.

Уруш, санжиш кўтарилди ародин,
Хусумат кетти икки подшодин.

Бу хўшлуқтин бирикти икки иқлим
Ародин қўпти хавфу қолмади бийм.

Нечаким кўрса дарду жавру меҳнат,
Қачон зоеъ бўлур арбоби давлат.

Улуғбек ва унинг „Зижи“

Улуғбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида бобоси Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилди. У Шоҳрух мирзонинг тўнғич ўғли эди. Унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин болалигидаёқ у Улуғбек деб атала бошлаб, бу кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди.

Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. 1405 йилнинг бошида Хитойга қилинаётган юриш бошланиши пайтида Темур вафот этади, бундан сўнг икки йил унинг авлодлари ўртасида тахт учун талашиш давом этди. Кураш Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрухнинг ғалабаси билан тугайди.

Шоҳрух тўнғич ўғли Улуғбекни 1411 йили Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинлади. Улуғбек 17 ёшида ҳоким бўлиб, бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмади. Аксинча, у ўрта асрлардаги бошқа ҳокимлардан ўзгача йўл тутди, кўпроқ илм-фанга мойил эди. Лекин, афсуски, Улуғбекнинг бошланғич маълумоти ва мураббий ҳамда устозлари ҳақида аниқ маълумот сақланмаган.

Улуғбекнинг устозларидан бири мунажжим Мавлоно Аҳмад эканлигини тахмин қилиш мумкин, чунки бу киши Темур саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб, сайёраларнинг келажак икки юз йиллик тақвимлари жадвалларини туза олган. Лекин Улуғбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлмиш «Зижи»да фақат Қозизода Румийни «устозим» деб атайди. Улуғбек умрининг илк давриданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби фалакиётшунос ва риёзиётчилар таъсирида улғаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ фанлар муҳим аҳамият касб этади.

Улуғбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олими сифатида шаклланди. У ҳоким бўлган пайтдаги оламшумул ўзга-

ришлар бутун ўрта аср маданияти тарихида бетакрор воқеа бўлиб қолди.

Улуғбек ихлосмандларидан Ғиёсиддин Жамшид Қоший 1417 йили Самарқанддан Қошонга, отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: «Аллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсунким, етти иқлимнинг фармонбардори, ислом подшоҳи донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало, у кишим Қуръони каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада яхши ёзадилар. Шунингдек, у кишим фиқҳдан анча хабардорлар; мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар.

У кишим риёзиёт (математика) фанининг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган ва шундай жиддий маҳорат кўрсатганларки, кунлардан бир кун отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (мелодий 1415 йил 15—20 сентябр) душанба куни йил мавсумининг қайси кунига муносиб келишини аниқлашни айтадилар. Шунга кўра отда кетаётиб, хаёлий ҳисоб билан Қуёшнинг тақвими ўша куни бир даража ва икки дақиқа эканлигини топдилар. Кейин отдан тушгач, ҳисоб тўғрилигини бу бандаи бечорадан сўраб аниқлаб олдилар».

Ҳақиқатан ҳам хаёлий ҳисобда кўп миқдорларни ёдда тутмоқ ва бошқа миқдорларни буларга асосланиб топмоқ керак. Лекин инсоннинг ёдлаш қуввати заифдир, у даража ва дақиқаларни у қадар аниқ топа олмайди. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса бу қадар аниқ ҳисоблай олмаган эди.

Улуғбекнинг шахсан ўзи илмга қизиққанлиги ва мамлакатнинг равнақини кўзлаганлиги туфайли янги усулдаги билим юрти — мактаб ва мадрасалар барпо қилиш қарорига келади. Бу жуда узоқни кўзлаб қилинган қарор бўлиб, бу билан Улуғбек Мовароуннаҳрни бутун мусулмон мамлакатларининг илмий марказига айлантирмоқчи эканлигидан далолат берарди. Ҳақиқатан ҳам, у деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этади.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қурилиб битирилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг Самарқанддаги фалакиётшунослик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларига қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек отасининг мулки Хуросоннинг Қошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Қошийни чақиртиради. Самарқандга Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 нафардан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар,

рассомлар, меъморлар бор эди. Лекин юлдузшунослик ва риёзиёт соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди. Улар орасида Қозизода билан Қоший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Восифийнинг ёзишича, биринчи мударрис этиб Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий тайинланади.

Улуғбек барпо этган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўгараги Шарқ маданияти ва фани тарихида ниҳоят улкан аҳамият касб этди, мамлакат равнақига катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан, Хуросоннинг Жом шаҳрида 1414 йили туғилган бўлажак улкан шоир Жомий Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрди. У бу ерда Қозизода, Улуғбек ва Али Қушчи каби улуғ олимларнинг маърузаларини эшитди ва уларнинг тарбиясида бўлди.

Улуғбек атрофида тўпланган Самарқанд олимлари катта аҳамият берган энг муҳим илмий йўналишлардан бири фалакиётшунослик фани эди. Шуни ҳам айтиш керакки, мусулмон мамлакатларида ва умуман ислом маданиятида аниқ фанлар, айниқса, фалакиётшунослик ва риёзиёт муҳим ўрин тутади. Чунки мусулмон киши қаерда бўлишидан қатъи назар эрта тонгдан оқшомга қадар унинг учун беш вақт намоз фарздир. Намоз қиблага — Маккадаги Каъба йўналишига қараб ўқилади. Намознинг вақтлари эса ҳар бир жуғрофик кенгликда ҳам Қуёшнинг ердан баландлигига қараб белгиланади. Ундан ташқари, исломда қабул қилинган ҳижрий йил ҳисоби 354 кунни ташкил қилувчи 12 қамарий ойдан иборат бўлиб, янги ой — ҳилолни масжид минорасидан ёки расадхона тепасидан кўз билан кўриб аниқланган. Шунинг учун мусулмон кишининг ҳаёти фалакиётшунослик, риёзиёт, жуғрофия, ҳунармандчилик ва меъморчиликка алоқадор қуйидаги масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган:

1) Жойнинг жуғрофик йўналишларини аниқлаш;

2) Маҳаллий меридиан билан қибла йўналишини кўрсатувчи катта доира орасидаги бурчакни аниқлаш;

3) Жуғрофик йўналишларни ҳисоблаш учун аниқ риёзий (тригонометрик) ҳисоблаш қоидалари ва усулларини билиш;

4) Жуғрофик йўналиш асосида Қуёш баландлигини аниқлаш қоидаларини билиш;

5) Қуёш, Ой, сайёралар ва бошқа ёритгичларнинг кеча-кундузнинг исталган вақтидаги ҳолатларини аниқлайдиган сферик астрономиянинг аниқ қоидаларини билиш;

6) Турли шаҳарлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун геодезик ўлчашларни бажариш;

7) Турли вақт ўлчаш асбобларини ясаш;

8) Ернинг маъмур қисми ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун хариталар тузиш;

9) Хариталар тузиш учун риёзиётга тааллуқли кўриниш ҳолатларини билиш;

10) Фалакиётшунослик, жуғрофия ва геодезияга таалуқли ҳисобларни бажариш учун юксак аниқликдаги риёзий ҳисоблаш усулларини билиш;

11) Ёритгичларни кузатиш оби-ҳаво билан боғлиқ бўлганлиги учун метеорология ва геофизикадан маълумотга эга бўлиш;

12) Масжид, мадраса ва расадхоналар барпо этиш учун меъморчилик санъати ва анъаналаридан хабардор бўлиш.

Юқорида кўрсатилган ва бу рўйхатга кирмаган бошқа кўплаб масалалар шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, уларни ҳал қилиш учун олим ва ҳунармандларнинг катта жамоа ва гуруҳлари керак эди. Ана шунинг учун Улуғбек ўз атрофига турли илм ва ҳунар намояндаларини тўплаган.

Келтирилган масалалар рўйхатидан кўриниб турибдики, уларнинг кўпи фалакиётшуносликка алоқадор. Исломдаги энг аввалги юлдузлар ҳақидаги асарлар «Зиж» деб аталиб, улар асосан жадваллардан иборат бўлган. У Улуғбекдан аввал ёзилган энг мукаммал зижлар Берунийнинг «Қонуни Масъудий»си ва Насириддин Тусийнинг 1256 йили ёзиб, Хулашхонга тақдим этган «Зижи Элхоний» асари эди. XV аср бошларида ёзилиб, Шоҳрухга аталган Жамшид Қошийнинг «Зижи Ҳақоний» асари асосан хитой ва мўғул анъаналарига асосланган бўлиб, ислом мамлакатлари учун деярли аҳамиятга эга эмас ва илмий жиҳатдан ҳам айтгулик эмас эди. Мовароуннаҳрда эса мўғул истилосидан кейин бирорта зиж ёзилмаган эди. Ана шу сабабларга кўра Улуғбек энг аввало юлдузлар ҳақидаги илмни йўлга қўйишга интилади. Бунинг учун расадхона барпо этиш керак эди. Бу ҳақда Абдутоҳирхўжа бундай хабар қилади:

«Мадрасага асос солинганидан тўрт йил кейин Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслаҳатлашиб, Кўҳак тепалигида Оби Раҳмат ариғининг бўйида расадхона биносини қурдиради. Унинг атрофида эса баланд ҳужралар барпо этади».

Расадхона қурилиши 1420 йилдан 1429 йилгача давом этади. Расадхона битиши билан фалакиёт кузатишлари бошланиб кетади. Расадхона билан мадрасанинг биргаликдаги фаолияти Улуғбек илмий мактабида юлдуз илми ва риёзиётни ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кўтарди.

Давлат ишлари билан боғлиқ бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар, илмий ишларга умумий раҳбарлик қилиш ҳам Улуғбекнинг кўп вақтини оларди. Шунинг учун бўлса керак, унинг қаламига мансуб бўлган илмий асарлар сон жиҳатидан кўп эмас — улар тўртта.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг «Зижи» бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек»дир. «Зижи жадиди Кўрагоний» деб ҳам аталади. «Зижи»дан ташқари унинг қаламига мансуб риёзиёт асари — «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», юлдузларга бағишланган «Рисолайи Улуғбек (ягона нусхаси Ҳиндистонда Алигарҳ университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи арбаъ улус» асаридир.

Улуғбек «Зижи» ўз таркибига кўра VIII—IX асрларда бошланган юлдузшунослик анъанасини давом эттирса-да, илмий поғонаси уларга нисбатан баланд.

Бу асар муқаддима ва тўрт мақоладан иборат. Муқаддиманинг бошида Қуръондан юлдузлар ва сайёраларга тааллуқли оятлар келтирилади. Улуғбек бу билан юлдузларни кузатиш зарурлигини ғоявий асосламоқчи бўлади.

Улуғбек «Зижи» ўрта асрлардаги энг мукаммал асар бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Энг аввал бу асар Самарқандда Улуғбек атрофида тўпланган олимлар ижодига катта таъсир кўрсатди. «Зиж»да ҳеч қандай назарий дастурлар баён этилмайди ва теоремалар исботланмайди, балки назарий мавқеъдаги жумлалар қоида тарзида баён қилинади. Шунингдек, муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорлар ва параметрлар «биз шундай топдик» деган ибора билан ҳисобсиз ва исботсиз келтирилади. «Зиж»ни ўрганиш шуни кўрсатадики, у фақат амалий қўлланишга мўлжалланган бўлиб, назарий масалаларни баён этишни Улуғбек олдига мақсад қилиб қўймаган. Шунинг учун бўлса керак, «Зиж»ни биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ўзи, хусусан Али Қушчи шарҳлайди. Ундан кейинги шарҳларни Мирим Чалабий ва Ҳусайн Биржандийлар ёзади.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва «Зиж»нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Жумладан, Али Қушчи 1473 йили Истамбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек «Зижи» Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврупа мамлакатларига ҳам етиб боради.

Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра «Зиж»нинг 120 га яқин форсий ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки риёзий асар бунчалик оммалашмаган. «Зиж» мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган. Уни шарҳлаган олимлардан қуйидагиларнинг номларини эслатиш мумкин: Шамсиддин Муҳаммад ибни Абул Фатҳ ас-Сўфий ал-Мисрий (ваф.тах. 1495), Абдулақодир ибни Рўёний Лаҳитий (ваф. 1519), Мирим Чалабий (ваф. 1525), Ғиёсиддин Шерозий (ваф. 1542).

Улуғбек «Зижи», айниқса, Ҳиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд олимларининг илмий анъаналарини Ҳиндистонга Бобурнинг ўзи етказган деган маълумот бор. Бобурнинг ворислари ўтмишдаги шоҳларга ўхшаб атрофига олимларни тўплайдилар ва уларнинг илмий изланишларига шароит яратадилар. Ҳинд олимлари кўп жиҳатдан Самарқанд олимларига тақлид қиладилар. Масалан, Шоҳ Жаҳонни Аввал замонида Лаҳор ва Деҳлида ишлаган Фаридиддин Масъуд ад-Деҳлавий (ваф. 1629) «Зижи Шоҳ Жаҳоний» номли асар ёзади: ундаги мақола ва бобларнинг сони худди Улуғбек «Зижи»дагидек ва жадвалларнинг ҳам кўп қисми Улуғбекдан олинган. Йирик ҳинд олими

Савай Жай Синх (1686—1743) ҳам ўзининг «Зижи Муҳаммадшоҳий» номли асарини Улуғбек «Зижи» нинг кучли таъсирида ёзган.

«Зиж»нинг Ғарбий Оврупа фанига ҳам таъсири катта бўлди. Умуман олганда, Ғарбий Оврупа Темур ва унинг фарзандларини, айниқса Улуғбекни XV асрданоқ биларди. Али Қушчининг Истамбулдаги фаолияти туфайли Улуғбекнинг олимлиги ҳақидаги хабар ҳам Оврупага тарқалади.

1638 йили Истамбулга инглиз олими ва шарқшуноси, Оксфорд дорилфунунининг профессори Жўн Гривс (1602—1652) келади. Қайтишида у ўзи билан Улуғбек «Зижи»нинг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили аввал «Зиж»даги 98 юлдуз жадвалини чоп этади. Уша йилнинг ўзида Гривс «Зижи»даги жуғрофик жадвални ҳам нашр этади. 1950 йили эса у «Зиж» биринчи мақоласининг лотинча таржимасини нашр этади. Гривс 1652 йили мазкур охирги икки ишни қайта нашр этади.

Яна бир инглиз олими ва шарқшуноси Тўмас Ҳайд (1636—1703) «Зиж» даги турғун юлдузлар жадвалини 1665 йили форсча ва лотинчада чоп этади. Шуниси диққатга сазоворки, Ҳайд Гривснинг ишларидан бутунлай бехабар эди. Демак, «Зиж»нинг нусхалари қандайдир йўллар билан унга ҳам етиб келган.

Ҳайднинг нашридан 15 йил кейин поляк олими Ян Гевелий (1611—1687) Данцигда «Зиж»нинг айрим жадвалларини нашр этади. Бундан кейин XVIII ва XIX асрларда қатор Оврупа олимлари «Зиж»нинг айрим қисмларини нашр этган бўлсалар, француз шарқшуноси Л. А. Седийо (1808—1876) тўрт мақолалари олдидаги сўзбошилари ва муқаддимасининг французча таржимасини 1847—1853 йиллар чоп қилади. Ниҳоят, XX аср бошларида америкалик олим Э. Б. Нобл «Зиж»нинг Англия кутубхоналарида сақланадиган йигирма саккиз қўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалининг инглизча таржимасини нашр этади (Вашингтон, 1917).

УЛУҒБЕК УГИТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

«Муборакдир бир зот, қайсики осмонда буржларни пайдо қилди ва унда нур сочиб турувчи қуёш ва ойни ўрнатди. У шундай зотки, кеча ва кундузни яратди, уни ёдлашни ёки унга шукур қилишни хоҳловчи кишиларга» (Таборак аллази жаъала фиссама буружан ва жаъала фиҳо сирожан ва қамаран мунираи. Ва ҳува-л-лазий жаъала-л-лайла ван-наҳора хилқатан ли-ман арада ан йуззаккара ав арада шукуран», молики маликийки) ўз ҳикматила тонгни ёритқичини ёқди, яъни «Ва доимо чарақлаб турувчи чироқни (яъни Қуёшни пайдо) қилдик» (Ва жаъална сирожан ваҳҳажон» оятининг ва «Ва мўл-кўл сув-ёмғир яратдик»; «Ва анзална мина-л-муъсироти моан сажжожан») оятининг байроғи унинг иродаси ва хоҳиши қудратики, ҳикматни ва етти қават осмон қатламларини ўлчағувчи бирла кўтарилибдур. У (осмонлар) сони ва миқдори, тарафлари ва чўзилиши ўзаро Унинг қуд-

рати ила туташтирилгандур. У — «Осмонни устунсиз» («рафаъа-с-самавати би-ғайри ғамдин») қилиб кўтарди ва фалаклар қатламларини юлдузлар бирла нақш берди: «Дунё осмонини юлдузлар билан зийнатлади» («Инна зайянна-с-сасоа-д-дунйа би-зийнати-л-кавокиби»). Шундай суратлар бирлаки, дурлар янглиғ нечаминг юлдузларга, қўзғолмаслари ва сайёралари бирла ораста қилди.

«Ва шундан кейин ерни ёйиб текис қилди» («Ва-л-арзо баъда залика даҳоҳа») муқтазоси ила У олам юзига ранго-ранг гиламини ёйиб, «Бўлди, бас, бўлади» («Кун, фа-йакун») амри бирла бажойиъ анвоълари ва санойиъ аснофлари ила мужалло ва музаййан этилди.

Унсурлар моддалари ва инсоний вужуднинг яратилиши учун У махсус рақам: «Дарҳақиқат Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик», («Лақад ҳалана-л-инсана фи аҳсани тақвимин») ихтисос қилдики, бу: «Ва дарҳақиқат Одам авлодини азиз қилдик» («Ва лақад каррамни бани Адама») ҳолига олий даражада мосдир.

Фазилат устуни вожиб бўлгай деб, рисолат соҳибини: «Ўша пайғамбарларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилдик» («Тилка-р-русулу фаддална баъзаҳум ъала баъзин») деб заркаш енгли фазилат либосини «Агар сен бўлмасанг, фалакларни яратмас эдим» («Ла-валака ламма ҳалиқат ал-афлак») тарзида кийдирди. Ва у саҳобаларига «Улар юлдузлар кабидирлар, уларнинг қай бирига эргашсангизлар йўл топасизлар, авлодлар, аждодлар ва болалар» фармонини қилдики, улар имомат осмонининг юлдузлари ва каромат жаҳонининг қуёшларидекдур. Уни хилофатга хилъат этиб, имоматга махсус мумтоз этди: «Эй мусулмонлар, унга салому-дуо айтинглар» («Йа аййуҳа-л-лазина аману саллу алайҳи ва саллиму таслиман»).

Сўнгра, Аллоҳнинг бандалари ичида энг заифи ва улардан Аллоҳга энг муҳтожи Улуғбек ибн Шоҳрух ибн Темур Курагон бундай деяпти:— Аллоҳ таоло унинг аҳволини яхши қилсун, унинг ҳаракатларини хайр бирла омадли қилсун. У Аллоҳ умматлари салоҳияти узра қанот ёзиб ва бани Одам зотига фойдалар келишига кафолат ва ғамхўрлик ришталарин қаттиқ боғлаб, фазилат қанотларида парвоз қилди ҳамда камолат манзиллари ва фазилат маконларига етди.

Саъй-ҳаракат ва тиришқоқлик жиловлари гўзалдур, агар улар илмий ҳақиқатларга ва донолик нафосатларига эришишга сарфланса ва токи меҳрибон ва раҳмли илоҳнинг тавфиқи бу заиф бандага ҳам етса. Ҳақиқатан ҳам «кимки бирор нарсани қидирса ва тиришса, у албатта уни топади», яъни ўткир қалами бирла ва чуқур тафаккури бирла илмлар сирларига ва санъатлар нафосатига етади, айниқса фалсафий фанларда. Чунки миллатлар ва динларнинг ўзгариши, тиллардаги ва турли замонлардаги фарқ далил ва кашфиётларнинг пухталигига путур етказолмайди. Ҳазрат парвардигор,—азза исмиҳ, ўз караминнинг чуқур хазиналаридан' «Ҳар бир нарса борки, бизнинг ҳузуримизда унинг

хазинаси бордир, биз уни маълум миқдорда туширамиз» («Ва иммий шайъин илла ъиндана хазаинуҳу ва ма нуназ зилуҳу илла биқадариммаълумин») бу бандаи фақиру ҳақирга шу қадар буюк муҳаббатини ва улкан карорматини шараф ихтисосила ва имтиёзи хос ила бахшида қилдики, ушбу шеър мазмунида:

Ҳақиқатан бизнинг осорларимиз биздан гувоҳлик берур,
Бизлардан кейин бизнинг осорларимизга боқинг.

Олам рўзғорининг ғаройиб расмини чизиб ва ифтихор ва шуҳрат байроғини фалаки даввор қуббасининг тепасига ўрнатиб, бизга юлдузлар расадин амр этди.

Ишларнинг бошланиши ҳазрат устозим ва саййидим, оламдаги аллома, фазилат ва ҳикматлар байроғини ўрнатувчиси, таҳқиқат ва тадқиқот маслакларидан юргувчи Қозизода Румий деб машҳур бўлган Мавлоно Салоҳ ал-милла ва-д-дин Муса, унга Аллоҳнинг раҳмати ва ғафрони бўлсун ва ҳазрат Мавлоно алаъзам, оламдаги ҳукамолар ифтихори, қадимги илмларнинг камолати, масъалалар мушкилликларини кашф этувчиси, Мавлоно Ғиёс ал-милла ва-д-дин Жамшид — Аллоҳ таоло унинг қабрини нурафшон қилсун — ёрдамларида бўлди. Улар ҳар бирининг нурли аҳли донишмандлар ақли шамларига баробар, балки оламдаги инсонлар фазилатини акслантирувчи ойнадек эди.

Аҳвол бошида ҳазрат Мавлоно мағфури мабрур Ғиёсиддин Жамшид, жойи жаннатда бўлсун, «Аллоҳ чақириғига жавоб беринг» («Ажибу даъи-ллаҳ») нидосини эшитиб, итоаткорлик бирла ижобат этиб, бу дунё дорул ғурурдан у дунё доруссурурга риҳлат этди.

Иш ҳолати асносида, бу муҳим китоб бажарилиб тугатилишидан аввал ҳазрат устозим, унга Аллоҳ таолонинг раҳматлари бўлсун, Парвардигорнинг раҳматига яқинлашиб пайваста бўлди.

Аммо иттифоқо фарзанди аржуманд Али ибн Муҳаммад Қушчи умрининг ёш йилларидан ва гуллаган йигитлик йилларидан бери илму фан замирида илғорлаб бораяпти ва унинг тармоқлари бирла машғулдир. Қаттиқ ишонч ва муҳаққақ умид бордурки, бунинг натижасида унинг шуҳрати яқин замонларда ва энг тез онларда жаҳоннинг атрофу акнофларига ва мамлакатларига ёйилиб, тараннум бўлғай, иншоаллоҳ.

Илоҳий иноят ёрдами ва унинг бениҳоя файзу фазилати туфайли бу муҳим ва мўътабар асар охирига етказилди. Юлдузларнинг аҳволидан кузатилган ва имтиҳон билан маълум бўлган жамиъки нарсалар ушбу тўрт мақоладан иборат китобга киритилиб субут тутилди.

Хуштабиат ва олижаноблиги нодир кишилардан, кўз қараши билан кўкракни чешкувчи бузургонлардан ва доно ҳукамолардан илтимос қиламанки, инсон табиъати ўз сифати бирла хато қилмакка мойил бўлгани учун, агар шундай хато топилса, уни қалами мушкбор ва хомин гавҳарнигор бирла тузатсалар. Агарда ни-

марса тузатиш ва яхшилаш ҳаддидин четлашган бўлса, уни авф либосининг этаги бирла ёпсалар ва узр этсалар, аммо койимасалар, камчиликларни ёпгувчи бўлсалар ва ёмон сўзларда ёдламасаларки, улар амалларининг либоси: «Сўзларни эшитган кишилар унинг яхшисига итоат қилдилар, уларни Аллоҳ ҳидоят йўлига солди ва улар ақл эгаларидирлар» («Ал-лазина йастамиъуна-л-қавла фа-йаттабиъуна аҳсанаҳу улаика-л-лазина ҳадайҳумуллоҳу ва улайка ҳум увлув-л-албаб») тарзида бичилса. «Қимки авф этса ва тузатса, уни Аллоҳ таоло мукофотласун».

•

Али Қушчи

Унинг тўлиқ исми Алоуддин Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий (1403—1474). Али Қушчи Марказий Осиёнинг машҳур табиатшуноси, астрономи ва мутафаккиридир. У Самарқандда туғилиб, шу ерда таҳсил кўрган. Унинг отаси кўп йиллар мобайнида Шоҳрух саройида хизмат қилган. Али Қушчи отаси изидан бориб, қушлар тарбияси билан шуғулланади ва улғайганда машҳур овчи бўлиб танилади. «Қушчи» лақаби ҳам унга овчиликдаги маҳорати учун берилган. Булардан ташқари, Али Қушчи ёшлигиданоқ илм-фанга, хусусан, риёзиёт ва фалакиёт фанларига қизиқади. У ўша даврнинг машҳур олимлари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Улуғбек, Муҳаммад Хавофий ва бошқаларнинг дарсини тинглаб, илм сирларини ўрганади.

Али Қушчи Улуғбек бошчилигида расадхона қурилишида фаол иштирок этди, у ерда бошқа олимлар қатори кузатишлар олиб борди. Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарининг ёзилишида ҳам Али Қушчининг хизмати каттадир.

Улуғбек вафотидан сўнг Самарқандда вазият анча мушкуллашади. Али Қушчи ва бошқа ҳур фикрли олимларга ғайри кучлар томонидан тазйиқ кучаяди. Натижада, у 1471 йилда Самарқандни тарк этиб Табризга келади. Бу ерда уни Ғарбий Эрон ҳукмдори Узу Ҳасан (1453—1479) ҳурмат билан кутиб олади. Табризда бироз яшагач, у Туркия султони Муҳаммад Фотих (1457—1482) таклифига биноан Истанбулга келади. Бу ерда Али Қушчи Аё-Сўфия мадрасасида бош мударрис бўлиб бир неча йил ишлагач, 1474 да вафот этади.

Манбаларда келтирилишича, Али Қушчи 30 дан ортиқ асарлар муаллифидир. У фалакиёт, риёзиёт, жўғрофия, фалсафа, тариҳ ва бошқа фан соҳаларида ижод қилган. Унинг муҳим рисолалари «Тарихи хоқони Чин» («Чин хоқонининг тарихи»), «Рисолайи Муҳаммадия» («Муҳаммад рисоласи»), «Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономияга оид рисола»), «Рисола фи ҳалл ашкол ал-қамар» («Ой шаклларининг таҳлили ҳақида рисола») ва бошқалардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Али Қушчи XV асрнинг илғор табнатшуноси бўлган. Бу борада, айниқса, унинг «Астро-

номияга оид рисола» номли китоби муҳим аҳамиятга эгадир. Унда ҳандаса, фалакиёт, Ернинг физик жуғрофияси соҳасида муҳим муаммолар кўтарилган. Хусусан, унда Ой, Қуёш ва бошқа сайёралар тўғрисида замонаси учун қимматли маълумотлар келтирилган. «Ҳамма табиатшунослар сингари,— деб таъкидлаган эди академик И. М. Мўминов,— Улуғбек ва унинг мактаби, шу жумладан, Али Қушчи моддий дунёнинг инсон онгидан ташқари ва мустақил мавжудлигига шубҳасиз ишонганлар, ҳодисаларнинг қонуний ҳаракатларини ўрганиб, кишилик жамиятини ривожлантириш йўлида хизмат қилишга интилганлар, айниқса, риёзиёт, ҳандаса, жўғрофия, астрономия соҳасида жиддий муваффақиятларни қўлга киритганлар» (И. М. Мўминов. Али Қушчининг бир рисоласи ҳақида. Астрономияга оид рисола. Тошкент, Фан, 1968, 18-бет). Али Қушчи кўп йиллар давомида Самарқандда мадрасада талабаларга дарс берди, уларга риёзиёт, фалакиёт фанларининг сирларини ўргатди. Шунинг учун унинг илм соҳасида айтган фикрлари ёшларга таълим беришда фойдаси тегиши шубҳасиздир.

Х. Аликулов.

«АСТРОНОМИЯГА ОИД РИСОЛА» ДАН

Агар жисм турли табиат ва кайфиятдаги буюмлардан таркиб топган бўлса, уни мураккаб жисм, бўлмаса (басит) содда жисм дейдилар.

Содда жисм фалакий ва унсурийга бўлинади. Фалакий жисм ўзидаги жисмлар билан биргаликда барча (фалаклар) осмонлардан иборатдир. Буларни асирга тегишли жисмлар ва юқори олам дейдилар.

Унсурий жисм тўрт (унсур) аслига тегишли жисмлар бўлиб, у тўрт асл: олов, сув, ҳаво, тупроқдир. Буларни ўзидаги нарсалар билан биргаликда қуйи олам—тузилиш ва бузилиш олами деб атайдилар.

Мураккаб жисм тўлиқ ва тўлиқсизга бўлинади. Тўлиқ мураккаб шуки, у, саноққа олинарли бир муддатгача ўз суратини сақлайди. Бунга конлардан олинадиган нарсалар, ўсимликлар, жонли нарсалар мисол бўлади. Тўлиқсиз мураккаб бундай бўлмайди. Булут, туман ва шуларга ўхшашлар бунга мисолдир.

(Фалак) осмон ҳаракати (басита) содда ва (мухталифа) хилма-хилликка бўлинади: содда ҳаракатни (муташобиха) бўлаклари бир-бирига ўхшаш ва бир текис ҳам дейдилар. Содда ҳаракат шуки: бу билан ҳаракат қилувчи ҳар бир нуқта у осмон марказида, айланасида бир-бирига баробар муддатларда бир-бирига тенг бурчаклар пайдо қилади. Бошқа ибора билан айтганда (у нуқта), бир-бирига тенг вақтларда ўша осмон айланасини бир-бирига тенг ёйларга ажратади.

Хилма-хил ҳаракат бундай бўлмайди.

Осмон ҳаракати яна муфрад ва мураккабга бўлинади. Биргина осмондан содир бўладиган ҳаракат муфрад ҳамда биттадан ортиқ осмондан содир бўладиган мураккаб ҳаракат бўлади. Ҳар бир муфрад ҳаракат — содда ва ҳар бир хилма-хил ҳаракат мураккаб бўлади. Аммо ҳар бир содда ҳаракат муфрад бўлмайди ва ҳар бир мураккаб ҳаракат хилма-хил бўлмайди.

* * *

Ой Ер билан Қуёш орасига кирса, Қуёш юзини тўсади, ёруғлик ўтмайди, қоронғи бўлади, шу ҳолни кусуф — Қуёш тутилади, дейдилар. Қуёш юзидаги қоронғилик Ойнинг занги—соясидир. Қуёш тўлиқ тутилиши (кусуфи кули) ёки қисман (жузъий) тутилиши мумкин. Бу ҳол Ойнинг Ер билан Қуёш орасидаги ҳолатга боғлиқ.

* * *

Қуёш курра шаклли, коваксиз бир жисмдир.

* * *

Ой қалин ва сайқалли жисмдир. Қуёшга рўпаралиги жиҳатдан ундан нур олади. Ой курра шаклли бўлиб, Қуёшдан кичик бўлтач, унинг Қуёшга қараган қарийб ярми ёруғ ва қарийб ярми қоронғи бўлади. «Ижтимоъ[3]—жамъ келиш» вақтида Ойнинг қоронғи ярми бизнинг томонда бўлиб, нур ҳеч кўринмайди. Бу ҳолни муҳақ[4] дейдилар. Ой ижтимоъдан ўтиб, қарийб ўн икки даража Қуёшдан узоқ бўлиб, нур олувчи ярмининг бир миқдори кўриниб турса, уни ҳилол дейдилар. Бора-бора кўринувчи қисми ёруғ ярмидан ортиқ бўлиб, ниҳоят офтоб рўпарасига етганда Ойнинг нурли ярми бизга қараб турса, «бадр—ўн тўрт кечалик Ой» дейдилар. Ой Қуёш рўпарасидан ўтгач, ёруғ ярмидан бир миқдори кўринмай, бора-бора кўринаётган қисми ярмидан камайиб, ниҳоят яна «ижтимоъ»га етиб нурли ярмидан ҳеч нарса кўринмайди ва қоронғи ярми тамом бизга қараб «муҳақ» бўлади шундан кейин олдинги ҳолат қайтади. Мана бу шаклдан у вазиятлар тасаввури осон бўлади.

Агар ижтимоъ, раъс[5] ёки занаб[6] икки уқдасидан бирининг атрофида воқеъ бўлса ва Ой кулчаси кўз билан Қуёш орасида тўсиқ бўлиб Қуёш юзини бекитса, бу ҳолни «кусуф» ва «Қуёш тутилиши» дейдилар; гоҳо шундай батамом бекитадики, офтоб ҳеч кўринмайди, буни: «кусуф кулли» (бутунлай тутилиш) дейдилар. Гоҳо унинг бир қисмини бекитади, буни эса «кусуфи жузъий» (бир бўлагининг тутилиши) дейдилар. Қуёш юзида кўринадиган хиралик у Ойнинг ранги бўлади.

Тутилиш офтобнинг ғарбий томонидан бошланиб, очилиш ҳам шу томондан бошланади.

Агар «Истиқбол — муқобала»— рўпаралик икки ўқдан бири теварагида воқеъ бўлиб, Ер Ой билан Қуёш орасида тўлиқ бўлса

ва Қуёш нурининг Ойга етишишига тўсқинлик қилса, натижада Ой асли рангида кўринса, бу ҳолни «хусуф ва Ой тутилиши» дейдилар.

Хусуф ҳам гоҳо куллий ва гоҳо жузъий бўлади. Тутилиши ва очилиш ҳар иккиси Қуёш тутилишининг, аксинча, яъни Ойнинг шарқий томонидан пайдо бўла бошлайди.

* * *

Ҳамма осмон жисмларининг зоҳир ва равшанроғи Офтоб ва Ой бўлгач, йил айланишини офтоб даврига қўйганлар. Офтобнинг бир даври муддатини, яъни унинг бирор нуқтадан ажраган вақти, масалан, ҳамал аввалидан то унинг ўша нуқтага қайтган вақти орасини бир йил эътибор қилганлар. Ой айланишини Ой кулчаси даврига қўйганлар. Яъни, унинг Қуёш билан бўлган (ижтимоъ) жамъ келиши ёки (ҳилол) янги Ой бўлиши каби вазиятдан ажраб, яна ўша вазиятга қайтиши орасидаги муддатни бир ой эътибор қилганлар.

Ўн икки ой офтобнинг бир даврига яқин бўлгач, баъзилар ўн икки ойни бир йил ҳисоб қилганлар, буни (қамарий) ой йили ва бошқа бирини (шамсий) қуёш йили дейдилар.

Ой кулчасининг бир даври офтобнинг бир бурчдаги сайрига яқин бўлгани учун офтобнинг бир буржидаги сайрини бир ой эътибор қилганлар. Буни (моҳи шамсий) Қуёш ойи, у бошқасини қамарий ой дейдилар. Демак, йил ва ой ҳар бири шамсий ва қамарий бўлади.

ИЗОҲЛАР

1. Али Қушчининг «Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономияга оид рисола» асари форс тилида ёзилган, унинг нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институтида (инв. 3356) сақланмоқда). Ушбу китоб турк олими Абдулла Афанди томонидан турк тилига таржима қилинган. 1968 йилда у ўзбак тилида нашр эттирилган. Китоб ЎзССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов томонидан таҳрир этилган ва сўз боши ҳамда кириш мақола ёзилган. Унда «Рисола дар илми ҳайъат» асарининг форсча матни ҳам берилган.
2. Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. Тошкент, Фан, 1968.
3. Ижтимоъ ва Қирон — Қуёш ва Ойнинг бир бурж, бир даража ва бир дақиқа жамъи келиши вақтидир. (Шу китобга қаранг, 62-бет.)
4. Муҳоқ — Ойнинг охирги уч кечаси.
5. Раъс — бош.
6. Занаб — дум.
7. Муаддилуннаҳор (осмон экватори) — фалаки мустақим — осмон иккала қутбини ўраб турувчи катта доира.
8. Ҳатти истивоъ — экватор муаддил — наҳорга рўбарў жануб

ва шимол икки қутби ерга ёпишиб кўринадиган жойи (ораси)даги мавҳум чизиқ. Бунда кеча-кундуз ҳамиша баробар бўлади.

9. Бурж — 30° (градус)дир. Қуёш бир кунда 1° дан ортиқроқ юради. Натижада бир йил 365 кундан кўпроқ бўлади.

Алишер Навоий

(1441—1501)

Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, мусиқашунос, давлат арбоби Низомиддин Алишар Навоий Ҳиротда туғилиб, шу ерда яшаб улғайди. У турк ва форс тилларида ижод қилган. Навоий ўттизга яқин шеърлар тўплами, йирик-йирик достанлар ва рисолаларнинг муаллифидир. Унинг беш достандан иборат «Хамса»си бутун дунёга машҳурдир: «Ҳайрат ул-аброр» (1483), «Фарҳод ва Ширин» (1484), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Сабъаи сайёр» (1484), «Садди Искандарий» (1485). Унинг қаламига доир «Хазойин ул-маоний» (1491—1498), «Бадойи ул-бидое» (1500), «Муҳокамат ул-луғатайн» (1499) каби асарлари мавжуд.

Алишер Навоий барча асарларида феодаллар юритаётган куч ва ҳукмронликни танқид қилади. Унинг фикрича мамлакатда маърифатчилик, инсонпарварлик ва адолатлилик ҳукм суриши зарур. Унинг шеърий тўпламлари ва бошқа асарларида таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Навоий таъкидлашича, ер куррасида яшаётган барча инсонлар миллатидан қатъи назар тенгдир. У инсонлар ҳаёт мазмунини фақат меҳнат ташкил этади, дейди.

Алишер Навоий инсон тафаккури, ақли, билимини ва ва илмий билимларини юксак қадрлаган. У «Билим ва донишмандлик инсоннинг безагидир»—деб ёзади. А. Навоий бола тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани ҳаёт «чироғи» деб таърифлайди. Бола оилага бахт ва саодат келтирувчи зиёдир.

Алишер Навоий болаларга кичик ёшлигиданоқ билим, маълумот ва тарбия беришликни кўрсатиб, ўғил-қизларни 6 ёшдан тарбиячига муаллимга бериш лозимлигини айтади. Ана шу ёшлар илк ёшидаёқ фанларни ва ҳунарларни эгаллаб олмоқлиги лозимлигини таъкидлади.

Шоир, энг аввало, ҳар бир киши ўз халқининг тарихини билиши шартлигига аҳамият бериб, уни чуқурроқ ўрганишга даъват этади. Буюк шоир ҳар бир халқнинг тарихи мамлакатни хароб аҳволга солган нимаю, унинг равнақ топишига имкон берган нима, шуни кўрсатиб бермоғи лозим, дейди.

Алишер Навоий педагог—мударрис. У таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини кўрсатади. У таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби талабларни асос қилиб олади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. У ўқитувчи ҳақида гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини ҳам, ўзи таълим бераётган фанни ҳам севган бўлиши зарур, дейди. Ўзига ҳам, ўқувчига ҳам талабчан бўлишни уқтиради. Навоий ўқитувчини жамиятнинг обрўли ва ҳурматга лойиқ инсон деб билиб, шогирдлар муаллимни ватандек ҳурмат қилишларини, эъзозлашларини уқтиради. Унинг асарларида ахлоқий ва меҳнат тарбиясига доир қарашлари асосий ўринни ташкил этади.

«ҲАЙРАТУЛ-АБРОР»ДАН ПАРЧАЛАР

Қимники бедодинг этибдур асир,
Бул анга адл илги била дастгир.

Субҳоналлоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйгил, не азоби алим.

Рузи учун мунча фусунсозлик,
Мансаб учун мунча дагобозлик.

Бу эл эрур барча ёмондин-ёмон,
Қимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Одам аро кўр не тафовут турур,
Қибла анга, тенгри минга бут турур.

Буки санга тенгри ато айлади,
Қисм карам бирла сахо айлади.

Гарчи саховат санга ойин эрур,
Бошингга бу дур била тазиин эрур.

Бу дури серобни хор айлама,
Бухл ҳисобида шумор айлама.

Они дема сахийким, киши,
То тиламас бермак эмасдур иши.

Бергали олмоқ ишидан бул йироқ,
Бермоқ учун олмоғанинг яхшироқ...

Сен доги чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Тои миннатин.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур.

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ...

Тифл учун кўпмоқ эмасдур адаб,
Пирлар ул ишни демасдур адаб.

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар етмаган андин уят.

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилгали таълим анга илму адаб.

Итга тааллумда чу бўлди камол,
Саид анинг оғзидин ўлди ҳалол.

Олим ул итким нажасул айн эрур,
Ўғлингга жаҳл ўлса ажаб шаин эрур.

Бошин фидо айла, ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошига.

Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,
Ҳам қил адаб «дол»и киби қоматинг.

Сўнгра раҳминг оиласин қарз бил,
Раҳм ўшул тоифага фарз бил.

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғани.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки гадодур тамаъ этган киши.

Шоҳ ул эмаским, бошига қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Қимсага ҳар шевада қаллоблик,
Андин эрур яхшики, каззоблик.

Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳарне йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Кўнгли бўлуб маскани мавои илм,
Қатра киби пайкари дарёи илм.

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Олим агар жох учун улса залил,
Илми анинг жаҳлига бўлгаи далил.

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпроқ дурур...

Қимки фалак сори отар тошни,
Тош ила озурда қилур бошни.

Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами...

Асра ўзунгни биров озоридин,
Қимсага озурдалик изҳоридин!

Бўлса керак фикр шоҳи замон,
Яхшига яхшию ёмонга ёмон.

Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема,
Воқиф ўлуб сўнгра пушаймон ема...

Ҳар кишининг ким, сўзи ёлғон эса,
Айлама ҳовар, нечаким чин деса.

Айлама ўз райингга кўп эътиқод,
Муътамад эл райидин иста кушод.

«Унинг эски салласи чулғанган бўлиб, ичида эгриликдан бошқа ҳеч нарса йўқ».

«Осилиб турган турфа соқоли кулгили, ўлтириши минбарга чиққан эчкининг ўзи».

Сахийлик қандай мақтовга лойиқ шарафли хусусият бўлмасин, уни орттириб юборсанг, бу исрофга айланади.

Эҳсон ва карамнинг ўз қоидалари бор, ҳар хил (шароитга мос) шакллари ҳам бор.

Худо («Қуръон»да» деди, «Енглар, ичинглар!» Ёнида яна деди. «Лекин исроф қилманглар!»

Оч, муҳтож одамлар нон сўраб туради, лекин уларга бир бурда ҳам бермайди, тўқни қидиради.

Ит етук таълим олгани сабабли у тишлаб келган ов ҳалол ҳисобланади.

Тарбиянинг яна бири ота-онани ҳурмат қилиш, буни бажариш унинг учун мажбуриятдир.

Хизматини қилиб, уни ортиқча улуғлаб ҳам юборма, ёмон муносабатда бўлиб, таҳқир ҳам қилма.

Уни ҳурмат қилиб, «ҳамма ишнинг ўртачаси яхши» деган маъноли қоидага амал қилишинг зарур.

Қаноат мулкидаги саройдан жой олишни мўлжаллаган одам яхшиларнинг яхшисидир.

Эй инсонлар орасида тонг каби кумуш сочишга ўрганган одам, сенинг меҳринг қуёш меҳридан умумийдир.

Болаларнинг ҳаммасининг кўнгли ўйинда, лекин ҳамма ёқда «Гулхоча гул» (яъни, болалар ўйнайдиган «Читти гуло, читти гул» га ўхшаш ўйиннинг номи) ўйини.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» ДОСТОНИДАН

Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.

Деди: Ҳар ишқи қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Ҳунарни асрабон неткумдур охир
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?...

Ҳунар мундоғ чу зоҳир қилдики кўп,
Тушуб ул тоғ аро эл ичра ошуб.

Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.

Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
Балоғатда бири айтиб дақойиқ.

Бири тарихда сўз айлаб фасона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона.

Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб,
Муоммада бириси от чиқариб.

Бу фанларда бўлар бир-бирдан ахсан,
Юз ул фанлик аро ҳар қайси якфан.

Гар ўлса тарбият кам ё зиёда,
Табиат айламас тагийр зода.

Чу дин илмига комил бўлди рўйинг,
Ҳал этти хотири мушкил кушойинг...

Ва гар ҳикматка бўлса илтифотинг,
Ки бўлсин нуҳ умрича ҳаётинг.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ДАН ПАРЧАЛАР

Ўзи тифлни олди аъзод ила,
Қилур эрди парварда юз ноз ила.

Бори илм аро, ўйла, соҳиб камол,
Ки комил анингдек топилмоқ маҳол.

Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар билди ончаки имкони бор.

Бировким, анинг кимиёдур фани,
Ани деса бўлгай эл ичра ғаний.

Гинодур чу эл ҳурматига сабаб,
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

Қишиким бийикракдурур ҳиммати,
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

Бировгаки ҳиммат қилур ёрлиқ,
Гадолик тилар, йўқ жаҳондорлик.

Ўзин фақр бирла жаҳондор этар,
Жаҳондорликдан вале ор этар.

Қилур подшо ул гадолик ҳавас,
Нечукким, гадо подшолик ҳавас.

На шаҳким, анга мундоқ эрмас туэук,
Тузуклук нечук келгай андин, нечук.

Яна бир даги турфа суратдурур,
Ки шах билмак они заруратдурур.

Буким, тутса ҳар кимса таврини пос,
Фаросат била бўлса жавҳаршунос...

Эрур лек бу ишта душворлик,
Ки бор даҳр эли бир намудорлик.

Кўрунур бори одами одами,
Мутобих нечукким сипеҳр анжуми.

Бу бирга нухусат иродатдурур,
Яна бирга нури саодатдурур.

Киши бўлса ҳам, филмасал;тавъамон;
Була .олур ул яхшию, бу ёмон.

Китобада бирдекдур Алфу Алиф,
Ҳисоб ичрадурлар басе мухталиф...

Сафар қилмагон одаме хомдур,
Совуқда тўнгар кимга оромдур...

Талаб йўлида қил шитобандалик,
Ки туяндаги келди ё бандалик.

Худо комин онинг раво айлагай,
Ки ҳар ваъда қилса-вафо айлагай,

Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман ичрадур нописанд...

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олган ишини киши...

Алифким эрур ростликда алам,
Агарчи алифдур, эрур алор ҳам...

Кишики жаҳонда сўзи ростдур,
Эрур дол ангаким ўзи ростдур.

Бировки эрур ростликдин йироқ,
Анингдек киши бўлмагон яхшироқ...

Эрур хак сифоти ададдин бари,
Булар ҳар бири бир сифат мазҳари.

«МАҲБУБ-УЛ ҚУЛУБ» ДАН

Мударрислар тўғрисида

Мударрис (дарс берувчи) керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргизмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса... Ярамасликлардан қўрқ-

са ва нопокликдан қочса, наинки: ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қилса: ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир.

Мактаб аҳллари тўғрисида

Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблашга рағбатланган, уларни калтаклашга ўрганган. Ўзи раҳмсиз, мияси пўлат ва кўнгли тошдир. Ғазабдан қоши чимирилган, гуноҳсизларга аччиқланишга одатлангандир. Уларнинг кўпчилигида кўнгил қаттиқлиги ва тамъа касаллиги ошкор ва ўзлари ақл камлигига гирифтор. Аммо ёш болалар табиатидаги қайсарликни қийналиб ром қилувчи ва кичкиналарнинг олазарак ҳаракатин дўқ билан тартибга солувчидир. Агарчи қилиқларининг қўполлиги намоёндир, аммо ўзлари ёш болалар келишмаганликларини силлиқлашга йирик эговдир.

Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани санлашдан ожизлик қиларди. У эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким, бунга нима етсин. Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундан кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир, агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллик қилса арзийди...

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш
ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...

Қаноат тўғрисида

Қаноат булоқдур — суви олган билан қуримайди; экинзордир— уруғи иззат ва шавкат меваси беради: дарахтдир — шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси еткизади.

Кўнгилга ундан равшанлик фойдаси етар ва кўз ундан ёруғлик натижаси, хосил этар...

Қимки, қаноатга одатланса, шоҳ ва гадой борди-келдисидан озод бўлади... қаноат қўрғондир, у ерга кирсанг нафс ёмонлигидан қутуларсан, тоғликдир — у ерга чиқсанг душман ва дўстга қарамликдан халос бўларсан; тубанлашишдир — натижаси юксаклик; зориқишликдир — фойдаси эҳтиётсизлик уруғининг меваси фаровонлик...

Ҳар кимнинг агар қаноатга нисбати бўлса,
Барча кишилар ўртасида иззатли ва ҳурматли бўлур.
Кимники тамау хир билан улфати бўлса,
Яхши-ёмон олдида хор бўлур ва нахс кўрунур.

Тавозуъ ва адаб тўғрисида

Тавозуъ халқ муҳаббатини ўзига тортар ва одамларни шу ишни бажарувчи билан дўстлаштирар. Тавозуъ дўстлик чаманида тоза гуллар очар ва у чаманда ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочар. Такаббур киши ўз душманига юмшоқлик сари йўл кўргузар ва гердайган одам халқ кўнглига инсонлик завқини ўтиргизар. Қайта-қайта такаббурлик қилиш ҳаёсиз лоф-уят чегарасига йўллар ва ҳаддидан ошган инсофсиз душманни ёмонликдан қайтарар. Адабли агарчи барча кишилардан яхшидир ва ҳамма халойиқдан ёқимлидир, аммо улуғлардан кўра яхшироқ ва қўли устунлардан кўра ёқимлироқдир. Адабли ўз тенгқурлари орасида бир-бирига мақтанарли бўлади, каттадан-кичик ўртасида яхши кўринади. Сахийлик қилмай элни шод қилади ва бир нарса ҳадя қилмай кишини ғамдан озод қилади. Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо баракати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгилда абадий қолади.

Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади, уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор билади. Ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил-мазахдан ва камситилишдан сақлайди. Киши табиатини инсонлик йўлига солади ва одам мижозига одамгарчилик манзилида ором беради. Қичикларга ундан мунча натижа ҳосил бўлгач, катталарга аллақанча бўлишини кўрарсан.

Адабдан муҳаббатга безак ва пардоз етади, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозуъ дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томонидан ёруғлик етказади. Тавозуъли ва одоблиларга таъзим ва ҳурмат етади ва у уруғни эккан бу қиймат баҳо ҳосилни тўплаб олади. Халқ муомаласида яхши ахлоқнинг бошланғичи шу хислатдир ва бу хислат қаттиқ ўрнашса муҳаббатга халал етиши мақолдир. Агар ҳар икки томонда яхши хулқ бўлса, адаб ва тавозуъ эвазига иззат ва таъзим пайдо бўлади. Бу хил дўстлар орасида муҳаббат ва бу йўсин ҳамсуҳбатлар орасида баҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши! Бундай муҳаббатли ва баҳамжиҳат кишилар дўст ва иттифоқ одамлардир, нақадар гўзал!

Сабр тўғрисида

Сабр аччиқдир — аммо фойда берувчи, қаттиқдир — аммо зарарни дафъ этувчи. Сабр шодликлар калитидир ва бандлар очқичидир.

У ўртоқдир — суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи; улфатдир — умиди узун, аммо охири истакка элтувчи.

Уловдир—юриши тахир, аммо манзилга етказувчи; туядир—қадами оғир, лекин бекатга туширгувчи.

Сахийлик (қўли очиқлик) кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир,одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир. Сахий эмас эр — ёғинсиз баҳор булути ва иси йўқ тоза ипордир. Мевасиз дарахт ҳам биру ўтин ҳам бир ва ёғинсиз булут ҳам биру тутун ҳам бир. Саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафни бирдай ҳисобласа бўлади. Дурсиз садаф билан ўлиб қуриган тошбоқанинг қандай эътибори бор? Ҳимматлиларнинг ихтисоси сахийликдир, бу икки шарафли сифат покиза кишиларга хосдир. Сахийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони; ҳимматлилардан дунёга юз минг кушойиш бўлур. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, жонсиз баданли киши тирик демас... ҳиммат эгаси қашшоқлик билан тубан тушмас; ҳимматсиз хазина топса, буюклар билан тенг бўлмас... Исрофгарчилик (ортиқча сарфлаш) сахийлик эмас, совуришни бемаъни одамлар сахийлик демас... Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий, демак беҳаёликдир...

Битта нонни икки бўлиб, ярмини бир очга берганни сахий дегил, ўзи емай борини муҳтожга берганни аҳил дўст дегил...

Яхшилик (карам) ва ҳожат чиқариш тўғрисида яхшилик (карам) бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқаришликдир. Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва уни тикан учидан гулдек очилмоқ ва қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир.

Вафо орқали ҳаё тўғрисида

Карам ва мурувват ота-оналардир, вафо ва ҳаё икки эгизак фарзанд. У икковида ҳар қанча равшанлик билан софлик бўлса, бу икковида шунчалик жинслашиш ва бирикиш юз берур. Ҳар бир кўнгилга вафо ўрнашар экан, ҳаё ҳам жойлашади, ҳар бир ўринда у топилар экан, бу ҳам топилади. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ... .

«НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР» («ШЕЪР ДУРДОНАЛАРИ») ДАН

... Топтинг чу аёл яхшилик еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса катиг еткургил,
Хайлингга адаб қилиб асиғ еткургил.

Олтин-кумуш этма касб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Гар йўқдир адаб, не суд олтин унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтинудин...

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-анога эҳсон қилмоқ.

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлигин анинг шарорат англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сари башорат англа.

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нафосатка тани маскандур,
Қорнинг била дўст бўлмасина эҳсандур,
Невчунки эр ўғлига қорни душмандур.

Сўздин кишиким ғаму бало ҳосилидир,
Ҳар нуқтада тили деса бало доҳилидур,
Бесирфа деган кишига тили қотилидур,
Алқиссаки кимсанинг балоси тилидур.

Таъзимда улки эҳтимол бўлғай,
Ул муниби иззу эҳтироми бўлғай.
Ҳар кимки тавозуъ амри коми бўлғай,
Ул феъл ила халқ аро кироми бўлғай.

Уч қисм ила имонга бино фаҳм айла,
Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчини дағи вафо фаҳм айла,
Учинчини билмасанг, сахо фаҳм айла...

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Ҳуш ул кишиким — адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш...

Ҳар кимдаки даҳр ичинда донолик эрур,
Хилм ила иш анга мажлисоролик эрур,
Ойни тахаммулда тавонолик эрур,
Юк чекмак ила кишига зеболик эрур.

Яхшиликни топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур сенга осойши жон ҳамсуҳбат,
Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангаким дурур ёмон ҳамсуҳбат...

Ҳар кимсаки демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиги чу ихтиросида дурур...

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлгай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай,
Фахр аҳли ила ангаки суҳбат бўлгай,
Шак йўққи, зиёда шукри неъмат бўлгай.

Ҳар кимки фалак зулму инодига етар,
Сабр айлаган охир эътиқодига етар,
Чун бўлди сабур тенгри додига етар,
Собир киши оқибат муродига етар.

Абдураззоқ Самарқандий

Жалолуддин Исҳоқ ўғли Камолуддин Абдураззоқ Самарқандий 1413 йилнинг 7 ноябрь куни Ҳирот шаҳрида туғилган ва 1482 йил ёзида шу шаҳарда вафот этган. Унинг «Самарқандий» тахаллуси отасининг Самарқанд шаҳридан бўлгани ва тарихчининг ўзи ҳам шу шаҳарда ўқиб, анча вақт шу ерда фаолият кўрсатгани туфайлидир.

Абдураззоқ Самарқандий асарларида ёшлик, йигитлик йиллари, хуллас таржимаи ҳоли ҳақида, таълим-тарбия олиши билан боғлиқ аниқ ахборот бермаган. Бироқ, унинг Ҳиротда бошланғич ва мадраса мактабларида маълумот олиб улғайганига ишонамиз. Чунки Ҳиротдаги шароит, яъни Амир Темурнинг фарзанди Шоҳруҳ саройида тарихчининг ўзи ҳам, отаси ҳам, маълум бир мавқега эга бўлган. Шу ерда Абдураззоқ тафсир, ҳадис, фиқҳ, тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича етарли маълумот олган.

Бу фикримизни Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида маълумот берган ва у ҳақда ёзади: «Хушмуҳовара (хушсуҳбат) киши эрди... Зоҳир улуман такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...».

Темурийлар саройда ҳар бир фозил кишини имтиҳон қилиб туришган.

Абдураззоқнинг «Матлаи саъдайн»... асаридаги муаллифнинг ўз ҳаётига доир маълумотларга қараганда, дастлаб ўзи яхши билган илмларни арзга етказиб турувчи мулозим бўлган Абдураззоқ Шоҳруҳ имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, давлат ишларида фаол қатнашган, дипломатик ёзишма ва элчилик алоқаларига оид ишлар билан машғул бўлган.

Калькутта ва Виҗаянагар (Ҳиндистонда) давлатларига элчи бўлиб боради... мамлакатнинг сиёсий ишларида фаол қатнашди.

Тарихчи ҳақида бир қисм маълумотларни унинг бизгача етиб келган яккаю-ягона асари «Матлаи саъдайн» дан билиб олиш мумкин. Бу асарни у 1467—1470 йиллар орасида ёзиб тугатган. Бироқ, бу катта асар маълумотларини у бутун умри давомида тўплаган. Агар қомусий характерга эга бўлиб, унда ўша замон фанларидан ҳамда таълим-тарбияга доир маълумотлар ҳозирги замон кишисини ҳам диққатини тортади.

«МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАҲРАЙН» ДАН

Илмлар ҳақиқати ақлий ва мафҳум (нарса)лар нозикликларидан, сирлар кашфиёти ва (илоҳий) нурлар балқишидан сўзлаш ҳамда имтиҳон майдонини камолот ва аминлик суворийлари билан бирга босиб ўтиш иши гарчи баланд ҳимматга муносиб ва ўткир табиат учун ёқимли бўлса ҳам, (аммо менинг ортимда бир малик бордирки, у мени ана шу (ёзаётганимдан) нарига ўтишга қўймайди.

«... Сўз тузувчи табъ булбули иншо ҳавасида парвоз қилар экан, гарчи аҳён-аҳёнда, достон куйлаш чаманзорию сўз безаш мажлисида достонлар тузиб, наволар куйласа ҳам, аммо асл жумлалар софлиги ва етук фикрлар, хаёлиёт истиоралар воситасию тушунарсиз мақтов-ўхшатмалар сабаби билан қоронғу ва тутуруқсиз бўлиб қолмасин...»

* * *

Ақл кўзи маъний гавҳарининг порлашини кўрсин учун,
Қалам назм дуррини шу тартибда сўз ипига терди.

* * *

Илмларни ихтиро қилувчи ва юлдузлар ҳукмларини чиқариб берувчи Уторид (сайёраси) қавсуннаҳор баландлигини даража ва дақиқалари билан ҳисоблаб чиққач, вақт толеи давлат юксалишию саодат насибасини ўз ичига олган, деб ихтиёр қилди...

* * *

Мактаб ҳақида

Хоқони Саид ҳазратлари бунёд қилишга буюрган мадраса ва хонакоҳ қуриб тамомланди ва бу ернинг таровату латофатидан у шаҳар (Ҳирот) тўла-тўкис гўзаллик касб этди.

... ва (шундан бери) ер юзида, (яъни) Рум сарҳадидан токи Чиннинг энг йироқ ерларигача ҳеч бир ерда дарс (ўқиш) ва фатво (ўрганиш) учун бу икки иморат (мадраса ва хонакоҳ) латофатига эга бўлган бирор мавзе ва унинг тароватига ўхшаш бирор мавқени кўрсата олмайдилар... Фанларга оид ҳамда ақл билан етиладиган ва қонуний (масалаларни) ўз ичига олган китобларнинг асалларини сандиқларига солиб, тахту муҳайё қилинган, атоқли уламоларнинг ҳар бирини бир гуруҳ кишиларга дарс беришга ва хосу, ому (авом кишиларга — Э. Т.) тушунтиришлар ўтказишга тайинлаб қўйилган.

Барчасининг дили субҳи содиқдек пок, (чунки) улар кечанинг оз қисмидагина ухлаганлар, токи сен ўзингни илм йўлига бутунлай бағишламагунингча илм сенга ҳеч нарса бермайди.

... подшоҳнинг инъоми фазилатларидан барча керакли нарсалар ва дарс ҳам такрор учун (тўланадиган) нафақалар... муҳайё қилинган.

* * *

Ундаги фозил кишиларнинг барчаси турли-туман илмлардан тўла хабардор бўлиб, ҳар бири ўз даври нодирларининг нодири эди.

* * *

(Мирзо Улуғбек) ҳақиқат аҳлларига эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларидан устун ва афзал эди, адл мактабларини янгилаш ва фазл қоидаларини мустаҳкамлашда шундай бир катта жудду жаҳд ва гўзал саъй-ҳаракат кўрсатдики, бунга шоҳидлик нурлари ва далиллик ёдгорликлари ҳаёт саҳифасида аниқ ва ойдин қолгусидир...

* * *

...Уламоларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорлари мадрасада дарс бериш ва тушунтириш учун тайинланди.

* * *

Илму фанлар бўйича етарли насиба ва тўлиқ сармоя эгаси бўлган Мирзо Улуғбек дейди: Барчага маълумдирки, ҳар қанча ўйлаб кўрилганда ҳам, биттагина бош билан олам ишини қандай бажариш мумкин эди.

Ҳар бир иқлимдаги тожу тахт эгалари, агарчи осмон тарафидан таълим олган бўлсалар-да, лекин (дунёвий) илм касб қилиш ҳам гўзал ишдир.

* * *

Улуғларга номаълум қолмасинки, агар умматлардан бирортаси фазилат ва камолотлардан қайси бирини бўлмасин, энг юқори камолот ва буткул ниҳоятга етказса ва бу хил (иш)ни бажариш ундан илгари бирон кишининг ҳам қудрат қўлидан келмаган ва ундан кейин ҳам ҳеч ким унинг даражасига етказа олмайдиган бўлса, ана шу камоли хатм бўла олади.

Тарбия ҳақида

... Умид ниҳоли иқбол чаманида юксалгач, машаққат офтобидан куйганлар бошига мақсад соясини ташлаб, худди мурод ғунчасидек ҳосил бериши, адолат ва инсофнинг майин шабодаси билан замона димоғини муаттар қилиш, барча ҳиммат-саховатини эзгуликларни ошириш ва хайрли ишларни намоён қилишга қаратиб, бор ғайратини сайидлар ҳам олимларни улуғлаш ва машойих ҳам солиҳларни ҳурматлашга сарфлаши лозим.

* * *

... Энди фарзандлардан лозимки, дўстларга садоқат ва душманларга адоват кўргазишда оға-инилик шартларига қаттиқ риоя қилсинлар, ... бир-бирларига мадад беришда худди занжирдек мувофиқлик йўлини тутсинлар ... токи азиз хотир ойнаси юзида бирор ғубор кўринмасин.

* * *

Сен дилингда ёмонлик сақлаган ҳолда
подшоҳлик қилмагин.

Бу дунёда фарзанддан кўра ким азизроқ бўлиши мумкин?

Чунки фарзанд давлат ишларини улуғ хотиримиз фироғатга эришишга сабаб бўла оладиган тарзда олиб боришига ишонамиз. У қимматли фарзанд ваъз-насиҳатларга ўрин қолдирмайдиган даражада адл, инсоф ва яхши сифатлар билан безанган...

* * *

Сен ўз шишангга ўзинг тош отма,
Ўз лашкарингга қарши ўзинг жанг қилма.

* * *

Бировнинг қилган ишига яраша жавоб
қайтаришинг вожибдир.

* * *

Бечораларга нисбатан зулм раво кўрилганлиги мулк қўлдан кетганлигининг нишонидир.

* * *

Бир дарахтни умр бўйи парвариш қилган киши уни заруратсиз илдизидан қўпормайди.

* * *

Агар ўрмонга ўт кетгудек бўлса, у ўрмонда на қуруқ қолади, на ҳўл.

* * *

Оқил кишилар дўст билан душману, душман билан дўстни алмаштириб юборишга майл қилмайдилар.

* * *

Ҳар қачонки подшоҳ ғайри кишининг эркинлик жиловини ўзига ташлаб қўяр экан, кейин уни койишга қудрати етмай қолади ва бу унинг ожизлиги, кучдан қолганлиги, заифлиги ва нуқсонларига далил бўлади...

* * *

Биз бир-биримиз билан дўст бўлсак, йўллар нотинчлик ва офатлардан эмин бўлғусидир.

* * *

Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан қўрққин, токи баланд фалак (бахт-саодатингни) яксон қилмасин!

* * *

Бирон хатога йўл қуйган киши узр сўраганн дуруст, ахир одам ҳам узр сўраганлигидан бир натижага етишган.

* * *

Агар душман билан сулҳ тузишга муяссар бўлинса, сулҳ юзасидан иттифоқликда бўлиш, жанг қилишдан афзалдир.

* * *

Биз ўз одатимиз бўйича беозорлик кийимини кийган кишилармизу, аммо, баъзан, ғазабга келгудек бўлсак (душман қонидан) тепаликларни суғорамиз.

Кишиларга яхшилик қилгин, (шунда) уларнинг қалбларини ўзингга қул қилиб оласан.

Чунки эҳсон, кўпинча, инсонни қул қилгандир.

* * *

Сенинг ҳақингда яхши номлилик шуҳрати таралмоғи ва хушфеъллик зикри сендан ёдгор қолмоғи учун ... ҳамда мақтовли сифатларинг билан бутун дунёдаги маликлардан устун туришни истасанг, ана шу ... қоидага биноан иш тутгин.

Муҳаммад Солиҳ

(1455, Хоразм—1534—1535, Бухоро)

XV аср охири XVI аср бошларида Хоразмга қўшни мамлакатларда тахт учун талашиш кайфияти кучайган эди. Хусусан, Амир Темур хонадонига мансуб ҳукмдорлар тахт эгаллаш учун қонли урушлар олиб боришарди. Бу нохушлик Хоразмга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Амир Шоҳмалик (Муҳаммад Солиҳнинг бобоси — Ш. А.) Амир Темур ва Мирзо Улуғбек саройида хизмат қилган. Муҳаммад Солиҳнинг отаси Нур Саидбек ҳам Мирзо Улуғбек, Жўги Мирзо ҳамда Абусаид Мирзо саройида фаолият кўрсатган. Сўнг ўша даврда, у Абусаидга қарам Хоразмни бошқарар эди.

Шундай бир даврда, яъни 1455 йилда Муҳаммад Солиҳ Хоразмда туғилган. Ўша пайтда Ҳусайн Бойқаро Хоразмга ҳужум қилади. Нур Саидбек эса гуноҳкор деб топилиб, Ҳиротга олиб кетилди ва Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасида авахтага қамалди. Кейин шоир Абдураҳмон Жомий илтимосига кўра қамоқдан чиқарилди. Бир оздан сўнг Муҳаммад Солиҳнинг отаси яна қамоққа олинди ва Марвда ўлдирилди.

Бўлажак улуғ шоир жуда ёшлигидан отасидан етим қолди. Навоийнинг «Мажолис-ул-нафоис» асарида Муҳаммад Солиҳ хушхулқ, мулойим йигит сифатида, шоирлик истеъдодининг юксаклиги, хаттотлик маҳорати тилга олинади.

Улуғ шоир Муҳаммад Солиҳ ёшлиги мисли кўрилмаган қийинчиликда ўтди, анча йиллар Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлди. Бироқ у хизматига лойиқ ҳурмат-эътибор кўрмади, хўрланди. У Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий билан бўлиш, бирга ижод қилиш орзусида эди. Бироқ, у эзгу, шаффоф ниятига етолмади. Муҳаммад Солиҳ Ҳусайн Бойқаро саройидан кетишга мажбур бўлди. Хуросону Самарқандда азобда кун кечирди.

Буюк ва суюк, лекин хўрланган шоир Муҳаммад Солиҳ тахминан 1499—1500 йилларда Шайбонийхон хизматига боришга мажбур бўлди. Шайбонийхон шоирнинг катта истеъдод эгаси эканини тез пайқади ва унга кўп ғамхўрликлар қилди, унга «амир-ул-умаро» ва «малик-уш-шуаро» унвонларини берди. «Оташкада» асарида Муҳаммад Солиҳнинг 1534—1535 йилларда Бухорода вафот этгани хусусида хабар берилади.

Шоирнинг ижоди Шайбонийхон саройида гуллади, яшнади. У гўзал шеърларини ўзбек, форс-тожик тилларида яратди. Заҳириддин Бобур, Хондамир каби шоиру олимлар асарларида замонасининг истеъдодли шоири Муҳаммад Солиҳ шеърлари тўғрисида илиқ фикрлар билдирилади ва унинг ижодидан намуналар берилади.

Айниқса, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» тарихий-бадиий достони ўзбек адабиёти тарихида катта воқеа бўлгани барчага маълум. Бу асарда шоирнинг тарих ҳақиқатига меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари илгари сурилади. Муҳаммад Солиҳнинг ҳаётини ва ижодини ўрганган ҳар бир ўқувчида меҳр-оқибат, одамгарчилик, эътиқод сингари ахлоқ-одоб ғоялари шаклланиши табиий. Шоир ўз асарларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг ва унумли фойдаланган.

«Шайбонийнома» дан намуналар

Шавқ бозорида савдо қилғон,
Ушбу савдони таманно қилғон,

Ҳажрнинг ўтидин жони куйгон,
Сўзу ғам бирла ниҳони куйгон,

Лақаби Солиҳу ўзи толиҳ,
Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ.

Мундоқ айтурки, худодин тақдир,
Чун отам ишига берди тағйир —

Чиқти Хоразм диёри қўлидин,
Хивақу Қот ҳисори қўлидин.

Тушти андин гузари Марв сари,
Анда соврилди эву эли бари.

Айлади нўш шаҳодат жоми,
Анга нўш ўлди саодат жоми.

Мани гардун ситами қилди етим,
Айлади кишвари нам ичра муқим.

Хорлиқлар била ўстим бисёр,
Зорлиғлар била кўрдим озор.

Ҳар фалокатки, бўлур дунёда,
Ҳеч қайсидин эман озода.

* * *

Умматинг ичра басе олимлар,
Миллату дининг аро солимлар.

Анбиёдек бўлиб эрди мумтоз,
Бўлдилар илм била жавлонсоз.

Сен нубувватга қадам урғонда,
Етиб ул мартабада турғонда,

Суву туфроқ аро эрди одам,
Танига жон эмас эрди ҳамдам.

* * *

Сабаби иззати одам сўздур,
Ҳосилу боқий олам сўздур.

Тенгрини сўз била билдилар халқ,
Дин сори сўз била келдилар халқ.

Бўлдилар тенгри сўзи бирла расул,
Қилдилар сўзларини халқ қабул.

Сўз била бўлди бу олам пайдо,
Сўз била бўлди, бу одам пайдо.

Сўз ила ақлу ҳунар зоҳир ўлур,
Балки ақлу ҳунар анго ўқулур.

Сўз била олам эшики очилур,
Сўз била мунча жавоҳир сочилур.

Сўз била зоҳир ўлур нури яқин,
Сўз била зийнат топо миллату дин.

Сўз била пир қилибтур иршод,
Ўз мудириға беруб ганжи мурод.

Сўз била хонлиқ этарлар хонлар,
Ҳар тарафға обориб фармонлар.

* * *

Сўз била халқ топар амну амон,
Мушкул ишлар бўлур андин осон.

Нафсини ўзига душман билди,
Душман ўлтурмоқини фан билди.

* * *

Илми бор ончаки бир кишварда,
Бўлмас илм сўзи дафтарда.

Ҳар нима халққа мушкил бўлса,
Илмдин ҳар неча сойил бўлса.

Ул қилур ҳал бори мушкилларни,
Соқит айлар бори сойилларни.

Асру кўп масъаладур ёд анго,
Илмдин жон эрур обод анго.

* * *

Дунийда ҳеч ҳунар қолмайдур,
Ким анго хон кўзини солмайдур.

Зирех ишларда эрур ул Довуд,
Руҳи Довудни айлар хушнуд.

Ҳар ҳунарманд қошиға келса,
Хон олиб ишини ўзи қилса.

Ҳофиз Хоразмий

Ҳофиз Хоразмий (тахаллуси; исми Абдураҳим, XIV асрнинг иккинчи ярми — Хоразм, XV асрнинг биринчи ярми — Шероз). Ўзбек шоири, ўз даврининг йирик санъаткори, дунёвий адабиётнинг кўзга кўринган вакили, туғилган ва вафот қилган йили аниқ маълум эмас.

Ҳофиз Хоразмийнинг ёшлик даври Хоразмда ўтади. Лекин кейинчалик Амир Темурнинг Хоразмга юриши натижасида бу ерда нотинчлик бошланади. У шундан кейин Хоразмни тарк этишга мажбур бўлади, Ироқ, Ажам, Хуросон, Форс, Исфаҳон, Самарқанд, Табриз, Бухоро, Хўжанд, Шероз, Кирмон ва бошқа жойларда бўлади. Охирида Шерозга келиб, қолган умрини ўша ерда ўтказади.

Бизгача Ҳофиз Хоразмийнинг тўлиқ девони етиб келган.

Шоир дунёқарашининг такмил топишида Ҳофиз Шерозийнинг таъсири кучли бўлган. «Ҳар иккала Ҳофиз, — деб таъкидлайди профессор Ҳ. Сулаймонов — умрининг кўп қисмини Шерозда ўтказганлар. Ҳофиз Шерозий билан Ҳофиз Хоразмийнинг прогрессив дунёқараши, фалсафий концепциялари, гуманизм, ижодий метод ва маҳорат бобидаги қатор муштарак ҳоллари уларнинг бир давр, бир ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий муҳитда яшаганликларидан дарак беради». (Ҳ. Сулаймонов. Ҳофиз Хоразмий. Танланган асарлар. 1-китоб, Тошкент, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти (ўша вақтдаги нашриёт номланиши — Муҳ.), 1981, 7—8-бетлар.)

Ҳофиз Хоразмий шеърларида некбин ғояларни илгари сурди, инсонни мадҳ қилди. Айниқса, у севги-муҳаббат, ёр ишқи ва вафодорликни куйлади, уларни диний ақида ва маросимларга риоя қилишдан афзал кўрди. Шоир сўфийликнинг некбин томонларини ривожлантирди, инсоннинг энг яхши фазилатлари: яхшилик, тавозуъ, камтарлик, ақллилик, одамийликдан сабоқ берди, такаббурлик, зўравонлик ва ёмонликнинг бошқа кўринишларини қоралади.

«Ғазаллар» дан

Тилар бўлсанг ҳақиқат мулкида сардор бўлмоқлик,
Алиф янглиғ бўла кўргил муҳаббат лавҳида якто.

Гулистон хурраму хуш бўлди эмди бир нигор изда,
Тузуб завқу сафо созин шароби хушгувор изда.

Сарову сахн-и гулшанда бўлуб нағмааро ҳар дам,
Ўзунга булбулу хушгўйларни дастёр изда.

Боғ ичра хирам айласа ул қад ила қомат,
Пайдо бўлур ул дамда туман турлу қиёмат.

Ул фитна қароқчи қаро кўз даврида эмди,
Бир гўшанишин қолмадиким, бўлса саломат.

Ёр эшиги бўлғали бандага боғи бихишт,
Кечмади кўнглумга ҳеч жаннат-и анбарсиришт.

Юз гули садбаргдин хуш кўринур кўзума,
Дўст элиндин қачон тегса бу бошимға хишт.

Айб манга қилмангиз, ишқда бош ўйнасам,
Чунким азалдан манга ушбу эрур сарнавишт.

Жон била издагил қайдаки бўлсанг мудом,
Ишқда чун бир эрур масжид-у кунжи киништ.

Агар шоҳи замон бўлмоқ тиласанг одам ўғли бўл,
Чу мажмуъ-и жаҳоннинг ичра бархоқ шоҳ Одамдур.

Ҳамиша дўстлар бирла мусоҳиб бўлсун ул шоҳим,
Бихиши — Адан чунким суҳбат-и ёрон-и ҳамдамдур.

* * *

Кўнгул мақсуди бу оламда йўқдур,
Фараҳ асбоби ҳам одамда йўқдур.

Фараҳ издама таркиб-и жаҳондин,
Ҳавос-и оби ҳайвон санда йўқдур.

Тиламагил жаҳондин нўш дору,
Асалнинг таъми чун арқамда йўқдур.

Вафо издама ҳар мужримдин, эй дўст,
Вафо ҳоли чун ҳар мужримда йўқдур.

Бу йўлда ғамдин ўзга ёр билма,
Чу ғамдин ўзга бир ҳамдамда йўқдур.

* * *

Лутф бисёр қилғулу жавру ситам оз айла,
Яхшиликдин кишиким бўлса пушаймон, йўқдур.

Ғами бу хаста кўнгулдин даме жудо бўлмас,
Ғариб ҳолини ҳар ҳолда ғариб билур.

Меҳнат ичра кишиким емаса хун-и жигар,
Жамиъ аҳли назар ани бенасиб билур.

* * *

Илм сўзин сўрасангиз борнинг олимлари,
Ошиқу қаллошмиз, илмдамиз омимиз.

* * *

То дарди ишқи бўлди хаста кўнгулга мунис,
Бўлмади айшу ишрат ёнинға ул муҳаввис.

Ақл ила ишқ ҳаргиз туз келмади бу йўлда,
Ошиқ қошинда сиғмас чун зоҳид-и мувасвис.

Парвонатак бу жаҳонни ўтға равон ёқайим,
Равшан юзи қачонким бўлса чароғ-и мажлис.

Лаъли хаёли қилса муфлис мани, тонг эрмас,
Майхорани чун айлар бода мудом муфлис.

Устод жоду кўзи таълим ғамзасинға
Шогирд бўлди жиндин муфти-ю мударрис.

«Ғазаллар»дан

Эй шаҳзода, лутф ила гаҳ-гаҳ қулингни ёд қил,
Ғам илгидин озод этиб, хаста кўнглин шод қил.

Банд-и ичра хастаман, зулфинг бикин шикастаман,
Шикастаю ҳам бастаман, бу қулни, кел, озод қил

* * *

Навбаҳор зуру чаманда, соқий, айш оғоз қил,
Чанг бирла уду найни завқ этарга соз қил,

Ошиқона нолау гулбанг этиб чимган аро,
Булбул-и ошифтани ўзинг била дамсоз қил.

Ростий ушшоқ-и бебаргу навоға лутф этиб,
Бу мақом ичра мақом-и дилнавоз оғоз қил.

Бўстон-и ҳусн ичра очди эрса гул юзин,
Булбул-и шайдо бикин ҳар ёнға парвоз қил.

* * *

Айём-и умрни маю шоҳидға сарф қил,
Ким хайр қилмаса, топар охир маломате.

Зухд-и риёий ботилу завқ-и шароб ҳақ,
Кўнгил ким ихтиёр қилибдур батолате.

Қавсар шаробин ичмаса нон-и жавинни ер,
Ул хушк зоҳид ўшда кўринг сиз жахрлате.

«Таркиббандлар»дан

Адлинда тўлун ойға менгиз арҳилол-и мулк,
Чун адл ила ҳамиша эрур эътидол-и мулк.

* * *

Зотинда бор зоҳир ўшанинг камол-и ақл,
Ул офтобу йўқдур завол-и ақл.

Мифтохи мушкулот анинг ақли бўлғали,
Қолди тамом ҳал бўлубон қилу қол-и ақл.

Тегмас камол-и ҳурматина ҳеч турлу фикр,
Етмас жамол-и иззатина ҳам мажол-и ақл.

Танг тўш анга жаҳонда бўлса билмаги бу дам,
Доно кишига кўринур асри муҳол-и ақл.

Ҳадд-и камол шоҳлиқиға етишмагай,
Махшарга тегру сайр этар эрса хаёл-и ақл.

Гарчи фароғи бор жаҳондин, вале бу дам,
Ёндиндин ўзга йўқтурур иштиғол-и ақл.

Олижаноб эшигини кўрмаги эрур
Шому сабоҳ жону кўнгул бирла фол-и ақл.

«Таржеъбандлар» дан

Бўлди бағрим кабоб-и ишқ, эй дўст,
Келтур эмди шароб-и ишқ, эй дўст.
Қила билмади ҳеч боб билан,
Муҳтасиб иҳтисоб ишқ, эй дўст.

«Қитъалар» дан

Подшоҳ-и аср бўлсанг ҳам такаббур қилмағил,
Оқибат чун тупроқ ичра тенг бўлур шоҳу гадо.

* * *

Издар эсанг кору бор фақрмаскан бўла кўр,
Бор мискинларга чун ҳақ ҳасратинда корубор,

Айлагил доим тавозуъ яхши от издар эсанг,
Ким тавозуъ пеша қилғанлар бўлубдур номдор.

Мард-и маъно ул эрур қилса тавозуъ борчаға,
Чун сарафканда бўлур шоҳеки, бўлур мевадор.

Коми жонки тилама, эй оқил,
Чун бу оламнинг ичра йўқдур ком.

Ком агар бўлса эрди оламда,
Топғай эрди тан ичра жон ором.

Бесаранжом кўринур ишлар,
Чун кўринмас жаҳон ишинда низом.

Оқибат чун жаҳонда қолмасмиз,
Яхши улдурки, яхши қолса ном.

Ҳайдар Хоразмий

Ҳайдар Хоразмий XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида Умаршайхнинг ўғли Искандар Мирзо ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган буюк хоразмлик шоирдир. Унинг «Маҳзанул асрор» («Сирлар хазинаси») асари ахлоқий-фалсафий достончиликнинг йирик намунаси ҳисобланади.

Достонда шоир Ҳайдар Хоразмий Озарбайжон адабиётининг йирик вакили Низомий Ганжавийни ўзига устоз деб билади ва унга нисбатан беқиёс ҳурмати сабабли унинг шу номдаги достонига жавоб тариқасида «Маҳзанул асрор»ни яратди. Бу билан Ҳайдар Хоразмий устози Низомийга нисбатан ўзининг меҳр-муҳаббати ва чексиз ихлосини билдирди.

Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маъносидин ёрлиғу фармон топиб,
Тиласа мендин сочайин анча дур.
Ўйлаки бўлсун етти иқлим пур.
Дунёда туз Ҳайдари соҳиб ҳунар,
Ким жувади мунча туганмас гуҳар.

Ҳайдар Хоразмий «Маҳзанул асрор» асари билан ўзбек эпик шеърияти тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. Айниқса, ундаги шеърий ҳикоялар орқали шоир ўқувчиларга одоб-ахлоқдан, диёнатдан панд-насиҳат беради, уларни ахлоқий-таълимий, ижтимоий-мафкуравий масалалар устида бош қотиришга ва улар тўғрисида тўғри хулосалар чиқариб олишга ўргатади.

Ҳайдар Хоразмий шеърларидан

... улки билур сўз гуҳари қийматин,
Сўзда топар сўзлагучининг отин.

Аҳли назар шевасини сўз билур,
Нури басар мевасини кўз қилур...

Умр гаронмоя чу бўлғай талаф,
Сўзда керак маънию маънида завқ.

Сўз дуру, сўз дунёда қолғай халаф...
Сўзлагучида сўзи учун дарду шавқ.

Ёрим аёқ ошки топарсан насиб,
Ярмини берки есун бир ғариб.

Меъда тамуғиким эрур душманинг,
Тўймағусидур агар ичса қонинг.

Одам атонғонга мурувват керак,
Орифу омийга футувват керак.

Сарвдек озода бўлу росткор,
Ё ўрику олма бикин мевадор.

Нафъ текур барчага ёмғур бикин,
Ё тенгсиз ўртасида жўмдур бикин.

Хор қилур мардни бўғузинг ғами,
Шум бўғузин бўғса узар одами.

Қимки нечук йиғди анинг тек қўяр,
Ортиқ усурган кусар, итлар тўяр.

Мард эсанг мардлик юрагинг ушлагин,
Ўтган мардларнинг ишин ишлагин.

Қимгаким иш бўлмаса пеш уфтод,
Ҳеч иши ҳеч иш била топмас кушод.

Тажрибасиз эрмудур, эй ҳамнафас,
Тажрибадир эрга мураббию бас.

Ростлик устинда тарозини туз,
Ростлик асбобини сақла тўкуз...

Арратек эт базл кейин-илгари,
Пеша биқин йўнма ўз-ўзунг сари.

Эр керак эмчак била топса ҳузур,
Эр киши эмчакта тетикроқ бўлур.

Маъниси йўқ лофни ҳўй, э фузул,
Рақсга шоиста дагул беусул.

Эр назаридин очилур эр кўзи,
Эр нафаси бирла юрур эр сўзи.

Топти кўнгул кулбаси нуру сафо,
Берди ҳунар тахтина нашъу намо.

Пири дамин топса қуруғон ўлук,
Руҳ топибон тирилур билгулук.

Қилма енгиллик билан кўнгулни реш,
Ким биладур хору гулу нўшу неш.

Эйки, қўярсан оёғинг йўлда чап,
Бу йўл эрур бошгин-оёқ булъажаб.

Арпа экиб буғдой ўраман деган,
Кўрмадук ошлиқчини буғдой егаи.

Ҳукум била донада бордур шажар,
Феълга келтирса егайлар самар.

Қимдаки бор иштаҳа эттим ҳалол,
Қўрсоғина неши бу жоми зулол.

Хожа

(Пошшохўжа Абдулваҳҳобхўжа ўғли

Хожа—1480 йил, Балх—XVI аср боши)

Машҳур ўзбек шоири, мутафаккири ва амалий ахлоқ назариётчиси. Тўлиқ исми Ибодулла Сайид Пошшохўжа Абдулваҳҳобхўжа ўғли. Хожа адабий тахаллуси билан ижод қилган. Даставвал мактабда, сўнгра мадрасада ўқиб, ўз замони учун мукаммал маълумот олган.

Балх ҳокими Кистон Қаро Султон ҳокимлиги даврида Хожа бир қанча вақт садрлик лавозимида, кейин шайхулисломлик қилган. У ижодий фаолияти борасида Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий каби буюк шоирларнинг анъаналарини давом эттириб, «Гулзор», «Мифтох-ул-адл», «Мақсад-ул-атвор» каби асарлар яратган. Мазкур асарларнинг асосий ғояси адолатпарварлик, халқпарварлик, инсон ақли ва иродасини, илм-фанни улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш мумкинлигига бўлган ишончни тарғиб қилишдир.

Албатта, Хожа ўз даврининг фарзанди сифатида нафақат диний дунёқараш мавқеида турган, шунингдек, пайғамбар, шайх-авлиёларга ҳурмат билан қараган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, ўгит ва насиҳатларини ўрнак сифатида тақдим этган. Айни пайтда шоир учун Аристотель, Низомий, Жомий, Навоий, Бобурлар қарашлари ва ибратларини илгари суриш орқали ижтимоий воқелик ҳақиқатини, илм-фан, бадииятдаги инсоний ҳақиқатни ифодалаш, тарғиб қилиш, инсонга янгича муносабатда бўлиш ақидалари етакчи мавзу эди.

Тадқиқотларда Хожанинг XVI аср иккинчи яримларида ҳам ҳаёт бўлганлиги, вафоти маълум эмаслиги қайд этилади. Унинг рубоий, ғазал, қитъаларини ўз ичига олган форс ва ўзбек тилларидаги девони тартиб берилгани маълум бўлса-да, у бизгача етиб

келмаган, ёки қўлёзмалари ҳали топилган эмас. «Гулзор» ва «Мифтох-ул-адл» асарлари Ўз ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида (инв. № 7796: 7791: 7788), «Мақсад-ул-атвор» эса Россия ФА Шарқшунослик институтида, Санкт-Петербург бўлимининг қўлёзмалар фондида (инв. В—3981) сақланмоқда.

«МИФТОХ-УЛ-АДЛ» ДАН

... ҳар кимарса султон бўлиб ё бек бўлиб, адл қилмайин зулм қилса, ул дунёда балога гирифтор бўлур ... золимларга гўр азоби қатиғ бўлғай.

* * *

Бир кун ҳакимлар Аристолис ҳакимдан савол қилдилар: На ҳикмат эрди, Искандарга етти иқлим мутъе бўлди? Аристолис ҳаким айтди: Мискинларга раҳм қилур эрди, таки ўзи оқил эрди.

* * *

Ҳар бандаи саодатмандким, оллои таоло ани салтанат саририна мушарраф қилди, ул саодатлиғ подшоҳга вожиб ва лозимдурким, ўз тафаккур тааллуки бирлан мулоҳаза қилиб билгайким, бу давлату нусратни менга ким иноят қилибтур. Ул давлатнинг шукрини билиб, онинг хизматини ва тоатини сидқу ихлос бирлан машғул бўлиб, фуқаро ва мискин, ва бенаво, ва муҳтожлардин хабардор бўлиб, аларга лутфу шафқат мақомида бўлгай.

* * *

Санинг кўнглинг бир ҳавзга ўхшар ва анга беш аригдан лой сувлар кириб, таки ул ҳавзни тийра қилурлар. Агар ул аригларнинг йўлларини боғласанг ва бу ҳавзга тийра сувлар кирмаса, ондин сўнг санга тавба ва инобат берурман.

Бир ариг — кўзингнинг йўлидурким, мусулмонларнинг аҳли аёлига хиёнат бирла боқмагайсан. Яна бир ариг — оғзингнинг йўлидурким, андин ёмон, ҳаром нималарни демагайсан. Яна бир ариг — иликларингдурким, кишини ноҳақ уриб, молларини олмагайсан. Яна бир ариг — бекларнинг йўлидурким, унинг бирлан номашруъ йўлларга бормагайсан, мисли бўзахона ва шаробхона ва мафска. Яна бир ариг — кулоқларнинг йўлидурким ғийбат сўзларни эшитмагайсан.

«Гулзор»дан

... Яхши кишилар билан ҳамроз бўл,
Ичкучилар суҳбатида оз бўл.

Илму адаб бирла бўлу тоат эт,
Тоати ҳақни ўзингга одат эт...

... Олиму зоҳид била бўл ҳамнишин,
Фосиқу нодонга ўтурма яқин...

... Давлат эрур адл ила есанг ош,
Вой, агар зулм или қилсанг маош...

... Ер юзини тутди залолат бу дам,
Элга керак бўлди адолат бу дам...

... Адл юзидан манга бергил жавоб,
Ким санга бу ишда эрур кўп савоб...

... Шоҳки, адл этти топар бот мурод,
Бири баҳодирлик эрур, бил они ...

... Илмга ҳар кишики ҳурмат тутар,
Тенги таоло онга ҳурмат тутар...

... Дахрни равшан қилакўр адл ила,
Мулкни гулшан қилакўр адл ила...

... Адлу саховат била бўлсанг мудом,
Мулк бўлур фатх санга вассалом...

... Эмди ямон яхшини фарқ айлагил,
Тарки риё, ҳийлаю зарк айлагил...

... Рост айтмоқликни қил энди шиор,
Ростга ер ўлгусидур бирубор...

... Рост дею рост иш эт ҳар замон,
Ёлғон айтмакликни топарсан зиён...

... Рост йўл илан юргилу ҳам рост бўл,
Итмас агар топса киши рост йўл...

... Ёлғон айтмакни шиор айлама,
Ким деса ёлғон они ер айлама...

... Бўлма риё мажлисининг ҳамдами,
Оқилу доно била бўл ҳамнишин...

... Одилу комилга ўтиргил яқин,
Жоҳилу нодон ила ер ўлмағил...

... Онлар учун эл аро хор ўлмағил,
Ҳақ иши учун мансабу шоҳ истама...

... Қайдаки бир очу ғарибни кўрар,
Шафқат ила ҳолини ҳардам сўрар...

... Оч ўлса агар берадур нон анга,
Бўлса совуқ тун қилур эҳсон анга...

... Қайдаки мазлум келиб дод этар,
Адл ила суруб они дилшод этар ...

... Кўнглини адл ила қилур шодмон,
Берур онга лутф ила ҳукму нишон...

... Кимки раият ҳақига зулм этар,
Етгач они арзига боши кетар ...

... Одил эрур даҳрда Нўширвон,
Адли ила тузулиб эрди жаҳон....

... Мулки адолат ила маъмур эди,
Халқ онинг даврида масрур эди...

... Зулму ситам чун ўзи қилмас эди,
Ҳеч киши зулмни билмас эди ...

... Айласанг ушбу сифат ила маош,
Яхши отинг бўлгуси даҳр ичра фош...

... Аҳли жаҳон фоида олгусидир
Яхши отинг даҳр аро қолгусидур...

... Келса эшигингга фақиру ғариб,
Бер онга хони карамингдан насиб...

... Ҳотам агар куфр ила топти ҳаёт,
Топти саховат била охир мамот...

... Чунки саховат била бўлди мудом,
Ҳақ анга дўзах ўтини этди ҳаром.

... Тузди саховат билан авсофини,
Қилди ватан водийи аърофини...

... Илм сори бор анга чун эҳтиёж,
Онинг учун илмга ул дам ривож.

... Фазлу камол аҳли била ердур,
Илму ҳунар аҳлига ғамхордур...

... Қилма ғазабни ошуқуб элга бот,
Ким, санга ул келтурур охир уёт...

... Ақлдур улким билур оллоҳни,
Ақл гадо бирла тонур шоҳни...

Бобур

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) ўзбек халқининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакили, тарихчи олим, шоир ва таржимондир. У темурийлар авлодидан бўлиб, Ҳиндистонда «Буюк мўғуллар империяси» деб ном олган давлатнинг асосчиси ҳисобланади.

Бобур Андижонда туғилди. Унинг болалик йиллари мана шу ерда ўтди. Унинг отаси Умар Шайх темурийлар сулоласига мансуб бўлиб, ўша даврда Фарғона вилоятида ҳокимлик қилар эди. Бобур сарой муҳитида тарбияланади, ёшлигиданоқ илм-фанга меҳр қўйди, айниқса, адабиёт ва тарих билан қизиқа бошлади.

Умар Шайх вафотидан кейин Бобур 12 ёшда тахтга ўтириб, давлатни бошқариш иши билан шуғуллана бошлайди.

Бобур яшаган давр мураккаб воқеаларга бой бўлиб, тахт учун курашлар авжига чиққан эди. У давлатни марказлаштириш ва кучли давлат тузиш мақсадида Самарқандга юриш қилади ва бир неча уринишлардан сўнг 1498 йилда Самарқандни эгаллайди. Лекин 100 кундан кейин уни ташлаб, унга қарши кўтарилган ғалаённи бостириш учун Андижонга кетишга мажбур бўлади. Бобур Андижонни қўлга киритиш учун катта куч сарфлади ва уни 2 йилдан кейингина эгаллади. Шундан сўнг у катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш қилади ва иккинчи марта олади. Лекин бу вақтда, яъни 1500 йилда Самарқандга Шайбонийхон катта куч билан бостириб киради.

Натижада, Бобур ўз аскарлари билан Самарқандни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бобур Самарқандни олиш учун яна бир неча марта ҳаракат қилиб, Шайбонийхон билан жанг қилади, лекин истаган натижага эриша олмайди. Охири 1504 йилда у 300 дан ортиқ навкари билан Қобулга қараб йўл олади.

XVI аср бошларида Афғонистон тарқоқ ҳолда эди. Бобур турк ва афғон қабилаларини ўзига бўйсундириб, Қобул, Ғазни шаҳарларини қўлга киритиб, 1503 йилда ўзини шу ернинг ҳокими деб эълон қилади.

Умуман олганда, Бобур ва унинг ўғли Афғонистонда 1504 йилдан то 1526 йилгача подшоҳлик қилади. Мана шу давр ичида у тарқоқ қабилаларни бирлаштирди, мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлади. Бобур мамлакат ободончилигига, илм-фан ривожига катта эътибор берди, ўзи ҳам рубоий ва ғазаллар битди.

Бобур ўзининг тобора мустаҳкамланиб бораётган давлатини кенгайтириш мақсадида 1525 йил Деҳли томон юриш қилади. У 1526 йил 21 апрелида Панипат жангида Деҳли султони Иброҳим Лоди бошчилик қилган қўшинни енгиб, Деҳлини эгаллади.

Бобур Ҳиндистонга, шубҳасиз, босқинчи сифатида кириб келди. Бобур Шарқдаги бошқа феодал ҳукмдорларидан кам фарқ қилар эди. Лекин Бобурнинг кейинги фаолияти, унинг иқтисод,

маданият, илм-фан, маърифатпарварлик соҳасида қилган ишлари Ҳиндистон тарихида ижобий роль ўйнади.

Бобур бу ерда марказлашган кучли давлат барпо қилди. Унинг даврида Ҳиндистоннинг қўшни мамлакатлар, хусусан, Россия ва Марказий Осиё билан алоқаси кучайди. У мамлакат ободончилигига катта эътибор берди, шаҳарларни обод қилди, суғориш иншоотлари қурдирди, боғлар барпо этди.

Бобур илм-фанни ривожлантиришга, олим ва шоирларга ҳомийлик қилишга интилди.

У 1530 йилда Аградa вафот қилди. Кейинчалик унинг ҳоки Қобулга келтириб дафн этилди.

Бобур ўзбек адабиёти, тарихи, географияси, фалсафасига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир. У ёшлигидан бошлаб ижод билан шуғулланди, лирик шеърлар ёзади. Лекин уни бутун жаҳонга танитган асари «Бобурнома»дир. «Бобурнома» жуда қимматли адабий-тарихий асар бўлиб, у XV аср охири ва XVI асрнинг 30-йилларигача бўлган мураккаб тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Бобур ушбу асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистондаги сиёсий воқеаларга батафсил тўхталади. Унда ўзаро урушлар, тахт учун курашлар, халқнинг аҳволини ёмонлашуви ва бошқа воқеалар баён қилинади. Шунингдек, Бобур Андижон, Самарқанд, Қобул ва Деҳлидаги ўз фаолиятига ҳам тўхталади. «Бобурнома» асари география ҳақида ҳам қимматли маълумот беради. Адиб ушбу асарда «шунча кўп географик номлар, кишилар номи, ҳайвонот ва ўсимликлар номини келтирадики, буларнинг ҳаммаси унинг ноёб хотира қувватига эга бўлганини исбот қилади. Бобур чет эл тилларидаги киши ва географик номларни мумкин қадар аслида қандай бўлса, шундай беришга ҳаракат қилади». (Ўзбек энциклопедияси, 2-жилд, Тошкент, 1972, 296-бет).

Юқоридаги асардан ташқари, Бобур аруз вазни ва қофияга бағишланган «Муфассал» номли асар ёзган, ҳуқуқшуносликка оид унинг «Мубаййин» рисоласи ҳам маълум, мусиқага бағишланган «Мусиқий илми» номли китоб ҳам битган. Шунингдек, Бобур Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Бобур ғазал, рубоий, маснавий ва бошқа жанрдаги шеърларида ўз ўтмишдошлари Умар Хайём, Ҳофиз, Навоийларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди.

У инсонпарвар шоир бўлиб, инсон ва унинг эркини, бахтини куйлади, ишқ-муҳаббат, вафодорлик, меҳру шафқат ҳақида сўз юритади.

Бобур маърифатни халқ орасига ёйишга, илм ва жамият равнақи йўлида хизмат қилдиришга интилди.

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Мени хор эттию қилди муддаийға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму?

Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?

Ошиқ ўлгач кўрдим ўлумни ўзимга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму.

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

* * *

Ҳар ёнгаки азм этсам ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сорига юзлансам ўтрумга келур қайғу.
Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?

* * *

Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Бу замонни нафи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.
Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч оромижондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ямондин яхшилиғ?!

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ

Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрибдур, эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилиғ.

РУБОИЙЛАР

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

* * *

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

* * *

Аҳбоб, йиғламоқни фароғат тутунгиз,
Жамиъятингиз борини давлат тутунгиз.
Чун гардиши чарх бу дурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз.

* * *

Хотирға хутур этти бу сўз янгла, ахи
Айтай сенга, сен қулоқ солиб англа, ахи.
Умрингни бир кун хуш кечир аҳбоб илаким,
Топилмоғусидур ушбу кун тонгла, ахи.

* * *

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

* * *

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўла мени хонумондин.
Гаҳ бошима тож, гаҳ балои таъна,
Неларки бошимға келмади даврондир.

* * *

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,
Ҳар лаҳза туғангусиз машаққатқа мени,
Не чора қилай, нетайки, тенгри гўё,
Меҳнатни менга ёр этти, меҳнатқа мени.

* * *

Гар меҳр била чарх эврулса эди,
Жонлардин энинг жавфи керак тўлса эди.
Бобур каби жонға мўҳр боғлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳрижон бўлса эди.

* * *

Эшитса киши, бу шўру шевен[11] не деғай?
Доим бу тариқ ичкуни кўрган не деғай?
Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

* * *

Давлатқа етди меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.
Барғонни кел эмди ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма.

* * *

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жафо топқусидур.

* * *

Жисмимда иситма тобидин оташдур,
Жонимға балоу ғусса бебаркашдур[12]
Кўп дард ила ғамдин менга нохушлуқ эди,
Сен сўрғали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.

* * *

Ҳар ердаки гул бўлса, тикон бўлса нетонг,
Ҳар қандаки май, дурди дон бўлса нетонг.
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечқурунг,
Яхши борида агар ёмон бўлса нетонг.

* * *

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу «Вақоеъ» ни ўқуғ, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

* * *

Не хеш мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жанона,
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун,
Халқ ичра ёмонлиғ билан мен афсона.

* * *

Давлат била шоду шодмон бўлғайсен.
Шавкат била машҳури жахон бўлғайсен,
Қўнглунгдагидек даҳр аро ком суруб,
Бу дахр борича комрон бўлғайсен.

Қўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур,
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Абулғозий Баҳодирхон

(1603, Хива—1664, Хива)

XVI асрга келиб Марказий Осиё ҳудудида феодал тарқоқлик вазияти юксак поғонага кўтарилди, тахт талашиш натижасида Мовароуннаҳр айрим-айрим майда вилоятларга бўлиниб кетди. Худди шунингдек, Хоразмда ҳам тарқоқлик ҳолати кучайди.

Хоразм тахтига Арабмуҳаммад ўтиргандан кейин у тарқоқ вилоятларни бирлаштириб, Ягона Хоразм давлатини барпо этишга эътибор беради. Лекин тахт ворислари бўлмиш ака-укалар ўртасида курашлар кучайиб кетаётган эди.

Шундай тарихий даврда, яъни 1603 йил 23 августида Абулғозий Баҳодирхон тўртинчи ўғил бўлиб Хива хони Арабмуҳаммад оиласида дунёга келди. Унинг болаликдаги исми Абдулмуҳаммад бўлган. Абулғозихон номини эса у хонлик тахтига ўтиргандан сўнг олган.

Унинг болалиги мисли кўрилмаган қийинчиликда ўтди, олти ёшида онаси (Жонғози Султоннинг қизи Меҳрибону Хоним) олам-дан ўтди. Абдулмуҳаммад эндигина 13 ёшга етганда тахт учун талашиш жанглари тўфонига киришга мажбур бўлди. Бу фаолият унинг ўн олти ёшида давлат ишларида иштирок этган пайтида муҳим роль ўйнади. Шу воқеа ва ҳодисалар ҳақида шоир, адиб, табиб, улкан давлат арбоби, тарихчи олим Абулғозихон шундай эслайди: «... олти ёшқа етканда онамиз ҳақ раҳматига кетди. То ўн олти ёшгача Урганчда ота қўлида бўлдук. Андин сўнг отамиз катхудой қилди. Тақи Урганчнинг ярмини улуғ оғамиз Ҳабаш Султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли оғаларимиз билан орамизда низоъ бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевақға отамиз қатиға келдук... Аввал баҳор эрди. Кетга бориб олти ой турғондин сўнг отамиз бирлан отланиб, Ҳабаш, Элбарс устига бордуқ...»
(Шажараи турк, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳининг қўлёзмалари фонди, инв. № 7668, 168-саҳифа.)

Абдулмуҳаммад болалигиданоқ билим олишга қизиқди. Айниқса, дастлаб ҳарбий таълим унинг севимли машғулоти эди. Бунга ўша вақтдаги турли-туман урушлар сабаб бўлганлиги маълум.

Шунингдек, Абдулмуҳаммад адабиёт, тиббиёт, тарих илмига қизиқди, шеър ёзишни машқ қилди.

Арабмуҳаммадхон ўғиллари ўртасидаги мансаб ва амал талашиш борасидаги низолари кескин тус олди. Хон бу ҳодисалардан тортиниб, андиша этиб, ўғилларига Кўҳна Урганчдан 60 чақирим нарида жойлашган Вазир шаҳрини ҳам тортиқ қилди. Шу воқеадан беш йил кейин ота ва болалар ўртасидаги муносабат ўзгарди ва уруш чиқди. Тошли ёрмиш деган қудуқ ёнида 1621 йили бир тарафда Арабмуҳаммадхон (катта ўғли Асфандиёр ва Абулғозий билан), иккинчи тарафда бошқа ўғиллари Ҳабаш ва Элбарслар уруш бошлайди. Бу урушда Арабмуҳаммадхон томон енгилди. Хон Хивага олиб бориб қатл этилди.

Абулғозихон эса дастлаб Қот, кейин Бухорога қочиб кетди. Бир оздан сўнг Асфандиёрхон Исфахондаги шоҳ Аббос I ёрдамида 1623 йили Хива тахтига ўтирди. Шундан сўнг Абулғозихон Хоразмга боргач, акаси Асфандиёрхон унга Урганчни берди. Тўрт йил ўтар-ўтмас негадир уларнинг ўзлари ҳам келишолмай қолишди.

Кейин Абулғозихон Туркистонга, Тошкентга ва Бухорога борди. Исфандиёр билан туркманлар алоқасининг бузилгани ва уларнинг таклифи билан Хоразмга қайтиб келди ва Хивани эгаллади. Бу бахт узоққа чўзилмади. Сўнг Эронга сургунга юборилди.

Абулғозихон Эронда чамаси 10 йил (1630—1639) га яқин тутқунликда қолиб кетди. Бу орада у ўзи учун жуда кўп фойдали ишлар билан шуғулланди. Илгари эгаллаган билим кўламини кенгайтириш ҳақида ўйлади ва мақсадга эришди. Кўп қийинчилик билан у ердан қочди.

Шундан қарийб икки ярим йилдан сўнг Абулғозихон Орол ўзбеклари ҳузурига келди. Жуда кўп курашлар ва жанглардан кейин у 1644 йилда Хоразм тахтини эгаллаш бахтига муяссар бўлди. Шу йилдан эътиборан Абулғозихон йигирма йил давомида 61 ёшигача тахтда мустақил хон сифатида ўтирди.

У Хоразм тахтини эгаллаши билан хонликни бирлаштириб, марказлашган йирик давлат барпо этишга ҳаракат қилди. Бу даврда вилоятлар ўртасидаги, хоразмий ва туркманлар орасидаги урушлар қисман йўқолди. Шунингдек, Абулғозихон қўшни хонликлар-у мамлакатларга элчилар юбориб, ўзаро тинчлик ўрнатиш, дўстлик ришталарини боғлаш, савдо-сотиқ каби алоқаларни ўрнатиш каби давлат аҳамиятига эга бўлган муаммоларни ҳал қилишга киришди. У бунинг уддасидан ҳам чиқди.

Абулғозихон Хоразмда деҳқончиликни ривожлантириш учун зарур бўлган суғориш иншоотларини такомиллаштиришга эътиборни қаратди.

Қолаверса, давлат бошқариш ислоҳотини ўтказиш борасида жуда кўп ишларни амалга оширди.

Абулғозихон Хоразмда илм-фан ва маданиятни ривожлантириш йўлида жонбозлик кўрсатди, халқнинг маиший, иқтисодий ва маданий аҳволини яхшилашни муқаддас бурчи деб билди. 1657 йилги Бухоро ва Қарманага ҳарбий юришидан сўнг, Полвон дар-

воза ёнида Янги Оқ масжидни қурди. Турли бинолар, турар жойлар қуришга эътибор бериб, Хивада отасига атаб Арабмуҳаммад мадрасаси, ўғли Анушахон номига «Оқмасжид» ҳамда Муҳаммад Ризобек мадрасаларини қурдирди. Ўша мадрасалару масжидларга илмдон мударрислар, муаллимлар жалб қилинди. Унинг ўзи эса илм чўққиларини эгаллаши натижасида гўзал фазилатли давлат арбоби даражасига кўтарилди. Бу ҳақда Абулғозихоннинг ўзи шундай ёзади: «... Бу фақирга худои таоло иноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан уч нимарса берган турур. Аввал сипоҳигарчиликнинг қонун йўсинин сув қилиб ичмоқ, нечук отланмоқ ва юрмоқ ва ховға босоқ ясамоқ, кўп бирлан юруғонда нечук қилмоқ, оз бирлан юруғонда нечук қилмоқ, дўстга ва душманга нечук сўзламоқ; иккиламчи — маснавият ва қасоидот ва ғазалиёт, муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламоқлик, арабий ва форсий ва туркий луғотларнинг маъносини билмоқлик; учламчи — одам наслидин то бу дамгача Арабистонда-ю, Эрону Турондаю, Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларини ва салтанатларининг кам зиёдин билмаклик». («Шажараи турк», 12-саҳифа).

Абулғозихоннинг бу сўзлари шарҳга муҳтож эмас. У шоир сифатида хоразмий, турк, форс-тожик тилларида ижод қилган ва маснавий, ғазал ҳамда рубоийларини мерос қолдирган. У шу асарларидан девон тузгани ҳақида маълумотлар бор, лекин улар ҳозиргача топилган эмас.

У тиббиётшунос олим сифатида «Манофеъ-ул-инсон» рисоласини форс тилида яратган. Бу асар ҳали тадқиқталабдир.

Абулғозихон насрнавис ва тарихчи олим сифатида иккита йирик — «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларини ёзган. Унинг барча асарларида халқлар дўстлиги, тинчлик, яхши хулқ-атворли бўлиш, миллий ахлоқ-одобни такомиллаштириш, фан ва маданиятни ривожлантириш, илм ўрганиш, аждодлар ҳурматини сақлаш сингари оҳанглар ўз ифодасини топган. Улуғ мутафаккир хоннинг саргузаштларга бой ҳаёти, беқиёс ижодий фаолияти, истеъдодли кишиларга ғамхўрлигини ўрганиш, тадқиқ этиш тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Абулғозий Баҳодирхон 1664 йил бошида оғир хасталикка дучор бўлди. Шу йилнинг апрель ойида эса оламдан ўтди. Шунисн характерлики, у хон ва подшолар ҳаётида деярли учрамайдиган иш қилди, яъни у тириклигида тожу тахтни ўғли Анушахонга ўз ихтиёри билан топширди.

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРЖОН ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ўшал бир яшар ўғлон анда равон,
Келиб тилга теди билинглар аён.
Отимдур Ўғуз хисраву номвар,
Билинглар яқин барча аҳли ҳунар.

* * *

Ўғуз қилди ул тўйда жирғамиши,
Бу олти ўғилни суюргамиши.
Булар кўрсатиб эрди мардоналик,
Ота бирла кўп турли фарзоналик.
Отаға басе қилдилар ёрлиқ,
Уруш кунида барчаси борлиқ.

* * *

Ўттиз-қирқ минг лашкар бирлан Қозон бориб,
Ўтиб, яна неча эллар келди қириб,
Бир нечаси қутулдилар кўп ёлвариб,
Алплар, беклар кўрган борми Қозон каби?

* * *

Андин ҳунар кўтардилар барча овули,
Баъзиларга ўрин берди соғу ва сўли.
Бирга бўлди, буну билинг ўзи йўли,
Алплар, беклар кўрган борму Қозон каби?

* * *

Сабо Қўрқуд ўлур бўлдинг, энди билгил,
Ул Қозоннинг давлатига дуво қилгил.
Қарвон кетди, кўп кеч қолдинг йўлға киргил,
Алплар, беклар кўрган борму Қозон каби?

* * *

Ўшал бир яшар ўғлон анда равон,
Келиб тилға тегди билинглар аён.
Отумдур Ўғуз Хисраву намвар,
Билинглар яқин барча аҳли ҳунар.

«ШАЖАРАИ ТАРОКИМА» ДАН

ҲОЖИ МУҲАММАДХОН ЎҒЛИ АРАБМУҲАММАДХОН ВА СЕВИНЧ МУҲАММАД СУЛТОННИНГ КЕЛИБ ЮРТГА ЭГА БЎЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Тарих ҳижрий минг тақи олтида тақуқ йилининг оёқинда Абдуллахон ўлди. Ит йилининг аввалинда Қазвинда Шоҳ Аббосға Абдуллахон ўлди теб кишн борди. Бу хабарни эшиткандин сўнг Шоҳ Аббос лашкарга жар қилиб отланиб Бистом келди. Хожи Муҳаммадхон Шоҳ Аббосдин рухсат тилади-да, айтди:—Абдуллахон ўлганидан сўнг ўзбек Абдулмўминхонни ўлтурур. Ул вақтда биз юртимизға яқин бўлмасақ, бизнинг жамоатимиздин Мовароуннаҳр-

да қозоқ бўлуб юруган кўп турар. Онларнинг бирисини халқ келтуриб подшоҳ қилурлар. Андин сўнг (157 б) бизга подшоҳлик етишмас» теди. Шоҳ Аббос, Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли Муҳаммад Иброҳим султоннинг ўғли бор эрди, Бурундуқ отли, ул вақтда йигирма беш яшар йигит эрди, ани олиб қолди. Ҳожи Муҳаммадхон ўғли Араб Муҳаммад султон, анинг ўғли Асфандиёр султонға рухсат берди. Асфандиёр султон ул вақтда ўн уч ёшинда эрди. Булар кеткандин сўнг Нурумхонға ҳам рухсат берди. Ҳожи Муҳаммадхон Астробод келди. Андин ўтиб Қуран тоғина келди, така халқининг ичина. Эмди не ерга кетарин билмай ҳайрон бўлуб туруб эрди, ул кунларда ота ва ўғул иккисининг қатинда яхши ва ёмон ўн беш кишилари бор эрди. Саратон ичи кун иссиқ бир кун эртонг намозини ўқуб тоғнинг соясинда ўлтуриб эрдилар Дурун тарафиндин икки отлининг қораси пайдо бўлди. Яқин келган сўнг танидилар, иккиси ҳам намйан, Арабмуҳаммад султоннинг Бухороға тушуб кетган навкарларидан эрканин келиб хонға кўрунуш қилдилар. Тақи қайтиб юкунуб арз қилдилар, Абдулмўминхон ўлди. Худойи таоло сизга узоқ ёш бергай. Хон бу воқеотни яхши тақрир қил теди. Улар айтдилар, биз Марвдин келамиз. Абдулмўминхонни кеча кўчиб бора турғанда Зомин қалъасининг олдинда отасининг (158 а) беклари ўқ бирлан отиб ўлтурдилар. Шул кечаси мен бери кетдим теб Марв ҳокимининг кишиси келди. Биз сизни Ироқда топармиз теб бора эрдик. Нисойда хабар топдуқ. Шоҳ Аббос Бистом келди теб. Андин Дурун келиб сизнинг туркман ичина келганингизни эшитдуқ. Тақи бандалиққа келамиз.

Шул соат отландилар. Тақи саккиз кунда Урганч келдилар. Урганч бирлан Вазирни Ҳожи Муҳаммадхон олди. Хевақ бирлан Қатни Арабмуҳаммадхон олди. Ҳазорасбни Асфандиёр султонға бердилар. Абдуллахоннинг Урганчдан ҳайдаб олиб кетган ўзбегидин бир ўғлон қолмади, барчаси келди. Ҳожи Муҳаммадхоннинг улуғ ўғли Рум кетди теб юқорида айтиб эрдуқ, Ул Румда эшитди ким, Абдуллахон ўлган эрмиш теб. Андин Ширвон келди. Юртдин хабар олайин теб келгандин сўнг не воқеот бўлғанини эшитди ва билди. Тақи кемага миниб Манқишлоқдин чиқди, сичқан йилининг бошинда, Ҳожи Муҳаммадхон ит йили келиб эрди. Ул икки йилдан сўнг Ҳожи Муҳаммадхон Урганч бирлан Вазирни анга берди. Ўзи Хевадға келиб кичик ўғли Арабмуҳаммад султон қатинда бўлди. Бир ўғли қолди (158 б) Ибодилла отли. Бир йилдан сўнг ул ҳам отаси кейининдин кетди. Ҳожи Муҳамадхон тарих ҳижрий минг тақи ўн бирда барс йилининг оёқинда саксон уч ёшинда ҳақ раҳматига кетди.

АРАБ МУҲАММАДХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ЗИКРИ

Ўғли Араб Муҳаммад султонни хон кўтардилар. Кат вилоятини, Ҳазорасб устига Асфандиёр султонға берди. Хон бўлғандин олти ойдин сўнг қўш ёйиқ теганда юруган ўруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввали куни ғофил келиб, Урганчнинг қалъасина кирди. Шаҳарда раъиятдин ўзга киши йўқ эрди. Хоннинг

ўрдуси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабинда эрдилар. Хевақда хонга киши чобтурдилар. Етти кунда хон келди.

Урганчда раъиятдин минг кишини ўлтурди ва минг қиз бирлан жувонни олди: Минг арабаға яхши моллардан юклади. Бўз ва бўёғли ва палос ва тўн ва тўшак-ястуқ мундағ нимарсаларнинг барчасини ўтға ёқди. Буларни саранжом қилғунча етти кун бўлди. Андин сўнг Урганчдин чиқиб дарё лабига юруди. Араб Муҳаммадхон олдиға бориб ўр қазди ва жибқиди. Икки кун уриштилар, учунчи куни жибни зўр қилиб олиб, Тақи босиб ўтди. Ўрус (159а) лиёда, бизнинг халқ отли илғаб икки фарсанг ер юзунда келиб яна ўр қазиб жибқидилар. Бизнинг халқнинг ғарази бу ким, иссиқ кунда чўлда ола кўрали; сувға борғандин сўнг тўғайда ўрус бир кунда қалъа солур. Андин сўнг ўрусға киши юборур. Андин кўмак келур. Ушбу ерда барчамиз қирилали теб, зўр қилдилар.

Ўрус юклаган сувини тамом қилди. Уруштилар ўрус қон ича бошлади. Бешланчи куни қонни ҳам товсутти. Ўзбек ҳар ердин тўп-тўп бўлуб чобти. Ўрусни ўлтуриб-ўлтуриб қайтди. Ул арабадин чиқиб уруша эрди. Ахир арабанинг ичиндин чиқа билмади. Ожиз бўлди. Еттиланчи куни барча иттифоқ бирлан чобтилар. Арабаға келгандин сўнг отдин тушуб Куран ичига кириб қилични қўя бердилар. Халқ ўлжаға бўлғанда юз ўрус қочиб дарё лабига бориб Тук қалъасининг қуйисида яғочдин қалъа солиб балиқ олиб ёзида ўлтурди. Араб Муҳаммадхон бориб қабади. Тақи ўн беш кунда олди.

ҚАЛМОҚНИНГ АВВАЛ КЕЛГАНИ

Ўрусни олғандин олти ойдин сўнг қалмоқ келди. Мундин илгари ўзбек мусулмон бўлғандин бери ҳеч қалмоқ келгани йўқ эрди. Хожакқули (159 б) бирлан Шайх Жалил тоғининг орасидин ўтуб сувнинг икки лабинда ўлтурған элни то Тук қалъасинача чобди ва Абуричидин чиқиб кетди. Араб Муҳаммадхон кетидин бориб асирни ва молни олиб қолди. Аммо қалмоқдин киши ола билмадилар.

ИККИНЧИ ҚОЗОҚ КЕЛГАНИ

Бу воқеотдин икки йил ўткандин сўнг уйғур халқиндин йигирма киши оқсақолиси Паношмирза теган барчаси Урганчдин Самарқанд бориб Ҳасанқулихон авлодидин Солиҳ Султон теганни сувнинг орқаси бирлан Урганчда ўлтурған ўзбек ичина олиб келдилар. Ани эшитиб Араб Муҳаммадхон Хевақдин борди. Халқ хонға келди. Қозоқға бормадилар. Икки юз бориб эрди. Ул ҳам қочти-кетди. Солиҳ султонни тутиб келтурди. Йигирма уйғурнинг ҳеч қайсисин ўлтурмади (160 а). Мен қарачи халқим билан ёмон бўлман, ҳар ким ёмонлиқ қилса ани худоға солдим. Туна кун Сўфи Мирзо Хисрав султонни келтурди эрса, ани ҳам мен ўлтурганим йўқ. Иниси Бобо мирзо подшоҳим сенинг душманинг ер юзинда бўлмасун теб, ўзининг туққан иниси Бобо мирзо ўлтурди. Ҳолэ

ҳам бўлса уйғур халқи ўлтурурман теса ўзлари билур. Мен ўз қўлим бирлан тутиб ўлтурман, теди. Уйғур халқи ўлтира билмади.

Эмди Абулғозихон айта турур. Қадимий халқ бу замоннинг халқиндин яхши эрди. Агар эл ва халқ йиғилиб киши ўлтура билур бўлса ва ё гуноҳкор сўрай билур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлиндин келур бўлса, не учун бир мардга подшоҳ от қўюб эвининг тўринда ўлтуртуб, барча халқ ихтиёрларин анинг қўлина бера турурлар. Ахир отамиз хоннинг бошина ва барча юрт халқининг бошина хоннинг кенглиги ортуқ гуноҳларни афв қилгани теди. Мундин ўн йилдин сўнг иккинчи қалмоқ келгани. **Бақирғаи** устидин яна бир минг қалмоқ келиб элни чопуб асир ва мол олиб кетди. Анинг кейин-индин ета билмадилар.

Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бор эрди: аввал Асфандиёрхон, иккинчи Ҳабаш султон, учунчи Элбарс султон, тўртунчи (160 б) Абулғозихон, бешинчи Шариф Муҳаммад султон, олтинчи Хоразмшоҳ султон, еттиланчи **Авғаи султон.**

Асфандиёрхоннинг онаси ўз жамоатимиздин эрди. Ҳабаш султон бирлан Элбарс султоннинг онаси найман қизи, иккиси бир онадан эрди.

Фақир онамнинг жамоатини юқорида айтдум. Андағ ҳам бўлса яна айтади. Онамнинг оти Меҳрбону хоним. Отаси Жонғози султон, анинг отаси Шерғози султон, анинг отаси Султон Ғози султон, анинг отаси Элбарсхон, анинг отаси Берқа султон, анинг отаси Ёдгорхон. Отам бирлан онам иккисининг ҳам отаси Ёдгорхон турур. Шариф Муҳаммад султон бирлан Хоразмшоҳ султон иккисининг онаси бир Хожа Мавдуд Чиштий авлодидин эрди. Чишт Ҳиротнинг кенди турур.

Авғаи султоннинг онаси Абулхайрхон авлодиндин эрди. Отамиз Араб Муҳаммадхон тахтға ўлтурғандин сўнг ўн тўрт йил бўлғанда, Ҳабаш ва Элбарс жов бўлғанининг аввали. Ҳабаш султон ўн олти ёшина етти. Элбарс султон ўн тўрт ёшина етти, иккиси ҳам Хевақда ўсди. Араб Муҳаммадхон Урганч бориб эрдилар. Хевақда давлат шаробина маст бўлган ўзбекнинг йигитлари Ҳабаш султон бирлан Элбарсни отлантуруб Урганчға ва Вазирға жар қила киши юбориб чирикнинг олди ва орти йиғилгунча Пешгоҳ (161 а) теган қудуқда, Урганчдин йилдам отлиға бир кунлик ер бўлур, бориб ўн кун турдилар. Араб Муҳаммадхон киши юборди, қайтиб келсунлар, шаҳри Вазирни берайин, теб.

Бориб кўрмакка отамдин қўрқаман. Чириқдин келгандин сўнг кўрарман, бўлғай теб борған кишини қайтарди. Ҳар ерда талабли йигит бўлса тўп-тўп бўлуб кетдилар. Араб Муҳаммадхоннинг оталиқларининг ўғлонлари ва вакилларининг ўғлонлари барчалари кетдилар. Шул вақтларда ҳам халқ хондин андағ қўрқар эрдилар ким барча ўзбек бир йилғача эвина кириб хотун бирлан ётмасун теса, ҳеч кишининг ҳадди йўқ эрди, эв тарафина бир қадам қўя билгай. Хон кўрунушга чиқиб халқға айтса, ини ва ўғлунгизни Ҳабаш қатиға юборманг, агар ҳар ким юборса мендин яхшилик умид қилмасун, менинг бу сўзумни бир-бирингизга айтинг теб ҳукм қилса, киши юбориб шаҳрларда ва бозорларда ушбу сўзни ай-

тиб жар чорлатса, бир кишининг ҳадди йўқ эрди, эвиндин ташқари чиқа билғай. Ичиндин халқнинг кетганин ёмон кўрди. Тошиндин ҳеч нимарса айтмади. Халқ ўғлининг қатина **борғанини** яхши кўради, хон агар ёмон кўрса, манъ қилур эрди, теди, тақи кетмак бирлан бўлди. Ул борғандин Хуросонни чопуб қайтди. Тақи (161 б) отасиға ҳар ўғли бир кишидин совғат юборди. Ўзи Урганчга бир манзил ер келди. Чирикка борған кишилар эвли эвина кетди. Султонлар қатинда номусли ва орли йигитлардин етмиш ё саксон киши қолди. Шул вақтда уйғур Қурбон ҳожи теган, хоннинг андин улуғ беги йўқ эрди, ани юборди, ўғлонларим мени келиб кўрсун теб. Ҳожи сабоҳий пешин вақтинда қайтиб келди. Мен ҳам отамни кўрайин теб эшикка бориб эрдим, Ҳожи ҳам эшикка келди, хон қатина бирга кирдук. Хон, кўрган эшитганингни айт, Ҳожи! — тедилар. Не айтайин ҳожим, борғанима пушаймон бўлдум. Юқориси Доруған ота қуйиси Бақирған отағача ўлтуған ўзбек ўғлонларингнинг қатиға йиғилиб турур. Ит бошли ва сигир оёқлидин ўзганинг барчаси бор. Мен бир оғиз отангиз чорлата юборди теб айтиб эрдим, минг ердин қичқурған овоз келди, ҳар қайсиси бир нимарса айтиб. Хоним иш ёмон бўлди. Ўзунг билурсен, менинг сенга жоним куйганда, ўзгаларнинг тўнининг этаки куймас. Эмди Хевақға кетакўр. Бу золимлардин йироқ бўл. Элимиз, халқимиз бир маслаҳат қилурмиз.

Бу сўзни эшиткандин сўнг, хоннинг қўли-оёқи суст бўлди. Тиғдағіє ота ·ииғғлғлғ иғ тевани юклатди. Кун ботқандин сўнг отланиб (162 а) Хевақға кетди.

Хондин ўзга барча халқ, биламиз, Ҳабаш, Элбарснинг қатинда етмишдин ортуқ киши йўқини. Худойи таолонинг амрина ҳеч чора қилиб бўлмас. Бир кишидин сўрмади, бу сўз ростму турар ва ёлғонму турур теб. Ҳабаш бирлан бизнинг хоннинг ораси эртонг кетган киши туш бўлмасдин бурун бориб келур эрди. То бир кишини юбормади кўриб кел, не миқдор кишиси бор теб, айтмади. Чирикдин келгани эвина кетди. Бурунқи эвиндағиси келур фурсат бўлғани йўқ. Ҳабаш Урганч яқинина келганли икки кун бўлди. Бу кўп лашкар осмондин туштиму ё ердин чиқтиму, қайдин келди теб, кўнглига келмади.

Хон кетгандин сўнг Ҳабаш, Элбарс Қирон Қирина бориб тушди. Ул вақтда Маздеққон қалъасиндин то Бақирғаннинг бери юзи Қуйғун теган ергача буғдой экилур эди. Бизнинг хон Тук қалъасининг юқорисиндин бир ариқ қаздуруб турурлар. Фақир дунёға келмасдан бир йил бурун. Мезон бўлғанда сақасини кўмарлар эрди. Буғдойни ўрған вақтда очарлар эрди. Бир неча йилдин сўнг ариқнинг кенглиги отқан ўқ ўтмасдай бўлди. Сувнинг оёқи Қуйғун борди. Андин Ачи тенгизига борди. Ёлғуз буғдой экилур эрди (162 б). Отли киши ўн кунда буғдойнинг Тошиндин айналиб кела билмас эрди. Ул вақтда пул-пучак, ярим мисқол кумуш бир танга ерина юрур эди.Бир тангага ярим тева юки буғдой берурлар эрди. Бир мисқол кўмушга бир харвор бугдой берурлар эрди.

Эмди айта турған сўзумиздин қолмағали. Ҳар ерда хоннинг онбор қилиб қўйған ошлиқи бўлса, отасина тааллуқ ихлосли нав-

карининг ошлиқини олди. Тақи навкарга берди. Муни эшиткандин сўнг ошлиқ олмоқ учун Қора ёмоннинг барчаси борди. Яхшисидин ҳам борди. Беклар орада юрудилар-да, хондин шаҳри Вазирни тавобиъ туркманлари бирлан Ҳабаш, Элбарсға олиб бердилар. Андин сўнг тўрт минг киши бирлан бориб Хевақға келиб кирди. Тақи қайтиб Вазирга келди. Беш йил ўта-ўғул бўлуб ўлтурдилар. Олтиланчи йили Элбарс султон Обивардни чопарман теб отланиб Ҳевақ келди. Отасини кўрмади. Чирикнинг олдин ва ортин, йиғарман теб Сағча Қудуғина борди. Ул вақтда хон Хевақдин отланиб Урганч кетди. Элбарс султоннинг қўйған кишиси кейининдин бориб хабар қилиб турур эшитгач отланиб Хевақға келиб кирди. Хон ул вақтда Рештобон Отада эркандур. Хон (163 а) қатинда шул куни ёвға урушғудек кишидин ўттуз киши бор эркандур. Саҳар вақтинда Хевақдин киши келиб турур. Элбарс султон келиб Хевақға кирди теб.

Хон қатиндағи хожаи оқиллар айтиб турурлар. Бориб Хевақнинг дарвозасини тушмак керак. Сизни келади деб эшиткандин сўнг тура билурми, чиқар-да кетар, теб Илғаб келиб Хевақнинг Хастагон теган кендина тушуб турурлар.

Элбарс султон хоннинг Хастагон келганини эшитгач, беш юз киши юборди. Бор тақи отамни тутуб олиб кел, теб. Хон ҳавлига қабалди. Элбарс султоннинг кишилари отдин тушуб тўрт тарафдин уруш солди. Ул вақтда офтоб ботди. Қоронғу бўлғандин сўнг, деворни ҳар ердин тешти. Тақи кирди. Хонни отға миндуруб жиловини олиб, ярим кечада Хевақда Элбарс султоннинг олдина олиб келдилар. Отасини бир эвга солди. Эшикинда киши қўйди. Ўттуз йилдин бери йиғилған хазинани олди. Тақи итга ва қушға берди. Отасининг бекларининг барчасини тутдуриб бўлған молларининг барчасини олдурди. Тақи отасини тирик қўюб Хевақдин чиқиб эвига кетди.

Элбарс султон отасин тутуб (163 б) молин олиб юруғанда, Асфандиёр Султон Ҳазорасбда, Ҳабаш султон, фақир ва Шариф Муҳаммад султон Урганчда халқни йиғиб турдуқ: Элбарс султон устина юрмакни оқсақоллар ўхшатмадилар... Анинг учун бизга шиддат қилиб хонни ўлтурур. Бормасак молин олур, тақи ташлар-да кетар тедилар.

Элбарс султоннинг эви бизнинг эвимизга яқин эвга келди. Асфандиёр султон Араб Муҳаммадхон бирлан бизнинг йиғин қилиб ётқан еримизға келдилар. Элбарс султоннинг устига бордуқ. Уруша билмади, қочти-да, беш-олти киши бирлан қирға чиқиб кетди. Эвини ва элини чобдуқ. Барча султонлар хон қатиға йиғилдуқ. Отамни кўрайин теб келдум. Ўрдуда якка намоз шом ўқуб туруб эрдилар. Намоздин фориғ бўлғандин сўнг яқинлариға келиб ўлтурдим-да айтдум: «Элбарс султон беш-олти киши бирлан қирға чиқиб кетди. Эмди не фикр қиласиз». Айтдилар, сенинг кўнглингга не кела турур? Мен айтдум: «Бу арабанинг улуғ йўлиндай кўринатурған нимарсадай. Аммо сиз ани қилмассиз».

Айт? — тедилар. «Асфандиёр султон бирлан фақирға ҳукм қилунг. Ҳабаш султонни ўлтурали-да, бориб Элбарс султонни ўлтур-

али. Андин сўнг қолған беш ўғлингизнинг ҳеч қайсиси сизнинг ҳукмингизга тажовуз қилмаслар». Яхши айтасен (164 а). Чин ҳожи отли оталиқлари бор эрди. Анинг отин тутдилар. Мен анинг бирлан сўзлашайин. Сен бор, тақи фалон ва фалон теб, беш кишининг отин тутдилар. Онларға кенгаш, андин сўнг бориб Асфандиёр султонға кенгаш-да, ушбу кечанинг ичинда келиб менга жавоб бер тедилар.

Мен бориб сўзлашиб келдум-да, айтдим. Асфандиёр султон бошлиқ барчалари айтдилар: «Биз бу чоқғача уларға айта билмай эрдук. Би иш мундин илгари керак эрди. Ҳоло ҳам бўлса кечка қўймасунлар. Яхши иноят қилиб турурлар теб, арз қилдилар тедум.

Хон айтдилар: «Мен Чин ҳожиға кенгашдим эрса, ул айтади, «Ўғлонларингизнинг бирисин ўлтурсангиз, андин сўнг қолғанининг ҳеч қайсиси сизга инонмас». Мен эмди қила билмайман, Абулғози. Мен айтдум: «Беш-олти йил мундин илгари Хуросондин келганда Чин ҳожининг акаси Қурбон ҳожини Ҳабаш султон бирлан Элбарс султонни чақирта юбордингиз. Иккисининг қатинда етмишдин ортиқ киши йўқ эрди. Сизга келиб айтди: Ит бошли ва сигир оёқлидин ўзганинг барчаси йиғилибти теб. Сизга ёлғон сўзлаб Хевақға қочирди. Мунинг ҳам ғарази Ҳабаш султон, Элбарс султонни уйғур, найманнинг жиёниди, улар бўлсун дейтурур. Тақи бири ул ким (164 б) Элбарс султоннинг эшикинда ихтиёр бўлуб турған Дўстум бирлан Эшим ул иккиси Чин ҳожининг яқин иниси. Элбарс султон ўлса ул ҳам ўлмак керак. Сизни тутуб, эвга солиб, молингизни олғандин сўнг, эмди не қолди. Тангла мундин ёмон кишилар бўлур, пушаймон қилурсиз, фойда бермас тедим. Бир соат фикр қилиб турдилар-да, мен бу ишни қила билмайман, қўй Абулғози тедилар».

Хондин умид узгандин сўнг отланиб ярим кечада Асфандиёр султон қатиға бордим. Воқеотни айтдум. Тақи хон бўлмаса, не ерига сиз ўхшатсангиз, фақир қиламан, тедим. Айтди: «Андағ айтма Абулғози. Отам муносиб кўрмаган ишни, мен қил! — теб, ҳаргиз айтман». Эмди бу сўзни айтқучи бўлма тедилар. Қайтиб эвимга келдум.

Асфандиёр султоннинг навкарларидин бир найман йигити менинг кеча бориб сўзлашиб қайтқанимни билиб бориб, Ҳабаш султонга хабар қилди. Андин сўнг менинг бирлан душман бўлди.

Отам Хевақ қайтиб кетди. Асфандиёр султон Ҳазорасб кетди. Ҳабаш султон Элбарс султонға киши чобтурди. Отаси қайтди, кетди, тез келсун теб. Менинг сиррим ошкора бўлди. Икки душманнинг ўрта еринда тура билмадим. Кўчуб отам кейиниидин кетдим. Қат вилоятини инъом қилдилар.

Бу воқеотдин (165 а) беш-олти ой ўтгандин сўнг пушаймон бўлди. Ўғлонларидин ўтмаганига Асфандиёр султонга ва фақирға киши юборди отлансун теб.

Шариф Муҳаммад султоннинг онаси Урганчда эрди. Хевақда отасин кўргали келиб эрди. Ани ҳам қайта юбормади. Отланди.

Ўғлонларимнинг қатинда ўн ёмон фитна ангиз киши бор. Агар

ани менга тутуб берсалар, ўғлумдур, жонимдур. Оғзиндин ўпарманда қайтурман. Агар ул ёмонлардин ўтмаса, мен ҳам ўғлонларимдин ўтарман. Тангри кимга берса ул бўлур, бўлғай, тедида юруди. Бу сўзни айтиб ўғлонларина киши юборди.

Хондин киши борған соати чирикни сурмакка киши таъйин қилдим. Қўшға киши таъйин қилдим-да, айтдум: «Сизлар сувни ўта туринг теб, отам қатиға бордум. Улар Хевақдин чиқиб Гандумкон теган кендға тушганлар эркандур. Халқ ҳануз ётмай эрди. Хон қатиға келдум. Қайдан келасан? — тедилар. Қатдин тедим. Қачон кетдинг? — тедилар. Ушбу кун. Улуғ чошт бўлуб эрди. Не учун қўшунгни қўюб, илғаб келдинг? — тедилар. Кўнглимга бир нимарса келди, ани арз қилайин деб, келдим, айт тедилар. Сизнинг мундин боратурғанингизни ул иккиси бу кун эшитур, ё сабо эшитур.

Тақи элга сўзавул юборур. Сиз Асфандиёр султон бирлан сувнинг (165 б) бери юзиндин юрусангиз. Менга амр қилсангиз, ушбу замон кетсам, намоз вақти Қат борсам. Андин орада бир ётиб, эл ичига борур эрдим. Ўзумнинг қатимда саккиз юз навкарим бор. Саҳро ўлтурған ўзбекнинг яриминдин кўписи сизнинг ва фақирнинг элимдандур. Онлар беминнат менга келурлар. Ҳабаш султон бирлан Элбарс султоннинг эли қўрққанидин келур. Агар бирдай иккидай Ҳабаш султон қатиға кетса, қозонниғеча олдирурман. Мен саҳрода ўлтурған ўзбекдин бошқа Ҳабаш султон бирлан Элбарс султон қатинда икки юз уч юздин ортуқ киши йўқти. Мен борғандин сўнг ул иккисининг қатиға киши юборман. Сиз йилдам юрунг. Бир ўқ отмай қочиб кетар. Агар мундоқ қилмасангиз, сиз борғунча элнинг чирикин йиғиштуруб, қарши келиб урушар. Худой таолонинг кимга берури маълум эрмас.

Бу сўзларни кимдин ўрганиб келдинг сен? — тедилар. Ўзум айта турурман, ҳеч кимдин ўрганганим йўқ — тедим. Сенга бу сўзларни ўргатган кимди, номаъқул айтиб турур. Бор! Тақи қўшинг бирлан менинг қатимға кел! — тедилар. Қайтиб бориб қўшни кўчуруб Хост минорасинда хон хизматиға бориб, андин кўчуб Экчи қум теган ерга туштилар. Ул куни яна арз қилдум: «Фақирни юборинг? Мени юбормасангиз, Шариф Муҳаммад (166 а) султонни юборинг. Киши ёвни отмай чопмай олур бўлса, не зарурди, отишиб-чопишиб юругай. Ушбу ишни қилсангиз. Ҳабаш султон, Элбарс султон бир ўқ отмай қочиб кетар. Йўқ эрса, иш ёмон бўлур тедим. Хон қабул қилмадилар. Хоннинг бекларина айтдим, улар ҳам менинг сўзумни маъқул кўрмадилар. Кўра-била бориб балоға учрадук. Кўчуб Али султон қаздирған Тошли ёрмишнинг сақасина бориб эрдик, қоровуллар келди, жов қорасини кўруб. Андак юруб эрдук, жовнинг ўзи келди.

Тақи урушти. Тез бостурдуқ. Араб Муҳаммадхонни тутуб Ҳабаш султон қатиға олиб бориб турурлар. Шул соат отасининг кўзун олдурди-да, кишиға топшуруб Хевақда ўрдуларига юборди. Ўзи Асфандиёр султонни қувалаб Ҳазорасб борди. Фақир Қат бордим. Андин Бухороға кетдим.

Асфандиёр султон, Шариф Муҳаммад султон ва Хоразмшоҳ

султон Ҳазорасбнинг қалъасина қабалдилар. Ҳабаш султон Элбарс султон қирқ кун қабаб ўлтурғандин сўнг киши юбориб яраштилар. Асфандиёр султон Макка теб кетди. Шариф Муҳаммад султонни олиб қолиб Қатни бердилар. Хоразмшоҳ султон ўн икки ёшинда ва Афғон султон ўн ёшинда эрди. Хевақда оналарининг қатинда юрудилар. Шариф Муҳаммад султон Катда тўрт (166 б) ой турғандин сўнг қочиб Бухороға фақирнинг қатимға борди. Асфандиёр султон бориб бурунқи Шоҳ Аббосни кўрди.

Ҳабаш султон отасини маъюб қилғани тарих ҳижрий минг тақи ўттузда товуқ йилинда эрди.

Ҳабаш султон Урганч бирлан шаҳри Вазирда бўлди. Элбарс султон Хевақ бирлан Ҳазорасбда бўлди.

Араб Муҳаммадхонни ва уч ҳарамлари ва икки кичик ўғуллари бирлан Қум қалъада ўлуртдилар.

АРАБ МУҲАММАДХОННИНГ ШАҲИД БЎЛГАНИ ВА АСФАНДИЁРНИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Бир йил бўлғонидин сўнг Элбарс султон акаси Ҳабаш султоча айтмай отасини ва икки кичик инисини Хевақға келтурди. Асфандиёр султоннинг икки ўғли бор эрди. Улуғи уч ёшинда, кичиги бир ярим ёшинда. Хевақда Элбарс султон қатинда эрди. Кичик иниси Авғон султонни акаси Ҳабаш султонға юборди. Муни ақам ўлтурсун теб. Отасини, Хоразмшоҳ отли инисини ва Асфандиёр султоннинг икки ўғли тўртисини бир ерда ўлтуртди.

Ҳабаш султон бу ёш ўғлоннинг не гуноҳи бор теб, ўлтурмай ўрус подшоҳина юборди. Авған султон ўрус қўлинда ўттуз йил турғондин сўнг ҳақ раҳматиға кетди. Андин насл қолмади.

Шоҳ Аббос мозий Асфандиёр султонға Хуросон этакина бор, юртунгни талаб қил, теб рухсат берди (167 а), Ул Дурун келди. Андин Абулхон тоғина борди. Така ва сариқдин етмиш киши, ёмутдин ўн киши қўшулди. Ўзининг уч юз навкари бор эрди.

Ул вақтда Ҳабаш султон Аму суви, қибланинг тарафинда Тук қалъасининг рўбарўйинда ўлтуруб эрди. Ярим кечада келиб Ҳабаш султоннинг эвини бости. Эвинда йўқ эрди. Бир навкарининг эвина бориб меҳмон бўлуб ётиб эрди. Ёвнинг карнайин ва сурнайининг овозини эшитди-да отланиб қочиб иниси Элбарс султон қатина борди. Элбарс султон Ҳабаш султон бирлан иккиси Асфандиёр султон устина юруди.

Урганчда Араб Муҳаммадхондин қолған, фақирдин қолған ва Шариф Муҳаммад султондин қолған барчаси Асфандиёр султон эшикина йиғилди.

Бақирған остонасинда Сайид Ота авлодиндин бир киши бор эрди. Назар хожа дерлар эрди. Элбарс султон анинг қизин олди. Ул ёлғончи, дунё дўст, қалби айёр, сипоҳгарликнинг баъзи қоидаларидин вуқуфи бор эрди. Ул Бақирғандин отланиб Асфандиёр султонға киши юборибти. Фақир бандаликка бордим. Аммо сендин икки кун сўнг борурман, анинг учун яқин ўлтурған баъзи элларнинг чирикини ола борурман. Эллик киши бирлан отланиб йўлда Ҳабаш султон бирлан Элбарс султонға (167 б) тараф бўлғудек

элларга тегиб чирикин олибтур. Тараф бўлмасдай элга тегмайди. Шул кунлар халқнинг барчаси отланиб Асфандиёр султоннинг келганини яхши бўлди, отасини билмаган золимлардин худой қутқазди, теб гуруҳ-гуруҳ Асфандиёр султонға кела эркандур. Назархожа уч юз-тўрт юз кишини ўзи бирлан олиб келиб, элнинг Асфандиёр султонға кўмакка келтурған улуғ йўлининг устинда, дарёнинг лабинда тушуб, бир тарафи дарё яна бир тарафға ўр қазибти. Пиёда ва отли ўтмасдан Асфандиёр султонға кўмакка келатурған кишининг ва баъзисини сўз бирлан ва баъзисини зўр бирлан ўзини қўшуб айтибдур. «Худой кўрсатмасин Асфандиёр султон юрт олса эрканингизни ўлтурур ва урғачингизни Абулхон ва Манқишлоқ туркманига буюрур. Ул ўлжа қилиб олиб кетар. Агар менинг бу сўзимда ёлғон бўлса, тангрининг каломи урсун мени», — теб, ҳар кишининг олдинда Қуръондин бир онт ичибтур. Асфандиёр султонға келатурғон кишининг барчасин қатиға йиғди-да олди. Ўғлон — ушоқини туркман ўлжа этар теб онт ичгандин сўнг, қўрқти. Қора ёмоннинг йилқи бирлан сиғирдан не ўзгалиги бор. Бир оқсақолли сайид ҳар кунда Қуръондин юз каррат онт ичса, мен сизларнинг гамингизни ейман (168 а) теса ким инонмас. Ҳабаш султон қочиб кетганда яхши навкарларининг барчаси қолиб Асфандиёр султонға санинкиман теб юруб эрди. Назархожанинг йиғин этканин эшитгандин сўнг барчаси қочиб Назархожа қатиға борди. Асфандиёр султон бориб урушти-да бостурди. Қочиб Манқишлоқ борди. Одамий халқдин кўп киши кейининидин борди. Туркмандин уч минг киши қўшулди. Қайтиб Урганч келди. Ўзбек яхшиси бузулиб борди. Йигирма икки кун ўрқазиб урушти. Йигирма учланчи куни бости, Элбарс султонни тутуб ўлтурди. Ҳабаш султон қочиб Сир бўйинда ўлтурған қорақалпоқға борди. Анда тура билмай Йим сувининг ёқасинда манғит мирзоларидин Шайнак мирзо теган бор эрди. Ани Ҳабаш султон Урганчда ўлтурғанда манғитдин тушган элларни Шайнакка бериб, бор тақи отанг юртинда ўлтур! Ҳар тарафга кетганинг бўлса, сени юртға келди теб эшитса, келур. Сен эл бўлсанг, Ҳабаш султон юрт қилди теган яхши оти меники бўлур, теб Шайнакка кўп инъомлар бериб юбориб эрди. Ўзумнинг яхшилиқ қилиб узатиб юборган навкарим теб, Йим сувинда Шайнак мирзо қотиға борди. Шайнак Ҳабаш султонни ва навкарларини тутди. Тақи Ҳабаш султонни Асфандиёр (168 б) хонға юборди. Навкарларининг отин ва тўнин олиб қўяберди. Асфандиёрхон Ҳабаш султонни келтургач ўлтурди. Ҳабаш, Элбарсдин ҳеч фарзанд бўлмади. Ҳабаш султонни ўлтургандин икки ойдин сўнг Асфандиёрхон уйғур, найманни қирди. Андин сўнг барча ўзбек бирлан ёв бўлди. Ўзбек уч бўлинди. Бириси манғит, бириси қозоқ ва бириси Мовароуннаҳрга кетди. Уч йилдин сўнг уч тарафға борғандин Аму дарёсининг тенгизга бориб қуйған ерина беш эвлик, ўн эвлик кела-кела уч минг эвлик йиғилди. Бухорода турған Урганчдин саккиз юз эвлик йиғилиб кўчуб Кат устиндин уч минг эвлик ўзбекка қўшулмоқға боратурғанда Асфандиёрхон сувдин ўтуб, ул ўзбекнинг барчасини қирди. Тарих ҳижрий минг ўттуз иккида тўнқиз йилинда хон бўлуб эрди. Ўн олти йил подшоҳ-

лик қилиб ўн еттиланчи йилнинг аввали йилқи йилининг бошинда вафот топди.

Эмди мундин сўнг бўлган воқеот фақирнинг достонларимда зикр топар, иншооллоҳ.

СОҲИБИ ЗАМОН ВА ХАЛИФАИ ДАВРОН АБУЛҒОЗИХОННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ ВА ТАҚИ ОБО ВА АЖДОДЛАРИНИНГ ОТЛАРИ

Урганч вилоятинда тарих ҳижрий минг тақи ўн тўртда топушқан йили (169 а) ва асад буржи ва рабиъ-ул-аввал ойининг ўн бешинда душанба куни офтоб бирлан баробар тулуъ қилибмиз. Биз дунёга келмасдин ўттуз йил илгари Аму суви, Хост кинорасининг юқорисини Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъасина бориб, Сир тенгизина қўйған эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлубти. Раъият Урганч чўл ҳам бўлса ўлтуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму сувининг ёқасинда муносиб ерларда экин экиб ўлтуруб, экинни олғандин Урганч борурлар эркандур. Биз дунёга келган йилининг аввал баҳоринда ўн етти киши ўрусға савдоға кетар. Қўш ёйиқ теганда минг қозоқ ўрус бор эканди. Йўлда анга учрай қолур. Иккисини ўлтурур, сақлаган кишилардин Урганчнинг хабарин сўрар. Анинг бириси туркистонлиқ эркандур. Ул айтур, Урганчнинг шаҳринда сипоҳдин бир киши йўқ. Сипоҳнинг яқин ўлтурғани отлиға бир кунлук йўл. Шаҳарда танҳо раъият турур. Бир тарафи чўл. Агар чўл йўлиндин юз минг лашкар борса, шаҳарга кирганда кўрар. Андин илгари кўрмас. Ет юртли киши анча қўлиндин ва тилиндин келган саъй бирлан хушомадни қилди. Ўрус мунинг сўзина фирифта бўлиб, (169 б) туркистонлини бошчи қилиб, минг киши келиб Урганчнинг мирзо дарвозасиндин кириб, аввал дўконда турған бир қассобға учраб, найзани ҳавола қилиб турур. Қассоб ани бир сипоҳнинг қўли хаёл қилиб, «не бўқ епсан кускаш армани» тебти. Ғофиллиқ бу ғоятда, ул куни яхши ёмондин минг киши ўлтурубти. Отамиз ўрусдин бир киши қўймай қириб эркандур. Бу воқеотдин қирқ кун ўткандин сўнг биз дунёга келибмиз. Отамиз айтибти: «Бизга бир ғазот муяссар бўлди. Мунинг йўли ва қадами муборак бўлди ва тақи мунинг онасининг жамоатини ғозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор теб, етимни Абулғози қуюб турурлар.

Отамизнинг оти Араб Муҳаммадхон, анинг отаси ҳожи Муҳаммадхон, анинг отаси Ақатайхон, анинг отаси Амнакхон, анинг отаси Едгорхон, анинг отаси Темуршайх, анинг отаси Чочи тўли, анинг отаси Арабшоҳ, анинг отаси Пўлод, анинг отаси Мангу Темурхон, анинг отаси Бодоқил, анинг отаси Жўчи Буқа, анинг отаси Баҳодир, анинг отаси Шайбанхон, анинг отаси Жўчихон, анинг отаси Чингизхон, анинг отаси Есугай баҳодир, анинг отаси Бартанхон, анинг отаси Қабулхон, анинг отаси Тумнахон, анинг отаси Бойсунқурхон, анинг отаси Қайдухон, анинг отаси Дутумнанхон, анинг (170 а) отаси Буқахон, анинг отаси Буданчирхон, отасиз Аланқуво отли хотундин туғди. Аланқуво Юлдузхоннинг набираси эрди.

Отаси йигитлигинда ўлди. Отадин туғуб қолди. Улуғ отаси Юлдузнинг қўлинда ўсти. Ул сабабдин отасининг оти халқ ичинда машҳур эрмас. Юлдузхоннинг отаси Менгли Хожахон, анинг отаси Темуртошхон, анинг отаси Қалимачухон, анинг отаси **Сам Савчи,** анинг отаси Бўка Бундунхон, анинг отаси Кўчам Бурал, анинг отаси Қапчи мерган, анинг отаси Тимоч, анинг отаси Бичин Қаён, анинг отаси Қўймарал, анинг отаси Бартачна. Бартачна бирлан Қаённинг ораси тўрт юз эллик йил турур. Бу иккисининг орасинда ўткан кишиларнинг отларини билали теб кўп саъйи қилдук, муяссар бўлмади. Ҳеч тарихда топмадуқ. Арканакун ичинда бузуқликда бўлди. Анинг учун топмай турурлар. Қаён, анинг отаси Элхон, анинг отаси Тенгизхон, анинг отаси Манглайхон, анинг отаси Юлдузхон, анинг отаси Ойхон, анинг отаси Ўғузхон, анинг отаси Қорахон, анинг отаси Мўғилхон, анинг отаси Аланчахон, анинг отаси Қуюкхон, анинг отаси Диббақуйхон, анинг отаси Аблачахон, анинг отаси Тўтакхон, анинг отаси Турк, анинг отаси Ёфас, анинг отаси Нуҳ пайғамбар алайҳиссалом, анинг отаси Қамак, анинг отаси Матушалаҳ, анинг отаси Идрис пайғамбар, анинг отаси Барат, анинг (170 б) отаси Маҳлойил, анинг отаси Қайнон, анинг отаси Ануш, анинг отаси Шиш пайғамбар, анинг отаси Одам сафиюллоҳ.

Эмди онамиз тарафин айталинг. Онамизнинг оти Меҳрибону хоним, анинг отаси Жонғози султон, анинг отаси Шерғози султон, анинг отаси Султонғози султон, анинг отаси Элбарсхон, анинг отаси Бурка султон, анинг отаси Едгорхон. Едгорхонда отамиз бирлан онамизнинг отаси қўшулур. Олти ёшқа етканда онамиз ҳақ раҳматига кетди. То ўн олти ёшқача Урганчда ота қўлинда бўлдуқ. Андин сўнг отамиз кадхудой қилди. Тақи Урганчнинг ярмини улуғ ақамиз Ҳабаш султонға ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли ақаларимиз бирлан орамизда низоъ бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевақға отамиз қатиға келдук. Улар Қатни инъом қилдилар. Аввал баҳор эрди, Қатга бориб, олти ой турғандин отамиз бирдан отланиб Ҳабаш, Элбарс устига бордуқ. Ул воқеотни батафсил айтибмиз.

Бизнинг хон тўп бўлдилар. Асфандиёрхонни сўл ва фақирни ўнг қилиб эрдилар, улуғ уруш бўлди. Фақир уч от йиқилғунча урштум. Барча халқдин сўнг кетдим. Қатимда олти киши бўлди жов кўплаб (171 а) етди. Қайтиб уруштуқ. Ул қирқ киши жов кўтарила от солди. Тақи аралаша қолди. Қочтим, қатимда бир киши бўлди. Ўзга кишиларимизнинг ҳар қайсиси бир тарафга кетди. Жов қолмай отқулаб гала юруб эрди, бириси ўқ бирлан оғзимға урди, энгакларимнинг сўнгаклари пора-пора бўлди, оғзимнинг ичи тўла қон. Дарёнинг лаби ва ер қалинг эрди. Бир улуғ юлғунни ургулдим. Жовнинг кўзи мени кўрмай, ўзга кишига тушти. Шул вақтда отимнинг оёқи сичқаннинг инина кириб андақ йиқилдим ким, отдин тўрт-беш қадам йироқ бориб тушдум. От турди, тақи ғавғоға қочти, юрий берди. Қатимдақи киши менга отини бериб, ўзи қолди. Ёш ўғлон якка бора эрдим, кўнглимга айтдим, бу ёт жов эрмас. Қолғали биз ҳар ерга борсак, бу ерга борур, яхшиси

ўлтурур ким, сув ёқасина бориб, ўтмакнинг иложин қилайин теб, сув ёқасина келдим. Баланд жар, ҳеч ердин йўл топмадим. Юқори юрдум. Бир ердин йўл топиб тушиб кўрдум эрса, қуйида бир баланд ернинг тубинда уч киши ешина турур. Бизнинг киши эрканин билдум, тақи қатиға келдум. Ҳеч қайсисин танимадим. Анинг бириси мени таниди. Аммо ҳеч нафъи тегмади ва ҳеч хизмат қилмади, ўз иши бирлан бўлди. Садақим ва қилчимни (171 б) ешдим. Совутимни чиқардим. Фўтамни ешайин теб эрдим, ёрнинг устиндин беш-олти жов келиб урма-ур теб отқулай берди. Ул учиси ялонғоч бўлуб эрди, сувға тушуб юрий берди. Жов ёрдин тушайин теса йўл йўқ, ёрнинг устиндин ёлғуз мени отқулай берди. Совутни эгарнинг қошина солиб сарупойим бирлан сувға тушдум. Чобқанда қизиб келган от сув ичмак бирлан бўлди. Қўлумда қамчида йўқ. Юз эмгак бирлан отни сувға солдум. Онамдин туққандин бери от ёлдаганим йўқ эрди. Ёлдаб юрий-бериб, кейинимга қарадим. Олти киши ҳануз отатурур. Худойи таоло сақлади. Бириси тегмади. Бурунқи ярадин оғзимнинг ичи тўла қон ташлайман, яна тўла эрди. Этикнинг ичина сув киргандин сўнг, ҳар аёқим ўн ботмон бўлди. Барча сарупойим сув бўлди. Сувнинг ўрта ерина етганда, отимнинг қулоқи билан бурни кўрунди, ўзга ери ботди. Бир қари киши бор эрди. Ул айтур эрди, ҳар қачон жовдин қочқанда сарупой бирлан от ёлдасангиз, бир оёқингизни қуюшқандин ўткариб, отнинг қуйруқина қўюнг! Бир оёқингизни узангида қўюнг! Ўзунгиз тик туринг! Бир қўлингиз бирлан эгарнинг кин қошина босинг! Бир қўлингиз бирлан отнинг жиловини кўтариб тортиб тутунг! Мундоқ қилмасангиз (172 а) от совутли, саруполи кишини олиб чиқабилмас теб.

От ботиб боратурғанда шул кишининг сўзи ёдимға кела қолди. Шундақ қилдим. Отнинг то тўшигача сувдин юқори чиқти, тақи ўқ отқандай юрий берди. Сувдин омон чиқдим. Ул уч киши қатимға келди. Икки кунда Қатға келдим. Навкарларимиздин ўн киши мендин илгари келиб, мени ўлди теб турғанлар эркандур. Улар бирлан қўшулғандин сўнг от ва озуқ олиб Мовароуннаҳр кетдук. Самарқандда бориб Имомқулихонни кўрдум. Иззат ва ҳурмат қилди. Яхши келдинг ва хуш келдинг, йигитсан юртунгга қайтиб борурсан, сипоҳнинг бошиға мундақ ишлар тушмай бўлмас, ғам емагил теб, кўнгил берди. Асфандиёрхон қочиб қизилбош борди. Менинг кичик иним олти ойдин сўнг Ҳабаш. Элбарснинг қатинда тура билмай, қочиб менинг қатимға келди.

Асфандиёрхон борғанда қизилбошнинг подшоҳи Шоҳ Аббос мозий эрди. Ул Асфандиёрхонға Дурун, Нисой бор. Урганчга киши юбор! Булхон туркманина киши юбор! — теб рухсат бериб узатди. Асфандиёрхон Дурун келди. Бизга киши юборди, келсун юртни бирга талаб қилали теб.

Имомқулихондин икки уч каррат рухсат тиладук (172 б). Ўзум кўмак бериб, юртунгни олиб берурман теди. Тақи Асфандиёрхон қатиға борғали қўймади. Асфандиёрхон Урганчда отасининг навкарлари ва ўз навкари эрди. Фалон ойнинг, фалон куни теб ваъда қилди. Тақи отланиб юруди. Ўзининг қатинда уч юз кишиси бор

эрди. Абулхоң туркманиндин юз киши қўшулди. Ул вақтда Элбарс Хевақда эрди. Урганчнинг суви қуруб чўл бўлуб эрди. Анинг учун Ҳабаш Тук қалъасининг рўйбарўйи Аму сувининг лабинда жиб қилиб ва ўр қазиб ўлтуруб эрди. Келиб саҳар вақтинда жиб ичинда келиб Ҳабашнинг эвини бости. Ҳабаш эвинда йўқ эркандур. **Эшитиб қочиб қутулди.** Асфандиёрхоннинг достонинда бу воқеотларнинг барчасини айтибмиз. Урушиб, бостуруб Манқишлоқ бориб қайтиб келиб юртни олди. Элбарсни тутуб ўлтурди. Ҳабаш қочиб қурутулди.

Биз Имомқулихон қатинда икки йил турдуқ. Андин сўнг киши борди, Асфандиёрхон юртни олди теб. Имомқулихон рухсат берди. Шариф Муҳаммад бирлан Урганчга келдук. Асфандиёрни хон кўтардилар. Хевақ, Ҳазорасб ва Қатни ул олди. Урганчни бизга берди ва Вазирни Шариф Муҳаммадга берди. Бу (173 а) воқеотда тарих минг тақи ўттуз учда ва тўнқиз йили мезон буржинда эрди.

АБУЛҒОЗИХОННИНГ ЙИГИРМА БИР ЁШИНДИН ТО ЙИГИРМА УЧ ЁШИНДИН ЎТҚАНИ

Биз йигирма ёшимизда эрдук. Келур йил сичқан йили куз экинин олғандин сўнг барча халқ Асфандиёрхонни бориб кўрмакликни муносиб кўрдилар. Шариф Муҳаммад султон бирлан қўшулуб отланур бўлғанда бир кеча Шариф Муҳаммадни уч яхши кишиси бирлан ўзумнинг икки яхши кишимни чақирдим. Тақи айтдим, эмди борамиз. Сизлар не айтасизлар. Барчалари бормоқни муносиб кўрдилар. Асфандиёрхондин ҳеч қўрқунчингиз борму? — теб **сўр**дум. Йўқ тедилар. Мен айтдим, сизлар шарт қилинг, кишига айтмаслиққа мен кўнглумга келганин айтайин, онт ичдилар. Мен айтдим, Асфандиёрхон юрт олғали бир йил бўлди. Қирдин келган туркманларнинг яхшиларин не учун рухсат бермай сақлаб турур. Албатта онларга қилған бир ваъдаси бор. Биз борған сўнг ўзбекни қирар. Иложи не турур? — теб сўрдилар эрса, айтдим, Асфандиёрхон қатиға биз бормасақ, Хевақда турған ўзбекни қира билмас бормағали. Агар бормоқни ўхшатсангиз, Хевақға яқин етганда ўзбек ва туркман Асфандиёрхоннинг навкарларининг барчаси бизга қарши келурлар (173 б). Туркманни шул ерда қирали. Тақи Асфандиёрхоннинг олдина борали. Бўйнимизга фўта солиб, арз қилалиш: «Туркман фикрсиз, кам ақл халқ ва ҳам бизнинг бирлан қири душман. Анинг учун жонимиздин қўрқтуқ. Тақи сиздин рухсатсиз бир ишни қилдуқ. Анда Шариф Муҳаммад киноя юзиндин айтди: «Асфандиёрхонни ўлтурали Абулғози ақамни хон кўтарали». Ўлтурған кишиларнинг барчаси менинг сўзумни ёмон кўрдилар. Шариф Муҳаммаднинг сўзин яхши кўрдилар. Уйғур халқиндин Қурбон ҳожи теганнинг ўғли Қулмуҳаммад теган менинг оталиким эрди. Ул айтди: «Мундақ сўзни айтманг. Агар айтқудек бўлсангиз. Асфандиёрхонни кўрмакка келдук. Кўргандин сўнг уч кун Хевақда турдуқ. Тўртунчи кун қайтиб кетали теб, от эгарлаб турған вақтда, хон ёрликидур, уйғур ва найманни ўлтур, ўзга эллар-

га дохил мазоҳим бўлма! — теб, ҳар ердин қичқуриб то билганин ўлтура берди. Шул куни шаҳр ичинда уйғур наймандин юз ва ўзга ўзбекдин ўн кишини ўлтурди. Таки барча ўзбекка чопавулни қўяберди. Уйғур ва найманнинг баҳонаси бирлан Ҳазорасбдин то Хост минорасиғача ўлтурған ўзбекни чобти. Қорва теган ўзбекни ўлтурди. (174 а). Этмаганнинг молин олди. Уйғур найманнинг қари ва йигит ва янги туқған бир ойлиқинача ўлтурди. Шариф Муҳаммадни Урганчга юборди. Ҳар еда уйғур найман бўлса ўлтургил, теб. Мени олиб қолиб якка ўзининг қатинда бир неча кишини таъйин қилиб кўз боғи бирлан сақлади.

Урганчнинг ўзбеки ўлтуруб кенгаш қилиб турурлар. Абулғози султонни нечук этсак қўлумизға олурмиз теб. Ахир шунга қарор бериб тилар. Зўр бирлан муяссар бўлмас, бир тадбир қилали, шояд тақдирға мувофиқ тушгай теб, Шариф Муҳаммад бирлан қўшулиб борған туркманнинг яхши кишиларини чорлаб айтибдилар: «Барча ўзбек юрт ташлаб Бухрога кўчтук. Агар бизни Асфандиёрхон кетмасун деса, Абулғози султон бирлан Муҳаммад Ҳусайн бекни юборсун, Султон акасининг миннатини олиб ва бек барча туркманнинг миннатини олиб, ёмонлик йўқ теб, онт ичса турали, йўқ эрса, кетдук теб, кўчубтилар».

Элининг олди тўрт кўчуб, сўнги икки кўчкандин сўнг туркманлар инониб бир яхши кишисини Асфандиёрхонға чоптурубти.

Пешин намозини ўқуб, ўлтуруб эрдим. Урганчдин Тангриберди (174 б) келди тедилар. Ул келган туркманнинг оти Тангриберди эрди. Анинг қўрқоқлиқи менинг етмаган ажалимға сабаб бўлди. Хонни ва туркманни қўрқутти. Шул замон Абулғози бирлан Муҳаммад Ҳусайнбек борсун теб ҳукм қилди. Отланиб юрий бердук. Таки Урганчга келдук. Ул вақтда Урганчнинг қалъасини чўл бўлған сабабдин Аму сувининг қибла тарафиндаки лабинда Тук қалъаси рўбаруйинда қалъа солиб анда ўлтуруб эрдук. Қалъада ўзбакдин ҳеч киши йўқ. Мен бориб эвимга тушдим. Шариф Муҳаммад менинг қатимға келди.

Муҳаммад Ҳусайнбек бир сартнинг эвинда тушти. Шариф Муҳаммад бирлан бирга борған туркманлар, бек бирлан борған туркманлар етмиш-саксон киши бек қатинда бўлди.

Ўзбекнинг барчаси сувнинг нари юзида, анча ишга ярар кишиларидин ўттуз киши мени кўргали келди. Бу айта турған сўзларимизнинг барчаси бир куннинг ичинда бўлган воқеа турур. Намози хуфтанни ўқуған сўнг барчалари йиғилиб менинг қатимға келиб юрт кенгашини қилдилар. Шариф Муҳаммад бошлиқ барчалари айтдилар: «Бу кеча тўрт ёқға киши юборали. Тонг отқанда минг киши дарвозада ҳозир бўлсун. Муҳаммад Ҳусайнбек (175 а) бошлиқ бу туркманни қирали.

Таки Хевақдаки ўлтурған туркманни чопали. Бу қиш Хевақнинг қалъасинин қабаб ётали: Баҳро олурмиз, — тедилар. Мен айтдим: «Бу туркманни қира билмассиз. Эшитиб қочар. Қишини туркманнинг барчаси Хевақ устида турур. Ани ҳам ола билмассиз. Хевақ бориб ётсангиз эвингиз эгасиз бўлур. Қалмоқ келур. Таки ўғлон ва ушоқингизни олур кетар. Муҳаммад Ҳусайн бошлиқ турк-

манларни яхши сийлаб юборали. Шариф Муҳаммад куюк қалъада қишласун. Ўзбекнинг барчасини буз тўнғандин сўнг кўчуруб Шариф Муҳаммад билан бизнинг орамизга келтурали. Ҳар беш юз эвлик ва минг эвлик бир жиб солиб қишласун. Қалмоқнинг икки йўлина қоравул солади. Ҳутнинг ўни бўлғанда бир кишига ўргатали. Отин терлатиб илғаб менинг қатимға келсун. Тақи айтсун: «Ён йўлға солған қоравуллардин келаман. Туна кун кеча қалмоқнинг улуғ қўлининг ўтин кўрдуқ, юлдуздай бўлуб турған. Қоровуллар ўзларида, қочти. Менга уч оти бериб эрдилар, иккисини йўлда ташлаб келаман тесун. Шул замон мен мундин отланайин. Шариф Муҳаммадга киши борсун. Ул ҳам шул замон отлансун. Бир ерга йиғилали. Ичимизда оз бўлса беш-олти юз туркман бўлур. Аввал ани қирали. Тақи Хевақ устина юрали (175 б) бу вақтда Абулхон ва Манқишлоқнинг туркмани ошлиқ олмоқ учун Хевақға келиб, барчаси эвлик эвина кетар. Баҳор қўй қўзилар. Хевақда ўт бўлмас. Ранг чиқар. Хевақ туркмани қумға кетар. Сарт экин экмак учун кендли кендина кетар. Хевақ ичинда Асфандиёрхон қатинда кўп бўлса юз, оз бўлса эллик киши қолур. Ғофил бориб, дарвозанинг оғзина тушали, тедим. Менинг сўзумни қабул қилмадилар. Кўп эмгакни менинг ва ўзларининг бошларина келтурдилар.

Муҳаммад Ҳусайнбек бизнинг қасд қилғанимиздин хабардор бўлуб эл бир уқлаған вақтда дарвозадин чиқиб қочти.

Бизнинг кел теб ваъда қилған навлар халқимиз намоз вақти келдилар. Муҳаммад Ҳусайнбек ул вақтда икки манзил йўл кетиб эрди. Ҳеч фойда қилмади.

Улуғ кичик ўлтуруб кенгаш қилдилар. Мен айтдим: «Асфандиёрхонға киши юборали. Муҳаммад Хусайнбек ўзи қўрқти. Тақи қочтида кетди. Агар бизнинг ёмонлиқимиз бўлса, бир улуғ юрт ўттуз-қирқ кишини шаҳарнинг ичиндин чиқариб қўяберурму эрдук. Агар дарвозани беркитиб турсақ не ердин чиқиб кетар эрди, тегали» Асфандиёрхон бу сўзга инонур. Туна кун айтқан сўзумдур. Баҳор бўлған сўнг қалмоқнинг хавфи кетар. Ғофил бориб Хевақнинг дарвозасина тушали. Шариф (176 а) Муҳаммад бошлиқ барча халқ менинг сўзумни қабул қилмадилар. Отланмоқни муносиб кўруб, Хевақ устина юрдилар. Ёмон иш қилдингиз, юртни буздингиз теб, айта-айта икки кун сўнг кейинлариндин бордум. Хиканик ариқнинг лабинда Тош кўприк теган ерда бориб туштук. Туркманнинг оч-орицин топиб ўлтурдик. Сартқа тегмадуқ. Ўзга кендларнинг барчаси Хевақға кўчуб эрди. Хонқоҳдин бир эвлик кўчмай эрди. Ҳар кунда бозор бўлуб турди. Қирқ кун турғандин сўнг қалмоқ келди. Тақи тўла элимизнинг тўртда-бешта бирини олди. Тақи юрий берди. Халқнинг номусли кишиси қолди. Қора-ёмони эвина кетди. Ани туркман эшитди. Туркманнинг Абулхон ва Манқишлоқдин кўмаки келди. Андин сўнг Хевақдин чиқиб чашманинг устинда бизнинг бирлан урушти. Бизнинг ясов турған ер туз бўлди. Анинг ясовининг орқаси олти ва етти ариқ бўлди. Уруш тарози бўлғанда отли, пиёда оллоҳ, оллоҳ теб югурдук. Жов қочти. Жовнинг туғи олти ариқнинг ўртасинда эрди. Пиёдани туғнинг ор-

қасинача ўлтура-ўлтура борди. Тақи жов қочти. Эмди ўлжадин қуруқ қолмайин теб отина югурди. Келиб отина миниб боқти эрса, жов етти. Ариқ (176 б) нинг ўртасина бир ерга йиғилиб, тўп бўлуб турубти. Бир сут пишим қараб турди. Бизнинг хабаримиз йўқ, жовнинг бир улуши қочиб кеткан эркандир. Анинг бизнинг қораёмон билмади. Тақи яна бир урушмоқға тоб келтура билмай қочти. Шариф Муҳаммад бирлан иккимиз туруб қолдуқ. Чириқнинг барчаси кеткунча туркман қараб турди. Тақи андин сўнг ариқларни ўтуб, оҳиста юруди. Шул вақтда менинг қатимда ҳеч киши қолмади. Кўнглумдин айтдим,

«Бу халқ қўшқа бориб, отдин тушуб бирикса яхши эрди. Агар андақ қилмаса бугун кун ботғунча жов қавар бўлса жон қолмас» тедим. Тақи отнинг бошини қўя бердим. Ҳар ерда бир қичқурдим, жибга кир! Жибга кир! Агар кирмасанг тухмунг қолмас теб. Жибга келдим. Ўттуз-қирқ киши кирмай кетди. Тўрт юз, беш юз киши мендин илгари келиб қўшдин нари бирисини олиб, жибдин чиқиб бора юрий. Уруб қайтардим. Келганни жибга киргуздим. Отларнинг эгарин олдурдим. Бизнинг кишининг сўнги бирлан жов бирга келди. Пиёда жибдин чиқиб то кечгача уруштуқ.

Туркман милтиқ етмасдай ерга келиб тушти. Тақи жибқиди. Олти кун уруштуқ. Еттиланчи кун киши юборди, ярашали теб. Яраштуқ. Бига онт берди (177 а). Асфандиёрхон онт ичди, ёмонлиқ қилмайин теб. Биз айтдуқ, сен кўч, тақи турғуш тарафина кет. Биз эвимизга кетали. Кўчи тақи кетди. Биз жибдин чиқдуқ. Тақи дарё ёқасина бориб қўндуқ. Эрта буздин ўтуб эвимизға келдук.

Чопилғандин қолған дарёнинг икки тарафинда ўлтурған ўзбек барчаси қуйи ёққа — Урганчга сари кўчти.

Эмди Асфандиёрхонни айтали. Анинг ярашқанининг хаёли бу ким, онт ичиб, ўзбекни жибдин чиқарали. Чиққандин сўнг шул соат дарё бўйина еткурмай кейининдин бориб олали. Бу хаёл бирлан кўчуб, бизнинг юқори ёнимизға чиқди. Туркманға, турунг Ўзбек чиққандин сўнг кейининдин борали теб, Асфандиёр айтибти. Туркман сўзини тингламай. Хонқоқнинг сартини чобўғулни қўя берибти. Хон қатинда юз киши қолибти. Уч кунда Хонқоқни чопиб, Улжани бўлушиб бир ерга йиғилиб. Андин сўнг Асфандиёрхон яхдин ўтуб бизнинг кейинимиздин юрубти. Бизнинг кейинимиздин кўчуб кела юрган элнинг бир кишиси хожа кўлинда жовни кўруб, элга хабар қилибти. Эл уркуб Бештўбанинг қирининг устинда бир юзи сув, бир юзи арабадин куран тортиб бўлуб, офтоб икки найза йўли чиққан вақтда келуб уруш солибти. Иккиси тақи пиёда. Ўзум бориб синадим. (177 б) Ўзбек тўрт юз эллик киши эрди. Туркман беш юз киши. Икки намоз орасинача урушти. Ўзбекдин йигирма киши ўлди. Юз киши ярали бўлди. Туркмандин етмиш-саксон киши ўлди. Икки юз киши ярали бўлди. Ул кечаси етти. Тақи тангла қайтиб эвина кетди. Ул ёз Асфандиёрхон Хевақда ва Шариф Муҳаммад бирлан фақир Урганчда бўлдуқ.

АБУЛҒОЗИХОННИНГ ИРОҚДИН ҚОЧИБ, ТО ХОН БЎЛҒУНЧА ВОҚЕОТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Ироқда Исфахон шаҳрында ўн йил турдум. Ўн бир йил бўлғанда қатимда уч кишим бор эрди. Онларға айтдим, эмди қочаман. Сизлар ҳамроҳлиқ қилинг. Андақ қилали тедилар. Емак учун берган барот бор эрди.

Андин минг танганинг баротини мени сақлай (180 а) турған **қизил бошға бердим.** Муни тез битказиб олиб кел, тақи ўзунг учун бир дадак сотиб ол. Агар танга зиёд келса, бергайсан, келмаса сенингки. Ул баротға кетди. Саҳар бирлан қўпуб от бозориндин саккиз от олдим. Бир-бир келтуруб ҳавлида киши кўрмас эвларда яшурдим. Эл ётқандин сўнг барчасини эгарладим. Ичимизда форсий ва туркий билатурған киши бор эрди. Ани бек қилдим. Бир йигитни дастурхончи қилдим. Тақи бир йигит ҳам хизматкор сувратинда ясадим. Ўзум от боқатурған сайис сарупойини кийдим. Андин сўнг бир-биримизнинг сақолимиздин олдуқ. Тақи отларни бир-бир ташқари чиқардуқ. Улуғ шаҳрларда ярим кеча бўлғанда нақора қоқарлар. Ул вақтда нақора хонада нақораға оғоч қўйдилар. Отланиб юрий бердим. Дарвозага яқин келганда шилғиршилтир қилиб дарвозанинг қуфлин очти. Дарвозани икки тарафға тортди. Чиқиб кетдим. Бистом келганда уч отим нав едида юрумади. Кеч пешин вақти эрди. Йўл устунда Бистомнинг Буйиш теган кендина келдим. Гўристонда уч киши ўлук қўя турур. Кимсен? — теб, сўрдим. Сайидман теди. Фақир киши эрди. Машҳад борамиз, отимизға ем олиб бер теб, қўлина ўн танга бердим. Уч отимиз семизлик қилиб юрумади (180 б) кенд халқина хабар қил, от бирлан алишур тедим. Мир бирлан қўшулуб эвининг эшикина келдим. Деворнинг соясинда зилуча солдилар. Бегимиз тушуб анда ўлтурди. Бир йигит анинг олдинда қўл қовуштуруб турди. Бир йигит отларни тутуб турди. Мен уч нав ёған отти қўлимға олиб отқа алишмоқ бирлан бўлдум, Мир арпа келтурди-да, халқға жар қилди. Бир соатнинг ичинда икки юз киши келди. Қирқ-эллик от келтурдилар. Бозор бўлди. Икки отимни алишдим. Бир отим қолғанда узун бўйли, оқ соқолли, етмиш ўзған киши келиб турди.

Бистомнинг икки йўли бўлур. Бириси карвон юрийтурған, бириси тоғ ичиндин юруб, икки кунда улуғ йўлға қўшулур. Ани ўзининг ерли халқиндин ўзга киши билмас теб эшитиб эрдим. Мирдин сўрдим, мундин Мағз теган кендга боратурған йўли не? Менга айтинг теб.

Келиб турған оқсақолли қари киши қичқира берди. Эй халқ ўғли пешиндин бери сизларға икки-уч каррат айтдим, менинг сўзумға инонмадингиз. Алҳамдулиллоҳ вал минна, менинг сўзум рост бўлди. Бизнинг шу кенднинг кишисининг ўнда бири Мағз йўлин билмас. Улуғ йўл бирлан кетмай, Мағиз йўлини бу киши не учун сўрай турур. Эй халқ ўғли бу киши ўзбекти (181 а) оҳнинг тутқунларидин турур. Бенддин чиқиб қочиб Самарқанд бора турур. Шу кун сабо мунинг кейининдин шоҳнинг қовғунчиси келур. Ҳар ким мунга от сотсангиз гуноҳкор бўлурсиз. Қўлингиздан келса

муни тутуб Бистомға ҳоким олдина олиб боринг! Агар келмаса мунга от берманг! — теди. Барчаси тожик сўзлайдур. Ҳеч туркий билур киши йўқ. Мен ҳам ироқ форсийсини айтаман. Мен айтдим: «Эй мунофиқ бир пешин вақтиндин бери юз ҳазхон ва бўҳтонни гумон бирла айтдинг. Мен тағофул уруб турдум, сени қўяр бўлғай теб. Сен турған сайин зиёда қилдинг, кам қилмадинг».

Мундин илгари айтдуқ, бир навкар мени бек қилиб қалин устунда ўлтуруб, олдинда бир йигит қўл қовуштириб турди, теб. Мағз йўлини сўрайтурғанимнинг маъноси ул ким Хуросондан шоҳға киши келди. Чиғотой Қандаҳарни қабади. Тақи ўтуб келиб Қалъаи баст устунда Ироқ ва Хуросон лашкари бирлан урушти-да, бости теб. Шоҳ ҳукм қилди: «Қулдин ва қурчидин киши қолмасун! Барчаси мададкор босун» — теб.

Ул ўлтурған кишини Муҳаммад Қулибек черкас дерлар. Юз бошидир. Мен асл исфаҳонли Ҳусайнийя маҳалласиндинман. Отам мен туқған вақтда (181 б) ўлубтур, онам бор. Аммо қарибтур. Уч йилдин бери Муҳаммад Қулибекка навкарман. Бек Хуросонға кетар бўлғанда, мен ҳам кетар бўлдум. Анда онам айтди, ўғлум отанг ўлганидин сўнг бир толиби илмни ўғул ўқундум, то сенга дуойи хайр қилғай теб. Ҳамиша аның озуқин бериб ва тўнин тикиб, кирин ювар эрдим. Бистомнинг Мағз отли кендиндинман дер эрди. Йигирма йил Исфаҳонда илм таҳсил қилиб қайтиб кетди. Ўзум ҳам билурман. Аввал ҳар йилда хати онамға борур эрди. Уч йилдин бери ҳеч хат хабари бормай турур. Онам айтди: «Сен нечук ўғул бўлсанг, ул мулло ҳам мендек ўғлум турур. Анинг эвига бор! Тирик бўлса хотин ва хабарин олиб кел. Ўлган бўлса, менинг учун фотиҳа ўқи. Агар муни қилмасанг, сенга сутумни баҳл қилман теди. Туна кун Муҳаммад Қулибекдин рухсат тиладим. Бор тедилар. Анинг учун сўрайтурурман Мағзнинг йўлини.

Мен бу сўзни айтқач турған жамоатнинг барчаси рост айтадур, икки йилдин хат юбормагани.

Уларнинг отдин йиқилдилар, оёқлари синиб эрди. Ушбу кунлар таёқ бирлан ташқари чиқиб, ичкари кирдилар. Азиз ва мутабаррик кишидурлар. Улар ҳамиша айта турғандурлар. Исфаҳонда бир ўғулли бева заифани она ўқундум. Йигирма йил менинг киримни юб, хизматимни қилди, теб. (182 а) Ҳамиша хат ва савғат юборатурғандурлар. Аларни мулла Шоҳ Али дерлар. Гумон қилатурған оқсоқолиға барчалари эътироз қилдилар. Ул киши менинг бу сўзум рост келгандин сўнг ҳеч дам урмай мулла Шоҳ Алининг баҳонаси бирлан тўғри йўлни яхши фароғат сурдум.

Кенднинг доруғасининг бир қули бор эркандур, кенд ичинда қўйған. Мени қочиб борудур теган оқсақолли киши қалъаға киши юборган эркандур. Икки отни олишиб, тақи бир отни олайин теб туруб эрдим, кейинимдин келиб фўтамдин бир киши тутуб тортди. Юзина боқмадим. Эй ўғри, шоҳнинг душмани теб тортди ва суйради. Юзина боқдим. Гуржи қул менга ҳазил қиламисен, йўқ эрса, ростингму турур? — тедим эрса, ростим турур теди.

Айтдим, «Бурнунгдин айрилайин теб турубсен. Ул ўлтурған черкас Юсуф ақанинг инилари Муҳаммад Қули юзбоши тегандур.

Бу чоққача ҳеч фарзанди бўлган эрмас турур. Шоҳ ҳукм қилди, чиғатой устина бор! — теб. Заифаси айтди: «Бу чоққача Машҳадда Имом қадамина борибсен. Биз худойи таолодин фарзанд тиласак теб, уч-тўрт каррат айтиб эрдим, сен қилмадинг. Эмди беминнат бора турурсен. Мени тақи олабор! Имомнинг остонасина (182 б) бош урайин теди. Ақа ҳарамларин ола келди. Ул вақтда йўл бирлан кўп тева, икки кажава ўтуб бора эрди. Қўлум бирлан кўрсатдим. Ул боратурган кўп тева бизнинг ақанинг тевалари турур. Яшил кажаба ҳарамлари. Янги сариқ кажаба бир хоссалари бордур, ани ҳам ола келиб турурлар, анингки турур. Оҳиста сўзла, ақа эшитмасун, эшитса, сени Бистом ҳокимнинг қатина олиб борур. Тақи бурнунгни ва қулоғингни кестурур, келиб орқамни қоқди. Мен сенга мутойиба қиламан. Қаҳринг келди. Кўп узр айтди. Тақи бориб бир табақ юзум келтуруб берди.

Андин сўнг нав йе-ган отни уч отға алишиб, тўғри йўлни яхши сўруб билиб эрдим. Шул йўлға тушуб юрий бердим. Келиб Хуросоннинг Маҳин теган кендиндин чиқтим, Маҳиндин қарардим. Қум этакинда икки овул кўрунди. Маҳиннинг кендининг ичинда бир овул кўрунди. Кенд ичиндаги эвларнинг чиғроқи Хуросонда ясаған. Қум этакинда ўлтурган эвларнинг чиғроқин туркман ясаған. Ани таниғандин сўнг қатимдақи йигитларга айтдим, қумда ўлтурган икки овул Абулхон ва ё Манқишлоқ туркандир. Кенд ичинда ўлтурган бир овул қизилбошға раъият бўлуб ўлтурган туркманлардандур. Эвиндин танийман. Шул икки овулға борали, (183 а) теб юрий бердим. Бир овулнинг олдина келдим. Бир ёш ўғлон чиқди. Не халқ турур бу ўлтурган халқ! — теб сўрдум. Қизилоёқмиз! — теди. Сиз Манқишлоқ ўлтурур эрдингиз не сабаб бўлуб мунда келдингиз? — теб сўрдим. Айтди: «Бизни қалмоқ чобти-да, молимиз ва бошимиздин аюрди. Қолганимиз пиёда ёш ўғлонларимизни орқамизға кўтаруб, уч йил бўлди, мунда келдук. Бу йил эв қилибмиз. Келгандин бери ола-чўб қилиб ўлтуруб эрдук».

Бу яқинда эл борму? Кимлар бор? — теб, сўрдим. Туркманнинг эрсари теган уруқининг ўзум танийтурган беш-олти кишининг отин тутди. Эвининг йироқлиқини икки фарсанг солиқ берди.

Ул вақтда эв эгаси келди. Андин хабар сўрдум. Ул ҳам шундақ теди. Андин сўнг хотиржам ул тарафдин жамъ бўлди ким, бу туркманлар, ул туркманлардин эрмас ким, мени тутуб қизилбошға бергай. Ўзумнинг ким эрканимни айтдим. Андин сўнг таниди. Тақи атрофда ўлтурган элларга хабар қилди. Барчаси йиғилиб келдилар, тақи айтдилар. Куз вақти эрди. «Бу қиш мунда турунг! Ёзи бирлан бир маслаҳат қилади». Қиш турдум. Баҳор бўлган сўнг бизнинг еримиз тор, қизилбош вилоятининг ичинда ўлтурубмиз теб, Абулхон тоғинда така халқи ўлтуруб эрди, анда боринг тедилар. (183 б)

Абулхон тоғина бориб икки йил така халқининг ичинда турдум. Андин кетиб Манқишлоқ бордим. Ул вақтда Манқишлоқ туркмани бузулуб етти юз эвлик қолиб, ул ҳам қалмоқға тобиъ бўлуб туруб эрди.

Қалмоқнинг подшоҳи менинг келганимни эшитиб, яхши киши-

ларини юбориб мени олиб борди-да, бир йил сақлаб Урганчда ўлтурган ўз халқимиз ичина юборди.

АБУЛҒОЗИХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ВА ХЕВАҚНИ ОЛҒАНИНИН ЗИКРИ

Тарих ҳижрий минг тақи эллик иккида, йилон йилинда юртимиз ва элимизга келдим. Олти ойдин сўнг йилқи йилининг аввалинда Асфандиёрхон вафот топди.

Асфандиёрхон ўлгандин бир йил сўнг Аму сувининг тенгизга қўйган еринда, ул ерни Орол дерлар эрди, тарих ҳижрий минг тақи эллик тўртда қўй йилининг аввалинда фақирни хон кўтардилар.

Андин икки йил бурун барс йилининг оёқинда, хутнинг аввалинда кичик инимиз Шариф Муҳаммад султон вафот топиб эрди.

Асфандиёрхондин икки ўғул қолиб эрди. Улуғининг оти Юшан султон, кичигининг оти Ашраф султон. Ал вақтда Имомқулихон ўлуб, иниси Надир Муҳаммадхон ақаси Имомқулихон ерига хон бўлуб эрди.

Биз туркмандин ақамизнинг ўғлонлари ва вилоятини тиладуқ, бермади. Тақи Надир Муҳаммадхоннинг (184 а) отина хутба ўқуб Ашраб султонни юборди. Биз ёв бўлуб Хевақни икки мартаба чобдуқ. Андин сўнг Надир Муҳаммадхон Хевақ бирлан Ҳазорасбга ҳоким юборди. Асфандиёрхоннинг ўғлун ва қизин ва кўчин кўчуруб олиб бориб Қаршида ўлтуртди. Хевақ бирлан Ҳазорасбнинг амалотини Асфандиёрхон кимга берган бўлса, Надир Муҳаммадхоннинг келган илғор беклари шул кишидан аюрмади. Илғар келганнинг барчаси ҳар қайсиси бир вилоятнинг ҳокими ва ё қурларнинг боши эрди. Ҳеч қайсисини билгулик муайян сен ҳоким бўл теб таъйин қилмай юбориб эрди. Ул сабабдин вилоятнинг амалоти ва ҳосили туркман қўлинда турди.

Биз Хевақни Оролдин отланиб келиб кўп чобдуқ. Бу воқеотдин беш ой ўтган сўнг Надир Муҳаммадхон Хисрав султон отли ўғлининг ўғли Қосим султон теганни Хевақға юборди. Ул ҳам Хевақнинг амалот ва маҳсулина ҳеч дахл қилмади. Бурунқидек туркман қўлинда турди. Қосим султон келди теб эшиткандин сўнг фақир Оролдин отланиб кеча юруб намоз вақти Хевақнинг дарвозасининг оғзинда Гандумкон теган кендина келиб чопўғул юбордим. Тақи айтдим, Тошкўприкдан нари кетганингиз Хонқоҳда (184 б) сув лабинда Оролдин кема келтуруб эрдук, кема турган ерга йиғилинг теб айтдим. Чопўғул кетди. Қатимда мени қараб юз яхши киши қолди. От етган садақсиз ёш ўғлон ва ёвға зарари тегмас, қари ва маъюб шундақ кишиндин юз киши қолди. Ортуқиси отларни ва қўшдақи нари-берини сақламоқ учун чопўғулнинг кейининдин бора эрдук, Хевақдин ёв чиқди. Хевақға келган улуғ ариқнинг шимол тарафинда биз юрдуқ. Қибла тарафиндин ёв юрди. Ев етмасдин илгари улуғ ариқдин ўтуб ёвға қарши юруб ясадуқ. Бизнинг яхши ёмонимиз уч юз киши юз йигирмаси садақли, ўзум пиёда бўлдум. Олтмиш киши менинг бирлан бирга тушди. Икки

юз садақсизни тўп ясов қилдим. Йигирми садақлини яровул, йигирма садақлини ўнг ясовнинг олдинда қўйдум. Йигирми садақлини сўл ясовнинг олдинда қўйдум. Мунлардин бошқа йигирми беш милтиқчимиз бор эрди, ўтган улуғ ариқ ўнг қўлинда бўлди. Милтиқчиларни пиёда қилдуқ. Онлар бориб бизнинг бирлан баробар турдилар. Биз ясаб бўлдуқ. Ул вақтда ёв етишди. Биздай бўлак-бўлак ясамади. Пиёда тушмади. Қўпликина орқа берди. Бир бўлак қаз қанати ясаб келди. Тақи турди. Қораси минг бор. Аммо (185 а) етти юз-саккиз юз совутли ва қуёқли ва чаҳор ойина ва дубулға бутлиқ ва тезлик кўзиндин ўзга очиқ ери йўқ. Шундақ кишиси бор. Бизда беш совутли киши бор. Ул беш йигит бизнинг эровулга чопти. Тойма баҳодир тойма теб қичқириб бизнинг бир-икки йигит бирлан санчишиб қайтди.

Ул қайтиб ерина бормасдин бурун, ўн беш киши чобти. Бизнинг эровул ани-да қайтарди. Ул қайтиб ерина борғанда юз киши чобти. Ул етмасдин бурун бизнинг эровул қочти. Тақи пиёда ичига кирди. Пиёданинг олди мен эрдим. Ўргатиб қўйиб эрдим. Ўзга пиёдаларға бир кўзингиз ёвда бўлса, бир кўзингиз менда бўлсун теб.

Ёв ўттуз қадам ерга келгунча ўлтурдим. Андин сўнг тура келиб келган кишиларни ўққа тутдуқ. Шул вақтда ариқ ичинда ётқан бизнинг милтиқчининг бир нечаси бизга чобқан ёвни отқулади ва бир нечаси ясовини бизга чопқон ёв аралаша билмади. Тутдуқ шабоға қоча берди. Кейининдин оҳиста-оҳиста юрурдук. Ўнг буйранчи, сўл буйранчи, эровул барчаси менинг олдимға келдилар. Биз пиёда юрудуқ. Туғини ариқ ичиндаги милтиқчи милтиққа тутди.

Биз отли ва пиёда ўққа тутдуқ. Ясов терина бошлади. Яна бир ўн қадам юргандин сўнг бузулуб (185 б) юрий берди, бизда отли киши йўқ, кейининдин юруб киши тушурмакка. Ёв қочиб Хевақға борғунча қараб турдуқ. Тақи андин отланиб Тошкўприк келдук. Тур теган ерда бир аламон йўқ. Андин сув лабина кема турған ерга келдук. Аломоннинг барчаси ўлжаси бирлан йигилиб турур ва бир нечаси эт пишуруб еб ўлтурур. Хони ва оқсоқоллари кўнглинда ва ёдинда йўқ. Ул кун сув лабинда ётдуқ. Сабо сувдин ўтуб, бир неча кундин сўнг эвга бордуқ.

Маълум бўлсин ким Абулғозихони жаннат макон бу китобни тасниф қилиб ярмиға (Барон Демезон нашрида «шул варақка» деб кўрсатилган) етканда хаста бўлдилар. Ул вақтда ўғулларига васият қилиб турурлар ким, бу китобни нотамом қўйманг, итмомиғига саъий қилинг. Ул сабабдин Абул Музаффар ал-Мансур Анушхон ибн Абулғозихон марҳум ва мағфурий бу бандаи бебизоат ва каминаи беиститоъатки Маҳмудий ибн Мулла Муҳаммад Замон Урганчий бўлғайман, бу китобни итмомға еткур деб ҳукм қилдилар. Агарчи банда бу амри мушкилга лойиқ ва сазовор эрмас эрдим, андағ ҳам бўлса, бу ҳадиси набавийки, ал-маъмуру маъзурун турур, анинг мазмуниға амал қилиб, бу шаҳаншоҳи олий жоҳ ҳукми бирлан билганимга лойиқ бу китобнинг итмомиға таважжиҳ қилдим.

Надир Муҳаммадхон Қосим султонни ёниндақи беклари бир-

лан чақиртуруб Бухороға элтди. Тақи (186 а) Якуб Тавсат бошлиқ бир неча халқни Хоразмға юборди. Ул келгандин сўнг хони жаннати макон яна Хевақни чобти.

Якуб Тавсат анга рў-барў бўла билмай боқиб қолди. Алқисса Бухоронинг беклари Надирхон бирлан ёмон бўлуб, Надирхонни Бухородин қавлаб юбордилар ва Надирхоннинг улуғ ўғли Абдулазизхонни Бухорода хон қилдилар. Надирхоннинг Хевақда турған халқи Хевақни ташлаб қочиб кетдилар.

Андин сўнг хони жаннатмакон Оролдин лашкар бирлан тарих минг эллик тўртда, товуқ йилининг аввалинда отланиб келиб Хевақға кирдилар. Ота юртиға эга бўлдилар. Тақи ҳар ерда қочған ва бусған туркман бўлса қайтиб келсун, қолғанларнинг қонини ўтдум, теб мунодий қилдурдилар.

Ул вақтда туркман Ғулом баҳодир ва Динмуҳаммад ўнбеги ва Ўрус ўнбеги теган сардорлари бор эрди. Булар кўп туркманни эви эли бирлан олиб қочиб Ҳазорасбнинг ортиндақи қумларда ўлтуруб эрдилар. Буларнинг жонсуси хоннинг мунодий қилдурғани эшитиб бориб, ул туркманларға хабар бериб турур.

Андин сўнг ул туркманларнинг беш олти оқсақоли келиб хонни кўрдилар. Тақи арз қилдилар ким бизнинг сиздин ўзга эгамиз йўқ ва борур еримиз йўқ, теб (186 б) Хони жаннати макон ҳам айтдилар ким, биз ҳам сиз халқнинг гуноҳини ўтдук. Борған борди ва қолған қолди, теб.

Тақи ул ким биз Ҳазорасбга бора турурмиз. Оқсақоллар бошлиқ тамом халқингиз бирлан келиб бизни кўруб инъом ва суюрғалимизни олинг тедилар. Тақи бир неча кундин сўнг хон Ҳазорасб отланиб бордилар. Ҳазорасбнинг қалъасининг ташқарисига бир майдон ерда чодир тутиб ўлтирдилар. Туркманларнинг оқсақолларға айтдилар ким, тангла улуғ ош берурмиз, сиз халқ тева эранни ва қаттиқ йиғиб олиб келинг, тедилар.

Алар ҳам, хуш бўлғай теб, эвларига қайтиб кетдилар. Сабоҳ бўлғанда туркманлар гуруҳ-гуруҳ кела бошладилар.

Аммо Хони жаннатмакон кенгаш қилиб эрдилар ким, туркман яхши йиғилгандин сўнг туркманга от тортар паллада қўл қўёлиқ теб, туркман яхши йиғилгандин сўнг туркманға қўл қўйдилар. Ул ерда минг-икки минг туркманни ўлтурдилар. Тақи отланиб туркманнинг уйини чопиб ўғлон-ушоқини ўлжа ва асир қилиб фатҳ ва нусрат бирлан қайтиб Хевақ тушдилар.

ХОНИ ЖАННАТМАКОННИНГ ЙИМРАЙЛИ ВА САРИҚ ХАЛҚИНИ БОРИБ ОЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг йилон йили йимрайли халқини бориб Кўжота теган ерда топиб чоптилар. Ул халқни ўлжа ва асир қилиб қайтиб Динор теган қудуқнинг устунда тушдилар. Боякбор сариқ халқи билмай етиб келдилар. Тангрининг инояти бирлан буларни ҳам ўғлон-ушоқи ва моли бирлан олди. Тақи нусрат бирлан қайтиб Хевақ туштилар. Андин сўнг туркманни кўп бориб чопдилар. Ҳар борғанда кўп ўлжа бирлан келдилар. Анинг тамомини баён қилсак сўз узоқ бўла турур. Анинг учун мухтасар қилдуқ.

Мирзо Бедил

Мирзо Абдулқодир Бедил (1644—1721) Шарқнинг машҳур адиби, файласуф ва шоирдир. У аслида шаҳрисабзлик ўзбеклар қабиласидан келиб чиққан бўлиб, Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида дунёга келади. Мирзо Бедил ёшлигиданоқ шеър битишга ҳавас қўяди, форс-тожик ва араб тилларини ўрганади. У мадрасада таҳсил кўради. Лекин мадрасада фақат илоҳий фанларни ўқитилиши унга ёқмайди. Бедил у ердан кетиб, мустақил равишда ўз билимини оширади, ўша даврнинг машҳур олимларидан таълим олади.

Мирзо Бедил ёшлигида тасаввуф оқими таъсирида бўлади, лекин кейинчалик бу йўлдан қайтади. Бедил халқ ҳаётини чуқур ўрганади, бутун Ҳиндистонни айланиб чиқади, ерли аҳолининг турмуш тарзи, урф-одати билан яқиндан танишади. Айниқса, у кишилар ўртасидаги келишмовчилик, жанжал ва низоларнинг гувоҳи бўлади; «деҳқон, ҳунарманд, косиб табақаларининг машаққатли меҳнати, оғир зулм остида инграши уни ҳаяжонлантиради» (Иброҳим Мўминов, Мирзо Бедил, Тошкент, 1974, 17-бет).

Мирзо Бедил ҳаёти ва ижоди мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитга тўғри келиб, зиддиятларга бой ва синфий курашнинг кескинлашган даври эди. У бобурийлар сулоласига мансуб Шоҳ Жаҳон (1628—1658) ва Аврангзеб (1658—1707) ҳокимлик қилган даврда яшаб ижод этди.

Бу даврда Оврўпа мамлакатларининг Ҳиндистонни мустамлакага айлантириш учун ҳаракатлари кучаяётган эди. Иккинчи томондан, Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кучайиб бормоқда эди. Бедил Марказий Осиё олим ва шоирлари, санъат намоёндалари билан мустаҳкам алоқада бўлди.

Мирзо Бедил дунёқарашининг камол топишида ўтмиш мутафаккирларининг илмий ва адабий мероси муҳим роль ўйнади. Хусусан, — у қадимги Юнонистон файласуфлари, айниқса, Аристотель дунёқарашидан баҳраманд бўлди, Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон, Арабистон шоирлари, Низомий, Саъдий, Жомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Навоийларнинг асарларини мутолаа қилди.

Бедил сермаҳсул мутафаккир бўлиб, адабиёт ва фалсафа соҳасида баракали ижод килган. Унинг муҳим асарлари «Куллиёти»дан жой олган бўлиб, унда 16 та рисола берилган. Бедил «Чор унсур» («Тўрт унсур»), «Ирфон» («Билим»), «Комде ва Мудан», «Нукот» («Ҳикматли сўзлар») ҳамда «Рубоиёт», «Ғазалиёт» тўпламларининг муаллифидир.

Бедилнинг фикр доираси кенг бўлиб, асарлари материя, руҳ, шакл, гносеология, жамият ва унинг ривожланиш йўллари, инсонпарварлик, таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларига бағишланган.

Бедил ўз асарларида инсон ва унинг энг юксак фазилатларини тасвирлади, унинг бахт-саодатга эришиши йўллари ҳақида, ўша даврда мавжуд салбий иллатларни йўқотиш, хусусан мусулмон ва ҳиндлар ўртасидаги адоватни бартараф этиш тўғрисида сўз юритди.

Бедил «Чор унсур», «Нукот», «Ирфон» ва бошқа асарларида тўрт унсур: ҳаво, сув, ер ва олов ҳамда органик ва неорганик дунёнинг эволюцияси ҳақида илғор фикрларни ўртага ташлайди.

Бедил таносух-рухнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиб юриши ҳақидаги назарияга ўзининг салбий муносабатини билдиради. Ўша даврда ҳиндлар орасида бу ақида кенг тарқалган эди. Оилада эркак вафот қилса, одат бўйича унинг хотини ҳам ўзини гулханга ташлар эди. Руҳнинг кўчиб юриши тўғрисидаги фикрга **ҳиндлар эътиқод қўйган эди.** Гарчи Бедил **бу** урф-одатни зарарли эканлиги ҳақида кўп гапирган бўлса-да, бундай ақида таъсиридан тўла қутула олмади.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Бедилнинг бой адабий мероси, асарлари фақат Ҳиндистонда эмас, балки Марказий Осиёда ҳам кенг тарқалди. Бу ерда Бедил шеърларини ёддан айтиб берувчилар — «Бедилхонлар» пайдо бўлди. Илғор руҳдаги мутафаккирлар, хусусан, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Аваз ва бошқалар унинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаландилар. Бедилнинг бой ижодий мероси ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган, у халққа хизмат қилмоқда.

РУБОИЙЛАР

Ҳар нарсада англа асосу нисбат,
Сўнгра фаҳм эт надур маънию сурат
Одам хўкиз эмиш, балиққа минган,
Балиқ ҳаводамиш... Қани ҳақиқат?

* * *

Беш кунлик умринг бу нотинч оламдан,
Тинч ўтар сен ўзинг қилган малҳамдан.
Мазҳабу миллатдан излагил одоб,
Яхши хулқ излагил ҳар илму фандан.

* * *

Эй, инсон дил кабоби тафтига ёпгувчи нон,
Сув қилмасму бу зулминг хижолати шул замон.
Бир ялам асал сенинг оғзингга теккунча,
Юзлаб хоналар вайрон, ҳалокатда минглаб жон.

* * *

Маст-аластлигимиз асоси карам,
Баланд-пастлигимиз асоси карам
Борлиқ ўзгариши дерлар ўлимни,
Йўқолмаслигимиз асоси карам.

* * *

Киши табиати фош этса идрок,
Фақат яхшиликка этар иштирок.

Илмдан бебаҳра қолади таъби
Бад феълидан кечиб бўлолмаса пок.

* * *

Бу дунёда кўпдир жаҳолат,
Ким ақлу илм деса, чекар надомат.
Ҳар томонда фақат айиқлар рақси,
Устара бер, олам жун босган ғоят.

* * *

Бу дунёда қандай нақшки жилвагар,
Тасаввур гулзори беҳишти назар.
Ўзимиздан барча яхши-ёмонлиқ,
Қўзгуда кўрганинг ўзингдан ахтар.

* * *

То фазлу ҳунар-ла безанмай инсон,
Бирон бахт эшиги очилмиш қачон.
Жавҳар билан темир бўлади пўлат,
Илмсиз ўз жинсидан чиқмоғи гумон.

* * *

Билки тузалмоқчи бўлса ҳам олчоқ,
Макруҳлиги асти бўлмагай одоқ.
Ғусул, таҳоратдан унга не фойда,
Ит ҳўл бўлса бўлур яна ифлосроқ.

* * *

Халқ ичинда сен золимлик номин олма,
Ожизларга зулм кўрсатиб, жонин олма.
Очлигингдан ўлганда ҳам зинҳор,зинҳор,
Чумолининг оғзидаги донин олма.

* * *

Сирлар оламида дарвеш, бадавлат,
Қидирмоқчи бўлди қайда ҳақиқат,
Неча вақт ёлқиндек қанот қоқди-ю,
Кул бўлиб нафаси ўчди оқибат.

* * *

Эй ақл, жаҳлга сен боб бўлмагил,
Мол-дунё йиғишга асбоб бўлмагил.
Илдизинг булутдан сероб чоғида,
Сув марказига интил, хубоб бўлмагил.

* * *

Бедил, баландликда ўйна басма-бас,
Кишиларга қайтиш то сўнгги нафас.

Табиатингда бу ожизлик билан
Худо бўлолмайсан, Одам бўлсанг бас.

* * *

Мард касбу корига бўлса ахлоқ ёр,
Қиндин тиғ чиқармоқ унинг учун ор.
Табассум билан иш топса саранжом,
Тириштира кўрма пешонанг зинҳор.

* * *

Шайх бўлсанг ҳеч кимга сен ҳукм қилма,
Одоб сарриштасин асло гум қилма,
Халқ ҳузурига бор тўғри ва ҳалол,
Терс борма соқолни мисли дум қилма.

* * *

Ёмонга эргашиб бормагил, мабод,
Ишингга етмасин айшидан фасод.
Топ-тоза сутдан ҳам пишлоқ қилганда
Бол уяси ундан бўлади бунёд.

* * *

«Ер, олов ва сувни бирга қўшди, суратлантирди, ер, сув, олов қўшилишидан жамод — ғайри органик табиат бўлиб, ундан набобот келиб чиқади. Ўсимликнинг ривожи билан ҳайвон вужудга келди ҳам сўзлашликка ўрганиб инсон пайдо бўлди».

* * *

«Маълум бўлсинки, жисм — нарсалар таркибида заррачалар (қисмлар) ўзгариб туради, натижада янги нарсалар келиб чиқади, бу ҳайратга солувчи сирли ҳодиса зарурият ҳукми билан бўлади, бу — зарурият нарсаларнинг ўзида ва уларнинг ўзаро муносабатларида мавжуддир. Масалан, ёғ, пилик ва олов бирлашиб, зарурият ҳукми билан ёруғлик беради. Узоқ вақт яшаш ва овқатланиш натижасида ҳайвонлар қорнида тошчалар тўпланар эмиш, бу ҳам ихтиёрсиз, зарурият орқасидандир. Буғланиш туфайли ёмғир ёғади ва ҳоказолар».

* * *

«Шаклларсиз материя мундарижаси кўринмайди. Материя пардани очмаса, шакллар ифодаланмайди. Материя шакллар жаҳонида яшириндир. Шакллар материяда имконият ҳолатидадир. Агар материя шаклларсиз бўлса, шакллар қаёқдан келиб чиқади ва агар материя қудрат кийимидан яланғоч (ори) бўлса, шаклни ким кияди».

* * *

«Жисмлардан ташқарида руҳлар олами бор дейиш нотўғридир. Жисмлар оламини руҳларсиз тушуниш ҳам тўғри эмасдир.

Кўза кайфияти лойда бўлганидан, жисмларнинг келиб чиқишларидан аввал руҳ, ҳақиқатда яширин деб тушуниш керак. Ва ҳаёл суратлари мияда бўлганидек, руҳни келиб чиққанидан кейин жисмлар ичида кўриш лозим».

«Нормал овқат ейилмаса, бу кучлар қувватсизланади, меҳнат қобилиятини йўқотади. Масалан, тарки дунё қилганлар (мистиклар), гадой руҳонийлар ўзларини азоб-уқубат чекишга мажбур қиладилар, ўз таналарини мурдага айлантириб, бу дунёдаги ҳамма ноз-неъматлардан воз кечадилар, ана шулар натижасида уларнинг руҳлари сўнади, бундай кишиларнинг кўз олдиларида ҳар хил афсонавий нарсалар: парилар, ажиналар гавдаланади, бунинг натижасида улар ақлдан озадилар, жинни бўлиб қоладилар, худди ёғи озайиб бориб, бирдан ялт этиб, сўнгра ўчиб қолувчи шам сингари ўладилар».

* * *

«Илм ҳикматни келтириб чиқарди. Ҳикмат — фалсафа эса илм сирларини бутун дунёга ёйди. Илм ва фалсафа мақсад эмас, балки уларнинг қудратини сўзлаш муддаомдир. Олим ёки файласуфманми, барибир мен унга таслим бўлишни касб қилганман».

* * *

«Илм инсоният гавҳаридир».

Турди Фароғий

(XVII аср бошлари, Бухоро—1700—Хўжанд)

Машҳур ўзбек шоири, маърифатчиси. Унинг ҳаёти Бухорода Аштархонийлар хонадонидан бўлган хонлар Нодир Муҳаммад, Абдулазиз ва Субхонқулихон даврига (1640—1704 йиллар), Марказий Осиёда феодал тарқоқлик, ўзаро урушлар авж олиб, уч мустақил хонликка бўлиниб кетган даврга тўғри келди.

Шоир умрининг сўнггида саройдан кетиб, қашшоқликда яшаган ва сарсон-саргардонликда 1699 ёки 1700 йилда вафот этган.

Турдининг ижодида сатира, танқид, Субхонқули ўрнатган адолатсиз тартибларни қўпориш учун кураш майллари, умрининг охирида эса руҳий тушкун ва сўфиёна кайфиятлари етакчи бўлган. У бир томондан Саъдий, Ҳофиз каби форс-тожик бадийяти салафларига эргашган бўлса-да, бошқа томондан, қисман Фузулий ижодий таъсирида бўлган. Унинг қарашларида ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва илм-фанни улуғлаш ғоялари, таълим-тарбияга оид ўгитлар асосий роль ўйнаган.

Ундан 434 мисрадан иборат 18 та ўзбекча ва тожикча (фақат 37 мисрасигина тожикча) шеърлар қўлёзмасининг икки хил муқо-

били бизгача етиб келган. (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв: № 1962, 1407) ва улар асосида Турди асарлари матни профессор А. Ҳ. Ҳайитметов томонидан қайта тикланган ҳамда нашр этилган (Турди. Шеърлар, Т., «Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1971).

ТУРДИ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Илму фан, аҳли дониш ҳақида

... Хор ўлди уламову фузало, аҳли виқор
Қўрдингизким юрт иши топти на ерларда қарор?
... Хон эшигида киши соҳиби фан,
Бор бир неча суқум қайди махзи гардан...

Ижтимоий-сиёсий танқид, адолат ва даврдан нолиш ҳақида

... Рўзи аввал дарду ғамдин хилқати обу гилим,
Пора-пора бағриму қондин яротилғон дилим,
Ҳеч йўқ ғайри пушаймонликдин ўзга ҳосилим,
Роҳи селоби ҳаводисга мақомим, манзилим,
Риштадек минг печу тоб чашми сузандин ўтар,
Вовужуди эътибори чашми мардум Турдиман...
... Жойи осойиш эмас ҳеч нима бу кўҳна равоқ,
Ёғдурур бошимга санги жафо, гарди фироқ.
Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама бошу оёқ,
Мулкдин адлу карам кетти, келиб кайну нифоқ,
... Бидъати зулм анинг хилқати асли зоти,
Юртни бузди ҳавола билан таклифоти,
Олди бу расми барот ила тасдиқоти,
Бор мундин шарафи мурдашуй исқоти,
Тўра ўғли ичида йўқ мунидек истиқоқ...
... Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини.
Ғасб ила молин олиб, қўймадинглар битини,
Қамчилар доғ солиб бўюнга тилиб бетини,
Ердингиз заҳрасини (ичидан) олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошидин ҳеч таёқ.
Беклар ўлди ҳаромзодалар нософи,
Бемаҳосил, гала номард, қалин наддофи,
Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,
Буларнинг олдида бордур бўрининг инсофи,
Бу аламдин кетайин бош олиб мулки Ироқ...
... Етмадим ҳеч ера бу қофия паймолигдин,
Дод, юз дод, ғариблик танҳолигдин,
Кўрмадим манфаати беҳуда савдолигдин,
Йўқ (сўққа бошимдин) ўзга манга дунёлигдин,
Қош ул гарзанлар солса қуруқ сўзга қулоқ...

... Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўп зору наҳиф,
Зулмдин бўлди раият эликим, хору заиф,
Соли тарихини этдим чу хираддин таклиф.
Деди: «Дин» бошдин оёқдин тушуб «ислом заиф»
Даври Субхонқули жобир, умароси япалоқ.

Сўфийлик ва зоҳидлик ҳақида

... Оҳ, бу ҳасрат асоси қўҳна коҳи бесукун,
Водийи дорил-туруру маскани макру фусун,
Ҳеч билдингми на элттилар келиб, сандин бурун,
Қўймағил омадийи танглога сарф этгил букун,
Қилма беҳуда ҳавою, ҳавосу, чуну чанд,
Тўғри йўлни тиласанг, ўз бу саройдин пайванд.
Фақр қўйнида гадо нонига ўлғил хурсанд,
Ўзингдан сўнграги фарзандинга бергил бу панд.
«Ема зинҳор бу тезак, ўрсанг ўроқ или бошоқ».

Одил жамият ва подшо тўғрисида

Шоҳлиг улдурки, анинг ҳукму сўзи бир керак,
Адл бобини кўруб, рост нишон тийр керак,
Рострав, дини дуруст пешаси тадбир керак...
Қани бир хисрави одилки, анга дод этсам.
Сўрса аҳволими, ғам хирмонини обод этсам,
Ким бузулғай дили вайронани обод этсам.

Ўзбеклик, миллий бирлик, уюшишга чақирувчи ғоялар

... Эй юзи қаро, кўзи кўр, қулоғи кар беклар
Билингиз бу сўзумни панд саросар, беклар,
Айлангиз пайрави шаръи паямбар, беклар,
Сизга даркор бу юрт, эй гала зангир беклар,
Бу қадим эрур: «Эй работ—тура қўноқ»...
... Тор кўнгуллук беклар ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг,
Бирни қипчоқу, хитою, бирни юз, найман деманг,
Қирқу, юз, минг сон бўлиб бир жон ойинлик қилинг,
Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнга кириб,
Бир унгунлик, бир тиризлик, бир яқо енглик қилинг.
Ким куюбдур, ухдайи ўз мулкунгиздан чиқмайин,
Икки, уч, тўрт даъвосин этмакни кутахлик қилинг.
Мардлар майдон чекиб, рангин кўтариб захмлар,
Сизга йўқ ул жавҳару юзга упо-элик қилинг.
... Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк,
Фитнаи авбош зулму куфру тугендур бу мулк.
Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор,
Мутлақо кирдори хайли кофиристондур бу мулк.

Дур аҳду танг чашму бесару яъжуж ваз,
Мухталиф мазҳаб гуруҳи Ўзбекистондур бу мулк...
... Мусулмон бўлма асло ҳеч мазҳаб йўлида ўзбак,
Буларнинг куфрига билиттифоқи жумла йўқтур шак
На мазҳуб қайси дин ўз мулкин ўзи хароб этгай?
Кўриб масжидга чиқмак бирла қўймас гўнг емакни сак.

Роқим

(1742—1825)

Роқим ўз даврининг етук маърифатпарвар шоири бўлиш билан бирга, у мактабда талабаларга дарс ҳам берган. Шоир мактабнинг илму маърифат тарқатишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, бу йўлда устоз шогирдларининг келажагини ўйлаб, улар илмни пухта эгаллашда кўмаклашиш ва меҳр-оқибатли бўлиш лозимлигини уқтиради.

Роқим устоз (муаллиф) ва шогирд (ўқувчи)ларнинг ўзаро муносабатига тўхталаркан, кимки устозига ихлос қўйиб, уни ҳурмат-иззат қилса, албатта, ўз мақсадига эришади, агар устозини таққир этса, у хору зор бўлади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, у ёшларни ҳар бир мушкул ишни ҳал эта оладиган қобилиятга эга бўлиш учун илм-ҳикмат йўлидан боришга ва устозу донишмандлар суҳбатидан баҳраманд бўлишга даъват этади.

Роқим таълим масаласига тўхталиб, ўтилганларни қайта-қайта такрорлашга, китоб мутолаасига, дарс мазмунига, боланинг ақлидроки ва зеҳнини ўткирлаштиришга алоҳида эътибор беради.

Роқим ўз асарларида ёшларни камтар, саҳий, софдил, аҳилиноқ, эл-юртга садоқатли бўлишга чақиради. У сўз одоби ва унинг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб, сўзга доимо зебу зийнат бериш кераклигини, шундагина сўз латофати, мазмуни, нозиклиги ва таъсирчанлиги билан кишиларга абадий ҳаёт бағишловчи восита бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Роқим ўз асарларида олижаноб инсонпарварлик ғояларини илгари суриш билан бирга мағрурлик, такаббурлик, худбинлик, мунофиқлик, риёкорлик каби хатти-ҳаракатли кишиларнинг феъл-атворларини кескин қоралайди.

РОҚИМ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Пок этиб қалбларини берибон,
Ҳомийи ҳолларин Аҳмади мухтор айла,
Қалъаи илмни фатҳ этмак учун зиҳинларин,
Зулфиқори дудами ҳайдари қарор айла.
Ҳар замон еткарубон файзи футухи оламидин,
Илм ошколидин онларни хабардор айла.
Шафқату марҳамату лутфинг этиб арзона,
Донишу фаҳму фаросатға сазовор айла.

Кундуз оқшомғача таҳсил улум ичра қилиб,
Кеча тонг отғунча ёдинг била бедор айла.
Барҳо лавҳу лаъбидин тутиб онларни йироқ,
Ҳам ҳаво бирла ҳавасдин доғи безор айла.
Тобмасун қадрлари аҳли жаҳон ичра касод,
Кунда хизматлариға элни харидор айла.
Кўтариб жаҳл ғуборини алар кўнглидин,
Илм нуридин они ойина кирдор айла.
Раҳм этиб Роқими бечорага ҳар кун рўзи,
Ҳоки васлидин неъмати дийдор айла.

Муроди бўлмаса ўғли муроди,
Атонинг бермагил, ёраб, муродин.
Недин ким ҳақ ризосин истар ул ибн,
Кечиб билгил жами мосиводин.
Ато қилса мунинг аксини бехост,
Тила ҳақдин атонинг хайрбодин.

* * *

Кимки устозиға ихлос ила иззат қилса,
Ҳақ онинг манзилини жаннати ризвон айлар.
Жаҳлдин қаҳр ила устодини таҳқир этган,
Дўзах ўтида тану жонини бирён айлар.

* * *

Қилиб сайр, кезмак ҳавас айламанг,
Замон ўқимоқни бас айламанг.
Ўзингизга роҳатни айлаб ҳаром,
Бўлунглар риёзат била субҳу шом.

* * *

Қилиб ғайрату рангу номус ор,
Этинг илм таҳсилини ихтиёр...

* * *

Билиб дарсингиз, такрор ўқунг,
Ўқунглар, ўқунглар, ўқунглар, ўқунг,
Ҳавоу ҳавасларни айлаб раҳо.
Сабоқларни такрор этинг борҳо.

* * *

Масалдур, сабоқ, бир агар бўлса ҳарф,
Ўқимоқ керак они ҳар кунда алф.
Қилинг борҳо қунт бирла жадал,
Ғанимат маҳалдур, ғанимат маҳал,
Ҳаял айламанглар ўқурни муттасил,
Ўтар кўз юмуб очғунча ойу йил.

* * *

Китобат дил очар ҳамсуҳбат эмиш,
Улуғлар бу сўзни на яхши демиш.

* * *

Агар бор эрса ақлинг сарф қил умрингни жойиға,
Қулоқ солма риё аҳли фиғони бирла войиға.

Роқим, гар одам эрсанг, кўп бўлмоғил ҳавойи,
Қилма ўзунгни зинҳор зуд аҳлидек риёйи.
Агар бор эрса ҳушинг мустамеъ бўл,
Кўнгулни жам этиб ҳар мажародин.

* * *

Етти йилдур ғурбат ичра қон ютуб лайлу наҳор,
Айрилиб хешу таборимдин юрурман хору зор.
Не манга бор ёр ҳамдам, не манга бир ғамғусор,
Оҳким, бағримни қон андуҳу айлади.
Ақлу хушу сабру оромумни ғорат айлади,
Хонумондин айриб беайшу ишрат айлади.

* * *

Одам эрсанг бил ўзингдин илгари ҳар кимсани,
Бўл мулойим кўб ғурур этма қилиб бизга ситам.

* * *

Оқил эрсанг даҳр золи бирла бўлма ошно,
Ошно бўлсанг қилур юз минг балоға мубтало.

* * *

Келки сенсиз юз туман меҳнат менга бўлмиш насиб,
Мунча меҳнат жонима кўруб раво келмасмусен.
Дарду меҳнат била ўлсам тутунглар маъзур...

* * *

Қабул айла сўзумни, эшит насиҳат сен,
Хуш эт кўнгулни тутуб ёр бирла улфат сен,
Жаҳон уйи аро меҳмон неча фурсат сен,
Висоли дўст ғанимат, ўзунг ғанимат сен,
Ки, ҳар нечук қилибон бўлма ёрдан айру.

* * *

Сенга насиҳатим будур, талъат шум рақибни,
Қилма ўзуғға ошно баҳри худо жикки-жикки.

* * *

Таъмани тарк қилмай иззат истар халқдин ҳар ким,
Бўлур бу феълдин албатта ҳар оҳиста-оҳиста.

Муҳаммадниёз Нишотий

XVIII аср некбин ва мумтоз адабиётининг Хоразмдаги энг йирик вакилларидан бири Муҳаммадниёз Нишотийдир. У ўзининг лирик ва эпик асарлари билан бу давр адабиётида катта ўрин эгаллайди.

Нишотий даҳо шоирлардан Алишер Навоий ва Фузулийларни ўзининг устози, деб билади. Шунинг учун унинг шеърларида Навоий ҳамда Фузулийларнинг бадиий услуби сезилиб туради. Шоир устозларининг бир қанча шеърларига тахмислар боғлади, уларнинг (айниқса, Навоий) «хамса» чиликдаги анъаналарини давом эттириб, ўзининг машҳур «Ҳусну Дил» достонини яратди.

Шоир Нишотий «Ҳусну Дил» достонида Қайқубод, Навдар, Тахмурас, Тур, Бижон, Нўширвон, Фаридун, Қайковус, Хисрав, Ҳусайн Бойқаро каби образларни келтириб, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларнинг бу соҳадаги анъаналарини давом эттирганини таъкидлайди.

Достонда покиза муҳаббат билан бир қаторда кўркам ахлоқ-одоб, маънавий камолот, дўстлик каби тарбиявий ғоялар илгари сурилган. Бир-бировга садоқат, меҳр-оқибат, диёнат сингари олижаноб фазилатлар лирик қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига, муомала-муносабатига сингдириб юборилган.

Нишотий «Қушлар мунозараси» номли асар яратиб, ўзбек адабиётида рамзийлик анъанасини ривожлантиришга ҳисса қўшди. «Ҳусну Дил» достони таркибидаги «Шаҳбоз ва Булбул», «Гул ва Даф», «Най ва Шамшод», «Косаи чин ва Наргис», «Бинафша ва Чанг» каби асарлари билан бирга «Қушлар мунозараси» асарига жамланган битиклар Нишотийни ҳақли равишда мунозара жанрининг устаси деб аташга ҳуқуқ беради.

«Қушлар мунозараси» асарида 14 хил қушнинг ўзаро баҳслашуви орқали шоир замонасидаги айрим ҳукмдорларнинг худбинлиги, мақтанчоқлиги, мансабпарастлиги очиб берилади. Камтарлик, адолат ва диёнат, яхшилик ва эзгулик улуғланади. Бу ахлоқий-дидактик характердаги асардир.

НИШОТИЙ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ақлинг бўлса агар санга раҳнамун,
Жисминг аро жон эрур ул кофу нун.

Ҳар кишиким куфриғадур муътариф,
Ўз тилидан куфрғадур муттасиф.

Сўздин эрур борчасига тору пуд,
Хоҳ адам бўлсину хоҳи вужуд.

Сўздин экан руҳи равон ҳам санга,
Жону тану тобу тавон ҳам санга.

Гавҳари сўз балки эрур жонға жон,
Билки эрур лаҳжам жононға жон.

Сўзки малоҳат била марғуб эрур,
Зийнат анга бўлса агар хўб эрур.

Қоматини нутқи равондин қилур,
Хулла анга пардан жондин қилур.

Қимки ямон сўзни дер, инсон эмас,
Сўзки ямондир, они ҳайвон демас.

Мундин эрур соқий ўшул нотавон,
Яхши дей олмас, доғи демас ёмон.

Яхшисидур шоҳиди воловатож,
Тангри каломи боши устида тож.

Қавлинга гар лийнат эса, бегумон,
Чиқғусидур отини ташлаб йилон.

Қатуғ ирик десанг этиб қаҳру кин,
Динини тарк айлагуси аҳли дин.

Яхши киши гар деса андоқ калом,
Ният эса анча чу рабту низом.

Бўлғай анингдекки лаби жонфидо,
Дард элига нуқта дегай дилкушо.

Мундин эрур аники дерлар Масиҳ,
Сўз била тургузди ўлукни сариҳ.

Ҳар киши сўз бикрини пайдо қилур,
Бошдин оёқ зеб ҳувайдо қилур.

Чеҳрасин анинг била рангин этар,
Қошига бу дудани тазйин этар.

Ўйла сўзинг бўлғусидир дилнишин,
Аҳли ҳақиқат топиб ундин наво,
Хайли мажоз ани кўруб хушнаво,
Иккисининг кўнглиға марғуб ўлуб,
Икки жаҳон аҳлиға матлуб ўлуб.

Токи сенинг сўзингга бўлғай ривож,
Икки жаҳон қилғай ани бошға тож.

Ҳар киши ўз таъбича иншо қилур,
Маънилик сўз эл аро пайдо қилур,
Аҳли сухан чунки эрур кимё,
Туфроқи зар янглиғ этар хушнамо.

Мантиқ эли қилғонида жонда фарқ,
Қилдилар ҳайвон била инсонда фарқ.

Насл иладур оламаро зебу зайн,
Мундин отин деди улус нари айн.

Бўлмаса гар дийдаи оламда нур,
Маҳз алам бўлғусидир беҳусур.

Ул кишиким таъби бор эрса салим,
Ақлу хирод бўлса анга мустақим.
Илму амалдин бўлубон баҳравар,
Гулшани қудс ичра бўлур жилвагар.

Илм элининг васфи жаҳондин фузун,
Ҳарна гумон айласанг ондин фузун.

Илм зулоли била эҳё қилур,
Кўнглини ул дур била дарё қилур.

Ул доғи касб этгуси андоқ ҳаёт,
Ким анга йўқ зарраи биймн мамот.

Икки жаҳон ичра бўлуб зиндадил,
Мунда-у, анда бўлур ул юз қизил.

Кимдаки йўқ жавҳари идроки илм,
Кўнгли эмас ойинайи поки илм.

Водийи ғурбат аро қўйди қадам,
Ҳамқадам анга ғаму камдан-кам.

Киши бўлмаса гар аҳли жаҳонга керак,
Ул бўлмағусидир жавҳари жонға керак.

Элга бериб роҳат ўзи ранжкаш,
Мулкситон тождеҳу ганжбахш.

Мушкни гар сақласанг элдин ниҳон,
Қилғусидур иси ўқ они аён.

Мушк ила ишқ бўлмағуси ёшурун,
Аён этар ўт бор эканин унутма.

Ғийбат эрур, деди, зинодин ёмон.

Махмур

(Тахминан 1775, Қўқон—1844 йил, Қўқон)

Махмурнинг асли исми Маҳмуд ибн Мулла Шермуҳаммад Акмал шоир ўғли, зуллисонайн (ўзбек ва форсигўй) шоир ва мутафаккир. Бутун умрини Қўқонда муқим ўтказиб, аҳён-аҳёндагина Фарғона водийси қишлоқларида, Хапалак каби, шунингдек Хўжанд атрофи вилоятлари, Қароқчиқум, Қурама, Ашт ва бошқа жойларда саёҳатларда бўлган.

Ўзбек адабиётининг етук шоири ўз асарлари билан ўзбек адабий тилининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Ўзбек адабиёти халқ демократик йўналишининг шаклланиши, кучайишида, танқидий реализм оқимининг вужудга келишида фавқулодда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Хусусан, Муқимий ва Завқий танқидий реализмнинг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Махмур форс-тожик адабиётида Рудакий, Убайд Раконий, ўрта аср Мовароуннаҳр арабийзабон адабиётида ибн Лаххомлар асос солган ҳажвиёт санъатини «Қўқон адабий муҳити» билан боғлиқ даврда ўзбек бадиий-ижтимоий муҳитида кенг ривожланишига, унда мустақил фан (яъни санъат мажмуи) сифатида гуллаб-яшнашига сабаб бўлган салафлардан биридир.

Махмур ҳаёт қийинчиликларига, оиласининг оғир иқтисодий аҳволига, камбағаллигига қарамай ўз даври учун анча мукаммал маълумот олди, хусусан Қўқондаги Мадрасаи Мирни тугалладн, грамматика, ҳисоб, ҳандаса, илми нужум, тиб, мантиқ каби илмларни эгаллади. Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Соиб Табризий ва бошқалар меросини чуқур ўрганди.

Махмурнинг бадиий меросидан жуда озгина қисми етиб келган.

А. Зоҳидов

Махмур ўзи, она-ватан, юрт аҳволи, инсон қадри ва инсоний муҳаббат тўғрисида

(Умархон номига битилган шеърнинг насрий баёни)

... Агар кўзингни қири билан менинг томонимга қарасанг,
Ўз тенгқурларимнинг кўзга кўрингани, фозилларнинг сарвариман,
Эй шоҳ, бу паст қулнинг қўлидан ҳар иш келади:
Ҳам илму фанда, ҳам сипоҳликда, ҳам бошқаларда...

Агар жаҳонгир амир менинг фазилатларимга,
Шерик бўла олувчи кишини топса, розиман.
У ҳар бир фанда ман каби Вомиу бўлса,
Ҳам шеър, ҳам тарих илмида, ҳам имо (киноя, рамз) дафтарида

... Бу дуогўйнинг ҳар уч боласики, ҳазрат биладилар,
Ҳар учаласини банда хон ҳазратларига тасаддуқ қилади.
Бугун ҳайит куни ҳар учовида ҳам бирор кийим йўқ.
Қандай ҳолда туғилган бўлса, ҳозир ҳам ўша турда, ўша тарзда.

* * *

(Вазир Қосим беклар беги номига ариза-шеър)

О, сафо, авқот илгида адо бўлдим, вазир,
Муфлису каллошликдан ғамзодо бўлдим, вазир.
Уч болага нон тополмай бенаво бўлдим, вазир,
Даргоҳингга шоятуллоҳ деб, гадо бўлдим, вазир,
Мисли соиллар каби соҳибнидо бўлдим, вазир...
... Ҳеч киши оламда мендек толиби нон бўлмасин,
Нон сўрғида халойиқ ичра сарсон бўлмасин,
Матбахи осаф аро ҳар кеча товон бўлмасин,
Хушачини хони неъмат бахши инсон бўлмасин,
Нега кўрмай оқибатни кадхудо бўлдим, вазир...

* * *

(Яна бошқа шеърларидан)

... Кечалари етгани на қушим бор,
Кундузи ичкани на шуним бор.
Бир ҳовуч на уйимда ғаллам бор,
Икки газ на бошимда саллам бор.
Бошига газ десамки, саллам йўқ,
Салла десам, уйимда ғаллам йўқ...

* * *

... Субҳким партав урар даҳр ичра меҳри ховарий,
Нон деб ўриндин турар бир хоҳар, икки додари...

* * *

... Бир томондан, давр, ғуссаси, бир томондан, махмурлик азоби
Бир томондан, вақт захмати, бир томондан, хотинимнинг вафоти,
Ноободлик, қашшоқлик базмида камбағалликнинг тўрида
ўтирибман,
Даврон соқийсининг қўлидан жомлардан ғам ичмоқдаман...

Жоҳил табиблар, илмсиз оми амалдорлар, илмни қадрламовчилар хусусида

(«Дар сифати амир Олимхон, тарихи у» шеъридан)

... У подшоҳнингки сифат дарёсини ковлаб чиқдим,
Ақлдан ҳеч нарса топмагач, ундан юз ўгирдим...

... Ажаб Қозий, қоҳили, жоҳиле,
Бўлуб омилик «илмига» комиле.

Агар кўксини чок қилсанг ҳама,
Гилу ғишини пок қилсанг ҳама.

Расмий „сарой шоирлари". уларнинг ғараз ва риёлари, шоирлик даъвосини қилувчилар ҳақида, юксак бадиият тўғрисидаги ўйлар

Фазлийга жавоб:

... Эй қора дев йўлидан юрувчи исқотий,
Нақд гуноҳнинг ўғриси, исқотий.
Жаҳаннамда жоҳиллар орасида,
Бош ўринни олар исқотий...

«Амаким» *радифли шеърдан яна Фазлий тўғрисида*

... Тўрақўрғон билан Наманганда
Хуш эди мансаби равон амаким.
Кеча-кунлар сўраб юрар эрди,
Мурдалар жамъидан нишон амаким.
Бўлди зарбулмасал бу боисдан,
Пири исқоти замон амаким...

Шоҳи Султон Умарни йўлдан уриб,
Айлади шоири шаҳон амаким.
Ҳама ашъорини бериб анга,
Олди дунёни беғарон, амаким...

«Ўлгай» *радифли шеърдан яна Фазлий тўғрисида*

... Тавқи лаънатни гарданига осиб,
Боби заллатга номдор ўлғай.

Икки оламда бу мазаллат кин,
Қобили қаҳри кирдикор ўлгай...

Ботини халқ ичида эрди ола,
Зоҳири даҳр аро чифор ўлгай...

То абад нақли лаънату нафрин,
Жаъми авқотига нисор ўлғай...

Қози Муҳаммад Ражаб, Зуҳур каби кимсаларнинг шоирлик даъволари ҳақида

... Бу жоҳил (бу) даъвогари ҳарфи лоф,
Ҳамма вақт айтурлар лофу казоф.

Ҳаёти кажу фаҳми нодон билан
Қилурлар халойиққа ҳар ён билан.

Бу фаҳми кажу табъи нохушгувор,
Бўлурсиз ҳамма халқаро ошкор.

Бу жуххол ялғончи шоирлара,
Бу нодон халойиқ моирлара.

Ажаб мардуми зуфунон деб юриб,
Бу нодону жоҳилни ҳар ён кўруб.

Аларни олиб хатга дафтар қилай,
Ва ҳар жойга бўлса тамоман кўрай.

Навоий каби бўлмаса хуш адо,
Мисоли Фузулий нутқи расо.

Сазоворки бу нарв каззобни,
Раводур бу хазени аҳбобни,
Жаҳон ичра матлуни аср айламоқ,
Анинг хорижи назмуай наср айламоқ.

Чунон ҳажв илан халқ аро қил алам,
Ки то шеър айтмасга ичсин қасам...

Мунис Хоразмий

(1778—1829)

Хоразм адабий муҳити тарихини кўздан кечирсак, бадиий ижод соҳасида Абулғози Баҳодирхон бошлаб берган ишлар XVII асрдан кейин янада ривожланди, кенг қулоч ёйди, анъанага айланди. Шу анъанани юксак поғонага кўтарган Мунис Хоразмий катта истеъдод эгаси: буюк шоир, адолатгўй тарихчи олим, моҳир таржимон ва нозиктаъб хаттот сифатида эл орасида шуҳрат топди, эътибор қозонди.

Хива шаҳрига туташ Қиёт қишлоғидаги Авазбий оиласида 1778 йили бўлажак Хоразм фахри, улуғ шоир Мунис Шермуҳаммад Авазбий ўғли таваллуд топди. Унинг падарибузруквори Авазбий мироб фан ва маданият қадрига етадиган, ижод аҳлини ҳурмат қиладиган, маърифатпарвар инсон бўлган. Шул боис у ўғли Шермуҳаммаднинг илм ва ижод билан боғлиқ барча орзу-умидларини рўёбга чиқишида шахсан ўзи бош-қош бўлди. Зарурий шарт-шароитлар яратди.

Шермуҳаммад бошланғич таълимни қишлоғидаги мактаблардан бирида олди. Кейин ўқишни Хива мадрасаларида давом эттирди. У илм сирларини ўша даврдаги машҳур устоз Саидэшонхўжадан

ўрганганини эслаш лозим. Шермуҳаммад ўқиш жараёнида, олим ва шоир Ҳасанмурод Қори Лаффасийнинг хабар беришича, араб ва форс тилларини пухта ўрганган ҳамда хаттотлик санъатини эгаллаган.

Ёш шоир Шермуҳаммад Авазбий ўғли ўша даврда «Мунис» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. У чиндан ҳам адабиёт ва санъатнинг, Хоразм маданиятининг муниси, яъни яқин дўсти, улфати ва ҳамдами бўлиб қолди. Мунис Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Фирдавсий, Навоий, Бедил каби сўз усталари асарларидан баҳраманд бўлди. У, айниқса, халқ оғзаки ижодига, мумтоз мусиқага меҳр қўйди. Унинг маданият гулшанидаги шу кечинмалари «Мунисул-ушшоқ»нинг муқаддимасида ўз ифодасини топган.

1800 йил бошида шоирнинг отаси — Авазбий мироб фоний дунёдан кўз юмди. Хива хони Аваз Иноқ ўғли ёш шоирнинг иқтидорини юксак қадрлаб, уни сарой ишларига таклиф этади. Шоир хон салтанатидаги айрим адолатсизликлар, тенгсизликларни тез пайқади. Бу туйғу унинг ижодига анча таъсир қилди.

Шоир 1804 йили шеърларини бир кичик тўпламга жамлади, 1815 йилда эса 16892 мисрани ўз ичига олган катта девонга тартиб берди. Уни «Мунисул-ушшоқ» деб атади. 1804 йили ёзув санъатига бағишланган «Саводи таълим» шеърий асарини битди.

Тарихчи олим сифатида Мунис «Фирдавсул-иқбол» («Бахт боғи»), асарини Хива хонлари тарихига бағишлади. Унда 1812 йилгача бўлган давр ёритилган, кейинги воқеалар эса Мунисниг жияни Огаҳий қаламига мансубдир.

Шоир ва тарихчи олим Мунис Хоразмийнинг шеърий асарларида ҳам, тарихий китобларида ҳам маърифатпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари илгари сурилади. У барчани мардлик ва жасоратга, илм-фан ривожига ҳисса қўшишга даъват этади. Мунис эндигина ижоди гуллаб-яшнаган бир пайтда, яъни 1829 йилда вабо касалига чалинди ва оламдан ўтди.

МУНИС ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Сўз

Гарчи аввал бор эди маҳбуби гулрухсора сўз,
Лек эрур ҳоло басе манкубу бахти қора сўз.

Шоири шўридаға дилжамълик қайдин етар,
Даҳли бежодин авом оллидадур юз пора сўз.

Дема, сўз атрофиға чекмиш ливойи иштиҳор,
Қадрдоне топмай ўлмиш даҳрда овора сўз.

Шоир ўз аҳволиға дармондау фазл аҳли хор,
Оҳким, топмас бу даврон ичра бир ғамхора сўз.

Қилма изҳори суханварлик фароғе истасанг,
Сийму зар ўрнига ер бошиға санги хора сўз.

Хоҳ назму хоҳ наср ўлсун фазилат аҳлидек
Хорлиғ домониға чекмиш оёқ якбора сўз.

Сўз чу мундоқ хор эса, сўз аҳли мундоқ хоксор,
Ваҳ, не тил бирла деолғай Мунисн бечора сўз.

Адолат

Сабот истасанг мулк бунёдиға,
Адолат била ет улус додиға.

Адолатдин ўлди эл осойиши,
Эл осойиши — мулк оройиши.

Қаю мулкким шоҳи одилдурур,
Анга барча эл кўнгли мойилдурур.

Шараф кўрки шаҳдин адолат чоғи,
Эрур халқ хушнуд, холиғ доғи.

Хам озодавашлар бўлуб бандаси,
Ҳам аъдойи саркаш сарафкандаси.

Хос ўлуб жоҳ аҳлиға

Хос ўлуб жоҳ аҳлиға инъоми соҳиб тожлар,
Зулми омидин бериб жон нон учун муҳтожлар.

Ҳар ким ул золимлар оллида тазаллум кўргузуб,
Еб алардин бош уза мушту юз узра кожлар.

Ахзу қатлу наҳб машғули ситамгарлар тамом
Элга соҳиб ихтиёр ўлмиш неча Хажжожлар.

Аҳли донишлар тўшарга бурёе топмайин,
Хайли нодонлар солиб маснад уза дебожлар.

Ҳар ким эрса ботил, эл ичра бўлуб мутлақ инон,
Ҳар ким ўлса аҳли ҳақ, элдин бўлуб ихтирожлар...

Чун келиб аҳли тижоратлар қароқчидин омон,
Молидин ортуқ бўлуб таҳмил аларға божлар.

Ким нажибусолиҳ эрса бор таназзуллар анга,
Муфсиди бадраг тараққига топиб меърожлар.

Нола булбуллар чекиб кўрмай ҳунардин нафълар,
Беҳунарликдин топиб тожи зумуррад сожлар.

Қинаварлар зулмидин бечоралар ҳар ён қочиб,
Ўйлаким, бўлғай гурезон боздин дуррожлар.

Не умид ул шаҳдин ўлғайким, эрур навкарлари —
Саробасар аллофлар, саллоҳлар, ҳалложлар.

Эй кўнгил, кўп шиква шамъин ёқма даврон аҳлидин,
Ким аларға ҳеч ишдин ёрумас минҳожлар...

Мунис, ўз шоҳинг дуосин қилки, даргоҳидадур —
Фақр эли уммидвору банда соҳиб тожлар.

Бу замон ичра

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлуб,
Уламою фузало бўлса сазовори алам.

Шуаро деса ҳижо, йўқса хушомад доим,
Рўзғорини фалокат била айлаб барҳам.

Фуқаро ўткара олмай баҳузур авқотини,
Қўйса ҳар сори жало марҳаласи сори қадам.

Ким мукаррамдур? Аларким эдилар дун ҳиммат,
Топибон жоҳилу нодон шарафу нозу ниам.

Ҳам эрур кунд табиатлар эл ичра мумтоз,
Хиссаторолиг ила айлабон изҳори карам.

Ҳам эрур омили махсуси авон бирла авом,
Чекиб эл моли учун зулм била тиғи ситам.

Эй фалак

Эй фалак, мунча недур айламак изҳори ситам,
Урубон ҳар нафас эл бағрига юз ништари ғам.

Яхшиларга етиб анвои ҳазан қаҳрингдин,
Ким ёмон эрса алар захмига қилдинг марҳам.

Қимниким кўрсанг ичар ишрат аёғи била нўш,
Ул аёғ ичра эзиб бердинг анга заҳри алам.

Сарв қадларға қилиб ҳамл балолар борин.
Қаримай қилдинг алар қаддин ўзинг янглиғ ҳам,

Шод бўлдинг қора қайғу била ким чекса фиғон,
Ғамга ботдинг кишиким ичса қизил май бир дам.

Ёғдуруб аҳли вафо бошиға офат тошин,
Кўп жафо бирла вафо расмини урдинг сарҳам...

РУБОИЛАРДАН НАМУНАЛАР

Инсондин ўзунгга ошно қилма талаб,
Жон фарқиға шамшири бало қилма талаб,
Мақбуллиқ истасанг бўлурсен мардуд,
Қоч жавру жафосидин, вафо қилма талаб.

* * *

Мунис, талаб эт камол—эрурсен чу йигит,
Ким яхшидур этса фазл учун қайғу йигит.
Ўқ қилғон ишин ё қила билмас ҳаргиз,
Қарилар ила баробар ўлғайму йигит.

* * *

Ҳар кимки эрур сифлау хиссатпарвар,
Бўлма анга дўст, жонини ҳам берса агар.
Охир сени онинг била қилмай қўймас,
Бир кун душман муҳаббати сийму зар.

* * *

Эй нафс, бўлуб иззат эшиги мадрус,
Бўлсанг не ажаб мазаллат ичра маҳбус,
Ҳар дунға қилиб нисор иззат гуҳарин,
Бисёр тўкарсен обрўю номус.

Саводи таълим

Ҳусни хат, таълим берган устози ҳақида

Мунис, адаб иқтизоси бирла,
Сур хома биров дуоси бирла,
Ким ахтари бурждин эрур ул,
Сайёри раҳи яқин эрур ул.
Мавлойи жамии аҳли идрок,
Фархонда жамоли арсаи хок,
Фармонбари ҳукми ҳазрати ҳақ,
Огоҳи рамузи ҳикмати ҳақ.
Ҳар илмда жомиул-фазойил,
Ҳар ҳукумда вокифул-масойил.
Мажмуи улум ичида маълум,
Қозийи баланд рутба махзум.
Муҳри шараф ичра меҳри рахшон.
Онсиз хат ўлуб саводи бутлон.

Ҳам маҳкамаси сипеҳр тимсол,
Ҳукми аро расми адл возиҳ,
Адли аро ҳукми шаръ лойиқ.
Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,
Илм аҳлига эҳтироми вожиб.
Фиқҳ ичра камоли андин афзун,
Ким демак эрур гумондин афзун.
Хаттидин ўлуб хужаста таълим,
Таълим фани хатиға таслим.
Шарманда хати сабз хатлар,
Хол офати хаттида нуқатлар.
Таълим берур на бир рақамдин,
Хат ёзмоқ иши ети қаламдин.
Ёлғиз на буларки, ҳар фазойил,
Рўзисидир ўйлаким хасойил.
Ахлоқи ҳамида вақфи зоти,
Ҳар халқ аро ёзилиб сифоти.
Юз шукрки, толиим бўлуб ром.
Шогирдлиғида топмишам ком.
Хатким, менга хақ иноятидир,
Ҳазрат карами шарофатидур.
То хат асари варақда пайдо,
То олам аро варақ ҳувайдо.
Бўлсун варақи бақо ҳаёти,
Жовид ёзилсун анда оти.

Рисолани ёзишдан мақсад

Қўп муддат эрди гуруҳи муштоқ,
Таълим суманбариға ушшоқ,
Машқ этмак ишида хат битарга,
Таълим вуқуфиға етарга.
Айлар эди хизматим аро пўй,
Дилреш ўлуб ўйлаким қалам мўй,
Мен ҳам нечаким хатим тат эрмас,
Бал қонда мистариға кирмас,
Маъюс эта олмайин аларни,
Хирмон аро солмайин аларни,
Билганича суриб қаламни ҳар ён,
Таълим ишин айлар эрдим осон,
Лекин кўнгул ичра эрди бу ком,
Қилсам рақами улуми арқом,
Андин талаб аҳли бўлса маҳзун,
Таълим фанин қилурда маҳфуз,
То илгима тушти бир рисола
Хат қоидаси ойига ҳола.
Ҳиммат камарин белимга боғлаб,
Назм айлағали узумни чоғлаб,
Бердим қаламим отига маҳмиз,

Майдони варақ уза суруб тез,
Ёраб, бу отимни ланг қилма,
Гумроҳи раҳй даранг қилма,
Шаҳроҳи мақосидим сори сур.
Сарманзили интиҳога еткур.

Қалам ҳақида

Эй аҳли қаламлиқ этган исбот,
Лозимдурур айласанг мубоҳот,
Ким келди қалам хужаста авсоф,
Ҳар нечаки васф ўлур эмас лоф...
Ким дедилар аҳли маъни они,
Жон ўртасида «алиф» нишони.
Зебо қамишини найшакар бил,
Нўгида анинг шакар самар бил.
Ҳарфидин оқиб шароби маъни,
Эл андин эрур хароби маъни.
Оҳанги саририким равондур,
Гулбонги анодили жинондур.
Шаҳлар ёшурун ишига маҳрам,
Шаҳларға ривож бергучи ҳам
Илм аҳли насиби андин афзун,
Жаҳл аҳли анинг ғамида маҳзун.
Олам иши интизоми андин,
Олам элининг низоми андин.
Ул бўлмаса бўлмағай китобат,
Бу бўлмаса қалмағай ҳикоят...

Хат ҳақида

Хатдур асбоби тароши хома,
Зийнат бахши узори нома.
Сўз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хазонаси ҳам.
Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд...
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,
Хаттиға чекиб улусни ҳар дам.
Хатдан мақсад эрур хати хўб,
Таълим қавоиди била жуб.
Анбардин ўлуб анга мураккаб,
Қун олтунидин вале музаҳҳаб.
Ҳар бир алифи ливойи уммид,
Ҳар бир кашиши ҳаёти жовид.
Ҳар доманаси хилоли абру,
Ҳар нуқтаси шоҳвор луълу.
Ҳар ҳарфки, анда жилвагардур,
Авроқ юзига зебу фардур.

Ҳар сатрки, сарвдек чекиб қад,
Шамшод уётиға бериб мад.
Мундоғ хат эрур калиди арзоқ,
Ҳам котибига очуқдур учмоқ...

Хат ёзиш асбоблари ва ёзишга тайёргарлик ҳақида

Эй хат ҳавасин падид қилгон,
Яхши битмақ умид қилғон,
Саъйинг чу битарга бўлди жозим,
Асбобини билмак ўлди лозим,
Қим бўлмаса жамъ борча асбоб,
Ошуфта чу нол кўргасен тоб.
Ҳар нечаки жустужўй қилсанг,
Мақсад уза гуфтугўй қилсанг,
Мақсуд иши ғайри воқеъ ўлғай.
Жаҳдинг талаб ичра зоеъ ўлғай
Бас билмағи бўйла бўлди вожиб,
Тақрири эрур манга муносиб.
Бир-бир қилайин борини таъйин,
Ҳар қайси ишини доғи талқин.
Ҳозир бўлу истимоъ қилғил,
Азми раҳи интимоъ қилғил.
Эйким хати хўб эрур талошинг,
Бўлсун бу сифат қаламтарошинг,
Қим асру итик нечукки поку,
Найни қалам этсун ўйлаким мў.
Нозик қалам ичра айлонурдек,
Комингча йўнарни козғонурдек.
Юпқа шақ ойирмоқ ичра марғуб,
Нўги қаламингни ёруғдек жўб.
Гар мундоқ эмас қаламтарошинг,
Йўнмоқ аро танг ўлур маошинг.
Вар яхши йўнулмаса қаламлар,
Шак йўққи, ёмон тушар рақамлар.
Гар софу латиф эса қаламқат,
Яхшидурур этгали қалам қат.
Дандони латифу шохи софий,
Қат қилғали бордур асру кофий.
Рухсат бу дегандин ўзга ашъё,
Гар бўлса зарур вақти пайдо.
Бўлсун қаламинг латифу рангин,
Оқу қизилу қарову сангин.
Оқи бўлубон саригга мойил,
Бўлсун қораси қизилға дохил.
Сахт ўлсуну, пухта барча ақлом,
Яъники бўш ўлмасун яна хом.
Асру қарову оқ ўлмасун кўп,
Бисёр ингичгаву йуғун кўп.
Бўлса сўнгида бўлғун нишони,

Қўймаки рақамғадур зиёни.
Ё синса қалам қилиб хасосат,
Пайванд ани этма, бордур офат.
Ё қисқариб ўлса тўрт бармоқ,
Макруҳ дедилар они мутлоқ.
Ҳар хомаки йўнмоқ эрсанг, эй ёр,
Бир маратаба даврини ўратор.
Кўр ул узунлиғин анга саросар,
Йўнғил узунин анга баробар.
Мағзини олурда ков-ков эт,
Арзи сори ков бирла нов эт.
Шақ ур, вале эътидол бирла,
Тадқиқи аро хаёл бирла.
Қат урмоқ анингдек айлагил соз.
Берсун қаламу қалам қат овоз.
Шарти қати ҳубким қиёдур,
Дилкашлиги эътидол ародур.
Чун хома йўнулди имтиҳон қил.
Нуқта қўюб имтиҳон аён қил.
Гар бўлса мураббау музаллаъ,
Ёзғилки, хатинг тушар мурассаъ.
Йўқса яна йўнмоқ ихтиёр эт,
Йўнгоч яна имтиҳон шиор эт.

Ҳусни хат таълими

Мунис, қаламингни хат сари сур,
Қил тарки даранг, илгари сур.
Таълим ниҳонин ошкор эт,
Нуқта била ўлчамак шиор эт.
Бир-бир бори ҳарфга рақам сур,
Таълимини бошқа-бошқа билгур.
Ул қавмки хатга эрди возеъ,
Бу нуқта алардан ўлди воқеъ.
Тули «алиф» уч нуқтадур, аммо,
Ул хома биланки қилдинг иншо.
Арзи доғи сулси нуқта бўлғай.
Бешу каму бегумон бузулғай.
Онда ҳаракоту хамза пайдо,
Лекин батариқу рамзу имо.
Ул навъки гар бўлур нигунсор
Бўлғай яна ул «алиф» намудор.
Бир нуқтача басдур аввали «бо»,
Лекин танида хилоф пайдо.
Баъзи сузи олти нуқтача хўб,
Баъзи деди етти нуқтадур хўб.
Устоддин ўлди доғи масмуъ,
Ким тўққузи бордур асру матбуъ.
Лекин бу фақир муддаоси

Олти нуқтау тўқуз ароси.
Бир навъ қадиға хам етушсин,
Андак таниға шикаст тушсун,
«Жим» аввалидур «ре» нигуни,
Пайваста «нун»и вожгуни.
Баъзи дедилар бидояти «жим»
Таълим аро икки нуқтау ним.
Қил доманасини ўйла марқум,
Бўлсун ичи байзавор маълум.
Бир нуқтани «ро» ға муттасил қил,
Куттоб қошида «дол» ани бил.
«Ро» қомати икки нуқта, аммо
Боши бийик эрмас ўйлаким «зо».
«Зо» уч нуқтау лек саркаш,
Қилса бўлур они қушға ўхшаш.
Дандонаи аввали сари «син»
Бир нуқта баробар ўлди таъйин.
Иккинчисин айлагил кушода,
Ул навъки нуқтадин зиёда.
Аммо тани «син» дур ўйлаким «нун»
«Нун» зикри эрур бу ерда матъун.
«Шин» маддини етти нуқта бил бир,
Аммо каж эрур биайниҳи тир.
Кажлик анга ул қадар муқаддар,
Ҳар ён алифи тушар баробар.
Зеҳдек анга чексанг ар хати соф,
Бўлғай гўё камони наддоф.
Гар табъинга етмаса малоли,
Мунисдин эшит яна мисоли.
Устида агар чекилса чап «шин»
Бўлғай ичи шакли киштн ойин.
Ул шаклда ёзгил аввали «сод»,
Бўлсун яна «сод» акси бунёд.
Баъзи деди «сод» бошин андоқ,
Ким шаклдадур нечукки чақмоқ.
«То» зикрида деди баъзи устод,
Зебо алиф-ю, аввали «сод»
Бу нуқтага мен қилурмен инкор,
«Сод» ости эрур сатбар бисёр.
Таълим будур, қилурман имо
«Ро» фавқида тутса ер нигун «ро»
Тутса алиф устида нишиман
Минган кишидек саманди тавсан,
Бир нуқта «алиф»нинг иттисоли,
То «ре» сўнгиким бор эрди холи,
«Зо» йики бу ерда бўлди мазкур
Дилкашроқ эрур гар ўлса мақсур.
«Айн» аввалининг будур баёни.
«Сод» аввали қилса бўлғай они.

Деди яна устоди моҳир
Айлар ани тўрт нуқта зоҳир.
Баъзи ани бўйла айлади фош:
Бир нуқтаи хатти ўйлаким қош.
Ул нуқтаки «айн»га эрур зам,
Қил ташқари кунжин андаки кам.
Қур ҳалқаи «айн» халқаи «жим».
Бир шаклда ёзди аҳли таълим.
Таълим аро келди ҳайъати «фо»,
Бир нуқтаи мустадиру бир «бо»,
Ул нуқтаки зикр бўлди авзаҳ.
Ёрим нуқта ила қил мусаттаҳ.
«Қоф» аввали «фо» бошиға монанд,
«Нун» ҳалқасиға валек пайванд.
«Қоф» ўлдурур, эй хабиби пайванд.
«Бо» аввалидур «алиф»ға пайванд.
Сари «ко»ки «алиф» ягона узра,
Сочилғон ўқи нишона узра.
Эрмас қади тўрт нуқтадин кам,
Беш бўлса доғи эмастурур ғам.
«Кофи» яна ўзга навъ эмишдур,
«Бо» ўрниға уч нуқат кашишдур.
Бу «коф»ки зикри топти таъхир,
Машқ ичра муқаддам ўлди таҳрир.
Гар «лом»нинг истасанг мураттаб,
«Нун» бирла «алифни» қил мураккаб.
Лекин «алифи» тавил бўлсун,
То тўрт нуқат адил бўлсун,
Халлоли рамузи фанни таълим,
Бир нуқта ёзибдур афсари «мим».
Аммо икки нуқта гарданидур,
Авжи тул бинойи доманидур.
Баъзи деди бир ўрун «алиф» дур,
Ким тўрт нуқтаға муттасифдур.
«Нун» олти нуқатдур, эй қариндош,
Икки оёқ, икки тан, икки бош.
Уч нуқтадур икки лаб ароси,
Ул навъки умқининг биноси.
Қўйсанг оёқиға афсари «жим»,
Қилғуси зуҳур пайкари «жим»,
«Вов» аввали «фо» бошиға монанд
Бир нуқтани «ҳо» ға айла афсар,
Ёз ниш ила ҳалқаи мудаввар.
Қил ҳалқа таҳин сатбар камроқ,
Нуқта сори ҳалқага бер илсоқ.
«Ло» аввали бир «алиф» таҳи «ро».
Сўнгра яна бир «алиф» қил иншо.
Қил ўйла «алиф»ларин баробар,
Булсун отн ҳар «алиф» саросар.

Яхши назар этки бордур алҳақ,
«Ло» уч «алиф» қатору мулсаҳ.
«Е» бошидур уч нуқат муайян.
Бир нуқта доғи бинойи гардан.
«Ё» бўйнидин, эй рақамға мойил
Қилса бўлур икки «дол» ҳосил.
Бир «доли» нигун бўлур ҳувайдо,
Бўлур яна бири рост пайдо.
«Ё» бошини андоқ айла иншо,
Бўлсун ани айламоқ нигун «ё».
Таълим аро «ёйи акс» эрур бу,
Айлай санга шарҳ мўй бар мў.
Қил бошини «рову» бир нуқат хат,
Бир нуқта вале бошини мунҳат.
Ул нуқтаға муттасил кашиш бер,
Қилк авжига чап сори равиш бер.
Тулини тўққуз нуқат хаёл эт,
Таълимини англа, гавриға ет.
Бўйни хамин айла ул сифат соз,
Ким орқага бўйнин элтгай қоз.
Ул нуқтаки бўйниға эрур зам,
«Айн» аввали айласа бўлур хам.
Ҳар ҳарфки мунда бўлмади зикр
Таълимини қил назридин фикр.
«Син» — «шин»га агарчи мунда факдур,
Дандонаи мадга муштаракдур.
Харчандки айру бўлди зоҳир,
Таълим аро «син» у, «шин» эрур бир.
Айтилмади гарчи баъзи таълим,
Мавқуфи назардур, этма тадмим.

Хотима

Ёраб, бу рисолаким битибмен,
Таърифида жидду жаҳд этибмен.
Элнинг назарида хор қилма,
Тупроқ уза хоксор қилма.
Кўрган кишиларни роғиб айла,
Таҳсилиға балки толиб айла.
Ҳар ким ўқуса ниҳону зоҳир.
Бисёр қилиб шукуфта хотир.
Сол кўнглиға онинг орзуйи,
Ким қилса дуога жусту-жўйи
То бўлғай ушул дуо била шод,
Мунис бўлубон аламдин озод,
Бу номаки бўйла топти танзим,
Ёзилди оти «Саводи таълим».
Тарихи анинг бу навъ адодур,
Хижрат чоғидинки, ғам физодур.

Минг икки юз ўн тўққуз эди йил.
Доғи рамазон учунчиси бил.
Гўёки чаҳоршанба эрди,
Итмоми қаламға даст берди.
Соқий, манга соғаре карам қил,
Лутфу карамингни дам-бадам қил,
То они ичиб қилай ҳаловат,
Мастона даме топмай фароғат.

Муҳаммадризо Огаҳий

(1809—1874)

Муҳаммадризо Огаҳий 1809 йили буюк ва муқаддас Хоразмнинг Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида дунёга келган. Муҳаммадризонинг машҳур шоир ва олим, таржимон бўлиб етишишида тоғаси Мунис Хоразмийнинг хизматлари катта бўлди.

Огаҳий асарларида инсон бекаму кўст камолга етишиши учун ёшликдан илм ва касб-ҳунар эгаллаши шарт эканлигини таъкидлайдики, унингча, илм-маърифат инсоннинг маънавий камолотида ва жамиятнинг тараққиётида кучли воситадир. Мутафаккирнинг назарида дунёвий илм инсон ақлини бойитади, бу жиҳатдан унинг дунёвий мантиқ (логика) илмини ўрганиш ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

Огаҳийнинг «Боғ», «Баҳор», «Гул», «Саҳро» радифли ғазалларида инсон ва табиатнинг уйғунлиги, табиат гўзаллигининг инсон тафаккурига, руҳий ва маънавий дунёсига таъсири тўғрисидаги фалсафий-дидактик фикрлари азизу қимматлидир.

Огаҳий ўзининг маърифий-ахлоқий қарашларида шахснинг нафосат (эстетик) тарбиясига ва нутқ маданиятига алоҳида эътибор беради. Унингча, киши ўзини беҳуда гаплардан тийиши, ўз гаплари билан суҳбатдошига ва теварак-атрофдагиларга лаззат бағишлаши энг гўзал инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Шоир ўзининг нафосат руҳидаги қарашларида шеър санъати учун уч асосий муҳим фикрни илгари суради: шакл-

га эмас, балки мазмунига аҳамият бериш; соф юрак билан ҳақиқатни гапириш; сўз қадрига етадиган кишиларни доимо назарда тутиш.

Огаҳий ўз даврининг етук тарихчи олими, моҳир таржимони ва хаттоти сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Огаҳий Шермуҳаммад Мунис томонидан ёзилиб, лекин тугалланмай қолган «Фирдавсул-иқбол» асарини давом эттириб, 1825 йилгача бўлган воқеа ва ҳодисаларни қаламга олди. Сўнгги йилларда эса, у Хоразм тарихига бағишланган «Риёзуд-давла» (1825—1842); «Зубдатут-таворих» (1846—1855); «Жомеул-воқеоти-Султоний» (1856—1865); «Гулшани давлат» (1865—1872) каби тарихий асарларини яратди.

Огаҳий моҳир таржимон ва хаттот сифатида йигирмага яқин асарни форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Жумладан, «Калила ва Димна», Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») достони, Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони, Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» достони ва Кайковуснинг «Қобуснома» сингари асарлари фикримизнинг далилидир.

Бағри кенг, олижаноб инсон, назм осмонининг қуёши Огаҳий ёшлар тарбияси ва шогидларига алоҳида эътибор берди. Хусусан, истеъдодли шоир, нозиктаъб мусиқачи ва мусиқашунос, буюк ва суюк, инсонпарвар ва ватанпарвар давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон соний — Ферузнинг устодидир.

ОГАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Сўздир бу жаҳон аҳли аро қулзуми жарф,
Покиза маони ангодур дурри шигарф,
Бу баҳр топар кўнгул аро гунжойиш,
Лекин анга ҳар кўнгул бўла олмас зарф.

* * *

Кўнгул бир баҳри заххору ондадур покиза гавҳар сўз.
Вале шарит улки маъни шоҳидиға бўлса зевар сўз.
На мушкул дард эрурким, бир сўзимни айламас бовар,
Ва лекин бовар айлар муддаийлар гар десалар ҳар сўз.

* * *

Сўз қабул умиди бирла демагил ҳосидғаким.
Одами маъқул эта олғай қачон шайтонға сўз.

* * *

Раҳм этиб сўз ҳолиға жоҳилға они демагил,
Ким бўлуб безор ондин келгуси афғонга сўз.

* * *

Таҳсин умидин сўзда ҳар нодондин этма Огаҳий,
Сўз қадрини билмакни қил шоҳи сухандондин таъма.

* * *

Ажаб эрмас сўзим гар бовар этмас ҳосиди жоҳил,
Ки, такзиб этгуси бу жаҳл агар деса паямбар сўз.

* * *

Ғафлатда бўлма кўнгул ҳаётингда рўзи касб этар чоғда.

* * *

Айбдин айлаб ҳазар қил, Огаҳий, касби ҳунар,
Ким эса жинси башар бўлмоқ эмас маъюб хўб.

* * *

Чу топдинг, эй кўнгул, гардуни дун холидин огаҳлиғ,
Бериб орқа ҳунарға, бўлмағил мағрур хизматға.

* * *

Агар одам эсанг, сайр эт гулшанда адаб бирла,
Қадам ҳар сори қўйма ул сифат ким гову ҳар устох.

* * *

Ҳаётим боиси ширин тилидин бир такаллумдир,
Нишотим мужиби рангин лабидин бир табассум.

* * *

Маони боғини доно қилур сайр,
Қачон қилғай они нодон томошо.

* * *

Бу махфил айшиб асбобиға бермас кўнгул ҳаргиз,
Кишиким, ҳушманду зийраку доно-ю оқилдур.

* * *

Яхшироқ нодон киши тож этканидан бошиға,
Аҳли донишнинг аёқи остида янчилмоқ.

* * *

Бари илму ҳунар ичра эса ҳар нечаким доно,
Замон аҳли аро бўлмас замона муҳтарам ёлғуз.

* * *

Фазл аҳлиға ҳамсуҳбат бўлмоқға ибо қилма,—
Ким, бўлғусидир жаҳлинг ортарға ибо боис.

Илм андоқ ганжи нофиздир бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.
Қасби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Икки олам обрўси бўлғуси барбод анго.

* * *

Одамидир илму дониш бирла одам, йўқ эса,
Жумлаи ҳайвонғадур яксон қадру рухсору лаб.

* * *

Эй келди фунуни илм таслим сенга,
Қилмоқ манго лозим бўлди таъзим сенга.
Гарчи йўқ эрди қувват аёқимда, вале,
Келди бош ила олғоли таълим сенга.

* * *

Ул малак сиймоки борча илм бўлмиш ёд анга,
Рўзу шаб дарсу сабоқ, такроридур муътод анга.
Сарфу наҳву мантиқ ичра токи саъй этти аён,
Себвайҳ руҳи қилур таҳсину ҳам имдод анга.

* * *

Камол аҳли аро, албатта, топғай рутбаи олий,
Маоний касбида кимсаким қилди ҳунар ихлос.

* * *

Жаҳолат бир давосиз дард эрур жоҳилга билгилким,
Қулоқ солмас иложи дардиға гар очса Луқмон лаб.

* * *

Олам ичра барча ишдин қаттиғу душвордур,
Огаҳий маъқул қилмоқ беҳаё нодонга сўз.

* * *

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

* * *

Кўкка чиқсанг ҳам қуёшдек тушкасен ер остиға,
Иззу жоҳи даҳрдин кибру ҳаво қилмоқ ғалат.

* * *

Гар истамассан бўйнингга иблис янглиғ тавқи лаън,
Қил хотирингни саъй этиб, доми такаббурдин халос.

* * *

Неча умрлар қилдинг аҳли жоҳга хизмат,
Тарк этиб они эмди фақр элиға хизмат қил.

* * *

Қишисизлик мани қилмишдурур андокки хоки роҳ,
Қўлимдур бу жиҳатдан барча шудин даҳр аро кўтоҳ.

* * *

Эй кўнгул, кимсаким сани севмас,
Қоч, онинг теграсига айланма.
Ки насиҳат қилурда ўтганлар.
Дедилар: «Суймаганга суйканма».

* * *

Ошнолардин тиларлар доимо бегоналиғ,
Ўзни ул бегоналарға ошно қилмоқ ғалат.

* * *

Эй кўнгул, халойиқдин қатъи банди улфат қил.
Жонға истасанг роҳат, ихтиёри узлат қил.

То талаб тарийқининг қатъида бўлуб комил,
Коми дил била сайри олами ҳақиқат қил.
Қолмасун десанг тўлмай еру кўк савобингдан,
Ҳеч ёнға майл этмай ҳукм аро адолат қил.

* * *

Кўнгулни соф тутгил доимо гар истасанг мақсад,
Ки, акси ёр файзи зангсиз кўзгуга ҳосилдур.

* * *

Тонг эрмас бўлмасам бир лаҳза ҳосид макридин эмин,
Ки шайтондин адоват ито абад одамға мақрундур.
Ҳасад лавси бирла олуда доман бўлмаса ҳар ким,
Худодин ояти раҳмат онинг шаънида нозилдур.
Замири лавҳидин ким юмса кибру ҳасад хаттин,
Сўзи таъсир қилмас Огаҳий ҳар неча комилдур.

* * *

Ҳасад аҳли манго қасд айлабон йўлим уза келмиш,
Муродим эшигин саъй жадал қулфи била илмиш.
Ҳиммат аҳлию саховат хайлиға,
Базл ила истор эрур зардин ғараз.
Сенсан, эй фарзанди одам, воқиф бўл.
Хилқати афлоку ахтардин ғараз.

* * *

Токи ҳосид бор жаҳонда, қилмағил.
Орзуйи жоҳу давлат, эй кўнгул.
Қил ҳазар Ҳуссоддин, то етмагай.
Ким ҳасад ўти жаҳонни ёқғуси,

* * *

Молинггу жонингға офат, эй кўнгул.
Бермайин бир лаҳза фурсат, эй кўнгул.

* * *

Десанг ўлмасун ёшурун сўзим, агар ушбу олам ичида фош,
Дема ҳаргиз олида сирринг аҳли, башарни маҳрами роз
этиб.

* * *

Мани мажнунға, э носиҳ, насиҳат бермагил ҳар дам,
Ки қилмайдур жунун аҳлиға ҳаргиз панд бермак сўд.

* * *

Ҳасад бирла нифоқу бухл ила хиссатни касб этма,
Тилаб иззат замона аҳли ичра қолма заҳматға...

* * *

Бир кун илингда турғон чоқда нақдинг хайру эҳсон қил,
Ки, тонгла нақд бир ён борғуси, ҳар бир қўлинг бир ён...
Жаҳон осойишу коми ул одамнинг насибидур—
Ки оламнинг йўқу бори онинг олидадур яксон.

* * *

Бир дам ҳар кимга гар инъом қилдинг, то абад,
Ул санинг маъмуринг ўлди, сан анга бўлдинг амир...
Қўрмаймин десанг икки олам аро офтодалиғ,
Бўл қўлингдин келгунча офтодларга дастғир.

* * *

Фикринг отини тама майдони ичра сурмаким,
Юз қанот гушасидин ўзга сори урмаким,
Ҳар на бору йўқингга рози бўл, қайғурмаким,
Истабон айни, Огаҳий, ғам бошингга келтурмаким,
Даҳр базму айши андуҳу ғамига арзимас.

* * *

Бўлса ҳар одам қаноат нуридин равшан замир,
Ул дурур иззат сипеҳри авжида бадри мунир.
Обрўйинг тўкма ҳар дам эшик тупроқига,
Топмасанг бағрингға тиш беркит қуруғ нони фатир.

* * *

Жам этарга мол ранжа қилмоғил жону танинг,
Оқил эрсанг айлагил расми қаноатни фанинг,
Бўлса маҳзун симу зардин тўлмади деб маҳзанинг.
Тенг тут амволи жаҳон бешу каминиким, анинг,
Инбисоти беши андухи камига арзимас.

* * *

Чун тома бирла агар олдинг бировдин бир дирам,
То қиёмат бегумон билгил анга бўлдинг асир.
Жоҳ учун оламда ҳар нокасга таъзим айлама,
Истамас бўлсанг агар жуҳҳол аро бўлмоқ ҳақир.

* * *

Кўнгул, ҳар кимсаниким хоксору дарбадар кўрсанг,
Яқин билгилки, ул албатта, безори қаноатдур,
Азиз бўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,
Қаноат айлаким ул рутба асори қаноатдур.

* * *

Истама қисматдин ортиқ ким топар мардудлиғ,
Ҳар гадоким эиллати ибромға мансуб эрур.

Нодира

(1792—1842)

Моҳларойим Нодира ўзбек адабиёти тарихида бадиий сўз устаси ва маърифатпарвар шоира сифатида машҳурдир. У Андижонда туғилиб вояга етган. XIX асрнинг биринчи ярмида ҳукмронлик қилган Қўқон хони Умархоннинг умр йўлдоши. Нодира хон вафотидан кейин унинг ўрнига тахтга ўтирган ёш ўғли Муҳаммад Алихонга ҳомийлик қилиб, давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Шоиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларида Комила, Нодира, Мақнуна тахаллуслари билан жамланган шеърларидан иборат учта девони бизгача етиб келган.

Шоира давлат арбоби сифатида мамлакатда тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши, адолатнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан бир қаторда маърифат равнақини кўзлаб кўп ишларни амалга оширган. Ўша даврга оид манбаларда айтилишича, Нодира атрофида кўпгина олималар, шоиралар, фозилалар, хаттотлар йиғилган эдилар. Уларга ўзбек маданиятини ривожлантириш учун мумкин қадар имкониятлар яратиб бериларди. Бу ишлар тепасида Нодира турган, албатта.

Нодира бу вақтда Навоий, Машраб, Бобур, Бедил, Фузулий,

Амирий каби шоирларнинг девонларини кўчиртирди ва шоирларни янги-янги асарлар, достонлар ёзишга ташвиқ қилди. Бу ҳақда ҳам Хотиф шундай дейди: «Бу кунларда яна китоблар ёздириш ва уларга зеб-зийнат беришга фармон қилиб, бир китобхона бино эттирди. Китобхонада ишловчи котиблар, наққошлар, рассомларга шундай карам ва эҳсонлар кўргуздиким, бунинг овозаси атрофоламга машҳур бўлди».

Нодира ҳаётни, турмушни гўзал кўришни орзу қилди. Шоира ўз девонига ёзган дебочасида: «Одам авлодидан солиҳ бирла яхши от ва наку сифот ва саодат нишони ва комронлиғ иқтиронидур», деб ёзди.

НОДИРА ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

ҒАЗАЛЛАР

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чаманни жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,
Гул шохида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Қайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сиррин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни,
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

Замона аҳлидин ғам кетди, айши жовидон келди,
Адамдин олами ижод аро хон ибни хон келди.

Башорат сизга, эй аҳли жаҳонким мулки дунёға
Чароғи маҳфили олтинбешик, Бобирнишон келди.

Зиҳи тифли хумоюнфар, муборак рўй, фаррух рух,
Жаҳон аҳлиға андин муждаи руҳи равон келди.

Асолат баҳрида зоҳир бўлиб, мавжи карам андин,
Дури якто тирози домани охирзамон келди.

Сафои мақдамидин бўлди хуррам арсаи олам,
Ҳаёти тоза топди мамлакат, гўёки жон келди.

Зафар топти сипаҳ шоҳзода осори қудумидин,
Қилинглар яхшилар шукринки, давлат ройгон келди...

Хирад солоридин тарихи милодин савод этди,
Дединким нури чашми аҳками соҳибқирон келди.

Дуои хайр этинг, эй аҳли давлат, Нодира янглиғ,
Дамо-дам шукр этинг, шаҳзодаи мулки жаҳон келди.

* * *

Эй сарви равон надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуйи хайр этармен,
Мақсудим эрур сени камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар, эй қуёш, заволинг.

Зуҳд аҳлига салсабилу кавсар,
Басдур менга рашҳаи зулолинг.

Чиқмасди ҳануз хату саводинг,
Мусҳафда муборак эрди фолинг.

Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо синуқ сафолинг.

Ушшоқларнинг ғамингда ўлди,
Йўқдур сени зарраи малолинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ ичинда,
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,
Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.

* * *

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр дардин тортамен,
Қўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Тан бузулди энди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

Оразин кўр, бўлма зулфидин маълул,
Бу жаҳонда ганж йўқдур морсиз.

Берма нисбат қаддига, эй боғбон,
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз.

Ор қилмас таънаи ағёрдин,
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.

Нодира аҳволидин огоҳ, ўлунг,
Эй мусоҳибларки қолмиш ёрсиз.

* * *

Сунма май, эй соқии даврон, манго,
Ким насиб ўлмиш азалдин қон манго.

Ёр жавридин шикоят қилмазам,
Ким эрур бир важҳи истиҳсон манго.

Нола бир дилсўз ёримдур менинг,
Ҳамнишиндур дийдаи гирён манго.

Мушкил ишдур дарди ҳижрон кулфати,
Ё раб ул мушкилни қил осон манго.

Дашту саҳроларни қилдим ихтиёр,
Бўлди Мажнун қиссаси бурҳон манго.

Оҳ найлай ўтти даврони висол,
Бавафолиқ айлади даврон манго.

Мунтазирдурмен ҳамиша Нодира,
Бир қиё боққайму деб жонон манго.

* * *

Гар айлар эрсанг иззату шонингни эҳтиёт,
Жононлардин айлама жонингни эҳтиёт.

То итлари аросиға ҳангома тушмасун,
Кўйиға борсанг айла фиғонингни эҳтиёт.

Бир кун итиға бўлғусидур туъма айлағил,
Бағрингни пораси ила қонингни эҳтиёт.

Дурдин мурассаъ этма, камар бўлмасун гаров,
Нозукдур айла мўйи муёнингни эҳтиёт.

Эл яхшию ёмони била бўлмасун ишинг,
Қилғил ўзунгни яхшию ёмондин эҳтиёт.

Мулзам қилиб бировни яна тўкма қонини,
Мажлисда айла тиғи забонингни эҳтиёт.

То тан иморатини йиқиб қилмасун хароб,
Қил, Комила, сиришки равонингни эҳтиёт.

* * *

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,
Ифторда ёрсиз на лаззат?!

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,
То субҳ чекиб суруди ишрат.

Ҳар шом менга наволаи ғам,
Ифтор қилурға бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чўқдур,
Мен хастага ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзимни ёши шамъин,
Хуни жигарим ба жойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,
Гар бор эса, Нодира, саломат.

* * *

Таҳаммул ҳаддидин ошти, эмди афғон этмасам бўлмас,
Улулни хотири жамъин паришон этмасам бўлмас.

Гирибон чок, бағрим порадур, бошимда юз савдо,
Бу ҳолат бирла азми кўйи жонон этмасам бўлмас,

Муҳаббат кўйида ночордур ошиққа ҳайронлиғ,
Таҳайюр кул қилиб оина сомон этмасам бўлмас.

Ғараз ийди висолингдур кўнгулға, эй ҳилол абру,
Юзингни ойиға жонимни қурбон этмасам бўлмас.

Бу оқшом зулмат олами ҳижрон қаро шоми,
Қилиб ёдингни ашкимдин чароғон этмасам бўлмас.

Мени ошиқ дебон тийри маломат ёғди бошимға,
Улусдин, Нодира, дардимни пинҳон этмасам бўлмас.

Дилшод

(1800—1905)

Дилшод 1215 (1800 милодий) йилда Ўратепа (шоира бу ерни Истравшан деб ҳам атайди) шаҳридаги собиқ Мир Мушоҳ маҳалласида туғилди. Отаси Раҳимқул шоиртабиат киши эди. У Ўратепада олиб борилган жангларнинг бирида ҳалок бўлган, онаси эса 1813 йилда вабо касалидан вафот этган. 14 ёшида ота-онасидан етим қолган Дилшод 90 ёшдаги катта бибиси билан ип йигириб кун кечиришар эди.

Ўратепа XVIII аср ўрталарида хонликларнинг кураш майдонига айланиб қолган эди. Бу ерга шарқдан Қўқон хонлиги, шимолдан Бухоро амирлиги тез-тез бостириб кириб, талончилик урушлари олиб боришар эди.

Қўқон хони Умархон 1816—17 йилларда Ўратепани босиб олиб, кўпгина асирларни Қўқонга келтиради. Булар орасида 17 яшар Дилшод ҳам бор эди.

Ўзининг гўзаллиги ва нозик табъи билан ажралиб турган Дилшодни уч кундан кейин ювинтириб, кийинтириб Умархон ҳузурига олиб борадилар. Хон Дилшоднинг шоиралигини билиб қолиб, уни синаб кўрмоқчи бўлади ва курси устида турган бир анорни кўрсатиб:

— Бу анорга не деюрсан?— дейди.

— Ичин қонга тўлдирибсан,— деб жавоб беради Дилшод.

Бундан ғазабланган хон дарҳол маҳрамини чақиради ва у «ўжар» қизни саройдан қувишни буюради.

Ярим кечада Дилшодни бир шайх Ҳожа Калон маҳалласининг имоми Тош Махдумлар ҳовлисига киритиб юборади. Махдумнинг саксондан ошган мактабдор онаси қизни қучоқ очиб қарши олади ва бир неча кундан кейин Дилшоднинг розилигини олиб, уни 50 ёшдан ошган ўғли Тош Махдумга никоҳлаб беради. Тош Махдум масжидга имом, онаси эса қизларга мактабдор экан.

Ватанидан, қавм-қариндошларидан жудо бўлган қизнинг бу оилада ҳурмат топиши катта бахт эди. Шоира:

Бўлдум озод, илкидин қолдим тирик,
Ушбу кулба аҳлига бўлдум шерик,—

деб илм-маърифат тарқатувчи шу оилага қўшилганидан қаноат ҳосил қилади. Бу ерда Дилшод туркий лаҳжани мукаммал ўрганиб олиб, қайнанаси билан дарс бера бошлайди. Қайнанаси 99 ёшда вафот этгандан кейин мактабдорликни ўзига касб қилиб олади. У бир маснавийсида:

Йигирма йил мактаб очдим қизлора,
Ҳирсим баланд бўлди доим ашъора,—

деб ёзади. Шоира 57 ёшида Тош Махдум ҳам дунёдан ўтади.

Мулла Тош Махдумдан 8 фарзанд бўлиб, улардан икки ўғил бир қиз ҳаёт қолади, холос.

Шоира ўз умрининг ярмидан кўпини илм толибларини ўқитишга сарфлади. Уларни саводли қилиш — ҳаётни ва жамиятни гўзаллаштиради. У мактабни, билим олишни, китобни тарғиб қилади.

Энг яқин дўсту азиз, ҳамдарду дармондур
китоб,
Ҳамдамим, ҳамсуҳбатиму ҳамқадрдондур
китоб.
Манга илм ўргатувчи устод, билимдондур
китоб,
Дил ғуборин аритгучи ғамхору жонондур
китоб,
Танда жоним хизматиға рагдаги қондур
китоб[1].

Ўша пайтда, феодализм шароитида хотин-қизларни илмли, маърифатли қилиш, шубҳасиз, ғоят некбин ҳодиса эди. Дилшод ўз мактабида ёш қизларни тарбиялар, уларга хат-савод ўргатар ва уларни чуқур билим эгаси қилиб чиқаришга интилар эди. Шу билан бирга, ёш истеъдодли қизларга ўзбек, тожик мумтоз адабиёти намояндаларининг асарларини ҳам ўргатар ва уларни нафосат руҳида тарбиялаб, ўз замонасининг илғор кишилари қилиб етиштиришга ҳаракат қилар эди.

Шоиранинг устозлари адабиётимизнинг классиклари Низомийдан Бедилгача ва Навоийдан бошлаб Нодирагача бўлган энг яхши қалам соҳиблари эдилар. Дилшод улуғ шоир Алишер Навоийни ўзига пир деб билади.

Дилшоднинг энг яқин муаллими унинг замондоши, шоиралар ҳомийси Нодира ва Увайсий бўлди. Бу ҳақда шоиранинг ўзи: «Улуғ отинлар Жаҳонбиби ва Нодирахоним назмлари салиқамға қувват бахш этадур» деб ёзган эди. У, шоир ўз замондошларининг қалб таржимони бўлиши зарур деган масалани кўтаради.

Ўз даврининг илғор фикрли зиёлиси сифатида танилган шоира юз йилдан ортиқ умр кўриб, тахминан 1905—1906 йилларда вафот этган.

Дилшоднинг яқингача бизга маълум бўлмаган адабий мероси ҳозир ўзбек ва тожик китобхонлари орасида ўзининг иккинчи ҳаётини бошлади. Ҳозир бизга Дилшод асарларининг 3 та қўлёзмаси маълум. Улар адабий меросимизга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Дилшоднинг ижодий меросини излаш, аниқлаш, кенг тарғиб қилишда тожикистонлик олим, тарихчи А. Мухторовнинг хизматлари диққатга сазовордир. У Янгийўлдан шоиранинг «Тарихи

[1] Дилшоди Барно ва мероси адаби ў., нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1970, 140-бет.

муҳожирон» асари билан тожик тилида ёзилган шеърларини топган. Ўзбек тилида ёзилган «Тазкираи Барно» асарининг қўлёзмаси асосида 1969 йили «Дилшод ва унинг XIX ва XX аср бошларида тожик халқининг ижтимоий тараққиётида тутган ўрни» номли монографиясини нашр эттирди[1]. Шунингдек, 1970 йилда Тожикистон «Ирфон» нашриёти «Дилшоди Барно ва мероси адабий ў» номли китобини босмадан чиқарди. Бу китобда А. Мухторовнинг сўз боши ва Дилшоднинг «Тарихи муҳожирон» асари, шоиранинг тожик ва ўзбек тилларидаги шеърлари берилган.

1969 йилда Ўзбекистонда шоиранинг ўзбек тилидаги янги бир қўлёзмаси топилди. Бу қўлёзма «Саботул башар» ва «Тарихи муҳожирон» («Инсон матонати» ва «Муҳожирлар тарихи») деб номланади.

Қўлёзмада шоиранинг 42 та ғазали мавжуд. Булардан 36 таси ўзбек тилида, 6 таси эса тожик тилида ёзилган ғазаллардир. Ҳар бир ғазал 7 байтдан иборатдир. 17 ғазалга Дилшод, 22 ғазалга Барно тахаллуси қўйилган. Қўлёзманинг айрим варақлари йўқолгани туфайли кўчирилган йилини аниқлаш мумкин бўлмади.

Ўзум битдим мингдан ортуқ ғазални,
Зикр этиб ўтдим охир-азални.
Минг уч юзда кузга етди баҳорим,
Билмадимким, қачон келгай наҳорим.

Лекин ҳозирга қадар бизга шоиранинг ҳаммаси бўлиб 142 шеъри маълум. Бундан 80 таси ўзбек тилида, 62 таси тожик тилидадир.

ДИЛШОДНИНГ ЎЗБЕКЧА ҒАЗАЛЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Қўлунға ўқ қаламни, ёз ғазални, дедилар устоз,
Бериб илҳом дилға муштағилни дедилар устоз.

Сан ўқ бошлаб адабни, эл ҳаётиға муваддат қил,
Сухан бўстонида булбул бўлурсан, дедилар устоз.

Гуноҳингу савобингдин гапурма, меҳрдин сўзла,
Муҳаббат жомидин ҳиммат майини ич, дедилар устоз.
Ўлумдин баҳраманд бўлмай қазоу қадрин айтма,
Ки, ул маслак йўлида бошқалар бор дедилар устоз.

Агар одам эрурсан муфтихўрликдин (кечиб, назм эт)—
Ки, илминг бурди кеткай ҳирс қўшулуб, дедилар.
устоз.

[1] Дилшод «Саботул башар», 8-саҳифа.

Мулозим бирла ошно бўлмағилким, кибр зўр ўлғой,
Такаббур элидин дарду мараздур, дедилар устоз.

Эл ичра ишла, эл бирла тирик бўл(гил) амалда,
Ки, танҳо ном чиқормас яхшиликда, дедилар устоз.

Қалам олдим қўлумға, шеър ёздим эл ҳаётини,
Амал қилдим ёзишда ҳар нимарса дедилар устоз.

Агар ишқу муҳаббатдин ёзар бўлсанг ғазал ҳар гоҳ,
Элинг ишқини, Барно, доимо ёз, дедилар устоз.

* * *

Ман ҳукм этарам: ватаним обод бўлмаса бўлмас,
Қашшоқ элим охири навзод бўлмаса бўлмас.

Йўқдур ҳеч иложи, орзу чиқар рўёбға,
Вайрона бадалида шаҳар бунёд бўлмаса бўлмас.

Қўб ринд жафо ичра тан жисмини билмас,
Охири бўлиб ҳушёр, озод бўлмаса бўлмас.

Дайр аҳли наздида, бу дун ҳар лаҳзада нобуд,
Даҳшатли калисо нез барбод бўлмаса бўлмас.

Эй пири муғон, майкадани йўли қаёнда,
Сармаст ўлиб ишқ ғазали ижод бўлмаса бўлмас.

Барно қўлиға қоғаз бер, битсунки ҳукмин,
То элиға саодат иршод бўлмаса бўлмас.

МАСНАВИЙЛАРДАН

Хотима Мунхаб-ул-ашъор

Мани аслим эрур оламға равшан,
Таваллуд манзилимдур Истравшан,

Самоға бош урмиш барча тоғи,
Эрам нақдинаси оламда боғи.

Адирларда кўринур мисли чўғдай,
Жаҳонға манзур ўлғон лалим буғдай.

Ўшал равшан шаҳарни қизи эрдим,
Ўшал тоғлар аро юлдузи эрдим.

Узумзор ичра ўсган эрдим озод,
Онам қўйнида эрдим шоду Дилшод.

* * *

Таваллуд минг икки юз ўн беш эрмиш,
Ўтуз икида мулкимдин айирмиш.

Умархон ном золим, номи шоир,
Чиройимиз кўруб, ул бўлди жобир.

Қетуруб бу Хўқандға ул пиёда,
Ситамни солди бизларға зиёда.

Ҳамани Шаҳрихонға ҳайдадилар
Мани хон ўрдасиға ҳайдадилар.

Бу ҳусним бўлди бошимға ситамкор,
Мани чарлатди қошиға у жаббор.

Деди: «Шоира дейдилар отингни,
Манга билдур басо асли зотингни?»

* * *

Дедим:«Юртумда Дилшод эрди отим,
Амир тиғида яксон бўлди зотим».

Деди: «Ушбу анорға не деюрсан?»
Дедим: «Қизлар хунидин тўлдирибсан».

Бақирди, кирди эшикдин маҳрам,
Деди Хон: «Шармандани берғил барҳам».

Элитди, зиндонбонга топшурди мани,
Ул девордин четга ошурди мани.

Бўлдум озод илкидин, қолдим тирик,
Ушбу кулба аҳлиға бўлдим шерик.

Йигирма йил мактаб очдим қизлора,
Ҳирсим баланд бўлди дойим ашъора.

Энг яқин дўсту азиз, ҳамдарду дармондур китоб,
Ҳамдамим, ҳамсуҳбатиму ҳам қадрдондур китоб,
Манга илм ўргатгучи устод, билимдондур китоб,
Дил ғуборин аритгучи ғамхору жонондур китоб,
Танда жоним хизматиға рагдаги қондур китоб.

Ҳар китоб ҳар турли маъни бермоғи таълимидин,
Бир китоб баҳс этса илму маърифат таърифидин,
Ўзгаси сўзин адаб аҳлиға қилур тақдиридин,
Ҳар бир олимни (нг) китоби илмни тавсифидин,
Адлу инсоф жорий этгай, ҳукми султондур китоб.

Шайх тасбиҳидин афзал, илм такрор этгучи,
Шахс унвониға лойиқ ҳилм изҳор этгучи,
Бўлмағон афсонадан оламни безор этгучи,
Ҳар ҳақиқат бўлса оламға падидор этгучи,
Олими пурдида, донишманд — луқмондур китоб.

Ўқуғонда масту мустариқ қилур хонандани,
Жониға роҳат берур ишқ сўзини донандани,
Тақдирини билдирур, ҳушёр этадур бандани,
Сиррин очиб ташлағай кажкул бирла жандани,
То абад дил тоза бўлғай, нури иймондур китоб.

Тухми ирфон кишт эткизгон зироат бобида,
Ужби тавфиқ канда қилғай чин риёзат бобида,
Дунёни (нг) меҳрини қўйғой ул бизоат бобида,
Яхши ниятларни кўзлайдур ижозат бобида,
Одамилик жисмида бир яхши деҳқондур китоб.

Очсангиз овроқини кўрингусидур турфа боғ,
Жилва бергай кўзингизга навбаҳор фасли бу чоғ
Кўнглингизга рўшнолиқни кетургай бу чароғ,
Шодлик босиб кўнгилни ҳеч қолдирмайди доғ,
Доимо бўстонни яшнатғучи боғбондур китоб.

Бу замонда ҳамдами роз ўлмағоч ўқиш керак,
Ҳар китобни ўқиғонда маънисин уқиш керак,
Андин ўргониб адаб илмин, ғазал тўқуш керак,
Норасолиқни жаҳонда бехини қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларға тийри паррондур китоб.

Ўқуғонлар орасидин кўп билимдонлар чиқар,
Маърифат илмини торқотғучи гапдонлар чиқар,
Ердин кимё олувчи кўп деҳқонлар чиқар,
Мазлум эл бахтиға кўп-кўп пир донолар чиқар,
Муштипар Барно Хўқандийдин бу достондур китоб.

ДИЛШОДНИНГ УЗБЕК ТИЛИДАГИ «МУҲОЖИРЛАР ТАРИХИ» АСАРИДАН НАМУНАЛАР

... Кирдим. Бир кекса аёл докаға кашта тикар эрди. Саломға алейк олиб, турк сўйлади, ман билмадим. Бас форсий чала сўзлади, фаҳм ила билиб жавоб қилдим. Бир неча кун аёл хизматини қилиб юрдум. Аёл саксондин ошган, ўғли элликда бор, шу санағача кадхудо эмас аз важҳи бебизоат бўлғонидин. Бас мандин рози ризолиқни олуб, ўғли Тош Махдумға ақд қилдурди. Тош Махдум масжидға имом, онамиз қизларға мактбдор эрдилар.

Ман боз ўн уч йил хизмат қилиб, туркий лаҳжани мукаммал ўргануб, мактабдорлиқни мерос олдум. Қайн онам назаркарда эканлар, то тўқсон икки ёшғача ойнаксиз чок тикиб, рўзона қизларға сабақ берур эрдилар. Ман боз етти йил шу тарийқа қизларға мактабдорлиқ қилғонимдин сўнг (қайн онам) тўқсон тўққиз ёшда вафот қилдилар. Ул аснода ман ўттиз етти ёшда эрдим. Мулла Тош Маҳдумдин саккиз фарзанд бўлуб икки ўғул бир қиз қолди. Сайид Азим ва Сайид Маҳмуд ва Меҳринисо. Маҳдум эрса онасидин йигирма йил сўнг тўқсон ёшида фавт бўлди. Ул аснода мен эллик етти ёшда эрдим, боқий ихтиёр қилмадим.

Ман саксон саккиз ёшимғача ойнаксиз хат кўруб, мактабдорлик қилдим. Эллик бир йил мактаб тутиб, ўрта, авсот. ҳисобида йигирма уч толиба тутуб, саккиз юз тўқсон бир қизни босавод қилдим. Алардин қарийб тўртдан бири табъи назм эрдилар.

Охир дамларда хон ўрусға байат қилғон тарих асносида ложорам ҳушёр ва қобул қизлар жамъ бўлғон эрдилар. Алар хусусан адаб омузашиға мойил эрдилар. Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Бедил назмиятиға фрифта ва ошуфта бўлғонлардин Анбарой саккиз ёшидин то ўн тўрт ёшиғача адаб машғули эрди... Ул қиз улуғ шоира бўлуб етишур деб умидим бор. Ул қизға монанд боз аввали охир икки юздин ортуқ назмхон шоиралар таълим олуб чиқғон эрди...[1]

... Муҳити рўзғор оммаи халқ учун улуғ мактабдур. Аҳли тасаввуф айтғон бемаъни фикрлар аҳли вужуд учун бегонадур. Аҳли вужуд шулки, халойиқ рўзгорини санжиш қилмоқ илан ҳаёт рўзравишидин сайр ва илм омузиш қилиб, халқ орасиға фикру мулоҳазалар фаҳм қилғой. Аҳли вужуд бир мақомни, бир ишни одам куч ва бозусида мушоҳада қилиб ва тобора андин беҳроқ ва енгилроқ кашфиёт топмоқ йўлларини жустужў қилғой...

Қамина ва замон аҳли ул орзуйимда бўлғон замонларни кўролмас. Аммо албатта авлод ва ўрта замона аҳли ул замонға мушарраф ўлурлар. «Кемадағилар жони бир» деган мақол рост. Ушбу замонда нез ул келғуси замонға бормоқ сафариға чиқиб, бепоён баҳри Уммон кемаси ичра сафарда кетаётғон норасида

[1] Дилшод. Танланган асарлар, 13-саҳифа.

ёш ҳамфикр замондош улфатларим беҳад кўбдур. Анбар отун ҳоло ниҳоят ёш, аммо кема буржида қиёмдадур.

Лек ушбу йўл илан манзилға етиб борилмоғи мушкулдур. Чароки кемаға ҳоло бодбон ва доруға ва моҳир эшкакчи мавжуд эмасдур. Анно биз аҳли вужудлар фикри дарж бўлғон ҳошияни (нг) барча ўттиз саккиздин қирқ тўртинчи саҳифасиғача айтилғон мажмуъ қиёс мулоҳазалар вуқуъға ва вужудға келмоғи бешак ва бешубҳа эрур. Чароки аҳволи рўзғори замона ва афзойиши ранжу алам ва зулм вужуд эрур.

•

Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибн Хўжамберди Рожий

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигидаги тарқоқликка барҳам бериш ва уни бирлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу тарихий ўзгариш ва юксалиш Муҳаммадамин иноқ, Элтузархон ва Оллоқулихонларнинг хонлик қилган даврларига тўғри келади. Ўша вақтда, айниқса, Хоразм маданиятини юксалтириш, унга аҳамият бериши ҳақида қайғурилади. Шу ватанпарварлик ҳамда маърифатпарварлик натижаси ўлароқ ўша даврда Хоразмда адабиёт ва санъат янада ривожланди. Бу соҳада Абулғози Баҳодирхон бошлаб берган анъаналарнинг давом эттирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай тарихий даврда, яъни XIX асрнинг тахминан 30-йилларида Хоразм маданияти ривожига, адабий ҳаракатчилигига катта ҳисса қўшган истеъдодли шоир Рожий дунёга келди. Илм сирларини ўз юртида эгаллади, ёшлигидан адабиёт фанига қизиқди, шунингдек шеър ёзишни машқ қила бошлади. Машҳур шоир, истеъдодли таржимон ва улкан давлат арбоби Огаҳий билан ёнма-ён ижод қилди. Шеърлари нафис ва латифлиги, фалсафий фикрларга бойлиги туфайли кенг тарқалди, шоирнинг ўзи халқ ҳурматини қозонди. Фикримизнинг тўғрилигига тўла қаноат ҳосил қилиш учун Комил Хоразмийнинг қуйидаги сатрларини ўқиш кифоя:

Комил, нетонг, гар огоҳ эса сўз камолидин,
Доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур.

Рожий фақат анъанавий ишқ-муҳаббат эмас, балки ахлоқ-одоб, илм-маърифат, муқаддас ватан, муборак замин ва бошқа мўътабар мавзуларда ҳам қалам тебратди. Унинг «Адаб» радифли ғазали бунга ёрқин мисол бўла олади. Шоир сабру қаноат, нафс балосидан ўзини узоқ тутиш каби фазилатлар инсон бегаги эканини бадиий баркамол мисраларда тараннум этди.

Рожий ижодидан намуналар

Эй, ҳаё маъзанин қани адаб,
Сари куйинг эрур дўкони адаб.
Адаб эрмаски отинг зикр этмак,
Деса бўлғай сани жаҳонни адаб.
Оразингдан ҳаё бўлур зоҳир,
Талъатинг фош этар нишони адаб.
Адаб эрмас дами фаромушинг,
Сан-сан оламда қадрдон адаб.

* * *

Ҳар пири комил олдида хизматга комил ул,
Рожий кўнгулда коминг эрса гар камол файз.

* * *

Рожий гар шогирдинг эрса шеър эл моҳирлари,
Айлабон нокслиғ этма даъвийи устодлиғ.

* * *

Кими кўрсанг тавозеъ айлагил расми адаб бирла,
Кишиликдин мудур доим такаббур бирла хайқоймоқ.

* * *

Қичикроқ тут ичу тошингда барча халқдин ўзни,
Мурод эрса сенга гар олам ичра улғоймоқ...

* * *

Ёшликда пеша тузлук этмаса, асло туз бўлмағай,
Улғайганида, ёшдин эса ҳар ниҳол каж.

* * *

Оламда ҳар ким бўлса жафопеша, завол топар,
Ҳар ерда бўлса йўқ турур аҳли вафога завол.

* * *

Ғани айламас тарки зар ўлгунча

* * *

Рожиё, уз тамаин элдину қил хаққа таваккул,
Пеша айлаб узунга олам аро сабру қанот.

* * *

Десангим нафс ром бўлсун, риёзат айлагил кам-кам,
Солурлар бад нафс олға емиш оҳиста-оҳиста.

Феруз

(1844, Хива—1910 Хива)

Венгер олими Вамбери Хоразмга саёҳат қилар экан, унинг тенги йўқ гўзал вилоят экани тўғрисида такрор-такрор эслайди. Хива меваларининг Пруссия ва Туркия, шунингдек Оврўпа меваларидан ҳам ширинлиги, Хазорасп олмасию Хива нашватиси, анори, қолаверса, Хоразм қовунларининг лаззати бутун жаҳонда машҳурлиги ҳақида махсус зикр қилади. У Амударё сувининг ширинлигини дунёдаги ҳеч бир дарёга тенглаштириб бўлмаслигини зўр қониқиш билан эътироф этади.

Жаннатмакон, тупроғи муқаддас Хоразмнинг Хива шаҳрида **Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний — Феруз** 1844 йилда дунёга келган. Унинг туғилиш даври, шарт-шароити ва фасли тўғрисида Муҳаммад Юсуфбек Баёний, Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул рисолаларида қуйидагича тасвирланади: ...Наврўз байрами нишонланаётган кун эди. Кенг майдоннинг бир тарафида қўчқор, иккинчи тарафида хўроз, яна бир томонида ит уриштириш бўлаётганди. Одамларнинг қийқириши дув фалакка чиқарди. Оташнафас хонандаю созандалар ўзларининг нафис ва латиф куй ҳамда рақслари билан халқни хушнуд қилишаётганди. Бошқа жойда бутун оламга довруғи кетган паҳлавонлар курашаётган эди.

Гўзал қилиб безатилган бир чодрада Хоразм хони Сайид Муҳаммадхон сарой аҳли ила Наврўз айёми ва байрами гаштини сураётганди. Шунда унга «Суюнчи беринг, ўғлингиз бўлди» деб чопар келди. Унга Бобожон тўра деб исм қўйишди.

Бобожон тўра Хива шаҳридаги сарой муаллимларидан бошланғич таълимни олди, кейин мадрасада ўқиди. Буюк мутафаккир шоир, истеъдодли таржимон, ўзига талабчан тарихчи олим, мўътабар муаллим Муҳаммадризо Огаҳий унга шеърият ҳамда ахлоқ-одоб илмидан сабоқ берган. Бўлғуси давлат арбоби—хон, шоир, мусиқашунос ва бастакор Феруз тенги йўқ назм ва наво устаси, нозиктаъб хаттот Муҳаммад Юсуфбек Баёнийдан ҳам илм сирларини ўрганди. Сайид Муҳаммадхон ўғлининг иқтидори ва истеъдодидан беҳад шод бўлиб, унинг таълим-тарбия олиши учун кенг имконият яратиб берди.

1860 йилларда Сайид Муҳаммадхон оғир хасталикка (қорақаптол) йўлиқади ва 1863 йили оламдан ўтган. Сарой аҳли ройиши

ва истаги билан Бобожон тўра Муҳаммад Раҳимхони сонийни Феруз Хоразм тахтига ўтиради. У ишни Хоразм адабиёти, санъати, маданияти ва маърифатини ривожлантиришдан бошлади. Ариқлар қаздириб, сув чиқариш, катта-катта бинолар барпо этиш, мадрасалар, масжидлар қуришни авж олдирди. Бу ўринда устоз Огаҳийнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу хусусда Ферузнинг яқин дўсти ва устози Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг «Шаараи Хоразм шоҳий» асарида зикр қилинган.

Феруз Хоразм султони сифатида қаттиққўллик билан иш юритганини алоҳида қайд қилмоқчимиз. «Қилдирни бўш тутсанг, қўлингни кесар» деган нақл бор. Зеро, давлат бошқаришда қаттиққўл бўлиш ҳам фойдадан холи эмас. У ишда, давлат бошқаришда ошна-оғайнигарчилик, қариндош-туққанликка асло йўл қўймади. Қолаверса, хон Хоразм мустақиллигини сақлаб қолиш ва ташқи душманларга зарба бериш ҳақида ўйларди. Шунингдек, босқинчилик сиёсатига доимо қарши турган, ўз юртини ҳимоя этишга ҳаракат қилган, холос.

Муҳаммад Раҳимхони сонийни ўрисларнинг босқинчилик сиёсати ва уруш очиш хавфи ташвишга соларди. Унинг кўз олдида ҳар сонияда Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг Россия подшоси Александр II га ёзган хатидаги: Орол денгизи масаласини назардан чиқармаслик, Амударё ва Сирдарё сувларининг унга етиб бормаслиги, бунинг учун Марказий Осиёга фақат пахта эктириш шартлиги, Оролга Сибирдан сув келтирилса, Туркистоннинг бир умр мустамлака бўлиб қолиши муқаррарлиги ҳақидаги фикрлари гавдаланарди. Урис подшоси ва Кауфманлар мақсадига эришишди ва 1873 йили Хоразмни босиб олишди.

Хоразм Ўрисиянинг мустамлакаси бўлса ҳам Феруз халқ маданиятини ривожлантириш ишини жадал давом эттирди. Шоирлар, санъаткорлар, меъморлар ва бошқа ижод аҳлига ғамхўрлик қилди. Улар кучини, ижодий фаолиятини бир олижаноб мақсадга — Хоразм маданияти тараққиётига қаратди. Тахминан 1874 йили Хивада биринчи марта босмахона ташкил қилиб, китоб босиш ишларига шахсан ўзи раҳномолик қилди. Шунингдек, ижодкорларга қалам ҳақи тўлашга асос солди.

Феруз бошқа тиллардан таржима ишларини тўғри йўлга қўйди. У янгиариқлик улуғ шоир, таржимон ва нозиктаъб хаттот Муҳаммад Яъқубхўжа Холисга Алишер Навоийнинг «Хамса»сини қайта кўчиртириб, унинг «Ҳайрат ул-аброр» достонини нашр қилдирди. Ферузнинг ўзи ҳам жўшқин шоир, иқтидорли мусиқачи, бастакор ва мусиқашунос олим эди. Шоирнинг лирик қаҳрамони дунё ташвишларини елкасига ортган, жамият ва халқ фаровонлигини муттасил ўйлайдиган, юксак маданиятли ва маърифатпарвар, инсонпарвар ва ватанпарвар инсондир.

Феруз хон бўлиши ва давлат ишлари, халқ ташвиши ва ватан ҳақда қайғуриш сингари ташвишлари бошидан ортиб ётишидан қатъи назар, оила, уй-рўзғор, болалар тарбиясига алоҳида эътибор берарди ва бунга вақт топарди. Оилада ўзини хон эмас, оддий ота сифатида тутиши диққатга лойиқдир. Бу ҳақда хоразм-

лик олимлардан Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасуллар шундай ёзадилар: «Бекпошша (Феруснинг набираси Ибодулла тўранинг қизи — С.О.) йиллар ўтиб, Феруз оламдан ўтгандан кейин, синглиси Саидага шундай деган экан: «Мен бобомнинг (яъни, Ферузнинг — С.О.) эски чопон ва кулоҳ кийиб, қаландарларга ўхшаб ўтирганидан уни жуда камбағал яшайди, деб ўйлардим... бобом анча камбағал яшар экан, бизлар эса боймиз, унга ёрдам беришимиз зарур, деб бир неча бор отамга айтганман. Кейинроқ эса биз бобом, унинг давлати туфайли масза қилиб яшаганимизни тушуниб етганман».

Бу далил Ферузнинг оилада ўзини ўта оддий тутиши ва бунинг тарбияда муҳим эканини яхши билганини тақозо этади. У оғир касалликдан сўнг, 1910 йил 16 августда оламдан ўтди.

Феруз ижодидан намуналар

* * *

Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат,
Бошимға солди ишқинг юз қиёмат.

Қиёмат шўришин жаҳонға солдинг,
Жаҳондин мунъадам[1] бўлди фароғат.

Фароғат истаган чиқсун жаҳондин,
Топилмасдур тирикликда саломат.

Саломат аҳли бошиға фалакдин
Даме тинмай ёғар санги маломат.

Маломат тошидин озурдадурлар
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.

Фаросат хайлининг оллида бу қул,
Бошингға солмайин чини маломат.

Маломат чекмайин десанг жаҳонда,
Худонинг берганига қил қанот.

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,
Ҳар ишда қилмағунг ҳаргиз надомат.

[1] Мунъадам — йўқолмоқ.

Надомат бирла умрим ўтди, ё Раб,
Етур тонгла расулингдин шафоат.

Шафоат жомидин саршор қилгил,
Ҳазин Ферузни шоҳи рисолат.

* * *

Рухсорин очиб бир пари, келди бу тун базмим аро,
Бошдин оёқи бор экан меҳру вафо, нозу адо.

Чиқса фалакка ҳар саҳар оҳу фиғоним, не ажаб,
Айлар фузунроқ ҳар кеча ул ой менга жавру жафо.

Билмон, не офат эрди ул, бўлғоч назарга жилвагар
Ақлу хирад, ислому дин ўлди бори мендин жудо.

Жонинг учун ҳардам манга кўргуз тараҳҳум, эй пари
Ким сабру тоқат қолмади жавринг чекиб субҳу масо[1].

Ойдек юзунгнинг партави тушсун қаро кулбамға ҳам,
Қўйғил қадам, эй маҳлиқо, очиб узори дилкушо.

Не суд, толеъ бўлса гар юз ою кун, ҳар субҳу шом,
Нечунки бор Ферузға меҳру жамолинг муддао.

* * *

Юзунгдур, эй париваш, ҳусн буржининг тўлин моҳи,
Ики қошинг ҳилоли ийд янглиғ борча дилҳоҳи.

Санга монанд эмастур ҳеч ким хайли башар ичра,
Малаксан, ё парилар сарвари, эй ҳўблар шоҳи!

Қуёшдек ораз ичра сирри оғзинг уйла мубҳамдур —
Ким, онинг хурдабинлар зарра янглиғ эрмас огоҳи.

Фироқинг ичра ҳолим шиддатин, жоно, билай десанг,
Анга икки гувоҳ — кўз ёши бирла чеҳраи коҳи.

Жамолинг шамъи бирла тийра кулбам қилғоли равшан,
Не бўлғай, юз очиб ёнимға келсанг раҳм этиб гоҳи.

Эрур Яъқубдек икки кўзум йўлунг уза гирён,
Кўнгулга бўлди бир ўй Юсуфим то бағбағанг чоҳи.

Не бўлғай, эй суманбар, раҳм этиб Феруз ҳолиға,
Мудом ўлсанг онинг иқболидек ёнида ҳамроҳи.

---

[1] Масо — оқшом.

* * *

Базмимга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,
Чексам, нетонг, ўтлуғ наво ул навъким булбул букун.

Бўлди машомим[1] мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнглумга таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб —
Ким, гулзорим илкида мийно қилур қул-қул букун.

Сармасти саҳбо бўлғоли чинни қадаҳни тўлдуруб
Ул ўзи нўш айлабон тутти манга ҳам мул[2] букун.

Ул оташин юзни кўруб, гулшанда шайдо андалиб,
Ишқи ўтиға ўртаниб, бўлмиш вужуди кул букун.

Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,
Бу беадаблик бўйнига тасбиҳинг этмиш ғул букун.

Гарчи эрурман толеъи Феруз ила оламға шоҳ,
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

* * *

Аё, бераҳми, хўбони замона,
Мани ҳижронда қўйма жовидона.

Санга арз айларам рози дилимни,
Эшит арзимни кўргузмай баҳони.

Висолингда бўлуб ағёр хушҳол,
Мани ҳажринг ғами еткурди жона.

Ҳаданги ғамзанга жисми низорим,
Тараҳҳум қилмай, айларсан нишона.

Не бўлғайким, сўруб Феруз ҳолин,
Агар бўлсанг анга ёри ягона.

* * *

Қачонким айласа ул Исойи замона ҳадис,
Ўлук баданга берур умри жовидона ҳадис.

Бўлур бори шаккарин нуқтагўйлар абкоме лол[3],
Не мажлис ичра қилур ул маҳи ягона ҳадис.

---

[1] Машом — димоғ.
[2] Мул — май.
[3] Абком — соқов, гунг.

Ҳадисидин, неажаб, умри жовидон топсам,
Ким ҳардам оби Хизрдин берур нишона ҳадис.

Деса сўз ўзга ҳабибимдин, айламас таъсир
Қулоқға, ҳар нечаким бўлса қудсиёна ҳадис.

Биҳамдиллоҳ, эрурман висолиға маҳрам
Нединки бордур эшитмак манга баҳона ҳадис.

Муғанниё, тузуб «Ушшоқи рост» оҳангин,
Наво қил, айлабон оғоз ошиқона ҳадис.

Гоҳи карам била Ферузни ҳам айлаб ёд,
Замон-замон анга қил хат била равона ҳадис.

* * *

Эй, фалак, нетдим, сане душманлиғ изҳор айладинг,
Нотавон кўнглум туганмас ғамға дучор айладинг.

Солибон айру малаксиймо ҳабибимдин мани,
Ғулсурат[1], девсийратлар била ёр айладинг.

Васл ила бир дам хуш этмай хотири, ношодими,
Доимо дарду фироқу ғам аро зор айладинг.

Ҳажр тиғидин қилиб жисмимни сартосар яро,
Жони зоримни машаққат бирла афгор айладинг.

Давлати васлин муяссар айлабон ағёрға,
Меҳнату ҳажриға кўнглумни сазовор айладинг.

Бир лаби майгун, кўзи хуммор ҳижрони аро
Қон ёшим кўзда равон, жонимни бемор айладинг.

Бир йўли айланмайин Ферузнинг коми била
Эй, фалак, нетдим, сане душманлиғ изҳор айладинг.

* * *

Бу оқшом келди ул дилбар адаб бирла салом айлаб,
Ўлук жисмимга жон берди Масиҳосо калом айлаб.

Шабистонимни қилди оразининг меҳридин равшан,
Олиб рухсоридин парда, қуёш янглиғ хиром айлаб.

Аён айлаб жамолин, қилди шомим субҳға табдил,
Юзи ҳижронида ағёрнинг субҳини шом айлаб.

---

[1] Ғулсурат — ташқи кўриниши дев каби маъносида.

Келиб юз навъ нозу ишва бирла меҳр этиб оғоз,
Қошимда ўлтуруб деди тилин муъжиз низом айлаб:

«Ки эй ҳажримда кўнгли лоладек доғ узра доғ ўлғон,
Юрурсан бўйла токи айши роҳатни ҳаром айлаб,

Висолимға чу етдинг шоду масрур айлабон ўзни,
Баён айла манга сен арзи ҳолингни тамом айлаб».

Чиқориб бир суроҳий бода пайдарпай қилиб лабриз[1]
Ичурди қўл солиб бўйнумға юз минг эҳтиром айлаб.

Кириб оғушима мажлис аро сармасти хоб ўлди,
Тонг отғунча мани маст мудом, шодком айлаб.

Ёри ушшоқини Феруз сармасти баҳор этти,
Илоҳо, шод эт они барчадин олиймақом айлаб

Муқимий

(1850 йил, Қўқон—1903 йил, 25 май, Қўқон)

Муҳаммад Аминхўжа ибн Мирзахўжа Мирфозил ўғли Муқимий Қўқонда новвой оиласида туғилиб, бошланғич мактабда таҳсил кўрди, кейинчалик Нодира асос солган «Ҳоким-Ойим» ва Бухородаги «Мехтар-Ойим» мадрасаларини тугаллади.

Муқимий — ўзбек адабиётининг буюк маърифатчиси, зуллисонайн (ўзбек ва форсгўй) шоири ва мутафаккири.

Таҳсил муносабати билан Бухорога борганлигини истисно қилганда, Муқимий Қўқонда муқим яшаб, шу шаҳарда вафот этган. У ҳаёт тақозосига кўра ўз халқи ҳаёти билан яқиндан боғлиқ ҳолда яшаган, ўз ижоди ва қарашларида кенг меҳнаткашлар, ҳунарманд-косиблар, зиёлилар манфаатлари, орзу-умидларини ифодалаган, ҳимоя қилган. Бу ҳол синфий тенгсизлик, ижтимоий зулм, ҳақсизлик, инсоннинг хорлиги, қадрсизлигини Муқимий чуқур ҳис қилишга, бу тўғрида муттасил ўйлашга, шу ҳолатдан қутулиш йўлларини, воситаларини ўз иқтидори ва имкониятлари даражасида қидиришга олиб келди. Гарчи ижтимоий зулм, синфий тенгсизлик моҳиятини, ҳақиқий сабабларини илмий

[1] Лабриз — лиммо-лим.

тушуниб етиш даражасига кўтарила олмаган бўлса-да, у аччиқ ҳаёт тажрибаси, меҳнаткашларнинг оёқости қилиниши шундай давом этиши мумкин эмаслиги тўғрисида ўйлади. Энг муҳими, ижтимоий тараққиётнинг тобора тез суръатлар билан буржуа муносабатлари даражасига кўтарила бошлаганини кўриб турганлик оқибатида, «бир яхши замон келиши» муқаррар, деган хулосага келган. Қолаверса, шоирнинг ўзи бир умр оғир моддий тангликда яшаган.

Муқимий асарлари XIX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб кенг меҳнаткашлар, халқ оммаси орасида оммалаша бошлади, уларга куй басталади.

Чор мустамлакаси бўлган Туркистон шароитида шоир ва мутафаккирнинг тилёғламаликдан холи, миллий озодлик руҳи қулф уриб турган ижоди Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, М. Шайхзода, Ойбек, Ҳ. Ёқубов, Х. Зарифов, И. Мўминов, Ғ. Каримов, А. Абдуғофуров ва бошқалар томонидан анчагина кенг кўламда ўрганилди, унинг асарлари ўзбек ва рус тилларида тўплаб, бир неча маротаба нашр этилди.

Муқимийнинг ғоявий мероси ишқий лирика (ғазаллар, мураббаълар, мухаммаслар ва тахмислар), ҳажвиёт (сатира, юмор) ҳамда шахсий биографик характердаги ижтимоий мазмунга эга бўлган «саёҳатнома» лар туркуми ҳамда мактуботлардан иборатдир.

Илм-фан, донолар ҳақида, чин инсонларнинг хорлиги тўғрисидаги ўйларидан

... Мулки Ҳинду Марвдан келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман...

* * *

Қилурлар карру фарлар икки кунлик давру давронга,
Кибирлик, маҳмадона, бадҳаволарга қирон келсун...

Бу юртга бетамиз, нодон жувонлар ҳам бозорларда,
Балодек учраган шилқим гадоларга қирон келсун.

* * *

Бу юрган норасолар базмида хуш бўлмагай кўнглум,
Агар ҳар лаҳза қон юттурса ҳам ақли расо келсунлар...

* * *

Келса олдингизга бой суврат, яқоси тугмалик,
Иззат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар...

* * *

Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўй фақир,
Камбағалнинг хирқасидин ор қилмоқ шунчалар...

* * *

Дариғо мулкимизнинг соҳиби аҳли шарор ўлмиш,
Шариат ҳукми қозилар қўлида пур ғубор ўлмиш.

Ба жойи амри маъруф, қори мункар ошкор ўлмиш
Ҳакиму, олиму, соҳиб фасохат хору зор ўлмиш,

* * *

Замона аҳлини бир хайла бордур хайф инсонлик,
Шул инсофи билан ул айлагай даъво мусулмонлик,
Бировга ҳийлаю макр айлаюр, афъоли шайтонлик,
Бўлур хурсанд ўз қилғон ишига бўйла нодонлик,
Бериб қиз кекса бойга фахрила хешу табор ўлмиш...

Ҳазор афсуским, илм аҳлиға бир иззат йўқ,
Ғанийларда саховатдин асар, хайр ила ҳиммат йўқ,
Хирадманд аҳли донишларда ҳамқадр ила қиймат йўқ,
Фақр аҳлиға мардумларда эҳсону мурувват йўқ,
Бахилу хўр каби эл кўнгли ҳамториқу тор ўлмиш.

* * *

Бой амалдорларни фош этиши хусусида

... Гарчи қамоқ ва ғурбатда қон йиғлаган бўлса ҳам,
Оқибатда шаҳид бўлиш шарафига муяссар бўлди.
Рамозон ойининг ўн еттисида, шом намозин ўқуб туриб
«Олло» деди-ю, бирданига жон берди.

* * *

... Садқаи одам кет, юз хайфсан, Асрорқул,
Заҳр ичкан, куйганинг бўлсун кафан, Асрорқул.

Қайдаким борсанг чекиб, элдин уқубатлар мудом,
Бўйнингга ҳар ерда солсунлар расан, Асрорқул...

Аксари умр ўтиб (...) еб тўймаган,
Сингдиролмай эрта кеч урган хасан, Асрорқул...

Бор экан деб келмасун, одам гадо деб бир умр,
Устидан дарвозасин қулфлаган, Асрорқул.

Саллаи ҳарорати-ю, уст бошлари навъи силлиқ,
Юз совунлаб, ўзини сирлаган, Асрорқул.

... Гар қилич бошимға келса дегайман ростин,
Сўзки ҳақ бўлса, саволимға жавобим ким десун?...

* * *

Мухйи ҳар ерда камолот даъвосини қилишдан бошқа
нарсани билмайди.
Лекин менинг қўлимда, эй Муқимий, нуқсондан (камчилик)
бошқа ҳеч нарсам йўқ.

Илм ўқиғони билан ҳар ким мусулмон бўлурму?
Моумон айлаб фаришта ғайри шайтон бўлурми?

Шиквалар айлаб туз ичган ерларингизни мудом,
Ё магар поси намак тутмоғлик осон бўлурми?

Шеърингизға халқ толиб бўлсалар сўнгра ўқинг,
Ё келиб ахбоб кар бўлмакка меҳмон бўлдиму?

Кимки муҳмалдур ўзи ҳам ўзгани муҳмал билур.
Қилсангиз ғайрат атое дерки, эҳсон бўлдиму?

Бузда риш, эшшакда жон, тўти гапургони билан,
Эй афандим, сизга ул, албатта инсон бўлдиму?

Суҳбат аҳлиға қилолмай ул кеча изҳори фазл,
Фазлингизни пахтаси ҳам ёки арзон бўлдиму?

Бўлмагай ҳосил, Муқимий, маъние ҳар лафздин,
Доно сочкан бирла ҳар қишлоқи деҳқон бўлдиму?

* * *

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар,

Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими.

Ун икки ойда келадур бир таноб,
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Али Хўжа, Ҳакимжон икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё хаёл айлаки (қилмай нифоқ),

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа—чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилик.

* * *

Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо.
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор авлиё...

Тоза иликни ювиб, ейдур ҳалол англаб гумон,
Учраса ҳар ердаким макруҳу мурдор авлиё...

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий

(1853—1921)

Ўзбек халқпарварлик адабиётининг йирик намояндаларидан бири, маърифатпарвар шоир Убайдулла уста Солиҳ ўғли Завқий 1853 йилда Қўқон шаҳрининг Шайҳон даҳасида майда ҳунарманд оиласида дунёга келди.

Оиланинг моддий жиҳатдан анча қийин аҳволда яшашидан қатъи назар косиб — маҳсидўз ота тўнғич ўғли Убайдулланинг ўқимишли киши бўлиб етишишини орзу қилган ва уста Солиҳ ўғлини мактабга беради. Кейинроқ тоғасининг ёрдами билан Завқий Қўқондаги «Мадрасаи олий» ва «Мадрасаи Чалпак» номли мадрасаларда илм олади.

Турмуш шароитининг оғирлиги натижасида анча вақт ота косибчилик билан шуғулланиб, рўзғор тебрата бошлайди. Лекин шундай қийин аҳволда мутолаа билан банд бўлади ва Шарқ шеъриятининг намояндаларининг асарларини қунт билан ўрганади, замонасининг илғор шоирлари Муқимий, Фурқат, Нусрат, Мухаййирлар билан мулоқотда бўлади. Қўқон шаҳридаги пойабзал растасининг хўжайини Мўминбой ихтиёрида мирзолик иши билан Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Наманган, Хўжанд, Тошкент каби шаҳарларда бўлган ва ўша чоқда халқ ҳаёти билан қизиққан.

Юқоридаги зикр қилинган воқеалар шоир дунёқарашига чуқур таъсир қилади. Эндиликда у ўз асарларида халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларини илгари суради, мавжуд ижтимоий тузумдан нафратланиш, озод ва фаровон турмушга интилиш, меҳнаткаш халқ манфаати йўлида хизмат қилиш, ижтимоий адолатсизлик, жаҳолат **ва қолоқликни** лаънатлаш асосий мавзуга айланиб қолади.

Шу боис золим бой ва савдогарлар, фирибгарлар Завқийни доим таъқиб остига олади, унга озор беради. Бу кураш борабора адабиётдаги ғоявий зиддиятлар курашига, демократик оқим билан реакцион тусдаги оқимлар курашига айланиб кетади. Шаҳарнинг камбағал косиб-ҳунармандлари, илғор фикр эгалари шоир тарафида эди.

Рус империясининг биринчи жаҳон урушига кириши билан вужудга келган барча қийинчиликларнинг катта қисми қарам

бўлган ўлкалар елкасига тушади. Қолония тариқасидаги Туркистон ўлкасида оғир дамларни бошидан кечиради. Халқ қўзғолонлари аёвсиз, қон тўкиш билан бостирилади. Бундай воқеалар Завқий асарида ўз аксини топади. Умуман, ўша давр халқпарвар, маърифатпарвар шоирлари Муқимий, Фурқат кабиларга ўхшаб, ўз халқини қолоқ тубанликдан чиқиши учун маърифат, маориф, мактабнинг роли катта эканини кўрсатди.

Завқий жуда мураккаб ва тарихий воқеаларга бой бир даврда яшаб ижод этган тенглик ва адолат куйчиси сифатидаги маърифатпарвар бўлиб қолди.

ЗАВҚИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

ЗАМОНА ҚИМНИҚИ?

Сен дема ушбу замонда обрў муллоники,
Қолди аълолар оёқ остида, сўз адноники,
Сар дарахти мевасин кўр; зоғ ила қарғоники,
Демангиз, аҳболар, гул булбули гўёники,
Давлати васли тиконда, ҳажри ул шайдоники.

Сен, эй даврон, ичиб ғам заҳрини ғамнокман;
Ғунча янглиғ оташинликда гирибон чокман,
Демадим бир бор ичсам дафъиға тарёкман,
Халқ наздида ҳақиру хок ё ҳошокман.
Давлату иззу шарафлар марди бу дунёники.

Шаҳру қишлоқ демангизким, фисқ ила тўлди жаҳон,
Аҳли дунё қошида ёлғончилардир нуқтадон,
Йўқ ривож касбу ҳунарға, соврилибдур хоумон,
Хоҳ косиб, хоҳ деҳқон қайға борса бағри қон,
Ҳоли ҳар ерда суҳан шармандаю расвоники.

Муътабар, нодон элидин қочди, донолар бари,
Гўшага олди ўзин кўнгли мусаффолар бари,
Қолдилар роҳи равишдин дийда бийнолар бари,
Эътибор ўлди жаҳонга сурат оролар бари,
Бу замона ғарч кавуш кийган, силлиқ саллоники.

Ҳеч ким фақр аҳлига жон бирла қилмайди савоб,
Ағниё аҳлига анқо парча нон, бир томчи об,
Шу сабабдин бева-ю, бечоралар бағри кабоб,
Бекасу бечора сўзига киши бермас жавоб,
Манзилат ҳар ерга борсанг суврати зебоники.

Маъсият тўлди жаҳон ичра, зуҳур айлар фасод,
Хайру эҳсон топди барҳам, халқ бозори касод,
Ошно, ёру биродарларда ҳам йўқ илтифот,

Меҳру шафқат йўқ, ота ўғлига қилмас эътимод,
Давру даврон ҳамма жойда ҳокиму мирзоники.

Ағниё аҳлида йўқ хайру саховатдин асар,
Бас эрур илму амал ўрниға бўлса, сийму зар,
Қўрқаман бу феъли баддин ютмасин деб ер магар,
Сўрасаларким, бу мухаммасни ким айди деб агар,
Завқий деган бир ямоқчи, маҳсидўз устоники.

Дар мазаммати замона

(Муқимийга жавоб)

Эй фалак, Фарғонага тегдиму билмам кўзлар,
Чилла-ю доим зимистон, бўлмағай наврўзлар.

Бева-ю бечора косибларға ҳурмат қолмади,
Ўғрилар атлас кийиб, бой бўлди кўп тенг кўзлар

Юрту эл аҳволиға зор йиғламоқдин ҳар кеча,
Ой кўкси доғу гардун ашкидур юлдузлар.

Арзи-ҳол этсанг чиқиб, ҳеч бир қулоқ солмай яна.
Депсагай, мажруҳ қалбинг бўлгуси маъюслар.

Агниё аҳлиға айни муддао бўлди, кўринг,
Айшу ишрат бирла ўтгай кеча-ю кундузлар.

Чархи кажрав, шум замона иллати қилгач асар,
Аҳли дониш кўзлариға тийра бўлди рўзлар.

Бу шаҳар фисқу фужурдин бўлди бадбўйким, кўринг,
Кўплигидин пул эгаси (думалоқ) қўнғизлар.

Кўп машаққат бўлди элга ўғриларни(нг) ваҳмидан,
Ҳеч бир жон ухлаёлмас яккаю ёлғузлар.

Молу жонға кўз тикиб, тўпланди чор атрофидин,
Уйма-уй босқин ясаб ўлғур қароқчи-дуздлар.

Ўлди кўплар беажал, номус бўлди поймол,
Қиз анодин ажралибким, бўталоқдек бўзлар.

Тавба деб, Завқий яқонгни ушла, бўлғил эҳтиёт
Аждарҳодек комини очганда ялмоғузлар.

Бўл

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл!
Ақчадин лангар чўп ушлаб растанинг дорбози бўл!

Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи анча кар,
Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хуш жаранг овози бўл!

Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила,
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳи тийрандози бўл!

Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърни,
Ким эшитсин арзининг хоҳ рози, хоҳ норози бўл!

Ажаб Замона

Ажаб замондур, аҳбоб, бош қотиб қолди,
Будур муомила: бозорлар ётиб қолди,
Кими нишонасига келса қарз отиб қолди,
Бу даҳр лойиға аҳли ҳунар ботиб қолди,
Бу май ширидур — ачиқ ҳар киши тотиб қолди.

Йўқотди чиқса бозорга афанди қопини,
Бўлур кузаккача маълум ким урса лофини,
Келичасини сотиб ейди, балки сопини,
Бу йил хуруж қилиб чиқди қарз ёпуни,
Ўзини(нг) мулкини бермай ким ажратиб қолди?

Ҳамиша шуъбадагар давр кўргазур бози,
Жаҳон тўла бари ҳангомадур қишу ёзи,
Фалакни(нг) ҳар кишига бу тағофилу нози,
Очилди мактаб, ўқитди синишни устози,
Ким ўлса рўбарў, бир дамда ўргатиб қолди.

Демакка рози дилим эмди ҳамнафас қайда?
Қирарга булбули таъбим тузук қафас қайда?
Йўқотди йўлни ҳама, савтлик жарас қайда?
Олурға боғи эрам орзу ҳавас қайда?
Тамоми олам эди мулкини сотиб қолди.

Замона бойларини(нг) ўртасида кина-ю бухд,
Бириси Булаҳаб эрса, бирисидур Бужаҳл,
Бирини(нг) мазҳаби — дунё, бирида пир — вексекь,
На қози қолди, на аълам, на муфти-ю на вакил,
Бир илтимос ила векселига чатиб қолди.

Отанинг бўйнида йўқ ўғилни(нг) вафо тавқи,
Онаси қиз боласи-чун қачон келур шавқи?

Баробар ўлди ёмон, яхшиларни(нг) мофавқи,
Бу давр бирла ўтиб умри муддаи, Завқий.
Бировни алдамади, лекин алдатиб қолди.

Мунча кўп

Золим фалак бисотида озор мунча кўп,
Инсон шарафли номида хор мунча кўп,
Ҳар кўчаларда қашшоқ ила зор мунча кўп,
Тарҳи жаҳон биносида бадкор мунча кўп,
Ҳўқанд аро балога гирифтор мунча кўп.

Ҳамрозу дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,
Орзу шулким: камина кўнгил муддаосидур,
Хуш суҳбати мажруҳ дилим давосидур,
Мақдами кўзима айни шифо хоки посидур,
Йўқ андоғ анисим, дунёда ағёр мунча кўп.

Нодон севар замона дод илкидин нетай,
Бошим олиб фиғон ила ё бир томон кетай,
Ушбу диёри масхарани эмди тарк этай,
Тинмай шикоят ила ёмонга рақам битай,
Жумла фалокат аҳлига ғамхор мунча кўп.

Дориламон бўлди ажаб фоҳишахоналар
Тўлмасми касофатдин охири паймоналар,
Доно кўриб бу кулфат ўтида ёналар,
Қолсин фисқу фужури бошидин ордоналар,
Қарғишга нишон беномусу беор мунча кўп.

Илму ҳунарлар ўрниға пулдор тўнг бўйин,
Уч-тўртти йиғилиб қилишур ит каби ўйин,
Эҳсони ғарибга йўқ, шоҳона қилур тўйни,
Айтса адо бўлмас сира минбаъд феълу хуйин,
Ғуссаи дилим, шарҳ айласам асрор мунча кўп.

Қишлоқ эли шафтоли қоқи-нон тополмагай,
Кийган либосини(нг) тортса (белини) ёполмагай,
Ўлди совуқда кўпи оч, ўтун ёқолмай,
Кўрдики бу машаққати ҳаргиз йўқолмагай,
Қиш чилласида ёзга умидвор мунча кўп.

Ким ташна ёр учун, кимида икки-уч ҳарам,
Бирови беватан-у, бировда боғи эрам,
Бировни(нг) сўзи зулфиқор, бировни (нг) қадди хам.
Ғаддор фалак, доим ишинг бўлди бешу кам,
Каждор замона, доғули маккор мунча кўп.

Биров сийму зар ила ўлимидин омон бўлур,
Етиб муродға бири ҳокими замон бўлур,
Ақча учун киши роқизан ёмон бўлур,
Бечора косиб аҳлиға, билгил, зиён бўлур;
Ноҳақ қон тўкарга босмачи хунхор мунча кўп.

Дерлар биров улуғ-у бирини (нг) паст тақдири,
Бири тўқу, бири оч, балоларни (нг) собири,
Инсон шарафли номида эмасми ҳар бири?
Ёхуд она туққанида бўлганми бир сири,
Ёлғон эътиқод ила бидъат шиор мунча кўп.

Завқий, ким айди, мунча шикорти дароз қил,
Сўзни мухтасар айлаб, иборатни оз қил,
Ким зимистон кўнгилларни баҳору ёз қил,
Қад рост туриб, сўз била элни сарафроз қил,
Айтмай десанг, муносиби ашъор мунча кўп.

Кўп қизиқ

Кўп қизиқ бу жаҳонни (нг) савдоси,
Кўринур ранг-баранг тамошоси,
Ҳар ерга борса сўзи мақбулдур,
Кимни (нг) бор бўлса нуқра тиллоси.
Жумласи бойлар сўзи айтур,
Хоҳи эшони, хоҳи муллоси,
Илмдин истасанг нишон йўқдир,
Бошида бор қозонча саллоси.
Тўй қилиб, ош берур ғанийларга,
Камбағал парча нонни (нг) шайдоси.
Тўн қўюр олдига имон, бойни (нг)
Камбағал келса ҳайда-ҳайдоси.
Сарф этар тўйга пулни минг-минглаб,
Йўқ хаёлида мактаб иншоси
Илм учун пулни кўзлари қиймас,
Ким билур бору йўқу фойдоси.
Завқийни хаста ўлса очликдин,
Бўлмагай бойларни (нг) парвоси.

Қулоқ солинг, ёронлар

Юракда лахта қонлар қулоқ солинг, ёронлар,
Асрида бегу хонлар, эсиз ўтган замонлар.

Ченгиз билан Чамачбий оламни қилди тобиъ,
Савдойи умр гоҳи қилгай экан ҳаёнлар....

Шоҳона ишрату базм мадҳига айдилар назм,
Илму ҳунарга йўқ жазм, ўтмишки бегу хонлар.

Эл заҳрасини ёриб, асов отида бориб,
Умрида сопқон отмай бўлур «Соҳибқирон»лар.

Йиғиб ҳамшираларни, муғлуқ бокираларни
Шом этди тийраларни, соврулди хонумонлар.

Қулфат тушиб бошиға, оғу тушиб ошиға,
Келмай киши қошиға, акрону меҳрибонлар.

Йўқ истаса халойиқ, дардга табиби ҳозиқ,
Раҳбар бўлурға лойиқ, бошига соябонлар.

Худоёр қочди-кетди, жулус ўрусга етди,
Хукмин равона этди то Шошу Андижонлар.

Ким ишда илму ҳикмат қўллаб очар тилсимот,
Утхона бирла бир ряд кетур бари вагонлар

Пружиналик коляска жон роҳати олисга,
Тужжор элин гузори, тушди фаранг томонлар.

Илму ҳунар ривожи, бўлғай ақлни(нг) тожи,
Ҳам юрту эл хирожи, собит топур омонлар.

Аҳбоб Муқимий қат-қат, Завқий дилида ҳасрат,
Ҳижрат тутибди Фурқат, қолдик неча ёмонлар.

Ажаб эрмас

Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас,
Бу давлат сув юзинда бир ҳубоб ўлса ажаб эрмас,
Кўринса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юзидин ҳижоб ўлса ажаб эрмас.

Насим жонфизо бемор танга, эй сабо еткур,
Хазон пажмурда бўлганларга сан обу ҳаво еткур,
Қўй энди биз билан бегонани бир ошно еткур,
Гадомиз бошлар узра соялар солсун Ҳумо еткур.
Муқаррардур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас.

Шиори шаръ бирлан зийнат афзо ўлса Фарғона,
Тонг эрмасдурки шаҳри жаннат асо ўлса Фарғона
Ҳавоси руҳпарвар ҳам дилоро ўлса Фарғона,
Жаҳон аҳлига гўё дафъи савдо ўлса Фарғона,
Бўлиб тупроғи анбар, сув гулоб ўлса ажаб эрмас.

Ўтиб бир қарн, ақроним, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини золим ҳаддидин озод кўргайсиз,
Гирифтори алам эрмас, ҳамани шод кўргайсиз,
Бурунги ўтгану кетган кўнгулда ёд кўргайсиз.
Қариган чоғда Завқий бир шабоб ўлса ажаб эрмас.

Кўз очайлик

Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик,
Саъи ила жону дилда ҳимматга кўз очайлик,
Номус, диёнат истаб ғайратга кўз очайлик,
Фанни (нг) ривожи бирла санъатга кўз очайлик,
Умр ўтди зулмат ичра ғафлатга кўз очайлик,

Ул кунда бошга тушган савдони ҳеч унутманг,
Кўрган қиёмат ойин ғавғони ҳеч унутманг,
Ҳар кимса онт ичарлик даъвони ҳеч унутманг,
Бу вақт бирлан эмди уқбони ҳеч унутманг,
Юрт-элга жону дилдан хизматга кўз очайлик.

Истасанг ҳуқуқ илмин, якранг эмиш ҳукумат,
Бўлса ривож ҳар бир касбу ҳунарга рухсат,
Жонларға қўйса миннат, истар кишига раҳмат,
Уйқудин уйғотинглар ҳожат талаб раият,
Бемор аср ўтти сиҳҳатга кўз очайлик!

Уммидимиз гули ҳам бу навбаҳор очилди,
Қон ёшлар оққанига юз лолазор очилди,
Шод ўл, халойиқ, охир лайли наҳор очилди,
Сармаст эдик ҳамиша эмди хумор очилди,
Хушёр ўлиб муваққат суҳбатга кўз очайлик!

Битсин, ҳамият айланг, хор-зор очлик,
Айлайди меҳнат аҳлин кўп бемадор очлик,
Кимни қилиб бечора, кимларни бор очлик,
Қишлоғу шаҳримизга бўлганми ёр очлик,
Бу шум бало йўқолсин, иллатга кўз очайлик!

Қонлар тўкилгач, ўлди равноқ физо ҳуррият,
Қилди замона сайқал топди жило ҳуррият,
Қишлоғу шаҳар эшитсун, қилди нидо ҳуррият,
Йўл бошлади тутиб қўл бу раҳнамо ҳуррият,
Кўп йил азоб чеккан меҳнатга кўз очайлик!

Бўлғон вакил бизга, эй мутлақул-инонлар,
Қутлуғ, муборак ўлғай ҳол ўзгариш замонлар,
Бу халққа бўлсангиз гар энг яхши посбонлар,
Сарф айланг ушбу йўлда бош бирла нақд жонлар,
Бир иш қилингки, Завқий, ҳайратга кўз очайлик!

Фурқат

(1858 й., Қўқон—
1909 йил, Ёркенд)

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, маърифатчиси, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон ижтимоий-фалсафий фикрида халқ демократик йўналишининг асосчиларидан бири. Ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган Зубдатул — Ҳукамо Зокиржон Мулла Холмуҳаммад ўғли Фурқатдир.

Фурқатнинг ижоди, дунёқараши ва ғоявий меросининг асосий йўналишини ўз Ватани, миллати ва халқи тақдири учун куюниш, унинг келажакда саодатли бўлишига катта умид ва ишонч боғлаш, бунинг асосий воситаси илм-маърифат, маданиятни пухта эгаллашни тушуниш ва шуни тарғиб қилиш деб тушунган. Фурқатнинг ижодий фаолияти ва мероси, ғазалларига шоирнинг ўзи ҳаёт пайтларидаёқ басталана бошланган куй ва қўшиқлар ўзбек халқини улуғлашга катта ҳисса қўшган.

Фурқатнинг дунёқарашида илм-фан, маданият ва маърифатнинг ҳаётбахшлигига ишонч етакчи эди. Агар Муқимий, Завқий, Аваз «бир яхши замон» келишини, «офтобнинг остида булут қолмаслигини», «жаҳон халқининг золим ҳаддидан озод» бўлажагини кўрсатган бўлсалар, Фурқат замонавий илм-фанни эгаллаш, маърифат тарқатиш орқали ҳамма нарсага эришиш мумкинлигига ишонган.

Фурқатнинг илмий, бадиий ва мақоланавислик ижодида маърифатчилик майллари, инсонпарварлик, яхши хулқ-одоб, меҳр-муҳаббатни, илм-фанни куйлаш, уларни ўрганишга, эгаллашга чақириш Фурқат лирик қаҳрамонининг бурчидир.

Муҳаббатлик менга бир ошнодур,
Ҳа танҳо ошно, балким ағодур.

Менга кўп айлаган ул меҳру шафқат,
Қилиб ҳаққимда эҳсону мурувват.

Етургил анга орзу иштиёқим,
Муфассал шарҳ қил дарду фироқким.

Дегилким: Соғинур суҳбатларингни,
Муҳаббатли ҳаму улфатларингни...

Жамиъ хўжа Шайхованд Таҳурда,
Сўраб топ, бўлсалар қайси чуқурда.

Дуо ҳар қайсиға махсус еткур,
Ғуборий дилларда бўлса кеткур...

Агар хат берсалар ёнингда сақла,
Ғалат айтдим дилу жонингда сақла!...

Эрурман интизоринг келгунингча,
Ўшал мактуби восил қилғунингча...

Илм хосияти

Дейин сўз илмни (нг) хосиятидин,
Баён айлаб, анинг моҳиятидин.

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун
Ўзида хуши бор одам эшитсун!

Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,
Кўринг ўтган замондин бу замонда.

Искандарким жаҳонга шоҳ эрди,
Сипах анжум, фалак хиргоҳи эрди.

Наким офок ародур бахр ила бар,
Ҳама ўлмиш эди анга мустахар.

Юруб барча ани (нг) ҳукми йўлига,
Низоми мамлакат олди қўлиға.

Ани (нг) ким лашкари оламға тўлди,
Низоми забт ҳикмат бирла тўлди.

Бор эрди тўрт сохиб заковат,
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.

Алар ҳар қайсиси монанд Арасту,
Хирадда балки Афлотунға қаршу.

Алар ичра эди лекин Афлотун,
Жами илму ҳикмат бирла авзун.

Қилиб бир неча ҳикмат ошкоро,
Ажалга қилғудек бўлди мадоро.

Неча илму неча фан, андин ижод,
Улуб хосиятидин олам обод.

Искандар амри бирла ҳикмат ойин,
Қилиб ойини андоғким жаҳонбини.

Жаҳонда хоҳ бахру хоҳ бардур,
Ушал ойина ичра жилвагардур.

Агар қилса жаҳонбинлик таманно,
Боқиб андин қилур эрди тамошо.

Кўрур эрди қилиб анга назора,
Вале йўқ эрди сўзлашмоққа чора.

Иложин аҳли ҳикмат ҳеч,
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.

Эрур шахларга лозим давлатдин,
Бериб нома, олиб сўз ҳар жиҳатдин...

Искандар давлатида аҳли Юнон,
Афлотун ҳам Арасту бирла Луқмон.

Фунуни телегроми билмадилар,
Мегар илмини ҳосил қилмадилар.

Керак одамға қилғой илм ҳосил
Жаҳондин ўтмагай то махзи жоҳил.

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилни/нг/ муроди илм бирла.

Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларини/нг/ нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлар ҳар қайси вақтида даркор.

Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,
Ўзимни жаҳл зиндонига солдим.

Кўргазма

Қаю шаҳридаким бўлса ҳунарманд,
Ҳама келди, йироқ эрди агарчанд.

Жаҳонда кўрмаган асбобларидин,
Ажойиб нодиру ноёбларидан.

Самарқанду Бухородин матои,
Кетурдилар ҳама ўз ихтироси.

Ҳама ўз ихтиёри бирла келди,
Бу ерда нафь кўрмоғин билди.

Бу нафиъким бўлур кўп ерга машҳур,
Некўлиғ васф ила ҳар тилда мазкур.

Газетлар ичра номи маркум,
Улуғлар ичра бўлғай боз маълум.

Ҳунарким васф бўлса ҳар забондин,
Қилур кўп кадрлар пайдо жаҳонда.

Ҳунарварга етар кўп нафъ андин,
Бўлур сўнгра мақоми рафь андин.

Келиб анча ҳунар комил қилурлар,
Кўриб кўп илмни ҳосил қилурлар.

Нечунким мунда мустахсан ҳунар кўп,
Ҳунар ойинида диққат асар кўп.

Кимиким бўлса донишманд оқил,
Ула илму ҳунарға кўнгли мойил.

Қилур кўп илмни ҳосил, кўрибон,
Кириб оҳиста-оҳиста юрубон.

Ипак мошинаси бирла тегирмон,
Кўр, анда айлади оламни ҳайрон.

Яна мошинаи оташ ароба,
Турар ҳикмат тилсимоти масоба.

Ўн икки оғзи бир машиналик тўп,
Ажойиб тўп яна андин бўлак кўб.

Ажаб буким яна бир занг кўрдик,
Бир одамдин анинг вазнин сўрдук.

Садоси неча чақрим ерға кетгай,
Йироқ андин кишилар ҳам эшитгай.

Яна нажжор ишин осон қилурға,
Бўлиб мошиналар тахта тилурға.

Бир одамдин бўлак одам керакмас,
Тилурга арра, уста ҳам керакмас.

Тилур кўб тахталарни соат ўтмай,
Нечук соатдинким, фурсат ўтмай.

Мусулмон айлагай мошиналар ҳам,
Бор эрди гарчи кўп, йўқдир агар кам.

Чиқиб дегрезлар асбоби бирла,
Қуюб чўян қозонлар тоби бирла.

Эл ичра ўзларин манзур қилди,
Бахар холи ҳунар машҳур қилди.

Яна мундин бўлак соҳиб ҳунарлар,
Тарки илму фандин бохабарлар.

Келиб виставка ичра бўлдилар жамъ,
Шабихи йўқ эди бир-бириға асло.

Кўриб Русиялар: ахсан дедилар,
Мусулмондин ажаб бир фан дедилар.

Яна Урганч элидин беадад мол.
Келибдур абришимлик иш била мол.

Гилему чекману муйин калоба,
Тағи от аслаҳа бирла ароба.

Олачабоф ила оҳангар усто
Турубдур ишлашиб анда ҳамоно.

Кўринди бир тарафда теваю от
Баси қилмоққа арзийди мубохот.

Турубдур бир ярим газ кадди тоти,
Ани сўрасам, деди: — қашқарнинг оти.

Юз эллик сўм баҳо қилмишлар онинг,
Деюрлар: — боз, кам қўймиш баҳонинг...

Чиқориб ўртада ерда кўрсатурлар,
Харидор агар бўлса сотурлар.

Яна кўрдим биҳойим жинси бисёр,
Ўлук баъзи, тирикдин баъзиси бор.

Тирикдин: тева, тоти, от ила ҳар,
Қийик бирла ҳўкуз ҳар қайси пар-пар.

Ўлуклардин палангу, ҳирсу тўнғиз,
Буғи боши бутоғлик анда мунгуз.

Яна тулку, бўлак неча баҳойим—
Вужудидир тирик ҳайратда қойим.

Бу янглиғ кўб эркан даррандалардин,
Ўлук, баъзи тирик парранда лардин.

Товуқ, кабку ҳулар, ҳам ғоз, ўрдак,
Тазарву турна, лайлак бирла чуррак.

Яна тўтию қумрилар қафасда
Турибдир овчи қушлар ҳам чакасда.

Чунончи баҳри лочин барча солгу
Неча туйғуну бургут ҳам этолгу.

Қулоғи бир қаришлик този итлар,
Эрур воқиф анга овчи йигитлар.

Яна бир неча този бўйни боғлиқ,
Юрушда барчаси оҳу аёғлиқ...

Гимназия

Қолиб ҳайратда қилдик офаринлар,
Бўлур мундоғ шахларни низоми.

Эсизким, бизни/нг/ ўтмиш хону беглар,
Кечиб ишратда зойиъ субху шоми.

Кетурмай ёнига бир аҳли дониш,
Ўзига хос этиб неча авоми.

Чу илму фазл элини тутмадилар,
Қилибон тарбиятда эҳтироми.

Халал етгач қачон давлатларига,
Қилур торож молин ўз ғуломи.

Чу илм аҳлиға парво қилса эрди,
Бўлур эрмасмиди давлатга ҳоми

Далили равшан ушбудирки, дермиз
Ҳукумат қушга ўхшар, илм доми ...

Бир ҳўқандлик толибул илмнинг хати

« ... камина Зокиржон Фурқат ва Ҳожи Зуҳур ул гимназияни кўруб томошо қилдук. Дафъаи аввал жаноби мазкурнинг таклифлари илан гимназияга кириб, амонлашиб, марҳамат айлаб, ўзлари йўл бошлаб собикан илм хосияти бирлан бино бўлғон ҳикматхонадаги асбоб ва олотларни кўрсатдилар. Анинг томошасида бизларга кўп хайриятлар юзланди ва ақлимиз лол бўлди. Гўстохлик юзидин баъзи ашъё ва асбобларни сўрадук, ҳақиқатини баён қилиб тушунтурдилар. Аммо ҳамман асбоби ҳикматларини батафсил сўрамоққа мазкур жанобдин ибо қилдук... Мазкур шогирдларни зеҳнини очмоққа дарсхоналарга батадриж интикол қилдуруб, таълим берур эканлар. Бу хусусда афсус қилдукки, бизни(нг) ўтгон хонларимиз бу тариқа илм ва низомға қўшиш қилдурсалар эрди, то бу ҳам ҳалқимиз кўп илмдин баҳраманд эрди...

Ҳўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти (ўзи ёзғони). Хосса ул халқнинг /хўжандликларнинг — З. А./ ароларидаги русм-корда тафаххусида аксари нописанд ва номарғуб кўринди. Ғолибо мардумлар беҳунар ва бекасб эрмишлар ва аҳли давлат кишилари ва бечоралар кўб маълум бўлди. Масалан, ул вилоят халқининг уч ҳиссаси деҳқончилик бирлан тирикчилик қилсалар, бир ҳиссасидин бирмунчаси касби ҳунар қилиб, оз ададлари таҳсили илм қилур бўлғай. Ул ерда мавжуд **даъвий ҳикмат қиғон ҳакимларнинг ҳаммасини жоҳил эътиқод қилдим. Бу далил бирлаким ул халқни/нг/ кўзлари хийра бўлса қон олмоққа иштиғол кўргузурлар экан. Аларнинг бу беҳуда муолижасидин кўб кишининг сиҳатига нуқсон етмоқлиғини мушоҳида қилдим.**

* * *

Хулласул калом, бизлар ул мадрасада /Гимназияда — З. А./ ажойиб ва ғаройиб тартибларни кўриб таажжуб қилдик ва ул халқнинг (рус халқининг — З. А.). илм хусусидаги кавоид-русмлари аҳоли илм учун жорий қилғон тартиблари бизга кўб марғуб мурожиат айладук ... Мен ҳарнаким кўрдум фикрим юбориб ёздим, **баъзи одамларга менинг ўшандоғ мазмунларим марғуб бўлмагандур ва лекин менинг кўнглумдаги аҳвол бўлак одамларга маълум эмасдур** ва сенинг кўнглумнинг ичидин хабардор бўлмаганларға ташқаридин қиёс бирлан бир нимарсаға ҳукм қилмоқлари мушкулдир ...

Чун отам масжидға олиб бориб, устодға сипориш қилди ва таъкид айладиким, агар келмаса ва ё келуб ўқумаса танбиҳ қилғайсиз. Гўшти сизнинг ва устиҳони менинг бўлғой, деб...

* * *

Мени ўз ҳузуриға талаб қилди /тоғаси — А. В./, мен Русия халқидин эҳтироз айлаб, бормоқни ихтиёр қилмадим, чунким ул вақтларда Русия халқидин бирор одамни бозорда кўрсам, қочиб йироқдин ўтуб кетар эрдим...

* * *

Русия расмлари аксари бизлар расмларимизға яқин эмасдур. Ушбу сабабдин мен мусулмон халқимизга билдурмон учун ёзаманким биз халқға Русия халқи бирлан бир ерда турмоқ ҳақ таоло иродаси бирлан бўлди. Анинг учун уларни расмларини яхши билмоқ бизларго зарур, чунки аромизда савдо ва бошқа таалуқ робиталар кўбдур. Ўз нафъимиз Русия халқи амриға мулоҳаза қилсак лозимдур.

* * *

(Хўқанлик шоир Зокиржон Фурқатнинг Истамбулдин ёзғон мактуби)

Вақтеки мен Тошканд шаҳрида эканимда агарчандеки Русия халқининг гимназия деган катта мадрасасиға бориб-келиб юрсам ҳам Русия хаттини ва лисонини парво қилуб яхши ўрганмадим. Русия ошнодарим мани Русия хатти ва лисонини батакмил билмоғимни хоҳлаб таклиф қилур эрди ва мен мусухола айлаб тараддуд қилмас эрдим...

Саёҳатга чиқиб, Самарқанд, Марв, Ашхобод, Узун то Ботумигача поездда борганимда, деб давом эттирган эди Фурқат, ҳамроҳларим армани, эрони ва доғистонликлар эди.

Бу қадар йўлда келгунча фақат Русия халқи бирлан сўзлашиб кетдим. Ҳатто станцияларға келганда бирон нарса лозим бўлса келатуриб бердилар ва таҳорат учун ерға тушсам ашёларимга нигаҳбон бўлуб турдилар. Ул ҳолда мен Русия халқи хатти ва тилини батакмил билмоғонимга кўп афсуслар қилдим, чораки Русия лисонини мамлакатдаги илмдор ва тужжорларга нақадар лозим бўлса, сафар ва саёҳатға чиққан кишиға юз онча лозим экан.

Мен Истамбул мамлакатиға келиб кўрдумки подшоҳлар ва тужжорлар ўғулларини туркча ўқутғонда бирор фронсузча ўқутар эканлар. Истамбил халқи азбаройи тижорат ва муолимат фронсузча ва алмонча хат ва лисон билмоқни ўзлариға лозим билур эканлар. Аммо бизни Туркистон вилоятларидаги мусулмон ўрусча хат ва лисон билмоқни гуноҳ билурлар ва фойдасини

назарға олмайдилар. Фикр қилсалар керакки, **биз халқни бу қадаргина ўрусча хат ва лисон билмоғимиздин Русия халқига на фойдадур ва фойдаси ўзларимизғадур** ... Бас мунинг бир озча фойдасини ўзум кўрдум, Русия халқи кўрмади.

Анинг учун айтаманким одамизодға ҳар қандоқ илм лозимдир. Ўз нафаслари учун бўлмаса ҳам бошқа мусулмонларнинг ҳожати учун ўрганмоқ ўз фойдаси учун лозимдур. Агар бу хусусда Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа биз халқни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдур, балки умуман аҳли исломни ва ё махсусан тужжорларни низом ва қонун билиб, кундин-кунга ишлари ривожлик бўлуб, харид ва фурухталаридин соирулсон мустафид бўлмоқларини хоҳлайдур. Аз баским бу маъни менга маълумдур ва Русия халқи ҳама вақт биз мусулмон халқини давлатманд ва хурсанд бўлмоғимизга кушиш қиладур минбаъд ҳам шундоғ бўлса керак...

Илёс мулла Муҳаммад ўғли—сўфи

(1860—1916)

Илёс Мулла Муҳаммад ўғли — Сўфи 1860 йилда Гурланда туғилган. У дастлабки маълумотни ўз маҳалласидаги эски мактабда олади. Хат-саводли бўлган отаси ҳам ўз ўғлига таълим беради. Кейинчалик Сўфи Хива ва Бухоро шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил кўради. У ўқиш йиллари ва кейинчалик ҳам моддий қийинчилик билан ҳаёт кечиради.

Бўлғуси шоир мадрасада ўқиб юрган даврларидан бошлаб бадиий ижод билан қизиқади. Шарқ мумтоз шоирлари ва замондош ижодкорларнинг асарларини ўқиб, уларга тақлидан шеърлар ёзади. Бу ҳол узоқ давом қилмайди. Шоир ижодининг гуллаган даври XX аср бошларига тўғри келади.

Сўфи ижодининг бу тариқа ўсиб, баркамол бўлиб боришида Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний ва шу каби жуда кўп сўз санъаткорларининг ижоди баракали таъсир қилади. Бу ҳақда шоир ўзининг кейинчалик ёзган ғазалларидан бирида уларнинг номини ҳурмат билан қаламга олади.

Қадди мавзунгни васф айлаб эмиш авзун калом,
Ҳисравий, Жомий, Навоий, Мир, Ҳоқоний, Низом.
Гул юзинг таърифида булбулдек ўлмиш гунгу лол;
Анвари-ю, Саъдию, Хофиз, киромию, ҳисом.
Нуқтаи лаълингдан ўлмишлар таваҳҳум нуқшида
Огаҳию Комилу, Рожи-ю, Баёний мустадом.
Анбарин ҳолингдан ўлмиш Лола янглиғ доғлар,
Ходиму Хокий, Қаомлий, Сўфи ушшоқ ном.

Сўфи моддий қийинчиликларга қарамасдан мадрасани муваффақият билан тамом қилади. Аммо, у қанчалик олим ва истеъдодли шоир бўлмасин бирор мансаб эгаси бўлмаган ва унга ҳеч қандай лавозим тегмаган.

Сўфи лирикасида севги-муҳаббат мавзуси алоҳида ўрин тутади. Зотан, бу ёшларга ҳақиқий муҳаббат билан ҳиссиёт ўртасидаги фарқни англатиш учун муҳимдир. Шоир лирик ғазалларининг кўпчилиги халқ оғзаки ижоди билан уйғунлашиб кетган. Демак, шоир халқ оғзаки ижодини пухта билган.

Сўфи шеъриятининг кўпчилик қисмини маърифатпарварлик ғоялари эгаллайди. Маърифатпарвар шоир меҳнаткашларнинг жаҳолат ва нодонликдан қутулишлари учун қунт ҳамда чидам билан билим эгаллашлари керак, деган ғояни илгари суради. Бу жиҳатдан шоирнинг «Устод», «Мударрис», «Дарс» радифли ғазаллари ўзига хос хусусиятга эгадир. Сўфи илм-фанга юксак баҳо бериш билан бирга уни тарғиб қилувчи муаллимларнинг хизматини жуда улуғлайди.

Шоирнинг «Талмиз» радифли ғазалида илм нурини таратувчи муаллимнинг улуғланиши бежиз эмас. Чунки муаллим меҳнаткашларнинг бахт-саодатга эришувини таъминловчи илм зиёсидан баҳраманд қилади. Сўфи халқни қолоқликдан, нодонликдан қутқазишни билимда, маърифатда кўради.

Умуман, Сўфи ижодида маърифатпарварлик ғояси халқни жаҳолатдан тараққиёт томон етаклаш орзу-истаклари билан уйғунлашган.

СЎФИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Қўюб бу илм йўлида қадам дарс,
Ўқуғил саъй ила ҳар субҳидам дарс,

Ки бу йўлда ғиноға не қадрдур,
Ололмасдур сотиб аҳли дирам дарс.

* * *

Тариқи илмға талаб хайлин,
Тутиб илкин мудаллалдур мударрис.

Биногоҳ маънийи дарс ўлса мушкул,
Би мушкулга муҳаллалдур мударрис.

Тўқуб ўртаға дурру гавҳари илм,
Бериб сайқалу, калалдур мударрис.

Очиб толиблари бу илм бобин,
Маҳи матлабға муфассалдур мударрис.

Талаба аҳлининг дарди дилиға,
Табиби ҳозиқи галдур мударрис.

Талаба дарс ўқурға тузса маҳфил,
Ҳамона шамъи муҳафалдур мударрис,

Туман минг муршиди жоҳилдин омий,
Фазилат ичра фозилдур мударрис.

* * *

Дўстликни этиб баён эй, дўст,
Дўстинг бирла бўл ягона, эй дўст...

Бир-бирига фидо қилиб жонин,
Дўст бўлғуси меҳрибон, эй дўст.

* * *

Қойда эрсанг этиб бир иш касбин,
Бе талаб юрмагил талабкор ўл.

Бир қадимий масалдур эл дерлар:
«Ибн бой ўлма ибн бозор ўл».

* * *

Сенга, эй дил, ўзин ҳамро қилур нафс,
Хабардор ўлки ўтдур ёқилур нафс...

Бўшатиб гар юборсанг ўз бошиға,
Ажаб ҳангомалар барпо қилур нафс ...

* * *

Емаку ичмак эрур дунёда,
Чун эшак зумрайин нодона ғараз.

* * *

Ўтар дунёда яхшилар била умр ўтказиб яхши,
Бориб яхши, келиб яхши калому сўз суруб яхши,
Ичиб яхши, еюб яхши, туруб ҳам ўлтуруб яхши,
Ҳамиша яхшилар бирла юруб, мажлис қуруб яхши,
Этиб оламда яхши пеша яхши кор айрилманг.

Йўлиқса бўлмангиз ноаҳил жоҳиллар била йўлдош
Деманг, ҳеч кимсага роз ул сиза гарчи эрур кўз-қош.
Ки бир нақлики дерлар: «Кетмасун сир, кетса кетсун бош»,
Қелгунча қўлдин ўлманг ҳар қаю нокас била сирдош,
Бу бир пандин эрур деманг бадкор айрилманг.

Ақл аҳли тутмас жунуни нарсалардан хабар,
Қайда жох аҳлига бўлғай зериполардан хабар.

* * *

Нуқта ҳар бир лафзида мастурур гавҳар сифат,
Бас бу гавҳарга эрур ким чун садаф истар лафз.
Маъни гўё жон эрур, жон ул учун мисли бадан,
Ваъзинг таъсиридан топмишдурур меъмор лафз.

* * *

Сув учун ҳар йили козор ориғ,
Сарф этиб қуввати камар деҳқон.
Сарф этиб қуввати камар деҳқон.
Суғориб, ер суриб, сочиб дона,
Бахту иқболдин кўрар деҳқон ...

... Бас бу аҳли жаҳон аро бордур,
Асл касбу ҳамма ҳунар деҳқон ...

Олам эди улар эди очдин,
Бўлмаса дунёда магар деҳқон ...
Суфиё, қил дуойи хайрин, ҳеч —
Кўрмасин офати хатар деҳқон.

* * *

Устоздурур далолат талмиз,
Ҳал ҳамма мушкулот талмиз.
Устоздурур сабоқ олурда,
Ҳам раҳбару ҳимоят талмиз.

* * *

Яшнаб кўкаргай десанг чу сабза,
Ол олгиш ила дуойи устоз.
Чун кўзу кунгулга рушнолик,
Еткургусидур бакойи устоз.

* * *

Тушуб чун илм йўлига дарс ўқирдин,
Бошингга тиғ келса қилма рам дарс.

Бу равзаи илмга сув очгил,
Ҳар ён қаротиб айвун талхис.
Баҳори илмдан чун қатра-қатра,
Йиғилса, бўлгуси бир ям дарс.

* * *

Жоҳил қотиғ кўнгулларга насиҳат хайф эрур,
Чунки тош устига ёққан абри борондир абас.

* * *

Ўзга элки подшолигидин,
Яхшидур бўлган гадойи Хева.

•

Муҳаммад Шариф Гулханий

(XVIII аср охири, Қўқон—XIX аср боши, Қўқон)

Гулханий ўзбек халқининг улуғ шоири ва маърифатчиси. Унинг назмий ва насрий мероси ўзбек халқининг ҳаёти, турмуши, орзу-умидлари, инсонийлиги, меҳнаткашлиги, топқирлиги, ўткир ақл-заковатини ўзида акс эттирган. Айни пайтда, Гулханий ўзбек адабиёти, ўзбек адабий тилининг шаклланишида, танқидий реализм анъаналарининг вужудга келиши ва кучайишида катта таъсир кўрсатган.

Ота-боболари асли кўҳистонлик (Қоратегинлик) бўлиб, Гулханий Қўқонда туғилиб, бир умр шу ерда яшаган, ниҳоятда ҳозиржавоб бўлган. Ҳеч кимдан, ҳатто амирдан ҳам тап тортмайдиган, ўз шаънини баланд тутган киши эди.

Гулханийнинг Намангонда ўқиганлиги, Янгиқўрғон ҳокими сифатида Намангон ҳокими ихтиёрига юборилганлиги, жун қопга солиниб, Сирдарёга чўктирилиб ваҳшийларча ўлдирилганлиги тўғрисида ҳужжатталаб хабарлар бор (Р. Муқимов).

Гулханийнинг бадиий салоҳияти, тафаккури, дунёқарашининг шаклланиши ва ўсишига Хисрав Деҳлавий, Хофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Турди, замондош ҳаммаслаклари Махмур, Мужрим Обид ва бошқалар сезиларли таъсир кўрсатишган. Шоирнинг истеъдоди «Калила ва Димна» дағи мавзуларни ижодий ривожлантириб, янги хулосалар билан бойитганлигида, шунингдек Қуръон оятлари ва Ҳадисларини ҳам ниҳоятда асосли ва ўз ўрнида қўллаганлигида кўринади.

Гулханийнинг ғоявий мероси, айниқса «Зарбулмасал» у ҳаётлик чоғлардаёқ катта қизиқиш уйғотган.

Гулханийнинг мероси, ҳаёти ва фаолияти, ижтимоий-фаолияти, ахлоқий фикр тараққиёти ҳали тўла ўрганилмаган.

ГУЛХАНИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Илм аҳлини қадрлаш, дўстлик «одил подшоҳ» ҳақида

... Улуғнинг боргоҳида хидеви дониш ва ахли хирадманди бохуш ҳар қанча кўп бўлса ҳам оз бўлур. Хусусан, подшоҳи одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқдур. Аввал, олими боамалки, подшоҳнинг охиратлик асбобини анга кўргазса. Иккинчи, вазири соҳиб раъйки подшоҳнинг дунёлик ярофини тараддудида бўлса. Учинчи, муншийи рост навис, каламзани нигоҳдор ва шамширзан. Холо бу турган ошхури жомадаронлар таом емоққа ҳозир, маслаҳатга ақли косир...

... Лекин донишлик бирла қилмоқ керак, боргоҳ ақлу донишманддур. ... Сарнавишти аҳли маъно чун қалам бошад сиёҳ (Илм аҳлининг бахти қалами сингари қора). Эй подшоҳи олампаноҳ, ўзлари маъно поясидин бебаҳра эканлар. Сизга сурати ёмон бўлса, маънонинг гули бўлса ҳам хуш келмас экан...

... Эй ёри азиз, сафар қилмоқ икки ҳолатдин ташқари эмас: бири ватанда авқоти кечмасдин ва яна бири — изо ва ихонатдин сафар ихтиёр қилурлар...

... Сафарга кўп харис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда бўлса, сакар бўлур. Сафарда рафиқ керак... Яхши рафиқ бирла сафар қилсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шаковат. Далилдур: нечукким сангпушт бирла чаён ҳамроҳ бўлғонидек ... Сангпушт айдики: Эй биродар, сабаб надурки буён ўтмайсиз? Чаён айди: «Кўз ёшича сув бўлса, бизга мазъур тутинг». Сангпушт кўнглида айдики: «Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсам, унча хўб эмас. Авло улдурки, ўткариб қўйсам. Қадимий яхшилар масалидурким: «Яхшилик қил — сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса холиқ билур»...

... Ўз дўсти дилин реш айдагай жаҳлдин,
Ҳар кимки ўз муштин урар деворга...

... Анда чаён айди: «Билганинг йўқмуким, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина».

... Ҳар кими одати нечук бўлгай,
Беиродат зуҳур этар андин...

... Сангпушт айди: «Яхшилардин бир масал қолибдурким: «Ишонмагил дўстингга, сомон тиқар пўстингга», «Ошнангдин топ» дегандек, дўстим сув узра хасдек юрмоқ, токай? Бу баҳри амик жавоҳирларин тамошо қилмоқ, керак», — деб ғаввослардек бир гута урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоққа қолди. Бу масални анинг учун келтирубдурларким. «Аслининг хатоси бўлмас, ножинснинг ошноси бўлмас», «Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайдур»...

... Қора озмолар дебдуришарким: «Қариндошим — қора қазоним». Яна бир масал борки: «Қариндошинг ўлса-ўлсин, қадрдонинг ўлмасун»...

Инсон қадри, адолатпарварлик, юртнинг нооболдиги ўйлар

... Таом емакда сўзлаб емак яхшидур, ҳайвондек хомуш таом емак, озода мардум шевасидан эрмас...

... Лекин ҳар қанча қулнинг хатоси бўлса ҳам, подшоҳнинг андин ортуғроқ авфу атоси бўлур, хуршеди оламтоб заррапарварлик ойинини қўлдан бермас: бандаликнинг бўстони беранғму бўлур, офтобнинг заррасидин ор ва нанги бўлурми?...

...Агар сенинг хирадинг дийдаси хира ва замиринг ойнаси иштийра бўлмаса эрди, аввал ўз айбингга боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди...х

... (Гунашбонунинг никоҳланишида унинг инсонлик қадрини таъминлашнинг қуйидаги шартлари Хазордостон-Булбул томонидан кўрсатилди): Ва яна тўрт амри шаръи бирла: бири буким, беижозати шаръи чуқуб бетмагайсиз ва яна Хароб ободнинг оқ қораси кўрунганда кўтариб кетмагайсиз ва яна ҳол-аҳволидин бехабар бўлуб, оч-яланғоч қилуб, олти ой бенафақа ташлаб кетмагайсиз ва яна беважхи шаръи уруб баданига оқ ва қора тушмасун, — деб фотиҳа ўқиб тарқалишдилар.

... «Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чопилур», — деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзини бир бурчагидан чиқар. «Минг чордевор қизимнинг қалини» — деб. Холо ... подшоҳимиз замонларида бир бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким айтмишлар: «Ёлғон масал турмас», «Уят-ўлумдан қаттиғ». Яна айтмишлар: Эрмон ёғочнинг эгилгани—сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани»...

... Анда Турумтой айди: «Тақсир афандим, хато қилдим. Оғиз ошга етганда бурни қонаган мен бўлдим». Эшитганингиз йўқми, илгари ўтганлардан масал қолибдурким: «Арғумоқ от бўлмас, озган сўнг».

... Эй Бойқуш, холо сен «Кўрпангга қараб оёғ узат». Сен минг чордевордин дам урарсан. Ваҳоланки ... Сайид Умархон даврида Фарғона иқлимида «одоблиги»дан ўзга жой йўқ...

... Мовароуннаҳрда Амир Умархон тузган Ургут, Работ, Пушагурбе, Хайробод, буларни шаҳри Кубод рашк айлаб, адам сари юзланди. Сендек далатлик орқамда бўлганда эди. Бухоронинг ҳар туманидан минг чордеворни топиб, биридин муҳим хайр ишни биткарур эрдим. Сенинг кордонлигинг кулол мундида сув ичгандек ва ё «Бўзчи белбоққа ёлчимас», дегандек бўлди...

... Анда Кўрқуш айди: «Фарғона мулкида чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдик. Агар Мовароуннаҳр тобиотидин хоҳласанг, ҳар қанча чордевор десанг берай, балки хишт девор солайин».

Куйкунак айди: бу масалдин бехабар ўхшарсан: «Бўри бормоғина қувонур, емоғина йўқ». Ва яна айтмишларки: «Така бўлсун, сути бўлсун».

Қўрқуш: «Хўп, маъқул — деб овоз қўйиб айди: — Эй, ҳозир уловлар англагучи бўлинглар, мен маҳр солай: аввал Ургут, Янги работ, Эски работ. Пушогур, Мўғул, Чакан; Фируз; Нишопур; Шаҳристон; Сарой, Хилен, Иторчи, Чун, Манғит; Кенагас; Янгиариқ; Ғончи; Ғозон; Дарак; Хўжа; Тоҳир, Нажидон; Қизили, Куркат, Бекобод, Хайробод, Эмди; Гунашбону ойимнинг маҳри битдиму?»—деди.

Алқисса Қўрқушнинг маҳр солишига ва Қуйкунак олишига бир неча қушлар ҳайрон қолиб, бир-бирларига айтушар эрдиларким: «Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ»...

... Анда Кордон айди: «Эй беадаб шум, хўжангга насиҳат қилгудек бўлдингму! Қадим яхшилар анинг учун дебдилар: «Етим ўғил сақласанг, оғзи-бурнинг қон этар; етим қўзи сақласанг, оғзи-бурнинг мой этар». Ва яна айтибдурларки: «Эма билган қўзилар икки онани эмар, эма билмас қўзилар ўз онасин эмолмас», камина ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман ва ҳам султон амрини... Сен хўжангга танбиҳ бергудек бўлдингму?...

... Сен андоғ дединг ким: «Қизим, сенга айтирман, келиним, сен эшит». Сенинг бу сўзинг Ашур йирик кассобга ўхшар. Йўлдин бир ойна топиб, ўзининг номуборак юзини кўруб, ойнани ерга уруб, анга неча айбларни қўйиб, дер эдиким: «Яхши мато бўлса, йўл узасида турмас эди», — деб.

... Бойўғли айди: «Менга насиҳат ўргатгали келдингму? Сенинг насихатинг қулоғимдин елдек ўтар, елдек чиқар».

Кордон айди: «Насиҳат қулоғинг(да) елдек турмас, ўхшар»... Бойўғли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар»,—дегандек англағонинг йўқмуким, «Англамай сўзлаган, оғримай ўлар, чайнамай еганлар кавшамай кетарлар».

... Муҳаммад Холиқбойнинг боғида бир Сафарбой деган аҳмоқ боғбони бор эрди. Анинг боғида ўн беш тоза навниҳол ўрук дарахти бор эди. Сафарбой тоза, хуштаъм ўрукларнинг шохини кесиб ташлаб, анинг ўрнига аччиғ данак ўрук шохини пайванд қилур эрди ва яна ўсган ниҳолларнинг ҳўл шохини кесиб, қуруқ шохига пайванд солур эрди. Бу ақл ва фаросати бирла ўзини ҳамма боғбонлардин доно олур эрди...»

... Эй Бойўғли, фарзандингни тозалик вақтида уясига қўндургил, нечукким, Амир Навоий дебдурлар:

„Онаси била кунда эътироз этган қиз,
Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз.
Қайин юрти билан куёвнинг уйини хуш,
Кўрмакдин онаси била ноз этган қиз».

Анда Бойўғли дарқаҳр бўлуб айдиким: «Сен менинг қизимни ўзга ҳамрози бор дегандек қилдинг». «Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар» — дегандек бу нима деганингдур?».

Кордон айди: «Ажаб содда аҳмоқ экансан!... Сенинг сўзингни Отабой аминдек бетамиз кишиникига ўхшатурманки, бозордин хотунига кафш олибдур, бир бегона Хол кассобга кўрсатибдир:

«Бу кафш менинг хотунум оёғига лойиқ келурму?» — деб сўрабдур. Ул жавоб беribдурки: «Мен сенинг хотунинг оёқини кўрганим йўқ. Ўзинг аввал аҳмоқсан!».

... Кўрқуш кўрдиким, Абдураҳим судхўр боққол мумсиқдек кўп хасисдур, агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ўттуз тишини синдирур ...

... Кўрқуш айди: «...Шошманг «Муғ» атвор луғати бор. Луғати юқорида мазкур бўлган тошкентлик Муҳаммадхўжа Ҳожидек юруш йўлини йўқотиб, мумсиқлар афъоли анга мақбул ва марғуб тушубдур ..».

Комил Хоразмийнинг ҳаёти ва педагогик қарашлари

(1825—1899)

XIX асрнинг иккинчи ярмида Хивадаги адабий ҳаракатнинг давомчиларидан бири буюк санъаткор, мусиқашунос, моҳир хаттот ва таржимон, давлат арбоби, маърифатпарвар шоир Комил Хоразмий 1825 йил Хива шаҳрида мударрис Абдулла Охунд оиласида таваллуд топган... Онаси Авазжон машҳур мусиқашунос Абдусаттор Маҳрамнинг туғишган синглиси бўлган. Ёшликда Комилни эркалаб, Паҳлавон лақаби билан чақирганлари учун унинг номи кейинчалик Паҳлавон Ниёз Муҳаммад шаклида машҳур бўлиб кетади. Паҳлавон Ниёз Муҳаммаднинг оиласидаги тарбиясидан бошлаб то мадрасани битирган йилларигача бўлган таржимаи ҳолига оид материаллар йўқ. Лекин ёзма ва оғзаки манбаларга қараганда Комил Хоразмий аввал ибтидоий мактабда, кейин мадрасада ўқиб таълим олган. Отасининг ўлими сабабли оилани моддий жиҳатдан таъминлаш учун бобоси савдогар Хўжашмаҳрамга хизматга кирган ва маълум вақтдан кейин яна мадрасада ўқишни давом эттирган.

Мадрасада ўқиб юрган йилларида Комил Хоразмий араб, форс-тожик тилларини пухта ўрганган. Бу шоирга форс-тожик ва ўзбек адабиётини эгаллашда ёрдам берган Замондош шоирларнинг суҳбатларида, адабий мажлисларда иштирок этиб турган ва кейинчалик ўзи ҳам ғазаллар машқ қила бошлаган.

Комил Хоразмий хаттотлик ва мусиқа илмини пухта эгаллади. Шунинг учун уни саройга хизматга таклиф этадилар. У дастлаб Са-йид Муҳаммадхон, кейинчалик эса унинг фарзанди Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройида олдин оддий хаттот сифатида, сўнг мирзабоши сифатида хизмат қилди.

Комил Хоразмий хаттотлик санъатини бошқа ёшларга ўргатди. Унинг раҳбарлигида 50 нафарга яқин хаттотлар (хиваликларнинг таъбирича «девонлар») етишиб чиққан.

Улар орасида устод Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Муҳркон девон, Муҳаммад Шариф Тарро девон (бу киши машҳур ўзбек бастакори ва мусиқачиси Матюсуф Ҳарротовнинг отаси бўлган), Муҳаммад Расул ва бошқа кўпгина маърифатчилар Хоразм шоншуҳратини элга ёйишда астойдил меҳнат қилишди.

Хива хонлиги Русия томонидан забт этилгандан сўнг Комил Хоразмий девонбеги қилиб тайинланади ва обрўли давлат арбоби сифатида танилади.

1870 йиллар охирида Муҳаммад Раҳимхон II саройи қошида Комил Хоразмий раҳбарлигида босмахона ташкил қилинади. Унда биринчи марта Алишер Навоийнинг «Хамса» асари нашр қилинган.

Шоирнинг ғазал, мусаддас, мухаммас, маснавий, рубоий, қасида ва шу сингари битган асарлари тўпланиб, девон ҳолида нашр қилинган. Бу девондаги шеърлар («Баҳри тавил» асаридан ташқари) 3680 байтни ташкил этади.

Комил Хоразмий Хоразм мақомларининг оҳангларини нота шаклида қоғозга туширган, шунингдек у истеъдодли созанда ва бастакордир. У Хоразм «Рост» мақоминининг «Мураббаи Комил», «Пешрови Фируз» куйларини басталаган.

Комил Хоразмий моҳир таржимон сифатида ҳам танилган. У Бархўрдор Туркмоннинг асарлари ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Латоиф уз-зароиф» асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

1884 йилда Комил Хоразмий бошчилигида Хивада биринчи марта рус-тузем мактаби очилган. У мактабда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари билан шуғулланган

Ҳаётини халқнинг равнақи йўлига бағишлаган маърифатпарвар шоир Комил Хоразмий 1899 йили Хивада вафот этади.

Комил Хоразмий инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини ва таълим-тарбия масалаларини илгари сурган. У ўз рубоий, мухаммасларида некбин ғояларни тарғиб қилган. Масалан, шоир ўзининг «Камол» ғазалида илм-маърифатни юксак баҳолаб, шундай дейди:

Эмас кишига бу дунёда мулк-мол камол,
Хусули илму ҳунар келди безавол, камол.

Шоир илмни ва унинг инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири сифатида тарғиб этади. Илмли, маърифатли, ҳунарли киши элда ҳурмат қозонажагини шундай таъкидлайди:

Камол бергусидир сўзга шуҳрату, таъсир.
Бу қушга қилгали парвоз паррубол камол.

Комил Хоразмий «Бир соат» радифли ғазалида замона аҳлининг бевафолигидан зорланади. Бунинг замирида шоирнинг ўз ҳаётий тажрибаси ётган бўлса-да, фақат ўз аҳволидан эмас, балки ижтимоий тартибларнинг ноқобиллигидан нолиш оҳанги бор.

Жаҳон пасту баландли соқиё кўнглимни қон қилди,
Мени масту мудом эт, қўймағил ҳушёр бир соат.

Ҳаётнинг нотекислигидан бағри қон бўлган шоир ўзини овутмоқчи бўлиб, шоҳ илтифотига умид боғлайди:

Бўлур ҳар соатим бир кун, куним юз йил, йилим минг ой,
Мангу лутф этмаса шоҳи фалакмиқдор бир соат.

Шоир бир қатор шеърларида инсон тақдирида рўй бериши мумкин бўлган зиддиятли ҳодисаларни эслатиб, шулар туфайли юзага келган ғаму шодликлар инсон иродасини букмаслиги ва ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзлигини унутмаслиги керак деган фикрни илгари суради. Масалан, ижтимоий фикрлар ифодасидан иборат, ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан «Арзимас» ғазалининг бир байтига эътиборни қаратайлик:

Субҳи висол фурқати шомига арзимас,
Кундуз қуёши кеча заломига арзимас.

Бу байтда шоир тонг билан оқшом, висол билан фурқат, қуёш билан зулмат ораларидаги қарама-қаршиликни ифодалаб, табиатнинг ўзи зиддиятларга тўла эканини кўрсатиб, кейинги байтларда инсонлар ўртасидаги зиддиятларни очишга ҳаракат қилади:

Йиллар ҳабиб бўлса мусохиб санго даме.
Пинҳон рақиб сори хиромига арзимас. —

Шоирнинг фикрлари янада чуқурлашиб, агар сен юз йил иззату-мансабга муяссар бўлсанг ҳам бунга мағрурланма, севинма, чунки бир лаҳзада мансабдан кетганингдан кейин номусга қолганингга арзимайди, деган фикрни ўртага ташлайди.

Мансуб юз йил ўлса киши иззу шоҳга,
Бир лаҳза ор ила номусга арзимас.

Шоирнинг бевосита мансабдор шахсларга қаратилган бу сўзлари уларнинг хаёлларини жойига келтириб қўйиш мақсадига қаратилганлиги кўриниб турибди.

«Эй кўнгул» ғазалида шоир дунёнинг тескари ишларидан норозилик кайфиятини ифодалайди. Маърифатпарвар сифатида агар

фалак пасткаш бўлмаса, нега нокасни шод этиб, донони хафа қилади, дейди:

Бўлмаса гардуну суфла дўсти гардун, эй кўнгул.
Нега дуннни шод этар, донони махзун, эй кўнгул.

Истеъдодли шоир илм аҳлининг беқадрлигини алам билан таъкидлаб, илм иқлимида Афлотун бўлса ҳам қадр-қиммати йўқлигидан ачинади:

Чун фалак нодон навозу, хасм донодур, не суд,
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул.

Комил Хоразмий одамларни сабр-қаноатли бўлишга даъват этиб, қаноатни сотиб олиш мумкин эмаслиги ва унинг жон жавҳари қадар каби эканини кўрсатади ва Қорундек ганжу хазина ҳосил этсанг ҳам фойдаси йўқ дейиши билан қаноатли киши Қорундан ҳам бадавлатдир, деган фикрни илгари суради:

Жавҳари жон ул, матоъ эрмаски, сотқун олгасен,
Не осиғ гар ҳосил этсанг ганжи Қорун, эй кўнгул.

Шоир ким қандай ҳаёт кечирганлигини, бу замон адолатсизлик, тенгсизлик ва худбинлик асосига қурилганлигини чуқур англайди. У камбағал халқни, дўстлари ва замондошлари бўлган фозиллар ҳаётини кузатиб шундай хулосага келади:

Ютубон бу замонда қон фузало,
Қулфат ўқигадур нишон фузало,
Қалам ила китобдин ўзга,
Топмагай ёру ҳамзабон фузало.

Комил Хоразмийнинг кўплаб ғазаллари илм-маърифатга, етукликка чорловчи фикрлар билан йўғрилган. Бу фикрлар шоирнинг орзу-истаклари, дардлари эҳтирос ва самимият билан йўғрилиб, рангин мисраларда қалбга етиб боради. Инсонпарварлик руҳи, камолга етган, илм-маърифатли, гўзал қиёфали инсонга ҳурмат ва меҳр яққол сезилади. У илмли инсонни табиатнинг ва барча неъматларнинг моҳиятини чуқур тушунувчи ва гўзалликларни нозик хис этувчи деб билади:

Чаманда хизмат учун бир оёқда тик туруб шамшод,
Тутар йўлингда наргисдин қўлида шамшод лола.

Кейинчалик маърифатпарвар шоир Комил Хоразмий инсонга сўзи, қадри ва унинг қадрига етганларга гавҳардек қимматбаҳо, лекин қадрини билмаганлар учун арзон бўлиши таъкидланади. Бунинг тўғрисида куйлайди:

Бухл элига демагил, эй зубдаи даврон, сўзунг,
Хайф этар қадрини билмай, сифлаи нодон сўзунг.
Гарчи сўздек гавҳари қимматбаҳо, йўқ даҳр аро.
Бор аларнинг қошида ҳар муҳрадан арзон сўзунг.
Улки қилмайдур маони баҳрига ғаввослик,
Кўрмагай мунчукча гар бўлса дури галтон сўзунг.

Комил Хоразмий «Қоғаз» радифли шеърида маърифатпарварлик учун зарур бўлган қоғозни улуғлайди, уни саводли киши учун макон, хат-савод чиқариш манбаи эканлигини, инсон қадду қоматини, унинг барча сифатларини таърифлаш учун кераклигини таъкидлайди. Қоғоз чеҳрасида ишқ масаласи оламга ёйилиши, инсон лафзи рухсорининг ойинаси экани тасвирланади. Қоғоз саводсизларга ҳарфни ўргатувчи ва дунёга бўлган меҳрни таҳрир қилувчи манба экани, шунингдек, дарахтлар қаламга, дарёлар сиёҳга ва осмон қоғозга ўхшатилади:

Кўзу қадду хату лаълинг сифатин қилголи таҳрир,
Мидодим—кўз, мижжам-хомам, сиёҳи ашки жон когаз.
Сориғ чеҳрамдур ишқини қилгон фош оламга,
Нечункким лафз рухсоригадур ойинасоз когаз.
Кўнгулнинг доғи бўлса, не ажаб зоҳир жабиннмдин,
Назарларга саводи нуқтани айлар аён когаз
Замирим лавҳида нақши хаёлинг уйладур махфуз,
Қим маъни шохидига бордурур доруламон когаз.
Фалак меҳри жамолинг васфини таҳрир қилмоқға,
Шохобин хомаи анжумдин айлар зарфишон когаз.
Жамолин васфи таҳририн тамом этмак эмас мумкин:
Қалам ашжор эса, дарё сиёҳи, о смон қогаз.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, инсонпарвар шоир Комил Хоразмий ўз ижодида ҳаётий муҳим масалаларни илгари сурди, инсон бахтиёр бўлсин ва жамият шунга монанд тарзда яхшилансин, дейди. Яъни инсоннинг том маънода ҳар томонлама тўкис ва тоза бўлиб етишиши, камол топиши тўғрисида куйлайди.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ
ШЕЪРЛАРДАН НАМУНАЛАР

* * *

Қалам ила китобдин ўзга
Топмагай ёру ҳамзабон Фузало.

* * *

Сўз дури ноёб эрур, они қилур изҳор тил,
Ҳусндин не фойда, гар бўлмаса дурбор тил.

* * *

Етурса кўнгулга заҳм эл тили, мазун сўзингдиндур,
Садаф чокига йўқ ханжар, дури ғалтон эрур боис.
Десанг озод бўлгай ғамдин, сухансанж ўлма,
булбулинг—
Қафасбанд ўлмоғига шаккарин илкон эрур боис.

* * *

Комил нечук ўлмасун камолингга асир,
Рангин сўзунга гавҳари ғилтон муҳтож.

* * *

Комило, нутқинг агарчи гулдурур, беҳор эмас,
Сўз неча ширин эрур хомушлигига бор эмас,
Оқил улдурур даър аро ҳар кимки пургуфтор эмас.

* * *

Васл истама, ҳажр ранжи чекмай,
Ким Комилни топти бериёзат?!

* * *

Ушбу нуқта даҳр аро таълиму зоҳирдур басе,
Ранжсиз роҳат фано мулкида нодирдур басе.

* * *

Чу мустақилдурур, аҳбоб, давлати дунё,
Камол ҳосил этинг, қилмас интиқол камол.

* * *

Камолсиз киши ҳар ердадур ҳижолатманд,
Етурмагай кишига ҳаргиз инфиол камол.

* * *

Вақти ҳазл, мутояба аро ҳам,
Феълу хулқунгни қилма ҳам гусгоҳ.

* * *

Ҳар неча айлабон изҳори фасоҳат шуаро,
Сочар элга дурри дарёйи балоғат шуаро.
Очибон лутфу малоҳат гулин ашъоридин,
Рангу бўйи чамани фазлу фатонат шуаро.

* * *

Эмас кишига бу дунёда мулку мол камол,
Хусули илму ҳунар келди безавол камол.

Камол маъниси таҳсили илми ҳолдурур,
На ҳосил айлагуси махзу қилу қол камол,

* * *

Йироқ тут жуҳало ихтилотидин ўзни,
Ки ўтга ёқмоқ улубдур ёвуқни хосият.

* * *

Оқил эрсанг кибру нахват қилма илму жаҳонга
Бўлди истиқболидин иблис малъун эй кўнгил.

* * *

Жаҳонда истар эрсанг сарбаландлиғ — паст ул,
Топар боши ошоқ ўлғон сойи зулол камол.
Тафаввуқ истамагил, эй йигит қариларга,
Топай десанг еринг ўлсун сафи ниҳол камол.
Ҳамиша тарки такаббур қилу, ўзинг тут кам,
Ки қилгуси санго бу камлик иштимол камол,
Бузургдодага солма назар ҳақорат ила,
Ки бадр бўлгусидир топса ҳар ҳилол камол.

* * *

Айлама зоҳир ҳаво, бордур дебон салим,
Дониш аврангида гар бўлсанг Фалотундек муқим.

* * *

Не суд очилса гул, ўлса баҳор ғурбат аро,
Мангоки, бўлмаса ёру диёр ғурбат аро.
Очилмади чаманистон ҳавосидин кўнглим,
Кўзимга гул эрур андоқки хор ғурбат аро.
Фироқ даштида бир мушк бу ғизол истаб,
Кўзимни қилди чу дом интизор ғурбат аро
Йироқ тушкали, аҳбоб, суҳбати майидин,
Нишот жомига бўлдум хумор ғурбат аро

Чиқай ватан садафидин дема гуҳар ёнглиғ,
Агарчи бўлса санго эътибор ғурбат аро.
Ниҳон эт ўзни Ватан Кофи ичра анқодек.
Санга йўқ ўлса мурод иштихор ғурбат аро.
Ватанда сокин ўлуб, сайр эт олами бало,
Сафарни айламагил ихтиёр ғурбат аро...

* * *

Гар олтун қаср эса жоҳинг, улус ҳолига раҳм этгил,
Сенингдек неча шаҳаншоҳни ўткарди бу айвон.

* * *

Мусоҳиб ўлса, сенго ақлу донишу фарҳанж...
Ҳамиша тарбият айлаб, улусдин ул огоҳ.

* * *

Ич бодаи ҳақиқату тарк эт мажозни,
Оқил киши қарони писанд этмас, оқ туруб.

* * *

Ҳар кимдаки бўлса сабри комил,
Доим бўлибон муроди ҳосил.
Осон бўлур анго барча мушкул.

* * *

Юзунг совутма бу мажлис аро, сендин қочар аҳбоб,
Очар қиш бу гулистондин учарга болу пар булбул.
Ҳамиша тут жамолинг гулшаниш райёну,
Десанг бўлғай санга гулшан уйндек бому дар булбул.

* * *

Бухл элига демагил, эй зубдаи даврон сўзинг,
Хайр этар, қадрини билмай, сифлаи нодон сўзинг.

* * *

Тамаъни тарк эт, чиқ гўшаи қаноат аро,
Санго йўқ ўзга жаҳон жойи ичра амният.

* * *

Замиринг этма муқаддар ҳавойи нафс била,
Ғубори зангдин ўлғай хароб ойна.

* * *

Ҳар ноҳису сифла кошида бўлма мулозим ақлинг эса комил,
Иззат тиласанг конеъ улу айла таваккул эзидга ҳама он.

* * *

Комил эрсанг базм ҳар ноаҳл бирла кўрмаким,
Ҳимматинг илгин тамаъ домониға текурмаким.

Аҳмад Дониш

Аҳмад Дониш (1827—1897) ўзбек ва тожик халқининг машҳур мутафаккири, олими ва файласуфидир. У Бухоро шаҳрида туғилди ва шу ерда вафот этди. Унинг отаси ўқимишли киши бўлиб, Бухоронинг мачитларидан бирида муллалик қилар эди. У ўғлининг билимдон, замонасининг етук кишиси бўлиб етишиши учун бутун куч-қувватини сарфлади. Аҳмад Дониш мадрасада таҳсил кўрди, диний билимлар билан бир қаторда дунёвий фанлар: фалакиёт, ҳандаса, тарих, фалсафа, мусиқа ва бошқаларни қунт билан ўрганди. Унинг дунёқарашига ўтмишнинг машҳур мутафаккирларидан Ибн Сино, Умар Ҳайём, Навоий ва бошқаларнинг илмий, фалсафий қарашлари катта таъсир кўрсатди.

Мутафаккир яшаган давр сиёсий воқеаларга бой бўлиб, чор Россиясини Марказий Осиёни забт қилган даврига тўғри келади. Ўша даврда халқнинг аҳволи оғир эди. Бухоро амирлиги халқни аёвсиз эзишга, амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва зўравонлигига, ҳукмрон мафкура—ислом динига асосланган эди.

Мана шундай зиддиятли бир даврда яшаган Аҳмад Дониш ўз асарларида демократик ғояларни кўтариб чиқди, унинг дунёқараши маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган эди. Унинг асосий рисолалари «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар»), «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари»), «Манозир ал-кавокиб» («Юлдузлар тасвири»), «Рисола фи аъмол ал-курра» («Глобусдан фойдаланиш йўллари») ва бошқалардир.

Аҳмад Дониш умрида уч марта, яъни 1857, 1869 ва 1873 йиллари Маскўп ва Петербургга Бухоро элчилари билан бирга борган. Ана шу сафарларнинг маҳсули сифатида унинг «Нодир воқеалар» асари дунёга келади.

Ушбу рисола Аҳмад Донишнинг асосий асари бўлиб, Бухоронинг ўша даврдаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётининг долзарб муаммоларига бағишлангандир. У аввал Бухородаги қолоқликни йўқотиш учун феодал тузумни ўзгартириш керак деган бўлса, кейинчалик эса, яъни 80-йилларда «тузумни ислоҳ қилиш» лозимлигини айтади.

Аҳмад Дониш геоцентрик назарияга танқидий қаради, гелиоцентрик тизимнинг тўғрилигини илмий жиҳатдан тўғри эканлигини айтди, ер ости маъданларини илоҳиётнинг қудрати билан эмас, балки «ер марказида қамалган иссиқ буғдан пайдо» бўлганини таъкидлади. Шунингдек, у ер қимирлашлари, ой ва қуёш тутилиши, ҳар хил жисмларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар ҳақида илғор ғояларни илгари сурди.

Аҳмад Дониш феодализмнинг тўла ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилгани учун унинг дунёқараши зиддиятлардан холи эмас. У халқ орасида маърифат тарқатиш орқали адолатли тузумга эришмоқчи бўлди, одил подшоҳ тўғрисидаги ўз ғоясини илгари сурди.

АҲМАД ДОНИШ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

„Нодир воқеалар“дан

Ҳар ишнинг ҳақиқатини инсон оча олади.

* * *

Оқил бўлмаган одам ҳеч қачон одил бўла олмайди.

* * *

Бутун ишлар ўзгариб, замона фитна-фасодга тўлган, кўнгилга ҳеч иш сиғмайдиган вақт бўлса ҳам, бу олий маъноли сўзларни ва фойдали ишоратларни ҳақиқатнинг рассоми, илм ва маърифатнинг наққоши бўлган қалам ёрдами билан китоб варақларига ёздим, замонамиз ва турган шаҳримиз бундай китоб ёзишга ёки шунга ўхшаш асар таснифқилишга ёрдам бермас, балки улар бундай ишларга тўсқинлик қилар эдилар. Амирларимиз, ҳокимларимиз ва уларнинг суҳбатдошлари аҳмоқ бўлганларидан кулгулик ва хушомадгўйликдан бошқа нарсаларга қулоқ солмас эдилар. Мабодо, қулоқ солиб эшитиб қолсалар, бу қандай хурофий сўзлар, буни ким айтган, буни ким қила олади дейишиб, унинг қийматини туширар эдилар: унга афсонавий сўзлар деб баҳо берар эдилар.

* * *

(...) Майхўрлик фитна-фасоднинг уяси бўлиб, ҳамма бузуқчиликлар шундан келиб чиқади. Майхўрлик базмларида хунук воқеалар юз бериши мумкин. Оқиллар эса бундай ишларга йўл қўймайдилар. Агар майхўрлик доимий машғулотга айланса, ундай кишилардан дунёвий ишларни кутмаслик керак. Чунки маст бўлиб юрганлар дунё ишларининг ҳеч бирига ярамайдилар. (...)

* * *

... Ҳеч кимнинг ризқи осмондан тушмайди: уни меҳнат қилмай топа олмайди, ҳаракат қилмаса ҳеч ким мақсадига ета олмайди. Деҳқон ер ҳайдаб уруғ сочмагунча хирмон кўтармайди, қўл-оёғини ҳаракатлантирмагунча бир тишлам нон оғзига кирмайди.

* * *

Агар киши ҳар ишни қазо ва қадарга топшириб, ўз ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларни топишга ялқовлик қилса, агар тақдирда менга керакли нарсалар, масалан, уй-жой, хотин, кийим-кечак ва овқат ёзилган бўлса, мен меҳнат қилмасам ҳам ўз-ўзидан келаверади деса, бундай одам ўз йўлини билмаган, дунёдаги энг тубан даражадаги аҳмоқлардан ҳисобланади. Чунки тириклик учун зарур бўлган бу тўрт нарсани топиш ўз-ўзидан бўлмайди: бунинг учун аввал унинг восита ва сабабларини амалга ошириш керакдир.

Ҳунар ва санъатлар ичида энг яхшиси ақл ва руҳ гавҳарларига жило бериб уни қувватлашдир. Киши ақл тажрибасини оширса, руҳини покласа, у, шубҳасиз, илм ва ҳунарнинг қадр-қимматига етади. Шунинг учун соф руҳлик, оқил одамлар бошқа одамлар у ёқда турсин, ҳатто подшоҳларга ҳам керагидан ортиқча бош эгмайдилар. Балки халқнинг эҳтиёжи доим уларга тушиб туради. Мана, кўрмайсизми, дунёнинг муҳим ишлари, айниқса, салтанат ва давлат ишлари ақлли кишиларнинг ёрдамисиз битмайди. Қайси салтанат-давлатнинг қоида ва қонунлари ақл тадбирига мослаштириб кўрилмаган бўлса, ундай давлатдан ҳеч вақт яхшилик кўра олмайдилар..

Аммо дунёнинг тирикчилик ғамидан кофир ва мусулмон ҳеч бири қутила олмайди. Дунёдаги турмуш ғамларига ҳаммалари шерикдирлар...

Ҳасадгўйлик, кўролмаслик, иттифоқсизлик, такаббурлик каби бузуқ, ярамас ишлар бошқаларга қараганда мусулмонлар ичида кўпроқдир. Кофир аҳлларининг иттифоқлари уларнинг бир-бирларига қилган ёрдамлари шунга ўхшаш бир қанча яхшилик ишлари борки, уларнинг ўндан бирини ҳам мусулмон номини олганлар қила олмайдилар. Масалан, улардан бironталари касб қилишдан ожиз бўлиб, муҳтожликда қолса, унинг гадолик қилишига йўл қўймай, дарҳол етарли даражада унга ёрдам қиладилар. Агар тижоратидан зиён кўрса, камчиликларини тўлдириб, сармоя ва касб асбобларини тайёрлаб муфлисликка тушишдан уни қутқарадилар. Агар сафар йўлдоши йўл устида касалланиб қолар экан, тузалгунча ёки уйига етиб келгунча у билан бирга бўладилар.

* * *

Мусулмонларда шундай одамлар борки, сафарда йўлдошининг жони бўғзига келганда ҳам унинг томоғига бир қатра сув томизгиси келмайди: касбдан ожиз қолганларга ёрдам қилиб, уларни гадоликдан қутқаришни хаёлига ҳам келтирмайди. Агарда биров тижорат ишларида зиён кўрар экан, даъво, жанжаллар билан унинг ҳовли-жойларини соттириб, муфлис гадо қилиб, балки гўлахга киргизмагунча кўнгли тинчимайди:

Адолатли бўлса агар подшоҳ,
Ёзилмас анинг отига ҳеч гуноҳ.
Адолат билан мулк обод эрур,
Адолатсиз киши тахтидин ташланур.
Адлсиз жаҳонни тута олмағай,
Агар тутди эрса, узоқ турмағай.

* * *

Аммо шуниси аниқки, мол топиш, дунё тўплаш билан роҳат кўриш мумкин эмасдир. Агар дунёда мол тўплаб бой бўлишни роҳат деб билувчилар бор бўлса, улар ҳайвонлар даражасига тушган одамлардир.

Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас. Бой кишиларнинг кўрган роҳатлари эса охурга солинган кунжарани кўриб қувонган ҳўкизнинг роҳатига ўхшайди. Деҳқон ҳўкизига кунжара бериб қувонтиради-ю, эрта саҳардан унинг бўйнига бўйинтуруқ солиб, калтаклаб қўш ҳайдайди. Ҳўкиз эса оғилдаги кунжарани кўраркан, ўшанга маҳлиё бўлиб қувонганидан саҳарда қўшга қўшилиши, гаврон, калтак ейиши унинг эсига ҳам келмайди.

Саидаҳмад Сиддиқий

(1864—1927)

Самарқанд педагогика муҳитининг ёрқин намояндаларидан бири Саидаҳмад Сиддиқийдир. У фақатгина педагог бўлибгина қолмасдан, истеъдодли шоир, файласуф олим, ҳам эди (У Ажзий тахаллусида дидактик-ахлоқий шеърлар ёзган). Саидаҳмад Сиддиқий ўзбек, тожик ва рус тилларини пухта билган, форс ва араб тилларини ҳам яхши тушунган, шунинг учун ҳам бўлса керак, у ўзи ташкил этган мактабларда, асосан, ўзбек тилини асос қилиб олган бўлса-да, ҳеч қийналмасдан, тожик ва рус тилларида ҳам ўқитиш, таълим-тарбия ишларини олиб бора олган. Умуман, у ўз мактабида ўтмиш мадрасаларида қонун бўлган Муҳаммад пайғамбарнинг «бир тилни билган — бир киши, икки тилни билган — икки киши, уч тилни билган — уч киши, тўрт тилни билган — тўрт кишидир», деган ақидасини олиб киришга ҳаракат қилган. Бу унинг таълим-тарбия тизимидаги энг ижобий ҳодисалардан биридир. Мавжуд архив материалларида тасвирланган, Сиддиқийнинг дин арбоблари томонидан таъқиб этилганлиги кабилар уйдирмадан бошқа нарса эмас, уни фақатгина мутаассиб кишиларгина таҳқирлашга ҳаракат қилишган, бундайлар бизнинг замонамизда ҳам мавжуд.

Сиддиқийнинг педагогик фаолиятига чуқур назар ташланса, шу нарса алоҳида кўзга ташланадики, у эски мактаб таълим-тарбия услубининг энг илғор томонларини қабул этган ҳолда, масалан, керакли материални ёд олиш, кейин уни изоҳлаб бера олиш, ўқув ва тарбия ишини онгли ёндашув асосига қуришга ҳа-

ракат қилган. У машғулотларни қатъий жадвал асосида, ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб борган. Табиатшунослик, жўғрофия дарслари табиат қўйнида ўтказилган, бу машғулотлар давомида ўқитувчи ўз шогирдларига олам сирлари ва уларни эгаллашлари лозимлиги ҳақида қизиқарли тарзда ҳикоялар қилиб берган. У умуман уйга вазифа бермаган, бироқ ўқувчиларнинг ота-оналари билан жуда ҳам яқин алоқа боғлаш орқали уларнинг умумий шаклланишига таъсир кўрсата олган.

У ўз педагогик фаолияти жараёнида Шарқ, Оврўпа маданияти билан ўз ўқувчиларини таништиришга алоҳида аҳамият берган.

У Самарқанд вилояти халқ нойиблари мусулмон меҳнаткашлари кенгашининг раиси ўринбосари, вилоят адлия комиссари вазифаларида ишлаган вақтида ҳам ўз севган касбини унутмаган, мактаб-маориф ишига жонкуярлик қилган. У «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони билан тақдирланган.

СИДДИҚИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

«Миръоти ибрат» дан

Таҳсил ўла рус мактабинда,
Анвои фунун анунг тилинда.
Илми ҳама ихтироу ҳикмат,
Таълими зироату тижорат.
Билгунг ясамоқ одати олот,
Мошин ила ғирмофону соат
Вопур шинандафуру телефун,
Ҳам ҳикмоту тилғирофу болун.
Мансужаи помбуқу бирешем,
Мактабда ўлур тамоми таълим.
Ҳар чоққи, лисони чўх билурсен
Дунёда азизроқ ўлурсен.
Ким давлатинан лисони билмаз
Таъсиф сўнгинда суд қилмаз.

* * *

У ерда ўлуб аён Самарқанд,
Кўнглим бу уйиндин ўлди хурсанд.
Доштин ҳамма ер иморат ўлмиш,
Бир янгича шаклу ҳайъат ўлмиш.
Мингларча тирамбою афтомобил,
Ҳар ерда эликтир ила қандил.
Фаввврала сув дўкуб Регистон,
Фавворая теграсинда бўстон.
Бўстон ила мадраса ароси,
Йўл ўлмишу на гўзал ҳавоси.

Фавворая сув вериб Зарафшон
Бўстонни эдарди гавҳарафшон
Ўлмишди расад ер ила яксон,
Кирмиш бу кун анга тозадин жон.
Оинаи барқ ила телефун,
Сўйлашмоққа ҳар ким у бар учун
Манзур эди кўзгуда мухотиб.
Ҳар ким телефуна айласа габ.

* * *

Бухоро ҳукмидин озодсизким —
Мингларча шукрлар қилсангиз бўлар,
Бу ерда ўсиб, унишингиз мумкин,
Мен айтарман: бу неъмат қадрини билингиз!
Болаларингиз мактабга берсангиз
Бу орқали ўз мақсадингизга етарсиз.
Мактабларни ислоҳ этишни ўйланг,
Буни ҳар бир киши қулоғига сўйланг.
Мактаблар сонини кўпайтирсинлар
Халойиқни илм-фанга тайёр этсинлар...
Ҳаётдан агарда умидингиз бўлса,
Европа билганини сиз ҳам билингиз...
Далада пахта экиб, шаҳарда мактаб қур,
Бу иккаласи орқали етарсан матлабга.

Аҳмаджон Табибий

(1869—1910)

Жаннатмакон Хоразм сўлим боғлар диёри экани, нодир меъморчилиги, машҳур илму маърифати, нафис адабиёти ва нафис мусиқа санъати, қолаверса, халқининг такрорланмас ватанпарварлиги билан бошқа мамлакатлардан ажралиб тургани тарихдан маълум. Айрим амалдору бирodарларининг мунофиқлиги туфайли шу муборак юртнинг озодлиги ва эркинлигини сақлаб қололмаган Сайид Муҳаммад Соний Феруз маданий ишларни, чунончи адабиёт ва санъатни юксак чўққиларга олиб чиқишга зўр берди.

Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Муҳаммад Расул Мирзо, Муҳаммад Юсуф Ҳожи Доний, Ҳабибулла охунд Ҳабибий сингари пешқадам шоирлар завқ-шавқ билан ижод қилаётган жўшқин адабий муҳитда Аҳмаджон Али Муҳаммад ўғли 1869 йили Хива шаҳрида табиб оиласида дунёга келди.

Аҳмаджон Табибийнинг отаси Али Муҳаммад (Али Маҳрам) асли афғонистонлик бўлса-да, Хоразм адабиёти ва санъати билан жуда яқин эди. Ерлик ижод аҳли билан алоқаси мустаҳкам бўлган. У ўғли Аҳмаджоннинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб,

уни шаҳардаги маҳалла мактабига беради. Уйда эса ўғлига одоб ва ахлоқ, нафис адабиёт сирларини ўргатади. Кейин мадрасада ўқитади. Қолаверса. Али Маҳрам Аҳмаджонга форс тилини ўргатади, табиблик илмидан сабоқ беради. Табибий шу кенг кўламдаги илму таълимни эгаллашда зўриқмайди. Чунки у иқтидорли, саботли, илмга ташна эди.

Аҳмаджон, айниқса, мумтоз адабиёт сир-синоатини ўрганиш иштиёқи билан яшади. Фирдавсий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Фузулий, Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Андалиб, Роқим сингари шоирлар шеъриятидан баҳраманд бўлган Аҳмаджоннинг ўзи ҳам дастлаб тақлидий ғазаллар бита бошлади. Тинимсиз машқ, ўқиш-ўрганиш унинг ақлини, қаламини чархлади, билимини оширди, завқу шавқини тоширди.

Натижада ёш шоирнинг шеърлари ўзига хослик, бадиий баркамоллик, маъно ва мазмун жиҳатдан теранлик, нафис ва латифлик касб эта бошлади. Унинг мумтоз ғазаллари дастлаб қаламкаш дўстларининг таҳсинига сазовор бўлди, кейин эса талабчан халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Хоразм адабиёти ва санъатининг раҳнамоси, шу мамлакат хони Феруз унга «Табибий» тахаллусини таклиф этгани маълум. Бу тахаллус унинг шоир ва табиблигига ишорадир. Демак, Аҳмаджон халққа шоир ва табиб сифатида хизмат қилган.

Аҳмаджон Табибийнинг назм гулшанидаги ягоналиги, серқирра ижодкорлигини ҳисобга олиб, Муҳаммад Раҳимхон соний уни махсус фармон билан сарой шоирларига раҳбар қилиб қўяди. Энди у бошлиқ сифатида устоз ва тенгқур шоирларга, қолаверса, ёш ижодкорларга ғамхўрлик қилади, тез-тез мушоира кунларини уюштиради. Бу тадбир адабий ҳаракатчиликнинг кенг қулоч ёйишига олиб келди. Ёшлар ҳам уни устоз сифатида ҳурмат қилардилар. Аваз Ўтар ўғлининг қуйидаги сатрлари шу фикримизнинг ёрқин далилидир:

Эй Аваз, қил жаҳд, девонинг қилмоқ истасанг,
Гар Навоийю Табибий дафтарларига ҳамрадиф,

Ёки:

Аваз гар назм аро бўлмоқ тиларсен заҳр яктоси,
Ҳамиша кўнглинг ичра қил Табибий аён ихлос.

Шунингдек, Табибий ҳам инсон, ҳам шоир сифатида бошқа шоирларнинг ҳурмат-эътиборини қозонганини таъкидлаймиз. Устоз шоир, тарихчи олим унинг фазилатини қуйидагича ифода этади:

Табибийкидур шоири муҳтарам,
Найлай онинг атворин айлаб рақам,
Маорифда бордир бағоят ориф,
Мажлисда боғи ҳарифу, зариф.

Шоир Табибий мусиқа санъатига ихлоси улуғ, хаттотлик сирларини эгаллаган, таржимонликда маҳоратли серқирра ижодкор эди. Қизиғи шундаки, шоир шеър ва достонларининг сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам улуғлигига қарамай, уларни бир жойга тўплаб девон тузмаган эди. Балки бу шоирнинг камтарлигидир.

Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон соний Табибийни қабулхонасига таклиф қилиб, ғазалларидан девон тузиш ҳақида маслаҳат беради. Хоннинг бу таклифи ва маслаҳати шоирга илҳом бағишлайди, кўнглини кўтаради. Шу кўтаринки руҳ билан асарларини тўплайди ва девон тузади. Табибий «Мунисул-ушшоқ» номли девонига ёзган кириш сўзида шундай ёзади: «Бу фақир қўлида жамъ бўлган китобнинг сони беш девондир. Аларнинг учтаси туркий ва иккитаси форсийдир. Биринчисини адолатли шоҳга ҳадя этиш сабабидин «Туҳфатус-Султон» деб атадим. Иккинчи девонга ошиқлар унсияти сабабидан «Мунисул-ушшоқ» номи берилди. Учинчисига фақат иш ҳолатларидан гапирилган важидин «Миръотус-ишқ» деб ном қўйдим. Тўртинчи девонга ошиқлар ўқиб ҳайрон бўладилар деб «Ҳайратда ошиқин» деб ном берилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгони сабабидин «Мазҳарул-иштиёқ» деб аталди» (қаранг: Н. Қобулов. Хоразм адабий муҳити. «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими, Урганч, 1992, 95-бет).

Шоир шеъриятнинг ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, мусаммал, мураббаъ, маснавий қасида сингари жанрларида ижод қилган. Унинг қаҳрамонлари пок муҳаббати, шудринг каби тоза ниятн, гўзал одоб-ахлоқи билан мафтун этади. Айниқса, «Волақ ва Азро» достони қаҳрамонлари турли томонлама ўрнак бўлгулик. Унда ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчлик, дўстлик, бир-бировига садоқат, диёнат, меҳр-оқибат оҳанглари юқори пардаларда жаранглайди.

Табибий узоқ умр кўролмади. Шафқатсиз ўлим уни 41 ёшида ўз қаърига тортди. Ундан жуда катта адабий мерос қолди. Уни педагогик нуқтаи назардан ўрганиш тарбияшунослик фани ривожи учун муҳим аҳамият касб этади.

АҲМАД ТАБИБИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Адаб бирла топиб ондин ижозат,
Бажо келтиргил адаби тахият.
Сен ўлмай тарбия бирла муовин,
Эмас комил набототу маодин.
Чу сен тарбият айлаб ошкора,
Бўлур тарбиятингдин лаъл хоро.

* * *

Бу оламда кимиким пок қалбу соф ботиндур,
Ҳамиша кунжуда қаноат бирла сокиндур.
Бировким бўлмаса кўнглида они бешу кам фикри,
Ташвиши каводис ваҳмидин албатта.

* * *

Кимдаким аҳли жаҳондин бор илму маърифат,
Қилгусидир они бархуродр илму маърифат.
Ғафлату жаҳл уйқусига ғарқ бўлғон шахсни,
Файз бирла ул қилур безор илму маърифат,
Илм—нафсу маърифат жондур тани инсон аро,
Ёлғиз ўлмас дирхаму динор илму маърифат.
Илм бирла иззатинг ортуқроқ ўлгай барчадин,
Келди фазли воҳиди қаҳҳор илму маърифат.
Эй биродар, олиму ориф булурга жаҳд қил,
То еткурай кўнглунга анвор илму маърифат.
Ҳосил эт боринча жон такрор илму маърифат.
Маст эсанг субҳу масо оламда нодонлиғ била,
Қилгуси ондин сени ҳушёр илму маърифат.

* * *

Сўз лаззатини одами нодон билмас,
Нечунки асал лаззатини ҳайвон билмас.
Демишлар гарчи аҳли илму ирфон,
Ки бор шоиста қилмоқ сирни пинҳон.
Вале кимсага ҳар вақту ҳар он,
Эрур вожиб қилмоқ намоён,
Бири аҳли уқулу илму ҳикмат,
Бири мақсудингга берса ионат.
Бири бўлса муҳибби беғараз гар,
Анга жоиз демак сирни муқаррар.

* * *

Қафасда расм эрур банд бўлса булбул,
Киши ҳаргиз қафасда қурмамиш гул.

* * *

Кимки олим бирла суҳбат тутса ул,
Порсодур, порсодур, порсо.
Жоҳилу нодонга ёр ўлғон киши,
Норасодур, норасодур, норасо.

* * *

Эй Табибий, кўр ўзинг фазл аҳлидин
Камтарину, камтарину, камтарин.

* * *

Табибий, назар айла диққат била,
Ҳеч одамга боқма ҳақорат била.

* * *

Қарам халқни қилгуси нек ном,
Қарам ҳосил этгуси мақсуд.

* * *

Табибий санга ҳиммат бўлса ёр,
Бўлур Ҳотам олдингда хизмат гузор.

* * *

Билурга улум айлагил жидду жаҳд.
Қито олгасен ондин охирида шахд.

* * *

Тама пешаи аҳли идбордур,
Тамагин хама кўзига хордур.
Қаноат эрур марди мақбул иши,
Фаҳиму сухандон комил иши.

* * *

Тавозуъ қилур пеша оқил башар,
Ки боши қуйидур мевалик шажар.
Тавозуъ азизи жаҳон этгуси,
Замирингни ғамдин омон этгуси.

* * *

Эрур тарбиятда ажаб хосият,
Ки аксарга таъсир этар тарбият.
Агар тарбият қилмас эрса агар,
Топилмас эди ҳеч соҳиб ҳунар,
Чу устоддин етса қаттиғ сухан,
Бўлур жаҳл учун дафъи ранжи михан.
Неча қилса устод қахаш анчо,
Бўлур боиси илми бе интиҳо.

* * *

Гаҳи ким кўрсатур оламда меҳнат,
Гаҳи ҳосил қилур айш ила роҳат.
Табибий, сабр қил берса фалак ранж,
Ки кўрган ранж ҳосил қилгуси ганж.

Агар ганж истасанг чеккил бу дам ранж.
Ки чекмай ранж ҳосил бўлмагай ганж,

* * *

Жаҳонда харж бўлса гарм ила сард,
Ани кўрган киши бўлғусидир мард.

* * *

Киши касб этмагунча омил ўлмас,
Инобат қилмай асло комил ўлмас.

* * *

Керак иш қилсанг ўз шаънингга лойиқ,
Кияр тўн кимса қаддига мувофиқ,

* * *

Кесак отмоқни ҳар ким қилса оҳанг,
Мукофотига теккуси анга санг.

* * *

Хоним Халфа

(1858, Хива—1939)

Эл орасида шоира **сифатида машҳур бўлган** Хоним Халфа 1858 йилда Хиванинг Пишканик қишлоғида таваллуд топган. У бошланғич таълимни олиб савод чиқаргач, Навоий, Мунис, Огаҳий ва Машрабларнинг ғазалларини мутолаа қилган ва ёд олган. Хоним Халфанинг шеъриятга бўлган қизиқиши уни бадиий ижодга нисбатан меҳрини оширади. Пировард натижада Хоним Халфанинг ўзи ҳам шеър ёзишни машқ қила бошлади.

У кейинчалик Қутлимурот сувчи исмли кишига турмушга чиқади. Эрининг касбига рамзий ишора сифатида ўз шеърлари учун «Хоним сувчи» тахаллусини қабул қилган.

Шоира ижодига хос хусусиятлардан бири шуки, унинг шеърларида асосан ижтимоий, инсоншунослик масалалари тараннум этилади. Халқнинг аянчли турмуши, адолатсизлик, зулм ва истибдодга нафрат Хоним сувчи шеърларининг бош мавзусидир:

Бир нечалар этиб кияр безини,
Бир нечалар ямаб кияр дизини,

Маъракада гап этарлар изини,
Нафисдан ўхшаган безим яхшидур.

(«Бўзим яхшидур» шеъридан.)

Феодал жамиятдаги қашшоқ ҳаёт ва турмуш азобларидан воқиф бўлган шоира ўз шеърларида аянчли ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаб шикоят қилиш билангина чекланиб қолмади. Аста-секин фақирона ҳаётнинг асосий сабабларини излади ва топди. Амалдорларнинг ниқобини очиб ташлашга жазм этди. Натижада у хон томонидан тан жазоси олади. Мана шу адолатсиз жазодан кейин шоира некбин ва инқилобий ғояларни илгари суришга интилди. Энди Хоним сувчи хонни шеърий тил орқали баралла қарғашга ўтади:

Қўлинг чўлоқ бўлғай, кўзинг кўр бўлғай,
Азиз умринг охирида хўр бўлғай,
Ҳазрат эли Шоҳимардон шир урғай,
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим!

Юқорида келтирилган биринчи тўртликда оддий меҳнаткаш халқнинг оғир ва қашшоқ турмуш тарзини ифодалаш орқали шоира поклик, ҳалоллик каби ахлоқ-одоб туйғуларини қониқиб куйлайди. Кейинги тўртлик эса зикр қилинган қашшоқлик, адолатсизлик сингари иллатлар сабабчиси хону беклар, амалдорларнинг қийшиқ башарасидаги кир пардани олиб ташлашга ёрдам беради. Шоиранинг бу қарашлари беқиёс тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Хоним сувчининг шу руҳдаги бир қанча шеърлари 30-йилларда фольклоршунослардан Ҳоди Зариф ва Отажон Ҳошимлар томонидан ёзиб олинган ва «Ўзбек поэзияси антологияси»га киритилган. Уларда миллий урф-одатлар, қадриятлар, ахлоқ-одоб руҳияти ўз аксини топган.

Хоним Халфа истеъдодининг иккинчи қирраси Хоразм достончилиги билан бевосита боғланиб кетади. Шоира-халфа «Ошиқ Албанд», «Ошиқ Ғариб», «Асли Қарам» каби халқ достонларини тўла ёддан билган ва уларни халқ орасида завқ-шавқ билан куйлаб юрган. 1930 йилда Ҳ. Зариф ундан «Асли Қарам» достонини ёзиб олган. Мазкур достоннинг бизда мавжуд қўлёзмаси билан Хоним Халфа айтган нусхасини солиштирсак, Халфанинг беназир ижодкорлиги яққол кўзга ташланади. Шоира-халфа достонни сезиларли даражада ижодий қайта ишлаган. «Ҳар гўзални гўзал дема», «Қизил гул этибон теринглар мени» , «Бир танадан олтмиш ўғил дўрасин» каби қатор сатрлар қўлёзмада йўқ. Улар шоира бадиҳаси билан бевосита боғлиқдир.

Хоним Халфа достонларни мусиқа асбоби жўрлигисиз ижро этган. Аксарият ҳолларда у ижро жараёнида иккита пиёлани бир-бирига чўқиштириб, қўшиқ оҳангига мослаштириб куйлаган. Шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, Онажон Собирова, Ожиза каби истеъдодли шоира-халфаларнинг камол топишида ҳам Хоним Халфанинг устозлик ҳиссаси бор. Айниқса, Онажон Собирова ижоди Хоним сувчи ижоди билан муайян ҳамоҳангликка эга.

Хоним сувчи халқ қўшиқларини, айниқса, тўй маросими билан боғлиқ ашулаларни шу даражада мукаммал билганки, Онажон Собирова, Ожиза ва улардан кейинги халфалар ижодида ҳозиргача яшаб келаётган қўшиқларнинг аксарияти унинг репертуари билан боғланиб кетади.

Хуллас, Хоним Халфа Саидамат қизи Хоразм халфачилигининг барҳаёт анъаналарини юксак поғонага кўтарган достончи-шоира бўлиб, у қолдирган маънавий мерос ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

ХОНИМ ХАЛФА ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Бўзчи қўшиғи

Бир нечалар этиб кияр безини
Бир нечалар ямаб кияр дизини,
Маъракада гап этарлар изини,
Нафисдан ўхшаган безим яхшидир.

Ўтим йўқдир баззоз ёна бормоққа,
Жинниманми қиммат читни олмоққа,
Ярамайди икки ювиб киймоққа,
Нафисдан ўхшаган безим яхшидир.

Без тўқиймиз қирофини ўхшатиб,
Моки отаман дастагини қақшатиб,
Бозордаги шойилардан яхши этиб,
Нафисдан ўхшаган безим яхшидир.

Армонли кеттим

Эй ёронлар, биродарлар,
Дунёдан армонли кеттим.
Қараб турган қиз-жувонлар,
Найлайин, армонли кеттим.

Умр ўтди қонлар ютиб,
Қобирғам ерларга ботиб,
Ўлмадим оёқ узатиб,
Найлайин, армонли кеттим.

Дунёда иззат кўрмадим,
Завқу сафолар сурмадим,
Гуноҳим недур билмадим,
Найлайин, армонли кеттим.

Жойим, айвоним йиқилди,
Уйимга қора тикилди,

Болаларим етим қолди,
Найлайин, армонли кеттим.

Энди менинг чиқар жоним,
Оқар бўлди қизил қоним,
Йўқдир турмоққа мадорим,
Найлайин, армонли кеттим.

Бевафо золим

Эщитинглар мен айлайин ҳикоят,
Манго жабр айлади бевафо золим.
Сўзим ҳақиқатдир эмас ривоят,
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим.

Икки қўлинг чўлоқ, кўзинг кўр бўлғай,
Азиз умринг охирида хўр бўлғай,
Охиратда Шоҳимардон пир урғай,
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим.

Устингда душманинг сендан зўр бўлғай,
Мудом сенинг ёлғиз бошинг хўр бўлғай,
Бўйнингга тушгани қалин тўр бўлғай,
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим.

Арз этганда қулоқ қўймай сўзима,
Чиқиб кетдинг ҳеч қарамай изинга,
Қоралар чекилгай сенинг юзинга,
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим.

Билмай ўтдим ёзим билан қишимни,
Тинмасдан оқиздинг кўздан ёшимни,
Орқайин ичмадим ёрма ошимни,
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим.

Анбар Отин

(1870—1915)

XIX асрнинг охирги чораги ва XX аср бошларида ўзбек демократик йўналишдаги адабиётининг кенжа вакили Анбар отин Қўқонда Бузрукхўжа маҳалласида истиқомат қилувчи косиб Фармонқул оиласида туғилди. У етти ёшга кирганда ўз маҳалласидаги мактабдор шоира Дилшоддан таълим-тарбия олади.

15 ёшларида у Зоҳидхўжа исмли новвойга турмушга чиқади. Зийрак ва зеҳнли Анбарой тез орада шоира бўлиб етишади. У бадиий ижодда Дилшод, Муқимий, Фурқат ва Завқийлар изидан бориб, ўз давридаги ижтимоий ҳаётнинг фожиали воқеаларига муносабат билдирди. Шоира 30 ёшларида эканлигида жоҳил бой

хотинларнинг тажаввузи туфайли жисмоний хасталикка учрайди. Тўрт боланинг онаси Анбар отин оёқлари шол бўлиб ётиб қолганда ҳам умид билан яшади ва асарлар ижод қилди.

Анбар отиннинг бизгача ўзбек ва тожик тилларида Анбарой, Анбарнисо, Анбар отин тахаллуслари билан ёзилган қатор лирик асарлари ва шунингдек унинг ижтимоий қарашларини акс эттирган «Қаролар фалсафаси» рисоласи етиб келган.

Анбар отиннинг лирик ва фалсафий асарларида қора кучлар ҳукмрон бўлган замонасидан шикоят, эрлар билан хотин-қизлар ўртасидаги тенгсизликни қоралаш, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатидан нафратланиш туйғулари ўз ифодасини топган. Қолаверса фозил аёлларга хайрихоҳлик, дўстлик ва нурли кунларига умид каби ижтимоий фикрлари диққатга лойиқ. Анбар отиннинг лирик асарлари ва фалсафий рисоласи билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Анбар отин шеърларидан намуналар

* * *

Эй болам, Хайруллахон мактаб очибдур, боринғиз,
Албатта, шу янги мактабда ўқингиз, боринғиз.

Ерда ўлтурмай хорракда ўлтурурмиш болалар,
Тоза тургай уст-бошу жомайи дасторингиз.

Ўргатармиш турк тилида ҳар илмдин борини,
Келгусида шу билимлар бирла бўлғай коринғиз.

Ҳар ўқишнинг маънисиға тез тушунсангиз агар,
Яхши муллолар каби олис борар рафторингиз.

Отажонингиз ҳамият берса ўқишға доимо,
Ул худо соғлиқда сақлаб бўлса доим ёрингиз.

Бибихон яхши қараб, ҳар кун жўнатса вақтида,
Яшнаса, мактаб қошида боғчаю гулзорингиз.

Болалар, озода бўлсангиз, адабли бўлсангиз,
Мушку Анбар ҳиди бергай куйлаган ашъорингиз.

Фурқато, Сиздин қабули илтижо қилсун ўрус!
Бу заифни илтимосини адо қилсун ўрус.

Келди, келди майлига бир янгиликни бошласун,
Болаларға янги мактаблар бино қилсун ўрус.

Ваъда қилмишким, раият ҳолини неку қилур,
Айтингиз, ул аҳдиға бир йўл вафо қилсун ўрус.

Дўхтуримдин эшитиб, хушнуд эрурман русдин,
Бистарим устида бу дардға даво қилсун ўрус.

Ҳеч ерга чиқмасимға онт берди бу оёқ,
Дўхтурим восита бўлса бир шифо қилсун ўрус.

Бахшилар, кушноч лўли дастидин безорман,
Покиза аптекадин дору даво қилсун ўрус.

Сандалида кўп ётуб жонимга тегди, дўстлар!
Печкасини бу ўйимга жобажо қилсун ўрус.

Қаравотда Бибихоним, Оминам, Усмонхўжам
Яйрасун, роҳат ишини барҳаво қилсун ўрус.

Бу паранжида қарилар ёш ўлар пардоз ила,
Мушку Анбар ҳиди ёшларга мубоҳ қилсун ўрус.

Муқимийга мурожаат шеъри

Эй, Муқимий, эрлар ичра куйлангиз сиз ҳар мудом!
Негаким мандек аёлларға эрур куйлаш ҳаром.

Эрни хотиндин қилиб афзал яраткан дейдилар,
Биз учун ҳам сизни, шеърингизни этсун эҳтиром.

Бебизоатлик агар эл ичра бўлса айбингиз,
Бўйла қонун кашф этканлардин олинг интиқом.

Сиз каби ростгўйлар ҳоло хушомадға ғализ,
Вақти келгай сўзларингиз тошқуси олий мақом.

Ичкарида маҳрамимдур бу қалам, қоғоз менинг,
Дафтарим топилса бир кун ўқугайдур издиҳом.

Ўлмасам етмиш ёшимда кўрсам ҳам майли эди,
Анбарим ерга кўмилса ушбудир бахти қаром.

Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод,
Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлагай бунёд.

Дабистони улумни сар-басар очиб ҳар эл ичра,
Кенгайтиб таҳсилини, навжувонлар айлагайлар ёд.

Тўсиб дарё сувини, чўли бедунға юборлиб жон,
Ҳама қишлоқ элини сув балосидин қилур озод.

Қоронғу уйда инграб ўлтирурму ман каби хотун,
Ҳама ашъорини овоз ила ўқиб, қилур ижод.

Момом — Вайсий қайди бандда кўрди ҳар ҳангом.
Қилиб Хўқондға риҳлат рўзғорин айлади барбод.

Ажойиб Марғилонда аммасини кўрмади отам,
Бобом низ хоҳарини ёд этиб, айларди юз фарёд.

Келур вақтеки, хешованд жаможам кун кўрар хурсанд,
Замонни (нг) хотини авлодини руҳи кўрар дилшод.

Дариғоким, бу Анбар ўтадур кўрмай ул оламни,
Бу умрим бўлди кўтоҳким, фалак гардишидин
минг дод!

Аё, даврон ман ўлғаи сўнг, қилиб ёдимни
хушнуд эт,

Манинг кейнимда қолған барча авлодимни
хушнуд эт.

Адам тоғида Мажнундек Ширин ишқида жон
берган
Тирилиб келса ногоҳ, сийла Фарҳодимни,
хушнуд эт.

Нечанд ёлбордим эмди келмадинг умримни борида,
Агар келсанг таним йўқдур бу руҳи ношодимни
хушнуд эт.

Қолур байтул аҳзаним, ҳамма аҳли кетур ташлаб,
Ўзинг кел қайтадин бу байтул ношодимни
хушнуд эт.

Деворим йиқилиб, манзилларим қўшилмасун йўлга,
Тадорук қил, қадрдон шаҳри ободимни хушнуд эт.

Тараҳҳум қилки, авлодим ғарибдек бўлмасун асло,
Уларни сийлагил, бу хоки барбодимни хушнуд эт.

Йиқилмасдин бурун даврон, келур деб чиқдим
истиқбол,
Йўлингда зор бўлған қадди шамшодимни
хушнуд эт.

Сани кел деб бутун умримда йиғлаб жондин
айрилдим,
Сен ҳам Анбарни излаб илму ижодимни хушнуд эт.

* * *

Мендек ётма, уйғонгил, эй занони Фарғона!
Эрлардек бел боғлағил эмди бўлуб мардона!

Маҳи бошимдадурсиз, дўстлик қилурсиз,
Ғазалларимни тинглаб, худди парвона.

Бу дард мандин йироқ бўлишни истамас,
Ўхшайдур охири тўладур паймона.

Хасталигим яхши бўлди, ёронлар,
Кўрмак учун сизғадур бу бир баҳона.

Паймонам қай куни тўлса агар, дўстларим,
Халқ ичинда ўқуғайсиз ғазал, афсона.

Анбар бўйи бўғилмасун, эй гул, кўксингда,
Ханда қил ғунчалар, кулсун зани замона!

Мустазод

На хушбахтликки, фарзанди Фарғона бўлибман,
озода таним бор.
Ҳар кўчада бир шоирга ҳамхона бўлубман,
хушхон ватаним бор.
Афсус ман мазлум эрурман, ҳақ йўқ манга ҳаргиз,
бу унвони заним бор,
Хилватда ўзим-ўзима айтарман ғамимни,
тилсиз даҳаним бор.

Ҳеч бок эмас, ман бир неча моҳу сол бурун
келдим бу жаҳонға,
Охир очилиб гулшандай бўладур бу боғим, —
гулгун чаманим бор.
Бўлгучи чаман ризвонлари ўтқузса ниҳол,
ҳозир тикани бор,
Умид табласида боқишға қўюбман,
аспи самандим бор.
Келгуси ёруғ дунхға боришчун оёғим
ҳозирча эрур мажруҳ,
Дод айламагим мумкин эмас, бу баданимда —
қайди каманим бор.
Фарёд этиб ёши ила ёзган бу абёт,
турсун бу қоғозда,
Анбар ҳидини сочғучи бу жаҳонға
уди Яманим бор.

Қитъа

Одам эрсанг ҳамиша иш қилиб юр,
Қаю йўлға боруринғни билиб юр.
Ҳақиқат сўзларини сўзлағанда,
Ани ёдлаб, қулоғингга илиб юр.

Маснавийлар ёки якка байтлар

Қамтарин заифаи мазлума
Анбар отиндин манзума
Ушбу ёзилғон байтлар
Башар зийнатин айтар
Бу китобим тамоми
Якка байтлар итмоми.

Алиф

Одам эрсанг мани бил дона-дона,
Ватан эрур санга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Ҳар бир сўздур умринг ичинда сина.

Бе

Улғаюрсан санда бор ўлса адаб,
Улғаюрсан санга ёр ўлса адаб.
Одам эрсанг, ташқи сурат берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Те

Бир иш қилки, эл ичра бўл бо ҳурмат,
Икки дунё номинг бўлур бо иззат,
Ҳаёнсиз эрса минг жафо машаққат,
Ул иш дейилмагай эл ичра меҳнат.

Же

Харобот элида султонлар олур бож,
Адолат илкида яксон ўлур тож.
Кимки эл ғамидадур сухансанж,[1]
Анинг ҳар сўзи дупёда улуғ ганж.
Қаю султон адолатга қўюр синч,
Қўл остида эли доим бўлур тинч.

Ҳ — ҳуттий

Бутун умримда ер эрдим ғами субҳ,
Дам охирида келди бу дами субҳ.
Умидим субҳидамдин бошланур сулҳ,
Диёримға суюнуб тошланур сулҳ.

Х

Фалак кажравлиғидин шом эрур талх,
Ғаму қайғу чекишдин ком эрур талх.

Д — дол

Башарнн тарихи қонуни аждод,
Анингдин илм топғуси ҳар авлод.

Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод,
Бўлур авлодини рўзгори обод.

[1] Сухансанж — сўзни пишиқ-пухта билувчи ва айтувчи.

Ҳаёт тарихи элда некую бад,
На тавсиф билдирур, на хатти абжад.

З — зол

Манга халқ рўзғори бўлди устоз,
На сифат китоби, на таку тоз.
Хирад элига кўксин тутди коғаз,
Ҳам ирфон ишқида қон ютди коғаз.

Р

Киши ўз тақдирига ўзи маъмур,
На маъмурлар яратган рўзи маъмур.
Муродингни ҳаётинг ичра ахтар
Ки, мавҳум илм ичинда ахгар.
Машаққатсиз ҳунардин чиқмағай дур,
Ҳаёсиз ҳунардин чиқмағай дур,
Кимки кўбни рангин этди заъфар,
Ики дунёда бўлмайди музаффар.
Минг йил армону ҳасратда оқар Сир,
Музаффар элга сирини очар Сир.

З — зе

Кимки маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.
Ўзингни элга хизматкор эткиз,
Ишинг анжомига еткунча еткиз.

С — син

Шаҳаншоҳи номвар афзал бўлмас,
Ҳар адли ҳам зулмдин холи бўлмас.
Мани сўзимни тингланг, аюҳаннос,
Келур авлод даври ўзига хос.
Азалдин адл ила зулм эрди ножинс,
Зулмни пеша қилди, кимки ножинс,
Билингки ўзига қўймиш бино кас,
Такаббурлик ўтида куйди нокас.

Ш — шин

Дариғоким, ҳамиша кўнглум ғаш,
Чароки, кўп халойиқ кўнгли ғаш.
Ҳукмрон зулм тобора қилур иш,
Ўзин жисмига кўп яро солур ниш.
Жаҳонгир қўшинларга қўйса оташ,
Анинг бошига бўлғуси балокаш.

С — сод

Биз адабда кўргумиз ҳусни қасас,
Хуш куним деб ўтодур аҳли асас.
Ким ўзин Намрудга айлар қиёс,
Иброҳимни қавмидин тортғай қасос.

З — зод

Зулм бўлған ўлкада қолмайди файз,
Тонггача кун нурини олмайди файз,
Муфти эл бошиға солгай янги фарз,
Ўлмағай то бермагунча элга қарз,

Г — (га — итқи)

Эл ғамидин ўзгароқ ўлмас бухат,
Шунча қилсам бир йўли бўлмас галат.
Йўлларимда жару (кўҳ), қиру қнёт,
Шул сабаб юрганда қолгум эҳтиёт.

З — (за — изғи)

Беқироат сўзламас аҳли воиз,
Ҳар нидо қилғанда тинглайман ғализ,
Танға озуқдур ҳамиша тўғри лафз,
Миллату тилға хиёнат ўғри лафз.

Айн — (а)

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ,
Ақл ойинасида чеҳрадур шамъ.
Ўрусдин юртимиза тушди шуоъ,
Хирадин муждасини қучди шуоъ.

Ғайн — (ғ)

Бу вужуд бир қўлима берди ярог,
Бир қўлим ходисадин тутди чарог.
Ажнабий хайлига йўл бермади тог,
Учса ҳам қўнғали тоб этмади зог.

Ф

Маърифат шоирини сўзи садаф,
Харзагўй[1] аҳли учун мисли хадаф.
Мадҳдин воизи минг айласа лоф,
Дину вужуд орасида мингта хилоф.

[1] Ҳарзагўй — беҳуда, бемаъни, гаплар гапирувчи.

Қ — қоф

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,
Шайх, дин бу ораға солма нифоқ.
Гарчи бу аҳли вужуд бўйни синиқ,
Чиркинат таъсири йўқ кўнгли тиниқ.
Шайху пир кўрсатади йўл-йўриқ,
Ичида зикри худо, кўнгли қуриқ.

К — коф

Одам эрсанг кўнглинг эткил пок-пок,
Сандин этмасдин ўзини улки пок.

Ҳар нафас мазмун илан ўтса керак,
Гар ҳаёт мазмунини билса юрак,

Одамийда бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебратгуси доим билак.

Л — лом

Яхши одамлар ишидин ибрат ол,
Ибратомўз хизмат айлаб, иззат ол.

Кимни илгида бор эрса ҳиммати олий,
Ранги рўйида кўрунғай раҳмати олий.

Ҳар ғазалда янги мазмун айла ҳал,
То қиёмат ранги ўчмас мисли ҳал.

М — мим

Бош эгиб тургай ҳамиша ҳарфи мим,
Ўйламанг таъзимда бор деб зарбу бим.
Одамийлик хислатидур ҳар салом,
Хам баҳойим этмас одамдек калом.
Ким ҳаёт ичра босиб келди қадам,
Рўзгорини ясаб бўлсун адам.

Н — нун

Она ер шаклидаги бу ҳарфи нун,
Кўксида равшақ тополур ҳар фунун.
Вақти келгунча такаббур осмон,
Сирни бермай тек турурмиш олумон.
Зуфунунлиқ хулласи бирлан кийин,
Элга ҳикмат сирини айғил кейин.
Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

В — вов

Одами ақлу назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.
Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зеҳн қўймоқға дили покинг гаров.
Яхши иш қилмоқ учун йўқса уқув,
Санга лозимдур уқув бирлан ўқув
Боқ ҳаётинг лавҳасига бўлма қув,
Гар нишони яхшилик топилса қув.

Ҳ — ҳавваз

Бу ҳарфни ишлатурлар «алиф» ўрнига,
Анга маъқул «алиф» юрса алифда.

Қачон еткургиси ул кунни оллоҳ,
Хотунлар хуррам ўлса чекмайин оҳ.

Қачон бахт ўлғуси бизлара ҳамроҳ.
Ки, токай банд ўлурмиз ҳамчу гумроҳ.

Нечун иқбол биздин мунча саркуҳ,
Анинг кўйида ермиз шунча андуҳ.

Й — е

Бу ҳарфни «ё» деюрлар лафзда асли,
Ки аксар сўз охири «н» дур насли.

Агар ирфонға вусъат берса бори,
Фунуни заҳматға бергай эрди ёри.
Худо хотунни бахтин очса эрди,
Ки ховар ўз нурини сочгай эрди.
Бу Анбар оҳини тингла илоҳи,
Замона аҳли аҳволим гувоҳи.
Чуқур мазмунда бу сўзлар тамоми,
Келур давронга қолди итмоми.

Анбар отиннинг тожик тилидаги шеърлари

Ғуборлардан юзингни покиза қил, Фарғонажонгинам,
Кел энди юзларингда кўзгу кўргаймен, онажонгинам.

Сочим билан бўйингни ғуборлардан супурай,
Кел энди тинчлик топай, ҳамхонажонгинам.

Мен энди қон ёшим билан бу ғуборингни ювай дейман,
Жаҳоннинг луълусидирсан менинг дурдонажонгинам.

Дейдиларким, ҳусни зебога тароват бахш этар иффат,
Фақат сен учундир бу маърифат дугонажонгинам.

Тамоми бойлигингни гарчи қўлдан бергудек бўлдинг,
Бироқ боқий муддат сенга нурхона, жонгинам.

Қутулмоқ ноумидликдан яқиндир, эй гўзал ўлка,
Келур тинчлик дами сенинг учун кошонажонгинам.

Гўзал Фарғона мулкининг чароғидир азим Хўқанд,
Қани Анбар унга бўлса сўзинг йил парвона, жонгинам.

Анбар отиннинг рус қизига ёзганлари

Сиз асло ўлманг, Отинбибижон,
Минг йил умр кўринг, Отинбибижон.

Ёшингиз етти тўқсон ёшга
Яна шунча яшанг Отинбибижон.

Бу ожизангиз орзу қилади
Орзуларингизга етинг, Отинбибижон.

Шоираларингиз ярим юз* бўлди
Саломат бўлинг, Отинбибижон.

Ўткир зеҳнингизга таҳсин қиламиз,
Кароматингиз бор, Отинбибижон.

Тўтиқизингиз етук шоира
Қўшиқларини кўринг, Отинбибижон.

Хайриниса ва Анбарнисога
Таълим берган Сиз, Отинбибижон.

Ўз мухаммасим

Аёллар феълини кимлар тузатгай ҳамда боб келгай,
Қаю бир адлпарвар ҳукми бирла бир китоб келгай.
Ки Барнога хушомад ўрнига кимдан итоб келгай,
Билолмас кимса ким нутқида шундай бир хитоб келгай,
Ўшал ёвмулжазо даврида ҳар ёқдан ҳисоб келгай.

Кимки ҳукми била эл лойқа турмушга гирифтордур,
Бу турмуш тўлқунидан якка-ёлғиз барча безордур,
Ўзининг мулкида инсон мусофир, балки бекордур,
Ҳаёт учун уруниш зарбидан сусткаш ва абгордир,
Наҳотки халқ учун зулмдан баттарроқ бир азоб келгай,

Наҳотки ўттизи ойни қорошғи бўлғусидир тун,
Қаро сочдай узун қайғу аламга тўлғусидир тун,

* Ярим юз — эллик.

Халойиқ рўзғори бошдан охир бўлғусидир тун,
Кечан кунлар ғамидан доду афғон қилғусидир тун,
Аламли тунларим бахтига балқиб моҳитоб келгай.
Келиб қолган каби кундиз йиғиштирмоқ керак жойгоҳ,
Мусаффо тонг отаркан бизга келди хушхабар ногаҳ,
Келаркан вақти соат кечикиб, ё эрта ё бегоҳ,
Бу сирлардан қачон ҳукмрон гуруҳлар бўлғуси огоҳ,
Демаслар қайданам тақдир қаёқдан афтоб келгай.

Навоиш аҳли майхўрлик билан ҳар чанд базм этгай
Бу базм ичра на лозим бўлса хурсандликка азм этгай,
Ва шўхлик назмгўйликлар билан соғарга жазм этгай,
Агар бойдан бўлак меҳнат йўлидан зарга назм этгай,
Билолмас аҳли виждон ниқобдан ушбу об келгай.
Елиб гулдан насим шайхим, димоғи атрвон бунда,
Бўлиб қудратли одамзод қўлида боғбон бунда,
Қолиб шайхлар закотидин умидсиз нотавон бунда,
Билурми одамий — чун ҳам замину, ҳам замон бунда,
Демак манглай теридин сув эмас, балки гулоб келгай.

Сўрурман, эй жоҳиллар, то қачон қолғуси бу аҳвол?
Ватанда бўлғуси токай заифу нотавон атфол?
На деркан диннинг пешвоси агар бундай эрур аҳвол?
Жавобини берур Анбарнисо қолмай сира ҳам лол,
Ки охир бунга ғамгин халқдан яхши жавоб келгай.

«ҚАРОЛАР ФАЛСАФАСИ» ДАН

Кўзинг оч, зулмат ичра қолғон ул фарқи қаролардур,
Фироқу оҳу дардға безабон бахти қаролардур.
Тамоми фарзанд ўстурди, боқиб вояга еткурди,
Суюб бағриға босқон меҳрибон, мушвиқ онолардур.
Аларни номиға туҳмат қилуб, сан кўб жафо қилма,
Анинг синғори одам аҳлиға аҳли вафолардур.
Агар сан ўз онангни ҳурмат этсанг, элни ҳурмат эт, —
Ки барча позанинлар эл ичида маҳлуқолардур.
Онанг, синглинг санга мушфиқ эса, сонсиз аёл ичра,
Яқин билки, томомиси чунин меҳри гиёлардур.
Дарахти босамардек гуллаган меваси пишгондек,
Неча фарзанд оноси энг улуғ кони зиёлардур.
Бу бахтдин мамнуну шодлик ила ҳусни жило бергай,
Бу Анбардек ғазал куйлаб ўтғон соҳиб наволардур.

Аммо замонлари келурки, албатта, бу замонлар бир ажиб афсона бўлур ва бу замондаги хусумат ё туҳмат ўтидин нишон қолмас ва ҳар нечук хусуматчиларға омон қолмас.

Бир замони бўлурки, камина муштипар каби мазлумалар олижаноб, орзу қилғондин зиёда бўлур, тамоми мазлумалар яхши кун кўруб, яхши либос кийиб, тинч рўзғор ўткозған сабаб, алар-

ни авлоди хатарсиз таваллуд ўлуб яхши парвариш топуб, хушрўй ва хушхўй, ботамиз ва ватандўст, серғайрату меҳнатдўст бўлуб камолға етар. Ул замонда борча халқ соҳибкамол бўлур.

Шул важҳдинки, эл меҳнатни қадру қимматиға етуб, меҳнат аҳлини баланд рутбада кўрар, албатта, меҳнат ва эл ҳурмати одам ҳусн жилосин чиройида ложарам[1] жило бергуси, ул замонда аёллар ҳар қанча ҳусн ва латофат ила озод юрурлар ва аларға ҳеч киши ола кўз ила ёмон назар солмас, сабабки, ҳар эркак ўз суяр ёри ва соҳибжамол вафодори илан мамнун рўзғор кечиргай.

Ул замонда одам ахлоқи ул даражаға етурки, хуруси мижоз гала хотунлик русумини тарк этар ва ҳар эр битта хотун ила фароғатвор кун кечирғай. Ва ўшол замонда маълум ўлурки, бу фарқи қиз ва аёлларни кайфиятида маълум бўлурлар ва қай даражада ақл эгаси ва қай қобилият ва меҳнат қилурлар.

Ул вақт қизлар илми дунёви таҳсилиға муяссар бўлуб, урфон тахтида қарор топиб, эллар ва улуғлар сафиға дохил бўлурлар, алар ғайрат ва меҳнатда эрларға ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромға сазовор бўлурлар.

Шу замонда одам ўзини бахтиқаро, деб нолон бўлса мумкин, аммо шул бахтиқароликдин нажот топиш қобилиятини ахтариш ва нажот йўлини қидириши лозим бўлур...

Бу фаслда (тўртинчи фасл муқ.) қаро зулмат ҳақида сўз юритгумдур. Ақлға ишорадурки, ҳеч зулмат оқ бўлмас, албатта бу зулмат сўзи қоронғулиқни ошиғич сифати бўлуб, бу сўз ифодаға келгон ҳамон тинглағувчи назарида ёрушмоғи душвор ўлғон қаронғу манзара кўринғой. Андоқ манзарани кўргувчи анн тасвир этишга қобилият пайдо қилғон ва ани кўрмоқ қувватиға молик эрур, зулмат тасаввуриға ожиз ва ани кўрмоқ қобилиятидин ношуд киши зулмат деб қаронғу кечани билур ва ул кеча сўнгидин яқин соат муайян вақтда ёруғ кун келишини, албатта билур.

Зулматни қаро тундин тафовути ўбдон билдирмоқ лозим бўлур, зулматни зоҳиран қоронғу кеча рангида кўрсатмоқ мумкин. Аммо тафовути улки, кечани сўнгидин, одатда кеча ёз фаслида олти-етти соат, қиш бўлса, ўн-ўн икки соат вақт ўтуб, ёруғ кун келиши мумкин. Аммо зулмат сўнгидин ҳуррият келишини тасаввури ҳам осон, лекин муайян вақт таъйинлаш душвор эрур. Зулмат ҳам ранго-ранг бўлур, яъни хиллари: зулмати ногиҳоний ва ва зулмати муваққат бўлур.

Агар ўрус шоҳи дарҳақиқат одил бўлса, ва анинг хоҳиши қарам халқлар ҳам ўрус мисоли озод бўлсун ва барча халойиқ ўрус бирла баробар бўлуб, рўзғор кечирсун деса, аморат ва ҳукмронлик қонунларини адл бирла таҳрир қилсун, ҳукмронлиқ қонунини дин борасида ҳомий билиб давлат ва билимдонликни халқ рўзғоридин кашф этсун.. Халойиқ додиға, розиға қулоқ берсун.

Вақтики илм даража қилуб, фалсафа равнақ топса, бу чигилларим кушода бўлур. Фалсафа ибораси ила қарши ва зид сўзларини муқойиса қилғонда бу чигиллар очилур.

Ложарам — чорасиз, шубҳасиз, ноилож, албатта, шунинг учун.

Қаро маънисини билдирғувчи иборалар аксарлари таносил ва мутаносиб важҳидин ҳам қаршилиқ ва ҳам зидлиқ тасвиротини одам назариға беҳос намоён қилур. Агар боз соддароқ ифода қилмоқ лойиқ бўлса, айтурманки, қаро тун қоронғулиқ, қоронғу иборалари назаримизға фақат бир қаро нарса эмас, аммо бир қаро маконни келтирур, қаро тун, қаро қозон, қаро рўмолдек десак, бир маълум ҳажмдаги зарурият тушадурғон кичик нарса кўринур, аммо зулмат ва зулумот ва қоронғулиқ сўзлари ифода этилса, назаримизға ер юзидин осмонғача қаро тутун тўлғон ҳолат кўруниб ва ҳажм ва ҳудудини тасаввур қилмоқ душвор ишдур. Зулмат ва зулумот демак ила кўзумуз бир қоронғу оламни, мушоҳида қилса, дилимиз ундин кенгроқ, яъни сайёра калимасида ер ва кўкда зулм ҳукм суриб тургонини фикр қилур.

Шул ҳолатда ақл ҳам беғараз ва бетараф туролмас. Ақл ҳама вужудимиздин пухтароқ ва донишмандона фикр қилур, ақл ўтган, ҳозирги ва келгуси замонларни, яъни бу зулмат ё зулумотлик қаю тарафдин ва не сабабдин келди ва қанча ҳукм сурмоғи мумкин ва нечук тадбиру тадориклар ила бу зулматни зойил этиб, унинг шаръидин нажот топмоқ мумкин ўлур. Алоҳозал—қиёс бу борада ақлни ёрдами зўрдур. Агар одамлар ақлларини вазири билиб, ўз вазирларини ўзга вазирлар ила ҳамкор қилиб, машварат ила ҳаракат қилсалар, ақл вазирлар дунёни босуб ётган қаро зулматни ҳатто зулумотни ҳам бартараф этиб, ҳавони соф ва оламни равшан қилишга муяссар ўлурлар.

Аваз Ўтар ўғли

(1884—1919)

XX аср бошларидаги ўзбек халқи демократик адабиётининг йирик намоядаси Аваз Ўтар ўғли 1884 йили 25 августда Хевада сартарош-табиб оиласида туғилган. Авазнинг отаси Полвонниёз Ўтар Гадойниёз ўғли илм-маърифатдан баҳраманд киши бўлганидан, ўз ўғлини ҳам илмли бўлишига алоҳида эътибор берди.

Ёш Авазнинг шеъриятга бўлган зўр қизиқиши Хева шаҳрининг Иноқий мадрасасида таҳсил кўраётган пайтлардаёқ вужудга келган. Унинг истеъдодли шоирлиги хон саройидаги хизматга етаклаб келди. Хева хони, оташнафас шоир Муҳаммад

Раҳимхон Соний ёш шоирни саройдаги йирик шоирларга шогирд сифатида бириктириб қўйди.

Шоирнинг адабий меросида XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек халқи тақдиридаги мураккаб ижтимоий-маданий ўзгаришлар акс эттирилган. Марказий Осиё халқлари, биринчидан, рус империясининг мустамлакачилик сиёсати орасида, иккинчи томондан, маҳаллий бой зодагонларнинг жабр-зулмлари остида эзилаётган бир даврда шоирнинг асарлари озодлик, ҳуррият байроғи бўлиб ҳилпиради. Шоир одамларни тенг кўрмаган, бунинг устига салтанат тахтини жоҳил кишиларга топширган, уларнинг зулмларига ривож берган замонани тўғридан-тўғри ғаддорликда айблади.

Унинг ижодида маърифатпарварлик мавзуси алоҳида ўрин олган. Марказий Осиё халқлари орасида етишиб чиққан Аҳмад Дониш, Сатторхон, Исҳоқхон Ибрат каби маърифатпарварлар ўз асарларида маърифатни таъқиб этишга қаратилган қонун-қоидалар, урф-одатларни қаттиқ қораладилар. Маърифатпарвар қалам соҳиблари ўз асарларида ҳаётни жаҳолатдан қутқариб, яхши йўлга тушиб олишга восита бўладиган маърифатни, ақл-идрок самараларини ва маданиятни тарғиб қилдилар. Тарихимизда маърифатпарварлик анъаналарини реалистик тарғиб қилдилар. Тарихимизда маърифатпарварлик анъаналарини реалистик заминда давом эттирган Аваз ўз фаолиятида бу мавзунинг замон тақозо этган янги қирраларини кашф этди. У асарларида халқни маърифатдан йироқ тутиб келаётган кучларга нафрат, халқ юрагида дард бўлиб келаётган маданий қолоқлик ва саводсизликдан ачиниш мавзуларини ёритади. Шоир халқ болалари мактабларда қачон ўқийди, деб қайғуриб шундай дейди:

Топар эркан қачон, ё раб, ҳаёти жовидан миллат,
Топиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат.

Шоирдаги илм-фанга нисбатан жуда юксак фидойилик халқни нодонликдан, қолоқликдан қутқаришга, уларни ғафлат уйқусидан уйғотишда муҳим маънавий замин бўлди. Шунинг учун илм маскани — мактабни ниҳоятда улуғлайди ва халқни маданий юксалишга, маърифатни эгаллашга чақиради. Шоир ота-онанинг бола тарбиясидаги вазифасини жуда юқори баҳолаб, мактабни улуғлайди.

Ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий,
Ки бизни яхшилиқ қилмоқда муътод этгуси мактаб...
Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактабким,
Балою жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.

Аваз ўз ижодида юксак инсоний сифатларни куйлаб, чинакам озодлик ва эркпарварликни, ватанпарварлик, эркинлик берувчи ҳуррият ни умид қилади ва «адолат офтоби» ни халқ бошида нур сочишига ишонади. Шунинг учун ҳам у асарларида «Инқилоб», «Ҳуррият», «Миллат», «Адолат» каби тушунчаларни асл маъносида

ишлатади. Ўзининг мазлум халқини аҳлликка, фуқаролик бурчини бажаришга, халқ бошидаги қора пардаларни олиб ташлашга ифёнкорона чақиради.

Тўғри, Аваз ўзбек халқининг сиёсий-маърифий онгини ўсишида сезиларли из қолдирган маърифатпарвар демократ шоирдир.

АВАЗ ЎТАР ЎҒЛИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Газаллар

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,
Ўқусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб.

Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиход этсин,
Нединким, бизни ғам қайдидин озод этгуси мактаб.

Кўнгулларнинг сурури, доғи кўзлар нуридур фарзанд,
Аларнинг умрини, албатта обод этгуси мактаб.

Ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий —
Ки бизни яхшилиқ қилмоққа муътод этгуси мактаб.

Қаю миллатга биздек гар насими инқироз етса,
Анга, албатта, мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.

Бу не навмидликдур, мактаб очсак, оқибат бизни,
Аруси ком ила мақсудга домод этгуси мактаб.

Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактабким,
Балои жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб

* * *

Эйки, мунча зулм ила миллатни айларсан хароб,
«Лоюхиббуз золимин-» деб тангри қилгонда хитоб.

Дам-бадам бедоду жабру, зўрликлар айлабон,
Солма мазлум элни кўнглига мунингдек изтироб.

Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон,
Оқибат бир кун анга маъсул бўлуб бергунг жавоб.

Бор умидим, тездин бўлгуси ҳуррият куни,
Эй Аваз, комас булут остида доим офтоб.

* * *

Эйки, сизлар то таассуб бирла даврон этдингиз,
Миллати мазлума аҳволин паришон этдингиз!

Биринги қози, биринги аъламу муфти бўлуб,
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз!

Бизни айлаб хору зор нотавон этмак учун,
Бермайин осори ҳурлик банди зиндон этдингиз.

Бу фалокатлар учун маъсул ўлурсиз оқибат,
Зулму истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.

Буйруқини сўрамайин, биздин, сўрар сиздин худо,
Нега сиз билдурмай они, бизни нодон этдингиз!

Йўқса, одаммиз очиб мактаб илм билдирсангиз,
Бехабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз!

Қайси бир миллатни, айтинг, сиздек огзи оладур,
Иттифоқ ила иш этмай бағримиз қон этдингиз.

Бир куни сўрғай Аваздек уйғониб аҳли замон:
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз?!

* * *

Эй дўстлар, даҳр аҳлига ҳамроҳу ҳамдам бўлмангиз,
Ҳамроҳу ҳамдам демайин, бал ошно ҳам бўлмангиз.

Ҳошоки доно эрсангиз онларга топиб ихтилот,
Бир кун паришон ўлгосиз масруру хуррам бўлмангиз.

Аҳли жаҳонким бор дурур меҳру муҳаббатдин йироқ,
Онлар фиребин еб яна расвои олам бўлмангиз.

Меҳру вафо айлаб ҳамул ноошнолар хайлига,
Чекмак ҳамиша қисмати олам ила ғам бўлмангиз.

Якдиллик айлаб бу сифат хайлни бани одам бирла,
Бори балиятни чекиб ҳам қомати хам бўлмангиз!

Ўзни жаҳоннинг дилбару дилдорига айлаб асир,
Ҳам роҳату кам бўлмангиз, ҳам чашми пурнам
бўлмангиз.

Токим, Аваз, асрорингиз ғайриға ифшо бўлмасун,
Келса қўлингиздин биров розиға маҳрам бўлмангиз.

Эй олами вожун аро ором суранлар!
Сизлардек дахи бормудур аҳком суранлар!?

Инсон каби жоҳил бўлами ном суранлар,
Доим сурасизми дахи, ком суранлар?!

Миллионлара бир кимсами қилғуси ҳукумат,
Кибр ила ғурур, ҳасаду қину хусумат.

Афъоли хабиса била анвои хасосат,
Даъвои даҳолик қилиб айём суранлар.

Зулм ила ситам қилгучи бир-бирига бисёр,
Муҳтож Аваздек тамаи хом суранлар.

* * *

Йўқ бўлинг тездан кўзумдин, халқ аро шармандалар!
Халқ ғамидин ўзни нарроқ тутгувчи бегоналар.

Ҳайқириб эртаю кеч сизлар муаззин ўрнида,
Бўлдингиз ёлғончиликда эл аро овозалар.

«Ҳуррияту эрк» дебонки ёлғон алфозлар била,
Оқибат мазлумлара ютдирдингиз хунобалар.

Қайсингизни кўрди эл капча билан ёп қоғозин,
Борингиз савдо-сотиқ бозорида жавлоналар.

Эй Аваз, қил жидду жаҳд сен эл билан шому сабоҳ,
Қолмагай оламда бори хону ҳоромизодалар.

* * *

Ушбу жаҳон ободидур охир хароб, эй дўстлар,
Тургон бинои сув уза мисли ҳубоб, эй дўстлар.

Ашколи олам тархини ўйлар эсанг таҳқиқ ила,
Не саъду наҳсу собиту не инқилоб, эй дўстлар.

Ҳар ишни айлар бўлсангиз, айлангки тадриж ила иш,
Оқил кишилар қилмагай ҳаргиз шитоб, эй дўстлар.

Улким замона ишрату айшини онглар муғтанам,
Бўлгуси жовид умрдин бас баҳраёб, эй дўстлар.

Ҳаз ила беҳжоту фараҳ ком ўлса сизга, базм этиб —
Айланг сабоҳу шом адо нўши шароб, эй дўстлар.

Лозим паривашлар била тузмак мажолис ўйлаким,
Бордур хазиф айёми ҳам ахди шабоб, эй дўстлар.

Айланг Аваздек орзу фақру фано кошонасин,
Ушбу жаҳон ободидур охир хароб, эй дўстлар.

* * *

Ажойиброқ замон ушбу замондур,
Халойиқ феъли бир-биридин ёмондур.

Ҳама эҳё ичар жомӣ ажални,
Они ичмак ҳамон, ўлмак ҳамондур.

Малул ўлмай, не айлай, одам ичра?
Вафоу меҳрким, дерлар, ниҳондур.

Ҳама эл феълу таврин бадлигидин
Мунингдек бўйла расвои жаҳондур.

Бўлуб саййидлари мардуду ноком,
Ҳама қул ағниёу комрондур...

Бўлуб қиймат ҳама ашёни нархи,
Аваз ушбу сабабдин хаста жондур.

* * *

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билонки ондин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг фоида кондур.

Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори ўктойи замондур.

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин они бағри тўла қондур.

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?
Топиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат!

Ватанпарвар фидойи фирқалар то бўлмайин пайдо,
На мумкин топмоғи ўлган таниға тоза жон миллат?!

Фидо миллат йўлиға молу жон этмак керак, ҳар ким —
Бўлай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат.

Очиб ҳар бир сарида мактабинг унвонин айлаб чўх,
Тараққий айламасми ўқубон беҳадду сон миллат?

Бу янглиғ олам аҳлидин кейин қолмай юриш айла,
Аваз, бўлғай уёниб комкору комрон миллат.

* * *

Орзуи васл этар дучори фурқат оқибат,
Келтуруб бошингга минг ошуби офат оқибат.

Дилраболар суратин кўрмоқни қилма муддао,
Ким сани ул қилгуси андоқки сурат оқибат.

Эй, биров ишқи аро, қўй, бўлма бесабру шикеб,
Чекмайин десанг агар таъну маломат оқибат.

Қилмайин пухта ишингни носаранжом айласанг,
Тушгусидур бошига андуҳи қиёмат оқибат.

Истасанг қучмоқ дилорамингни зебо қоматин,
Бўлғусидур пайкаринг ҳоки мазаллат оқибат.

Кимса гар истар эса сийминбаридин марҳамат,
Ҳажр тиғидин бўлур кўнгли жароҳат оқибат.

Ҳар киши гар орзу қилса маишат бирла ҳавз,
Бўлгусидур, эй Аваз, дучори меҳнат оқибат.

* * *

Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда ҳуррият,
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат.

Кетиб зулму ситамнинг зулмати бўлмиш жаҳон равшан,
Адолат офтоби мамлакатга кўргузуб талъат.

Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлуб бир тан,
Билурга борча илм ила ҳунарни яшасун миллат!

Жаҳон аҳли, манга сизсиз севукли жон азизимдин,
Эрурмиз бир-биримизга ёқин гўёки бир ихват.

Яшанг, эй қаҳрамони ҳурриятпарвар биродарлар,
Олиб ҳур миллати мазлум учун сиз қилдингиз хизмат.

Очиб ҳар навъи мактаб эмди ҳимматни қилиб олий,
Ватанни қилғоли обод лозим айласак ғайрат.

Аваз бир минг доғи уч юзда ўттуз беш эди тарих,
Етушди ҳурриятдин миллатимни жонига қувват.

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.

Бир неча авбошлар мундоғ ҳукмрон айласа,
Қолмағай, ори, на ёнглиг меҳнату озора халқ?

На аларда бордурур илму адолатдин асар,
Не ажабким топмаса доди дилига чора халқ?!

Етгав офатни бошиға доимо тақдир деб,
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ.

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,
Бўлди қурбон бу сабабдин миллати ағёра халқ.

Халқи оламни бори айлар тараққий кун ба кун
Биз таназзул айлабон қолдуқ эдук не кора халқ?

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,
Эй Аваз, бўлмас мунингдек барҳо оввора халқ.

Қитъалар

Ҳамиша, эй кўнгул, қилғил қаноат айламак одат —
Ки аҳсан ганж йўқ олам аро кунжи қаноатдин.
Агар ўлмакка етсанг ҳам чекиб бечоралиғ ранжин,
Тамаъ қилма ниам уммидин аҳли хасосатдин.
Санга юязланса ногоҳ беноволиғ чарх давридин,
Аёқ чекма давомат остони аҳли ҳимматдин.
Қуюбдурлар худо йўлига доим мол ила жонин,
Санингдекларни ҳиммат аҳли қутқормоқга меҳнатдин.

Жаҳонда шуму бадбахт ул кишидурким сабоҳу шом
Берур бечорау дармондаларга жавр ила озор.
Қилиб қаҳру ситам беҳадду сон келгунча илигидин
Ғариб афтодаларни ҳолига кулгу қилур изҳор.
Алардин ибрат олмай ўзга айлар кибрни пеша,
Магар билмаски даврон бир куни қилғой они ҳам хор?

Бақо ҳеч бир кишиға айламасдур гардиши гардун,
Тонг эрмаским, гар они оқибат онларға қилса зор.
Ул одамким ҳасад ғайриға айлар кечаю кундуз,
Қилиб рашку таассуфни ўтиға бағрини бирён.
Агарги илигидин келмас бировни хуррам этмаклик,
Кўра олмас ва лекин кимсани қалби эса шодон,
Бу янглиғ ҳосиду бадхоҳу ҳам юзи қароларни,
Илоҳо, эт ҳабибинг ҳурматидин ер била яксон.

Ёмонларнинг ёмони ондоқ одамдур жаҳон ичра,
Йироқ ўлгуси то ўлгунча инсофу диёнатдин.
Олиб мазлумлар молини юз минг зулму кин бирла,
Қилур бехонумон хавф этмайин яъми қиёматдин.
Худонинг қаҳридин бийм этмаган каззоби ноинсоф
Ҳазар қилгой нечук олам аро таъну маломатдин?
Етиб бошиға жаллоди ажал шамширидин зарбе,
Не хуш, ул навъ одам ўлмаса гар ушбу соатдин.
Бу сийрат бирла мавсуф бўлғонлар эса маълум,
Халос ўлғуси шаксиз фақр эли доми балиятдин.

Гар десалар, бўлғой нечук одамни эрмасдур башар?
Кофий жавобин дей санга: кимни йўқ эрса ҳиммати.
Беҳиммат элдин яхшироқ эрмиш сагу гову ҳимор,
Йўқ бўлса кимнинг ҳиммати, албатта йўқдур ғайрати.
Ғайратсиз ўлғондин киши оламда аҳбоби аро,
Юз қатла мустахсандурур соф ўлса умри муддати.
Ғайрат била ҳимматлиг эл ўлса ҳам эҳё қил гумон,
Паст ўлмамиш не важҳдин халқ ичра Ҳотам шуҳрати.
Бу икки хислат бирла бўл ашқар жаҳон мулкида ким,
Бор филҳақиқат бу икки афъол инсон хислати.

Бердақ

(1827—1900)

Бердақ Бердимурод Қарғабой ўғли истеъдодли қорақалпоқ шоири ва мутаффаккири. Қорақалпоқ адабиётининг асосчиси сифатида танилган бу ижодкор ҳозирги Мўйноқ тумани ҳудудидаги қашшоқ оилада туғилган. Болалигида ота-онаси вафот этиб, у қариндошлари қўлида тарбияланади. Ўша кезлардан бошлаб қишлоқ одамларининг подасини боқади. Кенг дала ва гўзал табиат қучоғи ёш чўпонда шоирлик туйғуларини ўйғотади. Бердимурод тақдир мушкулотларига чидаб, диний мактабни тамомлайди ва кейинчалик Қарақум эшон мадрасасида таҳсил олади. Сўнгра бахши, қиссахон ва шоир сифатида танила бошлайди. У мактаб ва мадраса таълими давомида диний билимлар билан бирга қадимги грек ва араб маданиятини ўрганади. Аристотель,

Платон ғоялари билан танишиб, Шарқ мамлакатларида кенг танилган Фирдавсий, Бедил, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Навоий, Фузулий, Маҳтумқули каби алломалар ижодидан баҳраманд бўлди. У «Излар эдим» шеърларида «Ўтган Арасту, Афлатун, Яратиб илмнинг қантин», «Бедил, Аттор, «Бидон»-ни, такрорлаб оттирдим тонгни», «Бир сабабкор ёлғиз Олло, Фирдавсийдай доно борми», деб ёзди. Шоир Шарқ халқлари тарихи, тили ва айниқса адабиётининг етук билимдони эди.

Бердақ яшаган XIX асрда Хева хонлигига қарам қорақалпоқлар ҳаёти ниҳоятда оғир эди. Шунинг учун қорақалпоқ халқи 1827, 1855—1856, 1858—1859 йилларда Хева хонига қарши қўзғолон кўтарди. Бердақ халқ орасидаги шундай тарихий ҳодисаларга гувоҳ бўлди. Бу эса унинг сиёсий қарашларини шакллантирди ва ривожлантирди.

Шоир ўз асарларида қорақалпоқ халқининг XVIII—XIX асрдаги ижтимоий турмушини акс эттираркан, давр ҳодисаларига халқпарвар шоир сифатида баҳо берди ва осойишталик, ахлоқ одоб, меҳнат, адолат, ватанпарварлик ғояларини куйлади. «Яхшироқ», «Халқ учун», «Излар эдим», «Солиқ» ва бошқа шеърларида меҳнаткашларнинг оғир турмуши, эзувчи синфларнинг шафқатсизлиги ва оқибатсизлигини акс эттирди, яхши кунларга умид боғлади. Бердақ кўпгина лирик шеърлар билан бирга «Аҳмоқ подшо», «Айдосбий», «Омангелди», «Ерназар бий» каби ўнлаб поэмалар яратди. Бу асарларда катта ижтимоий турмуш воқеалари ўз ифодасини топган.

Бердақ дунёга муносабат масаласида қадимги грек файласуфларидан ташқари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий каби Марказий Осиёнинг улуғ олимлари асарларини пухта ўрганган. Уларнинг фалсафий-дидактик фикрлари асосида Бердақ зулм ва тенгсизлик туб моҳиятини англаб етди ва билим бериш, оқартув ишларини ривожлантириш, илмли қилиш туфайли рўшнолик қилиш мумкинлигига тўла тушунди.

Шунингдек Бердақнинг педагогик қарашлари ва тушунчалари муҳим аҳамият касб этади. У жамиятни яхшилаш учун одамларни тарбиялаш кераклигини алоҳида уқтиради. Тарбия кучига

ишонган Бердақ диққатни инсон ҳаётида таълим-тарбиянинг муҳимлигига қаратади.

Бердақ асарларидан намуналар

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун,
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун,
Бердимурод, ўйлаб айтгил сўзингни,
Кўтарма, лоф уриб, фақат ўзингни,
Қизартмагай биров сенинг юзингни,
Қўлдан келса, хизмат айла халқ учун,
Етарсан муродга, агар хизмат этсанг,
Элинг йўллаганда, ҳар қаён кетсанг,
Ҳар қачон душманнинг бошига етсанг,
Аянмасдан, хизмат айла халқ учун,
Йигит киши одам дилин эритар,
Айтган сўзин болдан ширинроқ айтар,
Бир айтганда ўзидан қайтмасдан кетар,
Аҳднмасдан, хизмат этар халқ учун,
Золимлар тингламас фақирнинг сўзин,
Улар ўйлар ўз фойдасин, ўз қорин.
Ҳеч қачон золимлар қўлдаги борин,
Эп кўрмаслар, бор бўлса-да, халқ учун,
Йигит деган яхши билимдон бўлур,
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур,
Ақлсизлар иши ёмон бўлур,
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун.
Хизмат қил-у, юрма тағин дод этиб,
Душманни йиғлатгин, дўстин шод этиб,
Отаю-онани доим шод этиб,
Хизмат айла ота-она хаққи чун.
Йигит кирмас фосиқларнинг сўзига,
Асло тушмас манманликнинг изига,
Ғайрат бериб ўлганича ўзига,
Хизмат этар мудом қондош халқ учун...
Одам ўғли бари бир хилда бўлмас,
Бирида бор нарса, бирида бўлмас,
Яхши бўлса беодоблик иш қилмас,
Яхши бўлса, хизмат этар халқ учун.
Ёш йигитга номус керак, ор керак,
Бўйи хипча, гўзал, нозли ёр керак,
Узоқ йўлга кетса, қатор нор керак,
Яхши йигит хизмат этар халқ учун.
Берайин бўлажак ишларни сўйлаб,
Асло иш қилмагангиз ёмонлик ўйлаб,
Юз ўлчаб, бир кесинг, ишни соз айлаб,
Бор кучингни сарф айлагил халқ учун.

Мард йигитни севса агар элати,
Кундан-кунга ортар унинг қуввати,
Ортида қолади йигитнинг оти,
Шунинг учун хизмат этар халқ учун.
Бу замонда жабру жафо чекарман,
Қора кўздан қонли ёшлар тўкарман,
Золимларнинг зулмин кўриб сўкарман,
Қуйганликдан жон қийналур халқ учун.
Бўлмади ҳеч ерда манзил-маконим,
Заҳру-зақум бўлди еган-ичганим,
Айтсам-да бўлмади менинг деганим,
Қуйганликдан жон қийналур халқ учун.
Бердимурод Ҳақиқатни изладинг,
Мудом элга тўғри йўлни кўзладинг,
Ёвузлардан қўрқмай, ҳақни сўзладинг,
Жон-танингни бердинг доим халқ учун.
Ажал етиб ўлсам шу кунда ўзим,
Кетимда қолади ўлмайин сўзим,
Тирикликда кўрди кўпларни кўзим,
Фарқин билган хизмат этар ҳақ учун.
Кўп йиғлама, ўз бағрингни доғлама,
Созни чертиб, элдан ўзга чоғлама,
Душмандан хавф этиб, йўлдинг боғлама,
Умр бўйи хизмат айла халқ учун.
Душманларни бу замонда зўр этдинг,
Шул сабабли бизни жуда хўр этдинг,
Бози эшонларни ҳаромхўр этдинг,
Ўғрилиги нуқул зиён халқ учун.
Қолмагайман золимларнинг жабрига,
Тоқат этолмайман унинг амрига,
Қарши турган яратганинг қаҳрига,
Ҳатто этар ўзин қурбон халқ учун.
Оғалар, бўлди-ку бағрим юз пора,
Бу дунёда қайғум ошар тобора,
Эл кезаман, чинлик излаб, овора,
Яна хизмат қилар эдим халқ учун.
Яхши йигитларнинг феъли тор бўлмас,
Яхшиларга ёмон ишлар кор бўлмас,
Беодоблик ишлар ёдига келмас,
Шул сабабли кўнглинг тўлар халқ учун.
Рост айт, Бердимурод сўзлама ёлғон,
Бу дунё узоқ йўл отангдан қолган,
Юра бу замонда фақат ақл олган,
Яхшилар хизматни қилар халқ учун.
Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,
Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим,
Замон жафосидан сарғайдим, оздим,
Келурму деб яхши кунлар халқ учун.
Отим Бердимурод, мен халқнинг ўғли,

Саҳрода сайровчи сайроқ булбули,
Ўн гулидан очилмади бир гули,
Муродига етолмади халқ учун.

Яхшироқ

Оқ буғдойи туриб сули сепгандан,
Тоза шоли туриб курмак экқандан,
Бекор қирқ кун қайғу-алам чеккандан,
Тан соғлиқдан шодмон фурсат яхшироқ.
Дунёга келибсан, бахтинг очилса,
Душманларинг оёғинга бош урса,
Қўлни қовуштириб, ҳурматинг қилса,
Кўз олайтиргандан иззат яхшироқ.
Ишни ишла, туғилгансан эл учун,
Жонингни аяма, элда эр учун,
Киндик қони томган азиз ер учун.
Ҳеч вақтда дўстларинг бўлмасин ҳайрон,
Қўлдан келса қилинг душманни вайрон,
Халойиқ бир бўлиб яшанг меҳрибон,
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.
Бошқа бировларни этиб қурдошинг,
Оқизиб юрма ўз ёринг кўз ёшин
Ёмон бўлса ҳам у умр йўлдошинг,
Вақтинча қўл берган ёрдан яхшироқ.
Одам боласига зийнат номус-ор,
Юздан кам бўлмасин таниш-дўсту ёр,
Агар томирингни қийса бир ғаддор,
Шу вақт малҳам қўймоқ — ордан яхшироқ.
Эр йигитга номус керак, ор керак,
Оқ кўнгил, қалам қош, севар ёр керак,
Меҳмоннинг йўлида интизор керак,
Улоқ сўйса ҳамки, молдан яхшироқ.
Теран ақл керак сўзни тизмоққа,
Тиниқ хаёл керак барин сезмоққа,
Сув устида яхши юриб кезмоққа,
Бир қайиқ олти юз солдан яхшироқ.
Аввал бераман деб, сўнгра бермаган,
Меҳнаткашга ёруғлик эп кўрмаган,
Нуқул ёлғон сўзлаб, ҳануз ўлмаган,
Нурмуроддан, балки ҳайвон яхшироқ.
Бу сўзимни эшит, Нурмурод охун,
Салангни ўрайсан, чиқариб шохин,
Меҳнаткашни алдаб кўп ейсан ҳақин,
Сендан кўра ола қарға яхшироқ.
Ўримбет, Нуримбет, Жалол, Сулаймон,
Сафар, Мирза, Орзу, Эримбет — чаён,
Халқнинг қонин сўрган, сурбет, бевиждон,
Ҳаммангдан биздай бир қашшоқ яхшироқ.

Анов ўтирибди Қулмурод, Муса,
Кўнгли ҳеч оқармас қирқ чайиб ювса.
Қашшоқларга бахту, ёруғ кун туғса,
Ўчимни олмасам, ўлган яхшироқ.
Не асл сўз атди, ўтди поёнсиз,
Кўп хизматлар этдим, кетди аёнсиз,
Мен ҳам бир жон эдим юртга зихнсиз,
Хўрлик кўрдим, ўлган чандон яхшироқ.
Бердимурод айтар, кўролмай яқти,
Ўлиб кетар бўлди, очилмай бахти,
Ёлғизидай кўрар жондан яхшироқ.

Излар эдим

Топилса эди буюк зот,
То ўлгунча излар эдим,
Авлодимга қолдириб от,
Жўшқин-жўшқин сўзлар эдим,
Ҳали қайтмаган шахтим бор,
На одаму, на бахтим бор,
Бўлса жўшқин, сўйлар эдим.
Юракда тошқин дардим бор,
Билган одам, қани келса,
Менинг бу дардимни билса,
Айтиб берай, тинглай деса,
Дардга даво излар эдим.
Бедов миниб чопар ўғлон,
Курашда билинар полвон,
Суришга умрбод даврон,
Бу — муддао, излар эдим.
Изласа туғишган иним,
Туман босган ой ҳам куним,
Чиқаргали озод уним,
То ўлгунча излар эдим.
Излар эдим мен отамни,
Кечиринг бўлса, хатомни,
Шод қилиш учун ватанни,
Бахт йўлини излар эдим.
Ёри дўстим, қариндошим,
Савдоларга тушди бошим,
Мард йигит бўлғай йўлдошим,
Бахт йўлини излар эдим.
Сизлардай мен ҳам одамман,
Найлайин, кўзсиз қолганман,
Шу сабаб, куйиб-ёнганман,
Бахт йўлини излар эдим.
Агар топсам у шеърларни,
Гулистон этиб ерларни,

Оламга ёйиб сирларни,
Кезиб дунё, излар эдим.
Чўзмагил қўлингни бекор,
Ўйланиб, тўғри йўлдан бор,
Бўлса гар ақлли сардор,
То топгунча излар эдим.
Чидам билан боғлаб белни,
Излаб қўнғирот, хитой элни,
Кечиб дарё, денгиз, кўлни,
То топгунча излар эдим.
Уралиб қолмай нолага,
Келар баҳор бечорага,
Ё борайми Бухорога,
Бўлса баҳор, излар эдим.
Халқим учун тўкиб кучни,
Олгали золимдан ўчни,
Оралаб кўрсам Урганчни,
Ёронларни топар эдим!
Кезсам дунё, кезсам жаҳон,
Пасаярми оҳу фиғон,
Маъни тузсам гўё маржон,
Ёронларни топар эдим.
Сездирмасдан бек ҳам хонга,
Ҳам уларга яқин жонга,
Ота юрти Туркистонга,
Бориб, йўқни излар эдим.
Йўлдош топиб йўлга чиқсам,
Яхшилар сўзини ўқсам,
Ёвузларни гўрга тиқсам,
Ёронларни топар эдим.
Ўтган Арасту, Афлатун,
Яратиб илмнинг каптин,
Ечиш учун фикр бандин,
Мен маърифат излар эдим.
«Бедил», Аттор, «Биданни»,
Такрорлаб оттирдим тонгни,
Замон қайнаб турган одамни,
«Ҳидояни» излар эдим.
Бердимурод, изла, изла!
Яхши йўлни тезда кўзла,
Кўп ичда яхши сўзла,
Йўлни топсам, излар эдим.
Топсам асл иш жўясин,
Қирқардим ёв насибасин,
Юзига суртиб куясин,

---

* Қорақалпоқ уруғлари.

Йўлни топсам, излар эдим.
Йўғимдан топмадим дарак,
Типирчилар дардли юрак,
Мен шўрликка даврон керак,
Йўлни топсам, излар эдим.
Замон, қандай замон бўлди?
Чинор бошин чўртон чолди,
Қанчалардан кўнглим қолди,
Ёруғ йўлни излар эдим.

Болам

Талтаймагин, эрка бўлиб,
Йиғламагин тўлиб-тўлиб,
Қолмайсан оч, рангинг сўлиб,
Мард бўл ёшликдан, эй болам.
Ёшликдан ботир бўлиб ўс,
Ёв йўлини доим тўс,
Мададкоринг бўлсин улус,
Мард бўл ёшликдан, эй болам.
Ман-ман бўлма Пиримбойдай,
Қаддингни ҳам эгма ёйдай,
Эркин ўсгин асов тоғдай,
Шалвираб ҳеч юрма болам.
Белни боғла, даврингни сур,
Дўсту, душманни синаб юр,
Ёмон сўздан қулоқни бур,
Сен ғафлатда қолма, болам.
Молим йўқ деб, қийнама жон,
Давлат топилур ҳар қачон,
Душманингга берма омон,
Ҳар чоқ ҳушёр бўлгин, болам.
Ёмон бўлиб тушма кўзга,
Доғ қўндирма оппоқ юзга,
Учма асло ёлғон сўзга,
Ёмондан зинҳор қоч, болам.
Отим йўқ, деб адашмагин,
Тўним йўқ деб, талашмагин,
Ёмонларга ёндошмагин,
Оринг ерга урма, болам...
Ёмонларга ҳеч сир айтма,
Сўзга келганда, сўздан қайтма,
Дўстингни асло мунғайтма,
Шундан бахтинг кулар, болам.
Молим бор деб ошиб тошма,
Бекордан-бекор талашма,
Ҳеч ишга ҳадсиз ёндошма,
Тўғри сўзла, доим болам.
Элни қошингдан қочирма,

Йўқ деб боринғни яширма,
Қувлик, шумлик йўлга кирма,
Халққа сен бўл булбул болам.
Яхшилик қил, элинг билсин,
Доим олқиш айтиб келсин,
Душманинг жуванмарг бўлсин,
Лекин кўз бўяма, болам.
Ўйламаслик кети вайрон,
Ахир қилар сени вайрон,
Тенгинг билан солгил вайрон,
Душманни аяма, болам.
Қошингга келса гар «қобон»,
Аён, сени қўймас омон,
Фойда бермас сўнгги пушмон,
Ёшдан ақлли бўл, болам.
Ёлғизман деб шалпаймагин,
Қўпман деб ҳам талтаймагин,
Нодонликка йўл қўймагин,
Доим ўйлаб сўйла болам.
Ёмон учун тушма ўчга,
Хиёнат ўйлама юртга,
Онанг берган оппоқ сутга,
Бу ўзингга яхши болам.
То ўлгунча тўғри сўзла,
Отангни, онангни ўйла,
Яхшига яхшилик айла,
Бу одамзот нақши болам.
Етим кўрсанг қўлингни бер,
Яхшилар сенга шуни дер:
Мақтаниб демагил, мен шер,
Мағрурликни қўйгил болам.
Ғариб кўрсанг насиҳат қил,
Яхши кўрсанг, маслаҳат қил,
Буни сен зўр саодат бил,
Бу одатни сўйгил болам.
Олдингда буюк давон бор,
Оша олсанг, бахт бўлгай ёр,
Отанг дер: бўлмай десанг хор,
Тўғриликни сўйғил болам.

НОДИРА ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ғазаллар.

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чаманни жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидан
Фарёд чекиб фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,
Гул шохида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ била ҳазон этиб кет.

Ушшоқ маъқоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Қайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сирин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни,
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

Замона аҳлидин ғам кетти, айшни жовидон келди,
Адамдин олами ижод аро хон ибни хон келди.

Башорат сизга, эй аҳли жаҳонким, мулки дунёға
Чароғи маҳфили олтинбешик, Бобирнишон келди.

Зиҳи тифли хумоюнфар, муборак рўй, фарруҳ руҳ,
Жаҳон аҳлиға андин муждаи руҳи равон келди.

Асолат баҳрида зоҳир бўлиб, мавжи карам андин,
Дури якто тирози домани охирзамон келди.

Сафои мақдамидин бўлди хуррам арсаи олам,
Ҳаёти тоза топди мамлакат, гўёки жон келди.

Зафар топти сипаҳ шаҳзода осори қудумидин,
Қилинглар яхшилар шукринки, давлат ройгон келди...

Хирад солоридин тарихи милодин савол этди,
Дедиким нури чашми аҳками соҳибқирон келди.

Дуои хайр этинг, эй аҳли давлат, Нодира янглиғ,
Дамо-дам шукр этинг, шаҳзодаи мулки жаҳон келди.

Эй сарви равон надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуойи хайб этармен,
Мақсудим эрур сени камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар, эй қуёш, заволинг.

Зуҳд аҳлиға салсабилу кавсар,
Басдур менга рашҳаи зулолинг.

Чиқмасди ҳануз хату саводинг,
Мусҳафда муборак эрди фолинг.

Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо синуқ сафолинг.

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,
Йўқдур сени зарраи малолинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ ичинда,
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лофи ишо урарсен,
Машҳури халойиқ, ўлди ҳолинг.

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Ул парвариш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр дардин тортамен,
Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Тан бузулди эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

Оразин кўр, бўлма зулфидин маълул,
Бу жаҳонда ганж йўқдур морсиз.

Берма нисбат қаддиға, эй боғбон,
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз.

Ор қилмас таънаи ағёрдин,
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.

Нодира аҳволидин огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки қолмиш ёрсиз.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874—1919)

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Қолаверса, у ўзбек миллий тарбияшунослик фани ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Маҳмудхўжа Самарқанднинг Бахшитепа қишлоғида 1874 йил 10 мартида дунёга келди. Унинг ота-боболари илмли кишилар бўлиб, араб тилини пухта эгаллаган эдилар. Беҳбудий диний ва замонавий илмларни пухта эгаллаб, халқнинг эътиборига тушди. У тоғаси, Муҳаммад Сиддиқ ҳузурида мирзолик хизматида бўлди. Бу ерда иш юритиш, ҳуқуққа оид ва муфтиликка тегишли барча илмлардан хабар топди. Илмининг тобора ошиши сабабли тезда муфтилик лавозимига кўтарилди. Беҳбудий умрининг охиригача диний таълим ва тарбияни замонавий тарбия билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қилди ва шунга эришди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг «отаси» ҳисобланади. У Самарқандда биринчилардан бўлиб 1904 йилда усули жадид мактабини ташкил қилди. Мана шу мактаб учун қуйидаги дарсликларни ёзди: «Мунтахаби жуғрофияни умумий» («Қисқача умумий география»), «Китоб ат тфл» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Мадхали жуғрофияси умроний» («Аҳоли географиясига кириш»), «Мухтасари жуғрофияи русий» («Россиянинг қисқача географияси», «Ислом амалиёти», «Ҳисоб» ва шу кабилар.

Беҳбудий мактаб ва таълим-тарбия тўғрисида «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Тужжор», «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Турон», «Ҳуррият», «Оина», «Самарқанд», «Меҳнаткашлар товуши», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Вақт» ва бошқа матбуот саҳифаларида кўплаб мақолалар билан чиқишлар қилди. Масалан, «Таҳсил ойи», «Эҳтиёжи миллат», «Самарқанд усули жадида мактаби хусусида», «Мажлис имтиҳон», «Тарих ва жуғрофия», «Самарқанд китобхона ва матбаахона». «Бухорода усул жадида» каби илмий-оммабоп мақолаларида янги усул мактаблари, унинг аҳамияти, ўқитиш тизими янги маориф ва маданиятни ривожлантириш, дунёвий фанларнинг фойдаси, комил инсоннинг тарбияси тўғрисидаги муҳим маърифий фикрларни кузатиш мумкин.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1911 йилда «Падаркуш» номли драма

ёзди. У бу асарида ўзининг севимли мавзуси — барчани илм-маърифатли бўлишга чақириш, илмсизлик балосини даф қилиш ғоясини қаламга олган.

Беҳбудий шогирдлари Мардонқул ва Муҳаммадқул билан 1919 йилнинг баҳорида хорижга кетаётганда Бухоро беклари томонидан қўлга олинади. Улар кофирликда айбланиб, Қарши шаҳрида қатл этилади. Беҳбудий ўлишини сезганидан сўнг, васиятнома ёзиб, Аҳмад исмли кишига қолдиради.

«Мани севар ўртоқларим! Маним сўзларимни қулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб, охир ўн кундан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлига тушуб банди бўлдик. Жадида-кофирлик отини кўтардик. Сипоҳлар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутулмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурби ва Акобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳдум, Абулқодир Шакурий!

Сизларга васият қиламан: маориф йўлинда ишлайтурғон муаллимларнинг бошини сийлангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғига жорий қилингизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз. Маним ўғлонларимга салом етказинглар! Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар!» («Инқилоб», 1923 йил, № 1.)

БЕҲБУДИЙ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

«Падаркуш» (1913) дан

Ўқимоқ қарз ва ҳам илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур.

* * *

Ҳозир янги ва бошқа бир замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқитмоқға сайи қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки, диний шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқимоқни бешикдан мозоргача бизларға фарз қилгандир. Бу ҳукм—ҳукми шариатдир. Биз мусулмонларга алалхусус бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олим, диний, дигари олим замоний; олим диний: имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб халойиқни диний ва ахлоқий руҳоний ишларни бошқарар, бу синфга киратурғон талабалар аввало Туркистонда ва Бухорода илм диний арабий ва бир оз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср

ва Истамбулда бориб, улумий динияни хатм қилсалар керак, токи комил мулло бўлсунлар».

* * *

Олим замони бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмони хат ва саводини чиқариб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини биладурғондан сўнгра ҳукуматимизни низоми мактабларинда бермоқ керакдур: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилғонларидан сўнг, Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, дуктурлик, зокунчилик, инженерлик, судьялик, илми тижорат, илми зироат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир. Россия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва давлат мансабларига кирмоқ лозим. Токи маишат эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва подшоҳлик мансабларига кириб мусулмонларга наф еткурулса ва ҳам давлати Россияга шерик бўлунса, ҳаттоки шул тариқа ўқуган мусулмон болаларини Фарангистон, Амрика ва Истанбул дорилфунунларига тажриба учун юбормоқ керакдур. Ҳазрат пайғамбаримиз: илм Хитойга ҳам бўлса талаб қилингиз, демадиларми?

* * *

Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб, жаҳолат ва нодонликдир, беилмлик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни беилмлик хонавайрон қилди. Ўғлингизни беилмлик Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўқитмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз.

* * *

Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банда қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдир. Беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликни меваси ва натижасидир. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлар-да беилмликдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларнинг йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдур.

* * *

«Миллатни ким ислоҳ этар» (1914 «Ойна» ойномаси № 12) дан

Биз Туркистон мусулмонлари орасинда хилоф шариат одатларни кўплиги ҳар кимга маълумдир.

Қуръони Каримда Умар маъриф (айтмоқ учунму ваъз панд ва насиҳат учун кўп оятлар борлиги уламо ҳазратларига маълумдур. Олам исломни ҳар тарафдаги масжидларда халқ тили илан ваъз ва панд айтмоқ жориядир... Халқни ахлоқ ва исломияси кундан-кун бузилмоқда... халойиққа заруррок ваъзлар керакдур. Бу кун кўпайган бузуқлик ва фасодларни ислоҳи учун ваъз қилмоқ керак. Зарурияти диния ва ахлоқи исломияни аларга... татбиқ қилмоқ керакдур.

* * *

«Ёшларга мурожаат» (1914. «Ойна» ойномаси, № 21)

Бизни Туркистон ва Бухорода бир заиф муҳтарам ёшлар мавжуддурки ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, банк ва корхоналарга котиб, таржимон, молфуруш ва даллоллик ёйинки насиячилик ила машғулдурлар. Ва сизларки озгина илм замони билганингиз албатта наф келтирди. Зотан исломият шундай бир дин қобул тараққийдурки илм замона ўқилса инсонни яна дин исломга шунча аъқидаси мустаҳкам бўлур. Чунончи илм замона кўп ўқиган Европа олимларининг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб турганлари жаридахонларга маълумдир. Бас, собит бўларки, илм замона исломияга зарар қилмоқ нари турсун, фойда этар.

Муҳтарам биродарлар! Сиз хизмат қиладиган идораларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдурган ва сизларга иш бературган кишилар борки, сиздан, беш, ҳатто йигирма даъфа зиёда вазифа олур. Мунга сабаб надур?

Албатта, мунга жавоб берурсизки: бизни устимиздан қарайтурганларни илм замонаси биздан зиёда, меҳнаткашларни илми бизча ҳам эмас. Мана сабаб шудир. Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас маълум бўлдики, ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат ҳукумат ва саноатхоналарга бўлсин керак. Вазифа олмоққа ва иш қилмоққа — илм замона деган нарса лозим экан. Ва ҳар ким бу қадар билғуси вазифа олар экан. Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни агарда хоҳласангизки сиздан кўра тараққий этса дин ва миллатга хизмат этса (дин ва миллатга хизмат илм ва ақча ила бўлур) шу илм замона таҳсил қилмоғи учун ҳаракат қилмоғингиз лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкини сотиб тўй қилганларидек, сизда ҳатто лозим бўлганда мулкингизни сотсангизда ўғлингизни замонча ўқимоғига саъи қилингиз. Тўйга исроф қилинатурган ақчаларни ўқимоқ йўлига сарф қилингиз!

* * *

«Ўқувчиларга ёрдам керак» (1914. «Ойна» ойномаси, № 31)

Ҳозирги замон аҳволига ошно кишиларнинг бошига иш тушганларга барча тужжор ва мансабдорларга албатта маълумдурки,

бизга мувофиқ замона одамлар керак. Яъни мусулмон духтур, мусулмон муҳандис (инженер, планчи) мусулмон закунчи тижоратхоналарда мусулмон (агент иш бошилари, подшоҳлик маҳкамаларида мусулмон маъмурлари, мусулмон судиялари, натарус (муқвлот муҳаррири) банкларда мусулмон саркорлари... керакдир. Агарда биздан мазкур тариқада одамлар етишса тижорат ва маишат ишларинда аларни бизга нафи тегиб яна бизни ҳукуматга яқинроқ этарлар ва ҳозирги замоннинг илм, ҳунар ва маданиятини бизларни орамизга нашр этарлар. Хулоса тараққийимизга боис бўлурлар. Биз хоҳласакки ўзимизни бошқаларнинг маданий ва иқтисодий ютишидан сақланилса, юқоридаги айтилган кишиларни ҳозирлаб, яъни илм замона тайёрламоғимиз керакдур... Мактаб ва мадрасаларнинг усул таълимини ислоҳ қилмоқ кераклиги кўзи очиқ кишиларга маълумдир... Шариатда ҳар бир нафлик илмни ўқимоқ қарз ва лозимдир. Чунончи ҳазрат пайғамбар дейдиларки илм: бири илм бадан, иккинчиси илми дин. Албатта бадан соғ бўлмаса дин иши маътал қолур. Яна дейдиларки: «Ҳакимолар ила аралаш бўлингиз». Бас бу ҳадислардан маълум бўлурки биз мусулмонлар илми тиб ва илми ҳукумат ўқимоқ керак. Илм хурофот ва саноат ҳам фарздур. Қасб фарзун (касб фарздир Н. А.). Ҳар бир фарзнинг илмини билмоқ яна фарздур. Илм дунё доим саъи ва тажриба ила тараққий этар. Масалан, беш юз сана муқаддимки илм тиб ва ҳукумат ила ҳозирги орасида ниҳоят катта фарқ бор. Аввалки мусулмонлар тибни юнон китобларидан ўқиб амалга киргизар эканлар. Энди русча ва фарангчадан ўқиб амалга олинса ва боис бордур? Бир карра ўқиб билдими? Ўзиники бўлди, кетти. Зотан илм муштаракдур. Албатта ҳазрат пайғамбаримизни муродлари илм замона эди. Олайлик бидъати замон ҳазрат пайғамбаримизга йўқ. Ақчалик оталар ҳеч қизғанмасдан болаларини ҳукумат мактабларига бериб ўқитмоқлари лозим. Жамият ҳайриялар барпо этиб ақча жамлаб чақир болаларнида жамият ақчаси ила ўқитмоқлари керак. Замона одамлари етиштирмоқ учун ҳукумат мактабларига, мактабларни ислоҳи учун Оренбург, Қозон, Қрим, Қавказ, Истанбул мактабларига, мадрасаларни ислоҳи учун Макка, Мадина ва Мисрга талаба юбормоқ керакдир... Ёшлардан ҳиммат ва ғайрат, бойлардан шафқат ва марҳамат керакдур.

* * *

«Ибтидоий мактабларнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли» (1914. №38, «Ойна») дан

Ҳақиқатда тараққий ва таомили учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса, умумий ишлар ислоҳ ва тартибга киради деб бўладур. Чунки камроқ бўлса ҳам ислоҳ қилинган мактабдан чиққан болалар ислоҳпарвар бўлурлар. Биз Туркистонларга лозимдурки болаларимизнинг кўз очиб кўратурғон 8—10 йиллар умр сарф қилатурган (дорилтарбия) лари бўлган мактабларнинг ҳолига назар ва диққат ила қарасак хоҳ Бухоро, Самар-

қанд, Тошканд хулоса умум Туркистон шаҳарларинда бўлган мусулмон қариндошларимиз инсоф ила фикр қилсалар мактабларимизни кўп паришон ва боинтизом ҳолда қурурлар. Тахзиб ва тасфир ахлоқ деган нарса мактабларимизда ҳеч йўқ. Муддат таҳсил кўп узоқ бўлганлиги учун кўп кишилар болалари 8—10 йил мактабга қўймайдилар. Чунки қудрат ва истеъдодлари етмайдур. Ҳам мактабларимизда интизом йўқдур. Шунинг учун мактабда юрган болаларимиздан 10—8 нафаридан 2—3 нафари саводли бўлиб чиқадурлар. Мактабларда зўр китоблардан таълим берилмаганлари ва ўқиган китобининг маънисини болаларга билдирмаганлари учун болалар ўқимоқ ва ёзмоқдин бошқа ҳеч бир маълумот олмайдилар. Низом ва тартибга қўйилмаган миллатнинг ҳоли паришон, мозийси барбод ва истиқболи қора ва умидсиз бўладур. Бу кун Бухородa юзларча мадраса ва қарийб 350 қадар ибтидоий мактаблар бордур. Булардан ҳеч бири тартиб ва интизомлик эмас.

Маданият илгари кетган ҳолда илм ҳам тараққий этиб илгари кетадур. Нафис илм санъат жумласидан бўлгани каби таълим ва тарбия равишлари ҳам санъат жумласидандур.

Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат... ҳаёт майдонида тура олмас. Хоҳ ул миллат ҳоким ва хоҳ миллат маҳкум бўлсин, илм маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар тожи бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбурдирлар... Бой бўлган миллат албатта дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, ҳатто миллиятига ва шахсиятига ҳеч ким тега олмайдир. Масалан, сувсиз, ерсиз ҳолда яҳудийларнинг ҳолига қараб ибрат олсак ҳам бўладур. Аларни ҳеч бир мамлакат халқи ўзларининг ерида тургапларига рози бўлиб азон ва жавоб бермайлар. Лекин алар ҳамонда турарлар, аларга қарасак қандай улуғ ва катта шаҳарларнинг энг яхши ва энг тузук жойларида турарлар. Нимага яхши жойларда турарлар? Чунки ёхуд миллати бадавлат ва ҳунармандур. Ҳунарлик ва бой бўлмоқ учун нима лозимдур? Албатта илм ва маърифат лозимдур. Илм ва маърифат учун мактаб ва мадрасаларнинг ислоҳ қилиниб низом ва тартибга киргизилмоғи лозимдир. Ҳунарли ва маърифатли бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлиб дарвишлар қиёфасига кириб, гадойлик қилиб юрмайлар. (Мақола «Ойна» журналида Ниёзий Ражабзода томонидан ёзилган).

* * *

«Таҳсил ва сафар замони таъом» (1915. «Ойна» № 10).

Руҳонийларни жадид мактабларига бола ўқитишга қаршиликда айблайди. Илм олишнинг фойдаси ҳақидаги ҳадислардан мисол келтириб уларни танқид қилади... Илм замона ўқуб замони одами бўлганлар замона ҳол ила тириклик қилганларидек, ҳукумат ишларига аралашиб мусулмонлар ила русларни бир-бирига яхши танишиб ва ҳам икки орани ва икки тонфани тинч ва яқинлиги... бўлурлар.

Азиз биродарлар, ўғил тўйларга сарф қила турган ақчаларингизни шул илм замони йўлига сарф этингиз. Сиздан ўғлингизга мол мерос қолмаса қолмасин, балки албатта илм ва тарбия мерос қолсин.

* * *

«Бизни кемиргувчи одатлар» (1915 «Ойна» № 13) дан

Тўй ва таъзияга сарф қилинатурғон ақчаларимизни биз Туркистонлилар илм ва дин йўлига сарф этсак, қарийб Европаликлардек тараққий этармиз ва ўзимизнинг дунимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ ҳозирги ҳолимизда давом этсак дин ва дунёга залолат ва маснунатдан бошқа насибамиз бўлмайдур.

«Ҳақ олинур, берилмас» (1917, «Ҳуррият», № 22) дан

Яъни, бировга ҳақингиз бўлса ўзингиз саъи ва ҳаракат ила баъзан ғайрат ва қувват сарф этмагунча ололмассиз, онинг учун ман айтаманким, «ҳақ олинур, берилмас», мунга тарихий, шаръи, воқъи кўб далиллар бўлуб, барча аҳли тажрибага маълумдур.

Федератсия, яъни мухторият, биз Туркистон мусулмонлари истаймизким, Русия мамлакатига ёпишуб туруб, хорижий ва ишларга онинг ила бир бўлиб туриб, доҳил ишлар ва тирикчиликларимизни ўзимиз идора этсак, мунинг кайфияти шундай бўлур. Беш вилоят (область) дан иборат Туркистоннинг ҳар бир шаҳар ва уездидан бир неча нафардан киши сайланиб Тошкентда катта марказ бир мажлисимиз бўлурки, барча олур-солиқ ва минбад жорий бўлатурган қонун ва низомномаларни алар тузиб Туркистонда жорий қиладурлар...

Ўзимизни муҳофазатимиз учун миллий жандарма, аскаримиз бўлур. Мамлакат хазинасидан бошқа миллий ва маданий ишларимизнинг масрафи учун ўзимизнинг алоҳида хазинамиз бўлур. Мактаб ва мадрасаларимиз, воқф ва доролқазоларимиз ўз қарамоғимизда бўлур. Хулласи калом, давлат ва сиёсат ишларидан бошқа барча ишларимиз ўз ихтиёримизда бўлур.

* * *

«Бизга ислоҳ керак» (1917. «Нажот» № 18) дан

Эски золим ҳукуматнинг иши ва дин бузгувчи одамлари ва миссионерлари мадрасаларимизни ва мактабларимиз тўғрисинда ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдонига ҳам йўқ ва маҳу бўлмиш чуқурига судрайдурган закунлар вазих этдилар. Мадрасада ҳеч нима билмайдурғон ёш талабаларни мадрасага сайлаб қўйиш тадбирини закун қилиб чиқордилар. Миссионерлар ила бизнинг нафаспараст баъзи уламоларимиз бул мақсад закундан модада зиёда истеъфода этдилар. Уч-тўрт мударрис ўрнига бир мударрис кифоя деб қарор бердилар. Натижада уламо озайди. Ахлоқ бузилди, уламо мусулмонияга жоҳил ва хоинлар сарф-савод-

сиз кишилар қози бўлди. Бошқа тарафга қарасак, қози ва мударрислик учун истеъдод томони бўлган уламомиз ва оч юрадур. Оҳ, золим ҳукумат ва миссионерлар бизга налар қилдилар!

Эски ҳукумат зоҳиро бизни маданий қилмоқ учун «русский туземни» исминда бизнинг учун мактаблар очиб ўз фаҳмларинча бизни дунё ва охиратда нек бахт, яъни насорат (хиристиан) қилатурғон миссионерларга топширдилар... Хуфия приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоқға ва бу қадар имкон амрини зоих ва ўзини ҳайвон қилмоқға фармойиш қиладилар.

Мадфун золим ҳукумат усул жадида мактабларига мониҳ эди. Масалан, Хўжанднинг мавзийига... Турахоновлар бир мактаб очди, Каттақўрғоннинг Пайшанбасидаги руский туземний мактабига муаллим бўлиб турғон мулла Юнусни олиб бордилар. Аммо адолатлик Фарғона инспектори сан самарқандлик деб мактабдан қувиб юборди.

... Бу тафтишлар устидан арз қилатурғон ер йўқ.

* * *

«Таҳсил ойи» (1913. Самарқанд», № 11)

Август ва сентябрь ойиндан бошлаб дунёвий мактаблар, яъни ҳукумат мактаблари ва бошқа миллат болаларининг таҳсилига бошлаганлари кўз олдимиздадур.

Туркистон шаҳарларининг русия қитъаларинда эрта соат еттидан саккизгача диққат ила қараган киши икки синф халқни кўрар.

Биринчиси, етти ёшдан йигирмагача талаба ва толиботларга қўлларинда ўнлаб нусха китоб ва ҳар бири суратлик юриш ила гарва-гарва мактабларга кетарлар. Булар истиқбол учун, фаолият истиҳзоли учун дарс олурлар. Ва мунинг сабаби ила дин ва дунёларини обод этарлар.

... Бу синфга диққат қилғон киши кўрарга... замон одамлари рус, яҳудий, армонидур.

Буларнинг мақобилинда русия қитъаси узгамларинда яна бир синф халқ кўриладурки, устларина оғир юк. Қўлларина бел ва кетмон.. меҳнаткашлик ҳаммол ва маздурлик топмоқ учун корхона ва қадоқхона ва меҳнаткашларга бориб бир кунда йигирма тийиндан бир сўмгача олмоқ учун ва тамом ўн икки соат меҳнат қилмоқ учун кўча-бакўча иш ахтарурлар. Оҳ, на ёмон ҳолат.

Ҳамшаҳари яҳуд, армон, рус болалари оппоқ кийиниб, қўлтиқ-қўлтиқ китоб ила мактабларга кетар экан, бизни болаларимиз на учун кир ва йиртиқ кийим, оёқ яланг бир ҳолда эшик-ба-эшик меҳнат ахтарур. Инсон бу ҳолатларга диққат ила боқса истиқболдан маъюс улур...

... Энди бизларга икки ишдан бири қолур. Яъни алардек замонани илм ва ҳунарларга ёпишмоқ ва ёйинки борлиқ немиралариимизни ҳам қўлимиздан бериб қўймарга ва беҳудаликга сарф этуб аларга хизматкор бўлмоқ.

Бир карра диққат ила шаҳарларга қаралсун. 25 санадан бери савдо ва касбимиз бошқаларга ўтди. Улар биздан уруб олмадилар, ўтуб олдилар...

Мозий — истиқболнинг тарозисудир.

* * *

«Эҳтиёжи миллат» (1913. №26) дан

Бошқа миллатларга қаралса кўрилурга мунтазам мактаблари бор ва ул мактабларда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёга турсоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм фанидан бебаҳра миллат, бошқа миллатларга паймол бўлур.

... Шариат илм мадрасаларга, қонун илми русия дорилфунунларига ўқидур. Дорилфунунга кирмоқ учун аввало ўн сана гимназияга кирмоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўқиб андан ҳуқуқ санаси, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона фақиҳи бўлиб чиқар. Суд маҳкамаларина, давлат доираларинда кириб ҳар бир ҳуқуқ, ўзликни ва ўз миллати ва ўз тоифаси ва ўз ватани ва ўз давлатининг нафига сўйлашур, мудофаа қилур.

Масала давлат думасинда биз Туркистон мусулмонлариндан шундай ҳуқуқ вакил бўлса бизни дин ва миллатимиз нафига ҳаракат қилур. Аммо шундай одам бизда йўқ. Давлат думаси нари турсун судга ва расмий маҳкамаларга кириб бизни мудофаа қилатурғон кишимиз йўқ.

... Туркистон меваси... тоши, туфроғи.. немусалари Европа бозорига кетар. Муни Европа доллори келиб оз баҳога олиб кетар. Меҳнатни биз қилармиз, фойдани улар кўрар. Ўз немирсамизни Европа бозорига элтиб яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Европа ила савдо қилатурғон кишини ўн сана замона илми ўқимоғи лозим.

.... мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва немирсамизни замончи ислоҳи лозимдур.

Абдураззоқ Фақирий

(1880—1925)

Абдураззоқ Фақирий Хивага яқин Бузхона қишлоғида туғилган. Унинг отаси Абдужаббор ўз давриниинг билимдон кишиларидан бўлиб, ўз қишлоғида мактабдорлик ва деҳқончилик билан шуғулланган. У ўғли Абдураззоққа яхши тарбия бериб, унинг хатсаводини чиқариш учун мактабда бошланғич таълим беради, сўнгра эса Оллоқулихон мадрасасида ўқитади. Мадрасада ўқиб юрган кезларида у мустақил равишда Шарқ адабиёти ва мусиқасини, хаттотлик санъати ва араб, форс тилларини ўрганиб, шеърлар

ёзишни машқ қилади. Ўз отасидан наққошлик ҳунарини ўрганиб, бу соҳада ҳам шуҳрат топади.

Абдураззоқ Фақирийнинг шеърларида халқпарварлик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик, яхши одоб-ахлоқ, шахс камолоти ва унинг тарбияси тўғрисидаги ғоялар ифодаланади. Шоирнинг фикрича, инсоннинг одобини белгилайдиган биринчи белги керакли сўзни гапириб, кераксизини ишлатмаслик хусусида таълим берган.

Абдураззоқ Фақирий жоҳиллик ва нодонликни қоралаб, ёшларни бундай салбий хислатларга эга бўлган кишилардан доимо йироқ юришга ундаб, уларни ақлли, илмли кишиларга яқинлашиб, суҳбатидан баҳраманд бўлишга даъват этади.

Шоир дўстлик ҳақида гапириб, ёшларни ўзи ёқтирган одобли, инсофли, диёнатли дўст орттиришга ва унинг фазлидан фақат яхшиликка бошловчи хайрли таъсирларидан баҳраманд бўлишга чақиради. У ёшларни ўзаро яқин муносабатда бўлишга, дўстликка чақирар экан, бир-бирининг сирини ошкор қилмасликка, аксинча ҳамдард бўлишга ундайди.

Айниқса, шоирнинг оилавий турмуш этикаси ва меҳмондорчилик одоби тўғрисидаги фикрлари халқ мулкига айланиб кетганлиги диққатга сазовордир. Унинг ахлоқий-дидактик ғояларининг қимматли ва ҳаётийлиги ҳам ана шундадир.

ФАҚИРИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Тили гўё сўз ичра барча одам,
Туну кун ҳоримас сўзлар дамо-дам,
Ҳаммамиз ҳам улуғ сўзларга хуррам,
Бил энди, ҳақ сухан тинглар киши кам.

Аввал ичра бу нақл ҳам эрур фош,
Неча эр оғзида сақлаб эмиш тош,
Сухан дафъи учундир билки қардош,
Кўрар тилдин неча офат ғариб бош.

Яна дебдур неча бар аҳли ҳикмат,
Дема кўп сўз, агар истарсан иззат,
Ки, хомушлиг эмиш нодонга давлат,
Хатога тил очиб, сўнг чекма ҳасрат.

Фикр қил, кўр шимиб сўзни мазосин,
Дебон билмай яна тортма изосин,
Тилидин нечалар кўрмуш жазосин,
Топиб баъзиси танбеҳу сазосин.

Мажолис ичра ҳар хомуш омондур,
Хижолатга сабаб, бил, бу забондур,
Оғизда тил уюб ётган йилондур,
Агар тебранса, чақмоқдин гумондур.

Бу тилдин нечалар ҳомиш зиёнга,
Неча расво бўлиб жумла жаҳонга,
Нечалар тил сабаб ғарқ ўлди қонга,
Не лозим сир деюб яхши-ёмонга.

Бўлур ақли фузун ким бўлса хомуш,
Ҳамма кайфдин анинг кайфи эрур хуш,
Кел, эй дил, сенда бўлса ақл ила хуш,
Фақир ул, бу шарафдин қолмагил бўш.

Сўзда навбат етса, минг андиша бирла сўзлангиз,
Йўқса хомушлиг улуғ давлат экандур билсангиз.
Ақли маъни суҳбатин иста, бажо қил хизматин,
Меҳнату молингни зоеъ қилма ҳар нодона хорж,
Жоҳилу фосиқ, мунофиқ аҳлидин бўлгил йироқ,
Дўст фаҳм айлаб, аларга қилмагил мардона хорж.

Сирри нихонит десам, бир ёри жоним йўқ менинг,
Дегали холинг нечук, бир меҳрибоним йўқ менинг,
Найлайин девондек, бир маконим йўқ менинг,
Чун қуши беболу пармон, ошёним йўқ менинг,
Новотон ҳаддим дуто бўлгай ғарибман, найлайин.

Дўст жонлардин ҳамиша яхшилиғ айлаб умид,
Бас, ёмонлиғлар кўруб, тун-кунлар ҳайрон бўлмагай,
Аксари авқат нодонларга бўлдим ҳамнишин,
Ҳеч кишининг бу жаҳонда дўсти нодон бўлмагай,
Илтифот эткайлар аммо баъзи жоҳил дўстлар,
Изламон борсанг изингда бўлса ўғлон беғараз.

Ки, чин дўст аямас, бир-биридин моли ила жоним,
Агарчи бўлсалар ҳам бир-бирининг қонига муҳтож.
Эрур нокослик аввалги ул дўстидин жудо бўлмоқ.
Бўлурлар баъзи тоза хомнишин бўлғонига муҳтож.
Дўст бўлғон дунёдин қўл ювса бир-бири учун,
Дўнмайин бир-бирига қилса фидо жон беғараз.

Ким ақил эрса бир ёр ила умрин ўтказур доим,
У нодондур жононни ҳар лаби хандонига муҳтож.
На армондур кишининг бир ва фолиг дил бари бўлса,
Ҳамиша бўлсалар бир-бирининг фармонига муҳтож.

Келса меҳмон тунд вақтингда, очилгил гул каби,
Хуш суханлик қилғил олдида анинг булбул каби.
Сарф этиб бору йўқингни айла хизмат қул каби,
Гар мусибат тушса ҳам рангинг совитма кул каби.

Рўзғоринг шиддатини этма ҳеч меҳмона шарҳ,
Хоҳ таниш, хоҳ ёт келсун, ҳимматингни тут баланд,

Хоҳ фақиру хоҳ ғани, тутғил азизу аржуманд,
Бирга ўн ҳисса натижалар кўрарсан чанд-чанд,
Баъзилар бой келса хўб, қошшоқни қилмас писанд.

Ҳам яна бир шарти бордур, келса меҳмони худо,
Чоқ бўлмоққа келур, бўлгач маконидан жудо,
Шоду хуррам айлабон, кетгунча хизмат қил бажо,
Баъдазон фахр этма, бориси бўлур армон, риё.

Хоҳ келур дўст, хоҳи душман, сийла хандонлиғ била,
Қил тавозе холисанлилло, мардонлиғ била,
Бўлса ҳам гар душманинг, дўст бўлғай асонлиғ била,
Кина кофир феъли аммо қилма нодонлиғ била.

Кўнглин ол, хуллас калом, ким бўлса бўлсун тут адаб,
Еткурур ризқини ғайибдин сенга ул дамда раб.
Бирга нуш эт ҳар таом, гар йўқ эсанг ҳам лабба-лаб,
Бил, бу ишлардур ду олам обрўйингга сабаб.

Ногоҳ истаб келса бир дўстинг, чу қилсанг ижтимоъ,
Неча бўлса ёнида ёт, кетма қилмоққа жимоъ,
Ҳам ёнида ҳеч ким қилма зинах коҳиш низоъ,
Кулли важҳдин хуррам эт, баъзаз узат айлаб видоъ.

Соддалигдин қилма аҳволингни ҳар инсона шарҳ,
Тоза дўстингға ҳамма ҳолинг демак айни хато,
Бўлса бош дош баъзи холинг айла дўст жона шарҳ.

МУНДАРИЖА

Китобхонлар аҳлига (Академик **Иброҳим Искандаров**) 3
Ўзбек миллий таълим-тарбияси анъаналари тарихидан (Профессор Комилжон Ҳошимов) 5
Ўзбек халқ педагогикаси (Профессор Малик Муродов) 11
Ўзбек халқ педагогикасидан намуналар (Доцент З. Ф. Миртурсунов) 22
Зардушт (Профессор **Ҳамиджон Ҳамидий**) 30
Авесто (Профессор **Ҳамиджон Ҳамидий**) 32
«Авесто» дан намуналар 35
Арастунинг Искандарга насиҳати (Форс тилидан фалсафа фанлари докто ри Ҳ. **Алиқулов, Ҳ. Караматовлар** таржимаси) 39
Муҳаммад Алайҳис-салом пайғамбарнинг қисқача таржимаи ҳоли (Филология фанлари номзоди **Сафо Очил, Амир Аҳмад**) 46
Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари 53

ҚАДИМГИ ЎРТА АСРДА ЎЗБЕК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАКТАБИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (VI—VIII АСРЛАР)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Ал Хоразмий (Профессор **Комилжон Ҳошимов, Зафарбек Очилов**) 62
Ал-Хоразмий ижодида математик фанлар (Профессор **А. Аҳмедов**) 63
Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмийининг «Васиятлар китоби»дан (Профессор **А. Аҳмедов**) 69
Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағманий (Зафарбек Очилов) . 78
Имом Ал-Бухорий (Филология фанларя номзоди **Ш. З. Бобохонов**) . 84
Имом Термизий (Филология фанлари номзоди **Ш. З. Бобохонов**) . 90
Аҳмад Фарғоний (Зафарбек Очилов) 92
Розий (Доцент **Абдуқодир Зоҳидов**) 96
Абу Наср Форобий (Академик **М. Хайруллаев**) 101
Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал-Аббос Ал-Хоразмий (Доцент **М. Жуманиёзов**) 110
Абу Райҳон Беруний (А. Ирисов, Э. Тўрақулов) 118
Ибн Сино **(Абдусодиқ Ирисов)** 133
Ибн Сино ҳикматларидан **(Ойдин Имомхўжаева тайёрлаган)** . . . 135
Юсуф хос Хожиб (Профессорлар **К. Ҳошимов. доц. С. Раҳимов**) . . 146
Аҳмад Яссавий (Доцент **Маҳмуд Рўзиқулов, Р. Муҳаммадиева**) . . 164
Аз-Замахшарий (Профессор К. Ҳошимов, Сарвар Очилов, З. Нуридди-нова) 170
Аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар»идан намуналар (Доцент **Убайдулла Уватов** таржимаси) 175
Сулаймон Боқирғоний **(Сарвар Очилов)** 181
Маҳмуд Кошғарий (Фалсафа фанлари доктори **Ҳ. Алиқулов**) . . . 185
Шайх Нажмиддин Кубро (Профессор **К. Ҳошимов**) 194
Жалолиддин Мангуберди (Профессор **Ражаб Жуманиёзов, Сафо Очил**) 191
Бурҳониддин Зарнуджи (Профессор **К. Ҳошимов, С. Раҳимов**) 205
Аҳмад Югнакий **(Абдусодиқ Ирисов)** 207
Паҳлавон Маҳмуд **(Сафо Очил)** 212
Баҳоуддин Нақшбанднинг педагогик қарашлари (Доцент **Иззатулла Тожиев**) 219

XIII—XIX АСРЛАРДА ЎЗБЕК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАКТАБИ ВА АНЪАНАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ

Амир Темурнинг одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ўгитлари (Профессор М. Муродов) 226
Лутфий (Фалсафа фанлари доктори Ҳ. Алиқулов) 239
Улуғбек ва унинг «Зижи» (Профессор Ашраф Аҳмедов) 241
Али Қушчи (Фалсафа фанлари доктори Ҳ. Алиқулов) 249
Алишер Навоий (Профессор К. Ҳошимов, С. Раҳимов) 253
Абдураззоқ Самарқандий (доцент Элмурод Тўрақулов) 264
Муҳаммад Солиҳ (Профессор К. Ҳошимов, Шарофат Авазова) . . 268
Ҳофиз Хоразмий (Фалсафа фанлари доктори Ҳ. Алиқулов) 272
Ҳайдар Хоразмий (Профессор Нурмуҳаммад Қобулов) 276
Ҳожа (Доцент А. Зоҳидов) 278
Бобур (Фалсафа фанлари доктори Ҳ. Алиқулов) 282
Абулғозий Баҳодирхон (Доцент Ш. Авазов, Зафарбек Очилов) . . 287
Мирзо Бедил (Фалсафа фанлари доктори Ҳ. Алиқулов) 313
Турди Фароғий (доцент Абдуқодир Зоҳидов) 317
Роқим (С. Ҳасанов) 320
Муҳаммадниёз Нишотий (Профессор Нурмуҳаммад Қобулов) . . 323
Махмур (Доцент Абдуқодир Зоҳидов) 326
Мунис Хоразмий (Профессор К. Ҳошимов) 329
Муҳаммадризо Огаҳий (Доцент А. Муҳаммаджонов, С. Ҳасанов) . . 341
Нодира (Филология фанлари доктори Маҳбуба Қодирова) . . . 347
Дилшод (Филология фанлари доктори Маҳбуба Қодирова) . . . 352
Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибн Хўжамберди Рожий (Доцент Ф. Р. Юзликаев) 359
Феруз (Филология фанлари номзоди Сафо Очил) 361
Муқимий (Доцент Абдуқодир Зоҳидов) 367
Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий (К. Ҳошимов, А. Муҳаммаджонов) . 371
Фурқат (Доцент Абдуқодир Зоҳидов) 379
Илёс Мулла Муҳаммад ўғли — Сўфи (Профессор Нурмуҳаммад Қобулов) 387
Муҳаммад Шариф Гулханий (Доцент (Абдуқодир Зоҳидов) . . . 391
Комил Хоразмийнинг ҳаёти ва педагогик қарашлари (Роҳат Мадримо 395
Аҳмад Дониш (Фалсафа фанлари доктори Ҳ. Алиқулов) 403
Саидаҳмад Сиддиқий (Доцент М. Фаттаев, Ю. Аҳроров) 406
Аҳмаджон Табибий (Профессор К. Ҳошимов, А. Мусоев) 408
Хоним Халфа (Профессор Сафарбой Рўзимбоев) 413
Анбар Отин (Филология фанлари доктори Маҳбуба Қодирова) . . 416
Аваз Ўтар ўғли (Ф. Расулова) 429
Бердақ (Доцент У. Алеуов) 436
Маҳмудхўжа Беҳбудий (Нормурод Авазов) 447
Абдураззоқ Фақирий (Профессор К. Ҳошимов) 455

ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ АНТОЛОГИЯСИ

Ўзбек тилида

Тузувчи-муаллифлар: **Комилжон Ҳошимов, Сафо Очил**

Муҳаррир *С. Очил*
Рассомлар: *Э. Нурманов, А. Бойназаров, Р. Ризамуҳамедов*
Техн. муҳаррир *Д. Габдрахмонова*
Мусаҳҳиҳа *З. Ғуломова*

ИБ №6734

Теришга берилди 12.12.94. Босишга рухсат этилди 30.06.95. Бичими 60×90¹/₁₆. Тип қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литерат. гарн. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 29,0. Шартли кр.-отт. 39,315. Нашр л. 29,13. 15000 нусхада босилди. Буюртма № 12.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 12—176—94.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

У 31

Ўзбекистон педагогикаси антологияси: Икки жилдлик. Ж. 1. / (Тузувчи-муаллифлар: К. Ҳошимов, С. Очил; Таҳрир ҳайъати: М. Хайруллаев ва бошқ.). — Т.: Ўқитувчи, 1995.—464 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги. Тошкент Давлат педагогика институти «Умумий педагогика» кафедраси.

1. Ҳошимов К., тузувчи.

74.03

№ 401—95
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси
Тираж 7000
Карт. тиражи 14000

Ҳурматли китобхон!

Миллий маърифатимиз ва маънавиятимизнинг, фан ва маданиятимизнинг, таълим-тарбия анъаналаримизнинг қисқача тарихи жамланган «Ўзбек педагогикаси антологияси» номли асар билан танишдингиз. Ўзбек педагог олимларининг бу илк уринишларида айрим камчиликлар бўлиши табиий. Асарнинг ютуқ ва нуқсонлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборсангиз айни муддао бўларди.

Манзилгоиҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
«Ўқитувчи» нашриёти.

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ 1996 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРАДИ:

1. Мир Аммон Деҳлавий. Тузувчи: Б. Омонов. Чор дарвеш қиссаси ёхуд Боғу баҳор. Ҳажми — 10,0 б. т.
2. Ғозиева С. — Расмли топишмоқлар. Ҳажми — 6,0 б. т.
3. С. Очил. Инсон зийнати — одобдир. Ҳажми — 10,0 б. т.
4. Тузувчилар М. Аҳмедов, Р. Саидов. Оила бир гулшанки... Ҳажми — 20,0 б. т.